

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ  
МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РАДИОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОНИКА ВА АЛОҚА  
ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИ**

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚЛАРИНИ ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНИШИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ  
АҲАМИЯТИ**

**Республика илмий-техник анжуманининг  
МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ  
2-қисм**



**2 - часть  
СБОРНИК ДОКЛАДОВ  
Республиканской научно-технической конференции**

**РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ  
ОТРАСЛЕЙ ЭКОНОМИКИ**

**14-15 март 2019 йил**

**ТОШКЕНТ 2019**

**Конференция ташкилий қўмитасининг  
Т А Р К И Б И:**

Тешабаев Т.З.	раис, ректор
Назарова М.Х.	ЎзР Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бўлим бошлиғи
Агзамов Ф.С.	ЎИ бўйича проректор
Ташев К.А.	ИИ бўйича проректор
Умаров Х.П.	МАТИ бўйича проректор
Синдаров Ш.Э.	М ва И бўйича проректор
Хамдамов Р.Х.	ТАТУ ҳузуридаги ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази директори
Махмудов М.М.	“Фан – техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази”- UNICON.UZ директори (келишилган холда);
Иминов Т.К.	“АЛСКОМ” компанияси Бош директори;
Хасанов Н.Н.	Ўзбектелеком” АЖ Бош директори
Рахимов Д.К.	“Ўзинфоком” компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази директори;
Рахматуллаев З.М.	“Электрон ҳукуматни ривожлантириш маркази директори

**ДАСТУРИЙ ҚЎМИТА ТАРКИБИ:**

Исаев Р.И.	“Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси профессори;
Бекмуратов Т.Ф.	ЎзР академиги, ТАТУ ҳузуридаги ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази бош илмий ходим;
Камилов М.М.	ЎзР академиги, ТАТУ ҳузуридаги ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази, лаборатория мудири.
Раджабов Т.Д.	ЎзР академиги, МАТ кафедраси профессори;
Якубов М.С.	АТ кафедраси профессори;
Кучкаров Т.А.	КТ кафедраси доценти;
Бабомурадov О.Ж.	АТДТ кафедраси мудири;
Рахматуллаев М.А.	АКТ кафедраси профессори;
Гуломов Ш.Р.	АХТ кафедраси доценти;
Зиядуллаев Д.Ш.	АТТ кафедраси мудири;
Эшмурадov А.М.	ТИ кафедраси мудири, доцент;
Носиров Х.Х.	ТТ кафедраси мудири;
Мухаммадиев А.Ш.	АТ кафедраси мудири;
Исмаилова Г.Ф.	М ва М кафедраси мудири;
Ганиев А.А.	АХ кафедраси мудири;
Пулатов Ш.У.	МАТ кафедраси мудири;
Ульянова Н.В.	ИТИ ва ИПКТ бўлим бошлиғи;
Алламуратова З.Ж	котиба.

### *3-ШЎБА*

## **ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИ ЯРАТИШ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

## CHEKLI ELEMENTLAR USULI YORDAMIDA UCH O'LCHOVLI SOHANING DISKRET MODELI VA GRAFIK DASTURIY TA'MINOTI.

*SH.O. Sapayev (magistrant, M.Ulugbek nomidagi O'zMU)*

*O.T. Rajabov (magistrant, M.Ulugbek nomidagi O'zMU)*

Bugungi kunda loyihalashtirishni avtomatlashtirish tizimlarini amalyotda chekli elementlar usuli (ChEU) asosida yaratilgan dasturlar paketlarini qo'llash tezkor rivojlanmoqda. Bu usul amaliy masalalarini yechishning avtomatlashtirilgan tizimlari sifatida ishlatilmoqda, bu esa ularni qo'llash chegaralarini kengaytirmoqda va ilmiy jamoa tomonidan bo'lgan qiziqishini oshirmoqda.

Muayyan sohani chekli elementlarga ajratish jarayoni diskretlash deb ataladi. Jismning diskret modeli deganda biz quyidagi to'plamni faraz qilamiz [1-3]:

$$\Omega = \{N, M, MK, MN\},$$

bunda:

N – diskret modeldagi tugun nuqtalar soni;

M – chekli elementlar soni;

MK – tugun nuqtalari koordinatalaridan tashkil qilingan massiv;

MN – chekli elementlarni tashkil qiladigan tugun nuqtalar nomerlaridan tuzilgan massiv.

Diskret modeldagi tugun nuqtalaridan iborat bo'lgan massivning o'lchami  $MK[1..N, 1..V]$ , bunda V – sohaning o'lchami yani bu masalada uch o'lchovli bo'lgani sabab 3 ga teng. Diskret modeldagi chekli elementlarni tashkil qiladigan tugun nuqtalar nomerlaridan tuzilgan massiv o'lchami  $MN[1..M, 1..T]$ , bunda T – chekli elementdagi tugun nuqtalar soni.

Agar soha murakkab bo'lsa, u holda quyidagi amallar bajariladi. Avvalo murakkab soha bir necha elementar soha ostiga ajratiladi. Elementar soha osti deganda biz diskretlash jarayonini avtomatlashtirish imkoni mavjud bo'lgan sohaga aytamiz[2,3].

U holda quyidagi munosabat o'rinli  $\Omega = \sum_{e=1}^r \Omega^e$ , bunda r – elementar sohalar soni; e – elementar sohaning tartib nomeri;  $\Omega^e$  - e – chi sohaning diskret modeli bo'lib quyidagi ko'rinishga ega:

$$\Omega^e = \{N_e, M_e, MK_e, MN_e\}$$

$N_e$  – e – elementar sohadagi tugun nuqtalar soni;

$M_e$  - chekli elementlar soni;


$MK_e$  - tugun nuqtalari koordinatalaridan tashkil qilingan massiv;

$MN_e$  - chekli elementlarni tashkil qiladigan tugun nuqtalar nomerlaridan tuzilgan massiv.

C++ dasturlash tilida yaratilgan dasturiy ta'minot uch o'lchovli ixtiyoriy to'g'ri prizmani chekli elementlar usuli yordamida sohaning diskret modelini yaratadi va diskret model yordamida sohaning grafik tasvirni hosil qiladi [4].

Dasturning asosiy oynasi (1-rasm)da har bir koordinata o'qlarida nechtaga bo'linish qiymatlari yani Z o'qi uchun  $\mathbf{m}$ , Y o'qi uchun  $\mathbf{l}$ , X o'qi uchun  $\mathbf{n}$  va


sohaning boshlang'ich ( $x_0, y_0, z_0$ ) nuqtalari yozilib **Kiritish** tugmasi bosilgandan so'ng har bitta o'q uchun Z o'qi uchun  $m$  ta qiymat, Y o'qi uchun  $l$  ta qiymat, X o'qi uchun  $n$  ta qiymat kiritiladi.



1-rasm. Dasturning asosiy oynasi.


Kiruvchi ma'lumotlar kiritilgandan so'ng **Diskret model** tugmasi bosilsa chekli elementlar usuli yordamida sohani diskret modeli tuziladi va visual studioning **MK** va **MN** nomli dataGridView elementlariga sohaning  $MK_e$  tugun nuqtalari koordinatalaridan tashkil qilingan massiv va  $MN_e$  chekli elementlarni tashkil qiladigan tugun nuqtalar nomerlaridan tuzilgan massiv (2-rasm) qiymatlarini chiqarib beradi.

Diskret model tuzilgandan so'ng dasturda faylga yozish imkoni mavjud buning uchun **File** menyusidan **Save AS** bo'limi tanlanadi.



2-rasm. Diskret model.

Uch o'lchovli sohaning grafik tasvirni hosil qilish uchun diskret model faylga yozilgan bo'lishi kerak chunki sohaning grafik tasviri faylga yozilgan diskret modeldan foydalanib tasvirni hosil qilib beradi. Diskret model faylga yozilgandan so'ng dasturning asosiy oynasidan(1-rasm) **Grafik** tugmasi bosiladi.



3-rasm. Sohaning uch o'chovli grafik tasviri.

Dasturda uch o'lchovli sohaning grafik tasviri(3-rasm) **OpenGL** kutubxonasidan foydolanigan holda hosil qilinadi[5,6]. Dasturda uch o'lchovli sohaning grafik tasvirini koordinata o'qlari bo'yicha aylantirish imkoni mavjud buning uchun visual studio ning **X** o'qi, **Y** o'qi va **Z** o'qi nomli checkbox

elementlari bor qaysi o'q bo'yicha aylantirish kerak bo'lsa tanlanadi va sohani kattalashtirib kichiklashtirish imkoni mavjud.

Foydolanigan adabiyotlar ro'uxati

1. Икки ўлчовли мураккаб соҳанинг дискрет моделини яратиш. Труди научни конференции “Проблеме современной математики” Карши.2011,с 279-281с.(соавт. Полатов А.М , А.М.Икрамов, Оstonov А.А. ).
2. Камель Х. А, Эйзенштейн Г. К. Автоматическое построение сетки в двух- и трёхмерных составных областях // Расчёт упругих конструкций с использованием ЭВМ: Сб.науч.тр.-Л Судостроение, 1974. Т.2, С.21-35.
3. Сегерлинд Л. Применение метода конечных элементов: Пер. с англ. – М.: Мир, 1987. – 374 с.
4. Андрей Александреску. Современное проектирование на C++. Обобщенное программирование и прикладные шаблоны проектирования. Москва Санкт-Петербург Киев 2002

## **BIR, IKKI HAMDA UCH O'LCHOVLI SOHANING DISKRET MODELINI OBYEKTGA YO'NALTIRILGAN PROGRAMMALASH (OYP) TEXNOLOGIYASI ASOSIDA QURISH**

*N. R.Beshimov (magistrant, M.Ulugbek nomidagi O'zMU)*

*O. T.Rajabov (magistrant, M.Ulugbek nomidagi O'zMU)*

*Masalaning qo'yilishi:* faraz qilaylik bizga ma'lum bir o'lchovli soha berilgan bo'lsin. Uning diskret modelining tuzishning dasturiy ta'minoti OYP asosida yaratish talab qilinsin.

Elementar soha deganda sohaning diskret modelini tuzish jarayonini avtomatlashtirish mumkin bo'lgan sohaga aytiladi.

Sohani diskret modelini hosil qilishdan maqsad o'sha soha ustida bo'ladigan jarayonlar haqida yanada aniqroq ma'lumotga ega bo'lishdir. Misol uchun o'sha sohaga tushadigan bosim natijasida yuz beradigan deformatsiyani, intensivlikni mukammalroq aniqlash imkonini beradi. Sohani vizuallashtirish esa bu jarayonlarni tasavvur qilishda qo'l keladi.

Bu programma ta'minotimiz bizga  $\Omega$  ni topib beradi. Quyida  $\Omega$  nimalardan tashkil topgani keltirilgan.

$$\Omega = \{ N, M, MK, MN \}$$

Bu yerda,

N -tugun nuqtalar soni;

M -chekli elementlar soni;

MK -tugun nuqtalar koordinatalari;

MN -har bir chekli elementdagi tugun nuqtalar nomerlari.

$\Omega$  - to'plam esa ko'rilyotgan sohaning diskret modelidir;

Bu yerda,


$$N=(m+1)(n+1);$$

$$M=(n*m)$$

1-rasmda programmamiz ko'rinishi aks etgan. Bunda biz avvalo o'zimizga kerakli fazoni tanlaymiz. Shundan so'ng bizni fazomizga mos holda kerak bo'ladigan parametrlarni kiritish uchun joy ochiladi. O'ngda parametrlarni to'g'ri kiritish uchun yordam sifatida rasm chiqadi.


Bu yerda

$x_n$  – bu kesmamizni nechta sohaga bo'linish kerakligi kiritiladi va bunga mos holatda pastda nisbatlarni kiritish mumkin bo'lgan panel ochiladi. Bu ikki yoki uch o'lchovli fazonlarni tanlaganda ham amalga oshadi. So'ngra biz kiritgan nuqtalar orqali hozir qilingan shaklni mos intervallarga bo'lingan holatda chizmasini chiqarib beradi.




1-rasm


Yanada aniqroq tushunish uchun quyida kiritilgan parametrlar natijasini rasm ko'rinishida keltirilgan:



(bir o'lchovli uchun)



(ikki o'lchovli uchun)



(uch o'lchovli uchun)

Bir o'lchovli jismlar uchun diskret modelini qurishda bizga 2ta boshlang'ich va ohirgi nuqta koordinatalari hamda bo'linishlar soni va nisbati beriladi. Buni yechish uchun biz avval Bir\_U nomli class yaratamiz.

Unga yuqorida aytilgan parametrlarni beramiz. Biz keyin nuqta koordinatalarini o'zida saqlovchi nuqta nomli strukturani e'lon qilamiz. nuqta strukturamizda 3ta maydon bo'lib, u koordinata o'qida x, y va z qiymatlarini saqlaydi. NUQTALAR () funksiyamiz esa chiziqni biz yuborgan parametrlarga mos tartibda bo'lib uning koordinatalarini massiv turida qaytaradi.

Keyingi class imiz IKKI\_ULCHOVLI nomli bo'lib bir o'lchovli fazoni hisoblab beradigan klasimizdan vorislik oladi. Sababi ikki o'lchovli sohani hisoblash uchun ham yuqoridagi kabi ba'zi funksiyalarni ishlatishga to'g'ri keladi.

3-klassimiz esa UCH\_ULCHOVLI deb nomlangan bo'lib IKKI\_ULCHOVLI klasimizdan vorislik oladi.

Uch o'lchovli sohani grafigini C++ da OpenGL kutubxonasi yordamida chizish qulay hisoblanadi.

Keyin "Faylga yozish" degan knopka hosil bo'lgan nuqtalar tartibi va koordinatlarini faylga saqlab qo'yadi.

## MATNLI MA'LUMOTLARGA NOANIQ IZLASH ALGORITMLARI YORDAMIDA DASTLABKI QAYTA ISHLOV BERISH

*J. J. Karimov (M. Ulug'bek nomidagi O'zMU)*

*Kirish.* Matnli hujjatlar bilan ishlashda bir qancha muammolar mavjud. Birinchidan, barcha matnlar turli strukturali bo'ladi, ularni aynan bir qoida asosida qayta ishlashning imkoni yo'q. Ikkinchidan, ma'lumotlar hajmi chegaralanmagan. Bunda ma'lumotlarni qayta ishlash, ulardan foydalanishda muammolar yuzaga kela boshlaydi. Bu muammolarni bartaraf etish uchun ma'lumotlar dastlab ma'lum strukturaga keltiriladi va dastlabki qayta ishlov beriladi. Strukturaga keltirish uchun bir qancha algoritmlar mavjud. Bulardan biri n gramm algoritmi. Bu algoritm hozirgi kunda matnli ma'lumotlarni qayta ishlashda keng qo'laniladi. Jahoning yirik analitik kompaniyalari Google va Yandekslar ham aynan shu algoritmdan keng foydalanadi.



Matnli ma'lumotlar nisbatan murakkabroq muammolarni hal qilishda kutilmagan natijalar bilan yanada kengaydi. Yanada murakkab uslublar, xususan, turli tadqiqot sohalaridagi usullarning kombinatsiyasi, axborotni qidirish, kompyuterni o'rganish, statistika ma'lumotlarini tahlil qilish, ma'lumotlarni uzatish, tabiiy tillarni qayta ishlash, semantik texnologiyalar.

Matnli ma'lumotlarga dastlabki qayta ishlov berishda metodlar chegaralangan. Ko'proq alomatsiz anglash algoritmlari mos tushadi. Alomatsiz algoritmlar uchun berilganlar "obyekt-xossa" ko'rinishidagi jadval shaklida berilishi shart emas.

*Noaniq qidirish algoritmlari.* Noaniq qidirish - har qanday qidiruv tizimining juda foydali xususiyati. Shu bilan birga, uni samarali amalga oshirish oddiy izlashni aniq tasodif bilan amalga oshirishga qaraganda ancha murakkab.

Noaniq qidirish algoritmlari metrik bilan ifodalanadi - ikki so'z o'rtasidagi masofaning funktsiyasi, bu esa ma'lum bir kontekstdagi o'xshashlik darajasini baholash imkonini beradi. Metrikaning qat'iy matematik ta'rifi uchburchakning tengsiz holatini kutish zaruriyatini o'z ichiga oladi ( $X$  so'zlarning to'plami,  $p$  metrik

$$\rho(x, y) \leq \rho(x, z) + \rho(z, y), \quad x, y, z \in X.$$

Boshqa tomondan, ko'p holatlarda metrika ushbu shartni bajarishni talab qilmaydigan umumiy tushunchani bildiradi, bu tushuncha masofa ham deyish mumkin. Hamming, Levenshtein va Damerau-Levenshtein masofalari eng mashhur metrikalardandir. Bundan tashqari, Hamming masofasi faqat bir xil uzunlikdagi so'zlar to'plamida o'lchovdir, bu uning ko'lamini qattiq cheklaydi.

*N-gramm usuli.* Ushbu usul uzoq vaqt oldin ixtiro qilingan va eng keng tarqalgan usul bo'lib, uni amalga oshirish juda sodda va juda yaxshi ishlashga imkon beradi. Algoritm printsipga asoslangan:

"Agar"  $A$  "so'zi bir necha xatolarni hisobga olgan holda"  $B$  "so'ziga mos keladigan bo'lsa, unda yuqori ehtimollik bilan ular kamida bitta umumiy uzunlikni  $N$ " ga ega bo'ladi.  $N$  uzunlikdagi ushbu pastki chiziqlar  $N$ -gram deb ataladi. Indeks-lash vaqtida so'z  $N$ -grammga bo'linadi va keyinchalik ushbu  $N$ -grammlarning har biri uchun so'zlar ro'yxatga tushadi. Qidiruv vaqtida so'rov shuningdek  $N$ -grammga bo'linadi va ularning har biri navbat bilan subkriptni o'z ichiga olgan so'zlar ro'yxatida izlanadi. Amaliyotda eng ko'p qo'llaniladigan trigrams – uzunligi 3 ga teng satrlar.  $N$  qiymati tanlanishi minimal so'z uzunligi bo'yicha cheklashlarga olib keladi, bu yerda xatolarni aniqlash mumkin. Eng ko'p vaqt talab qiluvchi va qimmatli axborotni qayta ishlashdan biri imlo xatolarini aniqlash jarayonidir. Kompyuterlarga kiritilgan ilmiy va texnik axborot hajmining barqaror o'sishi bilan bir qatorda ushbu muammoning keskinligi ham oshib bormoqda. Shu sababli, so'nggi yillarda ushbu muammoga qiziqish kuchaydi va hozirgi kunda ham, mamlakatimizda ham, chet ellarda ham ushbu muammoni qisman yoki to'liq hal etishga imkon beradigan turli xil uslublar ishlab chiqildi.

o  $N$ -gram, amaldagi harflar birikmasidan foydalanishga asoslangan;

o atamalar va chastota lug'atlaridan foydalanishga asoslangan so'zlashuv.

Soʻzlashuv tizimlarida imlo xatolarini aniqlash hujjat matnlarini soʻzma-soʻz tekshirishga asoslanadi. Tanlangan soʻz shakllari morfologik tahlil usuli bilan kanonlanadi va bu soʻz shakllari mos yozuvlar lugʻatining soʻz shakllari bilan taqqoslanadi. Ushbu amaliyotdan soʻng foydalanuvchi toʻgʻri va notoʻgʻri soʻzlar roʻyxatini taqdim etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Игнатъев Н.А. Интеллектуальный анализ данных на базе критериев оценки истинности гипотезы о компактности 2016
2. Дюк В.А. Формирование знаний в системах искусственного интеллекта: геометрический подход // Вести. Акад. Техн. Творчества. Спб 1996 №2

## **TASHQI IQTISODIY FAOLIYATDA ELEKTRON TIZIMLARDAN FOYDALANISH AFZALLIKLARI**

*S.R. Matvapayev (M. Ulugʻbek nomidagi OʻzMU)*

*Annotatsiya:* Mazkur maqolada Oʻzbekiston Respublikasi sharoitida Tashqi iqtisodiy faoliyat bilan shugʻullanuvchi shaxslar uchun yaratilgan qonunlar va bu borada yaratilgan Custom Management dasturi va uning boshqa analoglardan farqi haqida soʻz yuritilgan.


*Tayanch soʻzlar:* dastur, tadbirkorlik, bojxona, subyekt, savdo, iqtisod, elektron, tizim, foydalanuvchi.

Bojxonada tovarlarni elektron deklaratsiyalash va tadbirkorlik faoliyatiga keng yoʻl ochib berish maqsadida Oʻzbekiston Respublikasida juda katta islohotlar olib borilmoqda, bundan tashqari bir qancha qaror va farmonlar qabul qilingan boʻlib, bularning barchasi ishbilarmonlik muhitini tubdan yaxshilash, tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirish uchun eng qulay shart - sharoitlarni yaratish uchun xizmat qiladi. Jumladan, Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan 2012 - yil 29 - dekabrda "Tovarlarini bojxonada elektron shaklda rasmiylashtirish tartibi toʻgʻrisida"gi 370 - sonli qarori, Oʻzbekiston Respublikasining 2016 - yil 20 - yanvardagi OʻRQ - 400 - son "Oʻzbekiston Respublikasining bojxona kodeksini tasdiqlash toʻgʻrisida"gi qonuni, Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 - yil 31 - iyuldagi 605 - son "Tovarlarini bojxonada elektron shaklda deklaratsiyalash tartibini yanada takomillashtirish toʻgʻrisida" qarori shular jumlasidandir.

Yuqorida aytib oʻtilgan qonunlar ijrosini taʼminlash hamda tashqi iqtisodiy faoliyat bilan bogʻliq ishlarda inson omilini kamaytirish maqsadida tashqi iqtisodiy faoliyatda elektron deklaratsiyalar tizimi, yaʼni *Custom Management* dasturi ishlab chiqilgan. Bu dastur yordamida chet eldan import qilinadigan tovarlar uchun qoʻshimcha toʻlanadigan soliq turlari va ularning miqdorini oldindan baholash imkonini beradi.

Foydalanuvchi dasturga kirgandan keyin, shartnoma (CONTRACT) tuzadi, tuzilgan shartnoma boʻyicha qanday soliq turlarini toʻlash kerakligi, hamda toʻlanadigan soliqlar miqdorini dastur avtomatik tarzda aniqlab beradi. Bundan

tashqari shartnomada ko'rsatilgan mahsulotlarni to'langan soliqlar bilan birga umumiy hisobdagi summasi va joriy davrdagi bozor narxi bilan solishtirish imkoniyati ham mavjud. Buning natijasida foydalanuvchi sotib oladigan mahsulotini oldindan bozor narxi bilan solishtirish, ya'ni import qilinadigan mahsulotlar uchun foyda va zarar miqdorini taxminiy bashorat qilish imkoniyatiga ega bo'ladi.



*1-rasm. Dasturga kirish oynasi*

Bu dasturdan foydalanish uchun oldin ro'yxatdan o'tish zarur.



*2-rasm. Ro'yhatdan o'tish oynasi.*

Ro'yxatdan o'tgandan keyin foydalanuvchi o'zining login va paroli yordamida dasturga kirishi mumkin bo'ladi



*3-rasm. Dasturning asosiy oynasi.*

Yuqorida aytilgan vazifalarni, xususan bojxonadan o'tuvchi tovarlarni elektron ro'yxatdan o'tkazish uchun bir qancha dasturlar yaratilgan. Ulardan biri gov.uz saytida keltirilgan *E-Kontrakt* dasturidir. Ushbu dastur yordamida tashqi iqtisodiy faoliyat qatnashchilari shartnomalarni O'zbekiston Respublikasining

yagona elektron axborot tizimi bazasida qayd qilishlari mumkin. Custom Management dasturining E-Kontrakt dasturidan farqi shundaki, E-Kontrakt dasturida mahsulotga buyurtma beriladi, lekin soliq turlari va ularning miqdori hisobga olinmagan va foydalanuvchilar E-IMZO orqali ro'yxatdan o'tishlari shart. Custom Management dasturida esa foydalanuvchidan dasturga kirish uchun E-IMZO talab qilinmaydi, faqat o'zining login va paroli orqali dasturga kirish imkoniyatiga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Karimov I.A. «O'zbekiston buyuk kelajak sari» Toshkent. «O'zbekiston», 1998 y.
2. O'zbekiston Respublikasi Soliq Kodeksi. Toshkent, 2000 y.
3. Jo'raev A.S., Kuzieva N.R. "Markaziy Osiyo davlatlari soliq tizimi" – o'quv qo'llanma. Toshkent – 2005

## **O'Z O'ZINI TASHKIL QILUVCHI KOHONEN NEYRON TARMOG'IDA KLASTERIZATSIYA**

*J.Q. Odilov (magistrant, M. Ulugbek nomidagi O'zMU)*  
*A.X. Ishmuhammedov (dotsent, M. Ulugbek nomidagi O'zMU)*

Kohonen neyron tarmoqlari deganda o'z-o'zini tashkil etuvchi neyron tarmoqlarni nazarda tutiladi. O'z-o'zini tashkil qiluvchi neyron tarmoqlari ma'lum umumiy xususiyatlarga ega kirish vektorlarining klasterlarini (guruhlarini) aniqlash imkonini beradi.

Klasterizatsiya- bu tekshirilayotgan obyektlarni "o'xshash" obyektlar klasterlar deb nomlangan guruhlariga ajratilishi. "Klaster" atamasi (Inglizcha Klaster - paket, guruh) sinf, guruh atamalariga sinosim atamadir. Klasterizatsiya usuli klassifikatsiya usulidan tubdan farq qiladi. Klassifikatsiya usuli yechimi predmetlarning har biriga predmet sinflardan biriga tayinlashdir. Klasterizatsiya vazifasida obyekt oldindan aniqlanmagan sinflardan biriga tayinlanlash. Klasterlardagi obyektlarning klaster-larga ajratish bir vaqtning o'zida klasterlar shakllanishi bilan amalga oshiriladi.

Klasterizatsiya, ma'lumotlarni yig'ish vazifalarini bir qator hal qilishni osonlashtiradigan o'xshash ma'lumotlarni to'plash imkonini beradi.

- Ma'lumotlarni tahlil qilish, tahlil qilishni osonlashtirish. Olingan guruhlarini mazmunli tahlil qilish qonuniylikni aniqlash imkonini beradi. Masalan, siz uyali aloqa tarmog'i mijozlarini aniqlashingiz mumkin, ular uchun yangi tarif rejasini taklif qilishingiz mumkin. Boshqa misollar - savdo tarmog'ining xaridor guruhlarini aniqlash, bozorni segmentlash. Klaster tarkibining tahlili turli xil guruhlarining obyektlariga tahlilning turli usullarini qo'llash imkonini beradi.


- Prognozlash. Klasterlardan biriga yangi obyektini tayinlash orqali, uning xatti-harakati klaster obyektlarining xatti-harakati bilan o'xshash bo'lgani uchun, obyekt xatti-harakatlarini oldindan belgilashingiz mumkin.

- Anomaliyalarni aniqlash. Guruhlarini to'g'ri aniqlanishi anomaliyalarni aniqlashga yordam beradi. Odatda, bu klaster, yerda juda oz narsalar tushadi.

Har biri  $m$  ta alomatdan iborat  $x_i = (x_{i1}, x_{i2}, \dots, x_{im}), i=1, 2, \dots, n$  vektorlar berilgan. Natijada kirish vektorlarini alomatlari bo'yicha bir-biriga o'xshash vektorlardan iborat klasterlarga ajratish kerak (1-rasm). Kohonen neyron tarmog'ida klasterlarga ajratish algoritmi quyidagicha.

1-bosqich. Barcha  $x_{ij} (i=1, 2, \dots, n, j=1, 2, \dots, m)$  kirish vektorlari  $[0:1]$  oraliqda o'tkazib (bu natijani tezroq topishga imkon beradi chunki  $[0:1]$  oraliqda amallar katta sonlarga nisbatan kamroq kompyuter vaqtini oladi) normallashtiriladi.

2-bosqich. O'qitish uchun  $w_{ij} (i=1, 2, \dots, s, j=1, 2, \dots, m)$  (bu yerda  $t$ -klasterlar soni) vazn vektori koeffisientlari  $[0:1]$  oraliqdan tasodifiy tanlab olinadi



1-rasm. Kohonen neyron tarmog'ining strukturasi.

3-bosqich. O'qitish uchun tasodif kirish vektori tanlanadi va  $k=1$  bo'ladi.

4-bosqich. Tanlangan kirish vektorining barcha neyronlarining har bir klaster-gacha bo'lgan Yevklid masofasi hisoblanadi.

$$d_j = \rho(x, w_j) = \|x - w_j\| = \sqrt{\sum_{i=1}^m (x_i - w_{ij})^2} \quad (1)$$

bu yerda,  $x_i$  - tanlangan vektorining  $i$ - neyron kirishi,  $w_{ij}$  -  $i$  - neyronning  $j$ - klaster-ga kirishining vazn koeffisienti,  $m$  - neyronlar soni,  $d_j$  - klastergacha bo'lgan masofasi

5-bosqich.  $d_j$  lar orasidan eng kichik masofagi neyron topiladi va u g'olib neyron hisoblanadi.

$$\min_{1 < j < m} d_j = \min_{1 < j < m} \|x - w_j\| = \min_{1 < j < m} \sqrt{\sum_{i=1}^m (x_i - w_{ij})^2} \quad (2)$$

6-bosqich. G'olib neyron topilgandan keyin  $j$ -klasterdagi vazn koeffisientlari o'zgartiriladi.

$$w_{ij}^{k+1} = w_{ij}^k + a(k)(x_i - w_{ij}^k) \quad (3),$$

$$a(k) = a_0 e^{-k/\lambda}$$

bu yerda,  $w_{ij}^k$  - ( $k$ ) - qatlamdagi vazn koeffisienti,  $x_i$  - kirish vektorini  $i$ -neyroni,  $a(k)$  - o'qitish tezligi koeffisienti,  $w_{ij}^{k+1}$  - ( $k+1$ ) - qatlamdagi vazn koeffisienti .

7-bosqich. Agar  $k < N$  bo'lsa 4-bosqichga o'tiladi, aks holda 3-bosqichga o'tiladi.

8-bosqich. Agar kirish vektorlarini hammasi ko'rib chiqilgan bo'lsa algoritm tugaydi.

Hosil bo'lgan Kohonen neyron tarmog'idan foydalanib o'z o'zini tashkil qiluvchi Kohonen xariasini tuziladi. Kohonen xaritasi natijani visual ko'rish uchun juda qulay usuldir.

## Foydalanilgan adabiyotlar


1. Кохонен Т. Самоорганизующиеся карты//М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2008.

2. Уоссермен Ф. Нейрокомпьютерная техника: теория и практика //М. : Мир, 1992.

## ANSYS DASTURI YORDAMIDA QUVUR BOSIMINING OSESIMMETRIK TAHLILI

*N.R.Beshimov (magistrant, M.Ulugbek nomidagi O'zMU)*

Quyida ko'rsatilgan quvur chugundan ya'ni quyma temirdan tayyorlangan ( $E=14,5 \text{ M Pa}, \nu=0.21$ ) va ichki bosim  $p=1700 \text{ Pa}$  ga teng. ANSYS dasturida uzunlik o'lchov birligi uchun dyuym ya'ni inglizchasiga "in" o'lchov birligi bilan ishlash qulay shuning uchun uzunlik o'lchovi uchun in qo'llaniladi. Silindrsimon idishning ichki diametri 8 in gacha va uning o'lchamlarini 1-rasmda ko'rishimiz mumkin.



1-rasm Jism modeli va o'lchamlari

Ushbu masalada ANSYS dasturi yordamida jism ichki bosim ta'sirida devorlarning kengayishini baholaymiz va bosim ta'sirining visual korinishini hosil qilamiz. Jism tuzilishi bitta markaziy o'qqa nisbatan simmetrik bo'lganligi uchun uni va chekli elementlari 8 ta tugunli to'rtburchak elementlardan iborat osesimmetrik ko'rinishda yechamiz. Silindr jism markaziy o'qqa nisbatan simmetrik bo'lgani uchun uning to'rtidan bir qismi uchun masala yechimini hosil qilamiz.

*ANSYS dasturida tahlil:* ANSYS dasturini ishga tushiramiz va unda quyidagi boshlang'ich amallarni bajaramiz.

*Utility Menu->File->Change Jobname...->*kiritamiz "osesimmetrik\_masala"->OK

*Utility Menu->File->Change Title...->*kiritamiz "Silindr ichki bosimining osesimmetrik tahlili"->OK

*ANSYS Main Menu->Preference->Preferences for GUI Filtering->*tanlaymiz "Structural" va "h-method"->OK

Jismning geometrik modelini yaratish uchun *Preprocessor* bo'limiga kiramiz:

Element turi va xususiyatlarini aniqlaymiz.

*ANSYS Main Menu->Preprocessor->Element Type->Add/Edit/Delete->*tanlaymiz *Solid Quad 8 node 82 (PLANE82)->OK->Click Options...->*K3 uchun "Axisymmetric" ni tanlaymiz.->OK->Close.

*ANSYS Main Menu->Preprocessor->Material Props->Material Models->2 marta bosiladi->Structural->Linear->Elastic->Isotropic->EX uchun 14.5e+6 va PRXY uchun 0.21 kiritamiz va OK ni bosamiz.*

*Geometrik modelni chizib boshlaymiz:*

*ANSYS Main Menu->Preprocessor->Modeling->Create->Areas->Circle->Solid Circle->WP X uchun 0 va WP Y uchun 4, Radius uchun 4 kiritamiz->Apply->WP X va WP Y uchun 0 va Radius uchun 4.25 kiritamiz->OK.*

*ANSYS Main Menu->Preprocessor->Modeling->Operator->Booleans->Subtract->Areas->sichqoncha orqali katta aylana yuzasini tanlaymiz->OK->kichik aylana yuzasini tanlaymiz->OK*

*Aylana markazidan o'tuvchi to'g'ri chiziqlar bilan aylanani to'rt qismga ajartamiz.*

*ANSYS Main Menu->Preprocessor->Modeling->Create->Lines->Lines->Straight line->katta aylananing ikki chetini X o'qiga parallel qilib tutashtiramiz va Y o'qi bo'yicha ham huddu shunday qilamiz->OK*

*ANSYS Main Menu->Preprocessor->Modeling->Operator->Booleans->Divide->Area by Lines->joriy yuzani tanlaymiz->OK->yuzani to'rtga ajratgan ikki chiziqni tanlaymiz->OK.*

*ANSYS Main Menu->Preprocessor->Modeling->Delete->Area and Below->aylananing 3 ta bo'lagini tanlaymiz->OK.*

*Silindrning qolgan qismini chizamiz:*

*ANSYS Main Menu->Preprocessor->Modeling->Create->Areas->Rectangle->By Dimensions-> X koordinatalar uchun 4 va 4.5, Y koordinatalar uchun 0 va 7.75 kiritamiz->Apply-> X koordinatalar uchun 4.25 va 4.5, Y koordinatalar uchun 6.75 va 7.75 kiritamiz->OK.*

*ANSYS Main Menu->Preprocessor->Modeling->Create->Areas->Circle->Solid Circle->WP X uchun 4, WP Y uchun 2 va Radius uchun 1/8 kiritamiz->OK*

*ANSYS Main Menu->Preprocessor->Modeling->Operator->Booleans->Subtract->Areas->katta to'rtburchakni tanlaymiz->OK->kichik to'rtburchakni tanlaymiz.*

*ANSYS Main Menu->Preprocessor->Modeling->Operate->Booleans->Add->Areas->"Pick All" ni tanlaymiz->OK.*

*Hosil bo'lgan shakldagi 90 gradusli qirralarni yoyga aylantirib chiqamiz:*

*Utility Menu->Plot->Lines*

*Utility Menu->PlotCtrls->Numbering...->"Line number" ni belgilaymiz->OK*

*ANSYS Main Menu->Preprocessor->Modeling->Create->Lines->Line Fillet->to'rtburchak bilan aylana uchi tutashgan joyda to'g'ri burchakni tashkil qilgan va tashqi tomon devorlarini hosil qiluvchi chiziqlarni belgilaymiz->OK->"Fillet radius" uchun 1/16 kiritamiz->Apply->to'rtburchakning yuqori qismi burchagini hosil qiluvchi chiziqlarni tanlaymiz->"Fillet radius" uchun 1/4 kiritamiz->OK.*

*Yuzani chekli elementlarga ajratish*

*ANSYS Main Menu->Preprocessor->Meshing->MeshTool->"Size Controls:Global" set tegmasini bosamiz va "Element edge length" uchun 0.1 kiritamiz->OK->"Mesh" ni bosamiz,sichqoncha orqali yuzani tanlaymiz->OK.*

*Chegaraviy shartlar va kuchlarni aniqlaymiz*

ANSYS Main Menu->Solution->Analysis Type->New Analysis->Static

Qaralayotgan jismning  $\frac{1}{4}$  qismini ko'rayotganimiz uchun uning simmetrik qismlarini belgilaymiz:

ANSYS Main Menu->Solution->Define Loads->Apply->Structural->Displacement->Symmetry B.C->On Lines->Shaklimizning tepa qismi simmetrik bo'lgani uchun uning tepa qismini belgilaymiz->OK

ANSYS Main Menu->Solution->Define Loads->Apply->Structural->Pressure->On Lines->slindrning ichki devorlariga tegishli barcha chiziqlarni sichqoncha yordamida belgilab chiqamiz->OK->"Load PRESS value" uchun 1700 kiritamiz->OK


Natijalarni saqlaymiz va berilgan parametrlar orqali yechimni chiqaramiz:

ANSYS Toolbar->SAVE\_DB

ANSYS Main Menu->Solution->Solve->Current LS->OK

Natijani vizul ko'rinishini ekranga chiqaramiz:

ANSYS->Main Menu->General Postproc->Plot Results->Deformed Shape->Def+undeformed ni tanlaymiz->OK.



2-rasm Qo'yilgan bosim tasir kuchlarining vizual ko'rinishi  
Foydalanilgan adabiyotlar

1. Бруйка В.А. - Инженерный анализ в Ansys Workbench
2. Zienkiewicz O.C, Taylor R.L "The finite element methods"

## NUTQ SIGNALLARGA RAQAMLI ISHLOV BERISH NAZARIYASI VA TEKNOLOGIYASI

*F.B. Abdurazzoqov (assistant, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU)*

*Yu.Sh. Yuldoshev (doktorant, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU huzuridagi  
AKT IIM)*


*P.B. Nurimov (assistant, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU NF)*

Malumki, nutq signallarga raqamli ishlov berish nazariyasi(bundan keyingi satrilarda NSRIBN deb yuritiladi) va texnologiyasi va umuman kompyuter fanining rivojlantirish tarixi butunlay diskret elektronika va kompyuter texnologiyalari sohasidagi yutuqlar bilan bevosita bog'liqdir. 1940-yillardagi dastlabki kompyuterlarning paydo bo'lishi bilan hisoblash matematikasining yangi fundamental ilmiy sohasining paydo bo'lishi real sektorga aylandi. Uning qismlari raqamli ma'lumotlarni qayta ishlash uchun kompyuter algoritmlari deb hisoblanishi



mumkin edi. Biroq, o'sha yillarda ishlatilgan kompyuterlarning cheklangan hisoblash resurslari real vaqtda ma'lumotlarni qayta ishlashni imkoni yo'q edi. Faqat real jarayonlarni modellashtirishda ishlatish mumkin edi. 1960-yillardagi kichik kompyuterlar sinfining paydo bo'lishi bilan birga, asosan real vaqtda nazorat qilish va ma'lumotlarni qayta ishlash muammolarini hal etishga qaratilgan vaziyat tubdan o'zgarib boshladi.. Shu vaqtdan boshlab, NSRIB nazariyasi muammolari va vazifalari mustaqil ilmiy soha sifatida shakllanib bordi.

Nutq signallarni raqamli filtrlash va spektral tahlili. NSRIB nazariyasi asosan shu (1965-1975) yillarda o'rganilgan. Nutq signallarni raqamli filtrlash va spektral tahlili (1-rasm) da keltirilgan.




1-rasm. Raqamli filtrlash va spektral tahlillar o'rtasidagi bog'lanishlar

Raqamli chastotalarni tanlash filtrlarning sintezi sohalarni rivojlantirish uchun umumiy asos bo'lib xizmat qiladi. NSRIB nazariyasining asosiy tamoyillari aslida o'sha davrda ma'lum bo'lgan tezkor Fure o'zgartirish algoritmidan ma'lum bo'lgan bir qator algoritmlar yordamida diskret tizimlar nazariyasi va davr nazariyasi bo'yicha sinovdan o'tkazilgan edi.

Bugungi g'oyalar nuqtai nazaridan birinchi raqamli qurilmalar past rentabllik-ga ega bo'lib, harbiy texnika bilan bog'liq holda juda cheklangan dasturlarga ega edi.

Ko'p tezlikli filtrlash va adaptiv signallarni ishlash 1970-yillarning boshida NSRIB va kompyuter texnologiyalari shakllanishining yangi bosqichi boshlandi va shu bilan birga yangi muammolar paydo bo'lmoqda. NSRIB nazariyasi rivojlanish-ning keyingi bosqichiga kirdi. Bu davrda NSRIB zamonaviy nazariyasining to'rtta asosiy o'zaro bog'liq yo'nalishi shakllanishni boshladi (2-rasm).



2-rasm. Signallarga raqamli ishlov berish bosqichlari

Birinchi yo'nalish - raqamli chastotali signallarni tanlash, raqamli filtrlash va ularning to'plamlarini loyihalashdagi yutuqlarni birlashtiradi va tizimlashtiradi. Bu yo'nalishdagi eng o'ziga xos ish o'zliksiz signalni ishlash nazariyasidir.

Ikkinchi yo'nalish - tezkor signalni qayta ishlash algoritmlari yuqori tezlikda NSRIB algoritmlarini ishlab chiqarishga yo'naltirilgan bo'lib, konveksiya operatsiyalarining "ortiqcha" bo'lishini yo'qotib, qo'shimcha va almashtirish operatsiyalari bilan ko'p mehnat talab qiladigan ko'paytma operatsiyalarini almashtirish (TFO' algoritmining ko'p sonli modifikatsiyalari).

Uchinchi yo'nalish - moslashuvchan va optimal signalga ishlov berish, optimal filtrlash muammolarini (Winer, Kalman filtrlari va boshq) hal qilish usullarini keng ko'lamda qamrab oladi va o'rganilayotgan dinamik jarayonning tabiati haqidagi noaniqlik sharoitida signalni qayta ishlashga imkon beradi.

To'rtinchi yo'nalish - ko'p o'lchovli signal maydonlari bo'yicha qayta ishlash, ko'p o'lchovli signalni raqamli tizimlar uchun bir o'lchamli signallarga olib kelish. Ushbu yo'nalishlar bir-biri bilan bir-biriga bog'langan bo'lib, bu munosabatlar umumiy matematik asosda, barcha to'rt yo'nalishni shakllantirish usullarni bevosita qo'llash asosida amalga oshiriladi.

## **ПРОБЛЕМЫ АВТОМАТИЧЕСКОЙ РАСПОЗНАВАНИЯ УЗБЕКСКОЙ РЕЧИ**

*Н.С.Маматов (в.н с.,НИЦ ИКТ при ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*

*А.Н.Самижонов (студент, МГТУ им. Баумана)*

*Ж.У. Зоиров (магистрант, ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*

Прогресс современного общества зависит развитием автоматических и роботизированных систем. Компьютеры и микропроцессоры стали неотъемлемым атрибутом в различных предметных областях. Создание аппаратно-программных средств для взаимодействия человека с устройствами в последние годы стала важной научно-технической проблемой.

Одним из самых очевидных и перспективных путей организации взаимодействия человека с устройствами является использование речи, в частности, автоматическое распознавание голосовых сообщений. Исследования по автоматическому распознаванию речи начались более пятидесяти лет назад, в середине прошлого века и интенсивно продолжаются в настоящее время.

Текстовый командный интерфейс взаимодействия с устройствами не обеспечивает приемлемой скорости и естественности работы. За многие годы исследований был разработан широкий спектр методов, алгоритмов и компьютерных программ, направленных на решение проблем распознавания речи.

В данное время получены многообещающие результаты и созданы действующие коммерческие системы, в основном, для английского и русского языка, а также испанского, французского, японского, китайского и других языков мира. Это во многом связано с экономическими и

политическими аспектами развития речевых технологий. Например, английский язык является наиболее распространенным и поэтому инвестиции в развитие технологий для автоматизированной обработки английской речи окупались достаточно быстро [3].

В то же время речевым технологиям других языков уделяется недостаточно внимания, вследствие чего их развитие несколько сдерживается. Между тем, в Узбекистане часто используемым языком является узбекский язык, на нем говорит не менее 80% населения. Несмотря на это, действующих систем автоматического распознавания узбекской речи фактически не существует. На развитие узбекских речевых технологий, в первую очередь, влияют особенности языка и речи, вызывающие сложности в процессе обработки. Основные из них: многообразие диалектов, а также многочисленные правила словообразования, фонетического представления слов и расстановки ударений с большим количеством исключений.

Для оценки эффективности разрабатываемых систем автоматического распознавания речи применяют много показателей, интегральными же критериями оценки производительности таких систем служат точность распознавания речи (звуков, слов или фраз) и скорость обработки речевого сигнала. В идеальном случае система должна обеспечивать практически 100% точность распознавания речи при мгновенном выводе результата. Тем не менее, учитывая ограниченные возможности существующих вычислительных ресурсов при решении таких сложных интеллектуальных задач как автоматическое распознавание речи человека, приходится находить компромисс между точностью и скоростью обработки [1].

Для улучшения характеристик распознавания узбекской речи (в первую очередь скорости обработки) используется морфемный уровень описания языка и речи, который вводится в каждый из двух этапов функционирования модели: обучение и распознавание. При этом за счет декомпозиции слов на морфемы обеспечивается акустико-лексическое моделирование большого количества словоформ языка при существенном сокращении размера словаря распознавания, что позволяет улучшить производительность и другие характеристики модели распознавания узбекской речи. Данный подход может быть также успешно использован и для других естественных языков, например, языков средней Азии, имеющих сходные с узбекским языком механизмы словообразования.

Таким образом, в результате проведенных автором исследований предложено решение актуальной проблемы повышения производительности модели автоматического распознавания узбекской речи с малым словарем, что способствует внедрению технологий автоматического распознавания узбекской речи в управлении устройств.

#### Список источников

1. Винцюк Т. К. Анализ, распознавание и интерпретация речевых сигналов. - К.: Наукова думка, 1987. - с. 264.

2. CMU Sphinx Open Source инструментарий для распознавания речи оценки [Электронной ресурс]. - Режим доступа: <http://cmusphinx.sourceforge.net/> .
3. [Электронной ресурс]. - Режим доступа: [simon-listens.org HTTP://www.simon-listens.org/index.php?id=38&L=0](http://www.simon-listens.org)

## ПРЕДВАРИТЕЛЬНАЯ ОБРАБОТКА РЕЧЕВЫХ СИГНАЛОВ

*А.Н.Самижонов (студент, МГТУ им. Баумана)*

*Ю.Ш.Юлдошев (докт-нт, НИЦ ИКТ при ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*

*Ж. Ф.Абдураимов (магистрант, ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*

Создание естественных для человека средств общения с различными устройствами является в настоящее время важнейшей задачей современной науки, при этом речевой ввод информации осуществляется наиболее удобным для пользователя способом. Классификации образов акустических характеристик речевых сигналов является одним из основных задач в распознавании речи.

В настоящее время в системах распознавания речи широко используются нейронные сети. В системах распознавания речи на основе выделяются две основные подсистемы: подсистема предварительной обработки речевых сигналов и подсистема классификации образов.

Предварительная обработка речевого сигнала включает в себя следующие этапы: процесс ввода речевого сигнала; выделение границы речевого сигнала; цифровая фильтрация; нарезка речевого сигнала перекрывающимися кадрами; обработка сигнала в окне; спектральное преобразование; нормирование частотного спектра.

Рассмотрим подробно этапы. Процесс ввода речевого сигнала осуществляется в реальном времени через звуковую карту или через файлы формата WAV. Частота дискретизации 8 КГц и квантование 16 бит являются типовыми параметрами в системах передачи, хранения и обработки речевой информации.

Выделение границы речевого сигнала. Для вычленения из входного сигнала участков, содержащих только речь, используются следующие характеристики речевого сигнала: кратковременная энергия речевого сигнала; число нулей интенсивности (мгновенная частота); плотность распределения значения отчетов паузы. Кратковременная энергия звукового сигнала и число нулей интенсивности одновременно используются для выделения речи из входного сигнала. Пауза удаляется из выходного сигнала методом на основе нормального (гауссова) распределения.

Цифровая фильтрация. Иногда с полезным сигналом попадают различные шумы. Шум оказывает отрицательное воздействие на качество работы систем распознавания речи, поэтому осуществляется шумоочистка. Для снижения уровня шума обычно применяются два типа цифрового фильтра: пропускающий полосовой фильтр; предварительный фильтр. Пропускающий полосовой фильтр является комбинацией фильтров нижних и

верхних частот. Такой фильтр задерживает все частоты, ниже так называемой нижней частоты пропускания, а также выше верхней частоты пропускания. Предварительная фильтрация представляется для снижения влияния локальных искажений на характерные признаки, которые в дальнейшем будут использоваться для распознавания. Для спектрального выравнивания речевого сигнала его следует пропустить через взвешивающий низкочастотный фильтр.

Нарезка речевого сигнала перекрывающимися кадрами. Для получения признаков одинакового количества, нарезается речевой сигнал на равные части, а затем выполняется преобразование каждого кадра. Перекрытие используется для предотвращения потери информации о сигнале на границе. Перекрытие иногда пропускается по причине экономии вычислительных ресурсов, поскольку он существенно замедляет скорость обработки данных. Обычно выбирается длина сегментов, соответствующая временному интервалу в 20-30мс.

Обработка сигнала в окне представляется для снижения граничных эффектов, возникающих в результате сегментации. Для подавления нежелательных граничных эффектов принято умножать сигнал на оконную функцию. Существует 4 типа оконных функций: прямоугольное окно; окно Ханна; окно Хемминга; окно Блэкмана.

Спектральное преобразование. Информации об амплитуде и форме огибающей речевого сигнала не является достаточным для выделения из речи лексических элементов. Для решения задачи распознавания необходимо выделить первичные признаки речи, которые будут использованы на последующих этапах процесса распознавания. Первичные признаки выделяются на основе анализа спектральных характеристик речевого сигнала. Для получения частотного спектра речевого сигнала используется быстрое преобразование Фурье (БПФ).

Программное средство для предварительной обработки речевых сигналов. Программное средство реализовано на языке программирования C++. На вход попадает звуковой файл форматом WAV. На экране отображаются сигналы, соответствующие этапы обработки, а также параметры преобразования. Пользователь имеет возможность изменять параметры, чтобы получить результаты различных алгоритмов и методов обработки данных. На выход программной оболочки попадает массив кадров. Каждый кадр соответствует набору чисел равного размера, характеризующих амплитудные спектры речевого сигнала.

Заключение. В результате проделанной работы предложена программное средство для предварительной обработки речевых сигналов для системы распознавания речи. Далее планируется на основе этой разработки создать систему автоматического распознавания речи на основе нейронной сети с выходом предварительной обработки речевых сигналов.

## ВЫБОР ИНФОРМАТИВНЫХ ПРИЗНАКОВ ДЛЯ ОЦЕНКИ ЗАБОЛЕВАНИЯ

*Н.С.Маматов (в.н с., НИЦ ИКТ при ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*  
*Н.А.Караханов (соиск., НИЦ ИКТ при ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*  
*Н.М.Алланов(магистрант, ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*

Одним из самых важных и сложных этапов решения задач распознавания является выделение информативных признаков исследуемых объектов. Сложность задачи выбора информативных признаков распознавания обуславливается ее переборным характером. Достаточно большая размерность данных, исследуемых в задачах распознавания и проблема комбинаторного взрыва ограничивают возможности применения точных математических методов, реализующих общий подход к решению данной задачи – полный перебор. Для решения данной проблемы разработаны многочисленные математические методы выделения информативных признаков, направленных на сокращение полного перебора. Однако в области выделения признаков в многомерных задачах распознавания образов остается актуальной проблемой.

В статье рассматриваются проблемы выделения признаков распознавания в задачах распознавания образов. Для выбора информативных признаков необходимо решение следующих задач: исследовать типы и основные этапы решения задач распознавания образов; отследить взаимосвязь подзадачи выделения признаков с остальными основными этапами решения задач распознавания; провести анализ существующих методов отбора признаков распознавания.

Эффективность выделения информативных признаков в задачах автоматической классификации повышается за счет внесения обратных связей посредством критериев качества кластеризации. Потенциальным преимуществом данного подхода по сравнению с существующими альтернативными методами и подходами выделения признаков является учет кластеризации, что наиболее близко отображает сущность понятия «признак» («признак распознавания», «информативный признак», «значимый признак») в рамках теории распознавания образов.

В задачах медицинской диагностики в роли объектов выступают пациенты. Признаки характеризуют результаты обследований, симптомы заболеваний, анализы и применявшиеся методы лечения.

Специфика современных требований к обработке данных с целью обнаружения знаний следующая: данные имеют большой объем, являются разнотипными (бинарными, порядковыми, количественными, качественными), результаты должны быть конкретны и понятны. Примерами бинарных признаков являются пол, наличие головной боли, слабости, тошноты и т.д. Порядковый признак – тяжесть состояния (легкое, средней тяжести, тяжелое, угрожающее жизни). Количественными признаками являются возраст, пульс, артериальное давление, содержание гемоглобина в

крови, частота дыхательных движений, доза препарата и т.д. Признаковое описание пациента осуществляется на основе формализованной историей болезни. Накопив достаточное количество прецедентов, можно решить различные задачи: классификация и кластеризация заболевания, определение наиболее целесообразного способа лечения, предсказание длительности и исхода заболевания, оценка риска осложнений, поиск синдромов.

При изучении объектов, характеризуемых большим числом факторов, часто бывает важно определить, какие из этих факторов в большей степени влияют на признаки объектов. В частности, определение информативных признаков – это один из важных этапов анализа изучаемого объекта.

Установка оценки тяжести заболевания влияет на дальнейшее лечение. Процесс лечения осуществляется на основе методов принятия решений.

Нами было разработано программное обеспечение для оценки тяжести заболеваний. Данные собраны из истории болезни в текстовый файл, где каждая строка представляет собой вектор из 82 значений-признаков. Признаки не равнозначны, поэтому важной задачей является поиск и отбор признаков, достаточно информативных для распознавания.

Анализ результатов показывает, что при 65 найденный информативный набор признаков обеспечивает ошибку классификации объектов обучающей выборки, равную 8,2%, а объектов контрольной выборки, равную 15%.

*Заключение.* Содержательная интерпретация полученных результатов, осуществленная специалистами Республиканского центра экстренной медицинской помощи МЗ РУз, показала, что эти результаты, в основном, подтверждают их предположения о значимости исследованных показателей, выявленной клиническим путем.

Список литературы:

1. Воронцов К.В. Лекции по методам отбора и синтеза признаков и моделей. <http://ccas.ru/voron/download/FeaturesTransform.pdf>
2. Ивахненко А.Г. Самообучающиеся системы распознавания и автоматического управления. – К.: Техника, 1969. – 392 с.
3. Дж. Ту, Р. Гонсалес. Принципы распознавания образов. – М.: Мир, 1978. – 390 с.

## **МЕТОД ПОСТРОЕНИЯ БАЗЫ НЕЧЕТКИХ ПРАВИЛ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ КЛАСТЕРИЗАЦИИ**

*Т.Ф. Бекмуратов (г.н.с, НИЦ ИКТ при ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*

*Б.Т.Солиева (г.н.с, НИЦ ИКТ при ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*

При решении прикладных задачах в условиях неопределенности нечеткой, размытой (т.е. нестохастической) природы информацию, необходимую для построения и реализации системы принятия решений, можно разделить на две части: численную (количественную), и лингвистическую (качественную), поступающую от эксперта. Значительная часть нечетких систем использует второй вид знаний, чаще всего представляемых в форме

базы нечетких правил, объединяемых в СНВ. Особенностью моделей таких задач является наличие в них нечеткой базы правил, описывающей структуру нечеткой модели задачи в целом и содержащих основные знания (экспертную информацию) о моделируемой системе, т.е. главную составляющую «интеллекта» рассматриваемой задачи. Поэтому корректное формирование нечеткой базы правил является очень важным условием эффективного решения поставленной задачи. Для решения задач такого класса широкое применение получают подходы, основанные на интеллектуальных технологиях «Soft Computing» [1-4].

Одним из перспективных подходов к формированию нечетких правил и настройке значений их параметров, в особенности, когда в наличии имеются только численные данные, являются нечеткие нейронные сети (fuzzy-neural) [2]. При всех достоинствах основным их недостатком является длительность построения базы нечетких правил в процессе итеративного обучения нейронных сетей.

С целью устранения этого недостатка предлагается комбинированный метод построения базы нечетких правил с использованием кластеризации на основе нечетких отношений и нечетких нейронных сетей. При построении процедур классификации и кластеризации были проанализированы и систематизированы различные критерии. Достоинство этого метода заключается в его простоте и высокой эффективности. Кроме того, он позволяет объединять численную информацию, представленную в форме обучающих данных, с лингвистической информацией, имеющей вид базы правил, за счет дополнения имеющейся базы правилами, созданными на основе численных данных.

Алгоритм синтеза правил СНВ и настройки их параметров реализуется в два этапа.

На первом этапе осуществляется кластеризация (clustering) входных переменных правил. Каждый из сформированных кластеров будет объединять группу исходных входных переменных, сходных по определенным признакам. В этом случае каждый кластер может рассматриваться как обобщенное условие для соответствующего формируемого правила СНВ. Результатом этого этапа являются лингвистические правила СНВ с предварительными, грубыми значениями их параметров, описывающих математические модели функций принадлежности.

Z-сон тушунчаси ахборотнинг ишончилиги масаласига боғлиқ бўлади. Z-сон, Z, иккита компонентга эга бўлади:  $Z=(A,B)$ . Биринчи компонент A ҳақиқий қийматли мавхум ўзгарувчи X қабул қилиши мумкин бўлган

қийматларга бўлган чекланишдир. Иккинчи компонент В биринчи компонентнинг ишончлилик (аниклик) ўлчовидир. Одатда А ва В лар натурал сонларда таърифланади.

2011 йилда Лутфи Заде Z-сонлар концепциясини таклиф қилди [2].

Агар X тасодифий катталиқ бўлса, у ҳолда X ўзи билан норавшан ҳодисани R тасвирлайди [1]. Ушбу ҳодиса эҳтимоллиги p ни қуйидагича ифодалаш мумкин бўлади:

$$p = \int_R \mu_A(u) p(u) du, \quad (1)$$

бу ерда X эҳтимолликнинг яширин зичлиги  $p_x$  ҳисобланади. Ҳақиқатда Z-баҳолашни (X, A, B) ифода билан аниқланувчи X даги чекланиш сифатида қараш мумкин:

$$\text{Prob}(X \text{ is } A \text{ is } B). (2)$$

Лутфи Зоданинг имкониятлар назариясига мувофиқ  $\mu_A(x)$  тегишлилик функцияси қиймати имконияти шуни кўрсатадики, A норавшан катталиқ x қийматни қабул қилади [2]. Z-баҳолаш ҳақиқатда X ноаниқ ўзгарувчи билан боғлиқ бўлган эҳтимолликларни тақсимлаш устидаги имкониятларни тақсимлаш бўлиб ҳисобланади. Юқорида қайд этилганидек,  $Z = (A, B)$  - сонда  $p_x$  эҳтимолликларни тақсимлаш асосида ётувчи баҳолаш сифатида номаълум, фақатгина  $p_x$  даги чекланиш эса маълум, қайсики қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин бўлган:

$$\int_R \mu_A(u) p_x(u) du \text{ is } B \quad (3)$$

Бир пайтнинг ўзида шундай нозик фурсатни ҳам тушуниш муҳимки: B норавшан сон A қийматларнинг эҳтимолли ўлчамига қўйилган чекланишлар бўлиб ҳисобланади, A эҳтимолликка эмас. Агар B - A эҳтимолли ўлчамда эмас, балки эҳтимолликка қўйилган чекланишни аниқласа, у ҳолда (A, B) Z-сон бўлиб ҳисобланмайди [1].

1-босқич. Юқорида келтирилгандек Z-сонли натижа  $Z_{X_j} = (A_{X_j}, B_{X_j})$ ,  $i = 1, \dots, n$ ,  $j = 1, \dots, m$  ва Z-сонли  $Z_{P_j} = (A_{P_j}, B_{P_j})$  эҳтимоллик берилган ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

$$Z_{ij} = Z_{X_j} \cdot Z_{P_j} = (A_{ij}, B_{ij})$$

2 босқич. Z-сон  $Z_{X_j}$  ва  $Z_{P_j}$  лар  $Z^+$  сонларга айлантиради:

$$Z_{X_j}, Z_{P_j} \rightarrow Z_{X_j}^+, Z_{P_j}^+$$

$$(A_{X_j}, B_{X_j}) \rightarrow (A_{X_j}, p(m_{X_j}, \sigma_{X_j})) \quad (A_{P_j}, B_{P_j}) \rightarrow (A_{P_j}, p(m_{P_j}, \sigma_{P_j}))$$

$$m_{X_j} = \frac{\int \mu_{A_{X_j}}(u) u du}{\int \mu_{A_{X_j}}(u) du}; \quad m_{P_j} = \frac{\int \mu_{A_{P_j}}(u) u du}{\int \mu_{A_{P_j}}(u) du};$$

3 босқич.  $A_{ij}$  ни ҳисоблаш.

$A_{ij}$  ни ҳисоблаш учун қуйидаги масалани ҳал қилишимиз керак:

$$\mu_{A_j}(a_{ij}) = \sup(\min(\mu_{A_{X_j}}(a_{X_j}), \mu_{A_{P_j}}(a_{P_j}))),$$

4 босқич.  $p(m_{ij}, \sigma_{ij})$  ни ҳисоблаш:

$$p(m_{ij}, \sigma_{ij}) = p(m_{X_j}, \sigma_{X_j}) \circ p(m_{P_j}, \sigma_{P_j}),$$

$$p(m_{ij}, \sigma_{ij}) = p\left(m_{ij} = \frac{m_{X_j} \sigma_{P_j}^2 + m_{P_j} \sigma_{X_j}^2}{\sigma_{P_j}^2 + \sigma_{X_j}^2}, \sigma_{ij} = \frac{\sigma_{X_j}^2 \sigma_{P_j}^2}{\sigma_{X_j}^2 + \sigma_{P_j}^2}\right)$$

Соддалик учун биз қуйидагича белгилаб оламиз:  $p = p(m_{ij}, \sigma_{ij})$

5 босқич.  $\mu_{P_j}(p_{ij})$  ни ҳисоблаш

$\mu_{P_j}(p_{ij})$  ни ҳисоблаш учун аввал қуйидаги ифодаларни ҳисоблаш керак:

$$\int \mu_{A_{X_j}}(u) p(m_{X_j}, \sigma_{X_j})(u) du, \quad \int \mu_{A_{P_j}}(u) p(m_{P_j}, \sigma_{P_j})(u) du$$

Кейин қуйидаги муқобиллаштириш масаласини ечиш орқали  $\mu_{P_j}(p_{ij})$  ҳисобланади:

$$\mu_{P_j}(p_{ij}) = \min\left(\mu_{B_{X_j}}\left(\int \mu_{A_{X_j}}(u) p(m_{X_j}, \sigma_{X_j})(u) du\right), \mu_{B_{P_j}}\left(\int \mu_{A_{P_j}}(u) p(m_{P_j}, \sigma_{P_j})(u) du\right)\right) \rightarrow \max$$

Босқичлардаги ҳисоблашларни бажариш натижасида  $Z_{ij} = Z_{X_j} \cdot Z_{P_j} = (A_{ij}, B_{ij})$  олинади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Zadeh L.A. A note on a Z-number // Information Sciences 181, USA, (2011), pp. 2923-2932.
- 2.Zadeh L.A. Fuzzy sets // Information and Control 8, USA, (1965), pp.338-353.

## БАЙЕСОВСКИЕ МЕТОДЫ К ЗАДАЧАМ СТАТИСТИЧЕСКОГО ОЦЕНИВАНИЯ

*Ж.Сайфиев (соискатель, ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*  
*Д.М.Сотволдиев (докторант, НИЦ ИКТ при ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*

Рассмотрим Байесовский подход к задачам статистического оценивания. Байесовские методы могут применяться для построения линейных и нелинейных регрессионных моделей при негауссовых законах распределения вероятностей случайных ошибок наблюдения. Рассматриваются непрерывные и дискретные процессы, которые могут быть описаны статистическими моделями. С этой целью дано описание вычислительных байесовских процедур и рекомендации для построения нелинейных регрессионных моделей [1-3].

Постановка задачи построения математической модели включает:

- выбор на основании априорной информации вида функциональной зависимости между выходной  $Y$  и входной  $\bar{\chi}$  переменными величинами:

$$Y = \varphi_j(\bar{a}, \bar{\chi}), j = 1, \dots, m,$$

где  $\bar{a}$  -  $k$ -мерный вектор неизвестных параметров модели;

$m$  – число допустимых математических моделей, которые могут быть использованы для описания процесса;

• определение вида уравнения наблюдения, описывающего характер влияния случайных ошибок наблюдения на результат измерения контролируемых величин:

$$y = h_y(Y, \varepsilon_y), \quad x_i = h_{x,i}(\chi_i, \varepsilon_{x,i}),$$

$i=1,2,\dots,n$

где  $\varepsilon_y$  - случайная ошибка наблюдения выходной величины;

$\varepsilon_{x,i}$  - случайная ошибка наблюдения  $i$ -й входной величины;

$h$  – характеристика данных;

$n$  – число контролируемых входных величин; если относительно характера воздействия случайной ошибки наблюдения ничего не известно, то она предполагается аддитивной:

$$y = Y + \varepsilon_y, \quad x_i = \chi_i + \varepsilon_{x,i};$$

• определение закона распределения вероятностей ошибки наблюдения  $f(\varepsilon)$  на основании результатов предварительного экспериментального исследования данных.

При отсутствии априорной информации о распределении вероятности ошибки наблюдения предполагается гауссовой, плотность вероятности которой

$$f(\varepsilon) = \frac{1}{\sigma\sqrt{2\pi}} \exp\left\{-\frac{\varepsilon^2}{2\sigma^2}\right\},$$

где  $\sigma^2$  - дисперсия ошибки наблюдения.

Для нестационарных процессов учитывается функциональная зависимость от времени параметров регрессионной модели [4].

Динамические объекты описываются математическими моделями в виде разностных уравнений.

Дискриминация (различение) моделей проводится с целью выбора наилучшей модели из заданного набора моделей путем парного сравнения по критерию отношения правдоподобия.

Дискриминация моделей проводится в следующем порядке:

- вычисляются выборочные значения статистики дискриминации и ее первые четыре момента;
- находятся пороги дискриминации;
- проводится проверка условия окончания процедуры дискриминации.

Нахождение порогов дискриминации.

Порогами дискриминации называются границы интервала  $(z_1, z_2)$ , внутри которого с вероятностью  $P=1-\alpha$ , где  $\alpha$  - заданный уровень значимости при нулевом значении  $\mu_1$ , находятся значения статистики



$$z = \frac{\sum_{i=1}^N \lambda_i - N_{\mu_1}}{\sqrt{N_{\mu_2}}},$$

где  $\mu_1$  - среднее значение,

$\mu_2$  - дисперсия случайной величины  $\lambda$ ,

$N$  – число наблюдений.

Функция распределения вероятностей величины  $z$  с точностью до членов порядка  $N^{-1,5}$  аппроксимируется выражением:

$$F(z) = \Phi(z) - \frac{1}{\sqrt{N}} \left( \frac{\alpha_3}{3!} \right) \Phi^{(3)}(z) + \frac{1}{N} \left[ \frac{1}{4!} \alpha_4 \Phi^{(4)}(z) + \frac{10}{6!} \alpha_3^2 \Phi^{(6)}(z) \right],$$

где  $\Phi(z), \Phi^{(i)}(z)$  - функция нормального распределения вероятностей с нулевым средним и единичной дисперсией и ее производные;

$\alpha_3$  и  $\alpha_4$  - асимметрия и эксцесс величины  $\lambda$ , вычисляемые по формулам:

$$\alpha_3 = \frac{\mu_3}{\sqrt{\mu_2^3}}; \quad \alpha_4 = \frac{\mu_4}{\mu_2^2} - 3.$$

Пороги дискриминации  $z_1$  и  $z_2$  находятся путем численного решения нелинейных уравнений:

$$F(z_1) = 0,5\alpha;$$

$$F(z_2) = 1 - 0,5\alpha,$$

где  $\alpha$  - заданный уровень значимости ( $\alpha = 0,01 \div 0,1$ ),

$F(z)$  - функция распределения вероятностей.

Для решения уравнений принимаются допустимые граничные значения  $z_{\min}$ ,  $z_{\max}$ , а затем шаговым движением по оси  $z$  сначала от  $z_{\min}$ , а потом от  $z_{\max}$  находятся такие значения  $z_1$  и  $z_2$ , которые с заданной точностью являются решениями уравнений.

Процедура дискриминации заканчивается, если величина, вычисляемая по формуле

$$z = \frac{\sum_{i=1}^N \lambda_i}{\sqrt{N_{\mu_2}}},$$

удовлетворяет одному из условий:  $z > z_2$ ;  $z < z_1$ .

При выполнении первого условия принимается первая модель, при выполнении второй – вторая модель.

Процедура дискриминации продолжается, если имеет место неравенство:  $z_1 \leq z \leq z_2$ .

При выполнении этого условия модели считаются неразличимыми (эквивалентными) при заданном числе наблюдений. В этом случае можно

принять любую из сравниваемых моделей, например, наиболее простую, или продолжить процесс наблюдения и дискриминации.

#### Литература

1. Wasserman L. All of statistics: a concise course in statistical inference. Springer, 2003. - 442 p.
2. Ghosh J.K., Mohan D., Tapas S. An Introduction to Bayesian analysis. New York: Springer, 2006. - 366 p.
3. Ghosh J.K., Ramamoorthi R.V. Bayesian nonparametrics. Springer, 2003. - 324 p.
4. Kleijn B., A. van der Vaart, H. van Zanten. Lectures on Nonparametric Bayesian Statistics. Springer, 2013.

## RECOGNITION HANDWRITING ARABIC TEXT

*S.N. Iskandarova (SIC ICT under TUIT named after Muhammad Al-Khwarizmi)*

Usually, the text is divided into rows, and then separated by separate words. The development of the Arabic language signifies a great deal of controversy over Arabic language. Hemming is based on the neuronal model and the description of the software product.

Synthetic neurons imitate the biological neuronal properties of the first approach. Every artificial neuron contains a set of signals that other neurons can exit. The synaptic force multiplies each incoming signal, and the sum of them determines neuron activity.

The structure of the Hemming neuronal network is as follows:




Fig 2. Structural scheme of Hemming network

If the network generates the exact number of the form, then the associative memory will use the Hemming network sufficiently (Figure 1).

The network consists of two layers. The first and second layers consist of neurons, where the number of forms. The neurons in the first layer consist of synapses that are associated with  $n$  networking. The neurons in the second layer are linked to the synapses that are in contact. The only positive, positive feedback is coupled with its neurons.

The purpose of a network work is to find the cache between the images being tested by all the images. The distance from the Hemming is the difference in bits of these two binary vectors. The network selects the minimum distance between the samples and the missing images, and as a result, a neuron that fits the image becomes active.

Assessing the weighted average coefficients for the first layer and evaluating the activating function is carried out as follows

$$w_{ik} = \frac{x_i^k}{2}, i=0\dots n-1, k=0\dots m-1$$

$$T_k = n / 2, k = 0\dots m-1$$

where  $x_i^k$  –k- type i-element.

Synapse, stiff weight coefficients, receive a value of  $0 < \varepsilon < 1/m$  it accepts the value. The neural synapse associated with its axis is +1.

1. The node that has been calculated on the first layer of the network and its value  $\mathbf{X} = \{x_i; i=0\dots n-1\}$ , the vector is inserted (indicates the upper layer layer number):

$$j=0.. y_j^{(1)} = s_j^{(1)} = \sum_{i=0}^{n-1} w_{ij} x_i + T_j .m-1$$

Then the axis of the second layer is based on the obtained values:

$$y_j^{(2)} = y_j^{(1)}, j = 0\dots m-1$$

2. The new state of the second layer is:

$$s_j^{(2)}(p+1) = y_j(p) - \varepsilon \sum_{k=0}^{m-1} y_k^{(2)}(p), k \neq j, j = 0\dots m-1$$

and the value of its axons:

$$y_j^{(2)}(p+1) = f[s_j^{(2)}(p+1)], j = 0\dots m-1$$

The value of the activator  $f$  is  $[-1; 1]$ , where  $F$  is sufficiently large and the value of an arbitrary argument does not exceed.

3. In the last iterative it is checked whether the value of the second layer varies, or if yes, then step 2, otherwise the cycle is stopped.

The evaluation of the algorithm shows that the first layer is of paramount importance: in the first step we use the values of the coefficients of the weight, so the first layer is removed from the network as it is indicated.

Due to the specific language of the Arabic language, there are still many problems. That's why we recommend using a multi-dimensional optimization method of xamming. Depending on the above problems, there is a need to develop new and effective utility programs. Therefore, we will consider the process of defining the Arabic alphabet program and its recognition program in c # programming environment.

By opening the file, the image you want is taken as an image.

The text to be read should be selected from the template and select the text that should be recognized.

Creating new templates allows you to read letters. The new template database is automatically created.

The main window of the program




Fig 2. Main interface

In the case of a pre-existing database, you can download and configure it. New templates created by saving are saved.

Before choosing to create a template, open the text you want to copy to the work area and then read the template. Each letter is separated from the open space in the space and the new template is read out to the database. When designing the image, the database is selected and made familiar to it.

Because of the difference in Arabic letters and Latin graphics, the old Uzbek writing that we have written is the result. This is done on the basis of the diagnosis. The Arabic position of the dot points changes the names of the characters and thus makes it difficult to identify the program and performs 80% recognition.

#### References

1. Manivannan Arivazhagan, Harish Srinivasan, and Sargur Srihari, "A statistical approach to line segmentation in handwritten documents," Volume 6500. SPIE, 2007.

2. Masaki Yamaoka and Osamu Iwaki, "Document layout analysis using pattern classification method," Lecture Notes in Computer Science, Vol. 1024/1995, pp. 524-525

3. Chih-Hong Kao, Hon-Son Don, "Skew Detection of Document Images Using Line Structural Information," *icita*, vol. 1, pp.704-715, Third International Conference on Information Technology and Applications (ICITA'05) Volume 1, 2005

## **GRAFDA TO'LDIRUVCHI VA QISM GRAFLARNI HAMDA ENG QISQA YO'JNI ANIQLASH DASTURIY TA'MINOTINI YARATISH**


*K.A. Bekmurotov (Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU SF)*

*F.U. Nishanov (Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU SF)*

Maqolada «Diskret matematika» fanining graflar bo'limida berilgan ixtiyoriy grafda to'ldiruvchi va qism graflarni hamda eng qisqa yo'lni aniqlovchi o'quv virtual laboratoriya yaratish qaralgan.

*G grafning to'ldiruvchisini aniqlash.* Bizga  $G_1$  va  $G_2$  graflar berilgan bo'lsin.  $G_1$  graf  $G_2$  ning to'ldiruvchisi bo'ladi, agarda  $G_1$  ning  $V^{(1)} = \{a_1, a_2, \dots, a_n\}$  tugunlari  $G_2$  ning  $V^{(2)} = \{a_1, a_2, \dots, a_n\}$  tugunlari bilan bir xil bo'lsa va  $G_1$  ning  $E^{(1)} = \{e_1, e_2, \dots, e_k\}$  yoylari  $G_2$  da uchramasa [1-4].

1-rasmda **Graf qismi va to'ldiruvchi** -tugmachasini faollashtirish natijasida  $G$  ning  $G^{(1)}$ ,  $G^{(2)}$  to'ldiruvchilarini aniqlash dasturining natijalari keltirilgan:




1-rasm.  $G$  ning  $G^{(1)}$ ,  $G^{(2)}$  to'ldiruvchilarini aniqlashga misol.

$G$  da qism  $G$  larni aniqlash. Bizga  $G_1$  va  $G_2$  lar berilgan bo'lsin. Agar  $G=(V,E)$  va  $G^{(1)}=(V^{(1)},E^{(1)})$  uchun  $V^{(1)} \subseteq V$ ,  $E^{(1)} \subseteq E$  bo'lsa, u holda  $G^{(1)}$   $G$  ning bo'lagi bo'ladi.


Agar  $G=(V,E)$  ning bo'lagi  $G^{(1)}=(V^{(1)},E^{(1)})$  uchun  $E^{(1)}=\{a,b/a,b \in V^{(1)}\}$  bo'lsa, u holda  $G^{(1)}=(V^{(1)},E^{(1)})$  qism graf bo'ladi [1-4]. Boshqacha qilib aytganda qism  $G^{(1)}=(V^{(1)},E^{(1)})$ ni hosil qilish uchun  $V \setminus V^{(1)}$  lar to'plami bilan  $V \setminus V^{(1)}$  ning kamida bittasiga qo'shma bo'lgan  $e_i$  lar olib tashlanadi.

2-rasmda **Graf qismi va to'ldiruvchisi** -tugmachasini faollashtirish natijasida  $G$  ning qism  $G^{(1)}$ ,  $G^{(2)}$  larini aniqlovchi dastur natijalari keltirilgan:



2-rasm.  $G$  ning  $G^{(1)}$ ,  $G^{(2)}$  qismlarini aniqlashga misol.

$G$  da qisqa yo'lni aniqlash. Qisqa yo'l bilan  $G$  ning bir  $a_i$  tugunidan boshqa  $a_j$  tuguniga qanday borish mumkin? Ishlab chiqarishni boshqarish masalalarida: qisqa yo'l (masalan, eng kam yoqilg'i va vaqt, ancha orzon) bilan A punktdan B punktga qanday borish mumkin? Bu masalani echish uchun yo'naltirilgan  $G$  ning boshlang'ich  $a_i$  dan oxirgi  $a_j$  gacha bo'lgan har bir yoyiga harakat vaqtini ifodalovchi son mos qo'yiladi [1-4] (3-rasm).



3-rasm. Qisqa yo'l haqidagi masala uchun boshlang'ich qiymatlari

Boshlang'ich qiymatlarni 1-jadval ko'rinishda ham berish mumkin.

Qisqa yo'l haqidagi masala uchun boshlang'ich qiymatlar

1-jadval

Yoyning boshi	Yoyning oxiri	Yo'ldagi vaqt
1	2	7
1	3	1
2	4	4
2	6	1
3	2	5
3	5	2
3	6	3
5	2	2
5	4	5
6	5	3

*Talab qilinadi:* qanday qisqa yo'l bilan 1–tugundan 4 – tugunga borish mumkin?

3-rasmda va 1-jadvalda keltirilgan boshlang'ich qiymatlarni hisobga olsak, u holda 1-tugundan 3-tugunga uning uzunligi 1 ga teng bo'lgan faqat bitta yo'naltirilgan yoy chiqayapti, shuning uchun  $S(3)=1$ . Bundan tashqari, ko'rinib turibdiki  $S(1)=0$ .

4-tugunga uzunligi 4 ga teng bo'lgan 2-tugundan yoki uzunligi 5 ga teng bo'lgan 5-tugundan borish mumkin. Shuning uchun quyidagi munosabat o'rinli

$$S(4) = \min \{S(2) + 4; S(5) + 5\}.$$

Demak,  $S(4)$  ni topish uchun avval  $S(2)$  va  $S(5)$  ni topish talab etiladi.

5-tugunga uzunligi 2 ga teng bo'lgan 3-tugundan yoki uzunligi 3 ga teng bo'lgan 6-tugundan borish mumkin. Shuning uchun quyidagi munosabat o'rinli

$$S(5) = \min \{S(3) + 2; S(6) + 3\}.$$

Bilamizki,  $S(3) = 1$ . Shuning uchun

$$S(5) = \min \{1+2; S(6) + 3\} = \min \{3; S(6) + 3\}. \quad (1)$$

6-tugunga uzunligi 3 ga teng bo'lgan 3-tugundan yoki uzunligi 1 ga teng bo'lgan 2-tugundan borish mumkin. Shuning uchun quyidagi munosabat o'rinli

$$S(6) = \min \{S(3)+3; S(2) + 1\} = \min \{4; S(2) + 1\}. \quad (2)$$

2-tugunga uzunligi 7 ga teng bo'lgan 1-tugundan yoki uzunligi 5 ga teng bo'lgan 3-tugundan yoki uzunligi 2 ga teng bo'lgan 5-tugundan borish mumkin. Shuning uchun quyidagi munosabat o'rinli

$$S(2) = \min \{S(1) + 7; S(3) + 5; S(5) + 2\}.$$

Bizga ma'lumki  $S(1) = 0$ ,  $S(3) = 1$ ,  $S(5) = 3$ . Shuning uchun

$$S(2) = \min \{0 + 7; 1 + 5; 3 + 2\} = 5. \quad (3)$$

(3) ni hisobga olsak

$$S(6) = \min \{4; S(2) + 1\} = \min \{4; 5+1\} = 4. \quad (4)$$

(4) ni hisobga olsak, (1) dan

$$S(5) = \min \{3; S(6) + 3\} = \min \{3; 4+ 3\} = 3.$$

Endi  $S(4)$  ni topish mumkin:


$$S(4) = \min \{S(2) + 4; S(5) + 5\} = \min \{5 + 4; 3 + 5\} = 8. \quad (5)$$

Shunday qilib, 1-tugundan 4-tugungacha bo'lgan qisqa yo'lning uzunligi 8. (5) munosabatdan ma'lumki, 4-tugunga 5-tugundan borish kerak. 5-tugunga 3-tugundan borish kerak. 3-yugunga esa faqat 1-tugundan birish mumkin. Demak, qisqa yo'l:

$$1 \rightarrow 3 \rightarrow 5 \rightarrow 4.$$

3-rasmda va 1-jadvalda keltirilgan boshlang'ich qiymatlar uchun qisqa yo'lni topish masalasi to'liq echildi.

4-rasmda berilgan ixtiyoriy  $G$  da eng qisqa yo'lni aniqlash dasturi va olingan natijalar keltirilgan.



4-rasm. Berilgan  $G$  da eng qisqa yo'lni aniqlash dastur interfeysi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. О.Оре. Графы и их применение. Мир. М. 1965. 168 с. Электрон вариант.
2. Тўраев Х.Т., Азизов И. А., Отакулов С. «Комбинаторика ва графлар назарияси». «Зиёкор» нашриёти, Тошкент 2009, 263бет.
3. Х.Т.Тўраев. Дискрет математика. 1, 2- томлар.Ўқув қўлланма. Т-2001. 456 б.
4. В.А. Емельянов, О.И.Мельников, В.И.Сарванов, Р.И. Тышкевич. Лекции по теории графов. М. "Наука". 1990. 377 с.

## WEB TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANIB MOBIL QURILMALAR USHUN DASTURLAR YARATISH

*A.M. Boytemirov (assistant, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU QF)*

*D.Y. Umarov (talaba, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU QF)*

Web dasturlash bugungi kunda dasturlash sohalari ichida o'zining yetakchiligi, qulayligi, universialligi bilan ajralib turadi. Web dasturlar asosan mijoz-server texnologiyasi asosida quriladi. Ya'ni web dasturlarda axborotlarni qayta ishlash server va mijoz tomonlarida bajariladi. Bu jarayonda mijoz va serverning o'z o'rinlari bo'lib, har bir tomonda axborotlar ustida o'ziga hos qayta ishlash amallari bajariladi.

Mijoz-server texnologiyasidan foydalanish bizga barcha mijozlar uchun serverda joylashgan yagona ma'lumotlar bazasidan ma'lumotlarni o'qish, ma'lumotlarni kiritish va ma'lumotlarni tahrirlashni osonlashtiradi. Bunda mijozlar tomonidan yuborilgan so'rov asosida server tegishli ma'lumotlar ustida qayta ishlash amallarini bajarib natijani mijozga uzatadi.


Web dasturlar yaratishda server tomonida ishlovchi(backend) dastur qismi bir qator server dasturlash tillarida masalan PHP, JSP/Servlets, ASP.NET kabi dasturlash tillarida tuziladi.

Mijoz qismini(frontend) yaratishda esa o`z navbatida vizual ko`rinishni tashkil qilish uchun HTML markerlash tili, hamda vizual obyektlarning tashqi ko`rinishlariga ishlov berish uchun CSS tilidan foydalaniladi. O`z navbatida mijoz tomonida ma`lum hisob-kitoblarni bajarishga zaruriyat tug`ilishi mumkin. Bunday hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun script dasturlash tillari masalan, JavaScript, VBScript kabi interpretatsiyalanuvchi dasturlash tillaridan foydalaniladi.

Odatda web dasturlarda ma`lumotlar ustida server va mijoz tomonida ham hisob-kitob ishlarini amalga oshiriladi. Lekin agarda biz tuzadigan dasturimizda server tomonida ma`lumotlarni qayta ishlashga ehtiyoj bo`lmasa, kerakli ma`lumotlarni mijoz tomonida qayta ishlash imkoniyati bo`lsa, web dastur faqatgina mijoz uchun tuzilgan dasturdan iborat bo`lishi ham mumkin.

Web dasturlar brauzerda ishga tushirilganligi uchun ular platforma ya`ni operatsion tizim va qurilma arxitekturasini tanlamaydi. Ularni ishga tushirish uchun web brauzer bo`lishini o`zi kifoya. Bundan ko`rinadiki web dasturlashdan foydalanib faqatgina shaxsiy kompyuterlar uchungina emas, mobil qurilmalar uchun ham dasturlar yaratish mumkin ekan. Android operatsion tizimi muhitida ishlovchi qurilmalar uchun agarda qurilma ichki imkoniyatlariga murojaat etish zaruriyati bo`lmasa, HTML, CSS va JavaScript tillarini bilgan holda dasturlar yaratish mumkin.

Buning uchun web dastrurni bizga “.apk” kengaytmali android uchun o`rnatiluvchi faylga o`tkazib beruvchi konvertor kerak bo`ladi. Bunday konvertor dasturlar ko`p bo`lib ulardan foydalanuvchi uchun sodda interfeysga ega bo`lgani Goyal Softech kompaniyasi tomonidan yaratilgan va qo`llab-quvvatlab kelinayotgan Website 2 APK Builder Pro Windows operatsion tizimi muhitida ishlovchi dasturni yaqqol misol qilib ko`rsatish mumkin.



### Website 2 APK Builder Pro dasturining tashqi interfeysi

Biz web muhitda android operatsion tizimi uchun dastur yaratishimiz uchun avval dasturni HTML,CSS va JavaScript tillaridan foydalanib kompyuterimizda yaratib olamiz. Dasturni kompyuterda ishga tushirish va testlash uchun ixtioyriy brauzerdan foydalanish mumkin. Biz dasturni yaratib uni kerakli fayllar, kutubxonalar bilan birgalikada biror katalogda saqlaymiz. Quyida misol tariqasida



ishchi hodimlarning umumiy ish stajlarini hisoblashda foydalaniladigan vaqt davrlarini bir biriga qo`shishni JavaScript dasturlash tilida hisoblovchi dastur tuzilgan. Dasturni ishga tushirib uning to`g`ri tuzilganligiga ishonch hosil qilganimizdan so`ng bu web dasturni “.apk” kengaytmali faylga kenvertatsiya qilamiz.

Dasturni web brauzerda ishgu tushirilgan ko`rinishi

Biz Website 2 APK Builder Pro dasturida quyidagi parametrlarni sozlab olamiz:

- Website Type to Convert: Local HTML Website ni tanlaymiz.
- App Title maydoniga ilovaning nomini kiritamiz.
- Output Directory maydoniga hosil qilingan “.apk” ilovasini saqlash uchun joy ko`rsatamiz.
- Directory of Local Website maydoniga web sahifalarimiz joylashgan katalogni ko`rsatamiz.
- Bu parametrlar eng asosiylari hisoblanib qolgan parametrlarga ham keraklicha o`zgartirishlar kiritishimiz mumkin. Barcha parametrlarni sozlab bo`lganimizdan so`ng GENERATE APK tugmasini bosamiz.

Dasturni android qurilmada ishlash jarayoni

## O'LCHASH JARAYONI TURG'UNLIGINI TAHLIL QILISH DASTURI

*R.M. Zulunov (dotsent, Andijon davlat universiteti)*

Zamonaviy avtomobilsozlik korxonalarida, xususan O'zavtosanoat zavodlarida ISO/TS 16949:2009 (avtomobilsozlikda sifat menedjmenti tizimi) xalqaro standarti tadbiiq etilgan. Standartning asosiy talablaridan biri bu o'lchash tizimlarini taxlil etish (Measurement System Analysis - MSA) jarayonini qo'llash. Aynan shu jarayon o'lchash tizimlarini kuchsiz tomonlarini aniqlash va bartaraf etish imkoniyatini beradi. Bu jarayonni o'rganish va tatbiiq qilish uchun korxonalar "Measurement System Analysis-Reference Manual" qo'llanmasini ishlatishadi [1]. Bu xujjatni Chrysler Group, Ford Motor Company va Generals Motors kompaniyalari birgalikda ishlab chiqishgan. Ushbu qo'llanmada misol uchun o'lchash tizimini yaqinlik va takrorlanuvchanlik statistik xususiyatlarini baxolash uchun qaydnomalar shakllari keltirilgan. MSA uslublarini amalga oshiradigan xar bir korxonada o'lchash tizimini ishlab chiqarish jarayoniga mosligini baxolash uchun tanlangan statistik xususiyatlarni xisobga olgan xolda o'z qaydnomalarini shakllantiradi.

Ishlab chiqarish sharoitlardan kelib chiqib bu qaydnomalar shakllariga quyidagi talablar qo'yiladi:

- tushunish uchun soddalik, to'ldirishda qulaylik;
- ma'lum o'lchash tizimini qoniqarliq xaqida barcha kerakli ma'lumotlarni o'z ichiga olmoqligi;
- kerakli xisobotlarni yaratish imkoniyati.

MSA talablariga binoan ma'lumotlarni kiritish, formulalar bo'yicha xisoblash, grafiklar tuzish, xisobotlarni shakllantirish va natijalarni taxlil etishni avtomatlashtirish uchun MS Excel asosida maxsus dasturiy vositalar ishlab chiqildi. Bu dasturlarni qo'llashda dastlab operator o'tkazilgan o'lchash ma'lumotlarini elektron shaklga kiritadi. So'ngra dastur tomonidan barcha natijalar avtomatik tarzda xisoblanadi, kerakli grafiklar (nazorat xaritalari, gistogrammalar, diagrammalar) quriladi, xisobotlar shakllanadi va olingan natijalar taxlil qilinadi.

Bundan tashqari elektron shaklda o'lchash tizimi va avtomobil komponenti xaqida ma'lumotlar, operatorlar va o'lchashlar soni, mutaxassisning xulosasini kiritish uchun maxsus "oy-nalar" mavjud. Natijada o'lchash uskunasi nomidan boshlab to tizimning statistik xususiyatlari bo'yicha mosligi xaqida xulosani o'z ichiga olgan elektron xujjat shakllanadi.

O'lchash jarayonlarini tahlili o'tkazishda birinchi navbatda o'lchash jarayoni turg'unligi (barqarorligi) o'rganiladi va o'lchash jarayonlarini tahlili bo'yicha hisobot tayyorlanadi. O'lchash jarayonini turg'unlikka tekshirish uchun "o'rtachalar va quloqlar nazorat xaritasi" qo'llaniladi.

O'lchash jarayonini statistik xususiyatlarini baxolashga mas'ul mutaxassis quyidagi talablarga javob beradigan avtomobil komponenti namunasi tanlab oladi:

- o'lchash namunasini axamiyatli ishlab chiqarish tsiklidan;
- o'lchash namunasini joizlik markaziga yaqin bo'lgani.

O'lchash jarayonini xossalari, vaqt va mablag' sarflarini xisobga olib mutaxasis namuna parametrini o'lchash davriyligini (soatli, smenali, kunli va xokazo) va xar bir davrda ulchashlar soni Q (uchdan beshgacha) larni aniqlaydi.

Jarayonning turg'unligini ishonchli baxolash uchun o'lchash tsikllarining tavsiya etilgan soni T = 25. Tajribalar vaqtini qisqartirish maqsadida tsikllar sonini 10 tagacha kamaytirish mumkin.

Operator mutaxasisning ko'rsatmalariga asosan o'lchashlarni T tsikllarda amalga oshiradi (xar bir tsiklda namuna parametri Q marta o'lchanadi) va o'lchash natijalarini elektron shaklga kiritadi.

Tajriba yakunida xar biri Q o'lchashlardan iborat T tsikllardan iborat ma'lumotlar massivi xosil qilinadi. Massivning elementi  $X_{ik}$  – bu i-tsikldagi k-sonli o'lchash. SHunday qilib i indeksi - tsikl nomeri (1 dan T gacha), k indeksi – tsikldagi namunani o'lchash nomeri (1 dan Q gacha).

Xar bir i o'lchash tsikli uchun dastur qiymatlar o'rtachalari  $\bar{X}_i$  va qulochlari  $R_i$  quyidagi formulalar bo'yicha xisoblaydi:

$$\bar{X}_i = \frac{1}{Q} \sum_{k=1}^Q X_{ik} \quad R_i = \max_{k=1, Q} (X_{ik}) - \min_{k=1, Q} (X_{ik})$$

Dastur quyidagi formulalar asosida X o'rtacha va R qulochni xisoblaydi:

$$\bar{X} = \frac{1}{T} \sum_{i=1}^T \bar{X}_i \quad \bar{R} = \frac{1}{T} \sum_{i=1}^T R_i$$

Dasturda nazorat xaritasi uchun o'rtachalarning yuqori (UCL) va quyi (LCL) chegaralari va qulochlarning yuqori ( $UCL_R$ ) va quyi ( $LCL_R$ ) chegaralari aniqlanadi va nazorat xaritasiga tushiriladi.

$$UCL = \bar{X} + A_2 \bar{R} \quad LCL = \bar{X} - A_2 \bar{R} \quad UCL_R = D_4 \bar{R} \quad LCL_R = D_3 \bar{R}$$

Bu yerda  $A_2$ ,  $D_3$ ,  $D_4$  – bir tsikldagi o'lchashlar soniga bog'liq koeffitsientlar va ular standartga ilova qilingan maxsus jadvaldan olinadi. Ushbu koeffitsientlar jadvali dastur ma'lumotlar bazasiga kiritib qo'yilgan.

Avtomatik tarzda nazorat xaritasi uchun o'rtachalarning yuqori (UCL) va quyi (LCL) chegaralari va qulochlarning yuqori ( $UCL_R$ ) va quyi ( $LCL_R$ ) chegaralari aniqlanadi va nazorat xaritasiga tushiriladi xamda nazorat chegaralari chiziqlari va xisoblangan qiymatlar xaritada xosil bo'ladi va grafiklar shakllanadi.

O'lchash jarayonini turg'unligini taxlil qilish uchun VBA (Visual Basic for Applications) tilida maxsus modullar yozilgan. Dastur o'lchash jarayonini noturg'unligi xaqida xulosa chiqarish uchun quyidagi shartlarni tekshiradi:

- Bir yoki bir nechta nuqta nazorat chegaralaridan tashqarida joylashgan;
- Nuqtalar seriyasi– ketma-ket yettita nuqta o'rtacha qiymatning bir tomonida;
- Ketma-ket yettita nuqtaning o'sishi yoki kamayishi mavjud;
- Jarayonning tasodif bo'lmagan xulqi alomatlari bor (nuqtalar o'rtacha yoki chegara chiziqlar atrofida guruxlanishi va xokazo).

O'lchash tizimini turg'unligi xaqida xulosa nazorat xaritasida aks ettiriladi va xisobot shakllantiriladi.

#### Adabiyotlar

1. Анализ измерительных систем MSA. Справочное руководство. Перевод с англ.-Н.Новгород. Россия: СМЦ «Приоритет» 2003.-225 с.

## DASTURLASHNI RIVOJLANISHIDA “ONLAYN HAKAM” TIZIMLARI HAQIDA

*O.T.Allamov (dotsent, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU UF)*

*M.Davronov (magistr, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU UF)*

Hozirda jahonda dastur ishlab chiqarish bilan tanilgan kompaniyalar tomonidan dasturlash bo'yicha ko'plab sovrinli musobaqalar tashkil qilinmoqda. Jumladan dasturlash bo'yicha jahon musobaqalari ACM ICPC, Google codejam, Facebook hacker cup va Yandex Algorithm nomi ostida har yili ananaviy tarzda o'tkazib kelinmoqda. Dasturlash bo'yicha musobaqalarni o'tkazishdan asosiy maqsad kuchli dasturchilarni saralab olish va ularni ish o'rni bilan ta'minlashdan iborat. Ushbu musobaqalar aqliy sport("mind sport") turi bo'lib, bunda berilgan algoritmik masalalarni C, C++, Java, Python, Kotlin va boshqa dasturlash tillarida tez va xatosiz dasturini tuzishi lozim bo'ladi. Musobaqada yaxshi natija ko'rsatgan qatnashuvchilar sovrinlar bilan taqdirlanadi. Musobaqalarda barcha davlatlardan dasturchilar qatnashishadi va ularning soni 100000 gacha bo'lishi mumkin. Shuning uchun musobaqalarni ikki yoki uch bosqichda o'tkazishadi. Dastlab saralash bosqichlari va oxirida final bosqichi bo'ladi. Odatda bu musobaqalarda 10 tadan 15 tagacha masalalar qo'yiladi va shu masalalar soniga qarab 4 yoki 5 soat vaqt ajratiladi. Musobaqa ACM qoidalari bo'yicha baholanadi[1]. Bu qoidaga ko'ra ko'p masala yechgan ishtirokchi baholash tizimida yuqorida joylashadi agar yechgan masalalari soni teng bo'lib qolsa unda jarima vaqti bo'yicha baholanadi. Jarima vaqti yechgan masalalarning yechgandagi vaqtlari yig'indisiga teng bo'ladi va har bir noto'g'ri yechim uchun qo'shimcha 20 daqiqa jarima vaqt qo'shiladi.

*Onlayn hakam tizimi* - bu o'zida ko'plab algoritmik masalalar to'plamiga ega bo'lgan va shu masalalar yechimlarini to'g'rilikka tekshiradigan tizim hisoblanadi. Bularga misol qilib quyidagilarini olish mumkin:

*Codeforces* ([codeforces.com](http://codeforces.com))- Saratov davlat Universiteti ta'labalari tomonidan yaratilgan va foydalanuvchilar soni bo'yicha yuqori o'rinlarda turadigan onlayn hakam tizimi hisoblanadi. Bu tizimda quyidagi funksialar mavjud: masala yechimini to'g'rilikka tekshirish, virtual mashg'ulot o'tkazish, jamoaviy musobaqalarida qatnashish va boshqa funksialari mavjud;

*HackerEarth* ([hackerearth.com](http://hackerearth.com)) - Hindistonning Bangalor shahrida tashkil topgan tizim bo'lib bunda asosan dasturchilarni ish bilan ta'minlashga yordam beradigan tizim hisoblanadi;

*CodeChef* ([codechef.com](http://codechef.com)) - bunda uzoq muddatli va qisqa muddatli musobaqalar o'tkazilib. Yuqori kuchli uchlikka pul mukofoti beriladi.

*Topcoder* ([topcoder.com](http://topcoder.com)) - Amerika tomonidan tashkil topgan onlayn tizim bo'lib unda yaxshi natija ko'rsatgan dasturchilarga kompaniyalar ishga qabul qilish takliflari beriladi;

*Project Euler* ([projecteuler.net](http://projecteuler.net)) - bunda asosan matematik masalalarni dasturlash tilida yechish imkoniyati mavjud;

UVa Online Judge ([uva.onlinejudge.org](http://uva.onlinejudge.org)) - Ispaniyadagi Valladolid universiteti tomonidan ishlab chiqilgan va o'zida 5000 masalalar to'plamiga ega bo'lgan onlayn hakam tizimi;


AtCoder ([atcoder.jp](http://atcoder.jp)) - Yaponiyadagi eng kuchli dasturchilar uchun yaratilgan onlayn hakam tizimi;

Algo Ubtuit ([algo.ubtuit.uz](http://algo.ubtuit.uz)) - O'zbekistondagi TATU Urganch filiali tomonidan yaratilgan onlayn hakam tizimi[4].

Keltirib o'tilgan tizimlar orasida Codeforces foydalanuvchilar va keltirilgan masalalar soni hamda funktsional imkoniyatlarini kengligi bilan ajralib turadi. Codeforces - ITMO universitetining Mixail Mirzayanov boshchiligidagi dasturchilar guruhi tomonidan ishlab chiqilgan. Dasturi 2010 - yilda yaratilgan bo'lib, tizimida ro'yxatdan o'tgan foydalanuvchilar soni 600 mingdan ziyod[2]. Dastur dasturlash bo'yicha musobaqalar va tanlovlarga tayyorlanishga xizmat qiladi. U quyidagi funktsional xususiyatlarga ega:

- Codeforces Round - qisqa muddatli musobaqalarni o'tkazish mumkin. Haftasiga bir yoki ikki marta o'tkazildi;
- Educational contests - oyiga 4-5 marta musobaqa o'tkazildi. Musobaqaning davomiyligi 2-2.5 soat bo'ldi. So'ngi 12 soat muaboinida boshqalarning yechimlarini testlash imkoni mavjud;
- har yili bo'lib o'tadigan dasturlash bo'yicha jahon chempionati ACM ICPC yoki shunga o'xshash boshqa jamoaviy musobaqalariga tayyorlanish uchun jamoaviy musobaqalar o'tkaziladi;
- masalalarni tuzish va sinab ko'rish uchun "Poligon" xususiyati mavjud;
- foydalanuvchilar o'z shaxsiy bloglarini yuritish imkoni mavjud.

Tanlov ishtirokchilari Elo reyting tizimiga o'xshash tizim bilan baholanadi va g'oliblar uchun odatda mukofotlar yo'q, lekin yiliga 2-3 marta maxsus tanlovlar o'tkaziladi, unda eng yaxshi tanlov ishtirokchilariga sovg'alar taqdim etiladi.



1-rasm. Codeforces saytidagi ishtiroqchilardan birining reyting oynasi.

Codeforces onlayn hakam tizimida ishtirokchilar o'zlarining reytinglariga asoslangan holda ajratiladi. Reytinglari 1900 katta yoki teng bo'lgan foydalanuvchilar div-1 musobaqa baholanishi mumkin. Reytinglari 1900 dan past bo'lgan foydalanuvchilar Div-2 musobaqasida qatnashishlari mumkin. Shu bilan birga, Div-3 musobaqasi 1600 dan past bo'lgan foydalanuvchilar uchun yaratilgan.

1-jadval. Codeforces onlayn hakam tizimida ishtirokchilar reytinglari

Reyting	Foydalanuvchilar unvoni	Div	Soni
$\geq 3000$	Afsonaviy grossmeyster( <b>Legendary Grandmaster</b> )	1	23 (31)
2600 - 2999	Xalqaro grossmeyster( <b>International</b> )	1	103 (157)

	<b>Grandmaster)</b>		
2400 - 2599	Grossmeister ( <b>Grandmaster</b> )	1	212 (406)
2300 - 2399	Xalqaro master ( <b>International Master</b> )	1	143 (364)
2100 - 2299	Master ( <b>Master</b> )	1	1091 (2128)
1900 - 2099	Nomzod master( <b>Candidate Master</b> )	½	1944 (5503)
1600 - 1899	Ekspert ( <b>Expert</b> )	2	6387 (21596)
1400 - 1599	Mutaxassis ( <b>Specialist</b> )	2/3	13454 (51629)
1200 - 1399	O'quvchi ( <b>Pupil</b> )	2/3	19362 (60964)
≤ 1199	Boshlang'ich( <b>Newbie</b> )	2/3	8270 (20125)

Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti Urganch filialida professor-o'qituvchi va talabalari tomonidan ishlab chiqilgan va hozirgi kunda tajriba-sinovdan o'tkazilayotgan "Onlayn hakam" tizimi dasturi talabalarga algoritmlashni o'rgatishda yuqori samara bermoqda[4]. Tizimning dastlabki sahifasi «Bosh sahifa», «Masalalar», «Status», «Reyting», «Jo'natish», «Algoritmlar», «Online contest», «Yordam» bo'limlaridan iborat bo'lib, ular quyidagicha vazifalarni amalga oshirishga mo'ljallangan:

- Bosh sahifa - bo'limida talabalar uchun dasturlash bo'yicha yangiliklar, e'lonlar beriladi. Shuningdek, bu bo'limda o'tkazilgan nazorat (musobaqa shaklida) natijalari, talabalarining dasturlash masalalarini yechishi bo'yicha monitoring natijalari, har bir o'tkazilgan musobaqadan keyin muallif yechimlari berib boriladi.

- Masalalar - bo'limida talabalarga oraliq va yakuniy nazoratga mustaqil tayyorlanishlari uchun o'tilgan mavzular bo'yicha har bir fan kesimida masalalar to'plami beriladi, shuningdek olimpiadaga tayyorlanuvchi talabalar uchun ham maxsus masalalar to'plami ham ishlab chiqilgan.

- Status - bo'limida joriy holat, ya'ni joriy vaqtda masalalarni yechayotgan talabalar va ularni masalani to'g'ri yoki noto'g'ri yechayotganligi, urinishlari soni ko'rsatiladi.

- Reyting - bo'limida talabaning masalalarni yechish soni bo'yicha olgan o'rni belgilanadi. Bu bo'limda talabalarni familiya, ismi bo'yicha qidiruv tizimi ham mavjud. Agar siz biror guruhni tanlasangiz, faqat shu guruh talabalarining reytingi chiqadi.

- Jo'natish - bo'limida talabalar yechgan masalaning matnini tizimga tekshirish uchun jo'natadilar. Masalaning yechimini jo'natish 2 xil usulda bo'lishi mumkin:

- 1) Sahifa oynasiga dastur matnini nusxasini yordamida;
- 2) Dastur matnining faylini jo'natish orqali.

Talaba dastlab masalaning tartib raqami tanlaydi, keyin dasturlash tillaridan (C++, Java, C, Pascal, Delphi) birini tanlaydi. Masalaning dastur matni tanlangan dasturlash tilida bo'lishi shart.

•Algoritmlar - bu bo‘limda dasturchilar uchun zarur bo‘lgan algoritmlar beriladi. Ushbu bo‘limda istalgan turdagi murakkab algoritmlarni ham izohlar va sodda misollar orqali oson tushunib olishlari mumkin bo‘ladi.

•Online contest - bo‘limida dasturchilar o‘rtasida musobaqalar o‘tkaziladi. Ushbu musobaqalar ma’lum vaqt oralig‘ida va belgilangan sanada onlayn tarzda o‘tkaziladi, musobaqa o‘tkaziladigan sanalar tizim yangiliklar bo‘limida e’lon qilib boriladi.

•Yordam - bo‘limida foydalanuvchiga tizimning ishlashi, dasturlash tillarida yaratiladigan dasturlarning ko‘rinishi, masalalarning qo‘yilishi, tekshiriladigan dasturdagi integrallashgan tizim beradigan xatoliklar bo‘yicha ma’lumotlar beriladi.

Tizimda talaba tomonidan dasturlashda yo‘l qo‘yilgan xatoliklar quyidagi ko‘rinishlarda berilishi mumkin:

1) Accepted - ma’lumot jo‘natilgan dasturni barcha testlashdan muvaffaqiyatli ravishda o‘tganligi haqida xabar beradi va siz jo‘natgan dastur tizim tomonidan qabul qilinganligini bildiradi. 2) Wrong answer - ma’lumot jo‘natilgan dasturni testlashdan o‘tmaganligini anglatadi. Testlashni qaysi turidan o‘tmaganligini "#" belgisidan keyin chiqadigan sondan bilish mumkin. Masalan: Wrong answer #5 degan xabar chiqsa, dastur 5 – testlashdan o‘ta olmaganligini anglatadi. 3) Time limit exceeded - bunday ma’lumot jo‘natilgan dastur qo‘yilgan biror-bir testlashda vaqt chegarasi oshganligini bildiradi. Qaysi testlashda vaqt chegarsini oshganligini "#" belgisidan keyin chiqadigan sondan bilish mumkin. Masalan: Time Limit exceeded #5 bo‘lsa, 5 testlashda vaqt chegarasi oshganini bildiradi. 4) Compilation error - ma’lumoti jo‘natilgan dastur matni kompilyatsiya qilinganida chiqqan xatolik haqidadir. 5) Runtime error - ma’lumoti jo‘natilgan dasturning bajarilishi vaqtida uchraydigan xatolikni anglatadi, bunday xatoliklarga massiv elementlarini yo‘q indeksini chiqarish, massiv elementlari indeksini oshishi va shunga o‘xshash xatoliklar kiradi. Masalan: Runtime error #5 bo‘lsa 5 testlash bajarilishi vaqtida uchragan xatolikni bildiradi. 6) Memory limit - bunday ma’lumot jo‘natiladigan dasturga ajratilgan xotira chegarasidan oshganda ro‘y beradigan xatolik. 7) In queue - bunday ma’lumot jo‘natilgan dastur tekshirish uchun navbatga qo‘yilganligini anglatadi. 8) Running - bunday ma’lumot jo‘natilgan dastur tizim tomonidan tekshirilayotganligini anglatadi.

Xulosa qilib aytganda, ushbu yaratilgan “Onlayn hakam” tizimi dasturi horizgi kunda 893 ta masalani o‘z ichiga qamrab olgan bo‘lib, qisqa muddat ichida butun respublika bo‘ylab 8116 ta dasturchi foydalanuvchilarga dasturlash va algoritmlash bo‘yicha bilimlarini yanada chuqurlashtirishlari uchun xizmat qilmoqda.

#### Adabiyotlar

1. [https://en.wikipedia.org/wiki/Competitive\\_programming](https://en.wikipedia.org/wiki/Competitive_programming).
2. <https://en.wikipedia.org/wiki/Codeforces>
3. [http://code.wikia.com/wiki/Online\\_judge](http://code.wikia.com/wiki/Online_judge)
4. <http://algo.ubtuit.uz/index.php>

## МУРККАБ ШАКЛДАГИ ПЛАСТИНКАЛАР ТЕБРАНИШИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

*Б. Ш. Айтмуратов (доцент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ НФ)*

Электромагнит майдонда жойлашган юпка пластинкаларнинг тебраниш масаласини математик моделлаштиришда эластиклик назарияси ва электромагнит майдоннинг уч ўлчовли масаласига олиб келинади. Бу масала хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ва уларга мос чегаравий, бошланғич шартлардан иборат бўлади. Ушбу кўринишдаги масалаларни ечиш учун бир қанча алгоритмлар яратилишига қарамастан амалий масалаларни ечиш муаммолигича қолмоқда. Амалиётда бундай масалаларни ҳар хил усуллар ёрдамида соддалаштиришларга олиб келинади. Масалан, ҳар хил гипотезаларни қўллаш орқали, аналитик ва тақрибий усулларни ишлатиш ёрдамида амалга оширилади.

Магнитэластик масалаларининг классик шаклга эга (доира, туғри тўртбурчакли ва ҳакозо) пластинкаларнинг тебраниш масаласини ечиш усулларининг кўп бўлишига қарамадан, магнитэластик соҳасида катта аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири магнит майдонида жойлашган мураккаб шаклли юпка пластинкаларнинг динамик хусусиятларини ўрганадиган масалаларни ечиш ҳозиргача ҳам муаммо бўлиб қолмоқда.

Мазкур ишда мураккаб шаклли магнитэластик юпка пластинкаларнинг тебранишини математик моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибаларини олиб бориш учун MAPLEда дастурий таъминотини игшлаб чиқиш қаралган.

MAPLEда берилган масалани ечиш учун махсус дастур мажмуа яратиш зарур. Бу учун дастлаб RFM пакети яратилди. Мазкур пакет графика билан боғлиқ бўлган амалларни бажарадиган процедуралар ва масалани ечиш билан боғлиқ амалларни бажарадиган процедураларни ўз ичига олади:


- Берилган соҳани чизишга мулжалланган процедуралар
- R – операциялар билан боғлиқ бўлган процедуралар;
- Дифференциал операторлар ва скаляр кўпайтмалар;
- Визуаллаштириш процедуралари;
- Интеграллашга ва интеграллашга тайерлашга боғлиқ бўлган процедуралар;
- Тенгламанинг ечимларини топиш ва аниқлаштириш буйича процедуралар
- Функциялар кетма-кетлигининг генерациялаш процедуралари
- Ечиш процесси билан боғлиқ процедуралар

Мураккаб шаклли юпка пластинканинг тебраниш масалани ечиш учун дастлаб RFM пакетини ишга қўшиш керак. Унинг учун Maple нинг стандарт буйруғидан фойдаланамиз with(RFM). R-операцияни танлаш учун юқорида келтирилган SetRSystem процедураси ёрдамида амалга оширилади.

*Қаралиётган соҳани чегаравий тенгламасини қуриш*




R-функция методидан фойдаланган ҳолда соҳани қуришимиз зарур у учун тегишли процедуралардан фойдаланилади. Кейин мос процедураларни фойдаланган ҳолда соҳани мантиқий формуласини (предикат кўринишда) оламиз. MAPLE логик амалларни мос ҳолда R-амалларга алмаштиради. Бу ерда олинган соҳамизни туғри тўртбурчак билан чегаралаб (4та элементли иккита юқори ва иккита патки координаталари) соҳани графиги чизилади



Мураккаб шаклли пластинка кўриниши

Кейинги қадамда олинган соҳани интеграллашга тайёрлайди. Қурилган соҳа буйича кўплаган икки қаррали интегралларни ҳисоблашларга туғри келади шу сабабли интеграллашга олдиндан тайёрлаш процедуралари фойдаланилади. Масалани Бубнов-Галеркин усули ёрдамида ечиб  $C_1$  номаълум коэффицентлари топилиб, масаланинг аналитик ечими олинади. Олинган ечимдан фойдаланиб икки ва уч ўлчовли график кўринишларини олишимиз мумкин.



Мураккаб шаклли пластинкага куч марказга тушгандаги тебраниши

## **ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИНИНГ БОШЛАНГИЧ ТАШҚИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ МОНИТОРИНГИ АХБОРОТ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ**

*Б.Қ.Махманов (ассистент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ҚФ)*

*С.А. Унғбоев (талаба, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ҚФ)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017-йил 30-июнь – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун ва “Ёшлар куни” деб эълон қилинди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг мақсади – ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган

мамлакатлари каторига кириши жараёнларига жалб қилиш ҳамда ёш авлоднинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш, йигит-қизларнинг маънавий ва касбий савиясини юксалтириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдан иборат.





Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари фаолияти ва ходимлари бошқарув тизимини ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб бўлиб турибди.

Бу ахборот тизимининг асосий мақсади Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари фаолияти ва ходимлари бошқарув автоматлашган тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Таклиф этилаётган ушбу ахборот тизими доирасида қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:


- яратиладиган дастурий таъминотнинг асосий талабларни аниқлаш;
- ҳар бир фойдаланувчини ролларига мос, яъни тизимнинг фақат ўзига тегишли бўлган саҳифаларига йўналтириш;
- ҳозирги кунда мавжуд бошланғич ташкилотларни марказлашган электрон маълумотлар базасини шакллантириш;
- бошланғич ташкилотлардаги етакчилар ва ходимлари марказлашган электрон маълумотлар базасини шакллантириш ва бу орқали керакли ҳисоботларни тезкор равишда олиш имкони бўлади;
- бошланғич ташкилотлар ва улардаги етакчилари маълумотлар базаси асосида қулай интерфейсга эга бўлган дастурни ишлаб чиқиш;
- электрон ҳужжатларни кўриб чиқишнинг очиклиги, шаффофлиги таъминлаш;
- ходимларнинг маълумотномалари ва шахсий варақаларини ҳамда тасдиқланган шакллар бўйича ҳосил қилинган ҳисоботларни MS Word дастури форматларида юклаб олиш;
- турли спектрдаги маълумотларни қидирув тизимини шакллантириш;
- реал вақтдаги бошланғич ташкилотлар фаолияти бўйича статистик маълумотларни визуализациялаш;
- дастурий таъминот модулларини корпоратив тармоққа ўрнатилиб, тестлаш;
- яратилган дастурий таъминотга фойдаланувчи учун қўлланма ишлаб чиқиш.

Иттифоқнинг тузилмаси қуйидаги расмда тасвирланган (1-расм).

MARKAZIY KENGASH	MARKAZIY KENGASH
HUDDIY KENGASH	
MAHALLIY KENGASH	
VAZIRLIK, IDORA VA TASHKILOTLARDAGI YETAKCHILAR KENGASHI	 Bo'lim mudiri: Ko'charov Bahodir Abdusattorovich
OLYI TA'LIM MUASSALARI	O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI
AKADEMIK LITSEYLAR VA KASB-HUNAR TA'LIMI MUASSALARI	 Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Alisher Navoiy ko'chasi 11-uy
UMUMIY O'RTA TA'LIM MUASSALARI	 bt@mail.uz
KORXONA VA TASHKILOTLAR	


1-расм. Бошланғич ташкилотлар тузилмаси

Бу тизимда марказий кенгаш ташкилий тузилмаси ҳам батафсил келтирилган. Тизимнинг асосий интерфейсида (2-расм) барча бошланғич ташкилотлар статистикаси тасвирланган бўлади. Бу орқали республика бўйича қанча иттифоқ тузилмасидаги бошланғич ташкилотлар борлигини реал вақтдаги ҳолатни кўриш мумкин. Тизим асосий саҳифасида иттифоқ фаолиятида рўй бераётган охириги янгиликлар ва тасдиқланган меъёрий ҳужжатларни ҳам тақдим этиб борилади.



2-расм. Тизим асосий саҳифаси

Тизимда ҳудудий кенгаҳда мавжуд бошланғич ташкилотлар (БТ) тўғрисида ҳам маълумотлар ҳам тақдим этилиб борилади (3-расм). Бу ерда ҳудудий кенгаҳда мавжуд маҳаллий кенгаҳ, шунингдек ОТМ, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, умумий ўрта таълим муассасаси, кархона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлар статистикасини кўриш имкони ҳам мавжуд.



3-расм. Ҳудудий кенгаҳлардаги мавжуд БТ статистикаси

Тизимда мос ҳудудий кенгаҳдаги маҳаллий (туман) кенгаҳларидаги мавжуд БТ тўғрисида, мос маҳаллий (туман) кенгаҳларидаги мавжуд БТ

тўғрисида тўлиқ маълумотни турли кесимдаги ҳолатини онлайн режимда кўриш мумкин. БТдаги етакчилар ва ходимлари марказлашган электрон маълумотлар базасини орқали керакли ҳисоботларни тезкор равишда олиш имкони мавжуд (8-расм).

#	Photo	F.I.SH	TASHKILOT !?
1		Yuliyev Ozod Olimovich	Buxoro muhandislik texnologiya instituti (Buxoro viloyati Buxoro shahri)
2		Tomoccoeva Gyncaza	Samarqand davlat chet tillar instituti (Samarqand viloyati Samarqand shahri)
3		Mardonov Bobosher	Samarqand davlat tibbiyot instituti (Samarqand viloyati Samarqand shahri)
4		Menglo'rayeva Laylo Botir qizi	1-umumta'lim maktabi (Surxondaryo viloyati Termez shahri)
5		Mirsultonov Miraziz	Toshkent davlat agrar universiteti (Toshkent viloyati Qibray tumani)
6		Imazarov Odil Abdulloz o'g'li	2-umumta'lim maktabi (Surxondaryo viloyati Termez shahri)
7		Doriyarov Sanjar Dilmurodovich	3-umumta'lim maktabi (Surxondaryo viloyati Termez shahri)

8-расм. Марказлашган электрон маълумотлар базаси

Бу тизимда ходимларнинг маълумотномалари ва шахсий варақаларини ҳамда тасдиқланган шакллар бўйича ҳосил қилинган ҳисоботларни MS Word дастури форматларида юклаб олиш имкони ҳам мавжуддир.

Электрон ахборот ресурсларига самарали мурожаат, уларни тарқатиш ва алмашиш ҳар қандай ташкилот ишини бошқаришда муҳим ўрин тутди [1,2]. Шу билан бирга, замонавий техник қурилмаларнинг иш ўринларида жорий қилинганлиги ташкилотда иш самарадорлигини орттиришни таъминлаб бермайди. Бундай қурилмалар учун махсус дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва қўлланиш мураккаб илмий-техникавий муаммоларни муваффақиятли ечиш имконини беради.

Электрон ахборот ресурсларини баҳолашга замонавий АКТни кенг қўллаш орқали самарали фаолиятни такомиллаштиришга, жумладан, ҳужжатларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш жараёнларини жадаллаштиришга эришилади. Бунда иш вақтини тежаш билан бирга унинг сифатини яхшилаш имкониятлари пайдо бўлади. Бунинг учун сифат кўрсаткичини яхшилаш қуйидаги омилларга боғлиқ ҳолда амалга оширишилади:

- автоматлаштирилган иш ўринлари орқали унинг ички ва ташқи МБдаги электрон ресурсларига ўз вақтида тўғридан-тўғри муурожаатни таъминлаш;
- фаолиятни рақамли мувофиқлаштириш (амалга ошириш);
- информатив ва визуал ҳужжатлар, шунингдек тезкор дастурий таъминотларда маълумот алмашишни таъминлаш орқали мижозлар билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш;
- ташкилотга юклатилган вазифаларни бажаришга катта ҳисса қўшадиган таҳлил қилиш, баҳолаш каби юқори самарали фаолиятлар учун зарур вақт ажратиш.


Юқоридагиларга таянган ҳолда маркетинг хизмати ва бухгалтерия бўлимларида тўлов-контракт тушумлари ҳисобини юритиш жараёнини автоматлаштириш учун улар иш жараёнини моделлаштириш талаб қилинади [2]. Дастурий таъминотнинг ишлаб чиқилиши талабаларнинг тўловлари ҳақидаги зарур маълумотларни УзАСБО дастурий мажмуаси ҳодисалар баённомасидаги тўлов контракт тушумларини синфлаштириш орқали тез ва оператив олиш имконини беради. Бу эса ўз ўрнида ҳужжатлар билан ишлашда аниқлик ва тезкорликни ошириб, турли кесимларда ҳисоботларни шакллантириш натижасида вақт ва моддий ҳаражатларни камайтиришни таъминлаб беради. Натижада, зарур маълумотларни қайд қилишдаги аниқлик ва тезкорликни орттириш эвазига, бир турдаги ҳужжатларни қайта-қайта тўлдириш ва маълумотларни қўлда таҳлил қилиш, катта ҳажмдаги маълумотларни қоғозда тавсифлаш ва сақлаш каби қўшимча вазифаларни бажаришдан воз кечилади.

Маълумотларни электрон қайта ишлаш албатта ананавий, яъни қўлда қайта ишлашга нисбатан жуда самарали саналади. Шундан келиб чиқиб, дастурий восита иш жараёнида талаба томонидан амалга оширилган тўловни синфлаштириш жараёнининг IDEF3 моделини 1-расмдаги каби куриб оламиз.



1-расм. Тўловни синфлаштириш жараёни IDEF3 модели

«Электрон ресурсларни баҳолашда информатив белгиларни танлаш ва электрон ресурсларни синфлаштириш алгоритмлари» асосида келиб тушган тўловлар факультетлар, таълим йўналишлари, курслар ва гуруҳлар бўйича назорати амалга оширилди. Бу жараён IDEF1x нотацияси ёрдамида 2-расмдаги кўринишда моделлаштирилади.



2-расм. Тўловни назорат қилиш IDEF1x модели

Юқоридаги моделларга асосан дастурий восита томонидан зарур шаклдаги ҳисоботлар шакллантиришга эришамиз.

Таклиф қилинаётган тўловларни синфлаштириш ва назорат қилиш моделлари асосида дастурий таъминот ишлаб ишлаб чиқилган. Бу эса ўз ўрнида тўлов-шартнома тушумлари ҳақида маълумотларни қайта ишлаш ва уларни талабаларга автоматик тақсимотини амалга ошириши жараёнлари тезлигини орттиради, тўлов тушумларини қайд қилишнинг аниқлиги ва ишончилигини орттиради, ҳисоботларни шакллантириш вақтини тежайди, ходимлар ишини назорат қилиш ва иш жараёни самарадорлиги орттиради.

#### Адабиётлар

1. Самандаров Б.С. Электрон ахборот ресурслар ҳолатини баҳолашнинг адаптив модели. //Узб.журнал «Проблемы информатики и энергетики». – Ташкент, 2016. –№1. – С. 39-45.

2. Самандаров Б.С. Тўлов-контракт шартномаларига асосланган электрон ресурсларни шакллантириш // International Conference on Importance of Information-Communication Technologies in Innovative Development of Sectors of Economy. Tashkent-2018. –Б. 549-552.

## ГЕПАТИТ В ДАВРИДА ЖИГАР ХУЖАЙРАЛАРИ РЕГУЛЯТОРИКАСИ КОМПЬЮТЕР МОДЕЛИНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ

*А.М. Турғунов (к.и.х, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ҳузуридаги АКТ ИИМ)*

Маълумки, моделлаштириш - барча соҳаларда тадқиқотларни амалга оширишнинг асосий воситаларидан биридир. Биологик тизимларда, яъни жигар хужайраларида гепатит В вируслари мавжуд ва улар фаол бўлган даврда жигар хужайралари регулятор механизмлари фаолиятини - регуляторикасини моделлаштириш усулларидадан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилиш, қаралаётган объектнинг кўплаб муҳим ҳолатларини аниқлашга ва кузатилиши мумкин бўлган жараёнларни бевосита баҳолашга имкон беради. Тирик тизимларда бирор бир жараён содир бўлиши учун маълум бир вақт

талаб этилади. Бунда вақтий кечикиш юзага келади ва бу омилни инобатга олиш зарур бўлади. Шу билан бирга объектнинг олдинги ва жорий вақтдаги ҳолатини инботга олган ҳолда келгусида кузатиши мумкин бўлган ҳолатларини ифодаловчи математик модель тенгламаларини тузиш аргументи кечикувчи дифференциал тенгламалардан, яъни функционал-дифференциал тенгламалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Гепатит В даврида жигар хужайралари регуляторикаси математик моделини куйидаги кўринишда келтирамиз [1, 2]:

$$\begin{aligned}\varepsilon_1 \frac{dX(t)}{dt} &= \frac{aX^2(t-1)}{1+X^2(t-1)+cY^2(t-1)} - X(t), \\ \varepsilon_2 \frac{dY(t)}{dt} &= \frac{bX(t-1)Y(t-1)}{1+dX^2(t-1)+Y^2(t-1)} - Y(t). \\ X(t) &= \varphi_1(t), Y(t) = \varphi_2(t), t \in [0,1].\end{aligned}\tag{1}$$


Бу ерда  $X(t)$ ,  $Y(t)$  – мос равишда, жигар хужайралари ва гепатит В вируслари молекуляр-генетик тизимлари фаоллигини характерловчи қийматлар;  $\varepsilon_1$ ,  $\varepsilon_2$ ,  $a$ ,  $b$ ,  $c$ ,  $d$  – модель параметрлари;  $\varphi_1(t)$  ва  $\varphi_2(t)$  –  $[0,1]$  кесмада берилган узлуксиз бошланғич функциялар; барча параметрлар ўлчовсиз ва мусбат.

Аргументи кечикувчи дифференциал тенгламалар, яъни функционал-дифференциал тенгламалар ечими тадқиқ қилинаётган объектнинг турли хил динамик режимларини, шу жумладан тизим параметрлари қийматларига боғлиқ ҳолда даврий тебранма, нодаврий тебранма, яъни динамик хаос ва тўсатдан ўзгарувчи динамик ҳолат – “қора ўрама” режимларини ифодалайди.

Гепатит В даврида жигар хужайралари регуляторикаси математик модели функционал-дифференциал тенгламаларини ечиш жуда ҳам мураккаб бўлганлиги сабали сонли ечимларини оламиз. Функционал-дифференциал тенгламаларни сонли ечишнинг бир неча усуллари мавжуд. Бугунги кунда дифференциал тенгламаларни сонли ечишда энг кўп қўланилаётган сонли ечиш усули бу Рунге-Кутта усулидир. Ушбу Рунге-Кутта усулини функционал-дифференциал тенгламаларни сонли ечимларини олиш учун қўллаймиз. Бунда  $X(t-1)$  ва  $Y(t-1)$  ларни сонли қийматларини олиш учун интерполяция усулидан фойдаланамиз [3].


Гепатит В даврида жигар хужайралари регуляторикаси математик модели функционал-дифференциал тенгламаларини сонли ечимларини олишнинг Рунге-Кутта усули ишчи алгоритмик блок-схемаси куйидагича:

Юқорида келтирилган Рунге-Кутта сонли ҳисоблаш усули ва алгоритмик блок-схема асосида гепатит В даврида жигар хужайралари регуляторикаси математик модели функционал-дифференциал тенгламаларини сонли ечимларини олиш ва ҳисоб тажрибаларини амалга ошириш учун компьютер моделини яратиш мумкин.



1 - расм. Рунге-Кутта усулининг алгоритмик блок-схемаси.

Жигар хужайраларида гепатит В вируслари фаол бўлган даврда жигар хужайралари регуляторикаси компьютер модели ишчи интерфейси куйидагича кўринишда:



2-расм. Гепатит В даврда жигар хужайралари регуляторикаси компьютер модели ишчи интерфейси.

Амалга оширилган ҳисоб тажриба натижалари шуни кўрсатдики, қаралаётган тизим параметрлари қийматларини жуда кичик қийматга ўзгариши тизимнинг турғунлигини бузилишига ва нотурғун ҳамда нодаврий режимларни пайдо бўлишига олиб келади. Бу эса, жигар хужайраларида гепатит В вируслари фаол бўлган даврда жигар хужайралари регуляторикасининг динамик хаос ёки “қора ўрама” режимлари кузителиши мумкинлиги ифодаляйди. Агарда ҳисоб тажрибасида динамик хаос режими кузатилса, у ҳолда жигар хужайраларида, яъни жигарда вирусли гепатит В касаллиги шаклланиши мумкинлигини ифодаляйди. “Қора ўрама” режимлари кузителиши эса, жигар хужайралари регулятор механизмлари фаолиятини гепатит В вируслари таъсирида тўхтаганлигини, яъни инсонларнинг муҳим органларидан бири ҳисобланган жигар органи нобуд бўлганлигини ифодаляйди.

Шундай қилиб, биологик тизимларда, яъни жигар хужайраларида гепатит В вируслари мавжуд ва улар фаол бўлган даврда жигар хужайралари регуляторикасини тадқиқ қилишда компьютер модель дастурий

таъминотидан фойдаланиш жигар хужайраларида кузатилиши мумкин бўлган ҳолатларни олиндан башорат қилиш ва баҳолаш имконини беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Хидилов Б.Н., Тургунов А.М. Моделирование молекулярно-генетических механизмов управления вирусным гепатитом В // Проблемы информатики и энергетики. – Ташкент, 2012. № 2–3. – С. 13–18.

2. Хидирова М.Б., Тургунов А.М. Компьютерное моделирование инфекционного заболевания вирусным гепатитом В с применением информационных технологий // XV Международной конференции «Информатика: проблемы, методология, технологии», г. Воронеж, 2015 г. – С. 476-482.

3. Пименов В.Г. Функционально-дифференциальные уравнения в биологии и медицине. Учебное пособие. Екатеринбург, 2008 г. – 92 с.

### РЕАЛИЗАЦИЯ ОБЪЕКТНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ПОДХОДА В ОДНОМЕРНОЙ ЗАДАЧЕ НЕФТЕВЫТЕСНЕНИЯ

*З.У.Узаков (Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ҚФ)*

*О.У.Бегулов (Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ҚФ)*

Процессы и явления реального мира состоят из определённых объектов и их взаимодействия. Объектно-ориентированная методология разработки программных средств, предназначенных для изучения с помощью компьютера свойств процессов и явлений методом математического моделирования, позволяет более точно отразить объекты реального мира, использовать уже готовые, протестированные программные компоненты и тем самым сократить время разработки и финансовые расходы, относительно легко модернизировать программные средства [1].

Процесс нефтевытеснения, как один из вторичных методов добычи нефти, можно представить как процесс взаимодействия следующих трёх объектов:

- 1) нагнетательная скважина, через которую в определенном режиме в нефтеносный пласт закачивается вытесняющая фаза;
- 2) эксплуатационная скважина, на которой происходит отбор вытесняемой фазы (нефти) или с определённого момента времени обеих фаз (вытесняемой нефти и вытесняющей воды);
- 3) нефтеносная среда между нагнетательной и эксплуатационной скважинами, где происходит процесс вытеснения нефти в сторону эксплуатационной скважины.




Рис. 1. Объекты процесса нефтевытеснения и их взаимодействие.

В данной работе кратко представлены результаты вычислительных экспериментов по реализации объектно-ориентированного подхода в разработке программного обеспечения, предназначенного для моделирования на компьютере одномерного процесса нефтевытеснения в рамках математической модели двухфазной фильтрации Баклея-Левретта. Распределение функции насыщенности вытесняющей фазы  $S(t)$  описывается уравнением

$$m \cdot \partial S / \partial t + W \cdot \partial \varphi(S) / \partial x = 0, \quad (1)$$

где  $m$  - пористость нефтеносной среды,  $W$  – объёмная скорость двухфазной жидкости (объём закачиваемой вытесняющей фазы),  $x$  и  $t$  - соответственно, пространственная и временная переменные,  $\varphi(s)$  – известная функция [2]. Граничное условие на нагнетательной скважине  $\Gamma_H$ , расположенной в точке  $x=0$ , имеет вид  $S(0,t) = \bar{S}$ , где  $\bar{S}$  - верхнее предельное значение функции насыщенности, зависящее от вида используемых функций относительных фазовых проницаемостей.

Итак, процесс нефтевытеснения будем рассматривать как взаимодействие следующих трёх объектов, трёх процессов:

- 1) нагнетательная скважина, процесс закачки вытесняющей фазы;
- 2) нефтеносная среда, процесс перераспределение насыщенностей фаз под воздействием функционирования нагнетательной и эксплуатационной скважин, процесс двухфазной фильтрации в пористой среде;
- 3) эксплуатационная скважина, процесс отбора нефти или нефтеводяной смеси на эксплуатационной скважине.

Моделирование каждого из этих процессов в программном обеспечении выполняется объектом соответствующего класса. Процесс, происходящий на нагнетательной скважине, моделируется с помощью класса

```
class injection_well{
public: float W,SIW;
void set_water_volume(){cout<<"W="; cin>>W; SIW=1.0;}
void print_water_saturation(){
    cout<<" SIW ="<<fixed<<setprecision(3)<< SIW <<endl; } }; ,
```

членами которого являются переменные  $W$  и  $SIW$  – соответственно, объёмный расход вытесняющей фазы и значение функции насыщенности вытесняющей фазы на нагнетательной скважине, а также метод `set_water_volume()`, устанавливающий значения этих переменных, и метод `print_water_saturation()`, выдающий на экран монитора значение функции насыщенности вытесняющей фазы на нагнетательной скважине.

Класс

```
class production_well{
public: float SPW;
void print_water_saturation(){
    cout<<"SPW="<<fixed<<setprecision(3)<<SPW<<endl; } };
```

выводит на экран монитора значение функции насыщенности вытесняющей фазы, достигнутое на эксплуатационной скважине. А класс с именем

displacement\_process моделирует процесс вытеснения нефти, происходящий между нагнетательной и эксплуатационной скважинами. А именно, методы-члены и переменные-члены этого класса задают необходимые функциональные зависимости, значения физических параметров и параметров вычислительного алгоритма, выполняют численное решение уравнения (1) по явной конечно-разностной схеме

$$m \cdot (S_i^{j+1} - S_i^j) / \tau + W \cdot (\varphi_i^j - \varphi_{i-1}^j) / h = 0. \quad (2)$$

Главная функция main() программы имеет следующее определение:

```
int main() {
injection_well injec_well;
/* объявление объекта injec_well типа injection_well */
production_well prod_well;
/* объявление объекта prod_well типа production_well */
injec_well.set_water_volume();
/* обращение к методу set_water_volume () для объекта injec_well с целью
установки значения объёмного расхода закачиваемой вытесняющей фазы и
значения функции её насыщенности на эксплуатационной скважине */
displacement_process disproc(injec_well);
/* создание объекта disproc типа displacement_process */
disproc.get_initial_condition();
/* обращение к методу get_initial_condition() с целью инициализации
переменных-членов объекта disproc */
disproc.method_difference_grid();
/* обращение к методу method_difference_grid() для объекта disproc с целью
численного решения дифференциального уравнения (1) конечно-разностным
методом по схеме (2), расчёта распределения искомой функции
насыщенности вытесняющей фазы на задаваемый момент времени и вывода
её значений на экран монитора */
disproc.get_values_on_wells(injec_well, prod_well);
/* обращение к методу get_values_on_wells(injec_well, prod_well) для
объекта disproc с целью получения значений функции насыщенности
вытесняющей фазы на нагнетательной и эксплуатационной скважинах */
injec_well.print_water_saturation(); prod_well.print_water_saturation();
/* обращение к методу print_water_saturation() для объектов injec_well и
prod_well с целью вывода на экран монитора значений функции
насыщенности вытесняющей фазы на нагнетательной и эксплуатационной
скважинах */
return 0; }
```

Вычислительные эксперименты показали работоспособность программы, разработанной по описанной технологии. Ниже представлены результаты одного из сеансов с компьютером. Рассчитанные значения функции насыщенности вытесняющей фазы приведены во второй строке:

W=0.012 mu0=10 L=10 T=40 NX=10 NT=40 S0=0.2 m=0.2  
1.000 0.613 0.577 0.553 0.533 0.514 0.491 0.443 0.275 0.200 0.200



SIW=1.000      SPW=0.200

### Литература

1. Соммервилл, Иан. Инженерия программного обеспечения, 6-е издание. Пер. с англ. – М.: Издательский дом “Вильямс”, 2002. – 624с.
2. Коновалов А.Н. Задачи фильтрации многофазной несжимаемой жидкости. - Новосибирск: Наука. Сибирское отделение, 1988. – 166 с.

## ТРАНСВЕРСАЛ ИЗОТРОП ПАРАЛЛЕЛЕПИПЕД УЧУН ТЕРМОЭЛАСТИК МАСАЛА

*Р.С. Худазаров (ТАТУ катта ўқитувчиси, ф.-м.ф.н.)  
М. Бабажонов (ТАТУ 3 курс докторанти)*

Термоэластик чегаравий масала трансверсал изотроп жисм учун қуйидаги тенгламалардан ташкил топади, яъни мувозанат тенгламаси

$$\frac{\partial \sigma_{ij}}{\partial x_j} + X_i = 0, \quad i = 1, 2, 3 \quad (1)$$

Дюгамел- Нейман гипотезасини этиборга олгандаги Гук қонуни [2, 3]

$$\sigma_{ij} = C_{ijkl} \varepsilon_{kl}^T, \quad (2)$$

бу ерда  $\varepsilon_{kl}^T = \varepsilon_{kl} - \alpha_{kl} T$ ,  $\alpha_{kl}$  – трансверсал изотроп материал учун иссиқлик кенгайиш тензори бўлиб у  $\alpha_{ij} = \alpha_1 (\delta_{ij} - \delta_{i3} \delta_{j3}) + \alpha_3 \delta_{i3} \delta_{j3}$ , га тенг,  $T$  – температура ; Коши муносабати

$$\varepsilon_{ij} = \frac{1}{2} (u_{i,j} + u_{j,i}) \quad (3)$$

ва чегаравий шартлар (умумий ҳолда)

$$u_i |_{\Sigma_1} = u_i^0, \quad (4)$$

$$\sigma_{ij} n_j |_{\Sigma_2} = S_i^0. \quad (5)$$

(2) муносабатдаги  $C_{ijkl}$  эластиклик тензори  $-\lambda_1, \lambda_2, \lambda_3, \lambda_4, \lambda_5$  бешта ўзгармасларга боғлиқ ва уни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$C_{ijkl} = \begin{pmatrix} \lambda_1 + 2\lambda_4 & \lambda_1 & \lambda_2 & & & \\ \lambda_1 & \lambda_1 + 2\lambda_4 & \lambda_2 & & & \\ \lambda_2 & \lambda_2 & \lambda_3 & & & \\ & & & 2\lambda_4 & & \\ & & & & 2\lambda_5 & \\ & & & & & 2\lambda_5 \end{pmatrix}. \quad (6)$$

Мисол тариқасида мелкозернист графит учун эластик ўзгармаслар қуйидаги қийматларни қабул қилади  $\lambda * 10^5 \frac{КЭ}{см^2}$  [1]:

$$\lambda_1 = 0.21, \lambda_2 = 0.19, \lambda_3 = 5.35, \lambda_4 = 2.735, \lambda_5 = 2.39. \quad (6)^1$$

Ва  $T$  температура берилган деб қабул қилиб (2) аниқловчи муносабатга қўйилади.

(2) муносабатни ёзадиган бўлсак:

$$\begin{aligned} \sigma_{11} &= (\lambda_1 + 2\lambda_4) \varepsilon_{11} + \lambda_1 \varepsilon_{22} + \lambda_2 \varepsilon_{33} - K_1 T, \\ \sigma_{22} &= \lambda_1 \varepsilon_{11} + (\lambda_1 + 2\lambda_4) \varepsilon_{22} + \lambda_2 \varepsilon_{33} - K_2 T, \\ \sigma_{33} &= \lambda_2 \varepsilon_{11} + \lambda_2 \varepsilon_{22} + \lambda_3 \varepsilon_{33} - K_3 T, \\ \sigma_{12} &= 2\lambda_4 \varepsilon_{12}, \\ \sigma_{13} &= 2\lambda_5 \varepsilon_{13}, \\ \sigma_{23} &= 2\lambda_5 \varepsilon_{23}, \end{aligned} \quad (7)$$

бу ерда

$$\begin{aligned} K_1 &= 2(\lambda_1 + \lambda_4) \alpha_1 + \lambda_2 \alpha_3, \\ K_2 &= K_1, \\ K_3 &= 2\lambda_2 \alpha_1 + \lambda_3 \alpha_3. \end{aligned} \quad (8)$$

(7) - (8) тенгламаларни трансверсал изотроп жисмлар учун термоэластик масала тенгламаларига қўядиган бўлсак ва (1) - (5) дифференциал тенгламаларни кўчишларга нисбатан қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\sum_{j,k,l=1}^3 C_{ijkl} \frac{\partial u_k}{\partial x_l \partial x_j} + X_i^* = 0, \quad x_i \in V; \quad (9)$$

$$u_i|_{\Sigma_1} = u_i^0, \quad x_i \in \Sigma_1; \quad (10)$$

$$\sum_{k,l,j=1}^3 C_{ijkl} \frac{\partial u_k}{\partial x_l} n_j \Big|_{\Sigma_2} = S_i^*, \quad x_i \in \Sigma_2, \quad (11)$$

бу ерда

$$X_i^* = X_i - K_i \frac{\partial T}{\partial x_j} \delta_{ij}, \quad (12)$$

$$S_i^* = S_i + K_i T n_j \delta_{ij}. \quad (13)$$

Эслатиб ўтамиз (12) – (13) муносабатларда  $i$  индекс шартли равишда йиғинди бўйича келтирилмайди.


Агар масала шартида (1) ва(5) тенгнламалардаги  $X_i$  ҳажмий ва  $S_i$  сирт кучлари нолга тенг бўлганда ва (9) – (13) тенгламалардан қуйидаги ҳажмий ва сирт кучларини ҳосил қилган ҳолда

$$X_i^* = -K_i \frac{\partial T}{\partial x_j} \delta_{ij}, \quad S_i^* = K_i T n_j \delta_{ij} . \quad (14)$$

эластиклик назариясининг оддий масаласи келиб чиқади.

Соддалик учун температура  $T = 20^0 C$  деб олсак ва кирралари  $l_i = 1$ ,  $i = \overline{1,3}$ ,  $h_i = \frac{l_i}{N_i}$  га тенг бўлган трасверсал изотроп параллелепипед учун термоэластик масалани қараб чиқамиз. Симметрикликни ҳисобга олган ҳолда параллелепипеднинг 1/8 қисми ва ABCD, BCEF ва DCEM ёқларида мос симметриянинг шартларини қаноатлантирган ҳолда чегаравий шартлар келтириб ўтилади:

$$\begin{aligned} u_1 \left( \frac{l_1}{2}, x_2, x_3 \right) &= 0, & \sigma_{12} &= \sigma_{13} = 0, \\ u_2 \left( x_1, \frac{l_2}{2}, x_3 \right) &= 0, & \sigma_{21} &= \sigma_{23} = 0, \\ u_3 \left( x_1, x_2, \frac{l_3}{2} \right) &= 0, & \sigma_{31} &= \sigma_{32} = 0 . \end{aligned} \quad (15)$$



1-расм. Параллелепипеднинг 1/8 қисми

Қуйидаги иссиқлик ўзгармаслар  $\alpha_1 = 0.125 * 10^{-4} \text{ град}^{-1}$ ,  $\alpha_3 = 0.0625 * 10^{-4} \text{ град}^{-1}$  (6)<sup>1</sup> ва (8) муносабатларни ҳисобга олган ҳолда (13) тенгламадан қуйидагиларни топиш мумкин

$$\begin{aligned} S_1^* &= K_1 T = 14,9625, \\ S_2^* &= K_2 T = 14,9625, \\ S_3^* &= K_3 T = 7,64. \end{aligned} \quad (3.1.16)(16)$$

Ҳисоблаш натижаларида тензор компоненталари “фиктив” кучланишларлар ҳам (16) муносабатда келтирилгани каби, фақат тескари ишора билан, яъни  $\sigma_{11}^{\phi} = -15$ ,  $\sigma_{22}^{\phi} = -15$ ,  $\sigma_{33}^{\phi} = -7.64$ . Бу эса олинган сонли натижалар тўғрилигини кўрсатади.

## Адабиётлар

1. Лехницкий С.Г. Теория упругости анизотропного тела. –М.: Наука, 1977. –416 с.
2. Новацкий В. Теория упругости. -М.: Мир, 1975. - 872 с.
3. Победря Б.Е. Механика композиционных материалов. -М.: МГУ, 1984. - 336с.

## ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ҲАҚИДА

*М.Б.Хидирова (т.ф.д. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ҳузуридаги АКТ ИИМ)*

*А.Р.Шакарров (PhD, ТДТУ)*

Ахборот-коммуникация технологияларининг биология, тиббиётга самарали қўлланилиши касалликларни аниқлаш, башоратлаш ва даволаш йўлини танлашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Хусусан тери касалликларини аниқлашга бўлган талабларнинг ортиши тиббиётда замонавий ҳамда ишончли ташҳис қўйиш технологияларини яратиш зарурияти туғилишига олиб келмоқда

Тери касалликларини математик моделлаштиришнинг ҳисоблаш тажрибаларини олиб борадиган технологияларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда, кечикувчи аргументли функционал-дифференциал тенгламалар тизими математик моделлари ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш орқали тери касалликларини башорат қилиш, олдини олиш ва даволашнинг ахборот технологияларини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Тирик тизимлар фаолиятини математик ва компютер моделлаштиришда айнан тирик тизим фаолияти жараёнини акс этиши муҳимдир. Тери касалликлари моделлаштиришнинг қуйидаги математик модели берилган бўлсин

$$\varepsilon \frac{dZ(\theta)}{dt} = \frac{\alpha Z^m(\theta-1)}{1+Z^n(\theta-1)} - Z(\theta). \quad (1)$$

бу ерда  $Z(\theta)$  - тери эпидермисида ишлаб чиқиладиган биологик актив моддалар миқдорини белгиловчи қиймат;  $\varepsilon, \alpha$  - мусбат параметрлар.

Модел тенгламанинг функционал

$$Z(\theta) = \frac{\alpha Z^m(\theta-1)}{1+Z^n(\theta-1)}. \quad (2)$$


ва дискрет тенгламаси қуйидагича кўринишга эга бўлсин

$$Z_k = \frac{\alpha Z_{k-1}^m}{1+Z_{k-1}^n}. \quad (3)$$

Функционал ва дискрет тенгламалар асосида критик нукталарни ва уларнинг турғунлигини таҳлил қилиш натижаларига кўра, тери касалликлари динамикасининг қуйидаги соҳалари мавжудлигини кўрсатди.

- монотон камайиш ( $A$ ) соҳаси;
- стационар ҳолат ( $B$ ) соҳаси;
- даврий тебранма ( $C$ ) соҳаси;
- нерегуляр тебранма ҳолат – хаос ( $D$ ) соҳаси;
- кескин сўниб бориши – “қора ўрама” ( $E$ ) соҳаси.

Қуйида тери эпидермиси регулятор механизмлари миқдорий динамикасини ифодаловчи параметрик тасвирни келтирамыз. Ушбу параметрик тасвирлаш орқали тери эпидермисида кечадиган жараёнлар характерини билишимиз мумкин (1 - расм).



1-расм. Моделнинг параметрик тасвирланиши.

Параметрик тасвирланишдан шу маълум бўладики,  $A$  – соҳа монотон камаювчи соҳа бўлиб, бунда тизимнинг фаолияти аста-секин тўхтайтиди. Терида ҳужайралар ўзаро фаолияти маълум бир вақтдан сўнг тўхтайтиди ва ҳужайралар нобуд бўлишини англатади.  $B$  ва  $C$  соҳаларни нормал фаолият деб қабул қилиш мумкин. Нормал фаолият соҳасида тери эпидермиси ҳужайралари ўзгармас ҳолатда, яъни бунда тери ҳужайралари соғломдир.  $D$  ва  $E$  соҳаларни эса аномал ҳолат дейиш мумкин. Ушбу соҳада тери эпидермиси ҳужайраларида ўзгаришлар кузатилади. Бунда тери касалликларининг пайдо бўлиши, тартибсиз ҳаракатга келиши мумкин.  $E$  – соҳа “қора ўрама” соҳаси бўлиб, агар тизим шу соҳага тушиб қолса, у ҳолда тизим фаолияти тўхтаганини билдиради. Бу тери эпидермиси ҳужайраларини нобуд бўлиши билан характерланади.

Бу шунинг англатадики, аномал соҳасида кичик ўлчамлардаги нормал фаолият соҳалари мавжуд. Бундан келиб чиқадики, патологик ҳолат режими маълум бир шарт-шароитларда “вақтинчалик” соғлом ҳолат режими билан алмашилиши мумкин.  $D$  аномалия соҳасида бундай кичик соҳаларнинг мавжудлиги тери эпидермиси ҳужайралари ўзаро фаолияти регулятор механизмларини бошқариб,  $D$  аномалия ҳолатидан  $C$  нормал фаолият кўрсатувчи кичик соҳалар занжирини ҳосил қилиб, улар орқали нормал фаолият соҳасига олиб чиқиб кетиш имконини беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Хидирова М.Б., Шакаров А.Р. Математическое моделирование динамики численности клеточных сообществ эпидермиса кожи в норме

и при аномалиях // Вычислительные технологии. 2017. Т. 22. № 4. - С. 110-122.

2. Шакаров А.Р. Техника фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. Тошкент, 2018 й. – 120 б.

## **РАЗРАБОТКА АЛГОРИТМИЧЕСКИХ СИСТЕМ НА ОСНОВЕ ОБЪЕКТНО- ОРИЕНТИРОВАННОГО ПОДХОДА**

*Р.В.Кабулов (доцент, ТУИТ имени Мухаммада ал-Хорезми)  
О.Б.Рузибоев (и.о.доцент, ТУИТ имени Мухаммада ал-Хорезми)*

Алгоритмическая система это система, предназначенная для автоматизации решения задач определенной прикладной области[1]. При разработке алгоритмической системы на основе объектно-ориентированного подхода необходимо разработка классов трех видов:

Разработка библиотеки базовых классов расширяющих возможности существующих языков программирования;

Разработка универсальных библиотек математических классов и классов представляющих универсальные математические алгоритмы;

Разработка прикладных библиотек классов предназначенных для решения задач определенной прикладной области.

Рассмотрим примеры некоторых базовых классов.

Библиотека классов для стандартных классов. Такие классы существуют в языке JAVA и называются оболочками для стандартных типов. Разработка подобных классов для C++ позволяет не только сделать программу полностью объектно – ориентированной но и решит некоторые проблемы связанные с применением стандартных типов нерешенных не только в C++ но и в других языках[2,3]. Одна из этих проблем связана с представлением вещественных чисел в памяти компьютера. Как известно стандартное представление вещественных чисел создает проблемы при работе с ними в частности при сравнении вещественных чисел. Для более точного определения равенства двух вещественных специалисты вместо обычного сравнения использовать вычисление разности чисел.

Специалисты предлагают ввести эти изменения непосредственно в численные алгоритмы. Но введения этих изменений сделают эти алгоритмы непонятными и требуют значительных усилий. Разработка отдельного класса в котором операция сравнения перегружена следующим образом полностью решает проблему

Ещё одна проблема это логический тип. Как известно логический тип занимает один байт памяти а не один бит, Создание класса для логического типа использующего битовое поле позволяет создавать логический объект занимающий один бит памяти. Ещё одна возможность это создание классов для длинных чисел что позволяет проводить сверхточные вычисления. В JAVA имеются классы для длинных чисел но для них алгебраические

операции не перегружены что делает их крайне неудобными при реальных вычислениях.

В C++ возможно создание классов для длинных чисел с перегруженными операциями что делает их удобными для практического применения. Ещё одна возможность это создание классов для нестандартных типов например для рациональных чисел, и других.

Ещё один базовый класс это класс для формул. Как известно алгоритмическая система должна иметь возможность генерации моделей что отличает от прикладных специализированных систем. Генерация моделей требует проведения последовательности подстановок и символьных вычислений.

Но проведение этих операций в современных языках программирования крайне неудобно. Это связано с тем что класс для строк String обладает только одной перегруженной операцией плюс для конкатенации и не обладает автоматическим приведением типов в строчный тип. Создание нового класса для формул с перегруженными операциями конструкторами позволяющими проводить автоматическое приведение типов полностью решает эту проблему.

Для этого создаются классы представляющие алгоритмы упрощения, символьного дифференцирования, интегрирования и другие операции.

К базовым классам необходимо отнести классы для вектора и матрицы с перегруженными векторно матричными операциями. Эти классы реализованы как шаблоны классов что позволяет записывать объекты любых типов.

К базовым классам также относится класс для представления геометрии области что очень важно при решении краевых задач, а также классы представляющие алгоритмы для дискретизации области.

К математическим классам относятся классы для тензорных величин для векторных и метрических пространств для различных операторов и другие подобные классы.

К математическим классам также относятся классы для представления различных численных алгоритмов, статистических методов а также методов интеллектуального анализа данных.

Необходимо отметить крайне нежелательным создание алгоритмических систем на основе так называемых математических систем. Во первых сами эти системы представляют из себя крайне упрощенную алгоритмическую систему. Во вторых языки программирования этих систем крайне бедны и неудобны. Стандартные библиотеки не являются полными. Но самое главное что эти системы создают крайне неэффективный код. Поэтому самым целесообразным является создание алгоритмических систем на языке C++. Потому что C++ является не менее удобным чем математические системы и в отличии от них позволяет создать исключительно эффективный код.

Литература:

1. В.К.Кабулов, А.Ф.Файзуллаев, Ш.А.Назиров. Ал Хорезми, алгоритм и алгоритмизация. Издательство “Фан” Академии наук Республики Узбекистан, Ташкент 2006 г.
2. Страуструп Б. Язык программирования С++. - СПб: Бином, 1999-991 с.
3. Гради Буч. Объектно -ориентированной анализ и проектирование с примерами приложений на С++. Невский диалект, 560 стр, 2001 г.

## **НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ПРОГРАММНОЙ ИНЖЕНЕРИИ**

*Р.В.Кабулов (доцент, ТУИТ имени Мухаммада ал-Хорезми)  
М.Х.Исламова (студент, ТУИТ имени Мухаммада ал-Хорезми)*

Примерно каждые двадцать лет создаются технологии или программное обеспечение, создатели которых заявляют, что их продукт делает ненужным использование профессиональных программистов или делают программирование общедоступным. Но проходит определенное время, и данная область становится новой областью применения профессионального программирования. Рассмотрим примеры, доказывающие данное утверждение.

Первый пример это базы данных. Когда появились реляционные СУБД основанные на использовании языка SQL было заявлено что SQL это не язык программирования а это диалоговый язык общения с базами данных позволяющее обычному пользователю, например бухгалтеру, обращаться с запросами к базе данных и получать ответы. Затем появился ACCESS, и даже знание SQL стало ненужным. Но прошло определенное время, появились такие СУБД как ORACLE, и языки подобные PL/SQL и программирование баз данных стало областью высокопрофессионального программирования.

Второй пример это Интернет. Когда появился HTML, было заявлено что это язык разметки позволяющее любому пользователю создавать свои сайты на блокноте. Затем появились системы подобные FrontPage и казалось что создание сайтов становится общедоступной профессией. Но прошло время появились языки такие как PHP и JAVA и WEB программирование стало областью высокопрофессионального программирования.

Третий пример это создание интеллектуальных систем. В своё время для создания интеллектуальных систем были разработаны языки ЛИСП и ПРОЛОГ которые резко отличались от традиционных языков программирования.

Язык ПРОЛОГ вообще рассматривался, как неалгоритмический язык позволяющее делать доступным создание баз знаний для обычных пользователей. В настоящее время разработаны версии этих языков доступные только для профессиональных программистов. Даже разработаны объектно-ориентированные версии языка ЛИСП.

Здесь уместно отметить, что первоначально объектно-ориентированные языки были созданы не как языки программирования, а как языки объектно-



ориентированного моделирования и только потом стали языками высокопрофессионального программирования[1].

Почему это происходит? Перечислим наиболее общие причины.

Обычному пользователю не нужны никакие упрощенные языки программирования и интерактивные командные оболочки. Современному пользователю нужны полностью автоматизированные системы с дружественным интерфейсом использующее 2D и 3D моделирование и позволяющие получить результаты в нужной ему форме. Такую систему можно создать на профессиональном языке программирования с использованием современных технологий.

Вторая причина состоит в том, что в жизненном цикле программного обеспечения фаза разработки не занимает основное место. Основное место занимает фаза сопровождения и модификации программного обеспечения. А это требует использования достаточно сложных технологий программирования, а также знания текста программы.

Третья причина состоит в том что в наше время основными критериями качества программного обеспечения являются надежность и безопасность программного обеспечения. Упрощенные языки и скрипты, а также среды не позволяют создавать безопасные программные продукты.

В настоящее время наиболее перспективными являются разработка проектов имеющих научный и инновационный характер. Исходя из изложенного необходимо отметить следующие особенности современной программной инженерии:

Программирование это элитарная профессиональная область деятельности требующее знаний и навыков высокого уровня. В настоящее время конкуренция в области производства программных продуктов резко возросла, поэтому требуются не просто специалисты знающие тот или иной язык, или библиотеку а знающие принципы и методы современного программирования, обладающие концептуальным мышлением.

Обладание навыками математического моделирования и знания алгоритмов является необходимым, но недостаточным для профессионального программирования. Классическое математическое мышление отличается от мышления программиста, тем, что она является статическим.

Языки программирования не являются языками кодирования, а языками моделирования и разработки алгоритмов. Процесс программирования не является процессом перевода с математического языка на язык программирования[2]. Не случайно известная книга Бьерна Страуструпа называется “”Философия C++”. Для специалистов в области программной инженерии все более необходимым становится знание математических моделей и методов собственно самой программной инженерии. Эти знания включают в себя не только математические модели синтаксиса языков программирования, но и семантические модели, математические методы тестирования и верификации программного обеспечения, оценки сложности и надежности, архитектурные модели.

#### Литература:

1. Сергей Орлов. Программная инженерия. Технологии разработки программного обеспечения. Питер, 2016 г
2. Гради Буч. Объектно -ориентированный анализ и проектирование с примерами приложений на C++. Невский диалект, 560 стр, 2001 г.
3. E.W. Dijkstra. The Structure of the THE-Multiprogramming // Communications of the ACM. - 1968, 11(5). - Pp. 341-346.

### **КЎКРАК БЕЗИ САРАТОНИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ЭРТА АНИҚЛАШ СИМПТОКОМПЛЕКСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

*Д. А. Алиева (илмий грантлар раҳбари , ЎзР ССВ Рес.ИОРИАТМ)*

*М.Э. Шаазизова (ассистент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Кўкрак беzi ўсма касалликларини эрта аниқлашда энг муҳим тадбирлардан бири касаллик клиник характеристикаларини шакллантириш масаласини ечиш усул ва алгоритмлари ҳисобланади. Бу жараён беморни ташхислаш жараёнидан бошланиб, тадбир самарадорлиги изланишлар, тадқиқотлар комплексини ўз ичига олади. Бу комплекс ўз ичига анамнестик маълумотлари ва беморни кўришда олинган белгилар мажмуаси, маммография ва ультратовуш изланишни, функциянал биопсия, цитология ва морфологик усуллар киради.

Мастопатия ва фиброаденомалар ривожланиши бошланганда физиологик менструация олди синдром (МОС)га ҳам хос бўлган клиник симптомларга эга бўлгани учун, бемор аёллар дарҳол шифокорга мурожат қилмасдан патологик жараёнини ўтказиб юборадилар. Шунинг учун МОС алоҳида симптоматик гуруҳида ўрганиб чиқилган, лекин натижалар кўрсаткичлар аҳамиятли даражада бўлмаганлиги сабабли бу гуруҳ информатив эмас деб ҳисобланди ва ўрганилаётган гуруҳлар қаторидан чиқарилди. Хоразм вилояти, онкология диспансери маслаҳат поликлиникасида 2014-2015 йиллар мобайнида 82 та мурожат қилган аёлларни текшириш натижасида 45 та аёлда мастопатия, 32 тасида фиброаденома, 5 тасида МОС симптомлари аниқланган.

Кўкрак беzi ўсма касалликлари бўйича маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мастопатия аниқланган аёллар ёши ўртача - 23-52, фиброаденома - 29-56 бўлган. Мастопатия билан касалланиш бўйича маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, пацентларнинг деярли ярмида (48,8%) хамроҳ генекологик касалликлари, анамнезда ирсий мойиллик 43,7% кузатилади. Мастопатия билан касалланган беморларда энг кўп шикоятлар, менструация даврида кўкрак беziда кучаювчи оғриқлар – 60,6%, кўкрак беzi қаттиқлашиши (зичланиши) – 34,3%, сўрғичдан турли ажралмалар (сероз, сутли, қонли) – 50% беморда.

Бимануал текширувларда – 69,2% аёлларда кўкрак беzi пайпасланганда оғриқ симптоми кузатилган, 28,8%да – оғриқли тугунлар сезилади, 38,4%да - кўкрак беzi донадор тўқима тузилиши пайпасланади.

Фиброденома билан касалланиш маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, деярли ҳамма беморларда кўкрак беzi каттиқланиши (зичланиши) 76% кузатилади.

Ҳамроҳ гинекологик касалликлар ёки эндокрин бузилишлар бир неча ҳолатларда кузатилган. Бу ирсий мойилликка ҳам тегишли. Кўкрак беziда оғриққа шикоятлар 20%, сўрғичдан ажралмалар 9% ҳолатларда кузатилган.

Бимануал текшириш шуни кўрсатадики, пайпаслашда оғриқлар 12,5% беморларда қайд этилган. Текширувда энг муҳим симптомлар деб кўкрак беziдаги зичланиш – 76%, зич консистенцияли ҳосила – 36,5%, ҳаракатчан ҳосила - 48%, ҳосиланинг юзаси текислиги – 32,6% аниқланди. МОС учун характерли деб кўкрак беziдаги оғриқлар, кўкрак беziдаги зичланиш ва ҳамроҳ гинекологик касалликлар ҳамда ирсий мойиллик кузатилади. Бимануал текширишда кўкрак беziда оғриқлар ва кўкрак беziда зичланиш аниқланган. Мастопатия, фиброденома ва МОС клиник белгилари такрорланиши 1-жадвалда, кўкрак беzi касалликларини бимануал текширув ўтказилган ҳақида маълумотлар умумлашган ҳолда, абсолют ва фоизларда 1 - жадвалларда келтирилган.

1-жадвал

Клиник текшириш маълумотлари бўйича мастопатия ва фиброаденома симптомлари таҳлили

№	Симптомлар	Мастопатия, % (абс.с.)	Фиброаденома, % (абс.с.)
1.	Гинекологик касаллик (x1)	48,8 (22)	26,8 (11)
2.	Эндокрин бузилиш (x2)	20,0 (9)	0
3.	Репродуктив характердаги омиллар (x3)	24,4 (11)	2,5 (8)
4.	Ирсийлик (x4)	43,7 (19)	1,2 (4)
5.	Кўкрак беziда оғриқлар (x5)	60,6 (27)	48,7 (20)
6.	Кўкрак беziда зичланиш (x6)	33,3 (15)	22 (69)
7.	Сўрғичлардан ажралмалар (x7)	50 (22)	2,8 (9)

Жадвалдан кўринадики, мастопатиянинг энг информатив симптомлари бу - кўкрак беziда оғриқлар ва сўрғичлардан ажралмалар, фиброаденома учун кўкрак беzi зичлашуви. Бимануал текшириш маълумотларига кўра мастопатияда энг информатив симптомлари бу - пайпаслаганда оғриқ сезиш, фиброаденома учун-зичланиш **мавжудлиги** ва ҳосила ҳаракатчанлиги.

2-жадвал

Бимануал текшириш маълумотларига кўра мастопатия ва фиброаденома симптомлари

№	Симптомлар	Мастопатия, (%/абс)	Фиброаденома, (%/абс)
1.	Пайпасланганда оғриқлар (x8)	69,2 (31)	12,5 (4)
2.	Кўкрак беziда тугунлар (x9)	20 (9)	9,6 (3)
3.	Кўкрак беziда зичланиш (x10)	22,2 (10)	75 (24)
4.	Тўқима донатор тузилишда (x11)	37,7 (17)	0
5.	Зич консистенцияли ҳосила (x12)	4,4 (2)	37,5 (12)
6.	Ҳаракатчан ҳосила (x13)	4,4 (2)	46,8 (15)
7.	Ҳосила юзаси текислиги (x14)	0	34,3 (11)

Мастопатия ва фиброаденома эхографик симптомлари  
 характеристикасида мастопатия учун куйидаги ультратовуш белгилар хос:  
 Кўкрак безида гемоген ва гиперэхоген тўқималар; Турли катталиққа эга  
 кисталарнинг кўп учраши (дм. 2мм дан катта); Сут беши йўллари кўп  
 холларда кенгайиши (дуктэктазия); Гиперэхоген ҳосилалар кўкрак безини  
 эгаллаши; Кўкрак беши тўқимаси тўла ёки қисман гемоген ва гиперэхоген  
 бўлиши мумкин.

Фиброаденоматозни (ФАМ) баҳолаш паренхима қалинлиги катталашувини  
 ёшга нисбатан даражаси билан таққосламасдан солиштириш мумкин эмас  
 (ёшга нисбатан тўқима қалинлиги нормаси 5-14 мм ҳисобланади): Суст  
 ифодаланган ФАМда паренхима қалинлиги 3-7 мм бўлади; Ўртача  
 ифодаланган ФАМда паренхима қалинлиги 8-12 мм бўлади; Кучли  
 ифодаланган ФАМда паренхима қалинлиги 13-18 мм гача бўлади.

Яна бир муҳим кўрсаткич деб эхозичлик ўзгариши маълумотлари  
 ҳисобланади, улар 3 гуруҳга ажратилади: 26-32 ўрта; 33-37 юқори; 38-44  
 нисбатан юқори. Ультратовуш текшириш маълумотларига кўра мастопатияга  
 хос белгилар деб: стромал тўқима қатлами қалинлашиши – 86,5%, фиброз  
 ўзгаришлар – 40,3%, эхозичлик кўрсаткичлари ортиши – 65,3%, кисталар  
 мавжудлиги – 19,2%, дуктэктазия – 53,8%, анэхоген ҳосила мавжудлиги -  
 15,6% аниқланган. Гипоэхоген ҳосила мавжудлиги – 9,6% ҳолатда,  
 суюқликлар – 3,8%, ҳосила гемоген тузилиши – 6%, ҳосила ҳаракатчанлиги –  
 11,5%, латерал соялар мавжудлиги – 1,9% аниқланган. Фиброаденома учун  
 куйидаги белгилар хос: Овал шаклдаги тугунли ҳосила, бўйлама ўқ асбобга  
 паралел йўналтирилган, горизонтал диаметр вертикал диаметрдан 1.5  
 мартадан ортиқ кўпроқ; Ҳамма йўналиши бўйича аниқ контур кучайтириш  
 билан ёки кучайтиришсиз; Бир турли ички эхотўлқинлар; Ингичка  
 гиперэхоген капсула.

Фиброаденомада фибрознинг кучайишида контурлар норавшанлиги,  
 гетероген ички эхосигналлар, ҳосила ортида тўлиқ ёки қисман акустик соя  
 ҳосил бўлиши кузатилади. Фиброаденома ультратовуш текширишда куйидаги  
 характерли белгилар аниқланган: диаметрлар нисбати 1,5 дан кўп -9.2%,  
 ҳосила контурлари равшанлиги – 59,6%, ҳосила тузилмаси гемогенлиги –  
 40,3%, ҳосила ҳаракатчанлиги – 61,5%, латерал соялар мавжудлиги – 32,6%.  
 дуктэктазия – 25% , гипоэхоген ҳосила мавжудлиги – 25%, гипоэхоген  
 капсул мавжудлиги – 48% бемор аёлларда аниқланган. Бемор аёллар  
 умумлашган маълумотлари мастопатия ва фиброаденома симптомлари  
 учрашиш частотаси билан бирга 1.3-жадвалда фоиз ва абсолют қийматлари  
 келтирилган.

3-жадвал

Мастопатия ва фиброаденома ультратовуш симптомлари

№	Симптомлар	Мастопатия, (%/абс)	Фиброаденома, (%/абс)
1.	Стромал тўқима қатлами йўғонлашуви (x15)	86,6 (39)	25 (8)
2.	Фиброз ўзгаришлар (x16)	40 (18)	0
3.	Эхозичлик кўрсаткичлари ўзгариши (x17)	65,3 (20)	28,1 (9)

4.	Битга/ёки кўп кисталар мавжудлиги (x18)	19,2 (6)	0
5.	Дуктэктазия (x19)	53,8 (17)	15,6 (5)
6.	Анэхоген ҳосила мавжудлиги (x20)	15,6 (5)	0
7.	Гипоэхоген ҳосила мавжудлиги (x21)	9,6 (3)	31,5 (10)
8.	Суюқликли кўшилмалар мавжудлиги (x22)	4,4 (2)	90,6 (29)
9.	Dг/DB (x23)	0	96,8 (31)
10.	Ҳосила контури равшанлиги (x24)	0	59,6 (19)
11.	Ҳосила гомоген тузилмаси (x25)	24,4 (11)	40,6 (13)
12.	Ҳосила ҳаракатчанлиги (x26)	8,8 (4)	62,5 (20)
13.	Латерал соялар мавжудлиги (x27)	2,2 (1)	31,3 (10)
14.	Гиперэхоген капсула мавжудлиги (x28)	0	46,8 (15)

Шундай қилиб мастапатия кўринган ультратовуш симптомлари бу Стромал тўқима қатлами йўғонлашуви, фиброз ўзгаришлар, экозичлик юқори кўрсаткичлари, кисталар мавжудлиги, дуктэктазия. Фиброаденомада кўринган ультратовуш симптомлари бу экозичлик ўртача кўрсаткичлари, ҳосила диаметрлари нисбати, ҳосила контурлари равшанлиги, гомоген тузилиши, капсула мавжудлиги.

## **МАТЛАВ МУҲИТИДА УОРДА УСУЛИ ЁРДАМИДА КЛАСТЕРЛИ ТАҲЛИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

*М.Э.Шоазизова (ассистент, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

*Н.У.Насиров (магистр, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Тиббий амалиётда математик усуллар соғлиқни сақлашга тегишли объектлар ва тизимлар ҳолати ҳамда фаолиятини сонли ўрганиш ва таҳлил қилиш учун ишлатилади. Бу усуллар биотиббий объектларга хос қонуниятларни аниқлаш, объектлар алоҳида гуруҳларига хос ўхшашлик ва фарқларни излаш, уларга турли ташқи омиллар таъсирини баҳолаш учун мўлжалланган. Математик усуллар қўлланилаётган асосий йўналишлардан бири кўкрак беши ўсма саратони касаллиги ташхисидир. Тиббиётда кўкрак беши ўсма касалликларини ташхислаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Кластерли таҳлил “объектларни кластерларга ажратувчи” алгоритмлар “мажмуи” ҳисобланади. Кластеризация масаласи ўрганилаётган кўплаб объектларни кластерлар деб номланувчи “ўхшаш” объектлар гуруҳларига ажратишдан иборатдир.

Турли тизимлар ва жараёнларни ўрганиш учун кўп параметрли усуллар қўллаш имкониялари кўрилади. Таҳлил учун маълумотлар таҳлил объекти мураккаблигини ифодаловчи қатор сони, таҳлил учун аломатлар тўплами эса устунлар сонини ифодаладиган “объект-аломат” жадвал кўринишида берилади. Уорда усули маълумотларидан фойдаланилганда кўп параметрли таҳлил вазифалар ечимини босқичма-босқич бажариши мумкин, хусусан:

1. Кўплаб таҳлил объектини кластер-гуруҳларга бўлиш;
2. Кластерларга бўлиниши ишончлигини аниқлаш;

3. Белгиланган гуруҳ ва аломатлар тўпламига ажратилган кўплаб белгиланган объектлар бўйича дискриминант функцияларни куриш;
4. Статистик боғлиқликни аниқлаш – икки аломат орасидаги (корреляция ёки жуфт регрессия), номустақил ва икки ва ундан ортиқ мустақил аломатлар орасида (кўпчиликли регрессия), яна ўзи билан ўзи битта аломат реализация ораларида (автокорреляция);

Тўпландан икки ва ундан ортиқ аломатларни изоҳловчи аҳамиятли факторларни ажратиш ажратиш йўли орқали кўплаб аломатлар редукцияси.

1-5-вазифалар ечими кластерли таҳлил усулидан (1- ва 2-вазифа), дискриминант таҳлилдан (2- ва 3-вазифа), регрессия, корреляция ва автокорреляция таҳлилдан (4-вазифа) ва яна факторли таҳлилдан (5-вазифа) фойдаланиб ечилади. Кўп параметрли таҳлил масалаларни ечиш жараёни юқорида кўрсатилган усуллар ишларини кўриб чиқиш тартибини аниқлади.

Кластерлашнинг энг оммалашган эвристик усуллари га иерархик алгоритмли проседураларига асосланган усулларлар ҳисобланади. Кластерлашни бошлашдан олдин барча объектлар алоҳида кластер бўйича ҳисобланади, яъни ҳар бири битта элементга эга  $p=n$  кластерлар бўйича ҳисобланади. Дендрограмма деганда одатда яқинлик асосида матрица қурилган цикларсиз граф дарахт тушунилади. Дендрограмма берилган кўп нуқталари ичидан объектлар орасидаги муносабатларни тасвирлаш имконини беради.

Дендрограмма яратиш учун жуфт объектлар орасидаги ўхшашлик матричачм талаб этилади. Кўпинча агломератив усуллардан фойдаланилади.

Кластерли таҳлилнинг ғояси “тескари айлантирилган бинар дарахт” кўринишида синфлар иерархияси мисолида қандайдир аломатлар асосида яқин бўлган кластерларни кетма-кет бирлаштиришдадир. Жорий ишда синфлар яқинлашиш критерияси сифатида Уорда усулидан фойдаланилган, баъзи манбаларида бу усул Вард номи билан маълум. Жорий усул бўйича биринчи қадамда ҳар бир кластер бир объектдан иборат бўлиб, биринчи энг яқин кластерлар бирлаштирилади. Улар учун ҳар бир аломатнинг ўртача қиймати ва квадратик четланиш суммаси ҳисобланади  $V_k$  :

$$V_k = \sum_{i=1}^{m_k} \sum_{j=1}^p (x_{iy} - x_{jk})^2$$

Бу ерда  $k$  – кластер рақами;  $i$  – объект рақами;  $j$  – аломат рақами;  $p$  – ҳар бир объектни ҳарактерловчи аломатлар сони;  $m_k$  –  $k$ -кластерда объектлар сони.

Кейинчалик иш алгоритми ҳар бир қадамида  $V_k$  қиймати энг кичик бўлган кластер ёки объектлар бирлаштирилади. Уорда усули синф ости вариацияси тақрибан минимал бўлган кластерларни ҳосил бўлишига олиб келади. Натижада барча объектлар бир кластерга бирлаштирилади. Қийматли интеграл кўрсаткичли синф ичидаги объектлар орасидаги ўхшашлик Эвклид масофаси асосида олинади:


$$d(\omega_j, \omega_k) = \sqrt{\sum_{i=1}^q (Y_{ij} - Y_{ik})^2}$$

Бу ерда  $Y_{ij}$  ( $Y_{ik}$ ) –  $j$ - ( $k$ -) объект учун  $i$ -кўрсаткич қийматлари.

MATLAB амалий дастурида иерархик кластерли таҳлил бир нечта осон бўлган буйруқлар орқали амалга оширилади. Иерархик кластерлаш деганда турли маълумотларни гуруҳлаган ҳолда кластер дарахт ёки дендрограмма тузиш тушунилади. The Statistics Toolboxнинг *clusterdata* функцияси орқали керакли бўлган барча қадамларни бажариш мумкин.

MATLAB амалий дастурида кластерли таҳлилни амалга оширган ҳолда уни натижасини дендрограмма орқали намоён қилиш тартиб куйида берилган. MATLAB амалий дастури орқали таҳлилни олиб бориш учун кириш маълумотларини олдиндан билишимиз талаб қилинади. Функциялар махсус буйруқларга бириктирилган бўлиб, бу дастурда математик ҳисоблашлар осон амалга оширилади. MATLAB амалий дастури стандарт сифатида кластерли таҳлилда Эвклид масофаси киритилган.

Авваламбор, натижалар такрор келиши мумкин, шунинг учун *rng('default')* буйруғини киритиб оламиз. Энди киритилиш маълумотларига асосан кўкракоти беги касалликлари тури бўйича ташхис қўйилган беморларни рақамлаган ҳолда киритилади, яъни массив 1-элементи бу бемор рақами, 2-элементи эса киритилган маълумот асосида қўйилган ташхис аниқлиги киритилади. Барча маълумотлар киритилгач 2-қадамда бир-бирига яқин бўлган ташхислар ўхшашлик ёки фарқлар ҳисобланади, яъни *pdist* функцияси бажарилади. Матрицада объектлар орасидаги муносабатни яхшироқ кўриш мақсадида *squareform* функциясидан фойдаланилади. шу билан 2-босқич тугайди. 3-босқичда 1- босқичда ҳисобланган масофалар асосида бир-бирига яқин бўлган объектлар махсус ҳудудлар, яъни яқин объектларни бирлашритиш учун айланаларга олинади. Бу *linkage* функцияси орқали амалга оширилади ва ниҳоят сўнгги босқичда натижаларни дендрограмма асосида намоёиш қилинади. Бу *dendrogram* функцияси орқали амалга оширилади.



1-расм. Ташхис асосида ҳосил қилинган дендрограмма

MATLAB амалий дастурида кўкрак беги ўсма касаллиги ташхиси қўйилган 30 та бемор ҳақида киритилган маълумотлар асосида дендрограмма ҳосил қилиниб, 3.3 % хатоликка йўл қўйилгани аниқланди.

## КЎП СИНФЛИ ОБЪЕКТЛАР ТЎПЛАМИ УЧУН КЛАССИФИКАЦИЯ МАСАЛАСИНИ ЕЧИШ

*А.Х.Нишанов (профессор, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

*О.Б. Рўзобоев (PhD, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

*С.У.Насиров (магистр, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Объектларни синфларга ажртишда уч ва ундан ортиқ синфлар бўлган ҳолатларда ҳал қилувчи қондани топиш кўпинча иккита синф бўлган ҳолатга келтирилади ва ечилади. Мазкур мақолада шу ҳолат ўрганилган ва ҳар бир синфлар жуфтлиги учун алоҳида - алоҳида бўлган ҳал қилувчи қонда таклиф этилган.

1. Масаланинг қўйилиши.  $X = \{x\}$  объектларнинг кесишмайдиган  $x_1, x_2, \dots, x_m$  қисм тўплamlар (синфлар)га ажратилган ўргатувчи танлови берилган бўлсин. Ҳар бир объект  $N$  белгилар тўплами билан  $X = \{x^1, \dots, x^N\}$  кўринишда берилди. Ҳар бир  $X_p$  синф  $m_p$  та  $x_{p_1}, \dots, x_{p_{m_p}}$  объектлардан тузилган бўлсин, бу ерда  $x_{pi} = (x_{pi}^1, x_{pi}^2, \dots, x_{pi}^N)$ ,  $i = \overline{1, m_p}$ . Ҳар бир  $\ell = \overline{1, N}$  учун

а) оптимал  $\ell$ -информатив векторни

$$\lambda(\ell) = (\lambda^1, \dots, \lambda^N), \quad \sum_{k=1}^N \lambda^k = \ell, \quad \lambda^e \in \{0, 1\}$$

берилган таниш сифати мезони  $I(\lambda)$  сифатида;

б) белгиларнинг қурилган  $\ell$ -информатив фазосида  $m \geq 3$  ҳолатда синфлаштириш амалга оширилиши мумкинлигини аниқлаш талаб қилинади.

2. “Апполония шари” ёрдамида учта синф учун ҳал қилувчи қондани аниқлаш

Учта  $x_1, x_2, x_3$  синфларга мос маълум  $\bar{x}_1, \bar{x}_2, \bar{x}_3$  ўртача векторлар бўйича “Апполония шари” алгоритмини [1] қўллаб қуйидаги

$$S_{1,2} = \left\{ x : |x - \bar{x}_1| \leq \frac{1}{\rho_{x_1}} |x - \bar{x}_2| \right\}, \quad S_{1,3} = \left\{ x : |x - \bar{x}_1| \leq \frac{1}{\rho_{x_1}} |x - \bar{x}_3| \right\},$$

$$S_{2,1} = \left\{ x : |x - \bar{x}_2| \leq \frac{1}{\rho_{x_2}} |x - \bar{x}_1| \right\}, \quad S_{2,3} = \left\{ x : |x - \bar{x}_2| \leq \frac{1}{\rho_{x_2}} |x - \bar{x}_3| \right\},$$

$$S_{3,1} = \left\{ x : |x - \bar{x}_3| \leq \frac{1}{\rho_{x_3}} |x - \bar{x}_1| \right\}, \quad S_{3,2} = \left\{ x : |x - \bar{x}_3| \leq \frac{1}{\rho_{x_3}} |x - \bar{x}_2| \right\},$$

тўплamlни аниқлаб оламиз, бу ерда  $\rho_{x_1}, \rho_{x_2}, \rho_{x_3}$  – константалар ва  $\bar{x}_1 \in coX_1$ ,  $\bar{x}_2 \in coX_2$ ,  $\bar{x}_3 \in coX_3$  эканлиги маълум. [6]га асосан  $S_{1,2}, S_{1,3}, S_{2,1}, S_{2,3}, S_{3,1}, S_{3,2}$  тўплamlлардан ҳар қайсиси  $\rho_{x_1} > 1, \rho_{x_2} > 1, \rho_{x_3} > 1$  да “Апполония шари” бўла олади. Агар синфлар учун  $x_1, x_2, x_3$  тўплamlларнинг  $coX_1, coX_2, coX_3$  каварик



қобиклари қатъий ажралувчи бўлса, у ҳолда тўпламларнинг аниқланишидан айтиш мумкинки,  $S_{1,2}$ ,  $S_{1,3}$  учун

$$X_1 \subset S_{1,2}, X_1 \subset S_{1,3}, \quad (1)$$

$$X_2 \subset S_{2,1}, X_2 \subset S_{2,3}, \quad (2)$$

$$X_3 \subset S_{3,1}, X_3 \subset S_{3,2}. \quad (3)$$

бўлади. Шунинг учун қуйидаги

$$X_1 \subset K_1 = S_{12} \cap S_{13}, X_2 \subset K_2 = S_{21} \cap S_{23}, X_3 \subset K_3 = S_{31} \cap S_{32}.$$

муносабатларга эга бўламиз. Шундай қилиб, ихтиёрий  $w$  объект учун қуйидаги

$$w \in K_1 \Rightarrow w \in X_1, w \in K_2 \Rightarrow w \in X_2, w \in K_3 \Rightarrow w \in X_3.$$

муносабатлардан бири ўринли.

Охириги қўшилганлардан ҳар бир синф учун объектларни таниб олишнинг ҳал қилувчи қоидасини аниқлаб оламиз. Агар ихтиёрий  $w \in R^n$  вектор учун

$$\begin{cases} |w - \bar{x}_1| \leq \frac{1}{\rho_{x_1}} |w - \bar{x}_2| \\ |w - \bar{x}_1| \leq \frac{1}{\rho_{x_1}} |w - \bar{x}_3| \end{cases} \quad (4)$$

тенгсизлик бажарилса, у ҳолда (1)га кўра  $w$  вектор  $x_1$  синфнинг объекти бўлади. Акс ҳолда

$$\begin{cases} |w - \bar{x}_2| \leq \frac{1}{\rho_{x_2}} |w - \bar{x}_1| \\ |w - \bar{x}_2| \leq \frac{1}{\rho_{x_2}} |w - \bar{x}_3| \end{cases} \quad (5)$$

тенгсизлик қаралади ва (2)дан фойдаланиб бу ҳолатда  $w$  векторнинг  $x_2$  синфга тегишлигини тасдиқлаймиз.

Агар  $w$  вектор қуйидаги

$$\begin{cases} |w - \bar{x}_3| \leq \frac{1}{\rho_{x_3}} |w - \bar{x}_1| \\ |w - \bar{x}_3| \leq \frac{1}{\rho_{x_3}} |w - \bar{x}_2| \end{cases} \quad (6)$$

шартни қаноатлантирса, у ҳолда (3) муносабатни қўллаб  $w$  векторнинг  $x_3$  синфга тегишлигини аниқлаб оламиз. Шундай қилиб, учта синф учун ҳал қилувчи қоида (4), (5), (6) тенгсизликлар тизимидан бири бўлади. Бунда агар  $w$  вектор (4), (5), (6) тенгсизликлар тизимидан бирортасини ҳам қаноатлантирмаса, у ҳолда у таниб олинмаган деб ҳисобланади. Ҳал қилувчи (4), (5), (6) қоидаларни ҳосил қилишда  $coX_1$ ,  $coX_2$ ,  $coX_3$  қавариқ қобиклар мос синфларга қатъий ажралувчи тўпламлар деб фараз қилинган. Ҳақиқатда эса кўпкина таниб олиш масалаларида  $coX_1$ ,  $coX_2$ ,  $coX_3$  тўпламларнинг айрим қисмлари кесишишган бўлиб чиқиши мумкин. У ҳолда  $x_i$  синфларнинг айрим объектлари мос  $S_{i,j}$  шарларнинг ташқарисида бўлади. Шунинг учун бундай объектларни таниб олишнинг ушбу ҳолати нотўғри амалга

оширилади ҳамда классификациялаш қандайдир хатолик билан рўй беради ва классификациялаш натижаларини яхшилаш учун қўшимча тадқиқотлар талаб қилинади.  $\rho_{x_1}, \rho_{x_2}, \rho_{x_3}$  параметрларни танлаш учун усуллар қўлланилади.

4. “Апполония шари” типигаги ҳал қилувчи қоида ёрдамида таниб олиш алгоритми

**1-қадам.** Кесишмайдиган  $x_1, x_2, x_3$  қисмтўплам(синф)ларга ажратилган объектларнинг ўргатувчи танловини моделлаштириш. Ҳар бир объект  $n$  белгилар тўпламида  $x = \{x^1, \dots, x^n\}$  кўринишда берилади. Ҳар бир  $X$  синф  $m$  та  $x_1, \dots, x_m$  объектлардан иборат бўлсин, бунда  $x_i = (x^1, \dots, x^n)$ ,  $i = \overline{1, m}$ .

**2-қадам.**  $x_1$  синфнинг ўрталаштирилган объектини ёки  $x_1$  синфнинг зич қисмида ўрталаштирилган объектини аниқлаш:  $y = \frac{1}{m} \sum_{i=1}^m y_i$ ,  $x_2$  синфнинг ўрталаштирилган объектини ёки  $x_2$  синфнинг зич қисмида ўрталаштирилган объектини аниқлаш:  $x = \frac{1}{m} \sum_{i=1}^m x_i$ ,  $x_3$  синфнинг ўрталаштирилган объектини ёки

$x_3$  синфнинг зич қисмида ўрталаштирилган объектини аниқлаш:  $x = \frac{1}{m} \sum_{i=1}^m x_i$ .

**3-қадам.** “Апполония шари”га мос  $\rho_{x_1}, \rho_{x_2}, \rho_{x_3}$  параметрларни аниқлаш.

**4-қадам.** (4), (5), (6) қилувчи қоидадан фойдаланиб  $\mathcal{W}$  объектни таниб олиш.

Таниб олишнинг баён қилинган алгоритми жуда содда ҳисобланади ва ихтиёрий объектлар тўплами учун классификациялаш масалаларини ечишга қўллаш мумкин.

## FINDING INDIVIDUAL FEATURES` SPACE OF OBJECT IN THE FIELD OF SOCIOLOGY

*N. A. Ignatev (Professor, NUU named after Mirzo Ulugbek)*

*R.A. Muhammadiev (master degree, NUU named after Mirzo Ulugbek)*

The need for indexing objects arises when decisions are made in different subject areas. The values of the indices are in demand for monitoring the market for the purchase and sale of securities, the environmental state of the environment, the level of the terrorist threat, the assessment of the degree of social welfare of the society, the citation of scientific publications and so on. Calculation of values, as a rule, is performed using strictly fixed sets of indicators. Informative signs (indicators), determined for the entire training sample, do not reflect the specific features of the inherent features of a particular area of the characteristic space. In [1] it is asserted that for each object has its own logical regularity, for the discovery of which it was proposed to use local metrics. The use of local metrics is based on heuristics, since there are no clear criteria for their choice. The interest is the development of methods for selecting informative features of data, invariant to

the scale of measurements, combinatorial complexity of which allows to obtain results in an acceptable time.

Individual set of informative characteristics of an acceptable object allows:

- highlight the logical patterns in its vicinity;
- Explain the decision-making process when recognizing;
- to determine the belonging to noise (anomalous) objects of classes;
- to select the support sets in the models of recognition algorithms.

In this work, two new criteria are proposed for the selection of individual signs of informative features, different from those described in [3].

Just as in [3], when calculating values using these criteria, proximity functions are used for the defined feature sets. The ordering of objects by the values of the proximity function, depending on the goals set, makes it possible to determine:

- the stability of the logical pattern with respect to the object under study;
- the boundary between representatives of two classes, the degree of truth of the hypothesis of compactness at which is maximal.

The problem of recognition in the standard formulation is considered.

Learning objects are given through a set  $E_0 = \{S_1, \dots, S_m\}$ , divided into two disjoint subsets (class)  $K_1$  and  $K_2$ ,  $E_0 = K_1 \cup K_2$ . The objects are described by a set of  $n$  different types of characteristics  $X(n) = (x_1, \dots, x_n)$ ,  $\xi$  of which are measured in interval scales,  $n - \xi$  - in nominal.

We denote by  $I, J$  the set of indices, respectively, of quantitative and nominal features. It is believed that criteria are set for the selection of informative features of the object  $S \in E_0$ . It is required for each criterion for the specified object  $S \in E_0$  to determine:

- an informative set of features  $X(k) = \{x_i\}_{i \in I \cup J}$ ,  $k \leq 1$ ;
- an estimation of object  $S$  as an extreme value of a criterion on an informative set  $X(k)$ .

The description of an admissible object within its own space of informative features is necessary for finding an individual measure of similarity (difference) with other objects. This measure reflects the relationship between the objects and serves as a means for decision-making.

To unify the measurement scales, the values of the quantitative characteristics by a fractional-linear transformation are mapped in  $[0, 1]$ .

As a measure of closeness between the objects  $S_a = (x_{a1}, \dots, x_{an})$  and  $S_b = (x_{b1}, \dots, x_{bn})$ , we can use the Zhuravlev metric

$$\rho(S_a, S_b) = \sum_{i \in I} |x_{ai} - x_{bi}| + \sum_{i \in J} \begin{cases} 1, & x_{ai} \neq x_{bi}, \\ 0, & x_{ai} = x_{bi}. \end{cases}$$

Suppose that for the object  $S_d \in K_p$  in the set of characteristics  $X(k)$ ,  $k \leq n$  is constructed

$$S_{d_0}, \dots, S_{d_{m-1}}, S_{d_0} = S_d, \tag{1}$$

An ordered sequence of objects  $E_0$ , relations between which are determined by inequalities of the form

$$\rho(S_{d_i}, S_d) \leq \rho(S_{d_{i+1}}, S_d).$$

To evaluate the object  $S_d \in K_p$ , using (1) we use the functional

$$F(S_d, X(k)) = \max_{0 \leq i \leq m-1} \left( \frac{z_p(i)}{|K_p \cap E_0|} - \frac{z_{3-p}(i)}{|K_{3-p} \cap E_0|} \right) \quad (2)$$

Where  $z_p(i), z_{3-p}(i)$  is the number of objects in  $\{S_{d_0}, \dots, S_{d_i}\} \subset E_0$  defined by (1), respectively, from the class  $K_p$  and  $K_{3-p}$ . The set of admissible values (2) belongs to the interval (0,1].

As a separate problem, we can consider the selection for  $S_d \in K_p$  of a set of informative features  $X(\mu)$ ,  $\mu \leq n$ , on which

$$F(S_d, X(\mu)) = \max_{0 \leq k \leq n} \max_{\{X(k)\}} F(S_d, X(k)). \quad (3)$$

The value (3) for the permissible object  $S_d$  by the set of medical indices  $X(\mu)$  in [3] was interpreted as the index of health in the class  $K_p$ ,  $p = 1, 2$ .

In [3] heuristic step-by-step selection algorithms were used to find the extremum (3). It was shown that the various selection schemes (by the sequential removal of little informative or sequential inclusion of the most informative) signs did not yield similar results.

An important obstacle to the effective use of (3) in heuristic selection algorithms is the large dimensionality of the feature space. Values of proximity between objects become blurred, exponentially growing complexity of computations for the algorithms used. To reduce the combinatorial complexity of computations, it is proposed to apply preprocessing of data.

The idea of using the order of following of various types of signs by the degree of their independence for the synthesis of models of artificial neural networks with a minimal configuration is described in [2]. For this purpose, a matrix of pair affinities (differences) between the characters was formed.

To unify the measurement scales, the conversion of quantitative characteristics into nominal ones was used according to a special criterion. The order of the signs was determined from the matrix of pair affinities (differences).

In contrast to [2], we propose to use the values of the proximity matrix for pairs of characteristics  $(x_i, x_j) \subset X(n)$  in the Zhuravlev metric without unifying the scales (information to one scale) of the measurements. The elements of the proximity matrix  $B(S) = \{b_{ij}\}_{n \times n}$  of the object  $S \in K_t$  are computed as

$$b_{ij} = \begin{cases} \frac{1}{2|K_{3-t}|} \sum_{S_u \in K_{3-t}} \rho(S, S_u) - \frac{1}{2|K_t| - 1} \sum_{S_u \in K_t} \rho(S, S_u), & x_i, x_j \in X(n), i \neq j, \\ 0, & i = j. \end{cases} \quad (4)$$

Obviously,  $|b_{ij}| \leq 1$ .

We denote by  $P$  the set whose values of the elements are the numbers of the original characteristics. To select by the elements (4) the matrix  $B(S) = \{b_{ij}\}_{n \times n}$  of the ordered set  $X(k) = (x_1, \dots, x_k)$ ,  $2 \leq k \leq n$ , the recursive procedure for constructing a

sequence of characteristics

$$x_{S_1}, x_{S_2}, \dots, x_{S_n} \quad (5)$$

(5) characteristics mean that, although people`s lifestyles or works are similar, their world outlooks are various and for each object has its individual space.

Used sources:

1. Дюк В.А. Методология поиска логических закономерностей в предметной области с нечеткой системологией: На примере клинико-экспериментальных исследований: Дисс. ... докт. тех. наук: Санкт-Петербург. 2005.- 309 с.
2. Згуральская Е. Н. Выбор информативных признаков для решения задач классификации с помощью искусственных нейронных сетей // Нейрокомпьютеры: разработка, применение. 2012. № 2. С. 20-27.
3. Ignatev N. A., Mirzaev A. I. The Intelligent Health Index Calculation System // Pattern Recognition and Image Analysis, 2016, V. 26, № 1, P. 73-77.

## **DEVELOPMENT OF ARCHITECTURE OF INTELLECTUAL INFORMATION SYSTEM SUPPORTING DECISION-MAKING FOR HEALTH OF SPORTSMEN**

*M.Yu. Doshchanova (senior teacher, TUIT named after Muhammad Al-Khwarizmi)  
A.M. Matyakubova (teacher, Nurabad College of Energy and Economics)*

Today in Uzbekistan there is no system of dynamic monitoring of the health and work of the physiological systems of athletes. Mainly used by the manual method of analysis, which takes time and often leads to errors such as loss of information about the health of an athlete, the admission of an athlete with a certain type of disease to the training and competitive process, which can sometimes lead to bad consequences. And in the team groups of athletes, the manual method of analysis limits the possibilities of information processing. This state of affairs is a significant obstacle to the development of sports medicine. Dynamic monitoring of the health and physical readiness of athletes today can be implemented with the help of modern information and communication technologies. The development of a model of health monitoring with the formation of unified mechanisms and volumes of periodic health assessments and current medical observations is required to develop a model of an intellectual information decision support system. To implement this system, it is necessary to create an information model for the control of endurance, speed-power and biomechanical characteristics, level of stress tolerance. The system being developed should include, in addition to information and analytical tasks, tasks that implement artificial intelligence methods, including automatic conclusion of expert opinions, recommendations for treatment, prevention, rehabilitation, the volume and intensity of the training process, diets and nutritional limitations, prediction of sports readiness in competitions. The modern level of development of preventive health care and medicine is characterized by the increasing influence of genetic

diagnostics. Based on a comprehensive analysis of survey data, genetic, laboratory, instrumental studies, it is possible to predict the occurrence and prevent the development of diseases, personalize the menu, hone the volumes and intensity of physical activity, and finally carry out sports and medical selection in youth sports. The set of knowledge in the analysis of research results provide complete information about the state of the athlete, the forecast for the future and determines the tactical methods of correction. Of particular relevance is the current monitoring of the status of an athlete by a sports team doctor using information and communication technologies. Modern means of data transmission and visualization allow transmitting all required formalized protocols of surveys and video images, being located anywhere in the world using the Internet. AEP contains a structured volume of general personal, clinical, genetic, biometric, social, economic, financial, insurance and other data about an athlete. The structure of the AEP is shown in Fig. 1. The structure of AEP includes: Athlete's Electronic Medical Passport (AEMP), Athlete's Electronic Medical and Biological Passport (AEMBP), Athlete's Electronic Power Passport (AEPP), Base of expert medical knowledge (BEMK).




Fig. 1: The structure of the AEP

An AEMP is an electronic medical record of an athlete [2] and contains all of its main sections, including a formalized description of the history and clinical data. AEMP includes specialized cards: cardiological, neurological, pulmonary, etc. In this case, the source of data can be the IIASS data entry system and the athlete's electronic medical card (AEMC). AEMBP is a collection of electronic records describing physical activity in the process of training and competition. AEMBP consists of a map of aerobic endurance of the dynamics of indicators of muscular work using oxygen; maps of anaerobic endurance dynamics of muscle work without oxygen; maps of speed-power indices, equilibrium maps, reaction speed maps, maps of visual fields, etc. AEPP contains a set of data describing individual indicators of nutritional status, anthropometric indicators, bone density, formalized recommendations on food hygiene, depending on the sport and sports discipline, age, weight category and stage of the training process.

Together with AEMP, AEMBP and AEPP, it forms a unique system for combining congenital and dynamic parameters, which allows to objectify survey results in an accelerated mode and develop predicative biology and medicine. The BEMP contains rules for making medical decisions based on the processing of EMPS, EMBPS and EPIS data. The decision-making model is a frame model in which the frames are interconnected and represent a formalized algorithm for making a medical decision on the preparation of an athlete. All systems will provide access to the athletes' health e-passports database (Fig. 2).




Fig. 2: Composition IIASS

Athletes data entry system is designed to enter the following data: anamnesis of athletes life, survey data (including data from AEMC, data from mobile sensors and other means of measuring health indicators), nutrition information for athletes, data on loads and training process. These data will be generated in the AEP and medical decisions will be made on their basis. The system for entering the results of training and competitions will be used to enter data about competitions or other testing of the results of training. In fact, this system provides a feedback between the decision made and the degree of its achievement and allows you to influence the degree of confidence in the decision table (Fig. 3).




Fig. 3: Feedback between decision making

The IIASS will be integrated with the information system of the sports and training process, which is not related to sports medicine. This integration will be used to provide feedback between the decision made and the degree of its achievement and will influence the degree of confidence in the decision table. IIASS can include in its structure the medical information-analytical system of sports (MIASS); biomedical information and analytical system of sports (BIASS); an information and analytical nutrition system for an athlete (IANSAs), each of which provides access and maintenance of the corresponding section of AEP. The IIASS will be a distributed top-level system with regional segments. The following participants will be users of the IIASS, each of whom has access to the necessary information (Fig. 4). IIASS interacts with AEMC and receives from it the necessary structured information in the approved format.




Fig. 4: IIASS users

In this section you should present the conclusion of the paper. Conclusions must focus on the novelty and exceptional results you acquired. Allow a sufficient space in the article for conclusions. Do not repeat the contents of Introduction or the Abstract. Focus on the essential things of your article.

#### References

1. Emelin I.V., Zingerman B.V., Lebedev G.S. O standartizatsii struktury elektronnykh meditsinskix dannyx // Informatsionno-izmeritelnye i upravlyayushie sistemy. no. 12, t.8, 2010 pp.18–24
2. Lebedev G.S., Tixonova Yu.V. Trebovaniya k arxitekture, opredeleniyu, oblasti primeneniya i kontekstu elektronnoy meditsinskoy karty // Informatsionno-izmeritelnye i upravlyayushie sistemy. no. 12, t. 8, 2010. pp. 25–37
3. Solomonov A. O‘zbekistonda “Aqlli tibbiyot” tizimi joriy etilmoqda. URL: <https://sputniknews-uz.com/society/20180412/7944313/Ozbekistonda-aqlli-tibbiyot-tizimi-joriy-etilmoqda.html>

### ТАНИБ ОЛИШ АЛГОРИТМЛАРИ ТЎПЛАМИ УСТИДА АЛГЕБРАИК КОРРЕКЦИЯ ТУШУНЧАСИ ТАЪРИФИ

*М.Х.Худайбердиев (Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ҳузуридаги АКТ ИИМ)*

Фараз қилайлик бизга  $\{A\}$  эвристик таниб олиш алгоритмлар оиласи берилган бўлсин. Ушбу алгоритмлар оиласи бази бир аниқ масалалар учун коррект эмас. Таниб олиш алгоритмининг корректлиги деганда назорат объектлари танланмасида таниб олишни тўғри амалга ошириши тушунилади. *1-таъриф.* Тимсолларни аниқлаш масалларида масала коррект дейилади, қачонки қуйидаги талаблар бажарилса[1],

- $K_i \cup K_j = \emptyset$ ;
- Ушбу масаланинг  $\forall x \in X$  учун  $y$  ( $y \in Y$ ) ечим мавжуд бўлса;
- Бу ечим ягона бўлса;
- Кирувчи ахборотларга нисбатан кичик миқдордаги оғиш билан қатъий ечимга эга бўлса.



Агар юқорида келтирилган талаблардан бирортаси бажарилмаса масала нокоррект масала деб аталади.

Шу ўринда савол туғилади: мавжуд бўлган  $\{A\}$  алгоритмлар тўпламидан фойдаланиб коррект алгоритм куриш мумкинми?

Тимсолларни аниқлашнинг бир мунча умумий бўлган масаласида кесишувчи сифнларда таниб олишни кўрайлик. Айтайлик, рухсат этилган  $\{S\}$  объектлар тўпламига эга бўлган  $K_1, K_2, \dots, K_\ell$  синфлар бирлашмаси берилган бўлсин. Рухсат этилган  $\{S\}$  объектлар тўпламини  $S \in K_i$  эканлигини  $P_i(S)$  орқали амалга оширилишини белгилаб олинган бўлиб, рухсат этилган  $\{S\} = S_1, \dots, S_q$  объектларнинг чекли тўплами берилган бўлсин.

*2-таъриф.*  $\|\alpha_{ij}\|$  матрица, бу ерда  $\|\alpha_{ij}\|$  матрица  $P_1, P_2, \dots, P_\ell$  придикатлар системаси асосида рухсат этилган  $\{S\}$  объектлар тўпландан олинган информатсион матрица деб номланади.  $(\alpha_{i1}, \alpha_{i2}, \dots, \alpha_{i\ell})$  сатр  $S_i$  объектнинг информатсион вектори ҳисобланади, бу ерда  $i \in \{1, \dots, q \sim \ell\}$ .

Таниб олиш масаласи  $I$  бошланғич ахборотдан ташкил топган бўлиб,  $K_1, K_2, \dots, K_\ell$  синфларга кириш ҳақидаги рухсат этилган  $I$  ахборотлар тўпландир ва  $\tilde{S}^q = S_1, \dots, S_q$  ўқув танланмадан  $\|\alpha_{ij}\|_{q \times \ell}$  информатсион матрицани куриб беради. Тимсолларни аниқлашнинг масаласини кўйилишини қисқача  $Z$  ёки  $A(I, S_1, S_2, \dots, S_q) = \|\beta_{ij}\|_{q \times l}$  кўринишда белгилаб оламиз. Синф ҳақидаги бошланғич ахборотга мисол сифатида синфни эталон объектларини белгиларининг жадвал шаклидаги ифодаланиши ва уларнинг информатсион матрицасини келтириш мумкин.

Бизга шундай  $\{A\}$  алгоритмлар тўплами берилган бўлсика,  $(I, S_1, S_2, \dots, S_q)$ ,  $\{I\}$  жуфтликларни  $\tilde{S}^q = \{S_1, \dots, S_q\}$  орқали  $\|\beta_{ij}\|_{q \times l} \in \{0, 1, \Delta\}$  матрица ўтказсин.  $A(I, S_1, S_2, \dots, S_q) = \|\beta_{ij}\|_{q \times l}$ , бу ерда  $\beta_{ij}$  оддий шаклдаги қийматлар интерпретациясидир.  $A$  алгоритм орқали ҳисобланганда ҳамда агар  $\beta_{ij}$  бўлса,  $S_i$  рухсат этилган объектнинг  $\beta_{ij}$  қиймати придикат қийматига кўра  $\|\alpha_{ij}\|$  тенг бўлади. Агар  $A$  алгоритм  $\|\alpha_{ij}\|$  қиймат бермаса, у холда  $\beta_{ij} = \Delta$  қийматни қабул қилади [2].

*3-таъриф.*  $Z$  масала учун  $A(I, S_1, S_2, \dots, S_q) = \|\beta_{ij}\|_{q \times l}$  алгоритм коррект дейилади, агарда  $A(I, S_1, S_2, \dots, S_q) = \|\beta_{ij}\|_{q \times l}$  тенглик бажарилса, акс холда  $Z$  масала учун алгоритм коррект эмас.

$\{A\}$  алгоритмлар тўплами нокоррект алгоритмлар мажмуаси сифатида қаралади. Асосий мақсад қуйидагичадир:

- $\{A\}$  алгоритмлар устида алгебраик операциялар ўтказиш натижасида  $\{A\}$  тўпланда алгебраик  $\{A\}$  туташувларни куриш имкониятини беради;
- $Z$  масала учун коррект алгоритм мавжуд, қайсика,  $\{\{A\}\}$  да ихтиёрий  $Z$  масала учун  $\{I\}, \{S\}, \{A\}$  чекланишлар аниқ бўлганда. Бундай

холларда  $\{Z\}$  га нисбатан  $\{\{A\}\}$  қисқа туташув (замикания) коррект дейилади.

1-теорема.  $A \in \{A\}$  даги хар бир алгоритм  $B$  ва  $C$  ларни кетма-кет бажарилиши орқали амалга ошади. Бу ерда  $A(I, S_1, S_2, \dots, S_q) = \|\beta_{ij}\|_{q \times l}$ ,  $a_{ij}$ -хақиқий сон,  $C(\|a_{ij}\|_{q \times l}) = \|\beta_{ij}\|_{q \times l}$ ,  $\beta_{ij}$ ,  $B = B(A)$ .

1-теоремадан шу келиб чиқадики,  $\{A\}$  алгоритмлар тўплами  $\{B\}$  ва  $\{C\}$  лар тўпланини вужудга келтиради.  $\{B\}$  тўплам элементларини таниб олиш операторлари деб юритилади,  $\{C\}$  тўплам элементларини эса ҳал қилувчи коидалар деб юритилади.  $A(I, S_1, S_2, \dots, S_q) = \|\beta_{ij}\|_{q \times l}$  сонли матрицани объектларни синфларга берган овозлари ёки баҳолари матрицаси деб юритилади.

4-таъриф.  $\{S\}$  да  $C$  оператор коррект деб аталади, қачонки,  $\tilde{S}_q, \tilde{S}_q \in \{S\}$  нинг чекли миқдорида ҳеч бўлмаганда битта  $\|a_{ij}\|_{q \times \ell}$  сонли матрица мавжуд бўлса, шундайки  $C(\|a_{ij}\|_{q \times l}) = \|\alpha_{ij}\|_{q \times \ell}$  бўлганда. Бу ерда  $\|\alpha_{ij}\|_{q \times \ell}$ -информацион матрица, қайсики  $P_1, P_2, \dots, P_l$  придикат тизимидаги  $\tilde{S}^q = \{S_1, \dots, S_q\}$  элементларининг қийматидир.

$\{B\}$  операторлар тўплами устида кўшиш ва скалярга кўпайтириш амалларини бажариш киритилади.

$\{B\}$ ,  $A(I, S_1, S_2, \dots, S_q) = \|\beta_{ij}\|_{q \times l}$  ва  $b'$  берилган бўлсин.  $b' * B$  (скалярга кўпайтириш),  $B' + B''$  (операторлар йиғиндиси) қуйидагича амалга оширилади:

$$b' * B'(I, S_1, \dots, S_q) = \|b' \cdot a'_{ij}\|_{q \times l} \quad (1)$$

$$(B' + B'')(I, S_1, \dots, S_q) = \|a'_{ij} + a'_{ij}\|_{q \times l} \quad (2)$$

Равшанки,  $L\{B\}$  чизиқли тутатиш ёки ёпиклар тўплами (1) операцияларга нисбатан вектор фазони ташкил қилади.

$\{B\}$  чизиқли туташувларнинг  $U\{B\}$  тўплами (1) ва (2) операцияларга нисбатан коммутатив кўпайтималар билан ассоциатив чизиқли алгебрани вужудга келтиради.

Равшанки,  $U\{B\}$  даги операторларни  $\{B\}$  устида бажариладиган операторлар кўпхади шаклида ифодалаш мумкин. Агар  $B' \in U\{B\}$  бўлса, у ҳолда  $B' = \sum b_i B_{i_1} \cdot \dots \cdot B_{i_k}$  бўлади. Одатда, оператор кўпхадларининг даражаси деганда, ҳадларнинг таркибидаги кўпаяувчиларнинг максимал сони тушунилади.

Ахборотни ёки информацияни  $I \in \{I\}$  ва ўқув танланмани  $S_1, S_2, \dots, S_q, \tilde{S}^q = \{S_1, S_2, \dots, S_q\}$  орқали белгиланади.

Таниб олиш операторлари тўплами  $\tilde{B}$  мавжуд хусусиятларига нисбатан  $(I, \tilde{S}^q)$  масалани кўриб чиқилади.

6 таъриф. Агар  $q \times l$  ўлчовли сонли матрицалар фазосида  $\{B(I, \tilde{S}^q)\}$  матрицалар тўплами базисни ҳосил қилса, у ҳолда  $Z(I, S_1, S_2, \dots, S_q, P_1, \dots, P_l)$  масала тўлиқ  $\tilde{B}$  ҳақида ёки боғлиқ дейилади.

2 теорема. Агар тўпلام фақат  $\{Z\}$  масаладан ташкил топган бўлиб, тўлиқ  $\tilde{B}$  га боғлиқ бўлса, у ҳолда  $L\{\tilde{B} \cdot C^*\}$  чизиқли туташув  $\{Z\}$  га нисбатан коррект бўлади.

1-хулоса.  $\{A\}$  некоррект алгоритмлар мажмуаси берилган бўлсин,  $\{B\}$  мос операторлар тўплами,  $C^*$  фиксирланган коррект ҳал қилувчи қоида. Агар  $\{B\}$  га тўлиқ боғлиқ бўлиб, тўпلام  $\{Z\}$  масалалардан ташкил топган бўлса, у ҳолда  $L\{A\} = \{L\{B\} \cdot C^*\}$  чизиқли туташув  $\{Z\}$ га нисбатан корректдир.

2-хулоса. 1-хулосани барча шартлари бажарилсин, ундан ташқари (1),(2) операцияларга нисбатан  $\{B\}$  да  $[\{B\}]$  туташув мавжуд. Агар  $\{B\}$  га тўлиқ боғлиқ бўлиб, тўпلام  $\{Z\}$  масалалардан ташкил топган бўлса, у ҳолда  $L\{A\} = \{L\{B\} \cdot C^*\}$  чизиқли туташув  $\{Z\}$ га нисбатан корректдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Журавлëв Ю.И, Рязанов В.В., Сенько О.В «РАСПОЗНАВАНИЕ». Математические методы. Программная система. Практические применения. М.: Фазис, 2006. - 176 с. (ISBN 5-7036-0108-8).
2. Нифагин В.А., Роговцов Н.Н. Учебное пособие по прикладной математике для студентов приборостроительных специальностей. Минск 2009. С.141.

## **GRAFLAR USTIDA BAJARILADIGAN AMALLARNI DASTURIY TA'MINOTINI YARATISH**

*D.K. Bekmurotov (Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU SF)*

*M.K. Nishanova (Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU SF)*

Maqolada malaka talablari va fan dasturida belgilangan, talabalar tomonidan egallanishi lozim bo'lgan bilim, ko'nikma, malaka va kompetensiyalarni shakllantirishni, mustaqil bilim olish va o'rganishni ta'minlaydigan, talabanning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga yo'naltirilgan didaktik vositalar va materiallarni o'z ichiga olgan «Diskret matematika» fanining graflar nazariyasi bo'limidan berilgan ixtiyoriy grafning Eyler va Gamilton graflari bo'lishi yoki bo'lmasligini aniqlovchi o'quv virtual laboratoriya yaratish qaralgan.

*Eyler graflari.* Bizga yo'naltirilmagan  $G$  graf berilgan bo'lsin. Eyler sikli shunday siklki, unda  $G$  ning ma'lum bir  $a$  tugunidan chiqib, barcha  $\{e_1 = (a_{i1}, a_{j1}), e_2 = (a_{i2}, a_{j2}), \dots, e_k = (a_{ik}, a_{jk})\}$  yoylaridan faqat bir marta o'tib, yana shu  $a$  ga qaytib kelishi kerak.

$G$  da Eyler sikli mavjud bo'lishi uchun [1-4]:


- $G$  bog'langan bo'lishi;
- $G$  ning barcha  $\{a_1, a_2, \dots, a_n\}$  tugunlarining lokal darajalari juft bo'lishi


kerak;

$G$  da Eyler zanjiri mavjud bo'lishi uchun [1-4]:



- $G$  bog'langan bo'lishi;
- $G$  ning 2 ta  $a_i$  va  $a_j$  (boshlanish va oxirgi) lokal darajalari toq bo'lib, qolgan barcha  $\{a_1, a_2, \dots, a_n\}$  larining lokal darajalari juft bo'lishi kerak.


Agar yo'naltirilmagan  $G$  da Eyler sikli mavjud bo'lsa, u holda  $G$  Eyler grafi bo'ladi.

**Grafda Eyler siklini aniqlash** -tugmasini faollashtirish faylda saqlangan graflar oynasidan  **graf5.gph** fayl tanlanadi va interfeys oynada  $G$  hosil bo'ladi:




1-rasm. faylda saqlangan  $G$  ni ochish.

1-rasmdagi  **graf5.gph** oynada **Grafda Eyler siklining mavjudligini aniqlash** tugmachasini faollashtirish natijasida  **graf5.gph** faylda berilgan  $G$  da Eyler sikli mavjudmasligi haqidagi natijani hosil qilamiz (2-rasm):




2-rasm.  **graf5.gph** faylda saqlangan  $G$  da Eyler siklining mavjudmasligi.

Faylda saqlangan graflar oynasidan boshqa  **graf3.gph** fayl tanlanadi va oynada **Grafda Eyler siklining mavjudligini aniqlash** -tugmachasini faollashtirish natijasida berilgan  $G$  da Eyler sikli mavjudli haqidagi 

2	5	4	6	2	4	3	1
---	---	---	---	---	---	---	---

 natijani hosil qilamiz (3-rasm):




3-rasm.  **graf3.gph** faylda saqlangan  $G$  da Eyler siklining mavjudligi.

*Gamilton grafi.* Agar  $G$  da oddiy sikl mavjud bo'lib, bu siklda  $G$  ning barcha tugunlari faqat bir martadan qatnasha, u holda bunday sikl Gamilton sikli bo'ladi [1-4]. Agat  $G$  da Gamilton sikli mavjud bo'lsa, u holda  $G$  Gamilton grafi deyiladi.  $G$  da Gamilton sikli Gamilton zanjiri bo'ladi, agarda bunday  $G$  da  $\{a_1, a_2, \dots, a_n\}$  larning barchasi ishtirok etsa hamda  $\{a_1, a_2, \dots, a_n\}$  va  $\{e_1, e_2, \dots, e_n\}$  lar takrorlanmasa.

**Grafni tasvirlash va xususiyatlarni aniqlash**


-tugmasini faollashtirish natijasida

4– rasmdagi dastur oynasi hosil bo'ladi:



4-rasm. Gamilton  $G$  ga misol.

4-rasmdagi interfeys oynada **Grafda Gamilton sikli** -tugmachasini faollashtirish natijasida berilgan  $G$  da Gamilton sikli hosil qilinadi (5-rasm.):



5-rasm.  $G$  da Gamilton siklini hosil qilish.

Dasturiy ta'minotdan oquv jarayonida, biror predmet sohada berilgan ob'yektlar va ular orasidagi munosabatlar asosida  $G$  larni hosil qilish,  $G$  da Eyler va Gamilton sikllari mavjudligi va  $G$  ning Eyler va Gamilton grafi ekanligini aniqlashda foydalanish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. О.Оре. Графы и их применение. Мир. М. 1965. 168 с. Электрон вариант.
2. Тураев Х.Т., Азизов И. А., Отакулов С. «Комбинаторика ва графлар назарияси». «Зиёкор» нашриёти, Тошкент 2009, 263бет.
3. Х.Т.Тураев. Дискрет математика. 1, 2- томлар.Ўқув қўлланма. Т-2001. 456 б.
4. Бекмуродов К.А., Абдуллаева Н.И., Абдугаффаров А. Дискрет математика фанидан лаборатория ишларни бажариш учун услубий кўрсатма. СамДУ нашр-матбаа маркази. 2008 й 128 бет.

## GRAFLARNI QURISH, TASVIRLASH VA PARAMETRLARINI ANIQLASH DASTURI

*K.A. Bekmurotov (Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU SF)*

*J.O. Bektemirov (Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU SF)*

Maqolada malaka talablari va fan dasturida belgilangan talabalar tomonidan egallanishi lozim bo'lgan bilim, ko'nikma, malaka va kompetensiyalarni shakllantirishni, mustaqil bilim olish va o'rganishni ta'minlaydigan, talabaning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga yo'naltirilgan didaktik vositalar va materiallar o'z ichiga olgan «Diskret matematika» fanining graflar nazariyasi bo'limidan ma'ruza va amaliy mashg'ulotlari uchun o'quv virtual laboratoriya yaratish.

Graf – bu qandaydir tugunlar va yoylardan iborat geometrik konfiguratsiyadir. Umumiy holda tugunlar to'plami  $V = \{a_1, a_2, \dots, a_n\}$  va  $V$  to'plamdan olingan  $G = \{(a_{i1}, a_{j1}), (a_{i2}, a_{j2}), \dots, (a_{ik}, a_{jk})\}$  juftliklar to'plamiga graf deyiladi [1-4]. Grafni  $G$  bilan belgilaymiz.  $V$  to'plamdagi  $\{a_1, a_2, \dots, a_n\}$  lar qandaydir ob'yekt (jarayon, holat, predmet)lar bo'lib  $G$  ning tugunlari deyiladi.  $G$  dagi har bir  $\{(a_{i1}, a_{j1}), (a_{i2}, a_{j2}), \dots, (a_{ik}, a_{jk})\}$  juftlik  $G$  ning yoylari deyiladi.

Agar  $(a_i, a_j)$  berilgan bo'lsa, u holda  $a_i$  va  $a_j$  tugunlar birlashtirilgan deyiladi.

$G$  ni quruish uchun  $V$  va  $E$  berilgan bo'ladi. Masalan, bizga

$$V = \{a_1, a_2, a_3, a_4, a_5, a_6\} \text{ va}$$

$$E = \{(a_1, a_2), (a_2, a_2), (a_2, a_3), (a_3, a_4), (a_4, a_5), (a_5, a_6), (a_6, a_5)\}$$

berilgan bo'lsin, u holda  $V$  va  $E$  lardan foydalanib  $G$  ni qurish mumkin (1-rasm).

*Qo'shnilik matritsasi.*  $G$  yo'naltirilmagan bo'lsin.  $G$  ning qo'shnilik matritsasi  $A_{ij}$  ning ustunlariga ham qatorlariga ham  $G$  ning  $\{a_1, a_2, \dots, a_n\}$  larini mos qo'yamiz. U holda

$$A_{ij} = \begin{cases} 1, & \text{agar } a_i \text{ va } a_j \text{ tugunlar qo'shni bo'lsa.} \\ 0, & \text{aks holda.} \end{cases} \quad (1)$$

foydalanib qo'shnilik matritsasini hosil qilamiz.

Agar  $G$  yo'naltirilgan bo'lsa, u holda qo'shnilik matritsasi  $A_{ij}$  ning ustunlariga ham satrlariga ham  $G$  ning  $\{a_1, a_2, \dots, a_n\}$  larini mos qo'yamiz. U holda

$$A_{ij} = \begin{cases} 1, & \text{agar } a_i \text{ tugun } a_j \text{ tugunning boshlanishi bo'lsa.} \\ 0, & \text{agar } a_i \text{ tugun } a_j \text{ tugunga qo'shni bo'lmasa va } a_i \text{ tugun} \\ & a_j \text{ tugunning oxiri bo'lsa.} \end{cases} \quad (2)$$

foydalanib qo'shnilik matritsasini hosil qilamiz.

*Qo'shmalik matritsasi.* Bizga yo'naltirilmagan  $G$  berilgan bo'lib, u chekli bo'lsin.  $G$  ning qo'shmalik matritsasi  $A_{ij}$  ning ustunlariga

$\{e_1 = (a_{i_1}, a_{j_1}), e_2 = (a_{i_2}, a_{j_2}), \dots, e_k = (a_{i_k}, a_{j_k})\}$  yoylarni, qatorlariga esa  $\{a_1, a_2, \dots, a_n\}$  tugunlarni mos qo'yamiz. U holda

$$A_{ij} = \begin{cases} 1, & \text{agar } e_i \text{ yoy } a_j \text{ tugunga qo'shma bo'lsa,} \\ 0, & \text{aks holda.} \end{cases} \quad (3)$$

foydalanib qo'shmalik matritsasini hosil qilamiz.

Agar  $G$  yo'naltirilgan bo'lsa, u holda

$$A_{ij} = \begin{cases} -1, & \text{agar } a_j - \text{tugun } e_i - \text{yoyning boshlanishi bo'lsa.} \\ 1, & \text{agar } a_j - \text{tugun } e_i - \text{yoyning oxiri bo'lsa.} \\ 0, & \text{agar } a_j - \text{tugun } e_i - \text{yoyga qo'shma bo'lmasa.} \\ 2, & \text{agar } a_j - \text{tugun sirtmoq bo'lib, } e_i - \text{yoyga qo'shma bo'lsa.} \end{cases} \quad (4)$$

foydalanib  $A_{ij}$  qo'shmalik matritsasi hosil qilinadi.

*Graf tugunlarining local darajalari.*  $G$  ni  $a_i$  ning local dajasi  $a_i$  ga qo'shma bo'lgan  $\{e_1 = (a_{i_1}, a_{j_1}), e_2 = (a_{i_2}, a_{j_2}), \dots, e_k = (a_{i_k}, a_{j_k})\}$  soni bilan, ya'ni

$$\rho(a_i) = \sum_{j=1}^k e_{ij} \quad (i = \overline{1, n}) \quad (5)$$

aniqlanadi.

*G ning radiusini aniqlash.*  $z$  tugun  $G$  ning fiksirlangan tuguni bo'lsin.  $x$  esa  $G$  ning ixtiyoriy tuguni bo'lsin.  $z$  tugundan barcha  $\{a_1, a_2, \dots, a_{n-1}\}$  largacha  $\{e_1 = (a_{i_1}, a_{j_1}), e_2 = (a_{i_2}, a_{j_2}), \dots, e_k = (a_{i_k}, a_{j_k})\}$  sonini  $d(z, a_i) = |z - a_i| \quad (i = \overline{1, n-1})$  hisoblaymiz. Hosil bo'lgan  $d(z, a_1), d(z, a_2), \dots, d(z, a_{n-1})$  lardan eng kattasini olamiz. Qandaydir  $z_0$  tugun uchun bu eng katta masofa boshqa  $\{a_1, a_2, \dots, a_{n-1}\}$  larga nisbatan eng kichik bo'lsa, u holda  $z_0$  tugun  $G$  ning markazi bo'ladi va  $z_0$  uchun aniqlangan eng kichik qiymat  $G$  ning radiusi bo'ladi. Umumiy holda  $G$  ning radiusi

$$R(z) = \min_{z, x \in G} d(z, x) \quad (6)$$

aniqlanadi.

*G ning diametrini aniqlash.*  $G$  ning ixtiyoriy  $a_i$  dan barcha  $a_j \quad (j = \overline{1, n})$  largacha  $d(a_i, a_j) = |a_i - a_j| \quad (j = \overline{1, n})$  masofalar hisoblanadi. Ushbu masofalardan eng kattasi  $\lambda_{ij} = \max_j d(a_i, a_j) \quad (j = \overline{1, n})$  aniqlanadi. Aniqlangan  $\lambda_{ij}$  lardan eng kattasi topiladi  $d_i = \max_i \lambda_{ij} \quad (i = \overline{1, n})$  va u  $G$  ning diametri hisoblanadi.

Umumiy holda  $G$  ning diametri deb, eng katta uzunlikka (yoylar soniga) ega bo'lgan masofaga aytiladi.

$$d(G) = \max_{a, b \in G} d(a, b) \quad (7)$$


$G$  da eng qisqa marshrutni aniqlash.  $G$  ning ixtiyoriy  $a_i$  va  $a_j (i \neq j)$  lari orasidagi eng qisqa marshrut

$$l(a_i, a_j) = \min_{a_i, a_j \in G} l(a_i, a_j) \quad (i = \overline{1, n}; j = \overline{1, n};) \quad (8)$$

aniqlanadi, bu yerda  $l(a_i, a_j)$ ,  $a_i$  va  $a_j$  zanjirning uzunligi va minimum barcha  $[a_i, a_j]$  zanjirlar bo'yicha olinadi.

$G$  da tugunlar local darajalari asosida Eyer grafni aniqlash.  $G$  da Eyer sikli mavjud bo'lishi va  $G$  ning Eyer grafi bo'lishi uchun ushbu  $G$  ning barcha  $\{a_1, a_2, \dots, a_n\}$  larining local darajalari juft son bo'lishi kerak.

1-rasmdagi interfeys oynada  $(0,1)(1,2)(1,4)(2,3)(0,3)(2,4)(3,4)(3,5)(3,6)(3,7)(2,6)(2,7)(3,3)(4,6)(5,6)$  juftliklar kiritiladi va tugmachalarni ketma-ket faollashtirish natijasida (1)-(8) formulalar asosida dasturda hisoblashlar amalga oshiriladi (1 – rasm).



1 – rasm.  $G$  larni qurish, tasvirlash va parametrlarini aniqlash dasturida hisoblashlarning amalga oshiruvu.

Dasturiy ta'minotdan oquv jarayonida, biror predmet sohada berilgan ob'yektlar va ular orasidagi munosabatlar asosida  $G$  larni hosil qilish,  $G$  larning ba'zi parametrlari va xususiyatlarini aniqlash, jumladan, transport masalasida optimal yo'lni topishda, neft va gaz sanoatida neft va gazni optimal taqsimlashda, iqtisodiy va sotsial masalalarda keng ko'lamda foydalanish mumkin.

#### Foydalanilgan adabiyotlar


- 1.О.Оре. Графы и их применение. Мир. М. 1965. 168 с. Электрон вариант.
- 2.Тураев Х.Т., Азизов И. А., Отакулов С. «Комбинаторика ва графлар назарияси». «Зиёкор» нашриёти, Тошкент 2009, 263 бет.
- 3.Х.Т.Тураев. Дискрет математика. 1, 2- томлар. Ўқув қўлланма. Т-2001. 456 б.




## IMLOVIY XATOLARNI TEKSHIRISH UCHUN TRENAJYOR, DIKTANT.UZ DASTURINING TAVSIFI

*Djumayev S. N., Shodmonon D. A., Fayzimuratov N. B.  
(Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU SF)*

Bu dastur Windows operatsion uchun AutoPlay MediaStudio muhitida yaratilgan bo‘lib, uning vazifasi maktab, litsey, kollej o‘quvchilari uchun ona tili va adabiyot darslarida imloviy xatolarni tekshirish hamda tuzatishda foydalanishga va mustaqil ta’limda o‘rganishga mo‘ljallangan[2]. Dasturni ishga tushirish uchun Diktant nomli papkadan quyidagi faylni ishga tushirish zarur bo‘ladi:



Fayl ishga tushirilgandan so‘ng dasturning bosh oynasi 1-rasmdagi kabi ishga tushadi.




*1-rasm. Diktant.uz dasturining interfeysi.*

Bu oynadan kerakli bandlarni to‘ldirib bo‘lganimizdan so‘ng, oynaning yuqori qismidagi “Diktant” tugmasini tanlash orqali keying diktant mashqlari oynasiga o‘tamiz(2-rasm).

Dastur oynasi 4 ta bo‘limdan iborat bo‘lib, ular quyidagilardir:


- 1 – Diktant yozish uchun tanlangan hikoya;
- 2 – Hikoyaning muallifi va manbasi;
- 3 – O‘quvchi topishi uchun tushirib qoldirilgan harf yoki belgi o‘rni;
- 4 – Tushirib qoldirilgan harf yoki belgi uchun mos variantlar.



2-rasm. Dasturning mashqlar oynasi.

Bu dasturning mazmuni shundan iboratki o'quvchi dastur oynasidagi hikoyada tushirib qoldirilgan harf yoki belgilarni o'rniga oynaning pastki qismida keltirilgan variantlardan birini tanlab qo'yadi. Yuqoridagi misolimizda hikoyada 13 ta belgi tushirib qoldirilgan shu belgilarni qo'yib chiqish zarur bo'ladi. Keltirilgan misollar aniq muallifili manbalar asosida keltirilgani uchun o'quvchida dasturning to'g'ri ishlashiga shubha qoldirmaydi.

Berilgan matndagi tushirib qoldirilgan barcha belgilarni qo'yib chiqqanimizdan so'ng, 3-rasmdagi oynanaing yuqori o'ng tomonida **Tekshirish.** tugmasi paydo bo'ladi.



3-rasm. Dasturning mashqlar oynasi

Tugmani bosganimizda esa 4-rasmdagi natijani ko'ramiz.



4-rasm. Dasturning natija oynasi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'tkir Hoshimov. "Daftar hoshiyasidagi bitiklar". Sarq. Toshkent. 2015 yil.
2. <http://www.findsoft.ru/AutoPlay> Media Studio 7.0 – быстрое создание мультимедиа-приложений.

## OMMAVIY XIZMAT KO'RSATISH TIZIMINI MATEMATIK MODELLARI VA DASTURIY TA'MINOTI

*B.M. Tursunqulov, D.Sh. Fozilov (Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU SF)*

Ommaviy xizmat ko'rsatish sistemalari deb ataladigan sistemalarning ishi bilan bog'liq a'lohida ehtimoliy masalalarni yechish zaruriyati paydo bo'ldi. Bunday sistemalarga misol qilib quyidagilarni olish mumkin: telefon stansiyalari, ta'mirlash ustaxonalari, bilet kassalari, sartaroshxonalar, ma'lumot byurolari va shunga o'xshashlar. Har bir sistema biror sonidagi xizmat qiluvchi birliklardan iborat bo'ladi. Biz ularni xizmat qiluvchi «kanallar» deb ataymiz. Kanallar sifatida a'loqa liniyalari, u yoki bu operatsiyalarni bajaruvchi kishilarni, har xil asboblarni va shunga o'xshashlarni olish mumkin. Ommaviy xizmat qilish sistemalari bir kanalli va ko'p kanalli bo'lishi mumkin. Biz ushbu ishda bir kanalli ommaviy xizmat qilish sistemalari bilan shug'ullandik.

*Ommaviy xizmat ko'rsatish tizimining matematik modellari.* Bir kanalli rad javobli ommaviy xizmat ko'rsatish tizimi. Bizga talab oqimi va intensivlik berilgan bo'lsa, quyidagi amallarni hisoblaymi:

1. Yuklash intensivligi:  $\rho = \frac{\lambda}{\mu}$  ; 2. Xizmat qilish vaqti:  $t = \frac{1}{\mu}$

2. Kanalning bo'sh bo'lish ehtimolligi:  $\rho_0 = \frac{\mu}{\mu + \lambda}$

3. Kanalning rad qilish ehtimolligi:  $\rho_r = 1 - \rho_o$
4. Absolyut bo`sh bo`lish ehtimolligi:  $A = \rho_o \lambda$
5. Ommaviy xizmat ko`rsatish tizimining o`rtacha xizmat ko`rsatish vaqti:  $A = \rho_r t$
6. O`rtacha xizmat ko`rsatishlar soni:  $L = \rho_o Q$
7. Ommaviy xizmat ko`rsatish tizimining nominal quvvati:  $Q_n = \frac{1}{t}$
8. Ommaviy xizmat ko`rsatish tizimining haqiqiy quvvati:  $Q_h = \frac{A}{n}$

*Bir kanalli navbati chegaralangan ommaviy xizmat ko`rsatish tizimi*

Bizga navbat uzunligi  $m$ , talab oqimi va intensivlik berilgan bo`lsa, quyidagi amallarni hisoblaymiz:

1. Yuklash intensivligi:  $\rho = \frac{\lambda}{\mu}$
2. Xizmat qilish vaqti:  $t = \frac{1}{\mu}$
3. Oddiy kanalning bo`sh bo`lish ehtimolligi:  $\rho_0 = \frac{1 - \rho}{1 - \rho^{m+2}}$
4.  $i$ -talabning navbat ehtimolligi:  $\rho_i = \rho^k \rho_o$
5. Tizimning rad qilish ehtimolligi:  $\rho_t = \rho^{m+1} \rho_o$
6. Nisbiy qabul qilish qobiliyati:  $Q = 1 - \rho_q$
7. Absolyut qabul qilish qobiliyati:  $A = Q\lambda$
8. O`rtacha xizmat ko`rsatishlar soni:  $L_{oh} = \rho \frac{1 - \rho^m (m - m\rho + 1)}{(1 - \rho)^2}$
9. Navbat talablarni kutishning o`rtacha vaqti:  $T_{oh} = \frac{L_{oh}}{A}$
9. Navbatda oddiy talablarning koeffisienti:  $K = \frac{L_{oh}}{m}$
10. Talablarga o`rtacha xizmat soni:  $L_{ox} = \rho Q$
11. Tizimda o`rtacha talablar oqimi:  $L_{oxk} = L_{oh} + L_{ox}$
12. Talablarga o`rtacha xizmat ko`rsatish vaqti:  $T_{oxk} = \frac{L_{oxk}}{A}$

*Bir kanalli navbati chegaralanmagan ommaviy xizmat ko`rsatish tizimi*

Bizga navbatdagi talablar soni  $m$ , talab oqimi va intensivlik berilgan bo`lsa, quyidagi amallarni hisoblaymiz.

1. Yuklash intensivligi:  $\rho = \frac{\lambda}{\mu}$
2. Xizmat qilish vaqti:  $t = \frac{1}{\mu}$
3. Oddiy kanalning bo`sh bo`lish ehtimolligi:  $\rho_0 = 1 - \rho$
4.  $i$ -talabning navbat ehtimolligi:  $\rho_i = \rho^k \rho_o$
5. Tizimning rad qilish ehtimolligi:  $\rho_t = 0$
6. Absolyut qabul qilish qobiliyati:  $A = \lambda$

7. O`rtacha xizmat ko`rsatishlar soni:  $L_{oh} = \frac{\rho^2}{(1-\rho)}$

8. Navbat talablarni kutishning o`rtacha vaqti:  $T_{oh} = \frac{L_{oh}}{A}$


9. Talablarga o`rtacha xizmat soni:  $L_{ox} = \rho$

10. Tizimda o`rtacha talablar oqimi:  $L_{oxk} = L_{oh} + L_{ox}$

11. Talablarga o`rtacha xizmat ko`rsatish vaqti:  $T_{oxk} = \frac{L_{oxk}}{A}$

*Dasturdan foydalanuvchilar uchun ko`rsatmalar.* Ushbu paragrafda ommaviy xizmat ko`rsatish tizimlarini hisoblashni namoyish qilish uchun ishlab chiqilgan viziullashtirilgan dasturiy vositalardan foydalanuvchilarga ko`rsatmalar berib o`tamiz.

Dasturdan foydalanish uchun “darajali tenglamalar.exe” ishga tushiriladi. Bunda quyidagi dastur oynasi hosil bo`ladi:



2.1-rasm. Dastur oynasi.

Bir kanalli rad javobli ommaviy xizmat ko`rsatish tizimi

Dastur oynasidan *1kanalli rad javobli OXKT* bo`limi tanlaniladi.

Bu yerda ikkita qiymat talab oqimi va xizmat oqimi intensivlik paramertlari kiritiladi. Talab oqimi “Talab oqimi lambda” qiymatiga, xizmat oqimi intensivligi “Myu” qiymatiga qiymatlari kiritiladi. Hisoblash jarayonini amalga oshirish uchun “Hisoblash” tugmasi bosamiz. Natijalarni tozalash uchun “Tozalash” tugmasini bosamiz. Dasturdan chiqish uchun “Chiqish” tugmasini bosamiz.

Bir kanalli navbati chegaralangan ommaviy xizmat ko`rsatish tizimi

Buning uchun dastur oynasidan *1kanalli navbati chegaralangan OXKT* bo`limi tanlaniladi. Bu yerda uchta qiymat talab oqimi va xizmat oqimi intensivligi, navbat uzunligi paramertlari kiritiladi. Talab oqimi “Talab oqimi lambda” qiymatiga, xizmat oqimi intensivligi “Myu” qiymatiga, navbat uzunligi qiymat oynalariga qiymatlari kiritiladi. Hisoblash jarayonini amalga oshirish uchun “Hisoblash” tugmasi bosamiz. Natijalarni tozalash uchun “Tozalash” tugmasini bosamiz. Dasturdan chiqish uchun “Chiqish” tugmasini bosamiz.

*Bir kanalli navbati chegaralanmagan ommaviy xizmat ko`rsatish tizimi*

Buning uchun dastur oynasidan *1kanalli navbati chegaralanmagan OXKT* bo`limi tanlaniladi. Bu yerda 2ta qiymat talab oqimi va xizmat oqimi intensivligi paramertlari kiritiladi. Talab oqimi “Talab oqimi lambda” qiymatiga, xizmat oqimi intensivligi “Myu” qiymatiga, navbat uzunligi qiymat oynalariga qiymatlari

kiritiladi. Hisoblash jarayonini amalga oshirish uchun “Hisoblash” tugmasi bosamiz. Natijalarni tozalash uchun “Tozalash” tugmasini bosamiz. Dasturdan chiqish uchun “Chiqish” tugmasini bosamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Трей Неш. С# 2008 ускоренный курс для профессионалов: -Москва: Санкт-Петербург, Киев,2008г. -576с.
2. Гнеденко Б.В., Коваленко И.Н. Введение в теорию массового обслуживания. Изд-во “Наука”, Москва, 1987. С.12-14.

## **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАХЛИЛ МАСАЛАЛАРИНИ ЕЧИШ УЧУН ЭВРИСТИК АЛОРИТМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ДАСТУРЛАШ**


*Р.Т.Рахимов (катта ўқитувчиси,Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ СФ)*

Фараз қилайлик туристлик агентлигининг ҳар бир миқозининг коди, ёши, ойлик даромади ҳақидаги қуйидаги маълумотлар базаси берилган бўлсин. Агентликда икки хил реклама материаллари мавжуд: анча қиммат ва комфорт дам олиш ва анча арзон бўлган ёшлар дам олиш учун мўлжалланган реклама материаллари мавжуд. Уларга мос классларни аниқлаймиз: 1-класс ва 2- класс. Бу маълумотлар базаси 1-жадвалда келтирилган:

Туристлик агентлигининг миқозлари маълумотлар базаси 1-жадвал.

Миқоз коди	Ёши	Даромади	Класс
1	18	25	1
2	22	100	1
3	30	70	1
4	32	120	1
5	24	15	2
6	25	22	1
7	32	50	2
8	19	45	2
9	22	75	1
10	40	90	2

Масаланинг қўйилиши. Янги миқознинг қайси классга тегишлилигини ва унга қандай реклама турини жунатишни аниқлаш талаб қилинади. Кўринарли бўлиши учун МБ сини объектлар тўплами шаклида тасвирлаймиз, масалан, 1-класс(бу сариқ доирачалар) ва 2-класс(бу кулранг доирачалар(1-расм)).




1-расм. МБ си объектлари тўплами.


Масалани ечиш янги мижоз, масалан оқ доирачали объект қайси классга тегишлилигини аниқлашдан иборат бўлади.

Ushbu ma'lumot bilan biz muhim ma'lumot toplashni boshlaymiz. "London" va "capital" so'zlarini ko'rib biz gap London haqida ketayotganini taxmin qilishimiz mumkin.

*Lemmatizatsiya. 3-qadam.* Ingliz tilida va boshqa ko'plab tillarda so'zlar ko'plab shakllarda uchrashi mumkin. NLP da *lemmatizatsiya* - bu gapdagi har so'zning asl shaklini, *lemmasini* aniqlashga aytiladi.


Masalan, ushbu gap: *I had eaten two ice creams* lemmatizatsiya jarayonidan keyin quyidagicha holatga keladi: *I [have] [eat] two ice [cream]*.

Lemmatizatsiya jarayoni, odatda, so'zlarning oldindan yaratilgan lemma jadvallariga asoslangan holda amalga oshiriladi. Ba'zi noma'lum so'zlarning lemmasini aniqlash uchun ham ma'lum qoidalar ishlab chiqilgan. Demak, bizning gapimiz lemmatizatsiya jarayonidan keyin quyidagicha ko'rinishga keladi:



Bu holatda faqat bitta so'z o'zgarganini ko'rishimiz mumkin. *Bog'lanishlarni ajratish. 5-qadam*

Bunda asosiy maqsad, gapdagi har bir so'zga bitta ota so'zni belgilovchi daraxt yaratishdir. Daraxtning ildizi bo'lib, asosiy fe'l xizmat qiladi.



So'zlarni bu usulda daraxt holatiga keltirish juda murakkab jarayon bo'lib, uni yoritish uchun butun bir maqola kerak bo'ladi. Shuning uchun keyingi qadamga o'tamiz.

*Koreferensiya qarorlash (Coreference resolution). 6-qadam*

Bu nuqtaga kelib, biz gapimizni ancha ma'noli ko'rinishga keltirib oldik. Biz so'zlarning turkumlarini va ular bir biriga qanday bo'g'langanini bilamiz.

Bu qadamdagi asosiy vazifa bu matndagi olmoshlar (he, she, it, they..) qaysi otlarni anglatishini aniqlashga qaratilgan. Quyida bizning matnimiz bu jarayondan keyin qanday holatga kelishi ko'rsatilgan:

London is the capital and most populous city of England and the United Kingdom. Standing on the River Thames in the south east of the island of Great Britain, London has been a major settlement for two millennia. It was founded by the Romans, who named it Londinium.

Koreferensiya qarorlash va bog'lanishlar daraxti orqali endi biz bu matndan ko'plab ma'lumotlarni ajratib olishimiz mumkin bo'ladi.

Ko'rib turganimizdek, Tabiiy til jarayonini samarali qo'llash orqali biz matnli ma'lumotlar ichidan o'zimizga kerakli eng muhim qismlarini ajratib olish imkoniga ega bo'lamiz. Albatta, maqolada bu jarayon ingliz tilida qanday ishlashi ko'rsatilgan bo'lsa ham bu jarayonlarni o'zbek tiliga moslashtirgan holda biz kelajakda katta hajmdagi matnli ma'lumotlardan kerakli qismlarini topishni tezlashtirish imkoniga ega bo'lishimiz mumkin.

*5-ШЎБА*

**АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
МУАММОЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**




## АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ МОНИТОРИНГИ ТИЗИМИНИНГ ХУСУСИЙ КОНЦЕПТУАЛ МОДЕЛИ

*С.К. Ганиев (профессор, ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*

*Н.Б. Насруллаев (катта ўқитувчи, ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*

Концептуал модел – кўрилатган предмет соҳаси ёки муайян объект маъновий структурасини белгиловчи тушунчалар ва улар орасидаги боғланишлар тўплами орқали аниқланувчи модел. Концептуал модел ахборот-коммуникация технологияларининг бир қатор йўналишларида қўлланилиб келмоқда, жумладан, ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимларида ахборотни ҳимоялаш воситаларининг ишлаш ҳолатини аниқлаш ва уларга баҳо беришда муҳим ўрин эгаллайди.

Ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг хусусий концептуал модели йиғиш, таҳлиллаш ва қарор қабул қилиш модулларини ўз ичига олади (1-расм).



Расм.1. Ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг хусусий концептуал модели.

**Йиғиш модули.** Йиғиш учун турли хилдаги агентлардан фойдаланилади. Агентлар мустақил ёки марказдан бошқарилиб тармоқ хусусидаги ахборотни тўплайди. Агентларнинг сони ва тури кузатиловчи тармоқнинг профилига ва кўламига нисбатан белгиланади. Агентларни 2 та синфга ажратиш мумкин: аппарат агентлар ва дастурий агентлар. Йиғиш модули дастлабки ишлаш, сақлаш ва визуаллаштириш жараёнларини ўз ичига олади.

**Дастлабки ишлаш.** Маълумотлар турли агентлардан ҳосил қилинганлиги ва турли шаклда бўлганлиги сабабли, дастлаб улар агрегатлаш жараёнидан

Ўтказилади ва маълумотлар ягона форматга келтирилади. Ушбу жараён бирлаштириш (consolidation) деб аталади.

Сақлаш. Олинган маълумотлар маълум вақт мобайнида сақланади. Шубҳасиз, тармоқ тузилмалари, хизматлар ва фойдаланувчилар томонидан яратилган маълумотлар ҳажми, вақт ўтиши билан, ошади. Жорий сиёсатга мос маълумотлар доимий равишда сақланиши лозим.

Визуаллаштириш. Ушбу жараён тармоқ трафиги ва операторлар учун дастлабки кузатув воситаси сифатида рақамли маълумотларни тушунишга ёрдам беради.

Таҳлиллаш модули. Тармоқ трафигини бошқаришда идентификация ва таснифлаш асосий жараёнлардан ҳисобланади. Улар оқимларни муҳимлиги бўйича йўналтириш, узатишларни шакллантириш ва ташхис мониторингини ўз ичига олади.

Интернет трафигининг таҳлили аксарият ҳолларда ҳисоблаш қуввати юқори бўлган серверларда амалга оширилади. Кенг кўламли статистик маълумотларни кузатиш жараёнида Тера ва Пета байт маълумотлар шаклланиши ҳисобга олинса, бу жараённи битта серверда бажариш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳозирда ушбу муаммони ҳал этишда булутли ҳисоблаш технологиялари ва кластерли файл тизимларидан фойдаланилмоқда.

Қарор қабул қилиш модули. Аксарият ҳолларда ахборот хавфсизлиги ҳодисаларини ишлаш бўйича қабул қилинган қарорлар тажрибага ва аввалги қарорларга асосланади. Буни инобатга олган ҳолда, таклиф қилинаётган моделда, ушбу жараённи бошқариш учун прецедентлар назариясидан фойдаланади.

Прецедентлар назариясининг моҳияти қуйидагича. Аслида, прецедент “муаммо, ечим усули” жуфтлиги ҳисобланади. Вақт ўтиши билан юзага келган вазиятлар ва уларнинг ечимлари махсус маълумотлар базаси-прецедентлар базасида сақланади. Янги ҳодиса юзага келганда, шунга ўхшаш ҳодиса маълумотлар базасидан қидириб топилади ҳамда уни ҳал этиш усуллари қайта кўриб чиқилган ҳолатга мослаштирилади. Ушбу назария рискни баҳолашда, хужумларни аниқлашда, тармоқда ахборот хавфсизлиги ҳолатини таҳлиллашда қўлланилади.

Қарор қабул қилувчи ёки гуруҳ прецедентлар базасидан мос прецедент топилмаса, экспертлар томонидан, олдиндан аниқланган қарорлар асосида қарор қабул қилинади. Янги ҳодисалар ва уларнинг ечимлари аниқланганидан сўнг, улар якуний қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга тегишли шахсларга узатилади.

Таклиф этилаётган ахборот хавфсизлиги мониторинги тизимининг хусусий концептуал модели ҳимояланаётган тизим ва ахборотни ҳимоялаш воситаларидаги аномал ҳодисаларни аниқлашга ва бу ҳодисалар хусусида ахборот хавфсизлиги маъмурига, ўз вақтида зарур қарорларни қабул қилиш учун, керакли маълумотларни етказишга имкон беради.

## БУЛУТЛИ ҲИСОБЛАШ ТИЗИМЛАРИДА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ХИЗМАТИ

*С.К. Ганиев (профессор, ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*  
*О.Ё. Зокиров (доктарант, ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*

Булутли ҳисоблаш тизимларида хизмат кўрсатишнинг учта асосий модели мавжуд: инфраструктура хизмати (IAAS), платформа хизмати (PAAS), дастурий таъминот хизмати (SAAS) ёки бошқа хизмат турлари ҳам бўлиши мумкин.

Мақолада булутли ҳисоблаш тизимларида идентификация хизматини тақдим этувчи IDaaS (Identity as a Service) хизмати ҳамда ушбу хизмат инфраструктурасини мададловчи стандартлар тавсифи келтирилган.

IDaaS хизмати таркибида қуйидагилар бўлиши мумкин:

- аутентификация хизматлари (шахсни текшириш);
- маълумотнома хизматлари;
- федератив идентитлик;
- идентификацияни бошқариш;
- шахсни ва профилни бошқариш;
- сиёсатлар, роллар ва қўллаш ҳуқуқлари;
- ташқи сиёсатни маъмурлаш;
- ҳисобга олиш;
- риск ва ходисаларнинг мониторинги, жумладан аудит;
- ягона кириш йўли хизматлари(бошдан оёқ аутентификация) .

Ушбу атрибутларнинг тармоқ бўйича алоҳида ёки биргаликда ишлатилиши кўпгина ҳолларда ҳимояланиши лозим.

IDaaS дастурий таъминоти билан ишлашда унинг иловаларини қуйидагиларга асосан баҳолаш мумкин:

Фойдаланувчи рухсатини назоратлайди: фойдаланувчилар ўзларининг шахсини назоратлайди ва ахборотидан фойдаланишга рухсат бериши лозим; Асосланган фойдаланиш: ахборотдан фойдаланиш фақат рақамли гувоҳномадаги ишлатишга рухсати ва ахборот эгаси билан ишончли муносабати бўлган томонга тақдим этилади.

Йўналтирилган таъсир: идентификация тизими оммавий объектни, уни аниқлаш мумкин бўлишлиги учун, икки томонлама, хусусий шахсларни, хусусий идентификаторни ҳимоялаб, бир томонлама идентификацияни мададлаши лозим. Функционал қўшилувчанлик: булутли ҳисоблашларнинг идентификация тизими бошқа таъминловчиларнинг идентификация хизматлари билан ўзаро таъсирда бўлиши лозим.

Инсонни бир маъноли идентификацияси: IDaaS иловаси инсонга тизим билан мулоқотда бўлишга имкон берувчи ва ушбу фойдаланувчини идентификация хужумидан ҳимояловчи бир маъноли механизмни тақдим этиши лозим.

Булутли ҳисоблашлар учун IDaaS иловаларнинг қўшилувчанлигини таъминлашда ривожланувчи соҳавий стандартлар наборига таяниш лозим.

Хизматнинг мувофиқлиги: IDaaS хизмати ишлатишда қулай, барча ишлатилувчи соҳаларда мувофиқлаштирилган ва турли технологиялардан фойдаланиб турли контекстларда ишлаш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Расмда булутли ҳисоблашлар учун IDaaS инфраструктурасини мададловчи очик стандартлар келтирилган.



Расм 2. Булутли ҳисоблашлар учун IDaaS инфраструктурасини мададловчи очик стандартлар

Қуйида ушбу хизматлардан энг муҳимларининг тавсифи келтирилган Фойдаланувчиларга мўлжалланган аутентификация (одатда ахборот карточкалари сифатида): OpenID ва CardSpace спецификациялари маълумотлар объектининг ушбу хилини мададлайди;

XACML (eXtensible Access Control Markup Language) сиёсати тили. Ушбу авторизация сиёсати тили умумфойдаланувчи ҳисобланади ва идентификаторларнинг тақсимланган тизими сиёсатнинг хусусий ифодасини ёзишга ва қўллашга имкон беради. XACML SAML билан бирга ишлаши мумкин, яъни SAML (security assertion markup language) идентификатор авторизациялашга сўров берганида XACML идентификатор сўровини ўзининг сиёсатига мослигини текширади ва сўровга рухсат беради ёки рад этади. SPML (Service Provisioning Markup Language) ни тақдим этиш тили: Ушбу тил XMLнинг сўров/жавоб тили бўлиб, хизматларни тақдим этишда сўровларни интеграциялаш ва ўзаро таъсири учун ишлатилади.

XDAS (Distributed Audit Service) аудит тизими. Тақсимланган аудит хизмати тизимга мурожаат этувчи фойдаланувчилар учун ҳисоботни ва тизимдан авторизацияланмаган фойдаланувчиларнинг фойдаланишга уринишлари ёки фойдаланувчиларнинг авторизацияланмаган усул орқали тизимдан фойдаланганликлари натижасида хавфсизлик сиёсатининг бузилганлиги аниқлашга имкон беради.

Булутли ҳисоблашлар учун IDaaS инфраструктурасини мададловчи очик стандартлар хавфсизлик сиёсатининг бузилганлиги аниқлашга, сўровларни интеграциялашга идентификаторларнинг тақсимланган тизими сиёсатнинг хусусий ифодасини ёзишга ва қўллашга имкон беради.

## ТАРМОҚЛАРАРО ЭКРАННИНГ ПАКЕТЛАРНИ ФИЛЬТРЛАШ ҚОИДАЛАРИ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТАРТИБИ

*М.М. Каримов (ДТМ, т.ф.д., профессор)*

*Б.К. Юсупов (махсус факультет, ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)*

Автоматлаштирилган тизимларда тармоқ технологиялари асосида ишловчи иловалардан кенг фойдаланиш, технологияларининг ривожланиши тармоқ ресурслари ҳимоясига ва хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ аввал маълум бўлмаган янги кўринишдаги хавфсизлик муаммоларни кўндаланг кўймоқда. Ушбу муаммолар сабаб замонавий компьютер тизимлари ва тармоқларида ҳимоянинг бирламчи ташкил этувчиси сифатида аппарат-дастурий ечимга ега бўлган тармоқлараро экран технологиясидан кенг фойдаланилмоқда.

Шу сабабли тармоқлараро экран асосида тармоқ трафигини филтрлаш жараёнида фойдаланиладиган махсус филтрлаш қоидалари гуруҳини созлашни ва қўллашни тўғри ташкил этиш, тармоқ трафиги билан боғлиқ хавфсизлик муаммоларини бартараф этишда энг ишончли ечимларидан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Тармоқ трафигини филтрлаш, тармоқдаги турли сатҳларида амалга оширилиши мумкин. Ҳар бир сатҳга маълум бир филтрлаш қоидалари гуруҳи мос келади. Ҳар бир гуруҳнинг филтрлаш қоидалари жорий сатҳ боғланишига мос протокол пакетларининг сарлавҳа параметрлари берилади. Шундай қилиб, тармоқлараро экранда пакетлар сарлавҳасининг таркибий қисми бўлган маълумотлар асосида пакетли филтрлаш амалга оштрилади.

- Тармоқлараро экранда қуйидаги қоидалар гуруҳи мавжуд:
- MAC-қоида – Ethernet кадрлар сатҳидаги филтрлаш қоидалари;
- ARP-қоида – ARP ва RARP пакетларини филтрлаш қоидалари;
- IP-қоида – IPv4 протоколи пакетларини филтрлаш қоидалари. IP-қоидаларида TCP, UDP ва ICMP пакетларини қайта ишлаш учун қўшимча пакетлар мавжуд. Бу гуруҳга қисқа тармоқ ҳужумларини қайтариш, абонентларни блоклаш ва бошқалар учун ўзига хос вақтинчалик IP-қоидалар ҳам киради;

- IPX-қоида – IPX пакетларини филтрлаш қоидалари;
- AP-қоида – амалий сатҳ филтрлаш қоидалари.

Қоидаларни тузишда қоидани маълум вақт интервалига ва VLAN идентификаторига боғлашга имкон берувчи “VLAN-гуруҳлар” ва “Вақт интерваллари” махсус тузилмаларидан фойдаланилади.

Ҳар қандай филтрлаш қоидаси қуйидагича кўринишда бўлади:

IF (қоидалар параметри) – THEN (қоидалар ҳаракати), яъни пакетнинг етиб келган сарлавҳаси қоида параметрларига тўғри келса, пакетга қоидада кўрсатилган ҳаракат қўлланилиши лозим. Бунда пакет устида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилишига йўл қўйилади:

- “Ўтказиш” (асерт) – чиқувчи филтрлаш интерфейсига ёки

фильтрлашнинг кейинги сатҳига (MAC-қоидалар учун) пакетни узатади;

- “юбориш” (pass) – кейинги фильтрлаш сатҳларини айланиб ўтган ҳолда чиқувчи фильтрлаш интерфейсига пакетни узатади (тармоқлараро экран ичида);

- “ўчириш” (drop) – пакетни кейинги ўтишига тақиқ қўйиш.

Пакетли фильтрлаш режимида пакетларни қайта ишлаш 2 босқичда амалга оширилади:

- 1) MAC-қоидалар бўйича фильтрлаш;

- 2) Кейинги сатҳ қоидалари бўйича фильтрлаш (ARP, IP ва IPX-қоидалари).

Биринчи навбатда тармоқлараро экранни филтрловчи интерфейси томонидан қабул қилинган ҳар бир пакетни фильтрлаш MAC-қоидаларига мувофиқ Ethernet кадрлар сатҳида ишланади. Агар пакетга пакет ўчирилиши белгиланган қоида қўлланилса, унда пакет ҳеч қаерга узатилмасдан, уни қайта ишлаш тўхтатилади. Агар пакетга пакетни ўтказиш белгиланган қоидаси қўлланилса, унда бу пакет уни ўтказиш ёки ўчириш тўғрисидаги сўнги қарор қабул қилувчи фильтрлашнинг кейинги сатҳига берилади. Агар пакетга юбориш қоидаси қўлланилса, унда бу пакетни фильтрлаш процедураси тўхтатилади ва пакет чиқувчи интерфейсга берилади.

Фильтрлашнинг кейинги сатҳида пакетга жорий Ethernet-кадрда инкапсуляцияланувчи протокол тоифасига боғлиқ ҳолда ARP, IP ёки IPX-қоидаларнинг мос келувчи ҳолатларидан бири қўлланилади.

Хулоса қиладиган бўлсак тармоқлараро экранда тармоқ пакетларни фильтрлаш тартиби қоидалар параметри ва қоидалар ҳаракати яъни пакетнинг етиб келгандаги сарлавҳаси қоида параметрларига тўғри келса бу жараёнда пакет устида юқоридаги кўриб ўтилган қоидалар рўйхатидан бир ёки бир-нечта қоидалар қўлланилишини мумкинлигини кўрсатмоқда.

## **БИР МАРТАЛИ ПАРОЛЛАРГА АСОСЛАНГАН АУТЕНТИФИКАЦИЯДА МАВЖУД МУАММОЛАР**

*М.М. Каримов (ДТМ, т.ф.д., профессор),*

*Ж.Т. Арзиева (ассистент, Бердак номидаги КДУ)*

Барча аутентификация усуллари фойдаланувчини ҳақиқийлигини таъминлаш ва шахсини аниқлаш учун хизмат қилиб, бунда турли факторларга асосланилади. Масалан, бирор нимани билишга асосланган (масалан, парол) ёндашув фойдаланишда қулайлиги ва амалга оширишнинг осонлиги билан ажралиб турсада, мураккаб паролни инсон хотирасида сақлашнинг имконсизлиги натижасида жиддий хавфсизлик муаммолари келиб чиқади. Бирор бир нарасага эгалик қилишга асосланган ёндашув ҳам токенни доимо махфий сақлаш заруриятини талаб этади. Бундан ташқари, биометрик параметрларга асосланган усул ҳам турли қалбакилаштириш усуллари мавжудлиги сабабли тўлиқ ҳимояни таъминлай олмайди.

Мавжуд аутентификация усулларидаги камчиликларни бартараф этишда кўшимча аутентификация факторларидан фойдаланиш юқори самара беради. Мавжуд аутентификация усулларида кўшимча равишда бир мартали парол (One Time Password, OTP) лардан кенг фойдаланилади. OTPларда такрорланмаслик, олдиндан айтиб бера олмаслик кафолати мавжудлиги ва хавфсиз ҳолатла етказиб берилиши сабабли, аутентификациялашга қаратилган ҳужумларга қарши тура олади.

OTP генерациялаш алгоритмида тасодифийлик талаби мавжуд. Ҳозирда OTPларни генерациялашда *вақтни синхронизациялаш* ва *математик алгоритмларга* асосланади. Биринчи усулга асосан аниқ вақт меткасига эга соат мавжуд бўлган токендан фойдаланиш орқали тасодифий пароллар ҳосил қилинади. Математик алгоритмларга асосланган усулда дастлабки киритилган қийматга кўра кейинги қиймат ҳосил қилинади. Ҳосил бўлган OTPлар фойдаланувчига *матн кўринишида, мобил қурилмалари орқали, мос токенлар асосида, вебга асосланган усуллар* ва *оддий қозоғга ёзиш орқали* етказилиши мумкин.

Ҳозирда OTP дан қуйидаги мақсадларда фойдаланилмоқда:

1. *Хавфсиз тўлов ва транзакцияларни тасдиқлашда.* OTP тизимларидан хавфсиз тўловларни ва транзакцияларни амалга оширишда фойдаланиш реал вақтда уланиш ва бўлиши мумкин бўлган моддий зарарни олдини олишга имкон беради.

2. *Бир akkaунтга кўплаб қурилмалар орқали хавфсиз уланишда.* Ҳозирда мавжуд бўлган қатор ижтимоий тармоқлар ёки мессенжерлардан (масалан, Telegram) бир қанча муҳитлар ва қурилмаларда фойдаланиш имкони мавжуд бўлиб, бир akkaунтни кўплаб қурилмалар ёки муҳитлардан фойдаланиш учун OTPларга асосланган аутентификациядан ўтиш талаб этилади.

3. *САРТСНАга ўхшаши спам ва ботларни блокашда.* САРТСНА “савол-жавоб” туридаги фойдаланувчини инсон ёки машина эканлигини аниқлаш тести бўлиб, OTPлардан ҳам ушбу мақсадда фойдаланиш мумкин.

4. *Инсон соғлигига тегишли бўлган ахборот ёки ҳуқуқий ҳужжатларни онлайн ҳолатда хавфсиз фойдаланиш.* OTP махфий ва шахсий маълумотларни ҳимоялашнинг асосий усулларида бири саналади. У ҳужжатларни қонуний ўқиши мумкин бўлган фойдаланувчиларга кафолатли етказишга ва уларни хавфсиз бошқаришга хизмат қилади.

5. *Akkaунтда фойдаланилган паролни янгилашда.* Агар фойдаланувчи бирор илова ёки веб саҳифаларга ноъмалум ёки алтернатив қурилмалар орқали кирганда ва паролни янгилашни талаб этганда SMS орқали юборилган OTP орқали амаллар бажарилишини тўғрилиги кафолатланади.

Аутентификация усулларида одатда дастурий ёки аппарат кўринишидаги воситалардан фойдаланилади. Аппарат кўринишидаги воситаларга асосланган аутентификация усули дастурий воситага қараганда юқори хавфсизлик даражасига эга. Бироқ ушбу усуллар ҳам хавфсизликдан тўлиқ холи эмас. Қуйидаги келтирилган жадвалда мавжуд қурилмага асосланган аутентификациялаш усулларидаги заифликларга қарши ҳолати

келтирилган. Бунда + ва – белгилари мос ҳолда заифликка қарши тура олиш ва тура олмасликни аниқлатса, +- ва -+ белгилари қарши тура олиш ва олмасликни вазиятга боғлиқлигини аниқлатади. N/A эса заифлик мазкур усул учун мос эмаслигини аниқлатади.

#### Аутентификация усулларида мавжуд заифликлар

Аутентификация усуллари / заифликлар	Паролга асосланган	Курилмага хавсиз сақлашга асосланган	Курилмага асосланган ОТР	Курилмага асосланган смарт карта	Бармоқ изи
Тинглаш	+	+	+	+	+
Олдиндан фараз қилиш	-+	+	+-	+-	+
Ўртага турган одам	-	-	-+	+	-
Фишинг	-	-	-+	+	+
Социал инжинерия	-	+	-+	+	+
Зарарли дастурлар	-	-	+	+	-+
Физик бошқариш	+	+	+	+	+
Курилмани ўғирлаш	N/A	+-	+-	+-	+


Жадвалда келтирилган таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, ОТРга асосланган аутентификация усулларини ишлаб чиқишда уларни тасодифийлик даражасини, ўғирлашга қарши тура олишини ва ўртага турган одам ҳужумига қарши тура олишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

### БИОМЕТРИК АУТЕНТИФИКАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ БОСҚИЧЛАРИДАГИ ХУЖУМЛАР

*Исломов Ш.З. (докторант, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Аутентификация тизимларида биометрик параметрларни қўллаш асосида бирор нарсани билиш ва бирор нарсага эгалик қилиш усулларида мавжуд камчиликларнинг олди олинади. Аммо, биометрик аутентификация тизимларига қаратилган ҳужумлар ва таҳдидлар мавжудки, аутентификация жараёни самарадорлигига етарли даражада таъсир этади. Мақолада биометрик хусусият сканер томонидан ўқиб олинанидан базада мавжуд хусусиятлар билан таққослашгача бўлган ораликдаги ҳужумлар кўриб чиқилган. 1-расмда биометрик тизимларнинг кўрсатилган 8 та нуқтасида ҳужум амалга оширилиши мумкин. Улар тўғридан-тўғри ва билвосита ҳужум турларига бўлинади.





1-расм. Биометрик тизимдаги хужум нуқталари

1. *Тўғридан-тўғри хужумлар.* Ушбу хужумлар биометрик тизимда қўлланиладиган алгоритм, усул ва хусусият формати ҳақидаги аниқ билимларга асосланмайди. У фақатгина 1-тур, сенсорга қаратилган хужумларни ўз ичига олиши мумкин.

1-тур хужум. Биометрик хусусиятни ўқиб олувчи сканерга юз ёки бармоқнинг нусхасини тақдим этиш орқали ушбу хужум амалга оширилади. Биометрик параметрнинг нусхаси унинг факторидан келиб чиқиб ҳар хил форматда бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатда юз бўйича таниб олиш тизимини оладиган бўлсак, бузғунчи мавжуд фойдаланувчининг расм, видео, 3D нусха ёки резина маскасидан фойдаланиши мумкин. Ҳозирги кунда Lenovo, Toshiba ёки Asus компьютерларида ўрнатилган юзларни таниб олиш биометрик тизимни қалбакилаштириш хужуми билан осон бузиш мумкин. Чунки кўпчилик юзларни таниб олиш тизимларида қўлланиладиган камераларда қалбаки ва ҳақиқий юзни фарқлаш имконияти мавжуд эмас.

2. *Билвосита хужумлар.* Тўғридан-тўғри хужумлардан фарқли равишда таниб олиш тизимининг ички функциялари, алгоритмлари ва структуралари ҳақидаги билимларни талаб этади. У 2, 3, 4, 5, 6, 7 ва 8-тур хужумларни ўз ичига олади.

2-тур хужум. Биометрик намуна сканер томонидан ўқиб олингандан сўнг, хусусиятларни ажратиш босқичига коммуникация канали орқали ўтказилади. Хусусиятларни ажратиш босқичи ва сканер ўртасида канал мавжуд бўлиб, у орқали биометрик хусусиятни ўғирлаш учун ушлаб қолиниши мумкин. Олдин сақланган биометрик хусусиятлар сенсорни алдаш учун хусусиятларни ажратиш босқичига қайта юкланади. Бу қайта юклаш хужуми деб номланади.

3-тур хужум. Ушбу хужум “Хусусиятларни ажратиш қисмидаги хужум” деб номланади. Хусусиятларни ажратиш қисмида хужумчи томонидан танланган ва сенсор томонидан олинган ҳақиқий намунадан ҳосил килинган хусусият қийматлари биргаликда олинади.

4-тур хужум. 2-тур хужумга ўхшаш, аммо, хусусиятларни ажратиш ва таққослаш қисмлари ўртасидаги коммуникация каналидан ҳақиқий фойдаланувчининг хусусиятларини ушлаб қолиш ва ўғирлашга қаратилган. Ушбу қийматлар кейинчалик таққослаш босқичида фойдаланилиши мумкин.

Улар “Хусусиятларни ажратиш ва таққослаш қисмлари ўртасида хужум” деб номланади.

*5-тур хужум.* Кирувчи хусусиятларнинг қийматларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, аутентификациянинг таққослаш қисмини катта эҳтимоллик билан алдашни амалга оширади. Шунинг учун ҳам, ушбу хужумлар “Таққослаш босқичидаги хужум” деб номланади.

*6-тур хужум.* Хужумчи томонидан биометрик намуналар жойлашган базага янги намуна киритилса, мавжуд намуналар ўзгартирилса ва мавжуд намуналар ўчирилса ушбу тур хужумлар юзага келади. Ушбу хужум турини амалга ошириш мураккаб жараён ҳисобланади, чунки, малумотлар базаси хавфсизлик воситалари ёрдамида ҳимояланади. Ушбу босқичда самарали хужумни амалга ошириш учун тизимнинг ички функцияларини яхши ўзлаштириш лозим.

*7-тур хужум.* Биометрик намуналар таққослаш учун базадан коммуникация тармоғи орқали узатилса, ушбу хужумлар содир этилиши мумкин. Ушбу ҳолатда, хужумчи биометрик намунага ўзгартириш киритади. Мазкур хужум “Таққослаш ва маълумотлар базаси ўртасидаги коммуникация тармоғидаги хужум” деб номланади.

*8-тур хужум.* Хужумчида одиндан таққослаш натижаси маълум ва натижани ўзи учун ижобий қийматга таққослаш қисми ва қурилма иловаси ўртасидаги коммуникация каналида ўзгартиради. Яъни, ушбу хужум ҳақиқий натижани қалбакилаштиради.

Ушбу 8 та тур хужумларни кўриб чиқиш натижасида, биометрик аутентификация тизимининг қайси нуқтасида ҳимояни кучайтириш ва ушбу нуқтада мос ҳимоя усулини қўллаш кераклигини башорат қилиш мумкин.

## **КОМПЬЮТЕР ЖИНОЯТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ОГОҲЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ**

*С.Ю. Юсупов (т.ф.н., доцент., Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

*О.П. Шукуров (магистр, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Компьютер технологиясининг тезкор суратлар билан ривожланиши компьютер жиноятчилигининг ортиши ва энг муҳими, унинг сифат ўзгариши билан мос келади. Жиноятлар махсус дастурий таъминот, аппарат ва тармоқ технологияларидан фойдаланган ҳолда ўта мураккаб усуллар асосида амалга оширилади. Компьютер жиноятларини содир этиш усуллари юқори технологияли бўлиб, ноанъанавий техник ечимлар, шунингдек, тубдан янги ёки ўзгартирилган дастурлар ёрдамида амалга оширилади. Жиноятчилар компьютер ускуна ва дастурларидан мақсадли фойдаланадилар ва ўзгартирадилар, бунинг натижасида сиртдан олиб бориладиган компьютер жиноятлари махфийлик даражаси янада ортади.

Жиноятчилик нуқтаи назаридан ҳисобланган компьютер жиноятларини содир этиш масаласи тажрибада жуда кам ўрганилган. Замонавий криминалистика компьютер жиноятларининг сабаблари, жиноятчилар

томонидан қўлланиладиган технологияларни таҳлил қилиш, аппарат ва дастурий таъминотларни тайёрланиши, ҳодисаларни яшириш воситаларни ўрганишни талаб қилади. Бу саволлар компьютер жиноятларини криминалистик-характерга эга эканлигидан далолат беради ва жиноят ишларининг ушбу тоифасида далил бўлиб хизмат қилади. Рақамли муҳитда одатда жиноятлар доимо компьютер технологиялари ёрдамида амалга оширилади. Ушбу воситалар қўлланилиши бўйича турли вариантдаги компьютерлар тўплами (ноутбуклар, планшетлар, смартфонлар), компьютер технологиялари (симсиз Wi-Fi, Bluetooth, 3G, WiMAX), шунингдек, очиқ, тақиқланган ёки қўлланилиши чекланган турли мақсадларга мўлжалланган компьютер дастурларини (бепул фойдаланиладиган дастурлар, масалан, Opera, Mozilla Firefox, зарарли дастурлар, масалан SpyEye, Zeus, Carberp) ўз ичига олади. Ҳозирги кунда компьютер жиноятларини содир этишда асосий воситаларни аппарат воситалари эмас, балки дастурий воситалар эгалламоқда.

Замонавий амалиёт шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда компьютер жиноятчилари одатдаги телекоммуникация тармоқлари орқали масофадан туриб махсус дастурий таъминот ўрнатилган компьютер техникасидан фойдаланмоқда. Ушбу асосий ҳолат, компьютер жиноятларини тергов қилиш ва олдини олиш учун жуда муҳим тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Шундай қилиб, жиноятни амалга оширишнинг тўғридан - тўғри (тармоқдан ташқари) усуллари, масалан, аппарат-кейлоглар ёки маълумотларни яширинча олиш учун скиммерлар, фақат маълум бир компьютер қурилмаси учун амал қилади. Жиноятчилар, жиноят содир этилганда, уларни ҳаракатларини идентификация қилаётган анъанавий (далилий) излар тўғридан-тўғри сақланиб қолаётганини яхши биладилар. Бироқ ахборот тармоқларидан масофадан туриб зарарли дастурлардан фойдаланиш жиноятни кўплаб компьютерларга қарши бир вақтнинг ўзида амалга оширилишини таъминлайди. Шу мақсадда бундай имкониятга эга бўлган жиноятчиларни ҳужум қилиш объекти жойлашган нуқталарига кириши шарт эмас, шунинг учун уларнинг электрон рақамли излари шахсийлаштирилмайди. Компьютерларда дастурларнинг бевосита таъсири натижасида электрон-рақамли излар доимо шакллантирилади ва ўзгартирилади. Бу изларнинг ўзига хослиги, уларнинг геометрик шаклига, ранги, ҳидига ва криминология билан анъанавий равишда ҳисобга олинган бошқа хусусиятларга эга эмаслиги билан боғлиқ. Бугунги кунда компьютер жиноятларини содир этиш учун қимматбаҳо компьютер техникалари талаб қилинмайди, шунингдек, деярли ҳар бир киши интернетда жиноят содир этиш учун зарур бўлган ҳаракатлар алгоритмини ўзида мужассам этган зарарли дастурларни топиши ҳамда ушбу дастурларни қўллаш бўйича визуал манбалар, инструкциялардан фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолатлар эса компьютер информацион муҳитида содир этиладиган жиноятлар сонининг кўпайишига асос бўлмоқда. Бундан ташқари, жиноятлар сони билан бир

каторда, жиноятчини тасвирлайдиган сурат, ҳамда уларни амалга оширувчи шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўзгариб туради.

Кибер жиноятчилар одатда тайёр дастурий таъминотдан ёки ўзгартирилган, шунингдек махсус тайёрлаган дастурий воситалардан фойдаланишлари мумкин. Жиноят гуруҳининг аъзолари ёки ташқи экспертлар томонидан яратилган дастурлардан фойдаланиш компьютер жиноятларини содир этишнинг юқори технологияли усуллари учун одатий ҳол ҳисобланади. Компьютер жиноятчилиги воситалари қўлланилиш технологиясига кўра масофадан киришга рухсат берилган ва масофавий эркин кириш мумкин бўлмаган турларга бўлинади. Кўп ҳолларда, компьютер жиноятлари телекоммуникация тармоқлари орқали масофадан, махсус дастурий таъминот ўрнатилган оддий компьютер аппаратида фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда. Техник таркибга кўра, ушбу воситалар шартли равишда аппаратли таъминот, дастурий таъминот ва аппарат-дастурий таъминот кабиларга бўлиниши мумкин. Объектга ноқонуний кириб боришда аппарат таъминотдан кўп фойдаланилмайди, чунки замонавий компьютер қурилмалари одатда хусусий турдаги дастурий таъминотга эга. Текширув тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, аппарат ва дастурий воситаларнинг мисоллари сифатида скиммерлар ва кейлоггерлар кўзга ташланмоқда.

Дастурий ва аппарат таъминот - жиноятчи қабул қиладиган маълумотларни ўқиш, сақлаш ва юбориш учун мўлжалланган олдиндан ўрнатилган дастурларга эга бўлган техник қурилмалардир. Компьютер маълумотларига ноқонуний кириш учун ишлатиладиган дастурлар ҳуқуқий жиҳатдан зарарли деб ҳисобланади. Кузатувларни олиб боришда, муайян воситаларни ҳисобга олиш тавсия этилади, компьютер жиноятларини содир этиш фақат маълум тайёргарлик, жиноят содир этилган вақтда, жиноятни яширишда, тезкор тергов ёки тергов ўтказиш шароитида босқичларда бўлиши мумкин. Шундай қилиб, тайёргарлик босқичида жиноятчилар тажовуз объектини ҳолатини ўрганади, хавфсизлик режими (қулфлар, ходимларнинг назорати, видеотасвир, сигнал) мавжуд қурилмалар ва ахборот хавфсизлиги дастурлари ҳақида маълумот тўплайди (идентификациялаш ва аутентификация қилиш тизимлари), муҳофаза қилинадиган маълумотларни сақлаш учун сақлаш объектлари (флеш-ахборот сақловчилар, булутли сақлаш ва бошқалар) шунингдек ҳаракат изларини яшириш ва йўқ қилиш воситаларини ишлаб чиқади. Ушбу босқичда, ташқи таҳдидлар ҳимояланиш нуқтаи назаридан тажовуз объектини ўрганиш ва баҳолаш учун махсус дастурлардан фойдаланиши мумкин. Тўғридан-тўғри жиноятни содир этиш босқичида тегишли воситалар ҳуқуқбузарга жабрланувчининг автоматлаштирилган иш жойини назорат қилиш имкониятини яратишга қаратилган. Компьютер жиноятчилари рухсатсиз кириш имкониятини берувчи администраторлар учун мўлжалланган (TeamViewer, Radmin, TightVNC ва ҳоказо), RDP (Remote Desktop Protocol) тармоқ протоколлари ёки VNC (Virtual Network Computing) каби административ бошқарувнинг

тақдим этувчи веб-интерфейс, ёки Zeus Carberp каби зарарли дастурий таъминотлардан фойдаланади.

Компьютер жиноятлари воситаларини криминалистик нуқтаи назаридан ўрганиш, уларни тоифаларга ажратиш ва таснифлаш жинойи ишларда белгиланадиган ва тасдиқланган ҳолатлар ўртасидаги муносабатларни ўрнатишга имкон беради, бу эса ушбу жиноятларни фош этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.


## АХБОРОТ ТИЗИМИ АУДИТИ СТРАТЕГИК МОДЕЛИНИНГ ТАДҚИҚИ

*Ш.Р. Фуломов (PhD, доцент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

*Л.Т. Ширинов (магистр, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Ахборот тизимининг стратегик модели қабул қилинган аудиторлик вазифасини бажариш учун аудитор томонидан тайёрланадиган режалар, дастурлар ва услубий инструментарийларнинг жамланмаси ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, стратегик режалаштириш босқичида аудитор томонидан ишлаб чиқилувчи стратегик модел аудит қилинувчи субъект олдида турувчи режалаштиришни дастлабки босқичида аниқланган муаммолар, уларни ечиш имкониятлари ҳамда тадқиқот инструмен- тарийларини аудиторлик цикли давомида қўллаш учун тақдим қилинадиган аниқлаштирилган аудиторлик вазифасини қабул қилиниши ёки аудит қилинаётган субъект фаолиятини мақсадли йўналтирилганлиги билан келишиладиган бутун бошли аудиторлик тадқиқотининг умумий стратегик режаси ҳисобланади.

Бу босқичда зарурат шундан иборатки, авваламбор иқтисодий субъектнинг ахборот тизимини аудиторлик тадқиқи бу субъектнинг самарали ривожини узоқ муддатли истиқболига йўналтирилган бўлиб, унинг аудитор билан муносабати ўтказилган аудит натижалари бўйича ишлаб чиқилган бошқарув тавсияларини жорий қилиш самарасидан олингунча давом этади.



1-расм. Ахборот тизими аудитининг стратегик модели

Аудитнинг натижавий ташкил этувчиси маълум даражада аудит қилинувчи субъект ёки аудиторлик вазифаси мақсадли ўрнатмалари билан кешилишини ҳамда бу субъектлар томонидан эришилишини самарадорлигини оширишга хизмат қилишини ҳисобга олиб, аудитор стратегик режалаштириш босқичида кўрсатилган моделни ишлаб чиқиш учун бу субъект фаолиятининг мақсадли йўналтирилганлигини баҳолаши ва тадқиқ қилиши лозим.

Бундай тадқиқот натижасида олинган ахборот олдиндаги аудитлашнинг асосий йўналишларини, ҳамда бутун бошли аудиторлик циклини қамраб олган батафсил тадқиқий жараёнга услубий ёндашувларни ҳам асослаш ва ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Шунинг учун аудитор стратегик режалаштириш босқичида олдиндаги аудиторлик тадқиқотини стратегик моделини ишлаб чиқиш жараёни авваламбор аудит қилинувчи субъекти фаолияти ёки аниқ бир аудиторлик вазифасининг мақсадли ўрнатмаларига асосланиши лозим. Аудитор томонидан уни реализация қилиш имкониятларини баҳоламасдан аудит ўтказилиши натижалари бўйича ишлаб чиқилувчи бўлажак бошқарув тавсияларини жорий қилишдан кўзланган мақсадга эршилиб бўлмайди.

Аудит қилинувчи субъект фаолиятининг узоқ муддатли самарадорлигини тадқиқ қилишга йўналтирилган ахборот тизимини аудит қилишга бошлашдан олдин, аудитор аудиторлик тадқиқ қилиш жараёни нафақат бу субъектнинг жорий фаолиятини, балки унинг узоқ муддатли йўналтирилганлигини ҳам ҳисобга олиши муҳимдир. Бироқ, аудиторлик тадқиқининг мос вазифа қўйилишини тўғрилигидан асосли ҳақиқатнинг моҳиятини тушунмасдан, у ёки бу аудитланувчи субъектнинггина эмас, балки аудиторнинг ўзини ҳам асосли ҳамда ташкилий фаолиятининг кўрсатилган жараёнини бажариб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам аудитор стратегик режалаштириш босқичида авваламбор “мақсад” тушунчасининг ўзи қайси босқичда фойдаланилишини аниқлаштириш ва унинг шаклланишида нима аксланиши кераклигини аниқлаштириш учун аудитланувчи субъектнинг бутун фаолиятини тушуниш ва англаб олиш керак. Бу ёки унинг ривожланишини кўриш имконини берадиган субъектнинг идеал интилишлари, ёки исталган идеалга йўл бўлган фаолият ўз вақтида тугашини таъминловчи ҳақиқий имкониятлар ҳисобланади.

Аудитлаш натижасида олинган аудитланувчи субъект мақсади тўғрисидаги ахборотга эга маълумотларни тартиблаб, аудитор батафсил аудиторлик тадқиқининг зарурати бўлган, яъни факторли таҳлил қилиниши лозим бўлган кўрсатилган субъектлар самарасиз ривожланишининг критик соҳаларини аниқлаб олиши мумкин.

Бундан ташқари, аудитор мақсадалрнинг турли туманлиги ўз навбатида баҳолаш кўшимча ва яна мураккаб аудиторлик тадбирларини талаб қилувчи турли хилдаги факторлар ва кўрсаткичларнинг кўп сонли комбинацияларининг тадқиқини талаб этишини ҳисобга олиши лозим.

Амалиёт шуни кўрсатадики, мақсадларга эришишни миқдорий даража аниқлаш жуда мураккаб масала ҳисобланиб, қуйидагиларга асосланади:

- Бу даражаларда сифатли кўринишда мақсадларнинг ўзини шакллантириш;
- Бу мақсадларни шакллантиришнинг ва уларга эришиш самарадорлик кўрсаткичларининг миқдорини мураккаблиги;
- Аудитланувчи субъект бошқарув тизимини иерархик тузилмасини акслантирувчи иерархик йўналтирилган мақсадли модели;
- Турли даражада мақсадларнинг ўзаро боғлиқлигини мураккаблиги билан.

Иқтисодий адабиётларда тизимли таҳлил бўйича мақсад ва вазифаларга эришишдан боғлиқликларни тадқиқида нисбий муҳимлилик коэффициенти ёки юқори турувчи мақсадларга ҳисса коэффициенти деб номланувчи коэффицентлар қўлланилади. Бунда мақсадлар орасида кесишувчи ўзаро алоқа, ҳамда мос мақсадостига эришиш даражасига юқори мақсадга эришиш даражасини тесқари таъсир қилиш эҳтимолини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Бу тамойиллар Cobit стандартида мавжуд [2].

Бу ҳолда аудитор Cobit стандартида тавсия қилинган мақсадларни декомпозициялаш моделини чўққилар (масалан, дарахтсимон граф – мақсадлар дарахти) бир бирига таъсир қилиши мураккаблигини ҳисобга олиши ёки кесишувчи алоқалар истисно қилинадигандек ҳосил қилиши лозим.

Бунинг учун:

- Иерархик йўналтирилган мақсадли моделни қуриш;
- Имкон қадар тадқиқ қилинувчи мақсадларни шакллантириш;
- У ёки бу мақсадли ўрнатмаларга эришиш даражасини аниқлаш.

Умуман, иерархик мақсадли моделни қуриш учун қуйидаги тадбирлар қўлланилиши мумкин:

- Бирламчи мақсадлар ёки вазифаларни пастки даражадан юқорига агрегатлаш (индукция усулида);
- Юқоридан пастга аниқлаштириш (индукция усулида);
- Комбинацияланган ёндашув.

Кўрсатилган ёндашувларни қўллаш паст даражадаги мақсадлар пастдаги мақсадларга қараганда юқоридагиларига эришишга олиб келувчи аниқ вазифаларни ечиш имконини беради.


# ТАРМОҚЛАРАРО ЭКРАНИ ИШЛАШНИНГ ИШОНЧЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН ЗАХИРАЛАШ РЕЖИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Б.К. Юсунов (махсус факультет, ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)  
О.Ш. Абдирозиқов (махсус факультет, ТУИТ им.Мухаммада Ал-Хоразмий)

Корхона ва ташкилотларда кенг фойдаланиб келинаётган тармоқлараро экран воситалари тармоқ хужумларини олдини олишда химояни таъминловчи дастлабки унвирсал ечимлардан биридир. Аммо корхона ва ташкилотлар тармоқларида тармоқлараро экранга асосланган юқори самарадорликга эга филтрлаш тизимини жорий этишда мовжуд камчиликлар ҳам учраб туриши барчамизга сир эмас. Бу камчиликлардан бири тармоқлараро экраннинг филтрлаш тизими самарадорлигининг тушиб кетиши билан боғлиқдир. Тармоқлараро экран асосида филтрлаш жараёнларини узилишга бардошлилигини таъминлаш учун юқори самарадорликга эга филтрлаш тизимини яратиш мумкин. Юқори самарадорликга эга филтрлаш тизимининг умумий схемаси 1-расмда кўрсатилган.

1. “Фаол/захира” режими. “Фаол/захира” режимида иккита тармоқлараро экран локал тармоқ сегментига параллел уланади ва филтрлашнинг ягона мантиқий тизими каби ишлайди. Бунда битта тармоқлараро экран фаол бўлади ва трафикни филтрлайди, иккинчиси эса захира бўлади ва ўзининг барча қабул қилинадиган филтрловчи интерфейс пакетларини ўтказмасадан “зарурий” захиралаш режимида ишлайди. Иш режимларини алмаштириш ва узилишларни аниқлаш мақсадида фаол ва захира тармоқлараро экранлар орасида хабарлар алмашинуви ва синхронизация қурилманинг бошқарувчи Ethernet-интерфейслари (ethC) орқали амалга оширилади.

Тармоқлараро экранда қурилган филтрлашнинг мантиқий тизими, агар бу тармоқлараро экран фаол пакет филтри ишини тўхталишига олиб келса, тармоқлараро экран фаол аппарат ёки дастурий компоненталарини исталган узилишида филтрлаш тизимининг тўхтовсиз ишлаштини таъминлайди.



1-расм. Юқори самарадорликга эга филтрлаш тизимининг умумий схемаси

2. Мувозанатлаш режими. Мувозанатлаш режимида юқори самарадорликга эга филтрлаш тизимида юкламалар транк деб номланувчи битта мантиқий каналга коммутаторлар орасидаги икки физик каналларни



бирлаштириш схемасига асосланади. Бундай тизимда иккита тармоқлараро экран коммутаторлар орасидаги физик каналлар узилишида уланади ва ягона мантиқий филтрлаш тизими каби ишлайди. Бунда тармоқлараро экранни икки қурилмаси ҳам фаол бўлиб трафикни филтрлайди. Физик каналларда юкломани тақсимланиши мос тарзда созланган коммутаторлар амалга оширади. Иш режимларини алмаштириш аппарат ва дастурий узилишларни аниқлаш мақсадида тармоқлараро экранлар орасида хабарлар алмашинуви ва синхронизациясини бошқарилувчи Ethernet-интерфейслари (ethC) орқали амалга оширилади.

3. *Spanning Tree режими.* Spanning Tree режимидаги юқори самарадорликга эга тизим икки физик каналлар билан икки коммутаторлар уланиш схемасига асосланади. Бунда коммутаторлар захира алоқа борлигини аниқлайди ва мос портларни блоклайди. Бу тизимда иккила тармоқлараро экран коммутаторлар орасида физик каналлар узилишида уланади ва ягона мантиқий филтрлаш тизими каби ишлайди. Бунда иккала тармоқлараро экран қурилмаси ҳам фаол бўлади, бироқ бир вақтнинг ўзида битта физик канал ишга тушганлиги сабабли фақат битта қурилма трафикни филтрлайди. Каналлар алмашинуви коммутаторлар томонидан амалга оширилади.

Тармоқлараро экран асосига қурилган филтрлашнинг мантиқий тизими олдинги ҳажмда 10 сониядан кам вақтда аппарат ёки дастурий узилиш сабабли тўхтаган филтрлаш жараёнини қайта тикланишини таъминлайди. Юқори самарадорликга эга режимини таъминлаш учун иккала ечимнинг захиралаш модули ва бошқарувчи интерфейс манзилларининг созланмаларидан ташқари конфигурациялари бир хил бўлиши керак.

Юқори самарадорликга эга схема ишида схемага киритилган тармоқлараро экранлар орасидаги филтрлаш қоидалари ва конфигурация синхронизацияси амалга оширилиши талаб этилади. Синхронизация маъмур сўрови бўйича асинхрон ва фақат турли хил тармоқлараро экрандан фойдаланилиши мумкинлиги ва мовжудлигида амалга оширилади.

Хулоса қиладиган бўлсак тармоқлараро экранни ишлашининг ишончлигини ошириш учун захиралаш режимидан фойдаланиш, тармоқлараро экран фаол аппарат ёки дастурий компоненталарини исталган узилишида филтрлаш тизимининг тўхтовсиз ишлашини таъминлашини, юқорида келтирилган маълумотлар исботламоқда. Тармоқлараро экранни ишлашининг ишончлигини ошириш учун захиралаш режимини яратишнинг энг самарали усули сифатида Spanning Tree режимини келтириш мумкин. Сабаби юқори самарадорликга эга тизим икки физик каналлар билан икки коммутаторлар уланиш схемасига асосланади. Бунда коммутаторлар захира алоқа борлигини аниқлайди ва мос портларни блоклайди. Кўриб чиқилган усуллар тармоқлараро экранни ишлашининг ишончлигини ошириш учун захиралаш режимидан фойдаланишни янада яхшилаш учун хизмат қилишига олиб келади.

## ИЖТИМОЙ МУҲАНДИСЛИК ХУЖУМЛАРИ ТУРЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

*Ш.Р. Фуломов (PhD, доцент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Ижтимоий муҳандислик - одамларнинг ўзаро таъсирига таянадиган ва одатда тизимлар, тармоқлар ёки жисмоний жойларга кириш ёки молиявий даромад олиш учун оддий хавфсизлик тартиб-қоидаларини ва энг яхши амалиётларни бузиш учун одамларни манипуляция қилишни ўз ичига олган хужум вектори.

Таҳдид қилувчи бузғунчилар, ўзларининг ҳақиқий идентификаторларини ва ниятларини яшириш ҳамда ўзларини ишончли шахс ёки ахборот манбаси сифатида кўрсатиш учун ижтимоий муҳандислик техникасидан фойдаланади.

Ижтимоий муҳандислик - бу ҳакерлар орасида оммабоп усулдир, чунки фойдаланувчиларнинг заиф томонларидан фойдаланиш одатда тармоқ ёки дастурий таъминотнинг заифлигини топишдан кўра осонроқ бўлади. Ҳакерлар кўпинча ижтимоий муҳандислик усулини дастлабки босқичи сифатида каттароқ компаниянинг тизим ёки тармоғини инфилтрация қилиш, нозик маълумотларини ўғирлаш ёки зарарли дастурларни тарқатишда қўллайди.

*Ижтимоий муҳандислик қандай ишлайди.* Ижтимоий муҳандислик хужумларни амалга ошириш учун турли хил тактикалардан фойдаланадилар.

Кўпгина ижтимоий муҳандислик хужумларида тажовузкорга биринчи кадам, тадқиқот ва разведка қилиш учун мўлжалланган мақсаддир. Агар мақсад бир корхона бўлса, масалан, ҳакер бошқа маълумотлар қатори, ходимлар тузилиши, ички операциялар, саноатда ишлатиладиган умумий тиллар ва бизнес шериклари ҳақида маълумот тўплаши мумкин. Ижтимоий муҳандисларнинг умумий тактикаси шундаки, ходимларнинг хатти-ҳаракати ва модели паст даражада, лекин хавфсизлик хизмати ёки маъмур каби дастлабки фойдаланишга қаратилган; ҳакерлар инсоннинг ижтимоий медиа профилини кўздан кечириш ва уларнинг хатти-ҳаракатларини онлайн ва шахсан ўрганиш имкониятига эга. Бу ерда, ҳакер тўпланган маълумотларга асосланиб хужум уюштириши ва разведка босқичида топилмаган заифликдан фойдаланиши мумкин.

Хужум муваффақиятли бўлса, ҳакерлар кредит карта ёки банк маълумотлари каби кофиденциал маълумотларга эга бўлишади - пул йиғиш ёки ҳимояланган тизим ёки тармоқларга киришга муваффақ бўладилар.

Ижтимоий инженерия хужумларининг турлари

1. Baiting (хўрак қўйиш): Baiting қачонки бузғунчи USB-флешка каби зарарли дастурий таъминот билан зарарланган жисмоний қурилмани кўзга кўринадиган жойга ташлаб қўйса. Бундан сўнг қурилмани топиб олган шахс унинг компютерига юклайди ва билмаган ҳолда зарарли дастурларни ўрнатиб олади.

2. Phishing: Phishing - қачонки бузғунчилар томонидан алдов электрон хатни ишончли манбадан келганда жўнатилган хабар. Хабар қабул қилувчини алдаб шахсий ёки молиявий маълумотларини алмашиш ёки зарарли дастурларни ўрнатадиган ҳаволани босиш учун мўлжалланган.

3. Spear phishing: Маълум бир шахс ёки ташкилот учун мўлжалланган бўлади.

4. Vishing: Vishing, шунингдек, овозли phishing деб ҳам танилган ва бу шахсий ва молиявий маълумот тўплаш мақсадида телефон орқали ижтимоий муҳандисликдан фойдаланиш.

5. Pretexting: Pretexting - имтиёзли маълумотлардан фойдаланиш учун бошқа томонга ўтиш. Мисол учун, сохта фирибгар шахсий ёки молиявий маълумотларни олиш учун кимлигини тасдиқлаши.

6. Scareware: Scareware ўз компьютерини зарарли дастурлардан юқтирган ёки нотўғри ноқонуний контентни юклаб олган, деб ўйлашади. Кейинчалик, тажовузкор қурбонга сохта муаммони ҳал қиладиган эчим таклиф қилади; аслида, қурбонни бузғунчи зарарли дастурларни юклаб олиш ва ўрнатиш учун алдайди.

7. Water-holing: A watering hole хужуми, тажовузкор муайян одамлар гуруҳини улар ишонадиган ва ташриф буюрадиган веб-сайтларга зарар етказиб тармоққа кириш ҳуқуқини қўлга киритишга уринишдир.

8. Diversion theft: Бундай хужумда ижтимоий муҳандислар етказиб бериш ёки хат ташувчи компанияни нотўғри қабул қилиш ёки тўхтатиб қўйиш учун алдашади.

9. Quid pro quo: A quid pro quo хужумида, ижтимоий муҳандис ёрдам ёки маълумот учун нимадир таклиф қиладигандай бўлади. Мисол учун, ҳакер ташкилот ичида тасодифий рақамларни теради ва техник қўллаб-қувватлашга қайта қўнғироқ қиладигандай ўзини тутди. Охир-оқибат, ҳакер қонуний технология муаммосига эга бўлган кишини топади, улар унга ёрдам беришни бошлайдилар. Бу орқали, ҳакер зарарли дастурларни ишга тушириш ёки буйруқлардаги мақсадли турга эга бўлиши ёки пароль маълумотларини тўплаши мумкин.

10. Honey trap: Ижтимоий муҳандис интернетда шахс билан мулоқот қилиш, онлайн алоқаларни сохталаштириши ва ушбу муносабатлар орқали нозик маълумотларни тўплаш учун жозибали шахс бўлишга уринаётган хужум.

11. Tailgating: Tailgating баъзан чўчқачилик деб аталадиган қоплама, ҳакер рухсат этилган картага эга бўлган кишини кузатиб, хавфсиз бинога кириб келишдир. Ушбу хужум бинога ҳуқуқий кириш ҳуқуқига эга шахсни назарда тутди, у ерга киришга рухсат берилса, эшикни орқада қолдириши учун этарлича хушмуомала бўлади.

12. Rogue: Rogue хавфсизлик дастури зарарли дастурларни сохталаштириб тўловларни амалга оширишга қаратилган зарарли дастурлардан иборат.

## **ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ТАЪҚИҚЛАНГАН КОНТЕНТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

*Ш.Ж. Хамидов (ўқитувчи-стажёр, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)  
З.И. Азизова (ўқитувчи-стажёр, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Бугунги кунда ер юзида ижтимоий тармоқлардан 3 млрд дан ортиқ фойдаланувчилар актив ҳолда фойдаланиб келмоқда. 2018 йилда ижтимоий тармоқларда мониторинг тизимлари ёрдамида 962 млн. дан ортиқ таҳдидлар аниқланган.

Давлат ва жамият ахборот хавфсизлиги соҳасидаги замонавий муаммолар мутахассислардан ижтимоий тармоқларда пайдо бўлувчи таҳдидларга қарши курашиш ҳамда мониторинг қилиш соҳасида янги усулларни ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Замонавий ижтимоий тармоқлар фақат мулоқот воситаси эмас, балки ижтимоий тармоқдаги субъект ва объектлар ҳақида ахборот олиш воситасидир. Ижтимоий тармоқларда ахборот тарқатиш каналларини, тақиқланган контентларни сақловчи ахборот оқимини аниқлаш учун таҳлил қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

*Ижтимоий тармоқлардаги тақиқланган контентлар ва уларни аниқлашнинг умумий усуллари.* Ҳозирги кунда Интернет тармоғидаги муҳим муаммолардан бири тақиқланган контентларни тарқатилиши ҳисобланади. Тақиқланган контент - тарқатиш ёки кўриш учун давлат томонидан қонун билан тақиқланган (зарарукунанда дастурлар, спам рекламалар, тақиқланган сайтлар) ёки шундай ахборотни сақловчи манбалар. Ижтимоий тармоқларда мавжуд тақиқланган контентларни куйидагича синфлаш мумкин:

- инсон соғлиғи ва ҳаётига таҳдид солувчи ҳамда зарар етказишга, шавфқатсизликга, инсонлар ва ҳайвонларга қарши зўравонлик ҳаркатларини амалга оширишга ундовчи;

- инсонларни нарконтик ва психотроп воситаларни истеъмол қилишга қизиқиш уйғотувчи, оила аъзоларга ҳурматсизлик муносабатларини тарғиб қилувчи ҳамда инсонлар маънавиятини бузувчи;

- қонун билан тақиқланган экстремистик ва террористик гуруҳлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва уларга қўшилишни тарғиб қилувчи.

Ижтимоий тармоқлардаги ахборотлар таркибидаги контентларни таҳлил қилишда куйидаги тўртта усуллардан фойдаланиш мумкин:

- графлар ёрдамида таҳлил;
- умумий талҳил;
- матн таҳлили;
- мултимедиа файллар таҳлили;
- оқимли таҳлил;

*Графлар ёрдамида таҳлил.* Ушбу таҳлилда ижтимоий тармоқда ташкил этилган ижтимоий гуруҳларнинг тузилмаси, объектлари ва субъектлари тадқиқ этилади. Гуруҳ объектларини бошқалар билан ўзаро алоқалари, улар

ўртасидаги ўхшашликлар ўрганилади. Гараф тугунлари бу фойдаланувчилар, улар ўртасидаги алоқалар тугунларни боғловчи ёйлар. Ушбу усул ёраида фойдаланувчиларни қайси гуруҳларга мансублиги, ўзаро алоқа доираси ҳамда ахборот тарқатувчи манбалар аниқланади.

*Ахборотдарни умумий таҳлил қилиши.* Тармоқда ҳар хил турдаги электрон ҳужжатлар фойдаланувчилар ўртасида алмашилади. Ушбу усулда ижтимоий тармоқда фойдаланувчилар ўртасида алмашиладиган электрон ҳужжатларнинг аҳамияти аниқланади. Электрон ҳужжатга булаётган маурожатлар ва унга йўналтирилган ҳаволалар таҳлил қилинади.

*Матн ахборотларни таҳлил қилиши.* Ижтимоий тармоқларда кўплаб турли кўринишдаги матн хабарлар мавжуд (блоглар, мақолалар ҳамда янгиликлар). Фойдаланувчилар ўртасида матн хабарлар алмашиш жараёнида хабар таркибида тақиқланган ибора ёки сўзлар мавжудлигини аниқлаш учун таҳлил амалга оширилади. Таҳлил жараёнида матн таркибидан калит сўзларни қидириш амалга оширилади.

*Аудио файллар таҳлили.* Ижтимоий тармоқларда матн файллардан ташқари аудио файллар ёрдамида ҳам ахборот алмашилади. Аудио файллар таҳлили маҳсус алгоритмлар асосида тузилган дастурлар ёрдамида амалга оширилади, файл таркибида тақиқланган сўзлар мавжудлиги текширилади.

*Видео файллар таҳлили.* Фойдаланувчилар ўртасида кўпроқ видео файллар ёрдамида ҳам ахборот алмашилади. Видео файллар кадрларга ажртилиб таҳлил амалга оширилади. Юкланувчи видео файлларни таркибида ёшлар маънавиятини бузувчи ҳамда уларни онгига ва психологиясига таъсир қилувчи видео ёзувлар мавжудлигини аниқлаш учун амалга оширилади.

*Оқимли таҳлил.* Замонавий мобил қурималар фойдаланувчиларни турган жойидан келиб чиқган ҳолда реал вақт режимида фойдаланувчилар билан ўзаро алоқа қилиш имокониятини беради, ўтаётган ахборот оқимида фойдаланувчини турган жойи ҳақида маълумотлар сақланади. Узатилаётган маълумотлар оқимида тақиқланган контетлар мавжудлигини текшириш учун таҳлил қилинади.

*Ижтимоий тармоқладаги тақиқланган контетлардан ҳимояланиш воситалари.* *Антивирус воситалари* - автоном тарзда фойдаланувчилар томонидан қилинаётган ҳаракатларини кузатувчи, таҳдидлар ва зарарланган файлларни аниқловчи, операцион тизим ҳодисаларини таҳлил қилишни амалга оширувчи дастурий таъминот. Фойдаланувчилар томонидан юклаб олинган дастурий воситаларни, веб браузер манзил қаторига киритилган веб саҳифа манзилларини базада мавжуд таҳдидлар билан солиштиришни амалга оширади.

*Прокси серверлар* - компьютер тармоқларидаги оралик сервер бўлиб, фойдаланувчилар сўровларини қайта ишлаб тармоқда бошқа серверларга муружатни амалга оширади. Тармоқ орқали ўтаётган барча трафикни филтрлашни амалга ошириб, тақиқланган контетларни аниқлаш ва уларни блоклашни амалга оширади.

*DNS серверлар* – фойдаланувчининг мурожат қилган веб саҳифа манзилини *ip* манзилига алмаштириб беришни амалга оширувчи сервер. Фойдаланувчи томонидан мурожат қилинган веб саҳифа манзилини тақиқланган манзиллар рўйхати билан солиштириш орқали блоклашни амалга оширади.

*Тармоқлараро экран* – тармоқдан кирувчи ва чиқувчи пакетларни маълум қоидаларга кўра филтерлашни амалга оширувчи техник дастурий восита. Пакетларни сарлавҳалари бўйича филтерлашни амалга ошириб тақиқланган контенлар мавжуд бўлса ўтаётган пакетларни блоклайди.

*Мониторинг тизимлари* – реал вақт режимларида ижтимоий тармоқдаги фойдаланувчиларнинг амалга оширган ҳаракатларини кузатувчи ва таҳлил қилувчи восита. Ижтимоий тармоқдаги ҳодисаларни таҳли қилиш ва аудит ўтказиш учун маълумотлар йиғиб ҳисобот кўринишида тақдим этади.

*Расм бўйича қидириш тизимлари* - Расмлар таркибида тақиқланган контентларни қидириш учун ишлаб чиқилган тизимлар. Ишлаб чиқилган тизимлар автоматик равишда юкланаётган раамлар таркибида тақиқланган контентлар мавжудлигини аниқлаш учун сканерлашни амалга оширади. Тизим аниқланганларни текшириш учун белгилаб қўяди уларни блоклаш билан тизим администратор шуғулланади.

Ижтимоий тармоқдан бўлаётган таҳдидлар сони ошиб бормоқда, улардан ҳимояланишниг усул ва механизмлари ишлаб чиқилмоқда. Юқоридаги усул ва воситалардан фойдаланиб ижтимоий тармоқларни таҳлил қилиш фойдаланувчилар ўртасида алмашилаётган контентлар таркибида яширинган тақиқланган ахборотларни аниқлашда қўлланилади. Мониторинг тизимларини қўллаш самарали ҳисобланади. Мониторинг тизимлари барча ҳодисаларни кузатишга, фойдаланувчиларнинг барча ҳаракатларини назорат қилиш, ўтувчи трафикни филтерлаш ва тақиқланган контенларни блоклашга имкон беради.

## **МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИДА ХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИ**

*З.Т. Худойқулов (PhD, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

*А.А. Каримов (ассистент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Бугунги кун ахборот тизимлари инфратузилмаси учун хавфсизлик муҳим талаблардан бири саналади. Ҳар бир ташкилот учун ундаги маълумотлар ва ахборот қимматли ҳисобланар экан, улар сақланган маълумотлар сақланган базалар хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Ҳозирда маълумотлар базаси хавфсизлигини таъминлашда катор ҳимоя моделлари ва усуллари фойдаланилсада, улардан катор хавфсизлик муаммолари мавжуд. Ушбу мақолада мазкур муаммолар ва уларни бартараф этишда зарур бўлган чора-тадбирлар ҳамда тавсиялар келтириб ўтилган.

Маълумотлар базаси хавфсизлигини таъминлаш дейилганда одатда унинг қуйидаги хусусиятларини таъминлаш тушинилади:

- маълумотлар базаси фойдаланувчанлигини;
- маълумотлар базасида сақланган ахборот бутунлигини;
- маълумотлар базасида сақланган ахборот махфийлигини таъминлаш.

Юқорида келтирилган барча уч хусусият тўлиқ таъминланганда хавфсиз маълумот базаси деб айтиш мумкин бўлади.

Маълумотлар базаси хавфсизлигига бўлиши мумкин бўлган таҳдидларларни қуйидаги категорияларга бўлиш мумкин:

- *рухсатсиз маълумотларни кузатиши (махфийликни йўқолиши)* натижасида рухсат этилмаган фойдаланувчига ахборот ошкор бўлиши мумкин.

- *ахборотни нотўғри модификациялаш (бутунликни йўқолиши)* қасдан ёки билмасдан амалга оширилиш мумкин бўлган маълумотлар базасидаги амал ҳисобланади.

- *маълумотларни мавжуд эмаслиги (фойдаланувчанликни йўқолиши)* натижасида тўғри муружаатни маълумотлар базаси томонидан амалга ошириш имконияти мавжуд бўлмайди.

Ушбу келтирилган таҳдид гуруҳига тегишли кенг тарқалган хавфсизлик таҳдидлари қуйида келтириб ўтиш мумкин.

1. *Хизматдан воз кечишга ундаш.* Ушбу ҳужум одатда қонуний фойдаланувчилар ёки уларнинг иловаларини нормадан кўп ҳолда муружаати натижасида келиб чиқади. Ушбу ҳужумни амалга оширишнинг турли технологиялари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти таҳдидчи қонуний фойдаланувчилар иловасини бир вақтда бошқариши натижасида келиб чиқади.

2. *SQL инекция.* Маълумотлар базасига тегишли бўлган таҳдид тури бўлиб, ноўрин киритилган SQL сўрови мавжуд бўлган қаторни таҳлил қилмаслик натижасида ҳосил бўлади.

3. *Заиф аутентификация.* Маълумотлар базасида фойдаланилган аутентификация усулининг заиф бўлиши уни катта хавфга қўяди. Масалан, қонуний фойдаланувчига тегишли бўлган паролни бузғунчи қўлида бўлиши маълумотлар базасида юқори имтиёзларни тақдим этади.

4. *Заиф коммуникация протоколлари.* Аксарият хавфсизлик заифликлари одатда хавфсизлик протоколлари орқали келиб чиқади. Маълумотлар узутилишида ёки маълумотлар базасини бошқаришда фойдаланилган протоколларининг заифлиги натижасида фойдаланувчи критик маълумотларини ошкор бўлиши ёки турли фойдаланувчанликни бузишга қаратилган таҳдидларга сабаб бўлади.

5. *Имтиёзни ортиши.* Маълумотлар базасида кузатиладиган қатор ҳужумлар оддий фойдаланувчининг тизим маъмури имтиёзига эга бўлиши натижасида ҳосил бўлади. Бу бузғунчи томонидан амалга оширилиш мумкин бўлган ҳолат саналиб, маълумотлар базаси устида тўлиқ назоратни таъминлайди.

6. *Юқори имтиёзни суистеъмол қилиш.* Юқори имтиёзга эга бўлган фойдаланувчи томонидан ўз вазифасига тегишли бўлмаган ишларни бажарилиши одатда жиддий хавфсизлик муаммоларини келтириб чиқаради. Бу ҳолат одатда норози бўлган ходимлар томонидан амалга оширилганда жиддий муаммоларга сабаб бўлади.

7. *Қонуний имтиёзни суистеъмол қилиш.* Ушбу ҳолат қонуний фойдаланувчи ташкилотга ғараз нияти мавжуд бўлганда катта зарар келтиради.

8. *Маълумотлар базаси платформаси заифлиги.* Хавфсиз бўлмаган операцион тизимлар, Windows 98, Windows 2000 ва х., дан фойдаланганда маълумотлар базасидан ахборотни ошкор бўлиши эҳтимоли юқори бўлади.

9. *Заиф аудитни ўтказиш.* Маълумотлар базаси аудит сиёсати автоматлашган ва вақтга асосланган бўлиши зарур. Ушбу муолажа тўғри амалга оширилмаганда маълумотлар базасини жорий ҳолати ҳақида ишончли маълумотларга эга бўлинмайди.

10. *Резерв маълумотларни ошкор бўлиши.* Одатда маълумотлар базасида фойдаланувчанликни, бутунликни ва махфийликни таъминлаш учун захира нусхалаш амалга оширилади. Ушбу захира нусхани сақлашда ҳам хавфсизлик талаблари мавжуд. Ушбу талаблар ўз вақтида бажарилмаслиги маълумотни тўлиқ ошкор бўлишига олиб келади.

Юқорида келтирилган заифликларни бартараф этиш ва улар натижасидаги таҳдидларни олдини олиш учун комплекс ёндашувга асосланиш юқори самара беради. Маълумотлар базаси хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги ҳимоя усуллари ўзида мужассам этган комплекс ёндашувдан фойдаланиш юқори самара беради:

- фойдаланувчини идентификациялаш/ аутентификациялаш;
- хавфсизлик аудитини амалга ошириш;
- мос бўлган рухсатларни назоратлаш моделидан фойдаланиш;
- мос шифрлаш усулларида фойдаланиш;
- фойдаланувчиларни чекланган махсус жавобгарликларга эга бўлишини таъминлаш;
- маълумотларни ошкор бўлишидан ҳимоялаш усуллари.

## **ТАРМОҚДА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА**

*И.Н. Туракулов (т.ф.н., доцент, СамДУ)*

*А. Бобоев (магистр, СамДУ)*

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан 2013 йилнинг 27 июнида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори иқтисодийнинг барча жабҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни



ривожлантириш, ахборот ресурслари, тизимлари ва тармоқларининг яратилишини жадаллаштириш каби масалаларга қаратилган.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида республикамизда бир қатор ижобий ишлар олиб борилди. Эндиликда қарийиб барча иш хужжатлари алмашинуви автомалаштирилган тизим орқали бошқарилмоқда, ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устивор йўналишларидан бири бўлган таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмини яратиш каби вазифалар ҳал қилинмоқда. Ушбу вазифаларни бажариш учун янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган, юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш давр талаби бўлиб қолди.

Тармоқда ташкилотлар, корхоналар маълумотлар базасини яратиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш долзарб муаммоларидан биридир чунки бугунги кунда ахборотлар қимматли товар шаклига кириб улгурди. Ҳар қандай товар хавфсизлигини таъминлаш, уларни ёт хавф-хатардан сақлаш иктисодиётнинг асосий қонунларидан биридир.

Инсон фаолиятида ахборот технологияларининг бир йўналиши бўлган маълумотлар базаси (**МБ**) ва маълумотлар базасини бошқариш тизимлари (**МББТ**) керакли ахборотларни автоматлаштирилган ҳолда сақлаш, уларни қайта ишлаш ва улардан оқилона фойдаланишда жуда муҳим роль ўйнайди. Чунки жамият тараққиётининг қайси жабҳасига назар солмайлик ўзимизга керакли маълумотларни олиш учун албатта **МБ**га мурожаат қилишга мажбур бўламиз. Шунини қайд қилиш лозимки, тармоқда фаолият кўрсатадиган **МБ**ни яратишда иккита муҳим шартни ҳисобга олмоқ зарур:

- Биринчидан, маълумотлар тури, кўриниши уларни қўллайдиган дастурий воситаларга боғлиқ бўлмаслиги яъни, **МБ**га янги маълумотларни киритганда ёки маълумотлар турини ўзгартирганда дастурни ўзгартириш талаб этилмаслиги лозим.

- Иккинчидан, **МБ**даги керакли маълумотни олиш ёки излаш учун бирор кўшимча дастур тузишга ҳожат қолмасин.

- **RНР** ва **SQL** асосида, веб-сайт кўринишида яратиладиган маълумотлар базаси ва уларни бошқариш тизимларнинг ўзига турдаш бўлган тизимлардан қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- Ҳозирги кунда барча муассаларда локал тармоғи ёки глобал (Интернет тармоғи) мавжуд. Бу ерда маълумотлар базасини бошқарувчи тизимларни яратиш ва улардан фойдаланиш учун кўшимча техник ҳамда дастурий воситаларнинг кераги йўқ.

- Маълумотлар базасига эркин мурожаат осон ҳал этилган. Бунинг учун тегишли веб-сайтга кириш ва керакли маълумотларга қидирув эълон қилиш кифоя.

• Бошқа дастурий воситаларда яратилган МББТ учун алоҳида ҳимоя тизимини ишлаб чиқариш тавсия этилади. Тармоқдаги маълумотларнинг ҳимояланиш даражаси тармоқ ҳимоясига боғлиқ ва юқори сатҳли.

Муаллифлар томонидан яратилган информацион тизим мобиль веб-сайт кўринишда МБ асосланиб шакллантирилди. Базага маълумот киритиш, уларни таҳрирлаш ва маълумотларни ўчириш имконияти фақат рухсатли фойдаланувчиларга (администратор, сайт эгаси ва бошқалар) яратилган ва улар учун махсус «Login» ва «Parol» лар ажратилган.

Маълумотларни ҳимоялаш мақсадида рухсатли фойдаланувчиларга барча ҳуқуқларни, жумладан, PROCESS, FILE, GRANT, SHUTDOWN ва RELOAD ларни бериш шарт эмас. Яратилган информацион тизимларда айнан шундай йўл тутилган. Бу ҳуқуқлар фақат администраторга берилиши мумкин. Чунки PROCESS ҳуқуқи ёрдамида бошқа фойдаланувчиларнинг нима қилаётганлигини ва қайси маълумотлардан фойдаланаётганликларини ҳамда уларнинг «Пароль» ларини аниқлаш мумкин. FILE орқали тизимли дастур файлларини (жумладан, паролларни ўзида сақловчи) ўқиш ва кўчириб олиш мумкин. GRANT ҳуқуқи орқали бошқа фойдаланувчилар устидан ҳукмронлик қилиш имкониятини яратиш мумкин.

Бундан ташқари базадаги маълумотларнинг ҳимоясини ошириш мақсадида host жадвалида доменли манзил ўрнига IP-манзилни ишлатиш зарурдир. Юқорида қайд этилган чора ва тадбирлар орқали серверда сақланадиган маълумотлар базасининг ҳавфсизлигини бир неча баробар ошириш имконияти яратилган бўлади.

Кейинги пайтларда маълумотларни ҳимоялашда хавфсиз сокетлар қатлами (SSL) усулидан фойдаланиш тавия этилмоқда. SSL Web-серверлар ва Web-браузерлар орасида хавфсиз маълумотлар алмашинуви протоколлар мажмуасидир.

Маълумки, тармоқда маълумот алмашинуви http протоколидан фойдаланилади. Бу протокол Transmission Control Protocol (TCP – узатмаларни бошқарувчи протокол) протоколини чақиради. Бу протокол ҳам ўз навбатида Internet Protocol (IP – тармоқлараро протокол)га боғланган.

SSL дан фойдаланиш натижасида юқорида қайд этилган протоколлар сафида яна битта протокол қатламини яратади. Бу қатлам транспорт қатлами билан иловалар қатлами орасида ҳосил қилинади. Унинг асосий вазифаси боғланишларни ўрнатиш, шифрлаш ва шифрларни очишдан иборат.

SSL технологиялари ўрнатилган тармоқда маълумот алмашинуви (маълумот узатилиши) қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1. Маълумотлар пакетларга тақсимланади;
2. Пакетлар сиқилади;
3. Ҳар бир пакет хеш-алгоритмлар асосида ҳисобланган хабарнинг аутентификация кодига (message authentication code, MAC) эга бўлади;
4. Код ва сиқилган маълумотлар комбинацияланади ва шифрланади;
5. Шифрланган пакет тармоқда узатилади.

«Аноним-суровнома» информацион тизимида юкорида келтирилган маълумотлар базаси хавфсизлигини таъминловчи омиллардан ташқари яна битта махсус хавфсизлик модули яратилди. Ушбу модуль шакллантирилган хар бир маълумотлар ёзувини ўрнатилган калитлар асосида симметрик шифрлайди, асосий назорат сумма ҳисобланади ва кейингина шифроматн ва назорат суммани базадаги жадвалнинг мос майдонларига киритади. Базадан ўкилаётган маълумотлар (шифроматн) дешифрланади, у учун назорат суммаси ҳисобланади, бу сумма базадан олинган асосий назорат сумма билан таққосланади. Таққослаш тўғри натижа берилгандан кейингина базадан олинган ёзув маълумот сифатида фойдаланувчига етказилади. Назорат сумма сифатида ёзув элементларининг ASCII кодидаги тартиб рақамларидан иборат сонли қатор жуфт ва тоқ ўринлардаги сонлар йиғиндиси ва айирмаси орасидаги фарқни олиш мумкин. Бундай модулдан фойдаланиш маълумотлар базасига мурожаат вақтини оширсада узоклашган компьютерлардан сервердаги маълумотлар базасига мурожаатларда катта самара бериши шухбасиздир.

Маълумки, МББТ лари ахборотларни базага ёзиш ва ўқишдаги хавфсизлик муаммосини икки йўл билан ҳал қилинади. Баъзи операцияларда, масалан, хавфсиз сокетлар қатлами (SSL) протоколларини яратиш, компьютернинг операцион тизими иштирок этади, баъзиларида эса, жумладан, ишлаб чиқилган махсус хавфсизлик модулида операцион тизимни четлаб ўтиб амалга оширилади. Маълумотларнинг таркибини ўзгартириш, уларнинг структурасини ўзгартиришни талаб қилмайдиган операциялар максимал даражада автоматлаштирилган бўлиши ва огоҳлантиришсиз бажарилиши керак.

Юкорида келтирилган мулоҳаза ва фактлар асосида қуйидаги умумий хулосаларга келишимиз мумкин:

- Рухсат этилган фойдаланувчиларга барча ҳуқуқларни бериш шарт эмас;
- Рухсатли фойдаланувчилар учун ажратилган «Login» ва «Page» ларни даврий равишда янгилаб туриш зарур;
- SSL технологияларидан фойдаланиш маълумотларни ҳимоялашнинг замонавий усулларидан биридир;

Махсус хавфсизлик модулларини маълумотлар базаси билан ишловчи информацион тизимлар таркибига киритиш орқали маълумотларнинг ишончли эканлигини тасдиқлаш ҳамда уларнинг ўзгартирилмаслигини таъминлаш мумкин.

## **АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИДЛАРНИ ТАСНИФЛАШ УСУЛЛАРИ**

*Э.Ф. Исоқов (ассистент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*  
*Н.С. Ибрагимова (талаба, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Ушбу мақолада ахборот тизимларида мавжуд хавфсизлик таҳдидларини таснифлаш усулларининг таҳлили келтирилган.

Ахборот ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиши ва Интернет тармоғидан фойдаланиш кўламининг кенгайиши натижасида ташкилотлар турли таҳдидларга заиф бўлиб бормоқда. Таҳдид турли манбалар, ишчилар ёки ҳакер орқали, кириб келиши мумкин. Symantec томонидан тақдим этиладиган Интернет хавфсизлиги таҳдидларнинг 2017 йил маълумотномасига асосан 2015 ва 2016 йиллар оралиғида илк маротаба дуч келинган зарарли файлларнинг миқдори 2 млн. га ортиб, 357 млн. ташкил этган [1]. Бу эса янги турдаги таҳдидларни ортганлиги ва уларни аниқлашда қатор камчиликлар мавжудлигини англатади.

Таҳдидларни аниқлаш учун таҳдид манбалари ва унга таъсир ўтказувчи тизим соҳалари маълум бўлиши талаб этилади. Таҳдидларни самарали таснифлаш бўлиши мумкин бўлган янги таҳдидларни аниқлаш, улар етказиши мумкин бўлган зарарни баҳолаш ва уларга тезкор жавоб беришда муҳим омил ҳисобланади. Таҳдидларни таснифлашда қуйидагиларга эътибор бериш талаб этилади [2]:

1. *Бир – бирини рад этувчи:* Ҳар бир таҳдид фақат бир гуруҳга тегишли бўлиши зарур.

2. *Кенг қамровлилик:* Таснифлашда туркумлар барча бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни ўзида мужассам этиши зарур.

3. *Бир қийматлилик:* Барча туркумлар таснифида мос бўлган аниқ ва тушунарли бўлиши шарт.

4. *Такрорланувчанлик:* Ким туркумлашидан қатъий назар такрорланувчи илова натижалари бир туркумга тегишли бўлиши шарт.

5. *Барча қабул қилган:* Барча туркумланишлар кўпчилик томонидан қабул қилинишга мантиқий, интуитив ва амалий томонлама осон бўлиши зарур.

6. *Фойдалилик:* Талаб этилган турли соҳаларда фойдаланувчан бўлиши, турли иловалар учун мослашувчан бўлиши зарур.

Таҳдид – бузғунчининг мақсади бўлиб, тизимда нима ҳаракатларни қилиш имкониятига эгаллигини англатади. Бундан ташқари у тизимни бузиб кириш учун таҳдидчининг имкониятларини тавсифлайди. Шундан келиб чиқиб, таҳдидлар икки турли: тизимда таҳдидни амалга оширишда таҳдидчи томонидан фойдаланилган технология ёки таҳдиднинг ташкилотга таъсирига асосланган ҳолда аниқланиши мумкин (1-жадвал) [2].

1-жадвал. Таҳдидларни туркумлашдаги ёндашишлар

Хужум технологиясига асосланган	Таҳдид таъсирига асосланган
1. <i>Уч ўлчамли ортогонал модел:</i> мотивация, локализация ва агент ёрликлари асосида.	1. <i>STRIDE модели:</i> (Spoofing - қалбакилаштириш, Tampering - ўзгартириш, Repudiation - рад этиш, Information disclosure - ахборотни ошкор бўлиши, Denial of service - хизматдан воз кечишга ундаш, Elevation of privilege - имтиёзнинг ортиши).
2. <i>Гибрид модел:</i> таҳдид частотаси,	2. <i>ISO модели:</i> ахборотни йўқ қилиниши,

<b>Хужум технологиясига асосланган</b>	<b>Таҳдид таъсирига асосланган</b>
тахдид ҳаракати соҳаси ва таҳдид монбасига асосланган куб модел (СЗ модел).	ахборотни модификацияланиши, ахборотни йўқотилиши, ахборотни ошкор бўлиши ва хизматни узилиши.
3. <i>Пирамида модели:</i> таҳдидчининг тизим ҳақидаги дастлабки билими, соҳанинг критиклиги ва ёқотишларга асосланган.	3. <i>NIMS модели:</i> алдаш, тўхтатиш, тортиб олиш, ошкор этиш, ўғирлаш ёки фирибгарлик.
4. <i>Қадам ва қадам таҳлиллаш:</i> тармоқга қаратилган, серверга қаратилган, иловага қаратилган.	4. <i>Web иловалар хавфсизлигига таҳдидлар:</i> аутентификациялаш, авторизациялаш, миждоз, буйруқни бажариш, маълумотни ошкор бўлишга қаратилган ва мантиқий таҳдидлар.
5. <i>Когнитив радио тармоқ тизимлари учун таҳдид модели:</i> когнитив ва симсиз тармоқларда таҳдид, когнитив тармоқ тизимлари учун махсус таҳдид.	5. <i>NIST таҳдид таснифи:</i> хатолик ва ноаниқлик, фирибгарлик ва ўғирлаш, ходимлар саботаж, физик ва инфратузилмали хизматни йўқолиши, зарарли хакерлар, саноат жосуси, зарарли код, ташқи давлат жосуслиги ва шахсий маълумотларга таҳдидлар.
6. <i>RFID модели:</i> физик, тармоқ транспорт, илова, стратегик, мултикатламли таҳдид турлари.	

Юқорида келтирилган таҳдидларни моделлари уларга қўйилган тасниф талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Мавжуд таҳдид туркумланишини фойдаланилган ўлчамлар сонига кўра қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Бир ўлчамли таснифлаш.
2. Кўп ўлчамли таснифлаш.

Бир ўлчамли таснифлашда маълум атрибут олинганлиги сабабли, таҳдидни таснифлашда қўйилган талабларга жавоб бермайди. Бундан ташқари мазкур моделлардан таҳдидни яхши тушинишнинг имкони бўлмаганлиги сабабли, уларга қарши ҳимоя чорасини танлаш мураккаб.

Кўп ўлчамли таснифлашда таҳдиднинг қатор атрибутлари олиниб, улар асосида таҳдид тасвирланади. Мазкур таснифлаш усули бир ўлчамли таснифлашга қараганда ўзининг аниқлиги ва масштаблиги билан унга қарши мос ҳимоя усулини танлаш имконини беради. Бироқ ушбу таснифлаш усули хужумлар, иштирокчилар, мақсад ва мотивациялаш орасидаги ўзаро боғлиқликни таъминламайди.

Олинган таҳлил натижаларига асосан таҳдидларни таснифлашнинг мазкур усули уларга қўйилган талабларнинг бир ёки бир нечтасига талаб бермайди. Мазкур таснифлаш усуллари барқарор муҳитларда таҳдидларни таснифлашда етарли саналсада, шароити ўзгарувчан муҳитларда таҳдидларни таснифлашни тўғри амалга оширмайди. Бошқа сўз билан айтганда ўзгармас ташкилотлар учун мавжуд таҳдидларни таснифлаш учун мавжуд усуллар етарли саналсада, оммавий алоқа, масалан, Интернет, учун улар етарли

саналмайди. Олинган таҳлил натижаларига асосан, таҳдидни таснифлашнинг ҳар иккала усулларининг мужассамлашган кўринишларидан фойдаланиш ўзгарувчан муҳитларда таҳдидларни таснифлашда юқори аниқликга эришишда ёрдам беради.

## **АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИДА ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ**

*О.Н. Бекмирзаев (ассистент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

*М.Ш. Бекмирзаева (талаба, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Хавфларни баҳолаш жараёнининг мақсади ахборот тизимида (АТ) ва унинг ресурсларига (активларига) нисбатан хавф-хатарларни аниқлашдан иборат. Олинган маълумотлар асосида воситалар танланиши мумкин. Хатарларни баҳолашда кўпгина омиллар ҳисобга олинади: ресурслар, таҳдидлар ва заифликларнинг аҳамиятини баҳолаш мавжуд ва режалаштирилаётган воситаларнинг самарадорлиги ва бошқалар.

Асосий хавфни таҳлил қилиш – асосий даражадаги хавфсизлик талабларига мувофиқ амалга оширилаётган хавф-хатарларни таҳлил қилиш. Берилган даражадаги мақсадга қаратилган амалий хатарларни таҳлил қилиш усуллари одатда ресурслар қийматини ҳисобга олмайди ва қарши чоралар самарадорлигини баҳолайди. Ушбу класс усуллари ахборот тизимида ахборот хавфсизлиги соҳасидаги талабларни ортмаган ҳолларда қўлланилади.

Тўлиқ хавфни таҳлил қилиш – ахборот хавфсизлиги соҳасида талабларни орттирган ахборот тизимлари учун хавфни таҳлил қилиш. Бу ахборот ресурсларининг қийматини аниқлаш, таҳдидлар ва заифликларни баҳолаш, етарли қарши чоралар танлаш, уларнинг самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади.

Хатарларни таҳлил қилишда таҳдид юзага келадиган кутилаётган зарарни амалга ошириш чоралар ва олдини олиш харажатлари билан таққосланади, ундан кейин баҳоланган хавф бўйича қарор қабул қилинади.

- камайди, масалан, таҳдид ёки вайрон қилувчи омил юзага келиши мумкин бўлган хавфни камайтирувчи ҳимоя воситалари ва механизмларини жорий қилиш йўли билан камайтирилди.

- йўқ қилинди, масалан, таҳдидли ресурслардан фойдаланмаслик йўли билан бартараф этиш.


- кўчиб ўтиш, масалан, ресурс суғирта қилинган, хавфсизликка таҳдид соладиган вазият юзага келди, зарар суғирта компанияси томонидан тўланади, манба егаси томонидан эмас.

- қабул қилинди.

Хавфларни баҳолаш жараёни жуда оғир, бу қуйидаги босқичларга бўлиниши мумкин: хавфни идентификациялаш; хавфларни таҳлил қилиш; хавфни баҳолаш.

Хавфларни идентификация қилиш хавфли элементларнинг рўйхатини ва тавсифларини тузишдан иборат: химоя объектлари, таҳдидлар, заифликлар.

Химоялаш объектларининг қуйдаги турларини ажратиш одатий ҳолдир: ахборот активлари; дастурий таъминот; жисмони активлар; хизматлар; одамлар, шунингдек уларнинг малакаси ва тажрибаси; ташкилотнинг обрўси каби номоддий реурслар.



1-расм. Ахборот хавфсизлиги хавфларини баҳолаш жараёнлари тасвирланган.

Ушбу ахборот хавфсизлиги хавф-хатарларни бошқариш методологиясини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин, компаниянинг бизнес эҳтиёжларини, энг яхши халқаро амалиётларга мос келишига ва жараёнларнинг керакли ҳаракатларини жуда батафсил тавсифига эга бўлиши керак.

1-жадвалда бугунги кунда энг оммалашган усулларнинг қиёсий таҳлили келтирилган. (*CRAMM, ГРИФ, RiskWatch, CORAS, MSAT*).

1-жадвал

Ахборот хавфсизлиги хавф-хатарларни бошқариш учун дастурий воситаларни таққослаш.

Таққослаш мезонлари	CRAMM	ГРИФ	RiskWatch	CORAS	MSAT
<b>Хавф-хатар</b>					
Хавфли тоифалардан фойдаланиш	+	+	+	+	+
Максимал хавф тушунчасидан фойдаланиш жоиздир	+	+	+	+	+
Хатарларни камайтириш режасини тайёрлаш	+	+	+	-	+
<b>Бошқариш</b>					
Менежери хабардор қилиш	+	+	+	+	+
Хавфни қисқартириш иш режаси	-	+	+	-	+
Тренинглари, семинарлар, учрашувларни ўз ичига киради	-	+	+	-	+
Бизнесда хавфларни баҳолаш/операцион хавфлар/ИТ-хавфлар	-	+	+	+	-
Ташкилот миқёсида хавфларни баҳолаш	+	+	-	+	+
Техник жихатдан хавфларни баҳолаш	+	+	+	+	+
<b>Хавфларни камайтириш учун тавсия этилаётган усуллар</b>					
Хавфларни излаб йўқ қилиш	-	+	+	-	-
Хавфларни камайтириш	+	+	+	+	+
Хавфларни қабул қилиш	-	+	-	+	+
<b>Жараёнлар</b>					

<b>Хавфли элементлардан фойдаланиш</b>					
Моддий бойликлар	+	+	+	+	+
Номоддий бойликлар	+	+	+	+	+
Тахдидлар	+	+	+	+	+
Моддий (активов) қиймати	+	+	+	+	+
Заифликлар	+	+	+	+	+
Хавфсизлик чоралари	+	+	+	-	+
Потенциал зарар	+	+	+	+	+
Тахдидларнинг эҳтимоли	+	+	+	+	+
<b>Хавф-хатарларни мониторинги</b>					
Ахборот хавфсизлиги чораларининг самарадорлигини мониторинг қилиш	-	+	+	-	-
Хавфларни камайтириш чоралари	-	+	+	-	+
Ахборот хавфсизлигида инцидентларга қарши туриш учун жараёнлардан фойдаланиш	-	+	-	-	+
Хавфларни баҳолаш натижалари бўйича тузилган ҳужжатлар	-	+	+	-	+

*Баҳолаш CRAMM:* ушбу методология бизнес жараёнларининг тавсифи ёки ўтказиладиган хавфларни баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот каби қўллаб-қувватловчи ҳужжатларни ҳисобга олмайди. Хавфларни бошқариш стратегиясига келсак, CRAMM уларни камайтиришнинг ягона усулларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Олдини олиш ёки қабул қилиш каби хавфларни бошқариш усуллари эътиборга олинмайди. Ушбу усулга қуйдагилар кирмайди.

*Баҳолаш ГРИФ:* ушбу методида хавфларни баҳолашнинг миқдорий ва сифатли усулларидан фойдаланади ва шунингдек, компания томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган шартларни белгилайди, хавфсизлик чораларини амалга ошириш учун инвестицияларнинг қайтарилишини ҳисоблашни ўз ичига олади.

*Баҳолаш RiskWatch:* ушбу усулда хавфларни баҳолашнинг миқдорий ва сифатли усулларидан фойдаланилади. Усул ёрдамида хавфларни таҳлил қилиш мураккаблигига нисбатан кичик.

*Баҳолаш CORAS:* методи ахборот хавфсизлиги хабардорлик дастури каби хавф-хатарларни бошқариш бўйича самарали чораларни назарда тутмайди.

*Баҳолаш MSAT:* ушбу дастурий маҳсулотнинг асосий кўрсаткичлари қуйдагилардир: бизнес таваккалчилик даражаси (бизнес муҳитга боғлиқ равишта ўзгарувчан хавф миқдори, турли хил фаолият соҳасидаги ташкилотларда тизим хавфсизлиги даражасини баҳолашда доимо эътиборга олинмайдиган муҳим параметир) ва эшикларни ҳимоя қилиш индекси (қисқача қиймат хавфсизлик даражаси).

Хулоса қилганда кўриб чиқилган методга асосланиб “хавфлар” ва “жараёнлар (хавфлар элементлардан фойдаланилган)” каби гуруҳлар талабига яхши мос тушади, лекин “мониторинг” ва “бошқарув” булимига кўра улардан бир нечтасини (CRAMM, CORAS) камчиликлари мавжуд, шунингдек “жараёнлар” бўлимининг кўплаб кичик бўлимида ҳам. Баъзилар (ГРИФ, RiskWatch, MSAT) хавфларни такрорий баҳолаш борасида



жадвал яратишда тўлиқ маслахат бериши мумкин. Бундай ҳолларда ўрта ҳажмдаги компанияларда хавфларни бирмарталик баҳолаш талаб қилинганда CORAS методидан фойдаланишни мақсадли тавсия қилишимиз мумкин.

## АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА РУТКИТЛАР ОРҚАЛИ ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН ЯШИРИН ТАХДИДЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШГА ЁНДАШУВ

*Н.Б. Насруллаев (катта ўқитувчи, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

*А.Д. Абдузаффоров (магистр, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Ҳар қандай даврда ҳам ахборотларни бузишга, ўзгартиришга, эгаллашга ва йўқотишга бўлган таҳдидлар мавжуд бўлган. Ҳозирги кунда эса ахборот тизимларида ушбу турдаги таҳдидлар яширин ҳолда учрамоқда. Улардан бири сифатида таҳдидларни руткитлар орқали яширишни келтирсак бўлади. Бунда руткитлар таҳдидларни ва зарарли дастурларни тизимда мавжуд эмасдек кўрсатади.

Мазкур тадқиқотда руткитлар орқали амалга ошириладиган яширин таҳдидлар ва зарарли дастурларни аниқлаш бўйича тавсия ва таклифлар бериш мақсад қилиб қўйилган. Бунинг учун руткитлар асосида олиб борилган таҳлилий маълумотлар, тадқиқот ва амалий ишлар таҳлил қилинган.

Ахборот хавфсизлиги (АХ)нинг таҳдидларининг асосий манбаларидан бири зарарли дастурлар ҳисобланади, жумладан компьютер вируслар, троянлар, червлар, мақсадли зарарли дастур ва бошқалар. Бу технологияда, аввало, дастурни ўзини ва ўзи таҳдидни амалга оширадиган ёрдамчи дастурларни таҳдидни аниқловчи антивирус дастурлардан беркитишга уринади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, руткитнинг асосий вазифаси – ўзига тегишли бўлган фактларни беркитиш ва ўз вазифаларини тўғри амалга оширилишини таъминлашдир.

АХ учун қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш “Умумий критериялар”да келтирилган. Расмда объектни баҳолаш учун тақдим этилиши керак бўлган хавфсизликнинг функционал талаблари (ХФТ) ва хавфсизликнинг ишонч талаблар (ХИТ)ни ишлаб чиқиш кўрсатилган.



Расм. ХФТ ва ХИТ тузиб чиқиш тартиби

Баҳолаш объекти хавфсизлигининг мохияти баҳолаш объектида қўлланиладиган аспектлар хавфсизлигидан иборат бўлиши керак. Бу мохият қуйидагиларни ўз ичига олади:

– объектни баҳолашда қўлланиладиган хавфсизлик аспекти тавсифи;

– таҳдидлар тавсифи, шу жумладан, объектни баҳолашда қўлланиладиган қурилмалар химоясига қўйилган талабларга қарши турувчи барча турдаги таҳдидларни ўз ичига олувчи;

– ташкилотнинг хавфсизлик сиёсати, идентификациялаш тавсифи ва объектни баҳолашда қўлланиладиган барча турдаги хавфсизлик сиёсати.

Ахборот хавфсизлиги орқали юзага келиши мумкин бўлган тасодифий ахборотга рухсатларни, ахборотни йўқотишни, нусхалаш, блоклаш, ўзгартириш каби рухсат этилмаган ҳаракатлар тўлиқлигича тушунтирилади.

Ҳозирги кунда руткитларда қўлланиладиган техникалар хужжатлаштирилмаган операцион тизим структурасига ва компьютернинг аппарат таъминотига таъсир кўрсатмоқда. Дастлабки қўлланилган яширинган таҳдидлар тизимда мавжуд дастур номини зараркунанда дастурга бериш орқали амалга оширилган. Масалан, зараркунанда дастур файл жойлашган йўналишини кўрсатувчи операцион тизим компоненти ўрнини унинг номи билан эгаллаган ва натижада тизимда зарарли дастур борлиги билинмаган. Бу каби зараркунанда дастурлар тизим бутунлигини назорат қилувчи қурилмалар орқали осонгина аниқланган.

Руткит зарарли дастурларнинг ўрнатилиши ва функциялари таркибида тизимга жўнатилмаслиги ҳам мумкин, аммо бир қатор яширин вазифаларни бажарувчи топшириқлар руткит ролини ҳам бажариши мумкин.

Ушбу ҳолда руткит бир вақтнинг ўзида иккита функцияни бажаради: зарарга учраган қурилмаларни таркибида мавжудлигини яшириш ва зарарга учраган қурилмага зараркунанда дастур орқали таъсир кўрсатиш.

Зарарли дастурларнинг бошқа синфларини қандай амалга ошириш борасида руткитлар усуллари фарқ қилмайди. Ахборот тизимларида ахборот узатиш каналлари орқали руткитлар ёрдамида бошқа ахборот тизимига алоқа ишлаб чиқиш мумкин.

Амалга оширилган тадқиқот шуни кўрсатадики, руткитлар орқали моделлаштирилган яширин таҳдидлар ўзида бир қатор зараркунанда дастурларни олиб келади ва маълумотлар бутунлигига етарли даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли ҳам яширин таҳдидларни руткитлар орқали моделлаштиришда асосий эътиборни уларни аниқлашга қаратиш лозим.

Мазкур таҳлил асосида руткитлар орқали моделлаштириладиган зараркунанда дастурлар ва таҳдидларнинг хавфи ахборот тизимлари учун етарли даражада сезиларлилиги аниқланди. Асосий тадқиқот йўналиши сифатида руткитлар орқали юзага келиши мумкин бўлган бошқа турдаги таҳдидларни аниқлашга ёрдам берувчи тизимлар ишлаб чиқишга эътибор қаратилади.

## **АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛОВЧИ МАВЖУД ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАР ТАҲЛИЛИ**

*А.И. Худойбердиев (ассистент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)  
И.С. Олимов (ассистент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Бугунги кунда ахборот хавфсизлиги соҳасида ташкилотларда хавфсизликни амалий нуқтаи назардан таъминловчи бир қатор халқаро стандартлар ишлаб чиқилган. Мисол сифатида ISO/IEC 17799:2005 (BS 7799-1:2002), ISO/IEC 15408, ISO/IEC 27001, ISO/IEC 27002, ISO/IEC 27005, ISO/IEC TR 13335, Германия стандарти BSI IT Protection Manual, АҚШ стандарти NIST, CobiT, ITIL, SAC, COSO, SAS 78/94 ва бошқаларни келтириш мумкин. Ушбу стандартлар ёрдамида соҳа ташкилотлари учун ахборот хавфсизлиги сиёсати хужжати, ахборот хавфсизлигини таъминлаш моделлари, ахборот хавфсизлиги ҳолатини экспертиза қилиш усуллари, ахборот хавфсизлигини таъминловчи дастурий воситалар ишлаб чиқилади.

ISO/IEC 17799:2005 (BS 7799-1:2002) стандарти

Халқаро стандарт ISO/IEC 17799:2005 (BS 7799-1:2002) “Ахборот хавфсизлигини бошқариш-Ахборот технологиялари” ахборот хавфсизлигини таъминлашда кенг қўлланиладиган стандартлардан ҳисобланади. Ушбу стандарт Буюк Британиянинг BS 7799-1:1995 (“Ахборот хавфсизлигини бошқариш учун амалий қўлланма”) стандартининг 1-қисмига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. ISO/IEC 17799:2005 (BS 7799-1:2002) стандартда объектларда ахборот хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги долзарб масалалар ўз ўрнини топган:

- ахборот хавфсизлигининг асосий тушунчалари;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш сиёсати;
- ташкилотлар учун ахборот хавфсизлигини ташкиллаштириш чора-тадбирлари;
- корпоратив ахборот тизими ресурсларини таснифлаш ва уларни бошқариш;
- ходим билан боғлиқ бўлган ахборот хавфсизлиги масалалари.

*COBIT стандарти* . Ҳозирги кунда корхоналардаги ахборот хавфсизлиги ҳолатини аниқлаб берувчи бир қатор давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар мавжуд. Ушбу ташкилотлар томонидан маълум бир стандартга асосланиб тизимдаги ахборот хавфсизлиги аудити амалга оширилади. Қуйида ахборот тизимини аудит қилишда қўлланиладиган стандартларнинг қиёсий таҳлили келтирилган.

*1-жадвал. Ахборот хавфсизлиги ҳолатини баҳоловчи халқаро  
стандартлар қиёсий таҳлили*

	<b>COBIT</b>	<b>SAC</b>	<b>COSO</b>	<b>SAS 78/94</b>
Аудит қилувчилар таркиби	Менеджер, фойдаланувчилар, ахборот тизими аудитлари	Ташкилотнинг ички аудитлари	Менежерлар	Ташқи аудитлар

Аудит сифатида тушунилади	Тизим, маълумотларни қайта ишлаш жорий қилинган хавфсизлик сиёсати талабларига мослигини аниқлаш	Бизнес жараёнлари, хавфсизлик сиёсати, кадрлар сиёсатини текшириш	Бизнес жараёнлари, компаниядаги хавфсизлик сиёсатини текшириш	Бизнес жараёнлари, компаниядаги хавфсизлик сиёсатини текшириш
Аудитнинг мақсади	Бизнесни ривожлантириш, ҳуқуқий норматив базага асосланган ҳолда тизимнинг эффективлиги ҳамда рентабиллигини ошириш	Ҳуқуқий норматив базага асосланган ҳолда бизнесни ривожлантириш, иқтисодий назорат	Ҳуқуқий норматив базага асосланган ҳолда бизнесни ривожлантириш, иқтисодий назорат	Ҳуқуқий норматив базага асосланган ҳолда бизнесни ривожлантириш, иқтисодий назорат
Қўлланилиш соҳаси	Режалаштириш ва ташкиллаштириш, вазифанинг қўйилиши ва бажарилиши, эксплуатация ва мониторинг	Ишлаб чиқаришни бошқариш, автоматлашган ва автоматик тизим эксплуатацияси	Ишлаб чиқаришни бошқариш, хавф-хатар менежменти, бошқарув ахборот тизими, корпоратив ахборот тизими мониторинги	Ишлаб чиқаришни бошқариш, хавф-хатар менежменти, бошқарув ахборот тизими, корпоратив ахборот тизими мониторинги
Аудит сертификатининг амал қилиш муддати	Вақт интервали	Текширув вақти	Вақт интервали	Вақт интервали
Аудит ўтказилганлигини регламентловчи ҳужжатлар ҳажми	Умумий ҳажми 4 та ҳужжат 187 бет	Умумий ҳажми 12 та қисмдан иборат 1193 бет	Умумий ҳажми 4 та том 353 бет	Умумий ҳажми 2 та ҳужжат 63 бет

#### ISO/IEC 15408 стандарти

ISO/IEC 15408 стандарти 1990 йилда Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) томонидан ахборот технологияларини хавфсизлик ҳолатини маълум мезонлар асосида баҳолаш учун ишлаб чиқилган. Ушбу стандартга Ўзбекистон Республикаси ҳам қўшилган. Ушбу стандарт 3 та қисмдан иборат.


О'z DSt ISO/IEC 15408 - 1:2016 ушбу стандарт хавфсизликнинг мустақил баҳолаш натижаларини таққослаш имконини беради. Бунга ахборот технологиялари (АТ) маҳсулотлари хавфсизлигининг функционал имкониятлари ва хавфсизликни баҳолашда ушбу маҳсулотларга қўлланиладиган ишонч чораларига қўйиладиган талаблар умумий тўпламининг тақдим этилиши билан эришилади. АТ маҳсулотлари аппарат, дастурий ёки дастурий-аппарат воситалар кўринишида амалга оширилиши мумкин.

Баҳолаш жараёнида, АТ маҳсулотлари хавфсизлигининг функционал имкониятлари ва ушбу маҳсулотларга қўлланиладиган ишонч чоралари ушбу талабларга жавоб беришига ишониш даражаси белгиланади. Баҳолаш

натижалари истеъмолчиларга ушбу АТ маҳсулотлари хавфсизликда уларнинг эҳтиёжларини қондириш ёки қондирмаслигини аниқлашда ёрдам бериши мумкин.

О'з DSt ISO/IEC 15408 стандарти хавфсизликнинг функционал имкониялари билан АТ маҳсулотларини ишлаб чиқиш, баҳолаш ёки сотиб олишда қўлланма сифатида фойдали ҳисобланади.

ISO/IEC 15408 стандарти структураси қуйидагича (1-расм):  
ISO/IEC 15408 стандарти      Ҳимоя профили



1-расм. ISO/IEC 15408 стандарти структураси

Хулоса ўрнида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- халқаро стандартларни таҳлил қилиш орқали соҳа ташкилотлар учун самарали бўлган ахборот хавфсизлиги сиёсати ҳужжатини ишлаб чиқиш мумкин;

- ушбу стандартлар ахборот хавфсизлиги ҳолатини объектив баҳолашда ижобий натижа беради;

- стандартларда белгиланган талаблар ва мезонлар асосида ахборот хавфсизлигини таъминловчи ва баҳоловчи дастурий воситалар ишлаб чиқиш самарали ҳисобланади;

- ISO/IEC 15408 стандарти ахборот технологиялари воситаларини ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан баҳолашда энг қулай ҳамда Республика меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларига мос келади.

## АХБОРОТЛАРНИ КРИПТОГРАФИК ҲИМОЯЛАШДА ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

У.У. Худойназаров (ассистент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ФФ)

Жамият тараққий этиб борган сари ахборотли жараёнларнинг ортиб бориши, ахборотларга бўлаётган таҳдидлар ортиб бормоқда. Бу каби ҳолатларни олдини олиш учун эса қандай соҳа бўлмасин албатта, ахборот хавфсизлигини, унинг конфиденциаллиги ва фойдаланувчанлигини таъминлашни амалга ошириши лозим.

Маълумки ахборотларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий, ташкилий ва инженер техник усуллари мавжуд. Ҳозирга кунда юртимизда ахборотни криптографик муҳофаза қилишнинг кўплаб инженер техник воситалари ва ташкилий усуллари ишлаб чиқилган. Шу билан бир қаторда ахборотни криптографик ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий таъминоти масаласи бўйича ҳам мамлакатимизда меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳам муҳим аҳамият

касб этмоқда. Негаки айнан меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар ахборотнинг физик химоя ва дастурий техник химояни амалга ошириш учун ҳам режа, ҳам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 3 апрелда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида ахборотнинг криптографик химоясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПҚ-614–сон қарори шулар жумласидандир. Мазкур қарорда ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситалари ва тизимларини ривожлантириш ҳамда фойдаланиш соҳасидаги стратегик устувор йўналишларни замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ равишда шакллантириш ва амалга ошириш, ахборотни криптографик муҳофаза қилишни стандартлаштириш, сертификатлаш ва лицензиялаш, бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришни таъминлаш, ахборотни криптографик муҳофаза қилиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ахборотни криптографик муҳофаза қилишнинг маҳаллий воситаларини ишлаб чиқиш каби асосий вазифалар белгилаб берилган.

Ахборот хавфсизлиги соҳасида мутахассислар ўз фаолиятларида мос стандартлар ва спецификацияларни четлаб ўта олмайдилар. Бунга сабаб, биринчидан стандартлар ва спецификациялар – аввало ахборот хавфсизлигининг муолажавий ва дастурий-техник даражалари бўйича билимларини тўплаш шаклларида бири. Уларда малакали мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган, тасдиқланган юқори сифатли ечимлар ва методологиялар қайд этилган. Иккинчидан, стандартлар ва спецификациялар аппарат-дастурий тизимлар ва уларнинг компонентларининг ўзаро қўшила олишлигини таъминловчи асосий восита ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрь санасидаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни химоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида ахборотлаштириш субъектлари томонидан қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартларининг ижро этилиши устидан назорат ва текширишнинг амалдаги механизми замонавий талабларга мувофиқ эмаслиги, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизлик соҳасидаги назорат тизими, муҳим ахборот инфратузилмасининг мукамал эмаслиги каби муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари баён этилган.

Ушбу масалаларга ечим сифатида корхона ва муассасаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича сиёсат, ташкилий тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ахборотларни алмашилиш ва химоясини таъминлашда мувофиқлаштирилган давлат стандартларидан фойдаланиш каби чора тадбирларни келтириш мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам юртимизда криптографияга оид ҳукумат қарорлари, тегишли давлат стандартлари, мувофиқлаштирилган халқаро стандартлар

жорий этилган.

Ушбу меъерий хужжатларда ахборотнинг криптографик муҳофазасига оид атама ва таърифлар, шифрлаш алгоритмлари, криптографик модулларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари, электрон рақамли имзони жорий этишга қўйиладиган талаблар ва бир қанча кўрсатмалар баён этилган.

Биргина мисол қилиб O'z DSt 1204:2009 ахборотнинг криптографик муҳофазаси, криптографик модулларга хавфсизлик талаблари давлат стандартида очик ва симметрик калитли криптографик модулларга қўйиладиган ягона хавфсизлик талабларини белгилайди ҳамда ахборотнинг криптографик муҳофаза қилиш воситаларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, сотиш (элтиб бериш) ва ундан фойдаланиш, Стандарт ЭҲМ, телекоммуникация тармоқлари, айрим ҳисоблаш комплекслари ёки ЭҲМда сақланадиган ва узатиладиган конфиденциал ахборотни муҳофаза қиладиган криптографик модулларга қўйиладиган хавфсизлик талабларини белгилаб берилган. Ушбу стандартнинг жорий этилиши эса криптотизимларни лойиҳадашда ўрнатиладиган хавфсизлик даражалари, хавфсизликка қўйиладиган талаблар, бардошли калитларни ишлаб чиқишга етарлича талабларни белгилаб беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ахборотларни криптографик ҳимоялашда ҳуқуқий нормаларни амалиётга жорий этилишини таъминлаш “Электрон ҳуқумат” тизимининг жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишига, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши курашишга тўсқинлик қилувчи қатор муаммоларни ҳал этилишида муҳим рол ўйнайди.

## **КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ХАВФИ**

*М.Х. Джаматов (катта ўқитувчи, ИИВ Академия)*

*Р.Ф. Худойбердиев (ўқитувчи, ИИВ Академия)*

Кибержиноятчилар киберхужумларга қарши замонавий технологияларни айланиб ўтиш умидида доимий равишда ўз усуллари ва қўллайдиган воситаларини такомиллаштириб боради. Кўпчиликка маълумки, 2018 йил дунё аҳлига шов-шувга сабаб бўлган тамагир-шифрловчилар киберхужумларини тақдим этди. Шунингдек, йирик корпорациялар ва миллионлаб фойдаланувчиларга зарар етказган, шахсий маълумотларнинг ўғирланиши билан боғлиқ кўплаб ҳодисалар содир бўлди ва бу жараён бугунги кунга қадар давом этмоқда.

Охириги йилларда давлатларнинг муҳим инфратузилмаларига ҳужумлар сонининг ошиши кутилмоқда. Ушбу ҳужумларнинг кўпчилиги мазкур объектлар фаолиятини бутунлай тўхтатиш учун уринишларга йўналтирилган бўлади. Қонунбузарлар бу каби объектларни шифрловчи-дастурлар ёрдамида зарарлантириши таҳмин қилинмоқда. Бу ҳужум уларнинг ишини бутунлай тўхтатади ва эвазига катта пул сўрайди. Энг ёмони, бундай киберхужумлар

миллионлаб одамларга зарур бўлган ҳаётий тизимлар учун реал хавф яратади. Кибержиноятчилар, айниқса, Шимолий Корея хакерлари охириги пайтларда биткоин ва бошқа рақамли валюталар эгаларини нишонга олмоқдалар. Бироқ экспертларни 2019 йилда биткоинларнинг ўғирланиши эмас, балки компьютерлар ҳисоблаш қувватининг ўғирланиши безовта қилмоқда. Криптовалюталарга эришиш учун катта миқдордаги ҳисоблаш қуввати талаб қилинади. Экспертлар қайд қилишларича, юзага келган бундай вазият хакерларни майнингдан фойланиш учун миллионлаб компьютерларга хуруж қилишга ундайди. Ҳатто Starbucks провайдери ҳам миждозларидан фойдаланган ҳолда криптовалютани майнинг қилган ҳолатлар маълум. Криптовалюталар курси кўтарилишда давом этадиган ҳолатда қонунбузарларнинг майнинг ҳужумлариган тайёр турушлари зарур бўлади. Рақамли валютани қўлга киритишга оид уринишларида жиятчилар касалхоналар ва аэропортларнинг тармоқларига ҳужумлар уюштириши мумкин, бу ҳолатлар тадқиқочиларни хавотирга соляпти.

Демак, кибержиноятчлар ўз ғаразли ниятларига эриши учун янги технологиялар хизматидан биринчи бўлиб фойдаланишга уринишади. Криптовалюталар курси ўсишни бошлаши билан хакерлар дарҳол минглаб фойдаланувчлар компьютерларини назоратларига оладилар, шунингдек, сунъий интеллект пайдо бўлганида ундан ўз қурбонларининг компьютер тизимларига зарарли дастурларни киритишда фойдаланиш йўлларини ўйлаб топдилар.

У ёки бу давлатда сайловлар натижаларига таъсир қилиш мақсадида уюштириладиган киберҳужумлар хавфи аллақачон янги турдаги ҳатарлар рўйхатидан чиқиб улгурган. Ўтган йиллар давомида Россия АҚШдаги Доналт Трампнинг янги президент сифатида сайланшига олиб келган сайловлар жараёнига аралашганлик каби айбловларга дуч келди. АҚШнинг Ички хавфсизлик вазирлиги ҳам ўтган йили россиялик хакерлар Американинг 21 штатидаги сайловларнинг мўлжал қилиб олганлиги ҳақида хабар тарқатди.

Канаданинг коммуникациялар хавфсизлиги маркази(ССЕ) ҳам 2019 йилда хакерлар ва бошқа давлатлар сайловларга таъсир ўтказишга ҳаракат қилиши мумкинлиги тўғирисида огоҳлантирган эди. Айни пайтда кибержиноятчиларда ҳужум йўналиши сифатида сайловчиларнинг электрон рўйхатлари овоз бериш учун машиналар ҳамда натижаларни таққослаш ва аудит қилиш учун дастурий таъминотлар мавжуд.

Бугунги кунда электрон тўловлар пластик карталар компьютер тармоқларининг кенг тарқалиши натижасида бевосита ҳам банклар ҳам банк миждозларининг пул маблағлари ахборот хуружларининг объектига айланмоқда. Пул ўғирлашга ҳар қандай ғаразли шахс уриниб кўриши мумкин. Бунинг учун унда компьютер ва интернет тармоғи бўлса бас. Бунда банк ичига жисмонан кириш ҳам шарт эмас, минглаб километр узокликдаги масофадан ҳам кирдикор мақсадини амалга оширади.



Молиявий тузилмаларнинг бевосита пул билан боғлиқ фаолияти кибербузғунчлар учун айниқса жозибадор кўринади. Ахборот хавфсизлиги соҳасидан мутахассислар масофавий банк хизмалари кўрсатишни ҳимоялашда катта муаммоларга дуч келмоқдалар. Турли муғомбирликлар катта талофатлар етказувчи фрод (электрон тижоятдаги фирибгарлик) билан курашиш учун банк соҳасида қимматбаҳо тизимлардан фойдаланишга тўғри келяпти.

Электрон терроризмнинг ўсишига оид таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, унинг бутун инсониятга нисбатан солаётган таҳдиди кун сайин ортиб бормоқда. Сабаби оддий. Бугун дунёда компьютер кириб бормаган хонадон қолмаяпти, тезкор интернет тармоғи истеъмолчини яратиш учун давлатлар ўртасида рақобат авж палласига кирмоқда.

Бу каби янги технологиялардан фойдаланиш мақсадида яратилган тармоқлар, афсуски, янгича кўринишдаги жиноятлар содир этилишига олиб келаяпти. Айтайлик, компьютер ичига “ёриб” кириш, тармоқ ичидаги ёки тизимдаги маълумотларни ўғирлаш ва ўзлаштириб олиш, кредит карталардан фуқароларнинг шахсий маблағларини ўзлаштириш, йирик ташкилотлар ёки жисмоний шахслар шахсий компьютерларига хавfli вируслар жўнатиб, электрон усулда маблағ талаб қилиш ҳолатларини кибертерроризмнинг ишлаш механизми сифатида кўрсатишимиз мумкин. Бундан ташқари, ушбу янгича террористик ҳаракатнинг хавfli томонларидан яна бири шуки, унинг инсониятга таъсири ядровий ҳамда кимёвий қуроллар соладиган таҳдиддан ҳам қимматга тушиш эҳтимоли юқориликча қолмоқда. Биринчидан, ушбу жиноятнинг ишлаш механизми халқаро таҳлилчилар томонидан тўлиқ ва асосли ўрганиб чиқилмаган. Иккинчидан, виртуал дунё ичидаги террорчини аниқлаш ва уни хавфсизлантириш мушкул, ўз-ўзидан биз яшаб турган борлиқдан фарқли равишда кибертеррорнинг излари деярли кўринмайди.

Афсуски, “электрон дунё” турли сиёсий кучлар учун ўзларининг террористик, экстремистик ташвиқотлар ва ғоялари, ўз қарашларини оммага тарғиб қилиш, ҳар хил жиноий тўдалар фаолиятларини амалга ошириш йўлида асосий қурол сифатида фойдаланишмоқда. Йирик салбий кучларнинг интернет тармоғида ўзларининг мафкуравий майдонларини яратиб, интернетда кенг қамровли ахборий террор – “электрон жиҳод” олиб бораётгани, глобал ва минтақавий хавфсизликка нисбатан янги таҳдидлар, муаммолар пайдо қилаётганлари дунё мамлакатлари олдида ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини келтириб чиқармоқда.

Кейинги пайтларда террорчилик тузилмалари ўз ғаразли мақсадлари йўлида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга уринаётгани бугун кўпчиликка сир эмас. Жаҳоннинг йирик давлатлари сингари Ўзбекистонга ҳам интернет шиддатли қадамлар билан кириб келмоқда ва кундалик ҳаётимизда ўз ўрнига эга бўлмоқда. Бугунги кунда ҳудудимизда интернет фойдаланувчилари сони йигирма бир миллиондан ошиб кетди.

Интернет тармоғи ўзининг тезкорлиги, тежамкорлиги ва очиклиги, назоратнинг сустлиги ёки умуман йўқлиги, дунё бўйлаб тарқалган фойдаланувчиларнинг мавжудлиги, ахборотларнинг тез ва арзон йўл билан тўлиқлигича тарқатилиши, ҳамфикр гуруҳларнинг ташкил этиш мумкинлиги, алоқаларнинг аноним экани, асл манбани аниқлаш имконсизлиги, стратегик объектлар, ҳарбий ташкилотлар компьютерларига ноқонуний уланиш имконининг мавжудлиги, тармоқларнинг яшовчанлиги билан террорчи ташкилотларни ўзига жалб қилаётир.

Бугун терроризм террорчилар яшириниб юрган ёки бош қароргоҳлари жойлашган муайян давлат ҳудуди билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Улар аллақачон кибер оламга кўчиб улгурганлар. Террорчи ташкилотлар ўз сафларини кенгайтириш ҳамда мақсадларига эришишда техника ва интернетнинг сўнгги имкониятларидан устамонлик билан фойдаланмоқдалар.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ушбу муаммони бартараф этишнинг ишончли воситаларини, мукамал дастурларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Ўзбекистоннинг турли тузилмалари томонидан ахборотларни узатиш тармоқларида таълим ва ёшлар учун яратилаётган ахборот ресурслари, ягона Ziyonet ахборот тармоғига бирлаштириб, ёшлар учун миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш имконини бермоқда.

Ахборот маконида таҳдидлар бор экан, миллий ахборот маконимизга чегара кўйиб бўлмаслигини назарда тутиб, келажагимиз ворисларини ўйлаб, вайронкорлик ва бузғунчилик мазмундаги ахборот оқимини чеклаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

## **БУЛУТЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЁНДОШУВЛАР ТАҲЛИЛИ**

*Файзуллаев М. (магистр, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ СФ)*

*Махмудов Ж.И. (талаба, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ СФ)*

Булутли ҳисоблаш (ингл. cloud computing) янги концепция сифатида такомиллашаётган Интернет воситаси бўлиб, фойдаланувчиларга ихтиёрий хизматга исталган жойдан боғлана олиш имкониятларини берувчи муҳит сифатида эътироф этилади. Ҳозирги кунга келиб, кўплаб мутахассислар «булут» ўз имкониятлар борасида Интернетдан ҳам устунлик қилади, деган фикрга эга бўлмоқдалар. Булутли ҳисоблаш технологиясининг тараққий топиши унинг мослашувчанлиги ва шаффофлиги билан бир қаторда, самара, сақлаш ресурслари, ҳисоблаш ресурслари, маълумот ва ахборотларни таъминлайдиган универсал коммуникация инфраструктурани яратишда асосий омил бўлаётганига олиб келди [1].

Булутли ҳисоблаш одатда, фойдаланувчига компьютер ресурслари ва қувватини интернет-хизмат кўринишида тақдим этади. Шундай йўл билан фойдаланувчига “соф” кўринишдаги ҳисоблаш ресурслари тақдим этилади ва

фойдаланувчи ўзининг масалаларига қандай компьютер ишлов бераётганлиги, қандай турдаги операцион тизим (ОТ) бошқарувида амалга оширалаётганлиги каби саволларга жавоб ололмаслиги мумкин ва аслида, бу саволларга жавоб излашнинг зарурати бўлмайди [5].

Булутли ҳисоблаш тизимларининг ҳозирги кунда оммалашиб бораётган моделлари асосан учта хизматларни тақдим этмоқда. Infrastructure as a Service (IaaS) модели - хизмат сифатида инфратузилма. Бунда фойдаланувчиларга хизматлар сифатида серверлар, тармоқ ускуналари ва маълумотларни сақлаш қурилмалари каби физик ресурслар тақдим этилади. Platform as a Service (PaaS) модели - хизмат сифатида платформа. Бунда фойдаланувчига дастурий ёки веб иловалар орқали хизматлар тақдим этилади. Software as a Service (SaaS) модели - хизмат сифатида иловалар. Бунда фойдаланувчиларнинг иловаларга хизмат сифатида киришни ва улардан фойдаланишни булутда ишга тушириш ва фойдаланувчининг талабларига мос хизмат кўрсатиш таъминланади. Истеъмолчилар булутнинг базавий инфратузилмаси, шу жумладан тармоқ, серверлар, операцион тизимларни бошқармайди. Охириги фойдаланувчига фақат кириш параметрлари (логин, пароль ва шу кабилар) хавфсизлиги ва провайдернинг иловаларни хавфсиз сошлаш бўйича кўрсатмаларини бажариш масъуляти юкланади.

Шу билан биргаликда, ушбу технологияни жорий этиш билан, унда сақланаётган ахборотларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда булутли ҳисоблаш тармоқларида мавжуд таҳдидлар ва уларга қарши курашиш механизмлари таҳлиliga тўхталиб ўтаемиз.

Булутли ҳисоблаш технологияларини бошқариш ва назорат қилиш – хавфсизликнинг асосий муомаларидан бири ҳисобланади. Яъни, бу соҳада булут элементлари бузилмаган, барча ресурслар ҳисобга олинган ва улар виртуал машиналар томонидан доимий назоратда бўлган ҳолат ҳали кўрилмаган. Бу ҳолат юқори поғонали таҳдид сифатида баҳоланади. Ҳимоя ишончилилик даражасини ошириш учун албатта хавф эҳтимоллигини бошқариш моделларини булутли инфратузилмага киритиш зарур. Шу билан биргаликда, физик хавфсизликни таъминлаш асосида сервер ва тармоқ инфратузилмасига физик кира олишни қаттиқ назорат қилиш талаби ортади.

Биринчи ўринда физик хавфсизликка қараганда тармоқ хавфсизлиги модели таҳдидларга қарши хавфсизликни ўзида намоён қилиб, тармоқлараро экран орқали уларни бартараф этади [1].

Булутли ҳисоблашлар хавфсизлигига талаб, маълумотларга ишлов бериш маркази хавфсизлиги талабидан фарқ қилмайди. Лекин маълумотларга ишлов бериш марказини виртуаллаштириш ва булутли муҳитга ўтишда янги таҳдидларни юзага келишига сабаб бўлади. Катта ҳажмдаги маълумотларга ишлов бериш физик поғонада назоратга олинади ва булутли муҳитда улар интернет орқали ишлайди. Киришни назорат қилаётгандаги чекловлар ва

ошкора ўзгартиришлар тизим даражасида таъминланиши асосий ҳимоя критерияси ҳисобланади [3].

Булутли ҳисоблаш серверлари ва локал серверларда бир хил операцион тизим ва иловалардан фойдаланилади. Бу эса булутли тизимлар учун масофадан туриб бузиш ёки зарарли дастурий воситаларни киритилишига йўл очиб беради. Паралел виртуал машиналар ҳужум хавфини кўпайтиради. Протоколларга асосланган таҳдидларнинг зарарли ҳаракатларини виртуаллик даражасида аниқлаш муҳим ҳисобланади. Виртуал машиналарда ишлаш орқали локал серверларнинг хавфсизлигини таъминлаш имкониятларидан фойдаланиш зарур.

Булут хавфсизлигини таъминлашнинг асосий ечими сифатида куйидагиларни олиш мумкин:

- Прокси сервер учун DOS - бу ҳужумдан самарали ҳимояни таъминлайди;
- Web сервер учун саҳифаларни яхлитлигини назорат қилиш;
- МББТ учун SQL ҳимоясини таъминлаш;
- Маълумотларни сақлаш воситаларида бекап (заҳира нусхалаш) дан фойдаланиш;
- Турли хил фойдаланишларга чекловлар қўйиш.

Юқоридаги санаб ўтилган ҳимоя механизмлари ишлаб чиқилган, лекин улар булутли ҳисоблаш тизими ҳимоясини таъминлаш учун ягона муҳитга бириктирилмаган. Шунинг учун булут яратилаётган вақтда, уларни ягона тизимга интеграциялаш муоммони ҳал бўлишига тўртки бўлади.

Ҳужумлардан бири Cross Site Scripting бўлиб, бу фойдаланувчилар паролини «ўғирлаш», web муҳитда мулоқот ахборотларини ушлаб қолиш ва шу каби таҳдидларга асосланган. Бундай ҳужумдан ҳимояланиш механизми аниқ аутентификация ва уни боғланиш вақтида шифрлаш (SSL)дан фойдаланишдир. Аммо бундай усул ҳимояси булут яратувчиларига жуда ҳам ноқулай ва кўп вақт талаб қилади.

Булутли ҳисоблаш тармоқларини бошқаришда тизимга ҳалақит бериш виртуал машиналарда носозликларни келтириб чиқаради ва бир виртуал машинани блоклаш орқали бошқа виртуал машинани айбдор қилиб қўяди. Булут соҳасида энг самарали хавфсизликни таъминлаш усулларида бирини Cloud Security Alliance (CSA) ташкилоти тақдим этган. Бу усулда куйидагилар асос қилиб олинган:

- Маълумотларни шифрлаш орқали сақлаш.
- маълумотларни узатиш хавфсизлиги. Бундай технологиялар жуда ҳам машҳур алгоритмлар ва ишончли протоколлар AES, TLS ва Ipsec орқали амалга оширилади.
- аутентификация ҳимоясида қўлланиладиган протоколлар. Бунда LDAP (Light Directory Access Protocol) ва SAML (Security Assertion Markup Language) протоколари ишлатилади.

- Истеъмолчиларни изоляциялаш. Бунинг учун қуйидаги технологиялар жорий этилган бўлиши керак: VPN (Virtual Private Network), VLAN (Virtual Local Area Network) ва VPLS (Virtual Private LAN Service).

Булутли ҳисоблашларда маълумот ҳимоясини таъминлашнинг асосий методлари:

- Ҳуқуқий.
- Ташкилий ва техник.
- Иқтисодий.

Булутли ҳисоблаш тизимларида ахборотлар хавфсизлигини таъминлашда асосий омил сифатида юқоридаги фикрларга таяниш муҳим аҳамиятга эга.

## **БУЛУТЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА АХБОРОТНИ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

*Х.К. Самаров (доцент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

*М.Т. Холмуродов (магистр, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Сўнгги йилларда булутли технология ёки булутли ҳисоблаш самарали бўлмоқда. Баъзи манбаларда булутли ҳисоблаш умумий тармоқ ҳисоблаш ресурслари ҳар томонлама ва қулай фойдаланиш имконини берувчи модел сифатида тавсифланади[1,6].

Булутли ҳисоблаш технологиясига бўлган қизиқиш уларнинг ишлатилишининг иқтисодий самараси билан боғлиқ. Фойдаланиш даврида истеъмолчилар ахборот узатиш марказлари, сервер ва тармоқ ускуналари, аппарат ва дастурий ечимларни сотиб олиш, узлуксизлигини ва ишчанлигини таъминлаш, шунингдек йирик ахборот технологиялари инфратузилмаси объектларини қуриш ва ишга тушириш учун капитал харажатларини сезиларли даражада камайтириши мумкин. Ушбу шартлар остида, ушбу муаммолар фойдаланувчилардан булутли хизмат кўрсатувчи провайдерларга ўтказилади ва фойдаланувчи фақат кўрсатиладиган хизматлар учун ҳақ тўлайди[2]. Бундан ташқари, булутли хизматлар фойдаланувчиларга ҳисоблаш қуввати, файлни сақлаш, дастурий таъминот ва шунга ўхшаш параметрларни созлаш билан мослашувчанликни таъминлайди.

Бироқ, аниқ афзалликларга карамай, булутли ҳисоб-китоблардан фойдаланишда бир қатор муаммоли масалаларни ҳал қилиш талаб этилади. Муҳими, хизмат кўрсатувчи провайдерга бўлган ишонч бўлиб, унинг мавжудлиги, узлуксиз ишлаши, рухсат этилмаган фойдаланишдан ҳимоя қилиш ва булутда узатиладиган ва қайта ишланган фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини сақлаб қолишнинг барча босқичларида ахборотнинг махфийлиги, яхлитлиги, ҳақиқийлиги ва ишончлилигини таъминлайди.

Маълумот хавфсизлиги учун асосий хавф қуйидагилар [5]:

1) тартибга солиш (трансмиллий маълумотларни узатиш тартибини тартибга солиш ва юридик жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича чекловлар);

2) технологик (сервердан маълумотлар узатишда кечикишлар ва дастурларни ишлатишда танқидий хатолар юзага келиши, шунингдек, кучли ахборот марказларининг дунёдаги кўплаб истеъмолчиларга хизмат қилиши).

Булутли технологиялар учун стратегик масалалардан бири маълумот марказларининг жойлашуви ҳисобланади, кўпинча бундай марказлар оффшор юрисдикцияларда ёки муайян географик хусусиятларга эга зоналарда ва кўпинча киберхавфсизлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш соҳасига жавоб бермайдиган қонунларга эга мамлакатларда жойлашганлиги.

Масалан, Google маълумот марказлари нафақат АҚШда, балки дунёдаги кўпгина мамлакатларда жойлашган.

Хавфсизликнинг бузилишига олиб келувчи асосий таҳдидлар қуйидагилар:

1. Имтиёзли фойдаланувчилар муаммоси. Булутдаги ахборот хавфсизлигининг энг катта таҳдиди - бу тизим функцияларига ёки булут хизматларининг маъмурларига имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фойдаланувчилардир, шунинг учун мумкин бўлган бузғунчи хатти-ҳаракатларнинг хавфини камайтириш учун уларни булутда ўзларининг ҳаракатларини мустақил мониторинг ва назорат қилиш тавсия этилади.

2. Булутли ҳисоблашни тақсимлашга тўсқинлик қилувчи асосий муаммолардан бири - турли давлатлардан ахборотни қайта ишлаш, узатиш, сақлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунларнинг номувофиқлиги. Ушбу муаммони ҳал этиш, булут хизмат провайдери серверларини турли мамлакатлар ва минтақаларда жисмоний жойлаштириш имкониятининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

3. Хизмат кўрсатувчи провайдерга бўлган ишонч фақатгина булут хизмат провайдерининг хавфсизлик аудитини олиб бориши ва унинг хавфсизлик тизими халқаро стандартлардаги маълумотларни ҳимоя қилишнинг халқаро талабларига мувофиқлигини текшириш орқали ҳал қилиниши мумкинлиги.

4. Муаммоли фойдаланувчиларни хизматлар ва маълумотлардан фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги, уларнинг ишдан сўнг тикланишлари ёки маълумотлар йўқотилиши маъмурий-ҳуқуқий даражаларда кўриб чиқилиши. Фойдаланувчилар билан шартномалар тузилганда, томонларнинг мажбуриятлари ва уларнинг жавобгарлик чоралари ушбу оқибатларга олиб келадиган ҳодисанинг ҳолатларига қараб аниқ белгиланиши ва тергов учинчи шахс томонидан амалга оширилиши шартлиги.

Инновацион усулларни қўллаш доирасида янги конфигурацияга асосланган булутли ҳисоблаш тушунчаси қўлланилади. Янги конфигурация Apache туркумининг Hadoop (framework), Hbase (no relaziv маълумотлар базалари турларидан бири) каби янги технологиялардан иборат бўлиб, у ҳам булутли ҳисоблаш тизимининг ишлашини яхшилади, лекин айни пайтда хавфга олиб келиши мумкин[3]. Булутли ҳисоблаш муҳити фойдаланувчи учун ресурсларни тўлиқ сотиб олишга имкон беради, бу эса хавфсизликка оид хатарлар хавфини оширади.

DNS да хатолик мавжуд бўлганда: компьютер номи ҳужумга учраса ёки бузилган бўлса, у тизимдаги фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун, DNS-нинг булутли ҳисоблашдаги улуши салмоқлидир ва унинг самарадорлиги ахборот хавфсизлигидаги муваффақиятнинг калитидир. Домен номини ҳимоялашни кучайтириш жуда муҳимдир.

Тезкор маълумотлар блокларини тиклаш ва ўқиш/ёзишни бошқариш: маълумотлар тугуни (DataNode) маълумотлар билан ишлашдаги муаммолар ва қийинчиликлар мавжуд бўлган маълумот тўплаш тугунидир. Бундан ташқари, бошқа имкониятларни ҳисобга олиш керак: киришни бошқариш, файлларни шифрлаш ва шу кабилар.

Маълумотларни муҳофаза қилишнинг бутун жараёни конфиденциаллик, яхлитлик ва мавжудликка асосланган. Махфийлик далил ёки ахборотнинг махфий функцияси деб аталади ва ахборот хавфсизлигининг энг жиддий талабларидан биридир. Булутли ҳисоблашда маълумотлар хавфсизлиги ва маълумотлар махфийлиги янада муҳим бўлган маълумотлар марказларида маълумотлар йиғилади. Маълумотларнинг яхлитлиги ҳар қандай шаклда рухсатсиз ўчириш, ўзгартириш ёки зарарни кафолатлаш учун муҳим рол ўйнайди. Маълумотларнинг мавжудлиги фойдаланувчиларнинг булутли ҳисоблаш потенциалидан фойдаланиш орқали маълумотларни ишлатиши мумкинлигини билдиради. [4].

Тизимнинг уч қатламли ҳимоя тизими маълумотларни муҳофаза қилишда самарали ҳисобланади. Биринчи қатлам тегишли идоралар томонидан берилган рақамли сертификатлардан фойдаланувчини тасдиқлаш учун жавоб беради; фойдаланувчи кириш кодларини бошқаради. Иккинчи қатлам фойдаланувчи маълумотларини шифрлаш, шунингдек фойдаланувчининг шахсий ҳаётини муайян тарзда ҳимоя қилиш учун жавоб беради. Учинчи қатлам - тезкорлик билан фойдаланувчи маълумотидан фойдаланишдир.

Булутли ҳисоблаш технологияларининг ахборот хавфсизлиги масаласи сезиларли яхшиланишни талаб этади ва кўп жиҳатлар - устувор ўзгаришлар ва ривожланишга зарурат туғдиради. Булутли ҳисоблашлардан фойдаланишда тақдим этиладиган имтиёзларнинг умумий таркибида ҳозирги вақтда яхши таҳлил қилинмаган ва ҳали ҳам муҳокама қилинаётган кўплаб хавфсизлик муаммолари ўз ечимини кутмоқда.

## **МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ҲИМОЯЛАНГАНЛИК ТАҲЛИЛИ**

*Д.С. Файзиева (докторант, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

*Ҳ.Б. Ҳакимов (магистр, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Ҳозирги замондаги телекоммуникацион технологиялар ва хусусан Интернет тармоғи тақдим этаётган имкониятлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак энг муқобил таълим олиш усулларида бири бу масофавий таълим саналади. Телекоммуникацион технологияларни амалда қўлланила бошланганиданок масофавий таълимнинг ўрнини белгилаб қўйди, яъни бу

таълим шакли кўшимча бўлиб асосий таълим шакли сифатида қаралмайди. Телекоммуникацион ва ахборот технологияларининг шиддатли ўсишига қарамасдан оддий усулдаги дарслар қандай ўтиб келинган бўлса шундай давом этмоқда.

Масофавий таълимни ташкил этиш усуллари таҳлили. Масофавий таълимни самарадорлигини унга сингдирилган педагогик маъно билан тушунтириш мумкин, яъни бунда асосан икки бир-биридан фарқланувчи усулни алоҳида эътироф этиш керак.

Биринчи усул бугунги кунда кенг тарқалган бўлиб, педагог билан талаба ўртасидаги ахборот алмашинувини назарда тутди. Бунда билим деганда узатилаётган ахборот тушунилиб, талабалар шахсий тажрибага ега бўлмайдилар ҳамда билимларини тартиблаш жараёни ташкиллаштирилмайди.

Иккинчи усулда эса талабаларнинг самарали иш фаолияти асос сифатида олиниб замонавий телекоммуникацион воситалар ёрдамида курилади. Бу ёндашув ахборот ва педагогик технологияларни уйғунлаштириш натижасида таълим жараёнининг самарадорлигини ошишига хизмат қилади. Бу ҳолда ахборот алмашинуви жараёни ёрдамчи сифатида намоён бўлади. Таълим жараёни синхрон кўринишда реал вақтда олиб борилади (чат, видео кўнғироқ, педагог ва талабалар учун умумий “виртуал доска”лар ва хоказо), ва яна асинхрон кўринишда (электрон почта асосидаги телеконференциялар). Бу усулдаги масофавий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари бу шахсийлиги, ижодий телекоммуникацион характерга эгаллигидир, усулнинг мақсади эса масофада жойлашган талабанинг ўзини ижодий ифода қилиши олишини ташкил этишдир. Масофавий ўқитиш Интернет-таълими билан узвий боғлиқдир, бироқ концепциялар нуктаи назардан бир-биридан фарқ қилади, интернет-таълимда техник ва технологик хусусиятларга таянган ҳолда глобал ресурслардан кенг фойдаланишни назарда тутди. Интернет-таълимда педагог ва талабаларнинг бир-бирларидан узоқда жойлашишлари шарт эмас.

Ҳозирги вақтда масофавий таълим учун ташкилий ва педагогик имкониятлар электрон почта, мавзу тарқатиш рўйхатларини, электрон журналлар, Usenet конференциялари, суҳбат, ICQ, веб-конференциялар, хабарномалар ва бошқалар каби деярли барча мавжуд телекоммуникация хизматлари орқали амалга оширилади. Умумий воситалардан ташқари комплекс тарзда ташкилий ва педагогик масалаларни ҳал эта оладиган махсус дастурий таъминотлар ҳам мавжуд. Мисол учун, видеоконференциялар учун ClassPoint тизимини мисол тариқасида келтириш мумкин. Ўқитувчи 12 тагача видеотасвирни бир вақтда кўра олади ва талабаларга ҳам шунча видеотасвирни кўришга рухсат бера олади. Хар бир талаба гапираётган гапни “синф”да эшитади. Талабалар умумий муҳокамада иштирок этадилар, 4 тагача талаба бир вақтнинг ўзида гапиришлари мумкин. Ўқитувчи дарсни Интернет орқали умумий “синф доскасида” тушунтиради. Ёзма чатдан эса педагог умумий суҳбат учун ёки айнан бир талаба билан



сухбатлашиш учун фойдаланиши мумкин. “Диққат маркази” деб аталувчи соҳа ўқитувчига бир нечта талабаларни жавоб беришга “чақиришга” ёки аксинча талаблар ўзлари жавоб бериш учун мурожаат қилишлари имконияти мавжуд бўлади. Бунда ўқитувчига мурожаат қилинганда талабалар ўз сўровларига статус беришлари ҳам мумкин (фавқулотда, фавқулотда бўлмаган ва ҳоказо).

Санаб ўтилган телекоммуникацион ва ахборот воситалари асосида турли хил педагогик фаолият жараёнларда қўлланилиши мумкин. Масалан, лаборатория ишлари ва амалиётлар, рухсат этилмаган объектларга виртуал ташриф буюриш, мактаб ўқувчиларининг компьютерда сўзлашувини ташкил этиш, бундан ташқари педагогларни ўзаро алоқаси ва кўплаб шунга ўхшаш нарсалар. Бу воситалар ҳам алоҳида ҳам дуплекс режимида ишлаши мумкин. Мисол учун, ўқувчиларга таълимдаги мавжуд муаммолар ҳақида маъруза материали тақдим этилади. Ҳар бир талаба муаммони ечиб уни бошқа курсдошларига жўнатади. Бу ечимлар элетрон почта ёрдамида таққосланади ва муҳокамага қўйилиб, талабалар саволлар, фикрлар ҳамда хулосалар билан алмашишади.

Масофавий таълим нафақат талабаларга нисбатан, балки педагогларга малака оширишдан ташқари масофавий конференциялар ҳамда мусобақаларда ҳам қўл келади. Мисол учун, турли шаҳарларда бўлиб ўтаётган конференцияларни масофавий технологиялар ёрдамида бирлаштириш мумкин. Интернет “тармоқ” ўқитувчисининг ролини оширади, чунки уларнинг таъсир доираси телекоммуникация ёрдамида оддий ўқув жараёнига нисбатан бир неча мартага ошади. Истеъдодли ўқитувчи нафақат уни ўраб турган одамларга нафи тегиши, балки унинг вазифаси ундан масофавий технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим олмоқчи бўлганларга ҳам ёрдам беришдан иборат бўлади. Охирги юз йилликда энг яхши ўқитувчилар бу масофавий ўқитувчилар ҳисобланади.

Масофавий таълим тизими қуйидаги афзалликларга эга:

– индивидуал шаклда маълум фан таълими – берилган материалларни ўрганиб чиқишга вақтини талабанинг шахсий ҳолатидан ва хоҳишидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

– ўрганишдаги эркинлик – талаба таклиф этилган курслардан истаганини танлаши ҳамда мустақил тарзда курс вақтлари ва давомийлигини ўрнатиши мумкин бўлади;

– ҳар қандай одамнинг ўрганишга рухсат этилганлиги – сизнинг географик жойлашувингиздан қатъий назар сиз масофавий таълим технологиялари жорий этилган ҳар қандай олий ўқув юртида таълим олишингиз мумкин;

– ўзаро сухбат тезлиги – ўзаро алоқа жараёнини самарали ташкил этиш таълимнинг айрилмас қисми саналади;

– таълим жараёнининг технологиклиги – жараёнда замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш;

– ижтимоий тенглик – бунда яшаш жойидан, соғлиғи холатидан, миллати ва молиявий холатидан қатъий назар бир хил имкониятлар тақдим этилади.

Бироқ кўзга ташланадиган салбий томонлари ҳам мавжуд:

– ўқитувчи ва талабалар ўртасида хақиқий, “инсоний” мулоқотнинг йўқлиги. Яъни, таълим ва тарбияга қаратилган индивидуал ёндашувнинг йўқлиги. талабанинг олдида унга ўзининг эмоциялари билан берилган материални тушунтириб берадиган педагогнинг йўқлиги бу катта камчилик саналади;

– индивидуал-психологик шароитларнинг йўқлиги. Масофавий таълим олиш учун доимий ўзини тартибга солиш туйғуси бўлиши керак, таълимдан олинадиган натижа эса бевосита талабанинг мустақил ўргана олиш қобилиятига боғлиқ бўлади;

– материалларни олиш учун ресурсларга доимий муракот қилиш (электрон дарсликлар, видеоматериаллар ва ҳоказо). Бунинг учун талабада техник жиҳатдан яхши таъминланган жой бўлиши керак, бироқ масофавий таълим олмоқчи бўлганларнинг ҳаммасида ҳам компьютер ва интернетга уланиш учун шароит йўқ;

– назарий билимларни мустахкамлаш учун амалий дарсларнинг йўқлиги;

– доимий назоратнинг йўқлиги. Камдан кам инсонлар дангасаликка қарши чиқа оладилар;

– ўқув жараёнда фойдаланиладиган материлларнинг етарли даражада яхши тайёрланмаслиги, чунки бу ҳозирги кундаги яхши ўрганиб чиқилмаган соҳа ҳисобланади;

– масофавий таълимда жараён одатда ёзма шаклда амалга оширилади бу эса ўз навбатида баъзи талабаларга ўз фикр ва мулохазаларини оғзаки етказишнинг имконияти йўқлиги берилган материалларни ўзлаштиришда муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

Масофавий таълим шакли ўзининг ҳам салбий ҳам ижобий тарафларига эга, бироқ унинг келажакда ривожланиш имконияти ҳам мавжуд. Янги технологиялар бизга фан ва таълимда янги йўналишлар кашф қилишга ҳамда ривож топишимиз учун янги имкониятлар яратишимизда қўл келади.

## **МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАСИГА ДОИР**

*Д.С. Файзиева (докторант, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Ахборот технологияларининг ривожини, локал ва глобал тармоқларнинг кенг тарқалиши туфайли ҳар қандай олий ўқув юртининг муваффақиятли фаолиятида масофавий таълим тизимининг (МТТ) мавжудлиги катта аҳамиятга эга. Чунки, замонавий масофавий таълим барча инсонларга, уларнинг ижтимоий холатидан (талабалар, фуқаролар, ҳарбийлар ва ҳ.) қатъий назар, мамлакатнинг ихтиёрий ҳудудларида, ҳатто чет мамлакатларда таълим ва ахборот олиш ҳуқуқларини амалга оширишларига имкон беради. Амалиётдан маълумки, масофавий таълим тизими олий ўқув юртининг

ахборот тизими асосидаги гетроген, тақсимланган иловаларидан иборат бўлиб, ўқувчилар ва ўқитувчи орасида интреактив мулоқотни ташкил этиш учун WEB-сервердан фойдаланади. Ушбу тизим ўзининг ишлаши жараёнида қатор тасодифий ва қасдли характерга эга салбий таъсирларга дучор бўлади. Бу эса, нафақат масофавий таълим тизими, балки олий ўқув юрти ахборот хавфсизлигининг бузилишига сабаб бўлиши, ҳамда таълим жараёнининг барча иштирокчиларига зарар етказиши мумкин. Масофавий таълим тизимидаги ахборот хавфсизлигининг асосий муаммоларини, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва манбаларини, ҳамда уларнинг оқибатларини аниқлаш учун аввал тизимнинг структурасини муҳокама қилиш ва ундаги энг жиддий ва заиф жойларини аниқлаш лозим. Қуйидаги расмда масофавий таълим тизимининг наъмунавий структураси келтирилган.

Намунавий структурадаги асосий функционал компонентлар қуйидагилар.

1. веб-илова – ташқи интерфейс бўлиб, талабаларнинг ўқув курсларининг мазмунидан, презентацияларидан, мультимедиа – материалларидан, тестлардан фойдаланишларини ва ўқитувчилар билан интерактив мулоқотни масофадан ташкил этишга мўлжалланган.

2. маълумотлар базаси. Унда ўқув курсларининг тўлиқлик даражаси, баҳолаш материаллари, электрон дарсликлар, талабалар учун ахборот ва ўзлаштириш хусусидаги маълумотлар сақланади.

3. МТТ сервери – тизим ядроси ҳисобланади ва қуйидаги функционал имкониятларни таъминлайди:

– МТТ фойдаланувчиларини рўйхатга олиш ва уларнинг ҳисоб ёзувларини бошқариш;

– МТТ функцияларидан ва тўлиқлик даражасидан фойдаланиш ҳуқуқларини чеклаш ;

– МТТ ни маъмурлаш ва ҳимоялаш;

– таълим олувчиларни ҳисобга олиш, ўқитиш ва тестлаш натижаларини кузатиш;


– ўқув материалларини яратиш ва уларнинг импортини таъминлаш;

– фан каталогларини бошқариш;

– МТТдаги ҳодисалар хусусидаги ахборотни рўйхатга олиш;

– Олий ўқув юртининг бошқа ички ахборот инфраструктураси билан ўзаро алоқаси.

МТТ мақсади-ўқув жараёни субъектларининг, платформага жойланган ресурслар ва инструментлардан фойдаланиш ҳисобига, ўзаро оптимал алоқасини таъминлаш. Ўзаро алоқанинг асосий субъектлари: ички (ўқитувчилар, методистлар, ўқув курсларининг маъмурлари) ва ташқи фойдаланувчилар (талабалар ва таълим олувчилар). Субъектларнинг малакаси ва мотивлари МТТ хавфсизлиги ҳолатига, демак, таълим жараёнининг фойдаланувчанлигига ва сифатига таъсир қилади.



Расм. Масофавий таълим тизимининг намунавий структураси.

## **МОБИЛ АЛОҚА ТИЗИМЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ**

*М.О. Султонова (ўқитувчи, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Мобил алоқа тармоқлари ахборот хавфсизлигининг асосий ташкил этувчилари конфиденциаллик, яъни ахборотларни рухсат этилмаган олинанишидан ҳимоя қилиш, яхлитлик, яъни ахборотларни ва ресурсларни рухсат этилмаган бузилишидан ҳимоя қилиш, улана олишлик, яъни ахборотларни ва ресурсларни рухсат этилмаган блокировкаланишидан (тўсилишидан) ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Мобил алоқа тармоқлари ахборот хавфсизлигининг асосий ташкил этувчилари қуйидагилар ҳисобланади:

- конфиденциаллик, яъни ахборотларни рухсат этилмаган олинанишидан ҳимоя қилиш;
- яхлитлик, яъни ахборотларни ва ресурсларни рухсат этилмаган бузилишидан ҳимоя қилиш;
- фойдалана олишлик, яъни ахборотларни ва ресурсларни рухсат этилмаган блокировкаланишидан (тўсилишидан) ҳимоя қилиш.

Мобил алоқа тармоқларининг ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг ўсиб бориши шароитларида бўлиши мумкин хавфсизликнинг бузилишларни

акс эттирадиган ва бузувчиларни аниқлайдиган ахборот хавфсизлигини бошқариш жараёнларини мос тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш зарур.

Мобил алоқа тармоқлари ахборот хавфсизлигининг замонавий ҳолати учун тез ечилишини талаб қиладиган қуйидаги муаммолар характерли ҳисобланади:

- турли мобил алоқа тармоқлари учун ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ўзаро мувофиқлигининг, шу жумладан стандартлар, протоколлар, ахборот ресурсларининг мавжуд эмаслиги;

- эълон қилинмаган имкониятларга (“қўйилмалар” ва бошқалар) потенциал бўлган ҳорижий ишлаб чиқариш техник воситаларидан кенг фойдаланиш;

- ҳуқуқбузарликнинг асосли базасини яратиш учун зарур бўладиган мобил алоқа тармоқларининг ишлатилишини ҳужатлаштирилиши услубиятини етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

- мобил алоқа тармоқларининг умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларига уланишида ва ўзаро ишлашида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс ечимларнинг мавжуд эмаслиги;

- эълон қилинмаган функцияларни ишлатадиган ва тармоқларнинг нормал ишлашини бузадиган компонентлар ва дастурларнинг жорий этилиши имконияти;

- тармоқ ишлатилган муҳофаза қилиш механизмлари томонидан ахборот хавфсизлигини таъминлаш жараёнига берилган талабларни бажарилмаслиги;

- хавфсизлик талабларига мувофиқ сертификатланмаган техник воситаларнинг ишлатилиши.

Мобил алоқа тармоқлари ахборот хавфсизлиги муаммоларини ечиш қуйидаги омиллар туфайли мураккаблашади:

- ҳорижий ишлаб чиқариш техник воситаларининг ишлатилиши;

- берилган матнларсиз ҳорижий дастурий масулотларнинг етказиб берилиши;

- ахборот хавфсизлиги бўйича етказиб бериладиган техник воситалар курилмаларининг, шу жумладан мобил телефонларнинг сертификатлаштириш жараёнининг мавжуд эмаслиги.

Мобил алоқа тармоқлари ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари берилган бузувчининг таъсирлари шароитларида ахборотларни узатилиши жараёнларини блокировкаланишидан ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланувчиларнинг узатиладиган ахборотларини ўз вақтида узатилиши, ҳақиқийлиги ва яхлитлигини таъминлаш ҳисобланади.

Мобил алоқа тармоқлари ахборот хавфсизлигини таъминлаш функцияси техник воситаларга ва тармоқда айланадиган ахборотларга (фойдаланувчилар маълумотлари, бошқариш маълумотлари ва тижорат жараёнларига боғлиқ маълумотлар) фойдалана олишни қийинлаштирадиган ташкилий-техник тадбирларнинг ишлатилишидан иборат.

Бундан ташқари, мобил алоқа оператори тармоғига уланган умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоғи инфратузилмаси ахборот хавфсизлигининг муаммоларига қуйидагилар киради;

- биринчиси – мобил алоқа тармоқларининг умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоғига, айниқса анъанавий операторлар тармоқларига уланиши;

- иккинчи муаммо – ахборот хавфсизлиги талаблари бўйича техник воситларнинг сертификатланиши.

Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари (УФТТ) операторларида, агар мобил алоқа оператори тармоғи томонидан ахборот хужумига учраса, ўз телекоммуникациялар тармоғи ахборот соҳасининг яхлитлиги хавотирга тушишига асос мавжуд бўлади. УФТТ да ишлатиладиган телекоммуникацион технологияларни, уларнинг ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан заифликларининг таҳлили кўрсатдики, бу тармоқлар очик каналлардан бузувчиларнинг ахборот таъсирларига етарлича учрайди. Бу заифликлар катта эҳтимолликда ахборотларни узатилиш жараёни блокировкалаш ёки тармоқни бошқариш учун фойдаланилиши мумкин.

Мобил алоқа тармоқларида хавфсизликка асосий таҳдидларнинг таҳлили кўрсатдики, уларнинг кўпчилиги қуйидагиларга олиб келади:

- ниқоблашга, бунда жиноятчилар хизматларга рухсат этилмаган фойдалана олишни (РЭФО) олади, яъни уларнинг тўловларини рўйхатга олинган фойдаланувчи тўлайди;

- фойдаланувчи маълумотлари трафикларининг конфиденциаллигини бузилишини келтириб чиқаришга қодир бўлган маълумотларни, фойдаланувчининг жойлашган ўрни ҳақидаги маълумотларни ва бошқаларни қўлга киритишга;

- алоқа сифатини ёмонлаштириш ёки уни бутунлай блокировкалаш мақсадидаги атайин ҳалақитларга;

- абонетларни обуна қилишдаги фирибгарликка.

Амалиётнинг кўрсатишича, хужумларга асосий нуқталар қуйидагилар ҳисобланади:

- радиоканаллар;

- ер усти сегментлари;

- фойдаланувчилар терминаллари.

Бунда бузувчи таҳдидларни ишлатилишига қуйидаги учта асосий ёндашишдан фойдаланади.

- каналларни яширинча эшитиш;

- фирибгарлик;

- рўйхатга олинган фойдаланувчилар ва қурилмалар остида ниқобланиш.

Мобил алоқа тармоғи ахборот хавфсизлигини таъминлаш босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- мавжуд технологиялар, стандартлар ва протоколлар;

- ечиладиган масалалар рўйхати;

- конфигурацияни танлаш;

- техник воситалар ва дастурий таъминотнинг характеристикалари ва жойлаштириш.

Халқаро амалиёт кўрсатадики, мобил алоқа тармоғига бузувчиларнинг таъсири оқибатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тармоқда узатиладиган ахборотни қўлга киритилиши;
- фойдаланувчида ҳақида маълумотларни (маълумотлар омборини) олиш;
- мобил терминалларга маълум манзиллар бўйича ёпирилган қўнғироқларни ва маълумотларни узатишни келтириб чиқара оладиган вирусларни киритиш йўли билан тармоқни қайта ишга тушириш;
- мобил терминалларнинг нормал ишлашини, уларга киритилган вируслар (дастурий таъминот ва физик элементлар) ёрдамида бузиш;
- тақдим этилган хизматларга тўловлар ҳақида маълумотларни бузиш ва ахборот-оммутацион тизимни вируслар билан зарарлаш мақсадида тармоқ элементларининг, асосан биллинг тизимларининг ишлашини бузиш.

## **АХБОРОТ-КУТУБХОНА ТИЗИМЛАРИДА ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НОРАВШАН МОСЛИК МОДЕЛИ**

*Ш.Б. Норматов (докторант, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Бугунги кунда ахборот-кутубхона тизимлари (АКТ)нинг илмий-техник ва таълимга оид ресурслари хавфсизлигини таъминлаш муаммоси қуйидаги омиллар билан тавсифланади:

- илмий аборотлар ҳажми ва унинг фойдаланувчилари сонининг кескин ошиши;
- илмий-тадқиқотлар натижаларининг технолгиялар, ҳарбий, иқтисод ва бизнес ҳамда таълим тизими ривожланишига таъсир даражасининг юқорилиги;
- илмий ахборотлар (электрон илмий журналлар, китоблар, маълумотлар базалари ва ҳк.) ва уларга обуна қийматининг ошиб бориши;
- локал ва глобал тармоқларда электрон илмий ресурсларга киришга мўлжалланган замонавий ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситаларининг ривожланиши;
- ташкилот раҳбарлари ва мутахассисларининг мавжуд таҳдидлар, ахборотдан руҳсатсиз фойдаланиш воситалари ва химоя чоралари ҳақида етарли даражада хабардор эмаслиги;
- қимматли илмий ахборотларни тарқатиш бўйича ахборот консорциумлар ва бирлашмаларнинг ривожланиши.

АКТ ахборот хавфсизлиги (АХ)ни таъминлаш жараёни формаллаштириш масаласи ресурслар, уларга нисбатан таҳдидларни, АХ таъминлаш даражасини, АХни таъминлаш бўйича чораларни аниқлаш ва улардан энг оптималини танлашни формал тавсифлашга олиб келинади.

Ахборот ресурсларининг барча бўлиши мумкин бўлган ҳолати ва баҳосини ўз ичига олувчи  $R = \{r_1, r_2, r_3 \dots r_n\}$  тўплам берилган.

$r_i$  – ресурсни сақлаш шартлари; (экспертлар томонидан ўрнатилган, обуна қиймати ёки бошқа йўллар билан аниқланган) ресурс баҳоси; ахборотдан фойдаланиш шартлари (парол ёрдамида, онлайн, шахсий компьютерда, локал тармоқда вабошқалар), ахборотлар ҳажми; ахборотнинг кўриниши ва бошқалар бўлиши мумкин.

$T = \{t_1, t_2, t_3 \dots t_n\}$  ахборот ресурслари учун барча бўлиши мумкин бўлган таҳдидларни ўз ичига олувчи таҳдидлар тўплами.

Шунингдек,  $C = \{c_1, c_2, c_3, \dots c_n\}$  АХ таъминлаш бўйича чоралар тўплами.

$R_i \subset R$  –  $R$  нинг қисм тўплами бўлиб, конкрет объектга (кутубхона, фонд) таалуқли ахборот ресурсларининг ҳолатларини ва баҳоларини ўз ичига олади. Яъни у конкрет вазиятни тавсифлайди.

$T_j \subset T$  – конкрет  $R_i$  вазиятга мос бўлган таҳдидлар қисм тўплами.

$C_k \subset C$  – конкрет  $R_i$  вазият учун  $T_j$  таҳдидлар юзага келганда АХ таъминлаш чораларининг қисм тўплами.

АХ таъминлаш масаласи конкрет  $R_i$  вазият (Вазиятлар) учун  $T_j \subset T$  таҳдидларни аниқлашга, ҳамда улар (Таҳдидлар) учун энг мақбул чора (Чоралар) ларни аниқлашга олиб келинади.

Амалиётда  $R$ ,  $T$  ва  $C$  тўпламлар ўртасидаги мосликларни аниқлаш қийин масала ҳисобланади. Шу сабабли мавкур масалани ечишда норавшан тўпламлар назариясининг мослик моделларидан фойдаланиш таклиф этилмоқда.

Норавшан мослик модели (НММ) деганда объектнинг  $\tilde{\Gamma} = (X, Y, \tilde{F})$  кўринишидаги формаллашган тасвирланиши тушунилади. Бу ерда  $X, Y$  – равшан тўпламлар.  $\tilde{F} - X \times Y$  да норавшан тўплам.

$X$  ва  $Y$  тўпламлар чекли бўлганда норавшан мослик график ва матрица кўринишида берилиши мумкин. Матрица кўринишида  $\tilde{\Gamma} = (X, Y, \tilde{F})$  норавшан мослик  $R$  матрица инциденти ёки мосликнинг тузилмавий модели ёрдамида берилади.

Кирувчи тўпламларнинг сонига боғлиқ ҳолда НММ биринчи ва иккинчи турда берилиши мумкин. Биринчи турдаги НММ деб,  $\tilde{\Gamma} = (X, Y, \tilde{F})$  кўринишидаги моделга айтилади [1]. Бу ерда  $\tilde{F} - X \times Y$  да норавшан тўплам. Иккинчи турдаги НММ деганда  $\tilde{G} = \tilde{\Gamma}1 \circ \tilde{\Gamma}2$  композицион норавшан мослик тушунилади. Бу ерда  $\tilde{\Gamma}1 = (X, Y, \tilde{F}1)$ ,  $\tilde{\Gamma}2 = (Y, Z, \tilde{F}2)$  ёки  $\tilde{G} = (X, Y, Z, \tilde{F})$ , бу ерда  $\tilde{F} - \tilde{F}1$  ва  $\tilde{F}2$  композицияси графиги.

1-жадвал. 2-турдаги “Вазият-Таҳдид-Чора” норавшан мослик модели

Вазиятлар белгилари			Таҳдидлар		Таҳдидни бартараф этиш бўйича чоралар		
$R_1$	...	$R_n$	Лў*	Термлар	$C_1$	...	$C_m$
$\mu < r_1, t_t^1 >$	...	$\mu < r_n, t_t^1 >$		$t_t^1$	$\mu < t_t^1, t_c^1 >$	...	$\mu < t_t^1, t_c^1 >$



$\mu < r_1, t_t^2 >$	...	$\mu < r_n, t_t^2 >$	$T_1$	$t_t^2$	$\mu < t_t^2, t_c^2 >$	...	$\mu < t_t^2, t_c^2 >$
...	...	...		...	...	...	...
$\mu < r_1, t_t^k >$	...	$\mu < r_n, t_t^k >$		$t_t^k$	$\mu < t_t^k, t_c^l >$	...	$\mu < t_t^k, t_c^q >$
...	...	...	...	...	...	...	...
$\mu < r_1, t_p^1 >$	...	$\mu < r_n, t_p^1 >$	$T_k$	$t_t^1$	$\mu < t_t^1, t_c^i >$	...	$\mu < t_t^1, t_c^i >$
$\mu < r_1, t_p^2 >$	...	$\mu < r_n, t_p^2 >$		$t_t^2$	$\mu < t_t^2, t_c^i >$	...	$\mu < t_t^2, t_c^i >$
...	...	...		...	...	...	...
$\mu < r_1, t_p^k >$	...	$\mu < r_n, t_p^k >$		$t_t^k$	$\mu < t_t^k, t_c^i >$	...	$\mu < t_t^k, t_c^i >$

\* лингвистик ўзгарувчилар.

НММни амалга ошириш конкрет амалий аҳамиятга эга ва олтмишта академик кутубхоналар ўртасидаги корпоратив алоқаларини таъминловчи АРМАТ++ автоматлашган кутубхона тизими учун “Ахборот хавфсизлиги” қисм тизимини яратиш учун мўлжалланган.

“Ахборот хавфсизлиги” қисм тизими бир нечта босқичларда амалга оширилади:

1. Ахборот манбалари, таҳдидлар, ҳимоя усуллари ва воситалари ҳамда АХни баҳолаш мезонларини ифодалаш йўли билан барча бўлиши мумкин бўлган вазиятлар тўғрисидаги ахборотлар йиғилади.

2. Экспертлар баҳоси  $\mu$  асосида билимлар базаси шакллантирилади. Экспертлар, асосан, АХ соҳасидаги ҳамда илмий техник ва таълимга оид ахборот ресурсларни баҳолаш соҳасидаги мутахассислар бўлади. Экспертлар  $R \times T$  ва  $T \times C$  (“Вазият – Таҳдид - Чора” туридаги мослик бўйича) муносабат учун тегишлили функциясиининг қийматини ўрнатишади. Бу билимлар базасини шакллантиришнинг асоси ҳисобланади. НММни амалга ошириш учун норавшан мосликларни қайта ишлаш алгоритмидан фойдаланилади [1].

3. Конкрет  $R_i$  вазиятлар учун бўлиши мумкин бўлган  $T_j \subset T$  таҳдидлар аниқланади, шунингдек улар (Таҳдидлар)ни бартараф этиш учун энг макбул бўлган  $C_k \subset C$  (Чоралар) аниқланади. Охирида, таҳдидларнинг амалга ошишига рухсат бермаслик ёки уларни бартараф этиш учун чоралар тўпламини бажаришга оид тавсиялар берилади.

## БАНК ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*М.М. Сагатов (профессор, И.Каримов номидаги ТДТУ)*

*Н.С. Юлдашева (ўқитувчи, И.Каримов номидаги ТДТУ)*

Ҳозирги вақтда банк маълумотларини хавфсиз сақлаш, паролларни мунтазам алмаштириш ва текшириш ҳамда ахборотнинг сирқиб чиқиши (утечка) эҳтимоллигини назоратлашни таъминлаш зарурати банк фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Ўғирлаш ва банк тизимини бузиш учун нияти бузуқнинг банкга бостириб кириши шарт эмас. Тармоқ фойдаланувчиси ўзининг шахсий компьюттери ёрдамида банкга бостириб киришини амалга ошириши мумкин. Шу сабабли, банкларда ахборотни ҳимоялаш жиддий муаммолардан бири ҳисобланади.

Банк ахборот тизими ва маълумотлар базаси таркибида банк миждозлари, уларнинг ҳисоб рақамининг ҳолати ва турли молиявий амалларнинг ўтказилиши хусусидаги конфеденциал маълумотлар мавжуд. Ушбу маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарурати шубҳасиз, аммо банк тизимининг ишга лаёқатлигини таъминлаш учун ахборотни ўз вақтида оператив тарзда алмашиш ва ишлаш талаб этилади.

Банк маълумотларини ва миждоз базаси конфеденциаллигини ҳимоялаш чораларининг кетма-кетлигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- конфеденциал ахборотни баҳолаш;
- ҳимояни амалга ошириш учун объектни жихозлаш;
- кўрилган чораларнинг самарадорлигини назоратлаш.

Банк ўзининг фаолиятини тўлақонли амалга ошириш учун ички маълумотларни тартибли алмашиши ва ҳимоя тизимининг ишончилиги талаб этилади. Банк объектларининг ахборот ҳимояси жихозлари турли шаклда бўлиши мумкин. Ҳимоянинг муайян шаклини танлашда бостириб киришнинг ва маълумотлар сирқиб чиқишининг барча бўлиши мумкин бўлган усулларини ҳисобга олиш лозим.

Маълумотлар конфеденциаллигининг бузилишини бартараф этиш бўйича ҳимоянинг комплекс чораларини ишлаб чиқиш қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

- маълумотлар алмашишининг назорати;
- банк ходимлари билан ишлаш;
- каналлар ва серверларни қатъий ҳисобга олиш;
- самарадорлик таҳлили.

Ушбу ҳаракатларнинг ҳар бири бир неча босқичлардан иборат. Масалан, *маълумотлар алмашишининг назорати* нафақат ахборотни узатиш тезлигини назоратлашни, балки қолдиқ маълумотни ўз вақтида йўқ қилишини ҳам кўзда тутди. Ушбу ҳаракат маълумотлар ишланишини қатъий назоратлашга ва уларнинг криптографик ҳимоясига мўлжалланган. Банк маълумотларидан фойдаланиш идентификация тизими, яъни пароллар ёки электрон калитлар ёрдамида ҳимояланади.

*Банк ходимлари билан ишлаш* йўл-йўриқни кўрсатиш ва зарурий талабларнинг бажарилишини назоратлашни ўз ичига олади. Сирқиб чиққан ахборотнинг аксарият қисми банк ходимларининг маъсулиятсизлиги билан изоҳланади. Статистика бўйича қонун бузилишининг 80% банк ходимлари томонидан, яъни маълумотлардан бевосита фойдаланиш ҳуқуқига эга ёки эга бўлган шахсларга тўғри келади.

*Каналларни ва серверларни қатъий ҳисобга олиш*, ҳамда ахборотнинг техник ҳимоясини ва банк хавфсизлигини таъминловчи чоралар резерв нусхаларнинг ҳимоясини, қимматли ахборотга эга жихозларни энергия билан узлуксиз таъминлашни, сейфлардан чекланган фойдаланишни ва акустик усул ёрдамида ахборотни сирқиб чиқишидан ҳимоялашни кўзда тутди.

Кўрилган чораларнинг самарадорлигини баҳолаш учун ахборотни химоялашда ишлатилган воситаларнинг ишга лаёқатлигини ва таъсирчанлигини белгиловчи маълумотларни ёзиб бориш лозим.

Бостириб киришнинг ва ахборотнинг сирқиб чиқишининг кўпгина имкониятларига қарамай, банк маълумотлари хавфсизлигини ва уларнинг конфиденциаллигини бемалол таъминлаш мумкин. Замонавий усуллар криптография тизимини такомиллаштиришга ҳамда электрон рақамли имзо каби чорани амалга оширишга имкон беради. Электрон рақамли имзо ўз кўли билан қўйилган имзо аналогига ҳисобланади ва имзо эгасига сақланувчи электрон калитга бевосита боғланган.

Хулоса сифатида айтиш лозимки, банк тизимларининг иқтисодий нуқтаи назаридан муҳимлиги туфайли, уларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш албатта бажарилиши керак бўлган шарт ҳисобланади. Банкларнинг маълумотлар базасидаги ахборот реал моддий қийматга эга бўлганлиги сабабли, ушбу ахборотни хавфсиз сақлаш ва ишлашга талаб ортаверади.

## **AXBOROT TIZIMLARIDA ZARARKUNANDA DASTURLARNING TA'SIRI**

*O.N. Mavlonov (assistent, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU SF)*

*A.N. Muhamadiyev (assistent, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU SF)*

Axborot xavfsizligi mavzusi hozirgi kunda yanada dolzarb ahamiyatga ega bo'lmoqda. Masalan, IDC (International Data Corporation – axborot texnologiyalar va telekommunikatsiyalari jahon bozorini o'rganish bilan shug'ullanuvchi Xalqaro tadqiqotlar va konsalting kompaniyasi) kompaniyasining ma'lumotlariga ko'ra, yaqin ikki yil ichida dunyodagi mamlakatlarning yarmidan ko'pi o'z kiberxavfsizlik doktrinasiga ega bo'ladi, qolaversa, dunyoning ko'plab yirik kompaniyalari bugunning o'zida, o'zlarining xavfsizlik tizimi arxitekturasini sezilarli darajada qaytadan qurishmoqda va bunda zamonaviy trendlarni hisobga olgan holda, yanada dolzarb ko'rinishga keltirishmoqda.

Mamlakatimizda, axborot xavfsizligi umumiy korporativ biznes-strategiyasining ajralmas va muhim qismi ekanligini anglab yetish jarayoni yanada sezilarli namayon bo'lmoqda. Axborot xavfsizligida audit o'tkazish va axborot xavfsizligi masalalarini hisobga olgan holda, korxonani rivojlantirish individual dasturini yaratishning muhimligini tushunuvchi mahalliy buyurtmachilarning soni kundan-kunga oshib bormoqda. Axborot xavfsizligi masalalarini hal etish hozirgi kunda dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.

Shunday ekan, zararlantiruvchi dasturiy ta'minot, avvalo kompyuter viruslari axborot tizimiga jiddiy xavfni yuzaga keltiradi. Bu xavfni mensimaslik foydalanuvchi axboroti uchun jiddiy oqibatlarni keltirib chiqarishi mumkin. O'z vaqtida kompyuter viruslari tahdidlariga o'ta yuqori e'tibor qaratish ham axborot tarmog'ining imkoniyatlaridan to'liq foydalanishga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Zararlantiruvchi dasturiy ta'minot ta'siri mexanizmlari hamda ularga qarshi

kurashish usul va vositalarini bilish, ularning kompyuter va axborotlarga zarar yetkazishiga qarshi kurashni samarali tashkil etishga imkon yaratadi.

Axborot tizimida zararlantiruvchi dastur ta'minoti mavjudligini foydalanuvchi quyidagi belgilar orqali bilib olishi mumkin:

– ekranda zararlanganlik yoki zararlanish ehtimoli mavjudligi haqida antivirus vositalarining xabarlari paydo bo'lishi, antivirus vositalarining o'z-o'zidan ishlamay qolishi;

– monitor yoki printerga uzatiluvchi xabarlar, tovush effektlari, dasturlarning tasodifan ishga tushib ketishi, fayllarning o'chirib yuborilishi kabi tizimda virus mavjudligini bildiruvchi belgilar;

– kompyuter tizimining qurilma va dasturiy ta'minotidagi ishdan chiqishlar, u yoki bu ma'lumotni qayta ishlash vaqtining cho'zilib ketishi, disklardagi bo'sh joylarning asossiz kamayib ketishi, skaner-dasturlar tomonidan virusni skaner qilishni rad etilishi, tizimning "osilib qolish"i va boshqalar;

– foydalanuvchi tomonidan elektron pochta orqali yuborilmagan xabarlarining tarqatilishi.

Dasturiy ta'minotning zararliligi yoki foydaliligini ko'p jihatdan foydalanuvchi tomonidan yoki uni qo'llash usuli bilan belgilanadi. Zararlantiruvchi dasturlarning umume'tirof etilgan klassifikatsiyasi hozirgacha mavjud emas. Bu borada birinchi urinishlar o'tgan asrning 90-yillarida CARO (Computer AntiVirus Researcher's Organization) antivirus mutaxassislari alyansi tomonidan amalga oshirilgan.

Biroq, vaqt o'tishi bilan zararlantiruvchi dasturlarning shiddat bilan rivojlanib ketishi, yangi platformalarning yaratilishi hamda antivirus kompaniyalari sonining ortib borishi natijasida CARO tizimi ishlamay qo'ydi. Uning ishlamay qolishiga yanada ko'proq ta'sir qilgan sabab, bu turli antivirus kompaniyalarining detektorlash tizimi texnologiyalari turlicha bo'lib, buning natijasida turli antivirus dasturlarining tekshirish natijalarini yaqqol taqqoslashning imkoni bo'lmay qoldi. Shunday bo'lsada, ba'zan antivirus dasturlari tomonidan detektorlanuvchi obyektlarni yangi umumiy klassifikatsiyasini ishlab chiqishga harakatlar qilinmoqda. Bu borada so'nggi e'tiborli loyiha CME (Common Malware Enumeration) standartining tuzilishi bo'lib, uning mohiyati bir xil toifadagi detektorlanuvchi obyektlarga yagona identifikator berishdan iborat.

"Kasperskiy laboratoriyasi" kompaniyasi tomonidan taklif etilgan klassifikatsiyaga ko'ra, undagi mutaxassislar zararlantiruvchi dasturiy ta'minotni zararlantiruvchi dasturlar (Malware) va eng keraksiz dasturlarga (PUPs, Potentially Unwanted Programs) ajratishni taklif etadilar. O'z navbatida zararlantiruvchi dasturlarga quyidagilar kiradi: kompyuter virusi va qurtlar, troyan dasturlari, shubhali tahlovchilar (upakovkalov- chilar) va zararlantiruvchi utilitlar.

Bunday toifadagi dasturlarga quyidagilarni misol keltirish mumkin:

Constructor - yangi kompyuter viruslari, qurtlari va troyan dasturlarini tayyorlash uchun mo'ljallangan dasturlar.

HackTool - noqonuniy foydalanuvchi tomonidan lokal kompyuter yoki tarmoqdagi kompyuterga hujumlar uyushtirish uchun foydalaniladigan dasturlar.

Spoofing - jo'natuvchining qalbaki manzili orqali xabarlar va tarmoq so'rovlarini yuborish imkonini beruvchi dasturlar.

DoS - kompyuterlarga DoS-hujumlarni uyushtirish uchun mo'ljallangan dasturlar.

Alohida ta'kidlash joizki, iqtisodiyotni raqamlashtirishning faol jarayonlari ham Axborot xavfsizligi bozorini rivojlantirishning bir qator asosiy yo'nalishlarini belgilab beradi. Bozorda, foydalanuvchining xatti-harakatlarini tahlil qilish, uning harakatlarida belgilangan normalardan chiqish kabi holatlar hisobiga, ro'y berishi mumkin bo'lgan nosozliklar haqida oldindan ogohlantiruvchi texnologiyalarni yaratishga bo'lgan qiziqish kuzatilmoqda. Korporativ ma'lumotlar yuboriladigan kanallarning soni oshib borishi va buning oqibatida, ularni nazorat qilish yanada murakkablashishi, qolaversa, «inson omillari» axborot xavfsizligiga bo'lgan asosiy tahdidlardan biri bo'lishi mumkin. Tahdidlarning yana bir manbai – bu zararkunanda xizmatlar sanoati bo'lib, ular o'z faoliyat ko'lamini doimiy ravishda kengaytirib bormoqda.

Hozircha, afsuski, ichki bozorda import o'rnini bosuvchi AX mahsulotlari haqida gapirishga erta. Shunday ekan, bugungi kunda axborot xavfsizligi uchun yuz foizlik natijani ta'minlaydigan profilaktik muhofaza qilish tizimi mavjud emas.

## **ZAMONAVIY TARMOQ XAVFSIZLIGI TIZIMLARI**

*T.R. Xudayberganov (katta o'qituv., Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU UF)*

*M.S. Jumaniyozova (talaba, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU UF)*

*Annotatsiya:* Bu maqolada zamonaviy tarmoq xavfsizligi tizimlari, hujumlarning xayotiy davrlari haqida yozilgan.

So'ngi paytlarda ko'pgina tashkilotlar o'z texnologiyalarini o'zining xodimlariga boshqacha usulda yetkazyaptilar. Mobil qurilmalar orqali korxonadan muhim ma'lumotlarini olish endi yangilik emas, balki zaruratdir. Ilovalarni tarqatish, o'rnatish va xarajatlarni qisqartirish uchun tashkilotlar biznes-funksiyalar outsorsingi strategiyasini qo'llaydilar va dasturiy ta'minotni xizmat sifatida qaraydilar. Natijada, korporativ ma'lumotlar internetda tarqatiladi va tarmoq xavfsizligi bo'yicha mutaxassislar buni har doim xam kuzatib tura olishmaydi. Shu bilan birga, virtualizatsiya va bulutli hisoblash orqali ma'lumotlar markazlarini qurishda va ma'lumotlarni saqlash sohasida inqilobiy o'zgarishlar qilinmoqda. Shu sababli, muhim ma'lumotning xavfsizligini ta'minlash tobora qiyinlashib bormoqda. Ushbu mobil, taqsimlangan va dinamik muhitni himoya qilish uchun tarmoq shaffofligi va tahdidlarni boshqarish va oldini olish vositalari talab qilinadi, ammo sanab o'tilgan barcha yechimlar ko'pchiligi xavfsizlikni to'liq ta'minlashga qodir emas.

*Zamonaviy tahdidlar.* Zamonaviy kiber jinoyatchilar ularga nisbatan ximoyalarni yaratishlaridan oldinroq yangi turdagi hujumlarni tezkor o'ylab topadilar. Ular veb-sahifalar va boshqa fayllarda o'zlarining zararli kodni yashirishlari mumkin. Buning natijasida, zararli dasturlardan ruxsat etilgan trafikni farqlash tobora qiyinlashib bormoqda. Bu, ayniqsa, portlar va protokollar orqali himoya va siyosatni cheklaydigan birinchi avlod tarmoq xavfsizligi qurilmalari

uchun to'g'ri. Xozirgi an'anaviy himoya arxitekturasi ancha samarasiz bo'lganligi uchun korxonalar xavfsizlik darajalarini ko'tarishlari lozim.

Vaxolangki, vaziyat faqat yomolashadi. Xozirda, kiber jinoyatchilar egiluvchan yaratish va testlash tizimlarini qo'llayaptilar, buning natijasida o'zlarning dasturiy ta'minotlari orqali ko'pgina tarmoq xavfsizligi qurilmalariga buzib kira oladilar. Bunga bitta misol keltirish mumkin. Ba'zi himoya vositalari virtual mashina sifatida qum soatini qo'llaydilar. Bunda dasturning zararligini tekshiruvchi kod ishga tushadi. Biroq kiber jinoyatchilar xam bir joyda turishgani yo'q va ular tomonidan maxsus yaratilgan zararli kod virtual qum soatida dastur ishga tushganini nazorat qilishi va o'zining ishini tugatishi mumkin va shu bilan birga ximoya vositasi uchun e'tibordan chetda qolishi mumkin.


*Nega an'anaviy xavfsizlik yetishmayapti?* Bu ishlar ma'lum darajada xavfsizlikni ta'minlashni murakkablashtiradilar. Ayniqsa bu quyidagi cheklanishlar bilan farqlanadigan birinchi avlod tarmoq xavfsizligi vositalariga tegishli:

- mobil qurilmalar nazoratining yo'qligi;
- virtual tugunlarning tarqalishi;
- bulutli hisoblashlar;
- shifrlangan trafik.

Agar xavfsizlik siyosati portlarva protokollarga asoslangan bo'lsa, u xolda ruxsat etilgan veb-trafikni potensial xujumlardan faqlashning iloji yo'q.

Foydalanuvchilar ma'lum veb-ilovalarda ishlaganlarida oxirgi ochilgan xujjatlar tashkilotning barcha xodimlari uchun ochiladi (boshqacha qilib aytganda, ijtimoiy tarmoqda yozuvlarni faqat marketologlar uchun nashr qilib bo'lmaydi).

Zararli dasturiy ta'minotlar qurilmalarga zarar yetkazishlari va ma'lumotlarning buzilishlari oldidan ularning tizimga kirishini cheklash maqsadida kirish fayllarini yoki veb-saytlarni tahlil qilishning iloji yo'q.



1-rasm. Hujumning xayotiy davri.

Samarali tarmoq xavfsizligi tizimlari o'z ichiga quyidagilarni qamrab olishi lozim:

Monitoring nimitizimi. Ko'rmaydigan narsangizni nazorat qilib bo'lmaydi. Shuning uchun, nafaqat muhitingizdagi aktiv holatidagi ilovalarni, balki, tiplarini, infrastrukturasi va foydalanuvchilarini aniqlovchi katta miqdordagi ulangan tugunlar miqdorini xam nazorat qilishlari lozim.

Tahdidlarni qaytarish nimitizimi. Tarmoqning barcha qismlarini va undagi barcha trafikni ko'rib bilgan holda xavf-xatarlarni aniqlashning turlimexanizmlarini qo'llash mumkin, shu o'rinda signallar asosida, IP va URL-manzillar asosida, shuningdek, anomaliya yoki bir vaqtning o'zida sanab o'tilgan barcha xossalar asosidagi mexanizmlarni qo'llash mumkin.

Profillash nimitizimi. Ba’zida xar bir ilovadagi yoki xar bir tarmoq tugunidan keladigan trafik xavf-xatarlarni aniqlash emas, balki, axborot texnologiyalari talablari yoki xavfsizlik siyosati talablari bo’yicha ruxsat etilmagan barcha ma’lumotlarni cheklash ancha osonroqdir.

Korrelyatsiya nimitizimi. Zamonaviy tarmoq xavfsizligi tizimi monitoring nimitizimi bilan aniqlanadigan katta miqdordagi tirli xavfsizlik xodisalari bilan amalga oshiriladi. Bular: xujumlar, anomaliyalar, zararlangan saytlar, ta’qiqlangan protokollar, ruxsat etilmagan ilovalar xavfli kod va x.k.

## **TARMOQ BUZIG‘UNCHILIGINI ANIQLASH TIZIMI - TAJOVUZLARNI ANIQLASHNING TARMOQ TIZIMI MISOLIDA**

*K.T. Abdurashidova (dotsent, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU)*

*S.B. Ergashev (magistr, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU)*

Hujumga uchragan tahdidlarning yoki zaifliklarning oldini olish uchun tarmoqlar moslashuvchan va samarali xavfsizlik tizimlarini talab qiladi. TAT (Tajovuzni Aniqlash Tizimi) har qanday tarmoqni muhofaza qilish sxemasining asosiy komponentidir. Turli TAT bir nechta kirishni aniqlash usullarini qo‘llaydi.


Imzo bazalarini aniqlash usullari tarmoqlarda keng tarqalgan bo‘lib tahdidni aniqlashga tezkor javob berish uchun ishlatiladi. Tahdidlarni aniqlash texnikasiga kelsak, asosiy muammolardan biri shundaki, har bir paketni ma’lum imzo ma’lumotlar bazasi bilan taqqoslash va uning imzosini solishtirish uchun vaqtni qisqartirish kerak bo‘lgan katta hajmdagi transportni boshqarish. Ushbu maqolada turli usullarni tahlil qilamiz va imzolarni ma’lumotlar bazasini dinamik ravishda yangilash orqali yuqori darajali ma’lumotlar bazalari bilan bir necha agentlardan foydalangan holda hujumlarni bartaraf etishga imkon beradigan yangi arxitektura taklif qilamiz. Taklif etilayotgan usul TAT protseduralarini vaqtini pasaytiradi va uning samaradorligini oshiradi.

Tarmoq xavfsizligiga tahdidlar tarmoqlarda keng tarqalmoqda, shuning uchun endi TAT asosiy kompyuterlar bazasidan TAT ga asoslangan tarmoqqa aylantirildi. Tarmoq darajasida aniqlanish qiyin vazifadir, chunki tarmoq darajasida audit ma’lumotlarining miqdori kirib keladigan ma’lumotlar darajasiga nisbatan kattaroqdir va bir xil tajovuz bilan bog‘liq voqealar turli tarmoq tugunlarida kuzatilishi mumkin. Tarmoqdagi TAT har qanday tarmoq uchun birinchi mudofaa chizig‘i bo‘lib, tarmoq trafiginini nazorat qilish uchun yangi zaifliklar va zararlanish xafi bor tizimga kirganligi sababli tobora qiyinlashib boraveradi. Ushbu muammolar, zararli kodni o‘z ichiga olgan bunday saytlar tufayli murakkablashmoqda.

Bugungi kompyuter muhitining tobora kuchayib borayotgan murakkabligi sababli, hujumlarni aniqlash tizimlari tizim xavfsizligi tahdid doirasi kengayishining asosiy qismiga aylanib bormoqda. So‘nggi paytlarda axborot xavfsizligi sohasidagi tadqiqotlar hujumni aniqlash tizimiga katta e’tibor berdi.

Kompyuter tizimidan ruxsatsiz foydalanishni nazorat qilish, noto‘g‘ri foydalanish va buzg‘unchiliklarni aniqlash jarayonidir. Hujumlarga qarshi chora ko‘rish uchun, xavfsizlik echimlari hozirgi paytda hujumni aniqlash tizimiga tayanadi. Ushbu zararli kodlar hujumi modelini va imzolarini aniqlash uchun TAT parametrlari odatda imzolarga asoslangan yoki noto‘g‘ri aniqlash va anomaliyaga asoslangan tizimlarga bo‘linadi. Asosiy tajovuzni aniqlash tizimining imzosi tajovuzkor tomonidan ma’lum bir namunani tan olish uchun ishlatiladigan qoidalar to‘plamini belgilaydi. Imzo bazasining asosiy afzalliklari ma’lum xavfsizlikka tahdidlarga qarshi samarali, aniq natijalar va hujumlarni aniqlash uchun noto‘g‘ri joylashuvlarni kamaytirishdir. Ushbu texnikaning kamroq baxtsiz oqibatlaridan kelib chiqib, aniqlash tizimi o‘z bilimlar bazasida mavjud bo‘lmagan tajovuzlarni aniqlashga qodir emas. Ushbu usulning boshqa kamchiliklari, agar ma’lum bir hujumda kichik o‘zgarish mavjud bo‘lsa, u aniqlash tizimi yangilanmagan bo‘lsa, tahlil va identifikatsiyaga ta’sir qiladi.

Tajovuzni aniqlash uchun tizim SNORT kabi muhim resurslarda ishlashi samarali hisoblanadi. Ushbu ochiq (Tarmoqqa asoslangan Tajovuzni Aniqlash Tizimi) TTAT real vaqt rejimida trafik tahlilini va Internet protokoli (IP) tarmoqlari orqali paketlarni ro‘yxatga olishni amalga oshiradi. Snort protokol tahlilini, tarkibni qidirishni va tarkibni xaritalashni amalga oshiradi. Dastur shuningdek problr yoki hujumlarni aniqlash uchun ham foydalanilishi mumkin, lekin maxfiy ko‘rish portlari bilan cheklanmaydi. Ko‘pincha Snort imzoning sarlavhasi va uning tanlovi tarmoq trafigi ma'lum imzolarga to'g'ri keladimi yoki yo'qligini aniqlash uchun ishlatilgan.




1-rasm. TAT-ga asoslangan imzo mexanizmi

1-rasmda aniqlangan paketlar hujumkor paketlar bilan taqqoslanadigan imzolarga asoslangan kirishni aniqlovchi ish mexanizmini ko‘rsatadi.

Keng tarqalgan bir tizimga kirish tizimi to‘plangan to‘plamga imzo qo‘yish orqali aniqlangan minglab nom, qoidalar bilan mos kelishi kerak, bu odatiy sarlavha bilan ishlashga solishtirgan vazifa odatda qimmat baxolanadi. Tarmoq TAT tarmoq trafigini skanerdan o‘tkazadi va bir nechta hostlarni izlaydi.

Protokolga asoslangan TAT muayyan xizmat uchun muayyan protokollar da ishlaydi. Dastur protokoli TAT dinamik harakatlar va protokol holatini kuzatib boradi.





2-rasm. TAT tizimi turlari

Xost asoslangan TAT hisoblash tizimining ichki qismlarini tahlil qiladi. Gibrid TAT bir yoki bir nechta yondashuvni birlashtiradi va himoya qilish mexanizmlarini ta'minlaydi.

Prelude Gibrid TAT - bu Gibrid TAT ning namunasidir. 2-rasmda TATning turli xil turlari ko'rsatilgan Tarmoqni himoya qilish uchun TAT ko'rsatkichini va uning samaradorligini oshirish yollarini ko'rib chiqamiz. Ushbu jarayonda biz agentlik bazasi tizimning ish faoliyati rivojlantirish uchun yuqori darajada samarali vosita ekanligini ta'kidlaymiz.

## MA'LUMOTLARNI XAVFSIZ O'CHIRISH USULLARI HAQIDA

*S. Qudratov (dotsent, Muhammad al Xorazmiy nomidagi TATU)*

*M. Djalilov (dotsent, Muhammad al Xorazmiy nomidagi TATU)*

Deyarli har bir tashkilot hujjatlarning elektron aylanmasi bilan bog'liq muammoga duch keladi. Tabiiyki elektron ko'rinishda yuborilayotda hujjat ochiq bo'lishi mumkin yoki tashkilot yoki uning hamkorlari haqida maxfiy ma'lumot bo'lishi mumkin. Hujjatni elektron tarzda yuborayotganda 2 xil xavf bo'lishi mumkin:

1. Ma'lumotning konfidensialligiga xavf;
2. Ma'lumot butunligiga xavf;

Ushbu maqolada hujjatlar aylanmasida xavfsizlikni ta'minlash yo'llaridan biri ko'rsatiladi.

Hech qaysi operatsion sistema ma'lumotlarni 100% himoya qila olmaydi. Ma'lumotlarni begonalarni qo'lga tushmasligidan 100% himoyalash uchun ularni o'chirish kerak.

DOS va undan oldingi operatsion sistemalar o'chirilgan fayllarni bir muddat o'zida saqlagan ya'ni ularni biror xil utilit bilan (undelete va boshq.) qayta tiklasa bo'ladi. Windowsda qattiq diskni tozalashda asosan formatlash yoki korzinani tozalash orqali amalga oshiriladi. Lekin bu amallar faylni 100% o'chirganiga

kafolat bermaydi, ularni biror utilit bilan HDD dan qayta tiklash mumkin. Zarur fayl begona qo'lga tushmasdan undan butunlay vos kechish uchun operatsion sistemaning standart metodlari yordam bermaydi. Buning uchun maxsus dasturlar kerak. Dastur faylni to'liq o'chiradi.

Foydalanuvchi yoki tashkilot foydalanilgan kompyuterni yoki qattiq diskni sotmoqchi yoki tashlamoqchi bo'lsa, avval vinchesterni to'liq tozalash kerak. Qattiq diskni tozalashni 2 xil yo'li bor: fayllarni jismoniy yo'q qilish va fayllarni o'chirish.

Qattiq diskni jismoniy yo'q qilishda ma'lumotlar to'liq, aniq yo'q bo'ladi, lekin bundan keyin qattiq diskdan foydalanishni iloji bo'lmaydi.

Maxsus dastur yordamida qattiq diskni tozalashda fayllarni qaytib tiklab bo'lmaydi. Bu dasturlar quyidagilar: DBAN, DiskWipe, CCleaner. Bu dasturlar shikastlangan sektorga ega bo'lmagan qattiq disklarda yaxshi ishlaydi. Tozalash jarayonini kamida 3 marta qayta amalga oshirish tavsiya etiladi. To'la tozalash bir necha soatdan bir necha kungacha davom etishi mumkin, disk zichligiga bog'liq.

Fayllarni butunlay o'chirish. HDD dan o'chirilgan fayllarni butunlay o'chirish uchun maxsus dasturlar kerak. Bu instrumentlar faylni kompyuter xotirasidan butunlay o'chiradi.

#### 1.CCleaner

Ko'p foydalanuvchilar biladigan bu dastur kompyuterni keraksiz ma'lumotlardan tozalaydi va fayllarni o'chiradi. Do'stona interfeysga ega.

#### 2.Eraser

Bu dastur ham CCleanerga o'xshaydi. Turli keraksiz fayl va papkalarni o'chiradi. O'chirishning 14 xil algoritmi yordamida foydalanuvchi tanloviga qarab o'chiradi.

#### 3.File Shredder

Bu dastur ham oldingilaridek. Har qanday faylni hatto konfidensiallikga ega dasturlarni ham o'chiradi.

#### 4.Ko'p marotabalik formatlash.

Vinchesterni oddiy formatlash, tabiiy, fayllarni o'chirmaydi, balki, uni yashirib qo'yaqi. Diskni tozalashning ishonchli usuli – bu diskni fayl tizimi tipini o'zgartirib to'liq formatlash.

#### Diskni to'la qayta yozish

Diskni to'la qayta yozish orqali ma'lumotlarni o'chirishning juda ko'p algoritmi bor. Lekin bularning bari N marotabalab formatlashga va diskni 2 likda va psevdoehtimol sonlarni qayta yozishga olib keladi. Diskka yozish tezligi asosan 70Mb/s dan ortmaydi. Agar 500Gb lik diskka 7 siklda yozish vaqtini hisoblasak bu 13 soatni tashkil etadi.Lekin 7 sikl yozish shartmas,chunki hozirgi zamonaviy disklarda qoldiq magnitlanish bo'lmaydi, ya'ni bitta sikl ham yetadi. Demak 1,5 soat vaqt ketadi.

#### Diskni mexanik yo'q qilish.

Bunda ma'lumotlar butunlay yo'q bo'ladi,chunki diskni o'zi yo'q bo'ladi.

Kimyoviy yo'q qilish. Agar qattiq diskni ferromagnit xususiyatini o'zgartira oladigan suyuqlikni diskka to'ksak fayllar o'chadi (Masalan, kislota yoki 100 gradusli suv)

Ma'lumotlarni xotira qurilmalaridan o'chirishda yuqorida ko'rsatilgan xavfsizlik ko'rsatmalariga e'tibor berish maqsadga muvofiqdir.

## **AXBOROT XAVFSIZLIGIDA RISKLARNI IDENTIFIKATSIYA QILISH VA ULARNI BAHOLASH**

*N.Sh. Sultonova (assistant, Muhammad al Xorazmiy nomidagi TATU)*

*B.B. Saydaxmedova (assistant, Muhammad al Xorazmiy nomidagi TATU)*

Ixtiyoriy metodikada risklarni identifikatsiya qilish lozim. Bunda tanlab olingan ob'yektni o'rganilgan zaiflik ro'yhatining to'liqliligini talab etish tabiiy hisoblanadi. Ro'yhatni tuzish va uning to'liqliligini isbotlash masalasining murakkabligi shundaki, ro'yhat detalizatsiyasiga qanday talablar qo'yilishiga bog'liq. Xavfsizlikning tayanch darajasida sinflar detalizatsiyasiga alohida talablar, qoida bo'yicha mavjud emas, shuning uchun bu holatga mos keluvchi risklarning standart sinf ro'yhatlaridan foydalanish yetarlidir. Risklar qiymatlarining bahosi qaralmaydi, u tayanch daraja metodikasining ba'zi turlari uchun maqbul. Risklar sinflarining ro'yhati bir qator boshqarmalarda mavjud, spetsializatsiyalashgan risklarni tahlil qilish dasturiy ta'minoti, masalan, BSI Germaniya standarti, unda axborot texnologiyalarining turli xil elementlariga qo'llash mumkin bo'lgan tahdidlar katalogi mavjud. Bunday ro'yhatlarning afzalligi ularning to'liqliligi hisoblanadi: sinflar, ko'p emas (o'nlab), ular etarlicha keng va mavjud barcha risklar to'plamini qamrab olib boshqaradi. Kamchiligi – risk darajasini baholash qiyinligi va keng sinf uchun kontrmer samaradorligi, chunki bunday hisob kitoblarni ancha tor risklar sinfi bilan olib borish qulay. Misol uchun, “marshritizatorni shikastlanganlik” risklar sinfi bir nechta, dasturiy ta'minot ma'lum marshrutizatorning va uskunaning shikastlanishining mumkin bo'lgan turlarini o'z ichiga oluvchi, sinf osti to'plamlarida bo'lish mumkin.

*Ob'yektiv va sub'yektiv ehtimolliklar:* “Ehtimollik” termini turli xil ma'nolarga ega. Odatda ko'p holatlarda ikkita izoh ko'p o'chraydi, ular “ob'yektiv ehtimollik” va “sub'yektiv ehtimollik” birikmalari bilan beriladi. Ob'yektiv ehtimollik (ba'zida fizik xam deyiladi) deyilganda kuzatuvlarning umumiy xajmida qandaydir hodisaning sodir bo'lishining nisbiy chastotasi yoki ijobiy natijalar sonining kuzatuvlarning umumiy soniga nisbati tushuniladi. Bu tushuncha ko'p sonli kuzatuvlar, o'tkan safar ahamiyatga ega bo'lgan, hamda ba'zi jarayonlarni tasvirlovchi, modellarning natijasida olingan, natijalarini tahlil qilish uchun qo'llaniladi.

Sub'yektiv ehtimollik deyilganda biror odam yoki kishilar guruhining berilgan hodisa haqiqatdan ham ahamiyatga egaligiga, ishonch o'lchovi(chegarasi) tushuniladi. Ishonch o'lchovi sifatida hodisaning ro'y berish ehtimolliklari formal tarzda turli hil usullar bilan ifodalanishi mumkin: hodisalalar to'plamlarga taqsimlash ehtimolliqi, hodisalar to'plamida binar munosabat bilan, to'laligicha

berilmagan ehtimoliy taqsimlash bilan yoki binar munosabat va boshqa usullar bilan. Ko'p hollarda sub'yektiv ehtimollik o'zida ekspert yo'li bilan olingan, ehtimolli o'lchovni ifodalaydi. Tizimli tahlil sohasida zamonaviy ishlarda sub'yektiv ehtimollik nafaqat hodisalar to'plamida ishonch darajasini aniqlash imkonini beradi, qaror qabul qiluvchi shaxsning, tizim afzalliklar bilan, va alternativ to'plamlardan afzalligini ko'rsatuvchi, natijada foydalilik funksiyasi bilan bog'liqligini aks ettiradi. Sub'yektiv ehtimollik va foydalilikning chambarchas bog'liqligi sub'yektiv ehtimollikni olish uchun ba'zi metodlarni qurishda foydalaniladi.

*Ikkita omil bo'yicha risklarni baholash:* Sodda holda ikkita omil(faktor)ning bahosi amalga oshiriladi: ro'y berishi mumkin bo'lgan hodisalarning ehtimolli va mumkin bo'lgan oqibatlarining og'irligi. Odatda risk qancha katta bo'lsa, hodisaning ro'y berish ehtimolli va oqibatining og'irligiga ham shuncha katta bo'ladi deb hisoblanadi. Umumiy g'oya quyidagi formula bilan ifodalanishi mumkin:  $RISK = h_{odisa} \times YO'QOTISH\ BAHOSI$ .

Agar o'zgaruvchilar miqdoriy kattaliklar bo'lsa, unda risk – bu yo'qotishlarning matematik kutilmasi bahosi deb qarash mumkin.

Qachonki o'zgaruvchilar – miqdoriy kattalik bo'lganda, ko'paytma amali aniqlanmagan. Shunday qilib, yaqqol holda bu formuladan foydalanib bo'lmaydi. Sifatli miqdorlarni ishlatish variyanti qarab chiqilgan (eng ko'p uchraydigan vaziyat).

Birinchi shkalalar aniqlab olinishi lozim.

Hodisalar ehtimoliligini sub'yektiv shkalasiga misol keltiramiz:

A – hodisa amalda umuman sodir bo'lmaydi;

V – hodisa ba'zida sodir bo'lib turadi;

S – qaralayotgan vaqt oralig'ida hodisaning ehtimolli – 0,5 atrofida;

D – ko'p hollarda hodisa ro'y beradi;

E – hodisa muqarrar sodir bo'ladi.

Bundan tashqari, voqealarning jiddiyligining sub'yektiv shkalasi o'rnatib olinadi, aytaylik, quyidagilarga mos ravishda:

–N (Negligible) – ta'sirni e'tiborga olinmasligi mumkin;

–Mi (Minor) – uncha ahamiyatli bo'lmagan talofat(kichik hodisa): oqibatlari engil bartarab etiladi, oqibatni bartaraf etish xarajatlari uncha katta emas, axborot texnologiyalariga ta'siri biroz;

–Mo (Moderate) – mo'tadil natijalar bilan hodisa: oqibatni bartaraf etish katta xarajatlar bilan bog'liq emas, axborot texnologiyalariga ta'siri katta emas va kritik jiddiy(asosiy) masalalarga ta'sir qilmaydi;

–S (Serious) – jiddiy oqibatli hodisa: oqibatlarni bartaraf etish sezilarli harajatlar bilan bog'liq, axborot texnologiyalariga ta'siri sezilarli, kritik jiddiy masalalarni bajarilishiga ta'sir ko'rsatadi;

–S (Critical) – hodisa kritik jiddiy masalalarning yechilmasligiga olib keladi.

Risklarni baholash uchun uch qiymatga ega bo'lgan shkala o'rnatiladi:quyi,o'rtacha va yuqori

Ma'lum bir hodisa bilan bog'liq bo'lgan, risk, ikkita omilga bog'liq bo'lishi

Riskning omillar shkalasi va jadvalning o'zi boshqacha qurilishi mumkin, agar boshqa gradatsiya soniga ega bo'linsa.

Risklarni baholashga bunday yondashuv yetarlicha ommalashgan.

Risklarni baholash metodikasini ishlab chiqishda (foydalanishda) quyidagi jihatlarni hisobga olish lozim:

– shkalalarning qiymatlari aniq belgilab olingan bo'lishi kerak (ularning so'z bilan ifodasi kerak) va ekspert baho protsedurasining barcha ishtirokchilari uchun bir xil tushunarli bo'lishi lozim;

– tanlangan jadvalning dalil(izoh)lari talab etiladi. Shunga amin bo'lish kerakki, turli xil intsidentlarni xarakterlovchi riskning bir xil birikmalari, ekspertlar nuqtai nazaridan risklarning bir xil darajasiga ega bo'lishi kerak.

Axborot xavfsizligida zamonaviy metodlardan foydalanish va ularni ehtimolligini baholash orqali ob'yektni kutilishi mumkin bo'lgan muammolarini oldini olinadi. Hozirda jahon standartida ishlab chiqilgan metodlar esa bunga asos bo'ladi. Ehtimollik bahosini aniqlash riskni yuzaga keltirishi mumkin bo'lgan salbiy oqibatlarga yo'l qo'ymaslik va himoya vositalarini yanada kuchaytirishga sabab bo'la oladi.

## **INTERNET TARMOG'IDA MA'LUMOTLAR BAZASINI HIMOYALASH**

*F.A. Raxmatov (dotsent, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU)*

*I.H. Ismatova (talaba, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU)*

Maqolada ma'lumotlar bazasini himoyalashning mavjud imkoniyatlari ko'rib chiqilgan va mavjud tizimlarda nazarda tutilmagan himoyalashning bir muncha samarali struktura taklif etilgan.

Ma'lumotlar bazasini himoyalash masalasi axborot xavfsizligini ta'minlash vositalarining keng spektridan foydalanishni talab etadi. U o'z ichiga har xil turdagi yoki katigoriyadagi nazoratlarni oladi. Ular texnik yoki biror-bir jarayon ko'rinishida bo'lishi mumkin. Ma'lumotlar bazasi xavfsizligi xavf xatarlarni boshqarish bilan bog'liq yo'nalish hisoblanadi.

Hozirgi kunda deyarli barcha yirik tashkilotlar o'z faoliyatida elektron ma'lumotlar bazalaridan keng foydalanadi. Tashkilot uchun elektron ma'lumotlar bazasini tashkil etish idora ichida samarali xujjat aylanish, istalgan vaqtda kerakli ma'lumotlarni olish, ma'lumotlardan masofadan foydalanish kabi bir qator imkoniyatlarni yaratadi. Ma'lumotlar bazalari (MB) har qanday kompaniya uchun eng muhim va qimmatbaho mahsulot hisoblanadi. Ma'lumotlar bazasi juda nozik yoki maxfiy ma'lumotlarni saqlashi mumkinligi sababli, uning muhofazasi juda jiddiy qabul qilinishi kerak. Ma'lumotlar bazasi va ma'lumotlar bazalarining har qanday noto'g'ri ishlashi fojiali oqibatlarga olib kelishi mumkin.

Axborot tizimlari va tarmoqlarida ma'lumotlarni himoya qilishning asosiy vositalari quyidagilardan iborat:

- parolli himoyalash;
- parollarni va ma'lumotlar bazasi jadvallaridagi yozuvlarni himoyalash;
- ma'lumotlar bazasi ob'ektlaridan foydalanish huquqini o'rnatish;


- ma'lumotlar va dasturni shifrlash.

Ma'lumotlar bazasini himoyalash ikki bosqichda amalga oshiriladi (1-rasm).

Ma'lumotlar bazasini himoyalashning parol darajasida resurslarga murojatda maxsus parollardan foydalaniladi.

Foydalanuvchi darajasida esa foydalanuvchi hisoblarini va identifikatsiya qilingan ob'ektlarni himoya qilish nazarda tutiladi.

Yuqoridagi yondoshuv ma'lumotlar bazasini himoyalashning sodda va eng muhim bosqichi hisoblanadi.



1-rasm. Ma'lumotlar bazasini himoyalash darajasi

Xavfsiz tizimlarda avtorizatsiya va ro'yxatga olish tizimi loyihani yaratishda eng muhim elementlardan biri hisoblanadi. Bunday xizmatlarni PHP va MySQL tizimlaridan foydalangan holda tashkil etish mumkin.

PHP MyAdmin paneli yordamida PHP muhitida yozilgan va MySQL-serverni butun dunyo bo'ylab web-sayt orqali boshqarish imkonini beradi. phpMyAdmin keng ko'lamdagi MySQL operatsiyalarini qo'llab-quvvatlaydi. Eng ko'p ishlatiladigan operatsiyalar foydalanuvchi interfeysi (ma'lumotlar bazasi boshqaruvi, jadvallar, joylar, munosabatlar, indekslar, foydalanuvchilar, huquqlar va boshqalar) tomonidan qo'llab-quvvatlanadi va har qanday SQL so'rovini bir vaqtning o'zida amalga oshirish mumkin.

Axborot xavfsizligi bir necha darajalarda ta'minlangan. Birinchi darajadagi axborotni himoya qilish "phpMyAdmin" tizimining o'zi tomonidan, kirish va parolni kiritishni talab qiladigan boshqaruv paneliga kirishdan boshlab taqdim etiladi.

Keyingi himoya darajasini MySQL ma'lumotlar bazasi orqali ta'minlaydi, shuningdek, kirish huquqlarini belgilaydi.


Bundan tashqari, ma'lumotlar bazalari, ma'lumotlar bazalari jadvallariga, muayyan jadvallardagi yozuvlarga va hatto jadvallar yoki yozuvlar maydon qiymatlariga alohida-alohida ma'lumotlar bazasini boshqarish tizimiga kirishni cheklash ham mumkin. Shuni ta'kidlash kerakki, o'rnatilgan shifrlash funksiyalari barcha ma'lumotlar bazasini boshqarish tizimlarida (MMBT) mavjud emas. Shuning uchun bu usul yetarli darajada samarali hisoblanmaydi.

Ma'lumotlar bazasini xavfsizligi darajasini yanada oshirish maqsadida quyidagi bosqichlar taklif etiladi (2-rasm).

Ma'lumotlarni himoyalashning birinchi bosqichida 1-rasmda keltirilgan ma'lumotlar bazasini himoyalash darajasidan foydalaniladi. Bu yerda foydalanuvchi tizimga kirishi va ma'lumotlar bazasidan foydalanishda autentifikatsiya jarayonidan o'tadi.

SQL in'ektsiyalardan himoya bosqichida so'rov orqali ma'lumotlar bazasiga ruxsat etilmagan o'zgartirishlarni kiritilish, ruxsat etilmagan foydalanishlarni oldini olish nazarda tutilgan. Bunday xizmatni tashkil etish uchun so'rovlar va

ularni bajarilishini nazorat qiluvchi dasturiy modullardan foydalaniladi [5]. Bu funksiya ma'lumotlar bazasiga murojatni amalga oshiruvchi dastur interfeyslari yaratuvchilari tomonidan tashkil etiladi.



2-rasm. Ma'lumotlar bazasini himoyalash bosqichlari

Ma'lumotlarni shifrlashda maxsus algoritmlardan foydalaniladi. Bugungi kunda bunday algoritmlar tizimlarda samarali joriy etilgan. Masalan yuqorida ko'rilgan MBBT ikkita identifikatsiyalangan shifrlash funksiyalarini taklif etadi, ulardan birida DES algoritmi qo'llaniladi, ikkinchisida esa - AES. Bundan tashqari, MySQL tizimida bir nechta xesh-algoritmlari mavjud.

AES algoritmining ma'lumotlarni shifrlash funksiyalari 128 bitli shifrlash kalitidan foydalanadi, ya'ni MySQL tizimida AES standarti tomonidan taqdim etilgan 192 va 256 bitli kalitlari bilan shifrlashni amalga oshirmaydi. Shifrlash kaliti funksiyaning parametrlaridan biri sifatida aniq belgilanadi.

Misol uchun TripleDES algoritmidan foydalanib shifrlangan DES\_ENCRYPT() va DES\_DECRYPT() funksiyalari, shifrlash kalitini aniq ko'rsatish bilan bir qatorda, tugmachalarni raqamli kalit qiymatlarini o'z ichiga olgan kalit fayli sifatida boshqarish uchun eng qulay variantga ruxsat berish. Biroq, bu vazifalar standart holda o'chirib qo'yilgan, ulardan foydalanish uchun DBMS konfiguratsiyasida SSL xizmatini yoqish talab etiladi.

Yuqoridagi kriptografik funksiyalarni ishlatish juda oson. Masalan, quyidagi so'rov jadval jadvalidagi "matn" qiymatini "parol" tugmasi bilan shifrlanadi: INSERT INTO jadvalining VALUES (1, AES\_ENCRYPT ('matn', 'parol')).

Yuqorida keltirilgan tahlil va xulosalar shuni ko'rsatadiki, taqdim etilayotgan struktura mavjud tizimlar taklif etayotgan funksiyalardan qo'shimcha ikkita bosqichi orqali farq qiladi. Bu esa ma'lumotlar bazasini xavfsizligi darajasini oshiradi. Lekin ma'lumotlarning xafsizlik darajasini yanada mustahkamlash maqsadida shifrlash usullari, SQL so'rovlarni tekshirish bo'yicha qo'shimcha tadqiqotlar o'tkazish maqsadga muvofiq.

## BIOMETRIK HUSUSIYATLARNI HIMOYALASH USULLARI

*O.N. Mavlonov (assistant, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU)*

*S. Jumaev (assistant, Termiz Davlat Universiteti DF)*

Biometrik identifikatsiya va autentifikatsiya tizimlarida biometrik hususiyatni himoyalash zarurati mavjud bo'lib, samarali himoyalangan biometrik tizim quyidagi talablarga javob berishi lozim:

*Turlilik:* foydalanuvchilar mahfiyligini ta'minlash uchun himoyalangan namunaga ruhsatlarni berkitish lozim;

*Xulosa chiqarish:* tizim biometrik ma'lumotni haqiqiysidan ajratish qobiliyatiga ega bo'lishi lozim;

*Xavfsizlik:* himoyalangan biometrik tizimdan haqiqiy namunani chiqarib, undan noqonuniy foydalanish imkoniyati mavjud bo'lmasligi lozim;

*Sifat:* biometrik hususiyatlarni himoyalash tizimi tanib olish darajasini kamaytirish sifatiga ta'sir etmasligi lozim.

Quyidagi biometrik namunalarni himoyalash usullari mavjud:

- *biometrik kriptotizimlar;*
- *intellektual tizimlar;*
- *watermarking asosidagi yondoshuvlar.*

1. *Biometrik kriptotizimlar.* Biometrik tizimlarda biometrik namunalarga taaluqli ayrim ochiq ma'lumotlar saqlanadi. Shuning uchun ushbu yondoshuv biometrik ma'lumotlarga qaratilgan. Kriptografik tizimlardagi yordamchi ma'lumotlar biometrik namuna haqidagi hech qanday axborotni saqlamaydi. Ular kalitni bog'lash va kalitni generatsiyalash usullari asosida amalga oshiriladi. Kalitlarni bog'lash biometrik namuna va yordamchi ma'lumotlar asosida amalga oshirilib, oxirida kalitlar ozod etiladi, ya'ni kalit ma'lumotga ega bo'lamiz. Boshqacha aytganda, kalitlar yordamchi ma'lumotlardan hosil qilinadi.

Biometrik kriptotizimlar quyidagi afzalliklarga ega:

- foydalanuvchining ichki ma'lumotlari o'zgarishiga bardoshli;
- kalitga asoslangan biometrik kriptotizimlar o'ta samarali hisoblanadi.

Biometrik kriptotizimlar quyidagi kamchiliklarga ega:


– bardoshli va yuqori entropiyaga ega kalitlarni generatsiyalash murakkab;

– kalitlarni turli tuman ko'rinishda hosil qilish va ularning bardoshlilikiga haqida xulosalar qabul qilish murakkab;

– kalit yaratishda qo'llaniladigan yordamchi ma'lumot biometrik namuna asosida hosil qilinadi.

Kalitlar biometrik namunaga bog'liq hisoblanadi, chunki biometrik namunalardan aynan ushbu biometrik namunaga tegishli kalit generatsiya qilinadi. Biometrik namunadan hosil hosil qilish uchun yordamchi ma'lumot olinadi va bazada yozib qo'yiladi. Biometrik namunadan foydalanishda ushbu yordamchi ma'lumot asosida kalit generatsiya qilinadi va kriptografik amallar bajariladi (1-rasm).





1-rasm. Biometrik ma'lumotlarni himoyalash jarayoni

*Intellektual tizimlar.* Intellektual tizimlar kompyuter imkoniyatlari asosida ayni vazifani bajarishga mo'ljallangan agent hisoblanib quyidagi hususiyatlarga ega:

- avtonom;
- ijtimoiyligi;
- aktivligi;
- moslashuvchanligi;
- intellektualligi;
- muhokama etuvchanligi;
- aqlli loyihalash;
- o'rganish va moslashish.

Intellektual agentlarning quyidagi turlari mavjud:

1. *Hozirgi mavjud holat bo'yicha qarshi ta'sir ko'rsatish.* Jarayonlar log faylini aniqlashni e'tiborga olmaydi. U jarayonning hozirgi holatini e'tiborga oladi. Agar holat bajarilsa, unda jarayon amalga oshiriladi.


2. *Modelga asoslangan qarshi javob.* U ichki modelga asoslangan.

3. *Maqsadga asoslangan model.* Biometrik namunalar qaysi maqsadda qo'llanilishiga qarab himoya choralari ko'riladi. Choralar sun'iy intellectual usullar yordamida boyitiladi.

4. *Utilitalarga asoslangan usullar.* Sabablar, tasvirlash, o'rganish va holatlar asosida himoya choralari ishlab chiqiladi.

Intellektual agentlar biometrik namunalar xavfsizligini ta'minlashda muhim rol o'ynaydi. Odam ekspertlarning bilimlari aniq bir qoidalar asosida amalga oshiriladi. Ushbu qoidalar intellektual tizimlar asosida himoyalangan obyektning hususiyatlari asosida shakllantiriladi.

*Watermarking asosidagi yondoshuvlar.* Watermarking usullari asosida biometrik namunalarning xavfsizligi ta'minlanadi. Chunki, namunalar xujumchilar tomonidan buzilishlarga uchrashi mumkin.



2-rasm. Watermarking asosidagi yondoshuvlar

Watermarking qo'llash asosida bir biometrik namunani boshqa namuna ichiga berkitish mumkin. Uning asosiy kamchiligi, agar xujumchi biometrik namuna berkitilgan watermarking namunadan xabardor bo'lsa, unda biometrik namuna xavf ostida qolishi mumkin 2-rasmda watermarking asosida biometrik namunalarni himoyalash sxemasi keltirilgan.

Afzalligi:

- saqlangan biometrik namunani soxtalashtirish murakkab;
- biometrik namunalarda yuqori xavfsizlikni ta'minlaydi.

Kamchiligi:

- watermarking ichiga namunalarni birlashtirishda vaqt sarfi mavjud;

1-jadval. Biometrik namunalarni himoyalash usullarini tahlili

<i>Yondoshuvlar</i>	<i>Usullar</i>	<i>Afzalligi</i>	<i>Kamchiligi</i>
Biometrik kriptotizimlar	Kalitlarni ozod etish, kalitlarni generatsiyalash, noravshan ifodalanish, noravshan to'plam	foydalanuvchining ichki ma'lumotlari o'zgarishiga bardoshli; kalitga asoslangan biometrik kriptotizimlar o'ta samarali hisoblanadi	bardoshli va yuqori entropiyaga ega kalitlarni generatsiyalash murakkab; kalitlarni turli tuman ko'rinisha hosil qilish va ularning bardoshliligi haqida xulosalar qabul qilish murakkab; kalit yaratishda qo'llaniladigan yordamchi ma'lumot biometrik namuna asosida hosil qilinadi
Watermarking asosidagi yondoshuvlar	Ko'rinmas watermarking, aloqalarni tekshirish	saqlangan biometrik namunani soxtalashtirish murakkab; biometrik namunalarda yuqori xavfsizlikni ta'minlaydi	watermarking ichiga namunalarni birlashtirishda vaqt sarfi mavjud
Intellektual tizimlar	Qoidalarga asoslangan usullar, ekspert tizimlar	Bardoshli, avtomatik javob qilish imkoniyati	Qoidalar asosida qaror qabul qilish uchun ko'p sonli ekspertlarni jalb etadi

Biometrik namunalarni himoyalashda biometrik kriptotizimlar va intellektual usullar mujassamlashgan holda qo'llash maqsadga muvofiq. Chunki kriptografik usullar axborotlarni himoyalashning asosini tashkil etadi, intellektual usullar esa, hisoblash tezligini oshirish, hamda hujumlarga ekspert tizimlari yordamida qarshilik ko'rsatishi bilan muhimdir.

## KORPORATIV ELEKTRON MA'LUMOTNOMALARDA AXBOROT XAVFSIZLIGI

*B.B. Nurmetova (assistant, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU UF)*

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning 2013-yil 27-iyundagi qarori bilan tasdiqlangan 2013-2020-yillarda O'zbekiston Respublikasida telekommunikatsiya texnologiyalari, aloqa tarmoqlari va infratuzilmasini rivojlantirish dasturining qabul qilinishi mamlakatimizda axborot resurslari, tizimlari va tarmoqlarini jadal rivojlantirishda yangi bosqichni boshlab berdi.

Korporativ tizimdan keng foydalanish va "e-hujjat" hamda "e-hat" tizimlarini qo'llash orqali himoyalangan axborot bilan almashishni yo'lga qo'yish muhim ahamiyatga egadir.

Bugungi kunda tashkilotlarning turli bo'g'indagi rahbarlar bilan o'zaro hamkorligi bevosita qog'oz shaklidagi hujjatlarni olish va qator vakolatli organlarga bir qancha nusxalarda taqdim etish bilan bog'liq. Tashkilotlar muayyan interfaol davlat xizmatlaridan foydalanish, Davlat korxonasi, tashkilotlari va hukumat idoralari elektron shakldagi ayrim hujjatlarni taqdim etish va olish imkoniga ega bo'ladilar.

Elektron ma'lumotnoma–zamonaviy axborot texnologiyalari asosida ma'lumotlarni jamlash, tasvirlash, yangilash, saqlash, ishonchli va aniq ma'lumotlarni taqdim etish va nazorat qilish imkoniyatiga ega bo'lgan manba hisoblanadi.

Elektron ma'lumotnoma orqali ma'lumotnoma jo'natish imkoniyatini joriy etish, birinchidan, vaqtni tejaydi, ikkinchidan, davlat organlari xodimlari uchun qog'oz sarfini kamaytirish imkonini beradi, shuning uchun u bilan bog'liq bo'lgan ko'pgina tushunchalarning keng ma'nodagi izohli talqini kompyuter va axborot texnologiyalari rivojlanib borishi bilan yanada kengayib borayotgan bilimlar bilan to'ldirilib borilmoqda.

Korporativ elektron ma'lumotnomalarni internet muhitisiz amalda qo'llashning umuman imkoni yo'q. Shunday ekan korporativ elektron ma'lumotnomani boshqaruvchi tashkilot internetga ulanganidan so'ng, hosil bo'ladigan quyidagi muammolarni hal etishlari shart:

- tashkilotning kompyuter tizimini hakerlar tomonidan buzilishi;
- Internet orqali ma'lumotlarning yovuz niyatli shaxslar tomonidan o'qib olinishi;
- tashkilotlar faoliyatiga zarar yetkazilishi.

Internetni loyihalash davrida bevosita himoyalangan tarmoq sifatida ishlab chiqilmagan. Shu sababdan bu sohada hozirgi kunda mavjud bo'lgan quyidagi muammolarni keltirish mumkin:

- ma'lumotlarni yangilik bilan qo'lga kiritish;
- tarmoqdagi kompyuterlar manzilini soxtalashtirish;

- TCP/IP vositalarining zaifligi;
- ko'pchilik saytlarning noto'g'ri konfiguratsiyalanishi;
- konfiguratsiyalashning murakkabligi.

Uzoq masofalar bilan axborot almashish zaruriyati axborotlarni olishning qat'iy chegaralanishini talab etadi. Shu maqsadda tarmoqlarning segmentlarini har xil darajadagi himoyalash usullari taklif etiladi:

- erkin kirish (masalan: WWW-server);
- chegaralangan kirishlar segmenti (uzoq masofada joylashgan ish joyiga xizmatchilarning kirishi);
- ixtiyoriy kirishlarni cheklash (masalan: korporativ elektron ma'lumotnoma).

Internet global axborot tarmog'i o'zida nihoyatda katta hajmga ega bo'lgan axborot resurslaridan milliy iqtisodning turli tarmoqlarida samarali foydanishga imkoniyat tug'dirishiga qaramasdan axborotlarga bo'lgan xavfsizlik darajasini oshirmoqda. Shuning uchun ham internetga ulangan har bir korxonaga o'zining axborot xavfsizligini ta'minlash masalalariga katta e'tibor berishi kerak.

Ixtiyoriy axborot tarmoqlarining asosiy komponentalari bu serverlar va ishchi stansiyalar hisoblanadi. Serverda axborotlar yoki hisoblash resurslari va ishchi stansiyalarda xizmatchilar ishlaydi. Umuman ixtiyoriy kompyuter ham, server ham ishchi stansiya bo'lishi mumkin – bu holda ularga nisbatan xavfli hujumlar bo'lishi ehtimoli bor, bu ishga mas'uliyatsizlik bilan qarash yovuz niyatli shaxslarning turli xil tahdidlarining amalga oshirishiga imkon tug'diradi. Ishchi stansiyalarga hujumning asosiy maqsadi, asosan, qayta ishlanayotgan ma'lumotlarni yoki lokal saqlanayotgan axborotlarni olishdir. Bunday hujumlarning asosiy vositasi «Troyan» dasturlar sanaladi. Bu dasturning asosiy maqsadi – tarmoq, stansiyadagi himoya tizimini ichki tomondan buzishdan iborat. Shunday ekan, bu axborot tizimini Internet orqali axborotlarga bo'lgan turli xil tahdidlardan himoyalash lozim.

Korporativ elektron ma'lumotnomani boshqaruvchi korxonaga oldiga uni himoya qilish maqsadida quyidagi talablar qo'yiladi:

- korxonaga tomonidan tizimni boshqaruvchi mas'ul xodim ta'yinlanishi;
- boshqaruvchi kompyuterining alohida bo'lishi yoki himoya kodlariga ega bo'lishi;
- boshqaruvchi kompyuterda tarmoqlararo ekran himoyasiga ega bo'lishi,
- xodimning ishonchli bo'lishi ya'ni yashirin ma'lumotlarni boshqalarga aytmasligi kabilar.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, axborot xavfsizligini ta'minlash jarayoni uzluksiz bo'lib, faqat axborot xavfsizligi tizimining emas, balki tashkilotning barcha ish faoliyati davomida sodir bo'ladi. Shuning uchun axborot xavfsizligini ta'minlash tizimini takomillashtirish bo'yicha chora-tadbirlar hujjatlarni muntazam yangilab borish va axborot xavfsizligi tizimining ishlashini ta'minlaydigan resurslarni qayta ko'rib chiqishni talab qiladi.

## MA'LUMOTLARNI UZATISHDA FOYDALANILADIGAN PROTOKOLLARNING XAVFSIZLIK DARAJASI BO'YICHA TAHLILI

*E.Q. Qaxramonov (assistent, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU)*  
*A.I. Xudoyberdiyev (assistent, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU)*

Ma'lumki, mijoz va web server o'rtasida ma'lumotlar almashinuvi xavfsizlik siyosatiga javob bera oladigan hamda mijoz va web server tomonlarining texnologiyalari bir vaqtning o'zida qo'llab quvvatlaydigan protokollar orqali amalga oshadi.

Hozirda mijoz va web server o'rtasida ma'lumotlar almashinishda keng foydalanib kelinayotgan protokollar quyidagilardir:

- HTTP (Hyper Text Transfer Protocol)
- HTTPS (Hyper Text Transfer Protocol Secure)


Ushbu protokollar aynan ikki tomonlama ma'lumotlarni almashinish ya'ni mijoz serverni, server esa mijozni tanib olishiga yordam beruvchi protokollardir.

HTTP (Hyper Text Transfer Protocol)– protokoli Web Serverdan multimediali, grafik, matnli ma'lumotlarni ko'chirib olish va Web Brauzerda ko'rish imkonini beradi.

Bu protokol birinchi bo'lib asosan internet tarmog'ida aniqlashtirish jarayonida ya'ni web brauzer va web server bir birini millionlab brauzerlar orasidan tanib olish uchun ishlab chiqilgan.

Lekin bugungi kunda ushbu protokol xavfsizlik siyosatiga to'liq javob bera olmaydi, sababi esa protokolning quyidagi kamchiliklaridir:

- ma'lumotlar oddiy matn ko'rinishida ochiq holatda serverdan brauzerga hamda brauzerdan serverga yuboradi;
- yuboriladigan ma'lumotlar shifirlanmaydi;
- web server va brauzer o'rtasida ma'lumotlar xavfsizligini ta'minlash uchun hech qanday sertifikat kiritilmagan.




1– rasm. HTTPda ma'lumotlar ochiq holda yuborilishi.

Hozirda kunda HTTP protokolidan ko'ra HTTPS protokolidan foydalanish sababi ham shu kamchiliklardan kelib chiqadi.


HTTPS ingliz tilidagi «Hyper Text Transfer Protocol Secure» so'zlarining bosh harflaridan olingan.

Aslida HTTPS – bu HTTP protokolining xavfsiz shakli boʻlib, HTTPdan farqli ravishda HTTPS protokolida barcha murojaatlar kodlangan shaklda yuboriladi.



2 – rasm. HTTPS da maʼlumotlarning kodlangan holda yuborilishi

HTTPS serverdan brauzergacha va aksincha, brauzerdan servergacha boʻlgan aloqalarni kodlash va qayta kodlash tarzida ishlaydi. Xavfsiz aloqaning asosini SSL(Secure Sockets Layer) yoki TLS(Transport Layer Security) xavfsizlik protokollari tashkil etadi. Ularning ikkalasi ham shaxsiy va ommaviy kalitlar asosida ishlaydi. Shaxsiy kalit (yopiq kalit) faqat serverda saqlanadi va u maxfiy hisoblanadi. Ommaviy kalit (ochiq kalit) esa hamma uchun ochiq boʻlib, erkin tarqatiladi. Server foydalanuvchiga qaysidir maʼlumotni joʻnatayotgan vaqtida uni oʻzidagi shaxsiy kalit yordamida kodlaydi va brauzerga uzatadi. Natijada brauzergacha kelayotgan aloqa kodlangan holatda boʻladi va mobodo qaysidir xaker(niyati buzuq shaxs yoki foydalanuvchi) uni brauzergacha buzib, oʻqishga harakat qilsa, undagi ommaviy kalit yuborilgan aloqa maʼlumoti bilan mos tushmaydi, shu tarzda qayta kodlash amalga oshirilmaydi. Bu aloqaning xavfsizligini va ishonchli himoyasini taʼminlaydi. Sayt yuklanayotganda har bir brauzer avtomatik tarzda serverdan ommaviy kalitni qabul qilib oladi va ikki tomonlama bir xil kalit asosida serverda kodlangan maʼlumot brauzerga kelib qayta kodlanadi va foydalanuvchiga koʻrsatiladi. Foydalanuvchining ham oʻz navbatida yuboradigan maʼlumoti brauzer ommaviy kaliti tomonidan kodlanadi va serverga yetib borganidan soʻng qayta kodlab, maʼlumot saqlanadi. Oddiy qilib aytganda server va brauzer (foydalanuvchi) secure protokol yordamida bir-birlariga maʼlumotni “qadoqlab”yuborishadi. Bundan koʻrinib turibdiki, oʻrtadagi maʼlumot qadogʻi maxsus kalitsiz ochilmasligi natijasida aloqa xavfsizligi va ishonchli tarzda yetib borishi taʼminlanadi.



3 – rasm. HTTP SSL sertifikatini bilan HTTPS protokoliga aynalanishi.

HTTPS protokoli saytdan serverga va serverdan saytga maxfiy ma'lumotlar yuborishda, kredit karta va bank xisob raqami amaliyotlarini amalga oshirishda ishlatiladi. Bu protokoldan foydalanish uchun har bir sayt (server) o'zining SSL sertifikatiga ega bo'lishi kerak. Bitta SSL sertifikatining shaxsiy kaliti milliardlab brauzerlarga yuboriladigan ommaviy kalitlar bilan hamkorlikda ishlaydi.

Agar saytingiz va serveringiz orqali hech qanday maxfiy ma'lumotlar, xakerlar hujumidan saqlanishi kerak bo'lgan muhim amaliyotlar amalga oshirilmasa, HTTPdan foydalanishni davom ettirishingiz mumkin. Ammo saytingizda foydalanuvchilarning pul mablag'lari, shaxsiy maxfiy identifikatsion ma'lumotlari hamda shunga o'xshash hech kimga ko'rsatilmasligi kerak bo'lgan maxfiy ma'lumotlar bilan amaliyotlar qilinsa, siz uchun HTTPS protokolida ishlash juda zarur hisoblanadi.

Foydalanuvchilarga HTTPS protokolidan foydalanishning afzalliklari sifatida quyidagilarni ko'rsatish mumkin:

- foydalanuvchi ma'lumotlari, kredit karta raqamlari va boshqa maxfiy ma'lumotlar kodlangan tarzda yuboriladi va uni xakerlar buza olmaydi;
- foydalanuvchilar brauzerda sertifikatning «yashil» ekanligini ko'rib saytning ishonchli ekanligini bilishadi;
- foydalanuvchilar xavfsizlik sertifikatiga ega saytlar orqali harid qilishda o'zlarini xavfsiz his qilishadi;
- sertifikati bor saytlarga ko'proq ishonichli bo'ladi;

HTTPS orqali ishlayotgan sayt to'liq xavfsiz bo'lishi uchun uning sahifalarida yuklanayotgan barcha ma'lumotlar ham ishonchli, ham xavfsiz https kanali orqali yuklanishi shart. Agar sayt o'zi https asosida ishlasa, ammo saytning sahifalarida oddiy http orqali biror narsa (rasm, skript, fayl) yuklansa, brauzer Mixed content (aralash tarkib) xatoligini ko'rsatadi. Bu saytingizning yetarlicha «ishonchli» emasligini bildiradi.

Mijoz va server o'rtasidagi ma'lumotlar almashinuvida mutaxassislar tomonidan eng ko'p tavsiya qilinadigan hamda ishonchli sertifikatga ega bo'lgan protokol - bu https protokoli hisoblanadi.

## **HUJUM SHAROITIDA TCP-ULANISHINI O'RNATISH SXEMASI**

*M.S. Sobirova (magistr, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU)*

TCP SYN flooding hujumining amalga oshirilishi TCP aloqa o'rnatish sxemasiga asoslanadi, bu uch tomonlama qo'l siqish deb ataladi va soddalashtirilgan, bunga o'xshaydi. Ulanishni boshlagan abonent serverni maxsus mo'ljallangan paketga (SYN paket) yuboradi. Server javob sifatida SYN-ACK paketini yuboradi, shuning uchun abonentga uning so'rovi olinganligi haqida xabar beradi va server ulanishni o'rnatish uchun abonentdan tasdiqni kutmoqda.

Bu esa, ulanishning yarmini ochuvchi navbatda maxsus server navbatida ulanish haqida eslatib o'tadi. SYN-ACK paketini qabul qiluvchi xaridor tasdiqlash

(ACK paketini) yuboradi, undan keyin ma'lumotlarni yuborish uchun qabul qilinadi. ACK paketini qabul qilgan server javob yozishni o'chiradi.

Agar server ma'lum bir ruxsat etilgan takrorlash muddati (takrorlash muddati) doirasida tegishli ACK paketini olmagan bo'lsa, eslatma o'chiriladi. Bunda ulanish o'rnatilmasa, abonentning paketlari bloklanadi. Yarim ochiq ulanishlar navbatida ma'lum bir yakuniy xotira hajmi belgilanadi, navbatning o'lchami OS (operatsion tizim) ga bog'liq.

Yarim ochiq ulanishlar navbatida ma'lum bir yakuniy xotira hajmi belgilanadi, navbatning o'lchami OS (operatsion tizim) ga bog'liq. Agar server SYN paketini olsa va navbat to'ldirilgan bo'lsa, ushbu paket bekor qilinadi. TCP SYN flooding deb atalgan hujum sharoitlarida, SYN-ACK paketlarini qulab tushadigan hujum serverlari bilan juda ko'p ulanish o'rnatadi, lekin ularga hech qanday javob qaytarilmaydi.

Yarim ochilgan server ulanishining navbatiga soxta SYN paketlari haqida eslatma qo'shib, qonuniy foydalanuvchilar serverga kira olmaydi. Biroq, hujum uzoq vaqt davomida bo'lishi kerak, aks holda server to'xtagan vaqtdan keyin foydalanish mumkin bo'ladi.

Qoida tariqasida, dastlabki bosqichda yaxshi tayyorlangan DDoS hujumi soxta aloqa so'rovlarini ishlab chiqarishda ishlatilmaydigan qurilmalarning nisbatan kam sonini buzadi, ammo o'z navbatida boshqa serverlarni hujum qilingan server bilan bog'lashga majbur qiladi. Xuddi shunga o'xshash, jinoyatchilar hujumning yakuniy bosqichida bevosita ishtirok etmaydi, bu esa ularning identifikatsiyasini deyarli imkonsiz qiladi. Bunday ochiq-oydin choralari, masalan, TCP/IP-ketma-ketligini oshirish uchun yaroqli yarim ochiq ulanishlarni oshirish va SYN-ACK paketini kutish vaqtini kamaytirish mumkin.

Shunday qilib (standart takrorlash qiymati SYN paketining manbaiga masofaga qarab minimal yoki dinamik ravishda kamaytirilishi mumkin) yuqorida aytilganidek, joriy operatsion tizimlarning aksariyati TCP/IP stack operatsion rejimining dinamik konfiguratsiyasi uchun integral vositalarga ega.

Agar ACK paketi biron-bir tarzda qabul qilinmasa, abonent noqonuniy hisoblanadi va ushbu manzildagi barcha quyidagi paketlar filtr qilinadi. ACK paketi qabul qilinsa, shuz serverga ulanishni faollashtiradi. Ushbu yondashuvning ahvoliga tushib qolmaslik oddiy rejimda tarmoq ishining sezilarli darajada pasayishiga olib keladi. Bundan tashqari, keng doiradagi soxta IP-manzilni yaratish shluzi o'zini bloklashi mumkin.

Qonuniy manzillar bazalarini qo'llash maqsadga muvofiq emas, jinoyatchi ko'plab qonuniy yuboruvchi manzil yordamida soxta SYN paketlarini ishlab chiqarishga qodir. Statistik filtrlash usullari keng qo'llaniladi, agar SYN shubha ostiga olingan bo'lsa, ma'lum bir manbadan trafikni butunlay bloklaydi va qonuniy va noqonuniy paketlar o'rtasidagi farqni yuqotadi. Bunday taqiqlash mezonlari, masalan, SYN paketlarining sonini ACK paketlarining soniga nisbati bo'lishi mumkin. Agar u birlikdan juda ko'p bo'lsa, u holda hujum aniqlanadi.

Ushbu usul TCP/IP protokolini modifikatsiyalashni talab qilsa-da, paketli filtrlash qonuniy mijoz va server hujum qilgan ba'zi maxfiy kod yordamida amalga



oshirilishi mumkin. Shu kabi mexanizm SYN cookie mexanizmlarida amalga oshiriladi, bu erda maxfiy xabar (cookie) jo'natuvchining manzili, chiquvchi port, qabul qiluvchining manzili, kirish porti va tasodifiy sonning funksiyasi hisoblanadi. SYN cookie-lari xususiyati, cookie-fayllarni o'z ichiga olgan SYN-ACK paketini yuborib, server yarmigacha ochiq ulanishlarda qayd etmaydi. SYN paketlardan hech biri bloklanmagan, ammo serverda SYN-ACK paketini qayta yuborish imkoniyati yo'q. Bunga qo'shimcha ravishda, SYN cookie fayllari kabi xavfsizlik tizimlarida maxfiy kod buzilgan bo'lishi mumkin va server DDoS hujumlariga nisbatan soxta ACK paketlari bilan zaif bo'lib qoladi.

SYN paketlari SYN kesh sxemasidan foydalanganda bloklanmaydilar: har bir yangi paket uchun server xotirasining maxsus bo'limida (kesh) kirish kiritiladi, lekin xotira to'lsa, eng qadimgi yozuv o'chiriladi.

So'nggi paytlarda mijoz va server o'rtasidagi masofaviy joylarda paketlarni markalashni qo'llagan paketlarning qonuniyligini tekshirish uchun bir necha usul taklif qilingan. Biroq, bu muammoni butunlay hal qilmaydi, markerlarni soxtalash-tirishi mumkin, qo'shimcha ravishda, SYN to'lib toshishini ishlatishning ba'zi usullari bilan, hujumda ishtirok etadigan paketlar huquqiy belgilarga ega bo'ladi.

SYN to'lib toshishiga qarshi kurashning muayyan usulini tavsiflagach, mualliflar, odatda, kamchiliklarga etarlicha e'tibor berilmay, uning afzalliklariga e'tibor berishadi. Masalan, yuqorida ko'rsatilgan himoya qilish mexanizmlaridan har qanday foydalanish hujum bo'lmasa, tarmoq ishining pasayishiga olib keladi, ularni faqat tasodifiy jarayonning buzilganligini aniqlashning statistik usullari yordamida aniqlangan holda hujum qilish mumkin bo'lgan hollarda faollashtirish tavsiya etiladi.

Agar kuzatilgan tizimda yuqolishning taxminiy muddati ma'lum bo'lsa, bu kasallikni aniqlashning aniqligi yaxshilanishi mumkin. SYN to'lib toshishiga qarshi vositalarni har tomonlama tahlil qilish uchun himoya vositalarining ishlash xususiyatlarini inobatga olgan holda hujumning matematik modellari zarur hisoblanadi.

## **KRIPTOGRAFIYA SOHASIDA NEYRON TARMOQLARNING TADBIIQI**

*T.F. Bekmuratov (akademik, O'z.F.A.),*

*O.O. Tursunov (magistr, Muhammad al – Xorazmiy nomidagi TATU)*

Hozirgi kunda sun'iy intellekt va neyron tarmoqlar har bir sohadagi yechimi murakkab bo'lgan vazifalarni hal etish uchun qo'llanilib kelinmoqda. Kriptografiya sohasiga ham neyron tarmoqlarni tadbiq etish va ulardan kriptografik muammolarni yechishda foydalanish asta sekinlik bilan kengayib bormoqda. Kriptografiyaga neyron tarmoqlarning qo'llash boshlanishi bilan fanga "Neyrokriptografiya" atamasi kirib keldi. Neyrokriptografiya – kriptografiyaning bir qismi bo'lib, neyron tarmoq algoritmlarini shifrlash va kriptozanaliz jarayonlariga qo'llashni o'rganadi.

Rivojlanayotgan sun'iy intellektual texnologiyalari yangi virusga qarshi vositalar, tarmoq xavfsizligi tahlili dasturlari, xavfsizlik devorlari (Firewall) kabi

yo'nalishlarning ham o'sish tendentsiyasini taminlamoqda. Bu holat ularni o'rganishga, axborot xavfsizligi metodlarini faol rivojlanishiga, tarmoq tahdidlarining himoyasini oshirishga imkoniyatlar yaratib bermoqda.

Yaxshi ishlab chiqilgan intellektual tizimlar insonlarga axborot xavfsizligini ta'minlashdagi chora-tadbirlarni amalga oshirishda sodda, eng maqbul yechimlarni o'rnidan qo'zg'almagan holda yechish imkoniyatlarini taqdim etmoqda.

## ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДИКИ В ПРЕПОДАВАНИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА ДЛЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ЦЕЛЕЙ В ТЕХНИЧЕСКОМ ВУЗЕ

*Л.Д Мухамедова (преп., СФ ТУИТ имени Мухаммеда Ал-Хоразмий)*

В современном техническом ВУЗе изучение английского языка занимает важное место и является важным компонентом в профессиональной подготовке специалистов для разных отраслей экономики. Внедрение инновационных методов преподавания английского языка становится актуально и имеет большое практическое значение. Умелое сочетание традиционных методов обучения с современными возможностями технологии помогает сделать атмосферу в аудитории креативной и повышает мотивацию студентов. В статье дан краткий обзор и анализ современных информационно-коммуникативных технологий (ИКТ) в области преподавания английского языка для специальных целей. Ключевые слова: английский для специальных целей (ESP), информационно коммуникативные технологии, мультимедийные технологии, вебквест, Wiki, высшее профессиональное образование.

Введение. В настоящее время английский для специальных целей (ESP) преподается во всем мире по различным направлениям. Начиная с 60-х годов прошлого столетия, когда впервые заговорили о ESP как об отдельном направлении преподавания англ Н.Г. Алявдина, Т.Д. Маргарян 2 Разработка учебных программ и планов для преподавания ESP. Таким образом, жизненно необходимым стал вопрос о единой программе по иностранному языку для неязыковых вузов, в которой бы были учтены требования к уровню владения иностранным языком современных выпускников. Сегодня такая программа, рекомендованная научно-методическим советом по иностранным языкам МОН РФ во главе с его председателем профессором С.Г. Тер – Минасовой, уже существуют. В ее основе лежат следующие положения, зафиксированные в современных документах по модернизации высшего профессионального образования:

- Владение иностранным языком является неотъемлемой частью профессиональной подготовки всех специалистов в вузе.

- Курс иностранного языка является многоуровневым и разрабатывается в контексте непрерывного образования.

- Изучение иностранного языка строится на междисциплинарной интегрированной основе.

- Обучение иностранному языку направлено на комплексное развитие коммуникативной, когнитивной, информационной, социокультурной, профессиональной и общекультурной компетенций студентов.

Но, даже имея единую программу, необходимо всегда учитывать специфику каждого учебного заведения или его кафедр, потребность заказчиков и самих студентов. Важную роль в профессиональном

образовании играют преподаватели ESP. Их часто просят разработать программы и учебные планы по ESP, организовать специальные курсы английского языка для студентов и т. д. Как и в любом другом виде обучения здесь существует большое количество методов и подходов, используемых в зависимости от целей курсов и имеющихся ресурсов.

Исходя из философии ESP, их можно разделить на три основные группы следующим образом: проблемное обучение (PBL), автономное образование (AL) и обучение с помощью информационно-коммуникационных технологий (ICT). Стоит отметить, что все они являются личностноориентированными методологиями. Сегодня, когда расставлены новые акценты в трактовке целей языкового образования и внесены определенные изменения в процесс учебного взаимодействия преподавателя и студента, преподавателю необходимо яснее представлять, что требуется от него на уроке иностранного языка. При разработке программы по иностранному языку следует учитывать потенциал знаний и языковые навыки студентов, а также мотивированность студентов в получении знаний.

Кажущаяся, на первый взгляд, простая процедура определения содержания обучения и организация обучения должны включать в себя теоретические положения. Поэтому учебную программу следует скорректировать с общей методологией курса. Инновационные методики в преподавании английского языка... 3 Основными задачами преподавателя ESP являются подбор и организация учебных материалов, составление эффективных учебных программ и планов, направленных на получение желаемых результатов обучения, поддержка мотивации студентов, их усилий и стараний. Также важным элементом работы в группах ESP является предоставление студентам обратной связи с преподавателем, как для организации контроля процесса обучения, так и для организации консультационной помощи студентам.

Когда преподаватель ESP приходит в аудиторию, он, прежде всего, ставит определенные цели занятия, которые помогают создать там благоприятные условия обучения, дружественную атмосферу взаимопонимания и взаимопомощи. Подбирая те или иные учебные материалы по иностранному языку для содержания курса, преподаватели или разработчики курсов тем самым выражают свои идеи, взгляды на преподавание иностранного языка и методы обучения. Постановка цели занятия в большей мере влияет на выбор учебно-методического материала. Если преподаватель на занятии ставит цель закрепление коммуникативных навыков, он включает в занятие различные упражнения, моделирующие практику общения на языке: деловые игры; тематические диалоги; составление инструкций; отчетов; презентации и дискуссии.

При составлении курса следует учитывать, что понятие «коммуникативной компетенции» студентов рассматривается не как сумма их знаний, умений и навыков, а еще и как совокупность личных качеств студентов (ценностно-смысловых ориентаций, знаний, умений, навыков и

способностей). Оценочным критерием является их способность решать проблемы и самостоятельно находить ответы на вопросы, возникающие в процессе профессионального, учебного социально-культурного и бытового общения на иностранном языке. По форме организации курса программа может быть синтетической, когда язык сегментирован на отдельные языковые элементы, которые представляются за один раз, или аналитической, когда язык представляется не дробленным, а цельным куском за один раз и без лингвистического контроля.

*Эффективные методы и методики ESP.* Важным элементом в обучении ESP является умение преподавателя создавать в аудитории атмосферу для живого общения и конструктивных споров. Студенты приобретают устойчивые коммуникативные навыки лишь тогда, когда у них есть возможность использовать их в общении с другими. Очень часто, к сожалению, учитель может оказаться единственным человеком, владеющим английским языком, с которым могут поговорить студенты, и время для общения с каждым студентом у преподавателя в аудитории ограничено. Люди легче обучаются иностранному языку, когда они высоко мотивированы и имеют возможность использовать свои знания и умения в языковой среде, которую они понимают и которой интересуются. С этой точки зрения ESP является мощным средством для реализации такой возможности.

Студенты овладевают английским языком по мере того как они работают с материалами, которые они считают интересными и актуальными, и которые они могут использовать в своей. Инновационные методики в преподавании английского языка. На конференции в Ярославле специалисты ESP показали большое количество новых технологий обучения английскому для специальных целей, таких как создание Wiki, разработка Web-Quests, интеграция видео и блогов в аудиторную и внеаудиторную работу. Эти инновационные методики широко обсуждались в ходе семинаров "Интернетная лингводидактика: умный университет, LMS\* и смешанное обучение (ESP / ELT / TS)", проведенного И. Wiki происходит от гавайского wiki-wiki "как можно быстрее", позже этому слову был придуман английский бэкроним "What I Know Is..." (то, что я знаю, это...).

Это веб-сайт, структуру и содержимое которого пользователи могут самостоятельно изменять с помощью инструментов, предоставляемых самим сайтом. Форматирование текста и вставка различных объектов в него производится с использованием вики-разметки. Именно возможность коллективной разработки, хранения, структуризации текста, гипертекста и файлов, в том числе мультимедийных делает Wiki привлекательной для работы со студентами как на занятиях, так и в большей степени самостоятельной. Веб-квест – это сайт в Интернете, с которым работают учащиеся, выполняя ту или иную учебную задачу. Различают два типа вебквестов: для кратковременной работы с целью углубления знаний и их дальнейшей интеграции.



Обычно они рассчитаны на одно-три занятия. И для длительной работы с целью углубления и преобразования знаний студентов. Такие веб-квесты рассчитаны на более длительный срок – может быть, на семестр или учебный год. Особенностью образовательных веб-квестов является то, что часть или вся информация для самостоятельной или групповой работы учащихся находится на различных веб-сайтах. Технология веб-квестов помогает сформировать и развить у студентов следующие компетенции:

- использование ИТ для решения профессиональных задач (в т. ч. для поиска необходимой информации, оформления результатов работы в виде компьютерных презентаций, веб-сайтов, флеш-роликов, баз данных и т.д.);
- самообучение и самоорганизация; работа в команде (планирование, распределение функций, взаимопомощь, взаимоконтроль);
- умение находить несколько способов решения проблемной ситуации, определять наиболее рациональный вариант, обосновывать свой выбор;
- навык публичных выступлений, т.к. необходимо публично защитить проект, ответить на вопросы или принять участие в дискуссии .

Важно отметить, что преподаватели ESP нуждаются в регулярной поддержке и руководстве по использованию новых Инновационные методики в преподавании английского языка.

*Заключение.* Если преподаватель стремится добиться успеха в своей работе с группой, ему нужно находить и адаптировать новые технологии, чтобы вовлечь поколение Z в работу по традиционным направлениям с помощью мультимедийных средств обучения и цифровых технологий, онлайн ресурсов и мобильных приложений. Инновационные методики в преподавании английского языка. Механизмы ESP обучения развиваются все быстрее и быстрее, и абсолютно очевидно, что охватить все современные тенденции невозможно в этой короткой статье. Таким образом, несмотря на то, что преподавание ESP ориентировано на практическое профессионально ориентированное применение, как и любой другой аспект обучения английскому языку, оно основывается на знании природы языка, на знании основных методов и форм преподавания и обучения.

А сочетание традиционных методов преподавания и новых технологий, в том числе использование виртуальной среды для поддержки мотивации у студентов, сегодня становится одним из продуктивных подходов в сфере обучения ESP. Критическое осмысление изучаемого материала студентами способствует формированию необходимых для них навыков и умений, формирует лингвистические, социокультурные, коммуникативные, а также профессиональные компетенции.

Примечания: \*LMS (Learning Management System) – единая система информационной поддержки образовательного процесса

#### Литература

1. Basturkmen H. Ideas and options in English for specific purposes, – Taylor and Francis e-library, 2008. [www.eBookstore.tandf.co.uk](http://www.eBookstore.tandf.co.uk)

## **КУРСАНТЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

*М.С. Тоштемуров (п/нк, у.ц.б, МФ Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги  
ТАТУ)*

Мамлакатимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида ҳарбий йўналишдаги таълим тизими олдига янги талаблар қўйилмоқда. Курсантларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш устивор аҳамият касб этаётган бугунги кунда бўлажак курсантларни ўқув жараёнидан ташқари машғулотларга тайёрлаш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Ватан ва ватанпарварлик тушунчалари ўзаро уйғун бўлиб, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да уларга қўйидагича таъриф берилган: “Ватан – кишиларнинг туғилиб ўсган жойи, юрти, мамлакати; тарихидан муайян халққа тегишли ҳудуд ҳамда унинг табиати, аҳолиси, ўзига хос тараққиёти, тили, маданияти, турмуши ва урф-одатлари мажмуи” [1].

“Ватанпарварлик – кишиларнинг она юрти, ўз ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодаладиган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, халқ, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватаннинг ўтмиши ва ҳозир билан фахрланишда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади” [1].

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистон фуқароси ватанпарварлиги – ислохотлар йўлини кўрсатувчи, белгиланган мақсадга бошловчи ишончли йўл кўрсатувчи юлдуз” эканлигини алоҳида таъкидлаган. Юртбошимиз ўз фикрини давом эттириб, “Ватанпарварлик, бирлашиш, миллатлар ўртасидаги келишув – ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати қурилиши пойдеворидир”, дея таъкидлайди. Республикамиз Президентининг фикрича, бугунги кунда “фарзандларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим ҳисобланади”, чунки “инсонлар онгида мустақиллигимизни, жамиятимизни мустаҳкамлаш йўлида Ватанга муҳаббат ғояси асосий ҳисобланади” [1].

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида баркамол авлодни тарбиялаш, ўз халқи, ўз ватани манфаатларига содиқ, ўз манфаатларини мамлакат ва халқ манфаати билан тенг қўрадиган шахсни шакллантириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Дастурда ижтимоий тажрибалар, миллий-маданий қадриятлар ва бугунги кун талабларини ҳисобга олиб, онгли равишда ҳаракат қилувчи шахсни шакллантиришни таъминлаш эътироф этилган. “Кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалга ошириш миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга йўналтирилган, бу эса ўз навбатида, фуқаролик жамияти асосларини яратишда муҳим омил ҳисобланади”.

Шу маънода ёш курсантларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга тайёрлаш ўта муҳим вазифалардан бири бўлиб, бундай мақсадга эришиш учун бу ёшларни ватанпарварлик тарбиясининг назарий асослари, унга қўйиладиган талаблар, усул ва воситалар, технологиялар билан қуроллантиришни тақозо қилади. Бунинг учун бўлажак ҳарбийларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга тай-ёрлаш тизимини ишлаб чиқиш ниҳоятда зарурдир. Чунки ватанпарварлик тарбияси ижтимоий тараққиётнинг барча даврларида долзарб аҳамият касб этган бўлсада, мустақиллик йилларида алоҳида мазмун моҳиятига эга бўлди, унинг қўлами кенгайди.

Машғулотдан ташқари таълим жараёнида олиб борилаётган ахлоқий, рухий ва жисмоний тайёргарликлар ватанпарварлик руҳида тарбиялаш методикаси ўзига хос дидактик ҳодисадир. Дарсдан ташқари таълим-тарбия жараёнининг муваффақиятини таъминлашда унда қўлланиладиган ахлоқий, рухий ва жисмоний методлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар таълим-тарбия жараёнини ташкиллаштириш, таълим бериш, тарбиялаш ҳамда курсантларда ватанпарварликни шакллантиришдан иборат. Дарсдан ташқари таълим-тарбия жараёнида курсантларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қуйидаги методлардан фойдаланиш самаралидир: тушунтириш, муҳокама қилиш, ўргатиш, воқеа-ҳодисаларни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга кўчириш кабилар.

Бу ҳақда П.И.Пидкасистий қуйидаги фикрларни билдирган эди: “ёш курсантлар билан ишлаш ҳақида ўйлаганда ўқитувчи ҳар доим ўз режасининг уч томонини эсда сақлаши керак, муайян гуруҳда, курсант ўқувчининг аниқ бир ҳаракатида унинг идроки, кечинмалари, фаолияти мужассамлашади” [3:217]. Курсантларга тарбиявий таъсир кўрсатиш методлари тизимида идрок этиш, ўзлаштириш, тушуниш объектига курсантнинг муносабати муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда курсантга уқтириш, тушунтириш, мисол келтириш, намойиш этиш ме-тодларидан фойдаланиб курсантнинг идрокини ривожлантириши, унга баҳо орқали таъсир кўрсатиши, кечинмаларини фаоллаштириши муҳимдир.

Бу жараёнда курсант қуйидаги усуллардан кенг фойдаланиши лозим: воқеа-ҳодисаларни тез анализ қилиши, курсантларга янги маълумотларни етказиши, мавзуни батафсил очиб бериши курсантлар билан суҳбатга киришиши, баҳс-мунозара муҳитини вужудга келтириши, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини курсантлар билан ҳамкорликда муҳокама қилиши, курсантлар билан фикр алмашиши, ўз таассуротларини ўртоқлашиши, курсантларга маслаҳатлар, тавсиялар бериши, курсантлардан илтимос ва талаб қилиши, жонли мисоллар, намуналар кўрсата олиши, ўйин, такрорлаш, мустаҳкамлаш дақиқаларини ташкил этиши, курсант фаолиятини баҳолаши, уларни рағбатлантириши, ижобий хатти-ҳаракатларни маъқуллаши, нотўғриларига изоҳ бериши ва бартараф этиш йўллари кўрсатиши, курсантлар фаолиятини назорат қилиши, хатоларни тузатишлари ҳақида тавсиялар бериши ва ҳ.к.

Бундай усуллар ва методлардан фойдаланиш учун бўлажак ҳарбий педагог курсантлари шахсияти ва ватанпарварликка оид дунёқарашига

педагогик-психологик таъсир кўрсатиш йўллари эгаллаши лозим. Дарсдан ташқари таълим-тарбия жараёнида ҳам ўқитувчилар курсант ўқувчилардан ватанпарварлик руҳиятини кўзгатиш, уларнинг ватанпарварликка оид билимларини ривожлантириш, шу асосда тарбиялаш, тузатиш вазифаларини бажара олишлари керак. Курсантларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муваффақиятга эришиш учун уларнинг ўқиган асарларидан таъсирланишларига кенг йўл очиш лозим. Курсантларга ўқиган китоблари иллюстрацияларга кенгроқ жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Ўқиган асарда ватанпарварлик ғоясига алоҳида урғу бериши керак.

Бўлажак ҳарбий устоз ҳам курсантларни ватанпарварликка ундаш маҳоратига эга бўлишлари ҳам муҳимдир. Сухбат методи синфдан ташқари таълим-тарбия жараёнида жуда катта имкониятларга эга. Унинг ёрдамида курсантларнинг дарсда ўрганган билимлари эсга олинади, мустақил фикрлашга ўргатилади, хулоса ва умумлаштириш орқали янги билимларни ўзлаштиришга жалб этилади. Бу жараёнда курсантлар аста-секин ватанпарварликка оид янги билимларни эгаллаб боради. Бадиий адабиёт ижоди намуналари воситасида курсантларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган сухбатлар уларда Ватанга муҳаббат, қаҳрамонлик, жасорат, халқсеварликка ундайди ва Ватан, миллат ҳақидаги билимларини кенгайтиради. Сухбатлар ёрдамида ўқитувчилар курсантларнинг ватанпарварликка оид билим ҳамда кўникмаларини назорат қилишга ҳам ўрганадилар.

Сухбат жараёнида ўртага ташланган саволлар курсантларни чуқур ўйлаш, фикрлаш ва мустақил фикр баён қилишга чорлаши муҳимдир. Бунда улар ўзлаштирган билимларни имкон қадар умумлаштиришга эришишлари керак. Сухбатлар аниқ мақсадга –курсантларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилиши лозим. Ўқитувчи ўқитишнинг энг зарур технологияларини таълим-тарбия жараёнига қўлай олиши зарур. Сухбатда курсантларга бериладиган саволлар мантикий изчилликка эга бўлиши, муҳим хулосалар чиқариш, мавзу моҳиятини очиб бериши зарур. Шунинг учун курсантларга саволлар тузишда уларнинг ўзлаштирган билимлари ва ривожланиш даражаларини ҳисобга олиш муҳим ўрин тутди. Ватанпарварлик тарбиясида дидактик ўйинлар алоҳида аҳамиятга эга. Ўйин жараёнида курсантларда шаклланаётган ватанпарварликка оид билимлар, тасаввурлар, қарашлар барқарорлашади. Уларнинг ватанпарварликка оид дастлабки ҳаракатлари рағбатлантирилади.

Хулоса сифатида шунини айтиш жоизки, ҳарбий педагог дарсдан ташқари таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш назарда тутилган бадиий адабиёт ижоди намуналарини курсантларга самарали етказиш учун қўлай бўлган методларни танлай олиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти / WWW. Ziyouz.com кутуб-хонаси. – Б 64-65.

2. Каримов И.А. Узбекистан: свой путь обновления и прогресса. - Ташкент: Ўзбекистон, 1992. – 72 с.

3. Педагогика // Под ред. П.И.Пидкасистого. - М., 1996. – 217 с.

## **ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРДА НОТИҚЛИК САНЪАТИНИНГ АҲАМИЯТИ**

*Тўрахонова Х.Ж (МФ ўқитувчиси, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Нотиқлик бу ҳар қандай инсон учун ҳаётидаги энг муҳим бўлган томчидир. Биз қандайдир янги фанни, масалан бирор бир тил ва касб ҳунар ёки нотиқлик санъатини ўрганишга киришсак, бирданига тўхтовсиз тарзда олдинга қараб ҳаракат қилмаймиз, тобора муваффақиятга эришавермаймиз. Уларни қўққисдан сакрашлар, кескин силкинишлар туфайли қўлга киритамиз. Вақт билан бироз муддатга тўхтаёмиз, ҳатто орқага қараб чекинишимиз ҳамда қўлимизга кирган нимадан бир маҳрум бўлишимиз ҳам мумкин. Бундай орқага кетиш жараёни жаҳон руҳшуносларига жуда яхши маълум ва у “Қинғир ўқитиш учун қийшиқ тоғ” деб номланган. Кимки нотиқлик санъатини ўрганмоқчи бўлса, ҳафталаб ана шу қийшиқ тоғда тутилиб қолишга тўғри келади. Бўш ҳаёллар умидсизликка берилиб ташлаб кетади.

Вазмин миждозга эга бўлган кишилар эса давом эттиришади ва тўсатдан кутилмаганда ўзлари ҳам тушинмай қандай ва нега рўй берганини пайқамай жуда катта муваффақиятга эришадилар. Улар чўққидан худди самолёт каби учадилар. Кутилмаганда маҳоратни қўлга киритадилар, фавқулотда ўзларини эркин тута бошлайдилар, табиийлик касб этадилар. Маъруза ўқишда ўзларида тўла ишонч ҳосил қилиб кўпчиликка таъсир кўрсатадилар. Бирорта ҳам инсон ўзи олган таълим натижаларидан йўналиши қандайлигидан қатий назар асло безовта бўлмасин.

Агар иш вақтининг ҳар бир соатида виждонан меҳнат қилиб тер тўкса пировард натижадан гумонсирамаса ҳам бўлаверади. Шунга амин бўлмоғи керакки, ажойиб кунларнинг бирида уйқудан уйғониб тенгдошлари орасида энг билимдон одамга айланган бўлади. Агар виждонан ва кўтаринки руҳ билан омма ҳузурида сўзга чиқишни ўргансангиз ва онгли равишда машқ қилишни қанда қилмасангиз, гўзал тонглarning бирида уйғониб жамоа ичидаги энг пешқадам инсонлардан бири бўласиз ва бунга тўла тўқис ишонч ҳосил қиласиз.

Аввало, сизни кимдир чин юракдан эшитиши учун ўзингиз бошқаларга бераётган буйруқларингизни буюришга ростдан ҳам ҳақли бўлмоғингиз керак. Дейлик, сигарет чекманг дейиш учун инсон ўзи чекмаслиги керак. Эрталаб ишга саккизда келинг дейиш учун инсон ўзи етида келиб бўлган бўлиши катта аҳамиятга эгадир. Ушбу талаб қилинган вазифаларни инсон даставвал ўзида кўрмаса, бошқалардан талаб қилмасин, ўз ҳурматини йўқотиб қўйиши мумкин. Инсонни ҳурмат қилгандан эмас, лавозимини

хурмат қилганидан бўйсунушга мажбур бўлади. Нимани буюришдан қатъий назар у нарсани инсон олдин ўзида шакллантириши зарур. Аслини олиб қараганда бирон нима дейиш учун авваломбор инсонда гапира олиш яъни нотиклик санъати бўлиши лозимдир.

Гапни нимадан бошлаб нимада тугатишларгача пухта ўйланган сўз кучи, у қандай сохада бўлмасин жуда катта аҳамиятга эга. Айниқса ҳарбийлар орасида бу санъатнинг ўрни беқиёсдир. Ҳаётда икки хилдаги гапирувчилар мавжуд яъни биринчиси гапиришни яхши кўрадиган ва гапириши керак бўлганлиги учун гапирадиганлардир. Улар ўзларини жуда ҳам ақлли санаб ўзларининг сўзларини буйруқ ва тазйиқлар орқали бошқаларга яъни буйсинувчиларга етказдилар.

Бу билан иккита катта нарсани йўқотадилар. Аввало хамманинг вақтини ва ўзининг йиллаб тўплаган обрўсини йўқотади. У шахснинг бундай ҳолда гапириш имконини берган нарса бу факат ва факат унинг лавозими. Ундай инсонларнинг қўлида тарбия олган шахслар келажакда худди ўзининг зерикарли ва ёқимсиз бўлган командирига ўхшаб бошқаларга тарбия беради. Бундай оқибатлар сабаби албатта китоб саводхонлигининг ва бадий адабиётларнинг ҳаётида деярли камлигида.

Ҳарбий сохада лавозимнинг ўсиши учун керак бўладиган ва мажбурий бўлган тамойиллар ичида нотиклик санъатининг деярли ўрни кўринмаётганлиги сезилади. Шундай инсонлар ҳам учрайдики, улар ўзгаларга жабр қилиб соатлаб мақсадсиз нуқти билан атрофдагиларни вақтини олишга сабабчи бўлиб қолганликларини сезишмай ҳам қолишади. Юқори савияда гапирувчиларга келадиган бўлсак, уларнинг айтаётган ҳар бир сўзларида чуқур маъно ва жанговорлик руҳи яширинган бўлади. Сўзларини тинглаган тингловчининг танаси жонланади. Ундайлар қисқа ва лўнда гапиришади. Вазифани бир марта аниқ қилиб тушунтиради ва бажарилишини назорат қилади.

Ҳарбий сохада жазонинг ҳам жуда катта фойдали томонлари бор. Икки маротаба каттик хайфсан олган офицер ёки сержант бошка сафар буйрукни тўғри ва вақтида бажаради. Ушбу гапирувчилар ўртасидаги фарқларга биргина нарсани мисол қилиб келтирадиган бўлсак, бирон бир аскарнинг навбатчиликка чиқишидан олдин низомларни бирма бир сўраб чикгандан кейин ҳам қандайдир йуллар билан булмасин аскарнинг миясини чарчатади. Постда ухлаб қолса, текширувчилар келган вақтда сергак бўлишлик ҳақида, агарда ухлаб қолган бўлса текширувчи навбатчи томонидан қоровул бошлиғига ёки унинг ёрдамчисига каттик хайфсан олиб бериши мумкинлиги ҳақида уқтирилади. Постда бир кун сергак турган аскарнинг ҳаёлига факат текширувчилардан химояланиш фикри ётади.

Иккинчи турдаги гапирувчи командирларга тухталсак, аскарлардан мажбуриятларини ёддан айтиб беришини эмас, унга амал қилиш кераклиги

уктиради ва постга чикиб кетишидан олдин “Сен ватан ҳимоячисисан. Сен 24 соат ухламайсан аммо 33 миллион аҳоли тинч ухлайди. Сенинг уйқусиз тунларинг эвазига “ дейди.

Бундай кучли сузларни эшитиб постбон ва навбатчи назоратчилар учун сергак турган аскар учун фарқи канчалар катта бўлишини уйлайманки, исботлашни ҳеч ҳам ҳожати йукдир. Ана шунинг учун нотиклик санъати ҳарбий соҳада ва бошлик ва командирларнинг ҳаётида ва иш фаолиятида жуда катта аҳамиятга эга. Агарда сиз нотиклик санъатини эгаллашни ҳамда барчанинг кўнглидан илик жой олишни хоҳласангиз бадиий китоблар, ҳар хил адабиётлар, керак булса эртак ва достонларни ўқишни бошлашингиз лозим. Сиз бу билан дунёкарашингизни ўзгартирибгина колмай, балки анчадан бери бетондай котиб колган мия фаолиятини тиклайсиз. Барчанинг сеvimли командирларидан бирига айланасиз. Керак булса бу соҳадаги энг катта ўрнак бўлган ота боболаримиздан уларнинг бизга ёзиб колдириб кетган ўгитларидан ўқиб ўрганинг ва албатта бирон жойга сўзга чиқишдан олдин, холи қолган вақтингизда репетиция қилинг.

Қандай ҳолатда ва қай тарзда гапириш кераклигини машқ қилинг. Энг асосийси барчага ўрнак бўлинг. Саногии йук давлатларни босиб олган соҳибкирон бобомиз аскарларига бирон жойни барпо қилиш ҳақида буйрук бериб ўзлари эса аскарлари билан тенгма тенг ишлаганларини унутманг ва бу ҳолатни сиз ҳам ўз ҳаётингизга тадбиқ қилинг. Ана шунда биринчи президентимиз И.Каримов айтганларидек, биздан озод ва обод ватан қолиши кераклиги ва ҳозирда президентимиз Шавкат Миромонович таъкидлаганларидек одамлар биздан рози булиб яшашларига улкан хисса қўшишимиз зарурлигини қайта қайта таъкидлаганлари ўз ижобий натижасини кўрсатади!

Адабиётлар:

1. Холиқова Д.А. Ҳарбий психология асослари ўқув қўлланма.
2. Сатиб-Алдиев.А.А. Педагогик маҳорат асослари ўқув қўлланма.

### **ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА STEAM ФАНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВА УЛАРНИНГ АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ**

*Ғ.А. Назаров (магистрант, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Ушбу мақола бугунги замонавий таълим тизимида кенг жорий қилинаётган STEAM фанлар ва уларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги ўрни ҳақида бўлиб, мақолада STEAM фанларни жорий этиш ютуқ ва авзалликлари очиқ берилган. Шунингдек, мақолада жаҳон таълим таълим жараёнида STEAM фанларни қўлланиши таҳлили ҳам киритилган.

Ахборот коммуникация технологияларининг ривожига бевосита таълим тизими билан чамбарчас боғлиқ. Бугун дунё ҳамжамиятида ахборот технологияларига ва шу соҳада фаолият юритувчи мутахассисларга бўлган талаб юқори. Саноат инқилоби XX аср идеологиясини белгилаб бергани сингари, бугун ахборот технологиялари инқилоби ҳам янги фикрлашни, янги таълим усулларини талаб қилмоқда. Ҳозирги вақтда фаннинг кучи шу даражада юқорики, технология инсонлар асаб тизимидаги ҳар қандай эҳтимолларни ҳисоблайдиган миллиардлаб мия нейронларини ҳам тадқиқ этишга қодир. Технологиялар ривожига замонавий таълим тизимида ҳам бир канча муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди.

Дунёнинг илғор мамлакатларида технологияларга эмас, балки ушбу технологиялардан фойдалана оладиган, ундан ҳам юқори самара бера оладиган технологиялар ярата оладиган мутахассисларга талаб юқори. Бундай мутахассисларни етиштириб чиқариш учун таълим тизими қайтадан ислоҳ қилинмоқда. Саноат асри фанларидан воз кечилиб, ахборот технологиялари асрига монанд фанлар тараққиёти юзага келмоқда. Бугунги кун замонавий таълим тизимида асосан тор соҳани ўз ичига олган, тез ҳамда самарали ўқитиш усуллари жорий қилинмоқда. Дунёнинг етакчи олимлари фикрига кўра, таълим ўқувчиларга фанларни ёдлатиш эмас, балки уларнинг ҳар бирини иқтидорини юзага чиқариш учун берилиши керак. Шунинг натижаси ўлароқ, ҳозирги замон таълим тизимида соҳаларга бўлинган таълим жараёнлари ривожланмоқда.

Шунингдек, энди ёшлар жуда кам вақт сарфлаб, кўп ахборот олишга, тез ўзлаштиришга интилишмоқда. Кенг кўламли фанлардан воз кечиш, аниқ бир йўналиш бўйича ўқиш, XX асрнинг таълим тизимида эмас, янги замонавий инновацион таълим тизимидан фойдаланишга уринишлар бошланди. Эшитиш ва ёзиш, кўриш ва амалий кўлаш орқали таълим тизимида туб бурилишлар бошланди. Ҳозирги замоннинг етук педагоглари «Ўқитишнинг энг яхши усули-ҳаракат» деган хулосага келмоқдалар. Бу эса таълим тизимида яхши натижалар беради деган умиддалар. Ҳозирги таълим тизимида аниқ бир йўналиш бўйича фанларни ўқитиш, ўқувчиларга нафақат назарий балки амалий оргатишга катта эътибор қаратилмоқда. Педагоглар 5–10 йиллик дарсликлардан қочимокдалар. Кеча ўтилган фан, кеча ўргатилган технология бугун эскириб қолмоқда. Фанда кунига янгидан янги кашфиётлар қилинмоқда. Ҳозирда ўқитувчиларда ҳам академик билим даражалари юқориламоқда. Бунда IQ натижалари ҳам четлаб ўтилаётгани йўқ.

Бугун мамлакатимизда ҳам ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва кундалик ҳаётга изчил жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Таълим тизимида ҳам ахборот технологияларининг ўрни ортиб бормоқда. Мамлакатни янги тараққиёт босқичига кўтаришни устувор вазифа қилиб, буни амалга ошириш учун бизга, энг аввало, янги авлод кадрлари керак. Ана шундай юксак салоҳиятли кадрларни тарбиялаш мақсадида юртимизнинг ҳар бир ҳудудида биттадан янги типдаги мактаблар



- Президент мактаблари ташкил этилмоқда. Ушбу мактаблар замирида эса STEAM (Science (фан), Technology (технология), Engineering (муҳандислик), Art (санъат) ва Mathematics (математика)) фанларини ўқитишга ихтисослашган бўлади. Яъни, Президент мактабларида ёшларга математика, физика, кимё, биология ва ахборот технологиялари ҳамда хорижий тиллар илғор таълим методологиялари асосида чуқур ўргатилади. Бу эса ўз ўрни юртимизда ҳам таълим соҳаси янги босқичга чиқаётганидан далолат беради[1].

*STEAM фанлар асосида шаклланган таълим биз учун нимага керак?* STEAM фанлар бир доирага асосланган бўлиб тор соҳада чуқур билим берилади. Бу усулдан фойдаланиш ёш авлодни бугунги жаҳон тенденцияларига тез мослашиб боришига асос бўлади. Маҳаллий мактабларда инноваторлар, тадбиркорлар ва соҳа мутахассислари учун янгича билимлар базаси шакиллантирилади[2]. Ушбу фанлар асосида таълим олган талаба инновацион муҳитнинг ажралмас қисмига айланади. Унда яратувчилик, инноваторлик қобилияти шакилланади. Фан ва технологияларни бир вақтда ўзлаштириш учун ўқувчида қийинчилик бўлмайди. Сабаби, унинг базавий билимлари реал муҳитда самалга оширилиб борилади. Яъни амалиёт ва назария бир вақтнинг ўзида амалга оширилиб борилади. Шунингдек, ўқувчини танқидий фикрлашини ҳам ривожлантиради. Танқидий фикрлаш - олинган ахборотни шакллантириш учун фактларни объектив таҳлил қилишдир[3].

Танқидий фикрлаш мавзунинг мураккаблигидан қатъий назар холисона таҳлил қилиш ёки фактик далилларни баҳолашни ўз ичига олади. Ўқувчиларда ҳам танқидий фикрлашни ривожлантириш ахборотлар оқимини бошқара олиш қобилитини шакллантиради. STEAM фанлар таълим жараёнида креативликни талаб қилади. Унда нафақат талабалар, балки ўқувчилар ҳам ижодий ёндашувини керак бўлади. Кўпгина ўқитувчилар ўрта мактабларда талабалар кўпинча саволлар берилмаслиги ўқувчиларнинг тушунмаслигига, фанларга қизиқиш қизиқиши йўқлиги сабаб деб ҳисоблашади. Билимларни турли тоифаларга ажратиш-бу ўқувчиларимизга зарарли бўлади. Чунки ҳақиқий дунёда билимларнинг барчаси бирлашган ва улар коорпоративдир.

Масалан, касалликни даволаш учун янги даволаш турини яратадиган олим, ўз ишини тасаввур қилиш ҳамда тасаввур уйғотиш учун дизайн-фикрлашни ўрганиши керак. У ўз ғояларини такомиллаштириш учун молиялаштиришига ишонтириш мақсадида ишончли ва аниқ сўзлаши ҳам керак бўлади. У ўз ҳамкасблари ва инвесторлари билан фикрларини яхшилаш ҳамда кенгайтириш учун биргаликда ишлаши керак. Бу жуда кўп иқтидорли шахс - академик мавзуларнинг бир маромда уйғунлашувига ўхшайди. Илм-фан, математика, технология ва муҳандислик ажойиб! Хўш, нима учун биз уларни зерикарли ва реал дунёдаги жараёнлардан узиб қўйишни талаб қиламиз? Кўпчилик таълим ва кадрлар сифатига ўқитувчи масъул деб ҳисоблайди. Бу бир жиҳатдан тўғри. Ҳозир ўқитувчилик касби энг

мослашувчанлик талаб этиладиган касб ҳисобланади. Қайси маънода? ХХИ аср ахборот асри бўлиш билан бирга, нотўғри маълумотлар асри ҳамдир.

Демак, биз талабаларга нафақат билим беришимиз, ахборотни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш ва бунга йўналтиришимиз керак. Танқидий баҳолаш, таҳлил қилиш ҳамда маълумотларни керакли ва кераксизига ажрата олиши унинг келажагини белгилаб беради. Бунга нафақат ўқитувчи, талабалар ҳам, жамият ҳам, раҳбарлар ҳам тайёр бўлиши керак. Замон билан «ягона мажмуа» сифатида ҳаракатланилмаса, қайсидир бўғинларда оқсаш юзага келади ва бутун жараёни ортга тортиб кетади.

STEAM таълим ва ўқув жараёни комплекс ёндашувига асосланган дастурларни ўз ичига олади. Бу ўқув дастурлар мақсадлари, стандартлари, методикаси дарсларни лойиҳалаштириш, амалиётга тадбиқ этишни амалга ошириш ўртасида узвий боғлиқликни талаб қилади[4].

Ўқувчилар учун STEAM таълимнинг афзалликлари:

- инновацион ва креатив ғояларни ўйлашда ёрдам беради;
- амалий машғулотлар бажаришда қулайлик пайдо бўлади;
- мавзун ичидан эмас, ташқари тарафларидан ўрганишади;
- ўзи олаётган таълимга ўз истаклари асосида жалб қилинади, яъни ўқувчи хоҳиши тингланади;
- жамоавий ишлаш йўлга қўйилади;
- фан, технология, муҳандислик, санъат ва математика бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда ташкил этилади;
- ушбу фанлар асосида ўқувчиларни дунёқарашини шакиллантириш;
- замонавий ахборот технологиялар соҳасида фундаментал билимга эга бўлишади.

STEAM фанлар ўқувчиларнинг касб-ҳунарга йўналтирилган билимларини, уларнинг меҳнат бозоридаги рақобатдошлигини оширишга ёрдам беради. Ўқувчиларни нафақат бирор фан соҳасини чуқур эгаллаш, балки уларнинг ижодкорлик қобилиятини юзага чиқариш ҳам таълимнинг муҳим вазифасидир.

STEAM фанлар дарс жараёнини тубдан янгиламайди. STEAM фанлар ўқувчиларнинг дарс жараёнига бўлган эътиборини ўзгартиради. Ушбу тизимда ўқувчилар анча эркин, ижодкор ва бугунги замон талаб қилган фундаментал билимларини оширади.

*Хулоса.* STEAM таълим фундаментал фан соҳаларига таянган ҳолда ташкил этилади. Бунинг анаънавий таълим жараёнидан асосий фарқи ўқувчиларнинг ижодир, эркин ва креатив фикрлашини шакиллантириш, шунингдек, уларнинг замонавий илм-фан: биотехнология, роботатехника, 3D моделлар ишлаб чиқиш, виртуал реаллик (VR), сунъий интеллект, нанотехнологияларга оид билимлар базасини шакиллантиради.

STEAM таълими бугунги кунда бутун дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган ва аста-секин таълим тизимининг ахборот технологияларига асосланган тўлиқ модели эканлиги ҳамда «таълимнинг универсал самарадорлиги» сифатида таъкидланмоқда[5]. STEAM таълими жамиятдаги

амалий муаммоларга асосланади, талабалар билимларини маълум лойиҳа устида мустаҳкамлаб боришади. Ушбу жараёнлар ўқувчиларни инсон ресурсларини шакллантириш ва мукамал инновацион ғояларга эга бўлишига ёрдам беради. Ушбу таълим жараёни технологик инновацияларнинг муҳим воситаси бўлиб қолмоқда.

Бу жараёнларга яраша шу суръатда мактаблар, академик лицейлар, олий таълим муассасалари ва бошқа таълим масканлари ҳам ўзгариб бориши керак. Ҳозир шундай жараёнки, таълим тизимига ҳар йили янги йўналишлар кириб келиши керак. Бугунги ёшларга ахборотларга тўйинган «инновацион шахс» сифатида қарайдиган бўлсак, уларга замонавий технологияларнинг фундаментал билимларини бера оладиган таълим керак. Таълим тизимида STEAM фанлардан фойдаланиш келажакда ютуқ кадрлар етишмовчилиги масаласини ҳам осонлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <http://uzedu.uz/Xtv/IndexBatafsil/71?ID1=1374>
2. <http://www.cbs8.com/story/24446978/innovate-8>
3. Elkins, James R. "The Critical Thinking Movement: Alternating Currents in One Teacher's Thinking". *myweb.wvnet.edu*. Retrieved 23 March 2014.

## **XALQ TA'LIMI TIZIMIDA IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLARNI O'QITISHDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI VOSITALARIDAN FOYDALANISH SAMARALARI**

*D.H. Ilmurodova (o'qituvchi, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU QF)*

Mamlakatimiz har sohada yuksaklikka erishayotgan zamonda yashayotgan ekanmiz bugungi kunimizni axborot texnologiyalarisiz tasavvur qilishimiz qiyin. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev Miromonovich tomonidan xalqimizning hayot tarzini tubdan o'zgartirish uchun qanchadan qancha islohotlarni amalga oshirilmogda. Shu islohotlardan biri bu - 2018–2021 yillarda O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi tizimini yanada takomillashtirish bo'yicha chora-tadbirlar dasturidir.

Xalq ta'limi tizimida bu dasturning joriy etilishi o'sib kelayotgan yoshlarning ma'naviy-axloqiy va intellektual rivojlantirishni sifat jihatidan yangi darajaga ko'tarishning eng muhim sharti hisoblanadi, shuningdek, o'quv-tarbiya jarayonida ta'limning innovatsion shakllari va usullarini qo'llashga ko'maklashadi.

Ushbu sohadagi ishlar holatini tanqidiy tahlil qilish xalq ta'limi tizimi boshqaruvini tashkil etish, davlat umumiy o'rta ta'lim muassasalarining faoliyatini amaliy jihatdan muvofiqlashtirish, ularning moddiy-texnik holatini yaxshilash bo'yicha tadbirlarni moliyalashtirishda aniqlashtirilgan bir qator kamchiliklardan biri innovatsion ishlanmalarni va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish darajasining pastligi hisoblandi.

O'quv-tarbiya jarayoniga boshqaruvning yangi mexanizmlarini va sifat standartlarini joriy etish, jamiyatda o'qituvchi kasbining nufuzini oshirish, umumta'lim muassasalarining moddiy-texnik holatini yaxshilash orqali xalq ta'limi tizimini yanada takomillashtirish maqsadida xalq ta'limi muassasalarini

boshqarish tizimiga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish, shaffof va samarali jamoatchilik nazoratiga erishish, shu jumladan, barcha muassasalarning telekommunikatsiya tarmoqlariga ulanishini ta'minlash, barcha foydalanishi mumkin bo'lgan ma'lumotlar manbasini yaratish, ularning faoliyatini baholashning elektron reyting tizimini joriy etilishi[1] axborot kommunikatsiya texnologiyalarining xalq ta'limi tizimi uchun ham o'rni beqiyosligidan dalolatdir.

O'quv jarayonida axborot kommunikatsiya texnologiyalari va innovatsion texnologiyalardan foydalanish ta'lim sifatini oshirishda yordam beradi.

Xalq ta'limi tasarrufidagi umumta'lim muassasalarida axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan nafaqat aniq fanlarni o'qitishda balki ijtimoiy va gumanitar fanlarni o'quvchilarga yetkazib berishda foydalanilsa soha vakillarining ko'zlagan maqsadlariga erishishlarida bir qancha natijaga erishgan bo'ladi. Bugungi kunda axborot kommunikatsiya texnologiyalarining multimedia mahsulotlari barcha sohalar xizmat qilmoqdadir. Axborot kommunikatsiya texnologiyalarining multimedia mahsulotlari o'quv jarayonida quyidagi eng muhim jihatlari bilan alohida ahamiyatga egadir:

- differensial va individual o'qitish jarayonini tashkil qilishi;
- o'qish jarayonini baholash, teskari aloqa bog'lashi;
- o'zini-o'zi nazorat qilish va tuzatib borishi;
- o'rganilayotgan fanlarni namoyish etishi va ularning dinamik jarayonini ko'rsatishi;
- fan mavzularida animatsiya, grafika, multiplikatsiya, tovush kabi kompyuter va axborot texnologiyalardan foydalanishi;
- o'quvchi – talabalarga fanni o'zlashtirish uchun strategik ko'nikmalar hosil qilishi va hokazo.

Xalq ta'limi tizimida ijtimoiy-gumanitar fanlarni o'qitishda bugungi kungacha odatda ta'limning an'anaviy usulidan foydalanib kelinayotgani, bu fanlarni o'qitishda axborot kommunikatsiya texnologiyalari va innovatsion texnologiyalaridan foydalanish darajasi pastligi bizni biroz hafa qiladi. Axborot texnologiyalari vositalaridan foydalanib darslarni tashkil etish o'quv jarayoni samarasini oshirishi, o'qituvchi darsni tashkil etishda oldiga qo'ygan maqsadiga erishishi, o'quvchilarda nazariya asosida bilim, ko'nikmalarning hosil bo'lishida yordam beradi. Rivojlangan mamlakatlarda o'qitishning usuli hozirgi kunda ta'lim sohasi yo'nalishlari bo'yicha tadbiiq qilinmoqda. Amaliyot shuni ko'rsatmoqdaki, multimedia vositalari asosida o'quvchilarni o'qitish ikki barobar unumli va vaqtdan yutish mumkin. Multimedia vositalari asosida bilim olishda 30% gacha vaqtni tejash mumkin bo'lib, olingan bilimlar esa xotirada uzoq muddat saqlanib qoladi. Agar o'quvchilar berilayotgan materiallarni ko'rish asosida qabul qilsa, axborotni xotirada saqlash 25-30% oshadi. Bunga qo'shimcha sifatida o'quv materiallari audio, video va grafika ko'rinishda mujassamlashgan holda berilsa, materiallarni xotirada saqlab qolish 75%ga ortadi.

Axborot kommunikatsiya texnologiyalari vositalari asosida o'quvchilarni o'qitish quyidagi afzalliklarga ega:

- berilayotgan materiallarni chuqurroq va mukammalroq o'zlashtirish imkoniyati borligi;

- ta'lim olishning yangi sohalari bilan yaqindan aloqa qilish ishtiyoqi yanada ortadi;

- ta'lim olish vaqtining qisqarish natijasida, vaqtni tejash imkoniyatiga erishish;

- olingan bilimlar kishi xotirasida uzoq saqlanib, kerak bo'lganda amaliyotda qo'llash imkoniyatiga erishiladi.

Bundan ko'rinib turibdiki, xalq ta'limi tizimida axborot kommunikatsiya texnologiyalari vositalaridan foydalangan holda darslarni tashkil etish quyidagi samaralarga erishish imkonini beradi:

➤ darsning nazariy material, jadval va rasmlarni rangli, ovozli, animatsiyalar, gipermatnlar bilan boyitish;

➤ interaktiv veb-elementlar, testlardan foydalanish;

➤ darsni videolavhalar orqali tashkil etish;

➤ axborotlarning muntazam ravishda yangilab turish;

➤ ta'lim jarayonida o'quvchi bilan ko'proq individual ishlash, ularning darsga qiziqishlarini oshirib, egallagan bilimlarini qo'llab-quvvatlash va rivojlantirish;

➤ ta'lim jarayonida fanlararo aloqalarni kuchaytirish, voqelikni kompleks o'rganish;

➤ ta'lim jarayonining moslashuvchanligi, shakllari va usullarini, texnologik bazasini zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalari vositalarini joriy etish orqali takomillashtirib borishdan iborat.

Xulosa qilib aytganda, bugungi kunda axborot kommunikatsiya texnologiyalari - ta'lim jarayonini axborotlashtirishning istiqbolli yo'nalishlaridan biridir. Xalq ta'limi tizimida ijtimoiy-gumanitar fanlarni o'qitish jarayonini tashkil etishda axborot kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish o'quvchilarni intellektual rivojlantirish hamda jamiyatimizni ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiy ettirishning muhim shartidir. Shu sababli ham bugungi kun o'qituvchisi tinimsiz o'z ustida ishlashi, keng ijodiy tafakkurga ega, ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalari vositalarini samarali qo'llay oladigan shaxs sifatida o'z kasbiy-mutaxassisligi uchun zarur fazilatlar egasi bo'lishi davr talabidir. Ta'lim jarayoniga zamonaviy axborot texnologiyalarining joriy etilishi dasturiy va metodik ta'minotni takomillashtirish, moddiy baza, shuningdek, o'qituvchi mutaxassislar malakasini oshirishni talab etadi. Axborot texnologiyalari vositalari pedagog-kadrlarining malakasini va mahoratini yanada oshirishlari, ta'lim oluvchilarda bilim va ko'nikmalar hosil bo'lishida ham muhim ahamiyatga molikdir.

Ijtimoiy-gumanitar fanlarni o'qitishni tashkil etishda foydalanish uchun axborot kommunikatsiya mahsulotlariga namunalar sifatida quyidagilarni kiritish mumkin:

### Franklarda xristianlikning qabul qilinishi

Varvar qabilalari yo'lboshchilari ichida birinchi bo'lib Xlodvig xristianlikni Rimdan qabul qiladi. Uning ketidan sekiz-asta boshqa franklar ham xristianlikka o'tadi. Franklarning ko'pchiligi Xlodvigning bu qarorini yoqlamagan, ammo ular o'z qiro'laridan qo'rqanlar. Rimliklar esa bu ishda xursand bo'lishgan. Ulardan biri «Sizning yangi diningiz, bu – bizning g'alabamiz!» – deb bejiz yozmagan edi. Xlodvig amalga oshirgan tadbir oqibona yo'l bo'lgan. Xristianlik orqali Rim madaniyatining turli sohalari franklar davlatiga kirib kela boshlagan. Shu davrdan boshlab franklar va rimliklar asta-sekin yaqinlashganlar. Xlodvigning xristianlikka o'tishi unga aholi orasida ta'siri kuchli bo'lgan gall yepiskopligining qo'llashini ta'minlaydi. Shu tariqa xristianlikning qabul qilinishi qiro'lni kuchaytirib, uni o'z qabiladoshlari orasida yangi cho'qqilarga ko'taradi.



Xlodvig

[menyu](#) [keyingisi](#)

### Frank qabilalari

Buyuk ko'chishlar boshlanishiga qadar german qabilalariga mansub franklar Reyn daryosi qo'yi oqimidagi hududlarda yashagatlar. Ularda urug'chilik tuzumi mavjud bo'lib, qabila yo'lboshchilari harbiy ishda alohida jasorat ko'rsatgan kishilardan saylab qo'yilgan. Rim-gallar bilan yaqin qo'shinchilik munosabatlarida bo'lgan franklarning tashqi ko'rinishi ham boshqa german qabilalaridan ancha farqlangan. Franklar gotlar va langobardlar kabi hayvon terisidan emas, matodan kiyim-bosh kiyilgan va sochi-soqollarini olib yurishgan. Franklarda faqat qiro'lni o'ziga mansub kishilargina urug' sochi bilan yurishlari mumkin bo'lgan.



[menyu](#) [keyingisi](#)

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sh.M.Mirziyoyev- P.F “2018–2021 yillarda O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi tizimini yanada takomillashtirish”. 2018
2. Башмаков А.И., Башмаков И.А. Разработка компьютерных учебников и обучающих систем. // М.: ИИД "Филинь" – 2003.
3. <http://uz.infocom.uz>

## ELEKTRON KURSLARNI YARATISHDA AXBOROT TEKNOLOGIYALARINIDAN FOYDALANISH

*K.T. Tillaboyev (talaba, Chirchiq davlat pedagogika instituti)*  
*M.I. Shokirjonova (talaba, Chirchiq davlat pedagogika instituti)*


Bugungi kunda axborot texnologiyalari shiddat bilan rivojlanib bormoqda, ular hayotimizning har bir jabhasiga kirib bormoqda. Ayniqsa, bugungi kunda axborot texnologiyalari ta'limga jadal suratlar bilan kirib bormoqda [1]. Shu sababli zamonaviy axborot texnologiyalari yordamida darslar noodatiy-noan'anaviy tarzda tashkillashtirilmoqda. Bulardan biri elektron ta'limdir. Elektron ta'lim oddiy ta'lim tizimidan farq qilgan holda, tinglovchilarni dunyo standartlari bo'yicha o'qitishda qo'l keladi. Elektron ta'lim – ta'limning elektron metodlaridan hisoblanadi. Odatda kompyuterlar yordamida kurslarning to'liq yoki bir qismi o'qitiladi. Elektron ta'lim kurslarida xalqaro darajadagi resurslar taqdim etiladi.

Bugungi XXI asrda axborotlarning almashinuvi tezlashmoqda. An'anaviy ta'lim o'qitvchi-kitob-o'quvchi tarzida tashkillashtirilgan. O'quvchilar barcha ma'lumotlarni kitobdan yordamida o'qib-bilib olganlar. Elektron ta'limda esa barcha resurslar ma'lum bir platforma yordamida internet tarmog'iga joylashirilgan bo'ladi. Shu sababli bu tizimlarning farqini ko'rib chiqishimiz zarur. An'anaviy ta'limda resurslarga o'zgartirish kiritish uchun ushbu kursga taalluqli bo'lgan adabiyotni qayta nashr qilish zarur bo'ladi. Bunda ortiqcha mablag' va vaqt sarflanadi. Elektron ta'limda esa resurslarni qiyinchilaklarsiz almashtirish mumkin, hattoki resurslarni har kuni har soatda yangilab turish mumkin. Bu esa hozirgi axborotlar almashinuvi zamonida ancha qo'l keladi. Elektron ta'limda o'qishning ba'zi foydali jihatlari ham mavjud. Ular quyidagilar:

1. Iсталган joyda o'qish.
2. Biror joyga borish va kutish uchun vaqt sarflanmaydi.
3. O'quvchi o'zlari hohlagan konsepsiyalarda o'qishlari mumkin.
4. O'qish uchun harajatlar kamayadi.

Bugungi kunda elektron ta'limdan foydalanayotgan rivojlangan xorijiy mamlakarlarda foydalanuvchilar soni oshib borayotganligini ko'rishimiz mumkin. Masalan, Hindistonda 55 %, Xitoyda 52 %, Malayziyada 41 %, Ruminiya 38 %, Polshada 28 %, Chexiyada 27 %, Braziliyada 26 %, Indoneziyada 25 %, Kolumbiyada 20 %, Ukrainada 20 %. Bu ko'rsatkichlardan ko'rinib turibdiku, juda ko'pgina mamlakatlar elektron ta'lim tizimiga moslashgan.

Hozirda ta'lim tizimida axborot texnologiyalari asosida yaratilgan turli dasturlardan juda keng qo'llanilmoqda. Shulardan biri bu iSpring suite – dasturidir. iSpring Suite – dasturi Microsoft Office Power Point dasturi uchun qo'shimcha funksiyalarni taqdim etuvchi dastur hisoblanadi. iSpring Solutions kompaniyasi tomonidan yaratilgan. Elektron kurslar Power Point dasturi yordamida slayd, viktorina, videodars ko'rinishida tayyorlanadi, dastur yordamida tizimga joylanadi. Kurslar HTML5 formatida bo'ladi. iSpring Suite dagi kurslar LMS standartining SCORM 1.2 , SCORM 2004, AICC, Blackboard 9.x turlarida bo'ladi. Quyida 1-rasm uning umumiy ko'rinish keltirilgan.



***1-rasm. iSpring Suite dasturining bosh oynasi***

iSpring Suite – dasturida elektron kurslar yaratish uchun turli komponentlar mavjud. Masalan,

1. Kurslar yaratish komponenti.
2. Testlat komponenti
3. Dialoglar komponenti.
4. Ekranni yozish komponenti
5. Interaktivlik komponenti


Kurslar yaratish komponentida elektron kurslar yaratiladi. Bu jarayon Power Point dasturi bilan integratsiyalashgan bo'ladi. Ya'ni kurslar slaydlar ko'rinishida yaratiladi. Tayyor bo'lgan kurslar SCORM paket ko'rinishidagi arxiv fayllarga aylanadi. SCORM ko'rinishidagi paketlarni hohlagan elektron ta'lim platformasi tizimidagi saytlarga bemalol joylashtirish mumkin.

Dasturda har xil viktorinalar, testlat, nazoratlar ham o'tkazish mumkin. Bularni bajarish uchun testlar komponentidan foydalanamiz. Testlar komponentida kursimiz uchun zarur bo'ladigan testlar va savollarni kiritamiz.

iSpring Suite da testlarning bir necha xil turlarini yaratish mumkin. Ular:

1. To'g'ri / Noto'g'ri ko'rishidagi testlar
2. Bitta variant to'g'ri chiquvchi testlar.
3. Ko'p varyantlar to'g'ri chiquvchi testlar
4. Javobi yoziladigan testlar.
5. Bir-biriga moslashtiruvchi testlar.
6. Tartib bilan joylashtiriladigan testlar.
7. Son yoziluvchi testlar.
8. So'zlar banki testlari
9. Kerakli joyni tanlovchi testlar

Elektron ta'lim muhitlarida ham testlar yaratish mumkin, faqat bu testlar saytning o'zida online holda kiritiladi. Bu biroz noqulayliklar keltirib chiqaradi. iSpring



**2-рasm.** Dasturda testlar va savollar yaratish uchun ishchi maydon

Suite dasturida esa offline holda kiritiladi va yakunlangandan so'ng SCORM paketidagi arxiv faylga aylantiriladi va elektron ta'lim tizimiga joylanadi. Shu bilan iSpring Suite dasturi juda qulaydir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. R.Jain, E-learning and emerging trends // Journal of Management Value & Ethics, 2018, 9, 1,14-20

## КОМПЬЮТЕР ТАРМОҚЛАРИНИ ИМИТАЦИОН МОДЕЛЛАШТИРИШ

*А. Бегбутаев (ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти)*

*Ғ. Бозоров (ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти)*

Ўқитишнинг анъанавий усулларида фан бўйича олинган назарий билимларни мустахкамлаш ва амалий кўникмаларни ҳосил қилиш учун хизмат қилувчи лаборатория ва амалий машғулотларга катта аҳамият берилади. Лекин улар кўпчилик ҳолларда кутилган натижани бермайди ва унинг сабаблари қуйидагилардир: лаборатория стендларининг этарли



эмаслиги; мавжуд лаборатория хоналарининг зарурий асбоб-ускуналар билан етарли даражада жиҳозланмаганлиги; кўпчилик лаборатория хоналарининг замонавий талабларга жавоб бермаслиги ва маънавий эскирганлиги; айрим лаборатория тузилмаларини йиғиш учун кўп вақт талаб қилиниши сабабли талабаларнинг ажратилган вақтдан унумли фойдалана олмаслиги.

Юқорида келтирилган камчиликларни ўқув жараёнига электрон ахборот таълим ресурсларининг бир қисми бўлган имитацион моделлаштиришдан фойдаланиш йўли билан бартараф қилиш мумкин. Модель (лат. *modulus* – ўлчов, меъёр) – бирор объект ёки объектлар тизимининг образи ёки намунасидир. Моделлаштириш – билиш объектлари (физик ходиса ва жараёнлар)ни уларнинг моделлари ёрдамида тадқиқ қилиш, мавжуд предмет ва ходисаларнинг моделларини яшаш ва ўрганишдир.<sup>3</sup> Моделлаштириш объект (система)нинг модели ёрдамида шу объектнинг хоссаларини тақиқ қилиш жараёни тушунилади.

Компьютер имитацион модели – бу реал ходиса ва жараённинг компьютер дастурлари асосидаги адекват ёки яқинлаштирилган моделидир. “Имитацион моделлаштириш” атамасининг маъноси шуки, тизимнинг ҳолатини олдиндан аниқлаш ёки ҳисоблаб бўлмайдиган моделлардан иборат бўлган ва уни ҳисоблаш учун бошланғич қиймати берилган математик моделга асосланган ҳисоблаш эксперименти (имитация) ёрдамида ташкил этиладиган жараён<sup>4</sup>. Имитацион моделлаштириш – объектнинг ишлашини лойиҳалаштириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш учун компьютерда эксперимент ўтказишда ишлатилиши мумкин бўлган объектнинг мантикий-математик тавсифидир.<sup>5</sup>

Тармоқ технологиясига доир бўлган имитацион моделлар дастурларни яратиш жараёнлари, хабарларни пакетларга ва муайян протоколларнинг кадрларига бўлиш, операцион тизим ичида хабарлар, пакетлар ва фреймларни ишлаш билан боғлиқ кечикишлар, компьютерни умумий тармоқ муҳитига кириш жараёни, маршрутизатор томонидан кирувчи пакетларни қайта ишлаш ва ҳақозо. Тармоқни имитацион моделлаштиришда қимматбаҳо асбоб-ускуналарни сотиб олишнинг ҳожати йўқ - унинг ишлаши бундай ускунанинг барча асосий хусусиятларини ва параметрларини тўғри тарзда такрорлайдиган дастурлар билан тақлид қилинади.

Имитацион моделининг натижаси сифатида, тармоқдаги энг муҳим хусусиятларга нисбатан содир бўлган воқеаларни кузатиш давомида тўпланган статистик маълумотлар яъни, таъсир вақтлари, канал ва тугунларни ишлатиш коэффициентлари, пакетни йўқотиш эҳтимоли ва бошқалар аниқланади. Имитацион моделлаштириш компьютер тармоқларини моделлаштириш учун кўп имкониятлар эга, шунинг учун улар асосида тармоқ моделларни яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай имкониятларни яратувчи дастурий маҳсулотлардан бири бу Arena

<sup>3</sup> И.М.Каримов, А.А.Иминов ва бошқ. Ахборот технологиялари. Дарслик. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2011. 128 б.

<sup>4</sup> Максимей И.В. Имитационное моделирование на ЭВМ. – М.: Радио и связь, 1988.

<sup>5</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/имитационное\\_моделирование](https://ru.wikipedia.org/wiki/имитационное_моделирование)

тизимидир. Arena имитацион моделлаштириш тизими - Systems Modeling асосий дастурий маҳсулотидир. Хозирги вақтда Systems Modeling корпорацияси имитацион моделлаштириш ва технологик дастурий таъминотларга ишлов бериш билан шуғулланади.<sup>6</sup>

Arena тизими тармоқ ва телекоммуникация тизимларини ҳам моделлаштиради. У қулай объектга йўналтирилган интерфейс билан таъминланган ва ажойиб кўп имкониятли предметли ҳудудлар адаптациясига эгадир. Тизим дастурлаш кодларини ёзишни талаб қилмайди ва қўлланилиши ҳам оддий, лекин эҳтимоллар назарияси, математик статистика, умумий хизматлар кўрсатиш тизими назарияси ва Петри тармоқлари бўйича етарлича билим ҳамда кўникмаларни талаб этади. Петри тармоқлари бу динамик дискрет тизимларни моделлаштириш учун мўлжалланган математик аппаратдир.<sup>7</sup>

Моделлаштиришнинг натижаларини намоёниш этиш учун Cinema animation анимация тизими қўлланилади. Arena интерфейси ўзида маълумотлар билан ишлаш, жумладан, электрон жадваллар, маълумотлар базаси, ODBC, OLE, DXF форматини қўлловчи кўп имкониятли хусусиятларни яратади.

Arena имитацион моделлаштириш тизими қуйидагилар билан ишлайди:

- Икки ўлчовли график редактор;
- уч ўлчовли график редактор (3D player пакети);
- вақтинчалик шаблонлар ва жадваллар редакторлари;
- Тайёр график кутубхоналари ва белгилар редактори;
- Microsoft алмашинув буфери ва тайёр график кутубхоналари билан алоқаси.

Arena дискретли, узлуксиз, ҳатто биргаликдаги дискрет-узлуксиз моделлаштиришни қўллаш имконини беради. Ушбу дастурий маҳсулот VBA Visual Basic for Applications Microsoft корпорацияси пакетлари билан ҳамжиҳатликда ишлаш имкониятини қўллаб-қувватлайди; ActiveX объектли модели ички бошқаруви учун, яъни ADO/ODBC орқали маълумотлар базасига (Oracle, Access, Excel, SQL) киришни таъминлайди; AutoCad пакетидаги (dxf форматдаги) файлларни импорт қилишини қўллаб-қувватлайди; Visio пакетидаги маълумотларни импорт қилади; Blue Pumpkin Workforce пакетидаги маълумотларни импорт қилади; алоҳида жараёнлар ўртасида коммуникация вазифасини бажаради.

Arena тизими моделлаштириш жараёнида учта қурувчи панеллари қўлланилади:

1. Basic Process Panel – панел модуллари моделлар яратишнинг фундаменти ҳисобланади. Ушбу ускуналар панели объектлари қуйидаги график модуллардан тузилган: Create, Dispose, Process, Deeside, Separate, Batch, Assign, Record ва маълумотлар модуллари: Entity, Resource, Queue, Variable, Schedule ва Set.

---

<sup>6</sup> Arena Simulation Software by Rockwell Automation [Электрон ресурс]. – Мурожаат: <http://www.arenasimulation.com/>

<sup>7</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Сети\\_Петри](https://ru.wikipedia.org/wiki/Сети_Петри)

2. Advanced Process Panel – ривожланган жараёнлар панели; мураккаб бўлган жараёнларни моделлаштиради. Агар Basic Process Panel да бир модул бир қанча ички хусусиятларга бўлинса, у ҳолда Advanced Process да бу хусусиятлар мустақил график модул каби чиқади. Панел 13 та график модулдан тузилган (Flowchart Modules): Delay, Dropoff, Hold, Match, Pickup, ReadWrite, Release, Remove, Seize, Search, Signal, Store, Unstore ва етти та маълумотлар модулидан (Data Modules): Advanced Set Module, Expression, Failure, File, StateSet, Statistic ва Storage.

3. Advanced Transfer Panel – жараёнларни узатиш панели, жойини ўзгартирувчи; 17 та график модулдан ташкил топган: Enter Module, Leave Module, Pick Station, Route, Station; Access, Convey, Exit, Start, Stop; Activate, Allocate, Free, Halt, Move, Request, Transport ва бешта маълумотлар модулидан иборат: Sequence, Conveyor, Segment, Transporter, Distance.

“Тармоқ технологиялари” фани бўйича тармоқларни имитацион моделлаштиришда талабаларга айнан шу тизим мос келади. Яна бу:

Arena дастурий пакети асосида Петри тармоғи каби математик аппаратларининг комбинациялашган шакли синергетик эффектлар бирлашувини амалга оширишда; Ишлаб чиқарувчиларга тармоқларни таҳлил қилиш ва коммуникациялашни моделлаштириш учун қўллашда; “Компютерли моделлаштириш”, “Имитацион моделлаштириш” ва “Мураккаб тизимларни моделлаштириш ва таҳлил қилиш” каби йўналишдаги талабалар фойдаланишлари мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда бу дастурни ишлаб чиқарувчи компания пакетнинг академик лицензиясини ўқув юртлари учун бепул тавсия этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. И.М.Каримов, А.А.Иминов ва бошқ. Ахборот технологиялари. Дарслик. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2011. 128 б.

2. Максимей И.В. Имитационное моделирование на ЭВМ. – М.: Радио и связь, 1988.

## **PHP DASTURLASH TILINI O'QITISHDA OMMAVIY OCHIQ ONLAYN KURSLAR TAHLILI**

*N.I. Sagidullaev (assistant, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU NF)*

Hozirgi kunda masofaviy ta'lim tizimi jadal rivojlanmoqda, endi deyarli barcha mavzularda shu singari PHP dasturlash tilini o'qitishda ham Ommaviy ochiq online kurslar orqali uzoq masofali ta'lim olish muammosi yo'q.

Zamonaviy Internet texnologiyalari o'rganishning eng yaxshi usuli, ya'ni onlayn treningni taklif qiladi. Onlayn ta'lim bir nechta afzalliklarga ega: individual sur'atda, erkinlik va moslashuvchanlik, ijtimoiy tenglik. Tarmoqda yangi bilimlarni olishga yordam beradigan ko'plab xizmatlar ko'rsatiladi. Quyida PHP dasturlash tilini o'qitishda Ommaviy ochiq online kurslar va masofaviy ta'lim xizmatlarini taklif qiluvchi bir qancha xorijiy va davlat saytlar ro'yxati keltirilgan. Bu yerda mashhur xorijiy universitetlarning onlayn kurslari haqida ma'lumotlar va

turli xil mutaxassislik va yo'nalishlar bo'yicha pulli va bepul xizmatlar haqida bilib olishingiz mumkin.

Coursera. Ko'pgina universitetlarni topishingiz, turli mutaxassisliklar bo'yicha bepul onlayn ta'lim dasturlari taqdim etadigan eng katta ma'lumotlar bazalaridan biri. Bu erda kurslar ham aniq belgilangan vaqtda o'tkaziladi, bir kurs davomiyligi 10 dan 14 haftagacha davom etadi. Ushbu sayt eng taniqli universitetlarning dasturlarida bepul o'qitish imkonini beradi, ular orasida Stenford, Princeton, Kaliforniya Texnologiya Instituti. Hozirda 33 universitetdan 200 dan ortiq kurslar mavjud. Coursera foydalanuvchilari bazasi taxminan 1,000,000 kishini tashkil etadi, bu ta'lim resursi taniqli universitetlar negizida eng yaxshi bepul ta'lim sayti deb tan olindi. <https://www.coursera.org/>.

Udemy. Udemy sizning shaxsiy kursni tanlashingiz mumkin bo'lgan onlayn muassasa. Ushbu xizmat bo'yicha barcha kurslar, barcha ma'ruzalar va darslar etakchi o'qituvchilar va mutaxassislar tomonidan beriladi. Bu erda har bir foydalanuvchi o'zi uchun Facebook, Photoshop, biznes, musiqa va boshqa ta'lim sohalarida turli xil nazariyalarni ishlab chiqishga asoslangan dasturni tanlash imkoniyatiga ega bo'ladi. O'qituvchilar: Mark Tsukerberg va Marissa Mayerni. Udemy xizmatining o'ziga xos xususiyati, bu erda har bir kishi muayyan mavzu bo'yicha foydalanuvchilar uchun individual treynning dasturini yaratishi mumkin. Shu bois, o'rganish kursini tanlash, tanlanganlikni qo'llash tamoyilini qo'llash kerak. Foydalanuvchilar o'zlarining resurslaridan foydalanishi mumkin bo'lgan o'quv dasturi haqida o'z fikrlarini qoldirishlari mumkin. Udemy - masofaviy yoki onlayn o'qishni istaganlar uchun sifatli resurs. <http://www.udemy.com/>.

<https://www.lektorium.tv/> - "Lektor" o'quv dasturi. Rossiyada etakchi universitetlar tomonidan tayyorlangan "Yangi avlod" o'quv kurslari (Massive Open Online Course). MOOC qisqa videolar, qiziqarli vazifalar va, albatta, o'qituvchilar va talabalar o'rtasida jonli muloqot bilan ajralib turadi.

<http://www.intuit.ru/> - "INTUIT" milliy ochiq universiteti. Milliy ochiq universiteti "INTUIT" da bepul masofadan o'qitish sizning yangi ishingiz va yuqori lavozimni egallashga yordam beradigan bilimlarga ega bo'lishning qulay usulidir.

O'zbekiston Respublikasidagi Ommaviy onlayn ochiq kurs (MOOC): [mooc.edu.uz](http://mooc.edu.uz).

UNESCOning O'zbekistondagi vakolatxonasi Birlashgan Qirolligining O'zbekiston elchixonasi hamkorligidagi "Media va Axborot Savodxonligi" loyihasi doirasida Respublika bo'ylab O'MKHT tizimi o'qituvchilarining mavzu doirasida bilimlarini oshirish maqsadida 2017 yilning Iyun-Avgust davri mobaynida seminar-treninglar olib borildi.

Buning natijasida 350 dan ortiq o'qituvchilar o'z bilimlarini Media va Axborot Savodxonligi bo'yicha mustahkamlashdilar.

Loyiha davomi sifatida Media va Axborot Savodxonligi bo'yicha ushbu Ommaviy Onlayn Ochiq Kurs (MOOC) Oliy va O'rta Maxsus Ta'lim Vazirligi qoshidagi Elektron Ta'lim Markazi hamkorligida tashkil etildi. Ushbu Ommaviy Onlayn Ochiq Kurs mamlakatda birinchi kurs bo'lib, kelajakda Respublikadagi

barcha oliy ta'lim muassasalari kurslarini qamrab olishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan.

Masofaviy ochiq ta'lim kurslari masofaviy ta'lim sohasida 2008 yilda paydo bo'lgan, ammo 2012 yilda Coursera, Udacity va Udey kabi loyihalar dastlabki investitsiyalarni jalb qilgan paytda juda mashhur bo'lgan. Erta MOOC veb-saytlari ko'pincha erkin foydalanish kontseptsiyasini ilgari surdi. Keyinchalik saytlar to'liq yoki qisman bepul ta'lim olish imkoniyatini qoldirib, pulli kontentga kirishdi.

Ba'zi platformalarda o'z mazmuni yo'q (ta'lim materiallari), lekin ularni dunyodagi etakchi universitetlardan qabul qilishadi. Olingan o'quv materiallari o'quvchilar uchun o'z platformalarida qulay, tizimli tarzda joylashtiriladi. Misol uchun, Coursera dunyoning eng mashhur platformalaridan biri bo'lgan 150 dan ortiq etakchi universitetlar bilan hamkorlik shartnomalari mavjud, dunyoning etakchi universitetlaridan talabalar uchun onlayn kurslarni taklif qiladi. Ko'pgina talabalar uchun bu ta'lim olish uchun juda qulay va qulay mexanizm bo'lib, bu ularni ommalashtiradigan va talab etadigan narsa.

Masofaviy ta'limning an'anaviy modeliga (o'quv jarayoni uchun ochiq jadval, tuzilgan kurs mazmuni, o'quvchilarning monitoringini o'tkazish va sertifikatlash) bag'ishlangan ommaviy mashg'ulotlar MOOC ga tegishli bo'lib, ular asosan ochiq kurslarda ochilgan universitet kurslari.

Yaqinda ommaviy ochiq onlayn kurslar jadal rivojlanmoqda. Class Central yillik tekshiruviga ko'ra, 2017 yilda MOOC yordamida o'qitilgan talabalar soni 81 million kishiga yetdi, dunyoning 800ta oliy ta'lim muassasasi MOOC orqali 9,400 dan ortiq turli xil masofaviy ta'lim kurslarini taqdim etdi.

Adabiyotlar:

1. Ляпин, Дмитрий РНР - это просто. Начинаем с видеоуроков / Дмитрий Ляпин , Александр Никитин. - М.: БХВ-Петербург, 2012. - **604** с
2. <https://www.class-central.com/report/mooc-stats-2017/>
3. <https://www.class-central.com/report/ten-most-popular-january-2018/>

## **ЎҚИТИШ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

*А.М. Суяров (катта ўқитувчи, СамДУ)*

Ҳозирги вақтда педагог кадрларни ахборот технологиялари бўйича малакасини ошириш, ҳар бир педагогни ўз касбий фаолиятларида компьютер имкониятларидан эркин ва фаол фойдаланишни, дарс жараёнига тадбиқ қилишини назарда тутди. Бунда педагоглар замонавий технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланиш асослари ва ўзларининг касбий фаолиятда қўллаш услубиятини эгаллаши лозим бўлади.

Замонавий технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув-тарбия жараёнига кириб келиши, шунингдек, ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир инсон ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имкониятлари яратилди.

Таълимнинг белгиланган вазифаларидан бири юқори савияда ўқитишни таъминлаш ва юксак маънавиятли, ривожланган мамлакатлар даражасида, баркамол, рақобатбардош мутахассислар, юқори малакали кадрларни замонавий таълим дастурлари асосида тайёрлашдир. Шу сабабли, таълим муассасалари ўсиб келаётган шахсни ўқитиш жараёнида уларга таълим олиш шароитларини яратмоқда.

Бугунги кунда таълимтизимда инновацион педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Ўқув жараёнида инновацион педагогик технологияларнинг тадбиқи – шахсни жамиятнинг талабига кўра йўналтириш, таълимни шу талаблар асосида ташкил этиш, таълим тамойиллари ва технологиялари алоқадорлиги асосида шахсни ҳар томонлама етук кадр қилиб шакллантириш, унинг қобилияти ва имкониятларини тўлиқ намоён этиши ва ривожлантириши учун қулай шарт – шароитлар яратишдан иборат. Замонавий технологияларга асосланиб дарсларни ташкил этиш унинг сифат ва самарадорлигини оширишда яхши натижаларни бермоқда.

Таълим жараёни мураккаб ижодий машғулотдир. Унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг фаоллигига боғлиқ. Уларни фаоллаштириш учун замонавий технологиялар, шу жумладан ўйин, баҳс, суҳбат, мусобақа, саёҳат, конференция, давра суҳбати, ролли ўйинларни қўллаш, китоб билан ишлаш, компьютер машғулотларига кўпроқ вақт ажратиш лозим.

Замонавий технологиялари асосида ўқитиш жараёнининг сифат ва самарадорлигини оширишнинг асосий вазифаларидан бири бу – бошқарувчилик. У шахснинг шаклланиши, ривожланиши, билим олиши ва тарбияланиши жараёнини бошқаради. Бошқариш бу – йўналтириш, вазифа қўйиш, ўргатиш, ёрдам бериш, қўллаб – қувватлаш, маслаҳат бериш, раҳбарлик қилиш, кузатиш, талаб қилиш ва кўрсатма беришдир.

Ўқитиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга ёрдам бериши, уларни руҳини, кайфиятини кўтариши, мавзуга қизиқтириши, гуруҳлар ишини назорат қилиши, хатоларни қайд қилиб бориши, берилган вазифани текшириши, тушунмовчиликларни бартараф қилиши, тарқатма материаллар бериши ва замонавий технологиялар воситаларидан фойдаланиши керак.

Шу билан бирга ўқувчиларнинг интерфаоллигига йўналтирилган ўқитишнинг мақсади эса, уларга имкон қадар кўпроқ мустақил фикрлаш имкониятларига эга бўлиш, замонавий технологиялар воситаларидан бевосита фойдаланиш ва мулоқот қилишга шароит яратиб беришдан иборатдир.

Таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий технологияларини танлашда ҳар бир дарс жараёнининг дидактик вазифасини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда ўқувчиларни ўқитиш жараёнида фаоллиги ва ўзлаштириш сифатини ошириш учун қуйидагилар асосий омил ҳисобланади:

- дарс жараёнининг оқилона ташкил этилиши;
- ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқиши орттириб турилиши ва фаоллиги рағбатлантирилиб турилиши;

– дарс жараёни замонавий технологиялар асрсида ташкил этилиши, яъни ўқув материалларини кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда “Ақлий ҳужум”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Баҳс-мунозара”, “Муаммоли вазият” ва “Ролли ўйинлар” каби технологияларнинг қўлланилиши;

– ўқувчилар томонидан мустақил топшириқларни бажарилишини назорат қилиб бориш.

Замонавий ўқитиш технологиялари асосида ўқувчиларнинг ақлий салоҳиятининг ўсиб бориши, уларнинг таълим мазмунига чуқурроқ кириб боришга интилиши қуйидагиларга эътибор бериши зарур:

– замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни қўллаган ҳолда дарсларнинг ноанъанавий шаклларида кўпроқ фойдаланиш: мусобақа дарслари, мунозара дарслари, телеконференция дарслари, саёҳат дарслари, кўрик –танлов дарслари, компьютерли моделларга асосланган дарслар.

– ўқувчиларнинг фанни мукамал ўрганишига қаратилган тадбирлар, кечалар, мушоиралар ва интеллектуал ўйинлари ўтказиш.

– семинарлар, телеконференцияларни ташкил этиб, ўқитувчи ва ўқувчилар тажрибасини ўртоқлашиш ва оммалаштириш.

– илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни амалда қўллашга ўрганиш ва эришиш.

– фанни чуқур ўрганқвчи ва ўзлаштирувчи “фан клублари”, “фан жамиятлари”, “кичик фан академиялари”ни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш.

Бунинг натижасида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ҳамфикрлик, ҳамжиҳатлик юзага келади, яъни дарс жараёнида ўқувчилар маълум даражада ўқитувчига, гуруҳ эса ягона ўзаро ҳамкор, ҳамжиҳат жамоага айланади.

## **O'QITISH JARAYONIDA AXBOROT KOMMUNIKASIYA TEKNOLOGIYALARINING O'RNI**

*U.B. Yo'ldoshova (o'qituvchi, Toshkent Moliya Instituti)*

Biz yashab turgan olam - bu juda katta imkoniyatlar va o'zgarishlar dunyosidir, Barcha sohada rivojlanish, xalqning ilm-ma'rifati va salohiyatining o'sishiga bog'liq. Mavjud bilimlarni o'rganish, ularni yangilash va shu yangilangan bilim, ma'lumotlarga asoslanib ish faoliyati olib borish mamlakat kelajagining yuksalishiga, chuqur tarkibiy va sifatli kadrlar tayyorlanishiga zamin bo'ladi. Ushbu fikrning isboti sifatida misol qilib aytish mumkinki, Hindistonning 15 yoshdan 59 yoshgacha bo'lgan aholisi o'rtacha 59% tashkil qiladi, ularning ko'pchiligi har sohada mamlakatning yuksalishida o'z hissalarini qo'shib kelmoqdalar va hozirgi vaqtga qadar dunyoning bir qancha nufuzli mukofotlarini qo'lga kiritishdi, Yaponiya Osiyodagi eng uzoq umr ko'ruvchi xalqlardan biri

bo'lib, o'rtacha 90 yosh umr ko'radi va ularning aksari ilm-fanning rivoji uchun o'z ulushlarini qo'shib kelmoqdalar, buni butun jahon e'tirof etdi. Finlandiyaning NOKIA mobil telefon ishlab chiqaradigan kompaniyasi 2014 yildagi ma'lumotlarga ko'ra yiliga 40 milliard dollardan ko'proq daromad olgan va Yevropadagi eng mashhur davlatlar sirasiga kirgan, bunga sabab esa ularning texnologiyalardan unumli foydalana olganlaridir.

Hindistonning taniqli olimlaridan biri doktor Kastusiranjanning so'zlariga ko'ra, so'nggi ikki asr mobaynida global rivojlanishda, ilm-fan sohasi juda tez taraqqiy etdi va u dunyoda ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy o'zgarishlarda alohida ahamiyat kasb etdi. Hozirgi kunda ilm-fan insonlarning texnologiyalar bilan tajribasi orqali rivojlanishda davom etmoqda. Texnologiyalar hayotning har jabhasida, inson harakatining har bir qismiga ta'sir ko'rsatmoqda. Misol tariqasida aytish mumkinki, AKT texnologiyalari ilm-fanda ta'lim-tarbiya berish jarayonini tubdan o'zgartirib yubordi, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) ta'lim jarayonida turli topshiriqlar bajarishda, bir vaqtning o'zida bir qancha ma'lumotlarni topish, to'plash va vaqtni tejashda juda katta yutuqlardan biri bo'ldi. Buning natijasida ta'lim sohasida bir qancha o'zgarishlar sodir bo'ldi.

Mashg'ulotlar yanada samarali va mazmunli tashkillashtirilishiga, faol o'rganishga, g'oyalarni almashishga, munozarani qo'llab-quvvatlashga va ayni paytda tez fursatda ko'p bilimlar sohibi bo'lishga yordam berdi. AKT texnologiyalari - bu ilg'or o'qishni jarayonini faollashtiradi va o'qituvchi-pedagog tomonidan talabaga yuqori sifatli mazmunli ko'p sonli ma'lumotlarni taqdim etadi, shu bilan birga ularni o'z vaqtida yangilanishini ham ta'minlaydi. Bu o'z navbatida o'qituvchilarga, vositalar va resurslardan foydalanish uchun yangilangan bilim va ko'nikmalarga ega bo'lish imkonini yaratadi. Rivojlanayotgan tendentsiyalarni munosib qarshilay oladigan va raqobatdosh kadrlarni tarbiyalash lozim, va bunda AKTning alohida o'rni bor.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari elektron tarkibni tez va aniq saqlash, qayta ishlash imkoniyatiga ega. YuNESKO ma'lumotlariga ko'ra, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari – ta'lim, muhandislik va boshqaruv metodikasi, ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy tarmoqlarda juda ko'p qo'llaniladi. Shu sohalarda yanada ko'proq muvaffaqiyatlarga erishish uchun NCTE, SCERT va IASES kabi turli kompaniyalar ish olib bormoqdalar. Ularning asosiy maqsadi AKT bo'yicha o'qituvchi-pedagoglar uchun o'quv-uslubiy paketlarni ishlab chiqishdir. Ular o'qituvchilarga o'qitish jarayonida bir nechta yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llashda AKTdan foydalanishga yordam beradi. AKTdan dunyo bo'yicha o'rtacha 60 yoshdan oshganlar 6.9%, 15-59 yosh oralig'ida 58,7%, 0-15 yoshda 34,3% foydalanishadi.

AKTdan to'g'ri foydalanish ta'lim-tarbiya jarayonlarini butunlay o'zgartirishi mumkin. Ta'lim sohasidagi AKT integratsiyasi ta'lim sifatini yaxshilashga katta ta'sir ko'rsatdi. AKT integratsiyasi ta'limni yanada qulayroq va sifatli bo'lishini ta'minladi va uning sifatini yaxshiladi. So'zimiz isboti sifatida, hatto dunyoning rivojlanishda oqsayotgan eng chekka burchaklaridagi talabalar ham AKT yordamida butun dunyodagi o'zgarishlarni bir vaqtning o'zida bilish imkoniga ega



ekanligini aytish mumkin. AKTdan to'g'ri foydalangan o'qituvchi-pedagog o'zlashtirishga qiynalayotgan talabasini ma'lum vaqt o'tib, interfaol o'quvchiga aylantira olishi mumkin. Bu singari yondashuvlar, ta'lim jarayonidagi ijodkorlikni oshishiga o'rganuvchining vazifalarni yaxshiroq bajarishiga, uning salohiyatini, qobiliyatini rivojlantirish uchun bilimlar almashishni ta'minlashga yordam beradi

Lekin shu bilan birga, o'rganuvchini barcha imkoniyatlarini AKT bilan bog'lash ham noto'g'ri, chunki u o'z ustida izlanib boshqa manbalar bilan ham tanishishi lozim. AKT ta'lim jarayonida muhim ahamiyatga ega ammo, ta'lim jarayonida faqatgina AKT bilan bog'lab o'rganishga yo'l qo'ymasligimiz kerak. Biz eng yangi texnologiyalar va eng yangi ko'nikmalarni qo'llab, dars sifatini ta'minlashni maqsad qilishimiz va bilim-ko'nikmalarni mustahkamlashimiz zarur. AKT texnologiyalari barcha sohalaridagi ta'limni takomillashishi uchun hizmat qilishini o'quv materiallari dizaynini va mazmunini, yetkazib berishni va baholashni amalga oshirishga yordam berishini yodda saqlasak va buni o'rganuvchilar ongiga singdira olsak bu katta yutuqlarimizdan bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Journal of Education and Practice "Role of ICT in the Process of Teaching and Learning" Anu Sharma [www.iiste.org](http://www.iiste.org) ISSN 2222-1735 (Paper) ISSN 2222-288X (Online) Vol 2 No 5.

2. Zakaria Kasa at all (2008), Use of Webcasting Technology in Teaching Higher Education', Anil Varma (Ed), "Information and Communication Technology in Education", First edition, Icfai University Press, Hyderabad, p.104.

## **ZAMONAVIY TA'LIMDA LOYIHA METODINING O'RNI VA AHAMIYATI**

*M.J. Shamuratova (o'qituvchi, Muhammad Al-Xorazmiy nomidagi TATU NF)*

*B.K. Kudaybergenova (o'qituvchi, IIV Qoraqalpoq Akademik litsey)*

Ta'limda innovatsion jarayonlarni amalga oshirish ta'lim sifatini rivojlantirishning muhim shartlaridan biri hisoblanadi. Hozirgi zamon talabiga ko'ra maqsad tayyor bilimni o'zlashtirish emas, balki o'quvchi-talabalarning intellektual qobiliyatlarini rivojlantirishdir. SHu bilan birga ularda mustaqil tanlash, qaror qabul qilish ko'nikmasini hosil qilish dars jarayonida qo'llaniladigan metodlarga bog'liq.

Oliy ta'limda talabalar bilan o'quv ishlarini tashkillashtirishning ko'plab shakllari mavjud bo'lib ulardan loyiha faoliyati eng samarali usullaridan biri hisoblanadi.

Loyiha faoliyati talabalarni bosqichma-bosqich, izchil va murakkab bo'lgan amaliy vazifalarni, loyihalarni rejalashtirish va bajarish jarayonida bilim va ko'nikmalarga ega bo'lgan ta'lim tizimi hisoblanadi.

Loyiha faoliyatining maqsad va vazifalari:

- O'tkazilgan mavzular bo'yicha bilim va ko'nikmalarni nazorat qilish;

- talabaning aql-idrokida dunyodagi axborot tasviri shakllanishi;
- kompyuter bilan ishlash qobiliyati;
- axborotni izlash va qayta ishlash ko'nikmalarini rivojlantirish;
- yangi texnologiyalar bo'yicha ishlash;
- Mustaqil ishlashni rivojlantirish;
- talabalar bir birining fikrlarini tinglash va hurmat qilish qobiliyati;
- loyihaning har bir ishtirokchisiga shaxsiy ishonch qobiliyati;
- tadqiqot qobiliyatlarini rivojlantirish [1].

Loyiha bo'yicha ishlar talabalarning ijodiy faolligini, ilmiy tadqiqot ishlarini bajarish qobiliyatini rivojlantiradi va bajarilgan ishlarni tahlil qiladi.

Zamonaviy ta'limda katta e'tibor, shaxsiy yo'nalishni, talabaning individual xususiyatlarini hisobga olishni, talabalarning tajribasidan foydalanishni va tadqiqot uslublarini o'qitishga qaratilgan.

Loyiha odatda kollektiv faoliyat turi hisoblanadi. Savollar ro'yxatini tuzish, ish topshiriqlarini belgilash, ushbu mavzuni o'rganish usullarini tanlash va loyihani taqdim etish usuli kollektiv muhokamasida amalga oshiriladi. Shu bilan birga, har bir loyiha ishtirokchisining umumiy vazifani hal qilishdagi shaxsiy roli belgilanadi.

Loyihalar bo'yicha ishlar olib borish bir necha bosqichda amalga oshiriladi:

1. Loyihada ishlash uchun tayyorgarlik.
2. Mavzu tanlang.
3. Loyihaning maqsad va vazifalarini belgilash.
4. Ma'lumotni turli yo'llar bilan izlash.
5. Tasvirlarni izlang.
6. Taqdimot tizimini ishlab chiqish.
7. Loyihani ishlab chiqish.
8. Loyihani himoyalashga tayyorgarlik
9. Loyihalarni taqdim etish. (Himoyalash)
10. Loyiha ishlarini tahlil qilish.

Loyiha faoliyati davomida talabalar quyidagi qobiliyatlarni rivojlantiradilar:

- muloqot - aloqa qilish qobiliyati;
- muammo - qidiruv - hayot masalalarini hal qilish qobiliyati;
- mukammal faoliyatni tahlil qilish qobiliyati.

*Loyiha faoliyatining muvaffaqiyati uchun qoidalar:*

1. Jamoada etakchilar bo'lmaydi. Barcha talabalar teng.
2. Jamoada raqobat bo'lmaydi.
3. Barcha jamoa a'zolari bir-biri bilan muloqotda bo'lishlari va loyiha vazifasini birgalikda bajarishlari lozim.

4. Har bir ishtirokchi faol bo'lishi va umumiy sabablarga o'z hissasini qo'shishi kerak.

5. Loyiha ishining bajarilishida yakuniy natijalarga barcha jamoa a'zolari mas'uliyatli bo'ladi.

Bu usul talabalarning o'rgangan mavzu yoki bo'limini yanada, chuqurroq o'rganishga yo'naltirilgan, ta'lim jarayoniga tajriba, faoliyat asosida yondashuvga imkon beruvchi, tadqiqotchilik va izlanishga doir metodlardan foydalanishni talab etuvchi ta'limni tashkil etish shakli hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. D. Tojiboeva, A. YUldashev. «Maxsus fanlarni o'qitish metodikasi». «Aloqachi» nashryoti 2009.
2. Реутова, Е. А. Применение активных и интерактивных методов обучения в образовательном процессе вуза [Электронный ресурс] : метод. рекомендации для преподавателей Новосибир. ГАУ. –Новосибирск : НГАУ, 2012. – Режим доступа: nsau.edu.ru/file.

## **E-LEARNING RESOURCES IN THE CONTEXT OF DISTANCE LEARNING.**

*М.Э.Шукурова (ass., Karshi branch TUIT named after Muhammad Al-Khwarizmi)  
Ш.Ё. Махмудова (st.Karshi branch TUIT named after Muhammad Al-Khwarizmi)*

The section "Development of Education and Science" focuses on the further development of the education system, improving the quality of educational services, modern education and training of highly qualified personnel in the five priority areas of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021.

Indeed, one of the priorities in the higher education system today is the need to rely on the advanced experience of developed foreign countries and innovative technologies in the training of highly qualified personnel for various sectors of the national economy. Significant achievements have also been made in this direction. In particular, bachelor, master, specialties, modernization of the curriculum and curriculum of managers and pedagogical personnel development and improvement of the quality of education through the introduction of modern forms of foreign experience, the introduction of modern pedagogical and information and communication technologies, the creation of e-learning modules, educational and methodical complexes, multimedia development, distance learning.

Studying the features of the development and use of e-learning resources in the educational process is becoming increasingly important, which depends on a number of organizational and didactic reasons:

- Demonstrate the use of video and audio images when demonstrating the content of the course section;
- Quick change of content in accordance with new scientific achievements;
- Students Providing students with access to a wide range of information, depending on the nature of the object being studied;
- Computers The use of computers with enormous computing power in the performance of laboratory work;

The existing education system in higher education is based on a wide range of subjects and sciences. At the same time, the content of the curriculum is specific to

a particular university, and its uniqueness is determined by the academic traditions and teaching methods developed in a particular university.

For the use of e-learning resources in the learning process, the following methods are used:

- project method;
- methods of information resources;
- demo samples;

All these methods can be easily adapted for the implementation of distance, mixed and distance learning.

Multimedia software products in the creation of e-learning resources:

- encyclopedias;
- textbook;
- Computer presentations.

Creating multimedia e-learning resources depends on the skill, experience and imagination of the author.

Methods for creating multimedia e-learning resources can be divided into two categories:

- The use of programming languages (laborious);
- Use of instrumental systems.

CourseLab is a powerful, but at the same time, simultaneous tool for creating interactive training materials (e-courses) for use on a CD or other media in an online learning system.




Figure 1. CourseLab software interface.

CourseLab options:

- Creating and editing learning materials based on WYSIWYG: "Everything you see is the result";
- the author of educational material does not need to know English or any other programming language;
- an objective approach - allows virtually any complex educational materials to be children's cubes;

➤ Using scripts greatly simplifies complex multi-level connection;  
 Currently *CourseLab 3.1* and *CourseLab 2.7* are commonly used in the CourseLab program. The following is the version of the CourseLab version:

09/04/2006

Version 2.2

Officially released version 2.2 CourseLab.

In the new version these attachments were added:

- Import the conversion mechanism from Microsoft PowerPoint;
- Features new features for automatic editing;
- Added snapshot compression mechanism added;
- Of Created the theme of the program;
- The interface has been improved.




Figure 2. Editing the CourseLab program.

05/22/2006

Version 2.1

Officially released version of CourseLab 2.1.

In this version:

- The line is changing;
- Mechanisms Script engines have been added to facilitate the creation of multifaceted object relationships.

04/16/2005

The release of CourseLab 2.0 has officially been released. Gecko-based browsers (Mozilla FireFox, Netscape) were created to support browsers with significantly improved full processing speed. In this version:

- Provision accelerated the provision of courses;
- Courses Created courses not only through Microsoft Internet Explorer, but also through FireFox, Mozilla, Netscape browsers;
- The standard for the exchange of educational materials supported by SCORM 2004;
- added a timeline for displaying objects, editing the "Chronology" table;

- Effectiveness improved processing efficiency;
- Added added new perfect objects;
- Decorations Added new decorations and color schemes;
- Added Added new templates for modules.

The mechanism also includes testing:

- Easy to use library of user interfaces and open source templates;
- The course includes Macromedia Flash, Shockwave, Java and any video with support for Rich Media;
- A simple way to sync and sync music.
- To the possibility of placing presentations Microsoft Power Point in educational materials.
- Provides a screen capture screen that allows you to create simulations for various software.
- Simple language interpretation.
- Direct access to client file functions directly in javascript.
- No need to enable javascript to view e-learning courses.

CourseLab-based learning materials are subject to the following e-learning standards, depending on the type of use:

- *AICC* (<http://www.aicc.org/>)
- *SCORM 1.2* (<http://www.adlnet.org/>)
- *SCORM 2004 (SCORM 1.3)* (<http://www.adlnet.org/>)

The CourseLab-based e-learning course is a set of training modules. Depending on the content of the training manual modular sections can be combined. In turn, sections can be hierarchically combined into larger units.

A learning module is a basic unit of hierarchy consisting of a sequence of slides. Throughout the education system, students slide on the slide one by one. Usually, slides are studied in the author's sequence, but depending on the results of the tests, the sequence of slides can be changed.

The training module can also be designed both for reading and for learning. Training and control materials are usually combined in a module: at the end of the training, the student is tested in this module.

The e-learning course can be designed from the very beginning to the end of the editor of Websoft CourseLab. The curriculum can be used in a distance learning system by creating custom files.

Using CourseLab software, not only learning exercises, but also tests, as well as the use of multimedia presentations can lead to increased learning efficiency.

#### ***Used literature:***

1. *“Kadrlar tayorlash milliy dasturi” The Vestnik Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997 year. 11-12 son, 295 modda.*
2. A. A. Abdukodirov, A. Kh. Pardaev. *“Masofali o’qitish nazariyasi amaliyoti”* - T.: Fan, 2009.

## ОТМЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ-МЕТОДИК МАЖМУАЛАРНИНГ ЎРНИ

*Қ.Р.Юлдашев (ассистент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ НФ)  
А.А.Тилепова (ассистент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ НФ)*

Ҳозирда Республикамиз олий таълим муассасаларида таълим олаётган ҳар бир талабанинг дарс вақтида ва дарсдан ташқари вақтларда вақтини мазмунли ташкил қилиш ва уларнинг ўз устида ишлаш ҳамда мустақил таълим олиши кўникмаларини пайдо қилиш учун ҳар бир фанда мустақил таълим катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Олий таълим муассасалари асосий ахборот ресурсларини турли фанларни ўрганишга оид электрон ўқув методик-мажмуалар ташкил этади.

Электрон ўқув методик-мажмуалар деярли барча ахборотли материалларни ягона ахборот мажмуасига жамлаш имконини беради. Бундан ташқари, унда ҳозирги кунда талаб этиладиган зарур интерактивлик, кўргазмалилик, мобиллик, ихчамлик ва уларни кўпайтиришда кам ҳаражат сарфлаш, кўп вариантлилиқ, кўп босқичлилиқ ҳамда текшириш учун топшириқлар ва тестлар ҳажмининг кўп бўлишини таъминлайди. Таълим жараёнига электрон ўқув-методик мажмуаларни жорий этиш талабаларга фан бўйича ахборотнинг тўлиқ манзарасини намоиш этиш, ўқув материални мустақил ўзлаштиришини таъминлаш, ўқитишни индивидуаллаштириш, назорат ва ўз-ўзини назоратни такомиллаштириш, ўқув жараёнини самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Талабалар мустақил тайёргарлиги жараёнида мазкур воситалардан фойдаланиш таълим тизимидаги одатий бўлган ўқитиш вазифаси фақат ўқитувчига тааллуқли бўлган, типик вазиятни ўзгартиради. Электрон ўқув-методик мажмуалар талабага тақдим этилаётган ўқув ахборотларини эркин қабул қилиш, уларни индивидуаллик хусусиятига кўра, ўзлаштиришида ўқитувчининг ўқитиш функцияси талабанинг ўзига ўтади. Бунда ўқитувчи ўқувчини фақат қўллаб-қувватлайди, ўқув ахборотлари оқимидан самарали фойдаланиш ҳамда юзага келадиган муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Тузилмавий электрон ўқув-методик мажмуалар ўқув курси бўйича ишчи дастурга эга бўлиши, фан бўйича назарий материални мантиқий туркумлаштириш, талабалар мустақил билим олиши ва ўзини назорат қилиши учун типик масала, топшириқ ва тестлар, имтиҳон ёки синовлар учун саволлар бўлиши, зарур меъёрий маълумотнома ахборотларини батафсил таърифлаб, баён этилган мисоллар берилиши шарт. Бундан ташқари, унда муаллиф ҳақидаги маълумотлар, ўқув фанининг номи, ихтисослик номининг шифри кўрсатилиши шарт ҳисобланади.

Электрон ўқув-методик мажмуаларни яратишда унинг айрим муҳим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бугунги кунда электрон ўқув-методик мажмуалар мазмуни албатта янги авлод талабларига мувофиқ

келиши, шунингдек, билимлар соҳасида замонавий илмий-техник тараққиёт даражасига жавоб бериши шарт. Электрон ўқув-методик мажмуалар тузилмаси икки мантиқий ўзаро алоқадор элементлар ёки модуллардан иборат бўлиши шарт. Электрон ўқув-методик мажмуалар максимал даражада интерактив бўлиши зарур, етарли даражада мултимедияли маълумотларга эга бўлиши, зарур ўқув ахборотларини излашда қулайликка эга бўлиши лозим.

Қуйи босқич талабалари ўқув материали билан ишлашда етарли даражада тажриба ва малакаларга эга эмасликларини ҳисобга олиш лозим ва шу сабабли ўқитувчидан талабаларга мустақил ишлаш усуллари ва методларини ўзлаштиришларига ёрдам бериб, катта эътибор билан мазкур жараёни бошқариш талаб этилади. Юқори босқич талабалари учун ижодий тафаккурни ривожлантиришга ёрдам берувчи индивидуал тошириқлардан фойдаланиш мумкин. Талабалар билан ўзаро ҳамкорликда электрон ўқув-методик мажмуалардан фойдаланиш ва ўқув жараёнини ташкил этиш аънавий ўқув воситаларига нисбатан қуйидаги афзалликларга эга, жумладан:

- ҳар қандай географик нуқтадан ўқув материалларига уланиш кафолатланиши;
- электрон материалларни ўз вақтида етказиб борилиши;
- материалларни излашни осонлаштириш, имтиҳонларга тайёргарликни енгиллаштирилиши;
- ўқув материалларидан иш жойларида, уйда ва мобил телефони қурилмасини мавжудлиги;
- электрон материалларнинг ўз вақтида ва тезкор янгиланиши кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

Бугунги кунда электрон ўқув-методик мажмуаларнинг технологик асослари ва мазмун моҳияти тубдан ўзгариб бормоқда. Текстграфик ахборотли мазмунга эга таълим мажмуалари ўрнига овоз, анимация, видео имкониятига эга, виртуал лаборатория амалиётлари, қидириш ва эксперт тизимлари модули ҳамда ички дастурий дидактик алгоритмлар, талаба — педагог — ўқув материали ўзаро муносабати орқали амалга оширилувчи мултимедияли ва интерактив комплекслар кириб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, электрон ўқув-методик мажмуалар ўқитиш жараёнини ўқитишнинг бошқа шакллари, жумладан, инновацион педагогик технологиялар ҳамда масофавий таълим технологиялари билан ташкил этишда ўз долзарблигини йўқотмайди, балки таълим истиқболларини таъминлашда янада катта эътиборни талаб этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Современный электронный учебно методический комплекс — основа информационно образовательной среды вуза / П. А. Мандрик, А. И. Жук, Ю. В. Воронцов // Информатизация образования — 2010. Минск : БГУ, 2010. — 197–201 бетлар.



## АКТИВИЗАЦИЯ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ У СТУДЕНТОВ В ОБУЧЕНИИ ИНФОРМАТИКЕ

*И.Ж. Бозорова, Ш.Р Ганиева, А.А Эргашева  
(студентки, КФ ТУИТ имени Мухаммада ал-Хоразмий)*

В настоящее время, в связи с растущей информатизацией общества и постоянным развитием информационно-коммуникационных технологий, умение использовать компьютерные средства и программное обеспечение компьютера становится необходимым элементом компьютерной грамотности каждого человека.

Необходимо отметить, что важным условием является подготовка студентов к работе в информационной деятельности и умелое использование новых информационных технологий, как в образовательном процессе, так и в дальнейшей профессиональной деятельности.

В работе с преподаванием дисциплины «информатика» задачами преподавателя являются:

- Формирование информационной культуры у студентов;
- Формирование информационной компетентности у студентов;
- Грамотное использование информационных технологий в учебно-воспитательном процессе;
- Умение использовать современные технические и программные средства в учебно-воспитательном процессе;

Важным фактором активизации познавательной деятельности у студентов является развитие интереса обучающихся. К проявлению интереса обучающихся содействуют и качества педагога. К ним относят: эрудицию учителя, умение предъявлять студентам конкретные требования и последовательно усложнять изучаемый материал; умение развивать творческую фантазию; доброжелательное отношение к студентам, создание обстановки доверия, такое отношение обеспечивает создание интеллектуального настроения у студентов; педагогический оптимизм и вера в студентов, умение развить слабые познавательные стороны у учащихся.

Правильно составленный стиль взаимоотношений между учителем и студентами, является основой успеха педагогической деятельности.

Активизация познавательной деятельности у студентов в обучении информатике зависит от формирования мотивации у студентов. При обучении информатике во многих образовательных, учебных заведениях преподаватели просят студентов выполнить какие-либо математические вычисления, действия на компьютере, не объясняя для чего им это нужно и как пригодится в дальнейшей профессиональной деятельности. В связи с этим мотивация у обучаемых достаточно низкая. Студенты не понимают зачем им нужны эти знания и умения в области информатики.

По этой причине, в процессе обучения предмета информатики, студентам необходимо рассказывать о целях, задачах изучения данной дисциплины и о необходимости в грамотных и компетентных специалистах в

настоящее время в сфере информационных технологий, тем самым систематически мотивируя студентов. Мотивация студентов обеспечивает развитие познавательного интереса учащихся, стимулирует к самостоятельной работе на всех этапах обучения.

Особое место в активизации познавательной деятельности занимает развитие у студентов мировоззрения, нестандартного мышления в проблемных ситуациях, творческих способностей, а также креативного мышления. Все эти способности развиваются лишь при применении современных педагогических технологий и активных методов обучения.

Применяя в процессе образования различные современные педагогические технологии и активные методы обучения необходимо учитывать степень уровня развития и успеваемости у студентов. Сложные проблемные и познавательные задачи должны применяться лишь с учётом уровня развития студентов. Неправильно поставленные задачи перед студентами, не соотнесённые с уровнем их мышления и опережающие уровень их развития, могут сыграть отрицательную роль в обучении. Они способствуют потере веры в свои силы у студентов.

Желая развить познавательные, творческие способности у студентов, педагогу необходимо строить свою работу планомерно, постепенно переходя от простого к сложному.

Использование различных современных педагогических технологий и методов, которые направлены на обеспечение развития любознательности, а также формируют у учащихся интерес к получению новых знаний и умений. Умелое использование педагогических технологий и методов обучения зависит от правильного выбора методов к изучаемой теме с учётом содержания материала.

К активизации познавательных интересов на уроках информатики способствуют:

- Использование разнообразных интерактивных методов на занятиях, а также внедрение в процесс обучения различных форм оценивания;
- Использование педагогом искусств ораторства;
- Использование в процессе обучения ролевых игр, способствующие созданию дружеского микроклимата в коллективе;
- Проявление ответственности самоконтроля и взаимоконтроля у студентов;
- Стимулирование к самостоятельной работе студентов, со стороны педагога.
- Развитие познавательных способностей у студентов, посредством создания проектов и программных продуктов.

Конечно же, необходимо обратить внимание на то, что сложная часть изучаемого материала информируется студентам с помощью традиционных методов. Достигнуть успеха в активизации познавательной деятельности у студентов в обучении информатике можно только при правильном сочетании современных, инновационных и традиционных методов.

## **АКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПЕДАГОГА**

*И.Ж. Бозорова, Ш.Р Ганиева, А.А Эргашева  
(Студентки, КФ ТУИТ имени Мухаммада ал-Хоразмий)*

*Хулоса.* Ўқув жараёнида фақат “қўлда”, балки, компьютерда ҳисобларни бажариш математик моделлаштириш жараёнини ўрганувчилар учун янада (айниқса, уч ўлчамли фазода) кўرғазмалилигини ва тушинарилигини оширади ҳамда ҳисоблашлар учун меҳнат сарфини камайтиради, бир математик муаммони математик ва компьютер усулларда ечиш йўлларини тақослаш икониётини беради.

#### Адабиётлар

1. Матросов А. Maple 6. Решение задач высшей математики и механики. – СПб.: БХВ-Петербург, 2001. – 528 с.

2. Савотченко С.Е., Кузьмичева Т.Г. Методы решения математических задач в Maple: Учебное пособие – Белгород: Изд. Белаудит, 2001. -116 с.

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ АХБОРОТ МОДЕЛИ

*Ш.А. Асраров, Г.М. Ширинов*  
(*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ СФ*)


Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ОТМда катта миқдордаги электрон ахборот захиралари йиғилган. Ўқув услубий материалларнинг электрон нусхалари сақланадиган бу электрон кутубхона ёки файлли архивларга баъзида интернет орқали тестдан ўтказиш тизими илова қилинади. Бироқ камдан кам ҳолларда эришилган натижалар турли характерларни намоён қилади, қайсики хусусий қароралар қабул қилиш, тираж сонини кўпайтирмаслик ва бошқа таълим ташкилотларига тадбиқ қилиш имкониятларини чегаралайди. Бундан ташқари бу ахборот тизимлари (АТ) алоҳида олинган ОТМ имкониятларини ҳисобга олган ҳолда яратилган бўлиб, кўпчилик ҳолатларда бу тизимлар бошқа ОТМ учун қўлланилмайди. Мавжуд бўлган АТ фойдаланишнинг яна бир камчилиги универсал дастурий таъминотни буюрилиши бўлиб, улар ишнинг бошида таълим мақсадлари учун мўлжалланмаган, натижада айнан таълим функцияларида чекланишлар кўйилиши оқибатида улардан фойдаланиш самарасиз бўлади.

Талабанинг шахсий ривожланишида ОТМ доирасида ахборот алмашилиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ахборот алмаши- нувчининг моҳияти қуйидагича бўлади: АКТ турмуш тарзимизнинг барча сферасида қўлланилади, бу воситалардан фойдаланишни билиш – ҳозирги замон мутахассисининг энг зарурий атрибути ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бутун тизимни ташкил қилиш, ОТМ таълим дастурини услубий жиҳатдан таъминлаш ва бошқаришда ташкилотнинг асосий қуроли бўлиб, ОТМ корпоратив ахборот тизими ривожланишининг энг кўзга кўринган йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида ушбу тадқиқот ишида, таълим жараёнларида ОТМни бошқаришнинг ахборот модели келтирилган (1-расм). Бу модель ҳам ички, ҳам ташқи алоқаларни бир-бири билан ўзаро боғлайди.

Ушбу модел ўз ичига қуйидагиларни олади: молия-хўжалик ишлари (молиявий АТ ва кадрлар бўлимининг АТ), ҳужжатлар билан ишлаш (ҳужжатлар айланиши), мониторинг тизими, электрон кутубхона, қайсики ахборот ресурсларини ва кўчириб ёзишга қарши ишлайдиган тизимни ўз ичига олган, шунингдек ўқув жараёнини автоматлаштирган (ўқув бўлимининг АТ), LMS тизими, электрон деканат тизими, шунингдек автоматик ҳисобга олиш тизими [1]. Тизимга юридик ва жимоний шахсларни мурожаат қилиши, шунингдек талабаларнинг қариндошлари, абитуриентларнинг мурожаатлари ОТМнинг сайти орқали амалга оширилади, қайсики унда интерактив хизматлар, раҳбариятга электрон тарзида мурожаат этиш, ректорга, проректорлар, деканлар ва кафедра мудирларига ОТМга кириш учун ҳужжатларни электрон тарзида тақдим қилиш.



1-расм. Таълимни бошқаришнинг ахборот модели

Мультмедия ва Интернет технологияларининг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши электрон ахборот технологияларини глобал даражада мулоқот, тарбия, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш воситасида ишлатиш имконини беради. Ахборот модели мурожаатларни автоматик тарзда талабаларнинг ID картаси орқали ҳисобга олиб боради, уларни шахсини аниқлаш орқали (овоз, юз кўриниши, қўл бармоқлари). Бундай тизим ИНХА университетида жорий қилинган (Южная Корея) [2] ва у бугунги кунда муваффақитли қўлланилиб келинмоқда. Ёшларимиз электрон таълим тизимида матн билан ишлашни, тасвирий объектларни ва маълумотлар базасини яратишни, электрон жадваллардан фойдаланишни ўрганади (2-расм).



2-расм. Электрон таълим тизими.

Талаба ахборот йиғишнинг янги усулларини, улардан фойдаланишни ўрганишади, уларнинг дунёқараши кенгаяди. Дарсларда ахборот технологияларининг ишлатилиши ўқишга бўлган мотивациясини, талабаларнинг қизиқувчанлигини, таълим самарадорлигини оширади ва компьютер ахборот технологиялари талабаларнинг ўқиш ва ижодкорлигида янги имкониятларни тақдим этади.

Бедрал Хан (Badrul H. Khan) томонидан таклиф этилган электрон таълим концепциясида саккизта: педагогик, технологик, педагогик интерфейс дизайни, баҳолаш, бошқариш, ресурсларни қўллаб қувватлаш, этик асослар,



асбоб ускуналар жиҳати мавжуд. Тизим қулай ва батафсил текширувчи рўйхатдан иборат. Ушбу рўйхат муассасалар таълим технологияларни жорий этишга қанчалик тайёрлигини ёки уларнинг ўсиши учун қандай имкониятлари мавжудлигини мустақил баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу тизим веб ва аралаш ўқитиш негизида ўқитишни ишлаб чиқиш, яратиш, жорий этиш ва баҳолаш масалаларини ҳисобга олади ҳамда қуйидагиларни бошқаришга хизмат қилади:

- Таълим технологияларни ва аралаш ўқитиш учун материалларни режалаштириш ва ишлаб чиқиш;

- Таълим технологиялари, виртуал ўқитишнинг аралаш ва қулайлик яратилган муҳит учун ресурсларини ташкил этиш;

- Корпорация, давлат ва хусусий олий ўқув юртлари, виртуал университетлар ва кибер-мактаблар учун тақсимланган ўқитиш тизимини яратиш;

- Таълимни бошқариш тизимини ва муаллифликнинг комплексли тизимини ишлаб чиқиш;

- Аралаш ўқитишнинг таълим технологиялари, курслари ва дастурларини баҳолаш;

- Таълим технологияларини яратиш, ўқитишни бошқариш ва ўқув контентини бошқариш учун инструментлар ва тизимларни баҳолаш.

#### Адабиётлар

1. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Обеспечение качества обучения на основе современных средств ИКТ // Сборник докладов Республиканской научно-методической конференции Ташкентского университета информационных технологий, 2017, С. 188-190.

2. Каримова В.А. Управление заданиями в системе moodle//научно-методическая конференция профессорско-преподавательского состава ТУИТ “Методические основы повышения качества учебного процесса и комплексного развития системы подготовки кадров, том 1, стр. стр. 253-255

### **КИМЁ ФАНИНИ ЎРГАНИШДА ИНФОРМАЦИОН КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланиш**

*Н.А.Комилжонов (ўқитувчи, Андижон давлат университети)*

*Н. Алимқулов (магистрант, Андижон давлат университети).*

Замонавий таълим тизимини информацион - коммуникацион технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Унинг ёрдамида қўйилган масаланинг ечимини топиш бирон бир дастурий воситалардан фойдаланиш ёки зарур дастурий восита бўлмаганда уни яратиш орқали амалга оширилади.

Кимё фанида ахборот технологиялар ютуқларидан фойдаланиш, жумладан виртуал лабораториялар имкониятларидан фойдаланиш хавфсиз лаборатория машғулотларни олиб бориш, экспериментларни бир неча марта

такрор бажариш имкониятини беради. Ҳозирги вақтга келиб кимё фани учун жуда кўплаб виртуал лабораториялар, турли моддаларнинг физик кимёвий константаларини ҳисоблаш учун дастурлари ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг имкониятларидан кимё фанини кенг ўрганишда фойдаланилиши мумкин.

Кейинги пайтда кимё фанини ўрганишда АКТ дан фойдаланиш, ўзининг фанини ўрганишдаги янада янги имкониятларни яратиш бермоқда. Турли хилдаги видоматериаллар ҳамда аудио материалларини талабаларга кўсатиш ва эшиттириш таълим сифатини ошишига олиб келмоқда. Мультимедия воситаларидан фойдаланиш таълим сифатини унинг кўргазмалилигини орттиради. Турли информацион ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлардан фойдаланиш олинган билимларни янада мустаҳкамланишига олиб келмоқди. Турли ўқув дастурларидан фойдаланиш қайсидир маънода ўқув дарсликларидagi бўлган билимларни тўлатиш учун хизмат кимоқда.


Мавжуд виртуал лаборатория дастурларидан фойдаланиш хатто уй шароитида ҳам турли экспериментларни кўплаб марта қайта-қайта ўтказиш имконини беради. Бу нарса талабалар томонидан дарсда ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун хизмат қилади[1]. Қолаверса, ушбу методлардан фойдаланиш ҳозирги кунда сиртки йўналишда таълим олаётган талабалар учун алоҳида қўл келади.

Юқорида қайд этилаган кимё фани учун бағишланган виртуал лаборатория дастурларидан бири Crocodile Chemistry 605 дастури ҳисобланади. Унинг ёрдамида кимёдаги турли жараёнларни чуқурроқ ўрганиш мумкин. Қуйида Crocodile Chemistry 605 дастури ёрдамида бажарилган бир неча реакциялардан намуналар келтирилган.


#### 1-тажриба. Металларни оксидланиши.

Chemicals бўлиmidан Metals бўлимини оламиз. У ердан Powders & Liquids бўлимига кириб магний металини оламиз. Glassware => Standart бўлиmidан оддий стаканни олинади. Equipment => Apparatus бўлиmidан газ горелкасини оламиз.

Горелканинг ёқамиз ва вақт ўтиши билан стакан ичидаги магний метали хаводаги кислород билан реакцияга киришиб ёниб кетганини кўрамиз.




1-расм. Магний металини хавода ёниши.

Стаканни сичқонча ёрдамида олиб  Reaction details (реакция махсулотлари) ёрлигини танлаб, ionic(ион кўринишида) ни танлаймиз. Ойна ўнг томонида реакция тенгламаси ҳосил бўлади.


#### 2-тажриба. Металларнинг газлар билан реакцияси.

Металларнинг газлар билан реакциясини кўриш учун Glassware (шиша идишлар) бўлимидан туби ясси колба, Gases(газлар) бўлимидан хлор газ бор газ балонини ва резина найни оламиз. Уларни қуйидаги расмда кўрсатилгани каби ўзаро жойлаштириб сўнгра улаб чиқаилади. Lumps (бўлаклар) бўлимидан натрий метали бўлагини олинади. Олинган натрий метали бўлаги туби ясси колбага солинади. Сўнг хлорли газ балони чап томонидаги сургич юқорига харакатланирилади. Бунда шланг орқали хлор газ колбага кириб, натрий метали билан реакцияга киришишни бошлайди. Бунда натрий метали бўлаги ёнишни бошлаганини кузатиш мумкин. Туби ясси колба устида сичқонча ўнг тумасини босамиз ва у ердан реакция тенгламасини кўрсатадиган бўлимни оланади. Расмда кўрсатилган реакция тенгламаси хосил бўлади.



2-расм. Натрий металини хлор газ билан реакцияси.

Олтингугуртни хавода ёниш реакцияси. Олтингугуртни хавода ёниш реакциясини амалга ошириш учун Glassware (шиша идишлар) бўлимидан туби ясси колба, Apparatus (қурилмалар) бўлимидан таглик, ва газ горелкаларни дастур ишчи столига олиб чиқилади. Олиб чиқилган инструментлар қуйидаги расмда кўрсатилган ҳолатда йиғилади. Туби ясси колби ичига олтингугурт солинади. Газ горелкасининг ўнг томонидаги сургич юқорига харакатланирилади. Газ горелкаси ёнишни бошлайди. Туби ясси колба ичидаги олтингугурт ёнишни бошлайди. Туби ясси колба устида сичқонча ўнг тумасини босамиз ва у ердан реакция тенгламасини кўрсатадиган бўлимни оланади. Расмда кўрсатилган реакция тенгламаси хосил бўлади.



3-расм. Олтингугуртни хавода ёниш реакцияси  
Фойдаланилган адабиётлар.

1. G. Gorghiu (coord.), Applications of Virtual Instrumentation in Education, Bibliotheca Publishing House, Targoviste, 2007.

## ОСОБЕННОСТИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОСТРАНСТВА XXI ВЕКА

*Э.З.Имамов, А.Каримходжаев, Х.Н.Каримов  
(ГУИТ им.Мухаммада аль-Хоразмий)*

Постоянное совершенствование компетенций в 21 веке является незаменимым условием для современного работника любого ранга. Чтобы идти в ногу со временем, в такт за развитием науки, техники и технологий, необходимо постоянное обновление и совершенствование своих знаний и профессиональных качеств.

Когда-то полученное школьное или даже академическое университетское образование не достаточно. Надо постоянно работать над собою, чтобы соответствовать высоким требованиям времени. При этом не имеет значения, каким образом и в рамках какой структурированной системы образования (или другими путями) достигается эта работа над собою.

Раз для данной специализации требования едины и не важно, где и каким образом компетенции была освоена (или обновлены), то все формы освоения хороши и в этом заключается обоснование и смысл их унификации: в 21 веке не важно какой вуз, какая страна, каким способом компетенция выработана, важна сама обновленная компетенция.

Такая гибкость требований к выработке компетенций является характерной особенностью современного европейского образования.

Ту или иную компетенцию можно освоить как в рамках формального образования, так и в рамках неформального или даже информального образования (образование по телевизору, лежа у себя дома на диване). Формальное, неформальное или информальное образования, хотя и являются принципиально различными видами образований, у них есть одно общее - дают ту или иную квалификацию! При чем одна квалификация отличается от другой, только квалификационными требованиями по компетенции и результатами обучения. Каким способом освоена эта квалификация, не важно, а важно степень её усвоения! Например, Бенджамин Франклин в силу тяжелых семейных обстоятельств имел единственный документ об окончании только 3 школьных классов, но до сих пор во всех штатах Америки имеются музеи его культурного, научного и, вообще, интеллектуального наследия. А также его портрет на самой крупной валюте США.

Чтобы идти в ногу со временем в такт за развитием науки, техники и технологий, необходимо, значит, постоянное обновление и совершенствование своих знаний и профессиональных качеств. Это желание у нас в стране можно реализовать в образовательных учреждениях системы переподготовки кадров и повышения квалификации в рамках неформального образования.

Как отдельный вид образования, обучение на протяжении всей жизни составляет содержание уровня 5а Национальной квалификационной рамки и функционирует на основе Закона Республики Узбекистан «Об образовании» (от 29 августа 1997 года) в виде системы переподготовки кадров и повышения квалификации.

Для сотрудников любого ранга эта система готова оказать и успешно оказывает содействие их постоянному профессиональному совершенствованию

При разработке Национальной квалификационной рамки системы непрерывного образования Республики Узбекистан (НКР СНО РУз) 7 видов образований, определенных Законом Республики Узбекистан «Об образовании», были поделены по квалификации на восемь уровней и два подуровня. (НКР СНО РУз слегка только отличается от ЕКР - Европейской квалификационной рамки, у которой всего 8 уровней).

Уровень (или подуровень) характеризуется своими дескрипторами, то есть квалификационными требованиями к результатам обучения и выработанным компетенциям, предъявляемым к выпускнику данного уровня.

У нас в стране дескрипторы уровней полностью коррелируют с соответствующими требованиями государственных образовательных стандартов (ГОС). Они последовательно усложняются от уровня к уровню. Например, требования выпускника бакалавриата как по объему знаний, так и по выработанным компетенциям, принципиально отличаются от дескрипторов выпускника магистратуры.

## **О ПРИОРИТЕТНЫХ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ЭНЕРГЕТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ НА ЗАНЯТИЯХ ФИЗИКИ**

*Э.З.Имамов, Р.А.Муминов, Т.А.Джалалов, Х.Н.Каримов  
(ТУИТ им. Мухаммад аль-Хоразмий)*

Анализ современного состояния производства и потребления электроэнергии проведем на примере Узбекистана. Согласно статистическим данным в таблице представлены значения ежегодного производства, реального энергопотребления и показатели энергетического потенциала страны

<b><i>Вырабатываемая электроэнергия в Узбекистане в год</i></b>		113,4 млрд. кВт*час
<b><i>Потребление электроэнергии в Узбекистане</i></b>	2000г.-	46,8 млрд кВт·ч
	2015г.-	57,5 млрд кВт·ч
	2020г.-	71,8 млрд кВт·ч
<b><i>Текущая</i></b>	12,994ГВт	Всего

<i>установленная мощность</i> электростанций	12,514ГВт	39 тепловых и ГЭС ГАК «Узбекэнерго».		
	480 МВт	отраслевые энерго-предприятий		
Приблизительно <i>установленный</i> <i>годовой потенциал</i> страны	Мощности в.ГВт	итого в ГВт	энерг ии в млн.ГВт·ч	итого в млн.ГВт·ч
Солнечной энергетики	60,5	326,5	530,	2860
Ветровой энергетики	59,5		520	
Гидро энергетики	206,5		1800	

Из этих данных следует, что:

- сопоставление ежегодного производства (113,4 млрд. кВт\*час) и реального энергопотребления (к 2015 году - 57,5 млрд кВт·ч) показывает, что объем потребляемой энергия всё время приблизительно в два раза меньше объема производящей энергии;

– установленный энергетический потенциал страны (326,5ГВт) превосходит текущую установленную мощность (12,994 ГВт или ~ 13ГВт) более чем в 25 раз;

–в установленном потенциале страны огромна доля солнечной энергии (она достигает почти 20%), в то время как нынешняя реальная установленная её мощности не достигает даже одного процента.

Отличие объема производства (113,4 млрд. кВт\*час) от реального объема энергопотребления приблизительно два раза (к 2015 году - 57,5 млрд кВт·ч) прямо указывает на основной канал потерь – это транспортировка энергии (в среднем ~ 40% на каждые 100 км электропередачи). Значит надо максимально уменьшать потери при транспортировке.

Для решения проблемы уменьшения потерь энергетики необходимы действия, связанные с необходимостью

-внедрения инновационных технологий производства электроэнергии,  
-разработки эффективных механизмов её потребления,  
-целесообразным определением и использованием для каждой территории наиболее эффективных видов возобновляемых источников энергии (ВИЭ),

-использования высокотехнологичных производств, приборов и оборудования,

-применения дешевых материалов в качестве технической основы электрооборудований и энергоустройств,

-поиска путей удлинения срока службы электрооборудований и энергоустройств.

Эти действия должны развиваться, реализовываться и внедряться в научных подразделениях страны под заинтересованным контролем и содействием государственных органов.

В интересах будущего человечества актуальной проблемой современной

энергетики становится ориентация на альтернативную топливную основу - на возобновляемые источники энергии (ВИЭ)

ВИЭ - возобновляемые источники энергии, периодически возникающие в природе потоков возобновляемой и практически неисчерпаемой энергии. По Классификации ООН (1978г.) определены 9 потоков энергии:

биомасс от различных отходов	растительности и сельхоз продукции	мини и микро-ГЭС мощностью порядка 1 МВт
тепловой энергия земли, воздуха и т.д.	гидротермальных и паро-гидро-термальных источников	приливно-отливные энергия потоков
энергия ветра	энергия торфа	энергия Солнца

Рассмотрим другой аспект энергетики Узбекистана. На сколько оправдано стране иметь столь малую установленную мощность в 13 ГВт при наличие потенциала энергетических мощностей в 326,5 ГВт? Много или мало это для страны в современных условиях?

При населении в 2005 году порядка 27 млн. человек и территории ~ 0,47 млн км<sup>2</sup> в Узбекистане на душу населения в год приходилось порядка ~ 4200 кВт•ч, а в России - порядка 6500 кВт•ч. (в 2005 году в России при населении 141 млн. человек и территории ~ 15 млн км<sup>2</sup> выработка электроэнергии составляла 945 млрд.кВт•ч.).

Учитывая большие указанные выше потери электроэнергии при транспортировке на большие расстояния, эти цифры одного порядка, что показывает сопоставимость объемов ежегодного производства электроэнергии двух стран на душу населения.

Раз основные потери электроэнергии возникают при её транспортировке на большие расстояния от производителя до потребителя, то из этого следует очевидный вывод - проблема решается сокращением этого расстояния, то есть необходимо расположить источники электроэнергии вблизи её главных и крупных потребителей.

В настоящее время самыми популярными источниками, которые располагаются близко от потребителя, являются атомные и тепловые электростанции, а также некоторые мини и микро гидроэлектростанции мощностью порядка 1÷2МВт (ГЭС), по классификации ООН отнесенные к категории возобновляемых источников энергии.

*Развитие атомной энергетики.* Обладая приблизительно тремя процентами (~3%) мирового запаса урановой руды и концентрируя, почти пять процентов (~5%), мировой торговли ею, Узбекистан только в последние годы начал настойчиво прорабатывать вопрос о развитии атомной энергетики. Первым официальным шагом в этом направлении было принятие (в соответствии с Постановлением Президента от 10.07.2018)

решения о строительстве в стране и пуске к 2028 году двух атомных энергоблоков по 1,2 ГВт атомной электростанции (АЭС).

Эти меры должны увеличить по сравнению с 13 ГВт установленную мощность всех энергоустановок страны и довести их до 15÷16 ГВт.

7 февраля 2019 года главой государства утверждена Концепция атомной энергетики до 2029 года. Согласно Концепции, строительство атомной электростанции в стране начнется с 2022 года. Сроки строительства атомной электростанции разделены на три этапа:

- на первом этапе (2019—2020 годы) будет определено место строительства АЭС,

- во втором этапе (2020—2021 годы) планируется разработать технико-экономическое обоснование проекта,

- в третьем этапе (с 2022 года) начнется строительство объекта.

*Основные характеристики АЭС в Узбекистане:*

- Запуск двух энергоблоков станции с общей мощностью 2,4 ГВт позволит ежегодно вырабатывать порядка 18,9 миллиардов кВт\*ч электроэнергии.

- Будет создано 2700 рабочих мест, в том числе свыше 1900 на самой станции.

- Финансироваться проект будет за счет собственных средств Узбекистана и государственного кредита Российской Федерации.

- С «Росатомом», выступающим главным подрядчиком проекта, «Узатом» заключает ЕРС-контракт (Engineering, Procurement and Construction – contract).

- АЭС будет состоять из двух энергоблоков «3<sup>+</sup>-ВВЭР-1200» III-поколения мощностью 1200 МВт каждый.

- Эти энергоблоки отвечают всем требованиям по безопасности Международного агентства по атомной энергии (МАГАТЭ).

- Сдача первого в эксплуатацию запланирована до 2028 года.

- В результате запуска станции Узбекистан будет ежегодно экономить 3,7 миллиарда кубометров природного газа.

- Экспорт сэкономленного газа даже без его переработки будет приносить Узбекистану 550–600 миллионов долларов в год.

- После ее ввода Узбекистан сможет снизить выбросы углекислого газа в атмосферу до 14 миллионов тонн и оксидов азота на 36 тысяч тонн.

#### Литература

1. *Jalalov T.A., Imamov E.Z., Muminov R.A., Sabirov H., Atoev Sh.Sh. //Solar elements based on noncrystalline silicon with nanostructured impacts //J."Computational nanotechnology". №3-2018, p.p.85-90*



2. Т.А.Джалалов, Э.З.Имамов, Р.А.Муминов // Наноструктурный кремниевый солнечный элемент// монография. Из-во «Fan va texnologiya», Ташкент, 2018 год, 106.С.

## **TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA MASOFAVIY TA'LIMNING O'RNI**

*R. Umarova (o'qituvchisi, ADU)*

Bugungi kunda ta'lim tarbiya jarayonlarini jahon andozalari darajasiga ko'tarish, ta'limning zamonaviy usullari, pedagogik va axborot texnologiyalari asosida tashkil etilishi, yoshlar ta'lim tarbiyasini milliy mafkura, umuminsoniy qadriyatlarni bilishga yo'naltirish, Vatanga muhabbat, istiqbol g'oyalari gadoqatlilik ruhini tarkib toptirish asos qilib olinishi ta'lim samaradorligini ta'minlashga xizmat qilmoqda. Ayniqsa, jamiyatimiz istiqboli, xalqimizning boy qadriyatlarini, rivojlangan mamlakatlarning ta'lim-tarbiyaga oid ilg'or tajribalaridan foydalanish, hamda ta'limning nazariy va amaliy yutuqlarini hisobga olgan holda yangi ahborot texnologiyalarini joriy etish orqali takomillashtirish, ta'lim sifatini oshirib borishda ajdodlar me'roslaridan foydalanishning zamonaviy usullarini qo'llash, kelajagi buyuk davlatimizning sadoqatli fuqorolarini jahon andozalariga javob bera oladigan holda bilim berish dolzarb masalalarga aylanganligi fikrimizning dalilidir. Bu borada ta'limni takomillashtirishda masofaviy ta'limni joriy e'tilishi, ta'limda yangi innovatsion usullardan keng foydalanishni amaliy natijalari fikrimizning dalilidir.

Yangi informatsion texnologiyalarining rivojlanishi va jamiyatning har bir sohasiga kompyuter texnologiyalari va ularga asoslangan Internetning kirib kelishi natijasida ko'pgina sohalarda juda katta o'zgarishlar ro'y berdi. Ko'pgina rivojlangan mamlakatlarning ta'lim va o'qitish borasida olib borilayotgan ishlariga aynan shu texnologiyalarni joriy qilish nuqtai nazaridan juda katta ishlar boshlandi va hozirgacha davom etib kelmoqda. Bu texnologiyalarni joriy qilinishidan kelib chiqadigan masofaviy o'qitish ta'lim tizimining asosiy jihatlariga iqtisodiy tejamkorligi, ijtimoiy teng huquqliligi, o'quv materiallarini yangilashning osonligi, moslashuvchanligi, samaradorligini sanab o'tish mumkin. Shu o'rinda masofaviy ta'lim tizimini tom ma'noda XXI asrning ta'lim tizimi isloh qinishing bir ko'rinishi deb atash mumkin bo'ladi.

Masofadan o'qitish tizimi kompyuter va telekommunikatsion texnologiyalarga asoslangan bo'lib, ta'limni takomillashtirishning eng yaxshi an'naviy va innovatsion metodlar, vositalar va ta'lim sohasini o'ziga jamlagan ta'lim olish tizimi hisoblanadi. Bu ta'lim tizimning asosini talabning maqsad sari yo'naltirilgan va intensiv ravishda o'zi tomonidan boshqariladigan mustaqil faoliyati tushuniladi. Bunda talaba o'ziga ma'qul joyda va vaqtda individual dars jadvali asosida, o'qituvchi bilan bog'lanish imkoniyatini kelishilgan holda ta'lim olish imkoniyatiga ega bo'ladi. Bog'lanish uchun u telefon, oddiy va elektron pochta ishlatishi yoki bevosita o'qituvchi bilan uchrashib hal qilishi mumkin. Masofaviy ta'lim tizimi maqsadga yo'naltirilgan interaktiv sinxron jarayon hisoblanib, bunda ta'lim tizimining ob'ekt va sub'ektlari mos ravishda talaba va o'qituvchilar o'zaro

bogʻlangan boʻlib, ular orasidagi masofa ahamiyatga ega emas. Taʼlim jarayoni maxsus pedagogik tizimda olib boriladi. Bu tizimning elementlari boʻlib:

1. taʼlim maqsadlari,
2. metodlari,
3. vositalari,
4. ilmiy – uslubiy,
5. iqtisodiy –moliyaviy,
6. huquqiy-normativ xususiyatlari hisoblanadi.

Masofaviy oʻqitish tizimi gumanitar tamoyilga asoslangandir. Bu tamoyilga asosan taʼlim oluvchining iqtisodiy kelib chiqishi, geografik va vaqt joylashuvi va oʻzining jismoniy kamchiliklari uchun taʼlim muassasasiga qatnay olmasligi yoki ishlab chiqarishda band boʻlganligi ahamiyatga ega emas. Jamiyat va taʼlimni axborotlashtirish jarayonining obʼektiv oqibati sifatida va boshqa shakllarning eng yaxshi tomonlarini jamlagan holda masofaviy taʼlim tizimi XXI asrga taʼlim olishning istiqbol, ilgʻor, yuqori samaradorlikka ega oʻqitish tizimi sifatida kirib kelmoqda.

Bu borada masofaviy taʼlimning afzalliklarini taʼkidlash joiz.

Masofaviy oʻqitish yangi va ancha progressiv boʻlgan oʻqitish shakli boʻlib, uni turli xil sohalardan tatbiqi, asosan iqtisodiy, ijtimoiy, huquqiy sohalarga tadbiqi oʻqituvchi va oʻquvchilarning ilgʻor dunyo ilmiy maktablarining yuqori sifatli oʻquv uslubiy ishlanmalari, zamonaviy va soʻngi axborotlaridan qayerda boʻlishidan qatʼiy nazar toʻgʻridan-toʻgʻri foydalanish imkoniyatlarini beradi. Masofaviy oʻqitish anʼanaviy oʻqitish shakllaridan oʻziga xos tarzda amaliy qoʻllanishi jihatidan farq qiladi. Yaʼni:

- Egiluvchanlik.
- Modullik.
- Qurshov.
- Tejamkorlik.
- Texnologiklik.
- Ijtimoiy teng huquqlik.
- Baynalminallik.
- Oʻqituvchilarning yangi vazifalari-.kabi jihatlari taʼlimni takomillashtirishda anʼanaviy usullardan koʻra kengroq afzallikka ega ekanligini koʻrsatadi.

Xulosa qilib olganda, masofaviy oʻqitish tizimi oʻquvchi va oʻquvchilarda taʼlim tizimidagi boʻlayotgan dunyoviy oʻzgarishlar, texnik vositalardan foydalanish yoʻllari, uning qanchalik afzallik tomonlarini va shu bilan birga kamchiliklari haqida maʼlumot olishda oʻziga xos usul sifatida amaliy ahamiyatga egadir.

Adabiyotlar:

1. . Karimov I.A. Yangicha fikrlash va ishlash – davr talabi. –T.: Oʻzbekiston, 1997. 5-jild  
Internet sait
2. [WWW.ziyonet.uz](http://WWW.ziyonet.uz)
3. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

## **O'QUV JARAYONINI BOSHQARISHDA PEDAGOGIK INNOVATSIYAGA RIOYA QILISH TA'LIMNI TAKOMILLASHTIRISH OMILI SIFATIDA**

*R. Умарова (o'qituvchi, Andilon davlat universiteti)*

*O. Umarov (o'qituvchi, Jalaquduq 25-son umumta'lim maktabi)*

Bugungi kunda ta'lim tarbiya jarayonlarini jahon andozalari darajasiga ko'tarish, ta'limning zamonaviy usullari, pedagogik va axborot texnologiyalari asosida tashkil etilishi, yoshlar ta'lim tarbiyasini milliy mafkura, umuminsoniy qadriyatlarni bilishga yo'naltirish, Vatanga muhabbat, istiqlol g'oyalariga sadoqatlilik ruhini tarkib toptirish asos qilib olinishi ta'lim samaradorligini ta'minlashga xizmat qilmoqda. *Respublikamiz birinchi Prezidenti Islom Karimov ta'kidlab o'tganlaridek: «Zamon talablariga mos mutaxassis tayyorlamochi ekanmiz, birinchi navbatda o'quv yurtlarimizning shakli, qiyofasi va tarkibi, moddiy bazasi ham zamonaviy bo'lishi kerak».*<sup>11</sup> Shunday qilib, har bir jamiyatning kelajagi uning ajralmas qismi bo'lgan ta'lim tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan belgilanadi. *Iqtisodiyotni erkinlashtirish yo'liga kirib borayotgan mamlakatimizda ta'lim tizimini isloh qilish, unga rivojlangan mamlakatlarning ilg'or texnologiyalarini joriy qilish, milliy qadriyatlarimizni singdirgan holda ta'limni tashkil etish, bu jarayonni puxta va samarali amalga oshirish ishlari bugungi kunda davlat siyosati darajasiga ko'tarildi.*

O'zbekiston milliy taraqqiyotining eng mas'uliyatli bosqichi- ijtimoiy, siyosiy va iqtisodiy hayotining keskin burilish davrini boshidan kechirmoqda. XX asr tugab, jamiyatimiz har bir fuqarosi XXI asri ibtidosida, ortda qolgan yillarni sarhisob qilish va kelajak hayotining turli jabhalari rejasini belgilab olish muammosiga duch kelishi, ta'lim tizimi zimmasiga katta vazifalarni yuklaydi. Respublika Prezidenti ta'lim tarbiya sohasiga alohida e'tibor berar ekan, uni quyidagicha ta'riflaydi: «Ta'lim O'zbekiston xalqi ma'naviyatiga yaratuvchanlik faoliyatini baxsh etadi. O'sib kelayotgan avlodning barcha yaxshi imkoniyatlari unda namoyon bo'ladi, kasb kori, mahorati uzluksiz takomillashadi, katta avlodlarning doimo tajribasi anglab olinadi va yosh avlodga o'tadi».<sup>12</sup> Insoniyat tarixida yashash uchun kurash, ilmiy-texnikaviy taraqqiyot hayotning kelgusi qirralarni belgilab olishga urinishlar doimo bo'lib turgan. Bu hollar ijtimoiy-gumanitar bilimlar doirasiga yangi texnologiyalarni joriy etishni taqozo etadi.

Ma'lumki yangi pedagogik texnologiyalarni ta'lim jarayoniga tatbiq etish muammosi bugungi kun ta'lim tizimi oldida turgan eng dolzarb muammolardan biridir. Yangi pedagogik va axborot texnologiyalarni o'quv jarayoniga joriy etish ko'lamini kengaytirish, bu yo'nalishda ilg'or tajribalarni tatbiq qilish, har bir fan bo'yicha bu sohada aniq rejalarni tuzish va amalga oshirishni taqozo etar ekan, bu sohaga oid kator tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir. Jumladan: darslik, o'quv qo'llanmalar va dasturlar, ma'ruza matnlarini elektron disketlarga

---

<sup>11</sup> Barkamol avlod- O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T.: Sharq, 1997.- 64 b.

<sup>12</sup> Barkamol avlod- O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T.: Sharq, 1997.- 32 b.

ko'chirish va ular bilan har bir ta'lim oluvchilarni foydalanish imkoniyatlarini ta'minlash, metodik ishlarda, o'quv-tarbiya jarayoniga yangi axborot texnologiyalarini keng joriy etishni rivojlantirish, ularni axborot vositalari bilan ta'minlash, kommunikatsion tarmoqlarga bog'lash eng muhim vazifa sifatida amalga oshirish zarur.

Hozirgi ilmiy texnik taraqqiyot asrida ta'limni texnologiyalashtirish oldiga bir qancha vazifalar qo'yadi. Har bir dars ta'limiy, tarbiyaviy, rivojlantiruvchi maqsadni amalga oshiradi. Individual ta'lim o'quv tarbiya jarayonining eng qadimiy tashkiliy shakli bo'lib, u avval antik Gretsiyada paydo bo'lgan ekan. O'qituvchi bir o'quvchi bilan ishlab, ta'limni bevosita tashkil etgan, boshqargan, nazorat etgan. O'qituvchi matnlarni o'qib bergan yoki bolalarning o'zlariga o'qitib so'zlashgan. Qoida va ta'riflarni yodlash, jismoniy mashqlarni bajarish musiqa asboblarda u yoki bu kuyni ijro etish yo'llari bilan bolalar hayot, san'at, notiqlik, jismoniy madaniyatga doir bilimlarni o'zlashtirganlar. Bugungi ta'lim tizimida esa innovatsion ta'limni joriy etish, yangi pedagogik texnologiyalarni dars jarayonida qo'llashning o'ziga xos tarzda qo'llanilishi bilimlarni o'zlashtirishda katta samaraga erishilayotganini e'tirof etish kerak. Bu o'z navbatida ta'limni takomillashtirishning zamonaviy usullari sifatida amalda qo'llanilishining afzalliklaridir. O'quv jarayoniga zamonaviy yondashish tarkibida: motivatsiya, bilish faoliyati, boshqarish faoliyati o'ziga xos texnologiya vazifalarini bajaradi. :

1. *Motivatsiya* - o'quvchilar diqqatini tortish, ichki tuyg'u istak, zaruratni shakllantirish, o'quv jarayonida asosiy harakatlantiruvchi kuch-o'quvchi va o'qituvchi uchun ham ichki motivatsiya bo'lishi kerak.

2. *Bilish faoliyati*- o'quvchilardagi tashabbuskorlik, mustaqillik, bilimlarni puxta o'zlashtirish, zarur malaka ko'nikmalar hosil qilish, tafakkur rivojiga e'tibor berish nazarda tutiladi.

3. *Boshqarish faoliyati*- vazifalari shundan iboratki, o'qituvchi berilayotgan bilim, ko'nikma, malakalar tizimini o'quvchi tomonidan qay darajada o'zlashtirilayotganini, unga yana qanday qo'shimcha materiallar yordamida innovatsion ta'limni joriy etish maqsadga muvofiqligi asosida ta'limni boshqarishi hisoblanadi. O'quv jarayonini boshqarishda pedagogik innovatsiyaga rioya qilish ta'limni takomillashtirish omilidir. Bu o'zlashtirish samaradorligini ta'minlaydi.

Hozirgi kunda yangi axborot texnologiyalari, ayniqsa, kompyuter texnologiyalari eng samarali o'qitishning asosiy vositalari bo'lib xizmat qilmoqda. Shuning uchun yangi axborot texnologiyalar bazasida kompleks o'qitish vositalari nazariyasi ishlab chiqilishi zarur bo'lib, mazkur nazariya doirasida yangi axborot texnologiyalarini qo'llanilishi o'quv jarayonini samarali bo'lishi ko'zda tutiladi.

Zamonaviy dars mashg'ulotlarni tashkil etishda o'qituvchilarga ko'yiladigan talab va ularning kasbiy mahoratlarining asosini tashkil etuvchi vositalar muxim rol o'ynaydi. Xulosa kilib aytganda ta'lim tizimidagi barcha ishtirokchilariga qo'yilayotgan talablar ham ayni shudir. Xar bir pedagog kadrlar zamon talabalariga javob bera oladigan bilim, ko'nikma, malakalarga ega bo'lishida ahsborot tehnologiyalardan foydalana olish malakalariga ega bo'lishlari zarur, Shuningdek,

talaba va o'qituvchi hamkorligini o'rnatish orqali innovatsion texnologiyalarni mukammal ta'limga joriy etishda va takomillashtirish maqsadga muvofiqdir.

#### *Adabiyotlar*

1. Barkamol avlod- O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T.: Sharq, 1997.- 32 b.

### **ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ВА ИЖОДКОРЛИК – ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИ ЭГАЛЛАШНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ**

*Ж.У. Шоназаров (ўқитувчи, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти)*  
*Н. Салимова (талаба, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти)*

Замонавий таълим тизимида педагогнинг касбий, талабанинг эса ўқув фаолиятини мазмунан такомиллаштириш, шунингдек, ҳар икки фаолият турининг сифатини маълум кўрсаткичлар асосида етарлича, холис баҳолашга нисбатан эҳтиёж кучаймоқда. Бугунги фан ва техника жадал равишда ривожланаётган, ахборотлар кескин ошиб бораётган бир даврда ўқитувчи педагогик маҳоратини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, педагогик жараён ижодкори сифатида ўқитувчи - тарбиячи юксак маънавият, ахлоқ - одоб, гўзал хулқ маданиятига эга бўлсагина, ёшларга инсоний нуқтаи назардан меҳрибон, саховатли бўла олади, уни ҳамма ҳурмат қилади. Бунинг учун устоз-мураббий ақл – заковатли, сахий, қатъий, иродали, кўнгли очиқ бўлиши, ўзига ва ёшларга нисбатан талабчан, меҳрибон ва хайрихоҳ, ўз шахсига танқидий нуқтаи назардан ёндаша оладиган бўлиши талаб этилади.

Ҳар бир педагог шахсида жамиятнинг долзарб муаммоларини, мақсад ва вазифаларини тасаввур қилиш, ўзининг шахсий ва касбий фазилат, хусусиятларини мунтазам тарбиялаб боришга, педагогик фаолиятни моҳирлик билан бошқаришда билим, тажрибаларини доимий ошириб бориши ҳамда педагогик жараёнга ижодий ёндошган ҳолда изланувчан инновацион фаолият эгаси бўлиши зарур. **Инновацион фаолият** педагогнинг руҳий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантиришни талаб этади. Бунинг учун у педагогик-психологик, методик билимларга эга бўлгани ҳолда ўз фаолияти жараёнида педагогик ҳодисаларни, вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг ҳар бир боғланиш жойларини англашга интилиш, кунлик натижаларни мустақил равишда таҳлил қилиши ва янги таълим-тарбияга доир ғояларни аввалгилари билан таққослай олишга одатланиши ҳам лозим бўлади.

Маҳоратли устоз-мураббий - бу аввало юқори маънавиятли инсон. У ўзининг барча ўйлари ва ҳаракатлари билан одил ва ҳалол бўлиши лозим, ўзи шогирдларининг маънавий дунёсини тушунади, уларнинг шодлик ва кайғулари билан яшайди, уларнинг ишончини қадрлайди, улар билан

муомалада хушмуомала ва одобли, шавқатли, чидамли, кечиримли бўлади. Шундагина ўз шогирдлари уни яхши кўради ва чуқур ҳурмат қилади<sup>13</sup>.

Замонавий ўқитувчи - нозик психолог ва моҳир педагог сифатида назарий, амалий билимдонлиги ва педагогик сезгирлиги орқали ўқувчилар билан осон алоқага киришади ҳамда уларнинг фаолиятини моҳирлик билан уюштиради, ўқувчиларнинг фикри, туйғуси, иродасини бевосита ва билвосита бошқариш санъатини эгаллаган бўлади. Шунинг учун ўқитувчи касбий маҳоратини шакллантириш, тарбиялашга ва ниҳоят уни такомиллаштиришга интилиш, керакли маълумотлар, ахборот(билим)лар, малакалар билан тўлдириб бориш шу куннинг, қолаверса таълим ислохотларининг долзарб масаласидир. Чунончи, эгалланажак касб-корга тайёрланаётган ҳар бир мутахассис нафақат ўз ихтисослиги бўйича маълумотларга эга бўлади, балки педагогик – психологик тайёргарликни кўлга киритиб, маънавий ва жисмоний жиҳатдан камол топади, ижтимоий – иқтисодий тараққиётда фаол иштирокчи бўлиб вояга етади. Ўзининг ақл – заковати, илмий салоҳияти, маънавияти, маданияти билан миллий истиқлол ғояларини мустаҳкамлашда, озод ва обод Ватанни қуришда ёниб яшайдиган шахс бўлиб шаклланади ва таълим ислохотлари ҳужжатларида белгиланган вазифаларини бажаришга ўз ҳиссасини қўшади.

Ўқув-тарбия жараёнини моҳирлик билан бошқариш ўқитувчининг педагогик қобилияти қай даражада шаклланганлигига ҳам боғлиқдир. Педагогик қобилият ва маҳорат ўқитувчида осонлик билан шаклланмайди. Бу касбни танлаган киши ўз мақсадига эришиш учун узлуксиз ўқиши, ўрганиши ва ижодий изланиши, сермазмун меҳнат қилиши ва ўз устида тинимсиз ишлаши ҳамда ўз меҳнатининг мамлакат учун қанчалик зарурлигини чуқур ҳис қилиши зарур.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳақида фикр юритар эканмиз, ҳар бир бўлажак ўқитувчилар фаолиятида маҳоратнинг асл моҳияти, мазмуни, унга эришиш йўллари ҳақида тўлақонли маълумот ва тавсиялар бериш мақсадга мувофиқ. Чунки, глобаллашув жараёнида таълим-тарбия тизимида инновацияларнинг тадбиқ этилиши ёш авлод тарбияси, унинг онги ва мафкураси, мустақил фикрлаши ҳамда мантиқий тафаккурини шакллантиради. Дарҳақиқат, педагогик маҳорат эгаси бўлишга интилган киши, шубҳасиз, ўз билимини доимо кенгайтириши, ўзининг ўқувчиси ёки талабага маънавий-ахлоқий таъсир этувчи ғоя ва фикрларини янгилаб бориши зарур. Бунинг учун у кўп ўқиши ва ўрганиши лозим. Ўқитувчининг педагогик маҳоратига баҳо беришда унинг таълимни қай даражада ташкил қила билиши ва ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқариши кабилар муҳим аҳамиятга эгадир.

Узлуксиз таълим тизимида дарс ва бошқа турдаги барча ўқув машғулотларини тўғри ташкил қилиш-ўқитувчининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Зеро, ўқитувчи ёш қалблар камолотининг меъмори<sup>14</sup>.

---

<sup>13</sup> Ахмеджанов М.М. Педагогик маҳорат. -Тошкент 2004 йил, 25 бет.

<sup>14</sup> Очиллов М. Муаллим- қалб меъмори. –Т.: «Ўқитувчи», 2001. 52 бет

Бугун у ёшларни ғоявий – сиёсий жиҳатдан чиниқтириб, табиат, жамият, тафаккур тараққиёти, қонуниятларини ўргатар экан, аввало, у ёш авлодни келажак меҳнат фаолиятига тайёрлаши, касб – ҳунар эгаллашларига кўмаклашиши ва жамият учун муҳим бўлган ижтимоий – иқтисодий вазифани ҳал этишга чоғламоғи даркор. Ушбу маъсулият ўқитувчидан ўз касбининг моҳир устаси бўлишни, ўқувчи - ёшларга тарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, эътиқоди ва амалий кўникмаларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг оптимал йўлларини излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади.

Ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи-мураббийнинг педагогик маҳорати, педагогик одоб ва педагогик ижодкорлигига боғлиқ. Барчамизга маълумки, ҳар бир ўқитувчининг маҳорати унинг билим доирасида, нутқи, кийиниш маданиятида ўз аксини топади. Ўқитувчи маданиятнинг бирор соҳасидан ҳам хабарсиз қолиши мумкин эмас. У болани қизиқтирадиган барча саволларга тўғри, ўринли жавоб қайтариши лозим. Ўз фанидан бошқа ҳеч нарсага қизиқмайдиган муаллим ўқитувчилар учун идеал бўла олмайди. Жамият ҳамма вақт ўқитувчининг умумий маданиятига жуда катта талаблар қўяди.

Ўқитувчининг маънавий қиёфасида ҳалоллик, ростгўйлик, ахлоқий поклик, оддийлик ва камтарлик муҳим фазилатлардан бири ҳисобланади. Бу фазилатлар кишига гўзаллик, маънавий поклик бағишлайди, кишининг кадр-қимматини оширади. Ўқитувчининг ҳалоллиги ўз вазифасини виждонан ва онгли равишда бажаришида намоён бўлади. Ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда педагогларимизнинг ўрни бекиёсдир<sup>15</sup>. Шундай экан, ўқитувчи-мураббийларимизнинг малакасини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, замонавий талаблар асосида дунёвий билимларни мукаммал ўрганишига кўмаклашиш мақсадида Республикамизда бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда. Бунга мисол сифатида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим. Ушбу кутубхона нафақат талабаларнинг билим доирасини кенгайтиришга, балки ўқитувчи-мураббийларнинг ҳам билимини оширишга катта ёрдам бермоқда. Ана шу кутубхонада ўзбек адабиётининг ижод намуналари билан бир қаторда, жаҳон адабиётининг дурдона асарлари ҳам ўрин олган бўлиб, талабалар ҳамда ўқитувчи-мураббийларнинг ўз билимларини ошириш ҳамда дунёқарашини кенгайтиришларида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кутубхонанинг яна бир қулайлиги - унинг глобал тармоққа (интернет тизимига) уланганлигидир. Бу эса ўз навбатида, узоқ вилоятларда таълим олаётган талабалар ҳамда таълим бераётган педагогларимиз учун кенг имкониятлар яратмоқда. Бундан ташқари, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси интернет порталлари ҳам педагогларимизнинг илмий ҳамда сиёсий билимларини чуқурлаштиришга кўмаклашмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали ҳисобланган gov.uz, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳужжатларини ўзида мужассамлаштирган lex.uz

<sup>15</sup> Очилов М., Очилова Н. “Ўқитувчи одоби”. – Т.: “Ўқитувчи”, 2000, 47-бет

сайтлари педагогларимизнинг сиёсий билимларини мустаҳкамлаб, қонун тизимидаги янгиликлардан хабардор қилишга хизмат қилса, edu.uz ҳамда ziyounet.uz сайтлари эса педагог-олимларимизнинг таълим тизимидаги янгиликлардан доимий равишда бохабар бўлиб туришларига кўмаклашади.

Мамлакатимиз таълим тизимидаги ислохатлардан яна бири сифатида республикамизнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорликда олиб бораётган амалий ишларини ҳам таъкидлаб ўтишимиз жоиздир. Ҳозирда кўплаб педагогларимиз хорижда ўз малака ва билимларини ошириш, инновацион лойиҳалар ҳамда хорижлик педагоглар билан тажриба алмашиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бунга мисол қилиб, Германиянинг DAAD ташкилоти томонидан немис тили ўқитувчилари учун тақдим этиладиган таълим алмашинуви дастурлари, Америка Қўшма Штатларида бир неча ойлик малака ошириш учун инглиз тили ўқитувчиларига тақдим этиладиган ТЕА (Teaching Excellence and Achievement Program), Японияда малака ошириш имконини берувчи JET (Japan Exchange and Teaching program) ҳамда Россия федерацияси ҳамкорлигидаги таълим дастурларининг барчаси педагогларимизнинг касб маҳоратини оширишда катта амалий аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу каби тадбиқий ҳамкорлик дастурлари доираси педагогларимизнинг етарли даражада билим, малака ва касбий салоҳиятини ривожлантириш учун кўплаб имкониятлар яратилган. Бундан ўз ўрнида фойдалана олган киши, ўйлайманки, “маҳоратли педагог” номига сазавор бўлади.

Ҳозирги даврнинг ўқитувчи-тарбиячиси замон талаблари асосида таълим ва тарбиянинг мақсад, вазифаларини, ташкил этиш шакллари, воситалари ва қоидаларини тўғри, аниқ тушунсагина уни талабга мувофиқ амалга ошира олади. Айнан, педагогик фаолиятда педагогик маҳоратнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, унинг ўқитувчи шахси ва касбий фазилатларининг ўзаро боғлиқлигидадир. Ўқитувчи инсон сифатида шахсий фазилатларга эга бўлиши билан бирга, касбий, яъни ихтисослик фазилатларига эга бўлиши лозимлигини тажриба кўрсатмоқда. Хусусан, шахсий сифатлар тизимида: миллий мафкуравий онглилик, миллий одоблилик, фаросат, нозик дидлик, ўз касбига садоқат ва виждонийлик, ташаббускорлик, болажонлик, талабчанлик, адолатпарварлик, педагогик одоб, тадбиркорлик, қатъийлик, ҳар қандай вазиятда ўзини идора қила олиш, миллатлараро мулоқот маданияти, кузатувчанлик, самимийлик, топқирлик, келажакка ишонч, хушмуомалалилик ва шу каби фазилатлар мисолида ифодаланган бўлса, касбий сифатлар тизимида: педагогик зийраклик, миллий тарбиянинг моҳияти ва мазмунини чуқур англаши, мукамал илмий-назарий салоҳият, педагогик ижод, ўз фанининг тарбиявий имкониятларидан хабардорлик, педагогик билимларни такомиллаштиришга интилиш, ўзбек халқининг анъаналари, қадриятлари, урф – одатларини яхши англаш, сиёсат, тарих, маданият, маънавият, адабиёт ва санъат, ахлоқшунослик, диншунослик, ҳуқуқшунослик, ўлкашунослик, техникага оид



маълумотлардан хабардорлик, этнопедагогика, этнопсихологияга оид билимларга эга бўлиш ўқитувчи фаолиятининг муваффақиятли омилидир.<sup>16</sup>

Бўлажак ўқитувчи-мураббийлар педагогик жараёнда миллий педагогиканинг бой тажрибаларига таяниб, таълим соҳасида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида таълим тизимида инновацияларни жорий этиши орқали аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологияларни қўллаш олиши муҳим аҳамиятга эга. Бу каби ишлар кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури талабларини бажаришга амалий кўрсатмадир. Демак, мутахассис - мураббий ўз педагогик маҳоратини, касбга доир вазифаларини ҳал қилиш қанчалик қўлидан келишини доимо текшириб бориши бола онги ҳамда қалбига энг яхши йўлларни ахтариши кераклиги ўзининг обрў эътиборининг юксалишига қолаверса баркамол ёш авлоднинг ривожланиш истиқболларини ҳам белгилаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаева Ш. А. ва бошқ. “Педагогика” – Тошкент., Фан нашриёти. 2004 йил.
2. Ахмеджанов М.М. Педагогик маҳорат. -Тошкент 2004 йил, 25 бет
3. Маҳкамов У. ва бошқалар. «Педагогик маҳорат». -Тошкент. 2003 й.

## **ЎҚИТУВЧИНИНГ ДАРСНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК БИЛИМДОНЛИГИ ВА МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИ**

*3.У. Шоназаров (ўқитувчи, Қарши педагогика коллежи)*

Замонавий таълим фан, техника ва технологияларни ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш мамлакатни тараққий эттиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Тизимнинг амал қилиши кадрларнинг истиқболга мўлжалланган вазифаларни ҳисобга олиш ва ҳал этиш қобилиятига, юксак умумий ва касбий маданиятига ижодий - ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда йўналиш ола билиш маҳоратига эга бўлган янги авлодни шакллантиришни таъминлайди.

Инсонни ҳар томонлама тарбиялаш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб, аждодларимиз маърифат ва маданиятни қандай қилиб ёш авлодларга ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун-қоидаларини излаганлар. Инсонларни маърифатли ва маънавий комил бўлиши – педагогика ва психология фанининг ривожланишида ҳам ўз аксини топмоқда.

---

<sup>16</sup> Қуръонов М., Муранов Б Миллий дастур ўқитувчи профессиограммасида – «Халқ таълими», 1998, 1 – сон, 42 – 45 бетлар.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳар бир ўқитувчидан ташаббускорлик, ижодийлик, мустақил фикрлай олиш, ечимларнинг янги, ижодий ёндашувларни талаб қилади. Мактабдаги дарс педагогик ижодкорликнинг бошланғич кўриниши ҳисобланади. Дарсда ўқитувчининг асосий эҳтиёжи: узатиш, тушунтириш, ўргатиш амалга оширилади. Ёш авлодга ўз билим ва тажрибаларини узатиш жараёнида ўқитувчи ўз ижодкорлигини намоён қилади.

Узлуксиз таълим тизимида дарс ишларида анъанавий методика бўйича кўплаб камчиликлар ҳалигача йўқолгани йўқ. Масалан, дарс ўтиш жараёнида маъносини англамай, ёд олиш элементлари ҳалигача сақланган. Кўпчилик ўқитувчилар ҳозирги замон иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётни ёрита бориб, етилиб қолган муаммоларни таҳлил қилишга эътибор беришмайди, балки ўқувчида материалнинг энг муҳим жойларини ёдлаб олишни талаб этадилар. Бундай дарс беришдан ҳоли бўлишлик, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этишга янгича сифат ёндашуви керак. Педагогик ҳамкорлик методикасига таяниб ишланса, анча енгил бўлади. Ўқитувчи олдида ўқувчиларни таълимнинг умумий меҳнатига жалб этишдек муҳим вазифа туради.

Педагогик ҳамкорлик олдинги педагогикадан, болаларни ўқишга тортишда ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги меҳнати асосига қурилганлиги билан характерланади. Дарс таълимнинг мазмуни, методи ва шакли каби тушунчалар доирасида чегараланиб қолмайди. Мактабдаги таълим, тарбия ва ривожланишни педагог ва ўқувчиларни ўзаро ҳамжиҳат, ҳамкорликдаги фаолиятлари орқали амалга оширишни назарда тутди.

Ўқитувчининг муваффақияти унинг биринчи навбатда, ғоявий, назарий ва касбий тайёргарлигига боғлиқ. Дарсга тайёргарлик шу фан бўйича дарслик, педагогик-психологик ва услубий характердаги китоблар ўқишдан, услубий журналлар, қўшимча адабиётлар, газета ва турли материалларни ўқишдан иборат бўлиши керак. Библиографик карточкалар, бошқа ўқитувчиларнинг конспектлари, режалари, дарс лойиҳалари, турли таҳлиллар ва бошқа манбалар ҳам зарур. Шунингдек, яна турли ўқув фанлари, диафильмлар, диапозитив, техник воситалардан ҳам фойдаланиш муҳимдир. Шунини ҳисобга олиш керакки, барча ўқитувчилар учун бир хилда бўлган таълим воситалари бўлиши мумкин эмас. Унинг турли-туманлиги ўқитувчи фаннинг ўзига хослиги билан, унинг имкониятлари, эҳтиёжи, интеллектуал фаоллиги, янгиликни ҳис этиши, педагогик билимга чанқоқлиги ва бошқалар билан белгиланади. Яхши ўқитувчини доимо мавзуга оид материални шу вақт учун қандай ўтиш керак деган масала қизиқтириб келади (мавзу бир неча бор олдин ўтилган бўлса ҳам).

Ҳар бир дарс ўзида таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларни белгилайди:

- тарбиявий мақсад: ўқувчиларда маълум илмий, ижтимоий-сиёсий, маънавий дунёқарашларни шакллантириш, уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик ва бошқа инсоний сифатларни юзага келтиришдан иборат;

- таълимий мақсад; ўқув дастурлари талаблари асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш;

- ривожлантирувчи мақсад эса: ўрганилаётган материалдан энг муҳимларини, зарурини ажратиб олиш, қиёслаш - умумлаштириш, мустақил фикрлай олиш, таълимда қийинчиликларни енга олишга ўргатиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ўқитувчи ҳар бир дарснинг муаллифи ва дарс унинг маҳорати, ижодкорлиги, мотивларига боғлиқ бўлиб, дарс бадиий рангга эга бўлиши зарур. Аввало, дарснинг ижодий мушоҳадаси юзага келади ва у ишланиб, кейинчалик педагогик асар сифатида амалга оширилади.

Ўқитувчининг ўқувчилар фаолиятини дарс жараёнида бошқариш маҳорати кўплаб омилларга боғлиқ. Шулардан энг муҳими ўз фанини ўқувчиларга қизиқарли қилиб етказишдан иборат. Олимларнинг таъкидлашича, қизиқиш шахснинг барча психик жараёнлари ва функциялари, идрок, тасавури, диққати, характери, фикрлашларига ижобий таъсир кўрсатади. Ўқувчиларда ўқишга қизиқиш, ҳаваснинг юзага келиши ва ривожланишида моҳир ўқитувчилар қуйидаги асосий ҳолатларга доимо риоя қиладилар:

- билимга қизиқишни ривожлантириш, ўрганилаётган предметга хоши ва эҳтиёжни тарбиялаш;

- бошқа меҳнат каби ўқув меҳнати ҳам турли-туман бўлса, қизиқарли бўлади. -бир хилдаги маълумотлар ва бир хилдаги таъсир тизими тезда зерикаш уйғотади;

- ўрганилаётган предмет ва айрим мавзуга қизиқиш уйғотиш учун унинг зарурлигини, муҳимлигини мақсадга мувофиқлигини тушунтириш зарур ёки уни англаб етиш керак;

- олдинги ўтилган материаллар билан янги ўрганилаётган материал узвий боғланса, у янада қизиқарлироқ бўлади;

- ўқиш қийин, лекин ўқувчилар кучи етадиган бўлиши зарур;

- ўқувчи иши қанчалик тез текширилиб, баҳоланиб турилса, ишлаш шунчалик қизиқарли бўлиб боради;

- ўқув материалининг ёрқинлиги, эмоционаллиги, ўқитувчи ҳис-туйғу билан материални баён этишидаги ўзаро узвийлиги ўқувчиларда шу материалга кучли қизиқиш уйғотади.

Моҳир ўқитувчилар ёш ўқитувчиларга нисбатан кам куч, вақт сарф қилган ҳолда ўқувчиларнинг мустақил ишлашини ташкил қиладди ва бу борада яхши натижаларга эришадилар. Ўқитувчи учун педагогик маҳоратни эгаллаш нафақат ўз предметининг ҳар томонлама билиши билан, шунингдек, одамларни сиёсат, фан, санъат, техника, спорт соҳасида нималар қизиқтиришни ҳам яхши билмоғи зарур. Ўқитувчилар ўқувчилар хотираси, диққати, иродаси, чидамлилиги каби сифатларнинг ривожланиш даражасини доимо синаб туради. Бунда нималарга риоя қилиш керак? Ўқитувчининг бош вазифаси - ўқувчиларни ҳамма томонлама яхши билиши ва уни тушунишга интилишдан иборат бўлмоғи зарур.

Ижодий дарснинг асосий шартлари, қизиқишларни ҳисобга олиш қобиляти, фикрлаш тезлигини, тайёргарлик даражасини, ҳар бир гуруҳ талабаларининг характер сифатларини ҳисобга олишдан иборат. Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дарснинг сифати, самарадорлиги ўқитувчи томонидан унга пухта тайёргарлик кўришига боғлиқдир. Бунда дарс ишланмасининг ҳозирги замон илғор технологияларига мувофиқ ҳолда лойиҳаланиши алоҳида ўрин тутди.

Ўқитувчининг дарсни ташкил этишдаги педагогик - психологик маҳорати ва ёндошуви бевосита унинг педагогик муомала маданиятига ҳам бевосита боғлиқ, чунки педагогик муомала педагогик маҳоратнинг шаклланишида энг муҳим воситалардан бири бўлиб, у педагогик фаолиятнинг асосий қуроли ҳисобланади. Қатор педагог ва психолог олимлар бу соҳада олиб борган илмий тадқиқотлари натижаси ўлароқ муомала ўқитувчи фаолиятида катта аҳамият касб этишини исботлаганлар.

Педагогик мулоқот ўқитувчи ва ўқувчиларда дарс пайти ва дарсдан ташқари вақтларда:

- қулай психологик муҳитни яратиш воситаси сифатида;

- ўқитувчи билан ўқувчиларнинг бевосита муомаласини педагогик таъсир кўрсатишнинг ўзига хос усули сифатида ҳам қўллашни тақозо этади.

Ўқитувчи дарсни муваффақиятли олиб бориши бевосита унинг касбий билимдонлиги, педагогик қобилятига, педагогик техника ва ижодкорлик маҳоратига боғлиқ ҳолда амалга ошади. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчи дарсда нималарга эришди, нималарга эриша олмади, муваффақиятсизликнинг сабаби нима ва уни бартараф қилиш йўллари қандай, педагогик маҳоратни янада такомиллаштириш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклигини таҳлил қилиб ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишдаги маҳорати ўта мураккаб, лекин ўз ишига ижодий ёндошган ҳар бир ўқитувчи уддалай оладиган вазифадир.

## **«ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР РЕЙТИНГИ» ИНФОРМАЦИОН ТИЗИМИ**

*Ф.Ф.Мелиев (ассистент, СамДУ)*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг таълим тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор давлат миқёсида қаратилди. Жумладан, “Таълим тўғрисида” [1], “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” [2] Қонунлари қабул қилинди, янги олий таълим муассасалари ташкил этилди (университетлар (Ўзбекистон миллий университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент юридик университети ва б.), ривожланган чет мамлакатларнинг нуфузли

олий таълим муассасалари филиаллари ташкил этилди (Буюк Британиянинг Westminster университети, Турин политехника институти, Москва давлат университети, Москва нефть ва газ университети).

Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда:

абитуриентлар билим даражасини тест асосида баҳолаш, талабаларнинг билим даражасини *рейтинг* асосида баҳолашнинг илғор усуллари жорий этилди [3];

таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлилик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартлари [4] қабул қилинди;

таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг *рейтинг* тизими, шу жумладан Олий таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг рейтингини аниқлаш тизими жорий этилди [5].

Таълимнинг барча босқичларида энг асосий асосий фигура, педагог бўлганлиги сабабли, унинг касбий фаолияти сифатини баҳолаш муаммоси барча даврларда долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланган. Ўқитувчилар фаолияти сифатини баҳолаш орқали таълимни (таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараёни) бошқаришнинг турли вазифаларини амалга ошириш мумкин. Бу жараённинг АҚШ, Германия, Буюк Британия, Россия давлатлари олий таълим муассасаларида ташкил этилиши бўйича маълумотлар [6] да келтирилган.

Кўпгина ривожланган мамлакатлар таълим тизимида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар рейтингини аниқлаш жорий этилган бўлиб, унинг ўз ижобий томонлари мавжуддир [6]. Мазкур тизимни инфор­мацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкиллаштириш кўплаб қўшимча имкониятлар яратади.

Ушбу мақолада профессор-ўқитувчилар таркиби фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш жараёнини дунёда кенг тарқалган РНР [7,8] технологияси асосида яратилган тизим бўйича маълумотлар келтирилган.

Келтири­лаётган ушбу тизим *фойдаланувчи* ҳамда *администратор* режимида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, ҳар икки режим пароль билан ҳимояланган.

*Фойдаланувчи* режими қуйидаги функционал масалаларни ечишга хизмат қилади:

- профессор-ўқитувчилар таркиблари томонидан ўзи ва ўз фаолияти тўғрисида маълумотларни киритиш (кафедра (факультет), лавозим; фамилияси, исми, отасининг исми, конкрет олинган ой учун рейтинг маълумотлари);

- профессор-ўқитувчилар таркиблари томонидан алоҳида олинган ой ёки ойлар бўйича тўпланган рейтинг баллари тўғрисида маълумотларни кўриш ва чоп этиш;

*Администратор* режими куйидаги функционал масалаларни ечишга хизмат қилади:

- кафедра(факультет)лар, профессор-ўқитувчилар лавозимлари, профессор-ўқитувчилар таркиблари, профессор-ўқитувчилар таркиблари томонидан ўтказилган машғулотларни текшириш натижалари бўйича рейтинг баллари, ўтказилган сўровномалар баллари, уларга берилган жарима балларини маълумотлар базасига киритиш;

- кафедра(факультет)лар, профессор-ўқитувчилар лавозимлари, профессор-ўқитувчилар таркиблари, профессор-ўқитувчилар таркиблари томонидан ўтказилган машғулотларни текшириш натижалари бўйича рейтинг баллари, ўтказилган сўровномалар баллари, уларга берилган жарима балларини маълумотлар базасидан ўчириш;

- конкрет ўқитувчи ёки кафедра ўқитувчилари томонидан конкрет ой ёки ойларда тўпланган рейтинг балларини кўриш, чоп этиш ва MS Word матн процессорига экспорт қилиш;


- барча профессор-ўқитувчилар томонидан конкрет ой ёки ойларда тўпланган рейтинг балларини кўриш, чоп этиш ва MS Word матн процессорига экспорт қилиш;

- профессор-ўқитувчилар томонидан тўпланган рейтинг балларини рейтинг кўрсаткичлари бўйича таҳлилни конкрет ой ёки ойлар бўйича амалга ошириш ва MS Word матн процессорига экспорт қилиш;

- конкрет ой ёки ойлар бўйича энг фаол профессор-ўқитувчиларни аниқлаш ва улар рўйхатини тўпланган рейтинг баллари кўрсаткичлари билан MS Word матн процессорига экспорт қилиш.


Маълумки ахборотларни қайта ишлаш пакетли, интерактив ва реал вақт [9] режимларда амалга оширилади. Яратилган информацион тизим интерактив режимда ишлайди ҳамда фойдаланувчи ва тизим ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш имкониятини беради. Бундан ташқари тизимдан фойдаланиш учун фойдаланувчидан ҳеч қандай махсус тайёргарлик ёки дастурлаш тилини билиш талаб этилмайди.

Информацион тизим ишга туширилгач компьютер экранида бошланғич саҳифа очилади (1-расм).



Тегишли Логин ва Парольни териб тизимга *Администратор* сифатида


кирилганда маълумотларни киритиш ва тегишли таҳлилларни ўтказиш имкониятини берувчи куйидаги саҳифа очилади (2-расм).



2-расм

Ушбу саҳифада тегишли бўлим танланиб, фаоллаштирилгандан сўнг, *администратор* томонидан тегишли маълумотлар киритилиши имкони яратилади. Масалан, *kafedra(fakultet)lar* бўлими орқали кафедра, факультетлар номлари, *lavozimlar ro'uxati* бўлими орқали профессор-ўқитувчилар лавозимлари номлари, *Professor-o'qituvchilar tarkibi* бўлими орқали профессор-ўқитувчилар таркиби маълумотлари (фамилияси, исми, отасининг исми, кафедра (факультет) номи, унга берилган пароль киритилади.

Бошланғич ойнада (1-расм) *фойдаланувчи* томонидан тегишли маълумотлар ҳамда пароль киритилганда (3-расм), рейтинг маълумотларини киритиш ёки кўриш ва чоп этиш имкониятини берувчи ойна очилади (5-расм).




3-расм. Тизимга фойдаланувчи сифатида киришда очиладиган ойна

*Ma'lumotlarni kiritish* бўлими фаоллаштирилганда, танланган ой учун рейтинг кўрсаткичлари бўйича маълумотлар киритиш имкониятини берувчи ойналар ёрдамида ўқув, услубий, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишлар бўйича рейтинг балларини киритишни амалга ошириш мумкин.


Администратор томонидан *Reytingni ko'rish va chop etish* бўлими орқали конкрет ўқитувчининг ой ёки ойларда, конкрет кафедра ўқитувчиларининг ой ёки ойларда, барча ўқитувчиларнинг ой ёки ойларда тўплаган рейтинг балларини кўриш ҳамда MS Word матн процессорига экспорт қилиш мумкин.

*Tahlil* бўлими орқали Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилар таркиби фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш Низоми талабларида белгиланган


баллни тўпламаганлар, энг фаол ўқитувчилар рўйхатини (танланган ораликда) чиқариш ва чоп этиш, рейтинг кўрсаткичлари бўйича мониторинг ўтказиш (масалан конкрет олинган ой ёки ойлarda энг кўп ўқув соатларини бажарган, услубий, илмий-тадқиқот фаолият ишлари бўйича энг фаолларни ва ҳоказо) мумкин(4-расм). Бундан ташқари информацион тизим базасига киритилган маълумотларни кўриш ҳамда MS Word матн процессорига экспорт қилиш мумкин (5, 6-расмлар).



4-расм.



5-расм.Маълумотларни кўриш саҳифаси



6-расм.Маълумотларни кўриш саҳифаси

### Адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 9-сон, 225-модда.

2.Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонун// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 11-12-сон, 295-модда



## TA'LIM JARAYONIDA YANGI TEST DASTURLARIDAN FOYDALANISH

*R.M. Zulunov (dotsent, Andijon Davlat Universiteti)*  
*O.M. Raxmonov (magistrant, Andijon Davlat Universiteti)*

Xozirgi kunda sinov uchun kompyuterlardan foydalanish o'zining bir qancha afzalliklari va kamchiliklariga ega. Ammo, baholash jarayonidagi xolislik hamda tizimning avtomatlashtirilganligi tufayli uni inkor etish qiyin. Ko'rinib turibdiki, bu omil kompyuter sinovlari ko'lamini kengaytirishga yordam beradi - u maktablarda, universitetlarda, turli ish joylarda, haydovchilik guvohnomasiga imtihon topshirishda va bir qancha sohalarda muvaffaqiyatli qo'llaniladi. Odatda, testlarda quyidagi beshta savoldan foydalanish mumkin:

1. To'g'ri javobni tanlash
2. Bir necha mumkin bo'lgan to'g'ri javobni tanlash.
3. To'g'ri javoblar ketma-ketligini joylashtirish.
4. Javoblar yozishmalarini tuzish.
5. Klaviaturadan javobni qo'lda kiritish.

Sinov usullarining ko'p sonli miqdorini hisobga olgan holda, turli fanlardan o'qituvchilarga o'zlarining ma'lumotlar bazalarini yaratishda va o'zlarining mavzu bo'yicha nazorat vazifalarini tezda olishi uchun universal dasturni ishlab chiqishni Zaruriyati paydo bo'ldi va biz quyida ba'zi bir dasturlarni tavsiya qilishimiz mumkin. Xozirgi kunda dunyo bozorida bir nechta shunga o'xshash dasturlar taklif etiladi va ushbu maqolada ularni ko'rib chiqamiz.

SunRav TestOfficePro dasturi-bu dastur testlarni yaratish, test sinovlari va test natijalarini qayta ishlash dasturlarini o'z ichiga oladi. Uning yordami bilan ta'lim muassasalarida (universitetlar, kollejlari, maktablar) sinovlar va imtihonlarni tashkil etish va o'tkazish mumkin, korxonalar va tashkilotlar o'z xodimlarini attestatsiyadan o'tkazishlari mumkin. To'plam sizga maktab o'quv rejalari, universitet intizomlari, professional test sinovlari, psixologik testlar va boshqalar bo'yicha testlarni yaratishga imkon beradi. Barcha testlar va test natijalari soxtalashtirish imkoniyatlari bartaraf etilgan hamda doimiy shifrlash texnikasi yordamida shifrlangan. Bundan tashqari dasturda sinov parollarni o'rnatishi mumkin. Tahrirlash uchun - testni tuzilishini tekshirish va boshqalarni himoya qilish ko'zda tutilgan, to'g'ri javoblarni aniqlash sinovlardagina xalos.

Savollar va javoblar MS WORD funksiyasiga o'xshash o'rnatilgan matn muharriri yordamida formatlanishi mumkin. Tahrirlash jarayonida testga rasm, formulalar, jadvallar, audio va video fayllar, HTML hujjatlarini qo'shishingiz mumkin. Sinovlarda yuqorida keltirilgan beshta savoldan foydalanishingiz, Sinovni bir nechta mavzularga ajratish mumkin. Bu holatda, testdan o'tgan shaxsning bilimlarini har bir mavzu uchun alohida va test uchun bir butun sifatida baholash imkonini beradi. Sinovdagi savollar aralash bo'lishi darkor Bundan tashqari, testni yaratuvchisi foydalanuvchining har bir mavzu bo'yicha testdan o'tishi uchun qancha savol berishi mumkinligini aniqlashi zarur. Keling, har bir mavzu 100 savoldan iborat deb qaraylik. Agar siz tasodifan faqat 10 savolni

tanlasangiz, test mavzusi bir xil testdan butunlay boshqacha savollar to'playdi. Har bir savol-javob variantining o'z "og'irligi" bo'lishi lozim. Bu oson savollarga javob olish uchun foydalanuvchiga qiyin savollarga to'g'ri javoblarni va undan kam ballni to'ldirish imkonini beradi.

SunRav TestOfficePro to'plami quyidagi dasturlarni o'z ichiga oladi

- tMaker - testlarni yaratish va tahrirlash imkonini beruvchi dastur. Matn muharriri yoki elektron jadval muharriridan yaratilgan testlarni import qilish;
- tTester - sinov uchun dastur;
- tAdmin - foydalanuvchilarni masofadan boshqarish va test natijalarini qayta ishlash dasturi. Sinov natijalarini ko'rish yoki chop etish, shuningdek, foydalanuvchi guruhlarini uchun test hisobotlarini yaratish, tahrirlash va eksport qilish imkonini beradi. SunRav TestOfficePro haqida texnik ma'lumotlar:

- Savollar soni cheklanmagan;
- javoblar soni cheklanmagan;
- foydalanuvchilar soni - cheklanmagan;
- testlar soni - cheklanmagan;
- testdagi mavzular soni - 256 gacha;
- Sinovlar va natijalar fayllarda saqlanadi.

Hozirgi kunda ushbu paket uchun ko'plab testlar tayyorlangan. Xususan, informatika, iqtisod, ingliz tili, tarix, ijtimoiy tadqiqotlar bo'yicha ta'lim sinovlari mavjud.

#### Адабиётлар

1. Аванесов В.С. Композиция тестовых заданий - М.: Центр тестирования, 2002. - 239 с.
2. Морев И. А. Образовательные информационные технологии. Часть
3. Педагогические измерения: Учебное пособие -Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та, 2004. – 174 с.

### ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР ЯРАТИШДА VRML ТИЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ж.Ю. Суюмов (*кат. Ўқ, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ФФ*)  
Ш.С. Кахаров (*ассистент, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ФФ*)

Ҳозирги кунда замонавий амалий дастурларнинг яримидан кўпи “Веб-дастурлаш” технологияси асосида яратилмоқда. У орқали корхона ва ташкилотлар ўзларининг ички ва ташқи фаолиятларини автоматлаштирилган веб-сайт кўринишига келтириб, ўз маълумотларини тез ва самарали йўл билан ҳал қилмоқдалар. Бундан ташқари, шу тизим асосида иш кўрувчи бир неча йирик компаниялар фаолият кўрсатмоқдалар. Фойдаланувчининг Интернет технологиясини ишлатган ҳолда оладиган ахборотлари веб-ахборотлар деб аталади. Веб-ахборотлар эса веб манбалардан олинади.

Веб манбалар бу серверда жойлашган ва у томонидан тарқатиладиган ахборотлар мажмуасидир. Веб сервер локал тармоқда, худудий тармоқда ёки

глобал тармоқда жойлаштирилган бўлиши мумкин. Веб манбалар одатда 2 гуруҳга ажратилади: веб-саҳифалар ва веб-сайтлар.

Веб-сайт тузилмасини (структурасини) танлаш, ахборотларни веб саҳифалар бўйича тақсимлаш, веб-сайтга тегишли маълумотлар базасини яратиш схемаси ва уни доимий равишда қўллаб туриш масалалари, маълумотларнинг сақланишини ва уларнинг ҳимоясини таъминлаш муамолари муҳандислик ишлари асосини ташкил этади. Ушбу жараён муҳандислар томонидан ишлаб чиқилиши ва техник ҳужжатларда ўзига хос техник атамаларни ишлатган ҳолда қайд этилиши зарур. График ахборот ва маълумотларни фойдаланувчиларга янада тушунарли қилиб етазиш учун тармоқда тез ва осон ишлайдиган тилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. VRML тили эса айнан шундай мақсадда ишлаб чиқилган дастурлаш тили ҳисобланади.

VRML – Virtual reality modeling language – 3 ўлчовли объектларни дунё ўргимчак тори (WWW) да намоиш қилиш ва шакллантириш имконини берувчи тилдир.

VRML технологияси орқали: веб база яратиш; визуаллаштириш; масофавий веб манбалар учун уч ўлчовли интерфейс; таълим учун интерактивлик; виртуал музейлар яратиш мумкин. VRML веб технологиянинг келажагини яратиб берувчи омил сифатида қаралмоқда. VRML технологияси биринчи бор 1994 йилдан ишлатила бошланган. Кейинчалик VRML 97 ишлаб чиқилган ва шу йилнинг сентябрь ойида ISO ташкилоти томонидан расмийлаштирилган. VRML – уч ўлчовли объект ва интерактив муҳитни шакллантиривчи оддий матнли тилдир. Унинг файли *.wrl* кенгайтма билан берилади.

VRML ни ишлатиш учун бизга VRML броузери керак бўлади. Бундан ташқари VRML plug-in орқали HTML браузер орқали ҳам кўриш мумкин.

Умумий олиб қараганда VRML орқали: шаклар, геометрик фигуралар, турли кўринишлар; анимациялар, геометрик ўлчамлар; текстуралар, ёруғликлар, муҳит; скрипт кодлар билан ишлаш мумкин.

VRML файлининг умумий тузилиши: файл бошланиши (header); изоҳлар (comments) – фойдаланувчи учун; маълумотлар жойлашуви эълон қилиш (nodes); маълумотлар атрибутлари ўзгартириладиган соҳа (fields); атрибутлар қиймати (values).

Мисол учун:

```
#VRML V2.0 utf8  
# A Cylinder  
Shape { appearance Appearance {  
material Material { }  
}  
geometry Cylinder {  
height 2.0  
radius 1.5 }  
}
```

Бу ерда,

- *#VRML* - ушбу файл VRML матндан иборат эканлигини англатади;
- *V2.0* – ушбу код V2.0 синтаксиси асосида ёзилганлиги;
- *utf8* – матн тури (халқаро кодлаштириш стандарти);
- *# A Cylinder* – коднинг умумий изоҳи;
- *Cylinder {...}* – маълумотлар жойлашувининг эълон қилиш;
- *Cylinder {height 2.0 radius 1.5}* - маълумотлар атрибутлари ўзгартирилиши;
- *height 2.0* - атрибутларга қиймат бериш.

VRML да шакллар яратишда *Shapes* ва *Primitive Shapes* блоклари орқали яратилади. *Shape* блокида яратилаётган шаклга кўриниш ва материал берилса, *Primitive Shapes* блокида эса содда шакллар элон қилинади ва яратилади. Масалан: куб, конус, цилиндр, шар, матн ва бошқалар.


Юқоридаги коддан кўриниб турибдики, яратилаётган ихтиёрий шакл ойнанинг марказида жойлашади. Яратилаётган шаклларни:

- жойлашувини;
- айланиш хусусиятини;
- томонлар мослиги каби хусусиятларини ўзгартириш мумкин.

Яратилаётган ҳар қандай шаклни рангини, шаффофлигини, ёруғлик манбаи билан алоқадорлигини ва интенсивлигини ўзгартириш мумкин.


Яратилаётган шаклларга турли текстуралар бериш мумкин. Бунинг учун растрли графиканинг JPEG, GIF ва PNG, видео форматларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

VRML да аудио файллар билан ишлаш имконияти борлиги унинг фойдалилик даражасини анча оширади.



```
Shape {  
  appearance . . . – ранг ва текстура бериш;  
  geometry . . . – форма ёки структураси. }  
Box { . . . }  
Cone { . . . }  
Cylinder { . . . }  
Sphere { . . . }  
Text { . . . }
```

Қуйидаги жадвалда баъзи бир шаклларни ясаш мисол қилиб келтирилган:

<i>Box</i>	<pre>#VRML V2.0 utf8 Shape {   appearance Appearance {     material Material { } }   geometry Box {     size 2.0 2.0 2.0 } }</pre>	
------------	--	---

Бу дастурлаш тилида қилинган ишларнинг асосий устунликларидан бири фойдаланувчилар интерактив бошқариш имкониятига эга бўладилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, фойдаланувчиларда тасаввурни кенгайтириш, тақдим этилаётган маълумотларни тушунарлилигини янада ошириш, интернетда маълумот алмашиш жараёнини янада тезлаштириш, талабаларда дунёқарашни кенгайтириш, фойдаланувчиларда интерактив ишлаш кўникмаларини хосил қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. VRML тилидан фойдаланиш эса ушбу масалаларда бизга катта ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мартин Фаулер. Архитектура корпоративних программних приложений. М.: “Вильямс”, 2004;
2. Кирмаер М. “Мультимедиа”, издательство “БХВ – Санкт - Петербург” 1994.

## ПОЛЬЗОВАТЕЛЬСКИЕ БИБЛИОТЕКИ СИСТЕМЫ КОМПЬЮТЕРНОЙ МАТЕМАТИКИ MAPLE КАК МЕТОДИЧЕСКАЯ БАЗА УЧИТЕЛЯ МАТЕМАТИКИ И ИНФОРМАТИКИ

*А.Д. Дилшодов (ст. преп., ФФ ТУИТ имени Мухаммада ал-Хоразмий)  
Х.Т. Умаров (студент, ФФ ТУИТ имени Мухаммада ал-Хоразмий)*

Система компьютерной математики Maple обладает богатой библиотекой приложений. Открытость программного кода системы предоставляет пользователю широкие возможности для создания собственных библиотек программных процедур (БП). Каждая БП представляет собой отдельный файл, содержащий определения ряда логически и функционально связанных между собой многопараметрических пользовательских программных процедур. Ю.Г. Игнатъев выделил четыре причины необходимости создания собственных пользовательских библиотек. Во-первых, конкретные задачи научного исследования или учебного процесса задают устойчивые, часто повторяющиеся последовательности методов и средств исполнения, которые, естественно, требуют алгоритмизации и автоматизации. Во-вторых, требования быстрого использования систем процедур СКМ (чаще всего в демонстрационных

целях) выявляют устойчивые алгоритмы процедур с минимальным набором параметров, которые оформляются в виде пользовательской процедуры.

В-третьих, некоторые существующие процедуры в СКМ (чаще всего численных расчетов) занимают слишком много времени, что делает практически невозможным эффективное решение задачи. Это касается, в первую очередь, прикладных научных задач. В-четвертых, СКМ, несмотря на заявления их создателей, все же допускают ошибки. Столкнувшись с ними, пользователь вынужден создавать свои библиотеки пользовательских процедур. Для среднего образования актуальными являются два первых из перечисленных выше факторов. Кроме того, применительно к школьному образованию возникает еще один фактор. Стандартные процедуры Maple часто имеют сложную структуру и определяются большим числом необязательных параметров. В таких случаях целесообразно создание более простого варианта процедур, исключая лишние параметры в зависимости от задач пользователей. Часто учителя математики, физики, использующие на уроках возможности Maple, не обладают необходимыми навыками программирования. В таких случаях именно учителем информатики может создаваться библиотека процедур по различным направлениям предметов физико-математического цикла. Созданной библиотекой могут воспользоваться как учителя, так и ученики.

Каждая написанная процедура, в свою очередь, наравне со стандартными процедурами Maple может стать частью новой процедуры, тем самым создаются более сложные и функциональные программные продукты. Работа над специализированной библиотекой процедур развивает навыки алгоритмического мышления и программирования, что, в свою очередь, повышает профессиональную квалификацию преподавателя, приближая ее к современным требованиям.

Создание пользовательской библиотеки, которая будет состоять из процедур построения объектов в трехмерной системе координат, начинается с определения ее имени, например, *Coord\_Box*:

```
> restart;  
> Coord_Box:=table():
```

Библиотечные процедуры задаются двойным именем, которое включает, во-первых, имя библиотеки, а во-вторых, имя процедуры в квадратных скобках, которое не должно дублировать имена стандартных процедур Maple. Например, процедура создания координатной сетки.

```
>Coord_Box[P_g]:=(P,n,m,c)->plot3d(P,u=0..n,v=0..m,  
grid=[n+1,m+1],style=WIREFRAME,color=c,scaling=CONSTRAINED);
```

где  $P$  – уравнение плоскости,  $n$  – количество делений по оси абсцисс,  $m$  – количество делений по оси ординат,  $c$  – цвет координатной сетки. Затем процедура выполняется при конкретных значениях параметров для проверки:

```
>Coord_Box[P_g]([u,v,0],10,5,blue);
```




Рис. 1. Исполнение процедуры  $Coord\_Box[P\_g]$

Созданная библиотека процедур записывается на диск с помощью команды **save**.

```
> save(Coord_Box, `C:/library_maple/Korobki.m`):
```

Для применения созданной пользовательской библиотеки вначале следует командой **restart** устранить ранее введенные определения процедур.

```
> restart:
```

После этого командой **read** загружается библиотечный файл.

```
> read(`C:/library_maple/Korobki.m`):
```

С помощью команды **with** подключается библиотека процедур.

```
> with(Coord_Box);
```

```
[AB_g, AB_l, KOROB_NAME, Korob, NAME, P_g, Pt, object_koord,
object_koord_2, project_vect, strel, sys_koord]
```

Введем процедуру из загруженной библиотеки:

```
> project_vect(14,14,14,gray,gray,gray,blue,black,red,2,2,1,9,2,4);
```




Рис. 2. Исполнение процедуры  $project\_vect$  по построению проекций вектора

Таким образом, построен вектор в пространстве синего цвета с координатами начала  $(2,2,1)$  и координатами конца  $(9,2,4)$  и проекции данного вектора черного цвета на координатные плоскости, состоящие из квадратов серого цвета  $14 \times 14$ . Надписи к системе координат выполнены красным цветом. Перечисленные параметры варьируются по желанию пользователей процедуры.

В докладе будет представлен алгоритм создания библиотеки пользовательских процедур на примере темы по геометрии «Векторы в пространстве». Созданная библиотека предназначена для учителей математики, использующих в своей работе СКМ Maple на уровне

пользователей и стремящихся к использованию на уроках интерактивного демонстрационного материала. Обладая элементарными навыками работы в Maple, учитель приобретает инструмент для объяснения нового материала, иллюстраций условий задач и развития пространственного мышления школьника. Задача программиста – создать базу БП для всех тем и разделов предметов физико-математического цикла, в которых целесообразно применение Maple.

#### Литература

1. Игнатъев Ю.Г. Пользовательские библиотеки в системе компьютерной математики Maple в фундаментальных исследованиях и образовательной деятельности // Системы компьютерной математики и их приложения: материалы международной конференции. Смоленск, 2007. Вып.8.
2. Дьяконов В.П. Maple 9.5/10 в математике, физике и образовании. М.: СОЛОН-Пресс, 2006. 720 с.: ил. (Серия «Библиотека профессионала»).
3. Матросов А. Maple 6. Решение задач высшей математики. СПб.: БХВ-Петербург, 2001.

### **O'QUV JARAYONLARIDA ZAMONAVIY TEST DASTURLARIDAN FOYDALANISH**

*I.A. Ovxunov (katta o'qituvchi, Andijon davlat universiteti)*

*O.M. Raxmonov (magistrant, Andijon davlat universiteti)*

*M.I. Abdumannopov (magistrant, Andijon davlat universiteti)*

Zamonaviy axborot texnologiyalari rivojlanayotgan bir payitda o'quv muassasalarida o'quvchilar bilimlarini nazorat qilishning avtomatik tizimlari yani yangi turdagi test dasturlari yaratilmoqda. Test dasturlari kompyuter texnikasini qo'llashga asoslangan nazorat usulidir. Bu jarayonlarni amalga oshirish uchun esa barcha ta'lim muassasalari kompyuter texnikasi bilan jixozlanmoqda.

Hozirgi kunda ta'lim sohasida kompyuter texnologiyalarni rivojlantirishning dolzarb sohalaridan biri - bu jarayonning samaradorligini oshirish va uni amalga tadbiq etish uchun mehnat xarajatlarini kamaytirish imkonini beradigan bilim darajasini baholash jarayonida ulardan foydalanishdir. Kompyuterli testlardan foydalanish zamonaviy bilimlarni boshqarishning eng istiqbolli usullaridan biri hisoblanib bilim darajasini nazorat qilish uchun ishlatiladi. Ko'plab talabalarning bilimlarini muntazam nazorat qilish zaruriyati nazoratni avtomatlashtirish, kompyuter texnikasi va unga tegishli dasturiy ta'minotdan foydalanishga olib keladi.

Kompyuterli test usuli - bu natijalarni sinab ko'rish va qayta ishlashning butun jarayoni avtomatik ravishda amalga oshiriladigan zamonaviy yechimdir. Avtomatlashtirish zamonaviy kompyuter yordamida savollar banklarini tuzish va ularni o'tkazish, natijalarni tahlil qilish, qayta ishlash va saqlashni amalga oshiriladi. Avtomatlashtirilgan test usulini qo'llash dasturlash bilimlarini talab



qilmaydigan maxsus test qobiqlaridan foydalanishi nazarda tutadi. Natijada test qobiqlari bilan ixtiyoriy fan o'qituvchisi ishlashi mumkin va o'z fanidan testlar yaratishi va taxrirlash imkoniyati paydo bo'ladi.

Kompyuterda testdan o'tkazish boshqa holatlarga nisbatan bir qator inkor etilmaydigan afzalliklarga ega:

- turli xil ko'rinishlardan foydalanish (rasmlar, film qismlari, kompyuter modellari va boshqalar);

- Kompyuterda imtihon topshirish mustaqil ishlashga undaydi va bu bilim diagnostikasi qiymatini oshiradi;

- Faoliyat strategiyasining individual xususiyatlarini baholash mumkin, chunki u shaxsiy xususiyatlarning ta'sirini kamaytiradi;

- Turli tadqiqotchilar tomonidan olingan eksperimental ma'lumotlarni solishtirish mumkin bo'ladi;

- Ma'lumotlarning o'zboshimchalik bilan o'zgartirishning oldi olingan va murakkab jarayonlarda ishlashi avtomatlashtirilgan bo'ladi;

- Katta massivlar uchun tezkor natijalarni tezda olish qobiliyati mavjud bo'lib, ma'lumotlarni saqlash va solishtirish imkoniyati bor;

- diagnostika va to'g'rilash vazifalari osongina birlashtiriladi;

- taqlid kabi shakllardan foydalanish mumkin bo'ladi, masalan mashqlar vaziyatini tahlil qilish, simulyatorlar bilan ishlash kabilardir.

Hozirgi vaqtda eng muhimi zamonaviy avtomatlashtirilgan nazorat va o'quv dasturlarini yaratish bo'lib, ular o'z navbatida testlarni ishlab chiqish, adaptiv rejimda o'quv topshiriqlarini tayyorlash uchun dasturiy vositalar va pedagogik o'lchov nazariyasi zamonaviy modellari asosida testlarni ishlab chiqishda kompyuterni qo'llab-quvvatlash uchun maxsus dasturiy vositalardir.

Kompyuterlarni amaliy boshqarish ko'nikmalarini va nazariy bilimlarni nazorat qilish tizimida quyidagi tarkibiy qismlar mavjud:

1. Sinovlarni tayyorlash tizimi.

2. Interfaol sinov tizimi.

3. Test natijalarini tahlil qilish tizimi.

Test dasturlari sinovlar, imtihonlar, elektron darsliklarni yaratish uchun mo'ljallangan bo'lishi mumkin. Sinov yoki darslik yaratish uchun foydalanuvchi dasturlashtirish qobiliyatiga muhtoj emas – test dasturlari asosan ta'lim muassasalarida o'quvchilar bilimlarni sinash jarayonini osonlashtirish uchun moslashtirilgan va ishlab chiqilgan holda bo'ladi.

Xozirgi davrda yaratilayotgan test dasturlari quyidagi imkoniyatlarni yaratib beradi:

- o'quvchilarning bilimlarini nazorat qilish uchun mustaqil ravishda testlarni yaratish. Sinovning rivojlanishi avtomatlashtirilgan va tez amalga oshiriladi, matn va rasmlarni emas, balki ovoz yozish, video, formulalarni, grafiklarni, murakkab grafik ob'ektlarni va boshqalarni qo'llash;

- zamonaviy elektron darsliklar tarkibiga test materiallarini osongina kirib borish;

- o'quv yurtiga kirish oldidan o'quvchilarni bilish darajasini xomaki aniqlashga tekshirish
- materiallarni o'zlashtirishda baholash uchun yangi materiallardan so'ng ma'lumotlarning ichki rejalashtirilishi yoki rejadan tashqari tekshiruvini amalga oshirish;

Test dasturlaridan turli sohalarda sinovdan o'tkazish uchun uyda yoki har qanday ta'lim muassasasida foydalanish mumkin. Test dasturlari sizga cheksiz miqdordagi mavzularni, savol va javoblarni bitta testda yoritishga imkon beradi, shuning uchun uning yordami bilan ota-onalar bolalarining qaysi fanlarni qay darajada bilishini uyda o'tirib ham tekshirishi mumkin. Baholash jarayonidagi xolislik hamda tizimning avtomatlashtirilganligi tufayli uni inkor etish qiyin ko'rinib turibdiki, bu omil kompyuter test sinovlari ko'lamini kengaytirishga yordam beradi.

Xozirgi vaqtda kompyuterli test dasturlaridan maktablarda, universitetlarda, turli ish joylarda, haydovchilik guvohnomasiga imtihon topshirishda va bir qancha sohalarda muvaffaqiyatli qo'llaniladi.

## **ИНФОРМАЦИОННЫЕ И КОММУНИКАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В УЧЕБНЫХ ПРЕДМЕТАХ**

*С.Ю. Турсунова (студентка, КФ ТУИТ имени Ал – Хоразмий)*

Педагогическая целесообразность использования ИКТ в учебном процессе определяется целями развития личности учащегося и основывается на методическом назначении тех или иных программных средств (ПС). Компьютерная визуализация учебной информации (**во-первых**, изучаемого объекта (наглядное представление на экране объекта, его составных частей или их моделей, а при необходимости - во всех ракурсах, в деталях, с возможностью демонстрации внутренних взаимосвязей составных частей); *во-вторых*, изучаемого процесса (наглядное представление на экране данного процесса или его модели, в том числе, скрытого в реальном мире, а при необходимости - в развитии, во временном и пространственном движении, представление графической интерпретации исследуемой закономерности изучаемого процесса).

Основной формой организации обучения в современной школе является урок. Это и должно учитываться при разработке средств ИКТ для системы образования. Поскольку обучение школьников большинству учебных предметов в рамках классно-урочной системы идет в специализированных кабинетах, то перспективы повышения эффективности классно - урочной системы связываются с оснащением кабинетов дидактическими и техническими средствами обучения и совершенствованием типов уроков и их модулей. В этой связи на информационные и телекоммуникационные технологии возлагаются большие надежды.

Взять, к примеру, предметный урок в компьютерном классе с *интер-активной доской*. Учитель на таком уроке, сохраняя почти весь арсенал

имеющихся у него методических приемов, может многократно его приумножить возможностями ИКТ. Для этого, прежде всего, необходимы электронные средства учебного назначения, которые можно легко встраивать в структуру урока. Но, к сожалению (это отмечается), подавляющее большинство существующих средств ИКТ рассчитано на индивидуальную работу. Поэтому, поскольку в обозримом будущем школа по-прежнему останется классно-урочной, вряд ли можно говорить, что произошел какой-то существенный перелом в сознании учителей-предметников и методистов в отношении перспектив использования ИКТ в организации учебного процесса.

В настоящее время для школ наиболее доступными образовательными средствами ИКТ являются имеющиеся сетевые версии мультимедийных CD-дисков, которые, как отмечается, мало чем отличаются от обычных печатных изданий, для которых характерно представление теоретического материала в знаково-символьной форме в сопровождении привычных статичных чертежей и рисунков. Такие издания рассчитаны на индивидуальную самостоятельную работу, поэтому их использование на уроке считается весьма проблематичным.

Традиционные технические и аудиовизуальные средства всегда в той или иной степени дополняли и сопровождали учебный процесс, но никогда не определяли его лицо. Компьютер и соответствующие средства ИКТ позволяют интегрировать и существенно обогатить возможности этих средств обучения и, тем самым, конструирование и проведение всех уроков.

ИКТ позволяют реализовать огромный потенциал перспективных методических разработок, найденных в свое время в рамках традиционного обучения, которые, однако, оставались невостребованными, или в силу определенных объективных причин не могли дать должного эффекта.

1) Взять хотя бы **метод проектов**. В мировой практике ведутся поиски способов организации самостоятельной деятельности учащихся, предусматривающие вовлечение каждого учащегося в активную познавательную деятельность. Одним из способов такой самостоятельной работы считается **обучение в сотрудничестве**, когда на смену фронтальным работам все больше приходят индивидуальные, парные, групповые. Парная или групповая работа обучаемых с использованием средств ИКТ оказывается намного эффективнее объяснительно-иллюстративного и репродуктивного методов обучения.

2) Еще один эффективный традиционный метод обучения - **дидактическая игра**. Дидактические игры, проводимые с использованием средств ИКТ, могут решать разные учебные задачи. Одни позволяют формировать и отрабатывать у учащихся навыки контроля и самоконтроля. Другие, построенные на материале различной степени трудности, дают возможность осуществлять дифференцированный подход к обучению школьников с разным уровнем знаний.

Через игру учащийся

- познает окружающий мир и самого себя;

- учится анализировать, обобщать, сравнивать.

Наглядность, преподнесенная в игровой форме, способствует конкретизации изучаемого материала. Применяемый на уроках игровой прием должен находиться в тесной связи с используемыми средствами ИКТ, с темой урока, его задачами, а не носить только развлекательный характер.

3) Метод информационного ресурса (МИР). Работа учащегося с книгой, учебником, справочной, научно-популярной и учебной литературой в дидактике считается одним из важнейших методов обучения. В настоящее время к этим источникам добавились и электронные издания и ресурсы. Главное достоинство этого метода – возможность обучающегося многократно обрабатывать учебную информацию в доступном для него темпе и в удобное время.

Наибольшее распространение получили два вида работы с информационными ресурсами:

- на уроке под руководством учителя;
- самостоятельная работа с целью закрепления и расширения знаний.

Влияние ИКТ на современной педагогике выражается в их **обогащении** за счет использования возможностей ИКТ. Они предоставляют педагогам эффективные вспомогательные средства, которые, если они обоснованно и гармонично интегрируются в учебный процесс, обеспечивают новые возможности и преподавателям и учащимся.

Так, включение ИКТ в учебный процесс позволяет:

- 1) организовывать разные формы учебно-познавательной деятельности на занятиях;
- 2) сделать активной и целенаправленной самостоятельную работу учащихся;
- 3) обеспечить более широкий доступ к учебной информации за счет компьютерных технологий поиска, доступа, отбора и структурирования информации в сетях Интернет и Интранет;
- 4) обеспечивать доставку и хранение информации;
- 5) обеспечить возможность выбора индивидуальной образовательной траектории, что, в свою очередь, обеспечивает реализацию личностно-ориентированного подхода в организации процесса обучения;
- 6) обеспечить возможность объединения информационных ресурсов образовательных и научных центров;
- 7) привлекать к учебному процессу ведущих педагогов и специалистов;
- 8) обеспечить создание распределенной научной лаборатории (когда оборудование размещено не только в разных комнатах, но и в разных зданиях, городах и даже странах);
- 9) организовывать совместные научные эксперименты и образовательные программы;
- 10) обеспечить новые формы контроля и оценки знаний.

Таким образом, ИКТ не только развивают умственные способности человека, они открывают новые перспективы и направления такого развития, создают стройную систему новой глобальной культуры и открывают широкие и интересные возможности повышения качества образования.

## **ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИКАНИНГ ЯНГИ ТУРИ! ЁХУД ЭРКИН БИЛИМ ОЛИШ ТИЗИМИ.**

*Б.Т.Каипбергенов (т.ф.д., Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ НФ)  
А.М.Тумаева (магистр, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ НФ)*

Мамлакатимизда замонавий ахборот-технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини курсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмига утиш, ривожланган давлатлар онталигига яқин йиллар ичида кириш учун ёш кадрларни тайерлашда замонавий педагогиканинг урни йукори. Бугинги кунда ахборот коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг барча жабҳаларига изчил кириб бораяткан бир пайтга биргина таълим соҳасини компьютерлаштириш ва автоматлаштириш, бошқарувда ахборот технологияларидан фойдаланиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим муассасаларининг ўқув лаборатория ва техник жиҳозлар, компьютерлар, мультимедияли электрон ресурслар, электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлиги шу билан бирга таълим тизимида масофавий таълим ёки замонавий педагогиканинг жорий этилганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Таълим жараёни дейилганда уқитувчи ва уқувчи узаро муносабатдаги яхлит жараён кўз олдимизга келади. Эндиликда ушбу жараён электрон уқув-услубий мажмуалар билан уйғунлашиб бормоқда. Бу жараёнда уқитиш уқувчининг купроқ ички имкониятлари, интеллектуал потенциали, ахборотни қабул қилиш ва узлаштириш хусусиятларига бевосита боғлиқ.

Шу ўринда эътиборимизни замонавий педагогикада ахборот-коммуникация технологияларини куллаш усули яни замонавий билимнинг бир тури, масофавий таълимга қаратсак. Хўш, масофавий таълим нима? У қандай абзалликларга эга?

Масофавий таълим—бу бир жойдан туриб, қайси вақт бўлишидан қатъий назар, шахсий режа асосида ўқиш ҳамда билим олиш жараёнидир. Масофали таълим деганда ўқув ахборотларини масофали алмашиш воситаларига асосланган (йўлдошли телевидение, радио, компьютер алоқаси ва бошқалар) махсус ахборот-таълим муҳити ёрдамида мамлакатда ва чет элда аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган таълим хизматлари тушинилади. Бу таълим тури ғарбда анъанавий бўлиб қолди. Ҳар бир юқори мавқега эга университет ҳозирда албатта, масофали таълим дастурига эга. Таълимнинг бу шаклини «Замонавий педагогиканинг янги тури» деб атасак муболаға бўлмайди.

Масофавий таълим замонавий педагогик технологияларнинг бир тури бўлиб, у кўпгина абзалликларга эга. Жумладан, ишлаб чиқаришдан ажиралмаган ҳолда таълим олиш, талабанинг билим олиш жараёнида эркинлиги, таълимнинг иқтисодий самарадорлиги, ўқув жараёнида аудио-видео, анимация, графикалар асосида таълим бериш натижасида ўзлаштиришнинг юқори кўрсаткичга эга бўлиши, билимларнинг ҳолисона боҳоланиши, назарияни амалиёт билан таққослаш имконияти, дунёнинг етук профессор-ўқитувчилари маърузаларидан фойдаланиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг илғор шакллари тadbик этиш, шу жумладан масофада туриб ўқитишнинг самарадорлигини ошириш, янги педагогик ва ахборот технологияларни жорий қилиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш борасида мамлакатимизда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда педагогиканинг бу турини ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, таълим муассасалари бу жараёнда жуда фаол қадамларни ташламоқдалар. Кўпчилик бўли ташқи таълимнинг янги тури деб хисоблайдилар. Маълум даражада бу шундай. Чунки, бугунги кунда дунёда масофавий таълим бўйича таҳсил олаётган талабалар ва ундан фойдаланувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Масофавий таълим узлуксиз таълим тизими шакллари билан бири хисобланиб, инсоннинг билим олиш ва ахборотлардан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишга йўналтирилган. Ушбу дастурнинг мазмуни айнан масофали таълим ва замонавий педагогика ҳамда ахборот технологиянинг бир-биридан ажралмаслигидан иборат. Ўқитишнинг янги шаклида назорат усули сифатида масофали ташкил этилган имтихонлар, суҳбатлар, курс ва лойиҳа ишлари, компьютерли интеллектуал тест тизимларидан кенг фойдаланилади.

- кадрлар частотасини оширилиши, фонни бир хил рангдан иборат бўлиши ҳамда камроқ мулоқот ойналарини очилиши, узундан-узук рўйхатларни варақлаб (прокрутка) турилиши.

Таълим олувчиларнинг билим даражаси компьютерли тест асосида аниқлаш энг қулай усуллардан ҳисобланиб, фильмлар орқали ўқув материални тасвирлашнинг бой имкониятлари таълим мазмунининг чексиз, бойитиш ва ўзгартиришга имкон яратади. Интерфаол дастурий воситалардан фойдаланиш эса кам тарқалган лекин энг самарали таълим бериш услубларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу таълим воситаларини барчасини битта форматда ва ягона комплекс сценарийга мужассам эта оладиган дастурлардан бир Adobe Captivate дастури ҳисобланади.

Adobe Captivate дастури Adobe Flash формати платформасида қурилган бўлиб, фойдаланувчи учун қулай бўлган интерфейсга эга. Унинг ёрдамида ўқитишнинг замонавий воситалари ва методикаларида самарали фойдаланаётган тест синовлари, тақдимот фильмлари интерфаол ўқитиш дастурларини тайёрлаш мумкин.

Adobe Captivate дастурида таълимнинг комплекс сценарийларини тайёрлашда алоҳида дастурлаш тилларидан ҳамда мультимедиадан фойдаланиш шарт эмас. Ушбу дастур қуйидаги имкониятларга эга:

- экрандаги барча ҳаракатларни изоҳлаш билан ёзиш ва сақлаш;
- Power Point да тайёрланган слайдларни «жонлантириш»;
- овозли ўқитиш дастурларини тайёрлаш ва намоиш этиш;
- ўқитиш дастурларининг комплекс сценарийларини тайёрлаш ва турли форматли файлларни сақлаш;
- слайдлараро боғланишларни ҳосил қилиш;
- тренинг машғулотлари учун ўқитиш дастурларини тайёрлаш;
- .cp, .exe, .swf, .bmp ва .xml форматларида файлларни сақлай олиш;
- овозни алоҳида синхронлаштириш ва овоз учун лойиҳада керакли форматлаш ишларини бажариш;
- тасвирлар ўлчами ва слайдларни гуруҳлаш ёрдамида файл ўлчамини камайтириш.\



Adobe Captivate дастури ёрдамидан фақатгина параметрлари юқори бўлган компьютерларда фойдаланиш мумкинлиги унинг нуқсони ҳисобланади.

Шундай қилиб, фанни ўрганиш учун комплекс сценарийлар тайёрлаш, машғулотларни мукамал ўқув материаллари билан таъминлашда тақдимот фильмлари яратадиган дастурий воситалар катта аҳамият касб этади.

Юқорида тавсия этилаётган UvScreen ва Adobe Captivate дастурларидан фойдаланиш Ахборот технологиялари фанини ўқитишда таълим самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

## **ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАРИНИ БИРИКТИРИШДА ОФИС ДАСТУРЛАРИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

*А.А.Иминов (ф.-м.ф.н., Ўз.Р ИИВ Академияси)*

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари турли кўринишдаги ҳужжатларни ёзишга кўп вақтларини сарфлашларига тўғри келади. Ушбу ҳужжатлар бошқарувнинг турли функцияларига хизмат қилади. Матн муҳаррирлари ёрдамида бошқарув ахборотларини компьютерда қайта ишлаш бошқарув аппарати ходимлари иши самарадорлигини сезиларли даражада ошириб, электрон ҳужжатларни тайёрлаш, сақлаш, ахборот тармоқлари орқали узатиш бўйича меҳнат сарфини камайтиради.

Фойдаланувчи буйруқ, кўрсатма, ҳайъат қарорлари, таҳлилий маълумотномалар, ҳисоботлар, таклифномалар, хабарнома ва шу каби бошқа бирор процессуал ҳужжатни, масалан кишиларнинг фамилияси ва манзиллари келтирилган жадвални ҳамда уларга жўнатилиши керак бўлган хат намунасини олиб, автомат равишда хат намунасини жадвалдаги маълумотлар билан бирлаштириши орқали юқорида келтирилган муаммони ечимини ҳал этиши мумкин. Ҳар бир хат нусхаси бир хил умумий матнни ўзида сақлаб, жадвалдаги маълумотлар асосида турли фамилия ва манзилларга эга бўлади. Бунда жадвалдаги маълумотлар манба сифатида олинади.

*Бириктириш босқичлари:*

- дастлаб намуна ролини бажарувчи асосий ҳужжатни ишлаб чиқиш зарур. Ушбу ҳужжат ихтиёрий мазмунга эга бўлиши мумкин. Бу ерда асосий ғоя шундаки, ҳужжат матнидаги баъзи қисмлар жадвалда келтирилган маълумотлар билан Бирикиш (Слияние) ёрдамида тўлдирилувчи майдон (поля)лар билан алмаштирилади;

- маълумотлар манбаси сифатида фойдаланиладиган ҳужжат (электрон жадвал, маълумотлар базаси, матнли ҳужжат, Word жадвали) очилади ёки ҳосил қилинади. Ушбу ҳужжат бирикишида ҳосил бўлувчи ҳужжат

бланкасида ўзгарувчан маълумотлар бўлиб, адресатнинг манзили ва номи ёки исми-шарифи бўлиши мумкин:

- асосий ҳужжатга бирикиш майдонларини жойлаштирилади. Бунда ушбу майдонлар бирикадиган маълумотларнинг прототиби бўлиб, Microsoft Word дастурига маълумотлар манбасидаги қайси майдонларни ҳужжатнинг қаерига жойлаштириш лозимлигини кўрсатиш учун хизмат қилади;

- асосий ҳужжат ва маълумотлар манбасини бирикишин амалга оширилади, бунда маълумотлар манбасинининг ҳар бир қатори (сатри, ёзуви) бланкада алоҳида ҳужжатни яратади. Ушбу ҳосилавий ҳужжатни чоп этиш ёки электрон почта манзилларга ёки факс рақамларига юбориш мумкин. Бундан ташқари ҳосилавий ҳужжатлар кўриб олиш ва чоп этиш учун янги ҳужжатга бирлаштирилиши ҳам мумкин.

Маълумотлар манбасининг турлари: бирикиш учун маълумотлар манбаси амалда ихтиёрий турда бўлиши мумкин. Буларга Word жадвали, Microsoft Outlookнинг контактлар рўйхати, Excel электрон жадвали, Microsoft Accessнинг маълумотлар базаси ёки ASCII кодидаги матн файлини киритиш мумкин. Агар зарурий маълумотлар бирорта маълумотлар манбасида сақланмаган бўлса, Word дастури қадамма-қадам номлар, манзиллар ва бошқа маълумотлардан иборат Word жадвалини сошлаш ишларини бажаради.

*Бирикишни сошлаш:* бунинг учун бирикишга мос келувчи маълумотларни танлаш, ҳосилавий ҳужжатни олдиндан тасаввур қилиш, бирикиш натижасида ҳосил бўлувчи ҳужжатни, масалан, клиентларнинг почта индекслари тўлиқ манзилларини кўрсатилган, тугал кўринишга келтириш керак. Бундан ташқари, клиент билан учрашув санаси ва вақтини автомат ҳолда киритишни ҳам режалаштириш мумкин.

Маълумотлар манбасини режалаштиришда асосий эътиборни шунга қаратиш лозимки, танланаётган майдонларнинг сони уни мажбурий тўлдирилиши билан ёзув тўлиқ бўлиши керак. Ёки бошқача айтганда, ҳар бир ёзув бир ҳил майдонлардан иборат ва тўлиқ бўлиши талаб этилади. Асосий ҳужжатни бириктиришда агар ёзувнинг бирор майдонида маълумот етарли бўлмаганлиги сабабли мавжуд бўлмаса унда ҳужжатнинг шу майдондаги маълумот тушадиган жойи бўш қолади.

Маълумотлар манбасидаги маълумотларни асосий ҳужжатда тартибланган ҳолда бирикишини амалга ошириш учун ушбу манбадаги жадвалнинг тегишли майдонида тартиблаш (матнли маълумотларни алфавит бўйича, сонларни ортиб ёки камайиб бориш тартибида) лозим. Масалан, фамилияси, исми, шарифи, туғилган санаси ва ҳ.к.зо.

Маълумотлар манбасидаги айрим майдонларни ҳосилавий ҳужжатда сарлавҳа сифатида фойдаланиш мумкин. Мисол учун адресатлар ҳақидаги маълумотларни асосий ҳужжатга жойлаштиришда алоҳида фамилияси, исми ва отасининг исми каби майдонларни сарлавҳага жойлаштириш мумкин. Бу ҳолда чоп этишда ушбу майдонлардаги маълумотларни турлича комбинацияларда жойлаштириш мумкин (мисол учун *Ҳурматли Али Валиевич!* ёки *Фуқаро Солиев Собир Салимович*).

Microsoft Word дастурида “Слияния” мулоқот ойнасидаги маълумотлар манбасидаги майдонларнинг максимал сони 63 та майдондан ошмайди. Агарда 63 та майдондан ортиқ бўлган маълумотлар манбасидан фойдаланишга зарурат туғилса, жадвалли ёки вергулли – бўлувчили матнли файл ҳосил қилиш ёхуд Microsoft Excel саҳифасидан, Microsoft Access маълумотлар базасидан фойдаланиш мумкин.

Microsoft Word 2016 дастурида бириктириш буйруғи ёрдамида бириктириш куйидаги тартибда амалга оширилади. “Рассылки” менюсида → “Начать слияния” → “Пошаговое мастер слияния” буйруғини танланади. Экраннинг чап томонида “бириктириш устаси”нинг мулоқот ойнаси пайдо бўлади. Ушбу бириктириш устаси 6 та босқичда бириктиришни амалга оширади. Мулоқат ойнасининг ўнг томонида ҳосил бўлган “Слияния” мулоқот ойнасида:

“Выбор типа документа” майдонида “Письма” бўлимига белги қўйилади ва мулоқот ойнасининг пастки қисмидаги “Этап 1 из 6” майдонида “Далее. Открытие документа” тугмаси ишга туширилади

“Выбор типа документа” майдонида “Текущий документ” бўлимига белги қўйилади ва мулоқот ойнасининг пастки қисмидаги “Этап 2 из 6” майдонида “Далее. Выбор получателей” тугмаси ишга туширилади

“Выбор типа документа” майдонида “Использования списка” бўлимига белги қўйилади ва Существующий список майдонида “Обзор” тугмаси босилади. Ҳосил бўлган мулоқат ойнасида маълумотлар манбасининг файли танланади. Сўнгра мулоқот ойнасининг пастки қисмидаги “Этап 3 из 6” майдонида “Далее. Создания письма” тугмаси ишга туширилади

Асосий ҳужжатга маълумотлар манбаси майдонларини асосий лентадаги «Вставить поле слияния» тугмаси ишга туширилади. Асосий ҳужжатнинг керакли жойларига маълумотлар манбаси майдонлари жойлаштириб чиқилади.

Агар ушбу ҳужжатни олувчилар рўйхатига ўзгартириш киритиш зарурати бўлмаса мулоқот ойнасининг пастки қисмидаги “Этап 4 из 6” майдонида “Далее. Просмотр писем” тугмаси ишга туширилади

Ушбу босқичда асосий лентадаги “Найти и объединить” буйруғи ишга туширилиб ундаги менюда “Изменить отдельные документы” тугмаси босилса бириктириш устаси томонидан янги “Составные новые документы” мулоқот ойнаси пайдо бўлади. Ушбу ойнада маълумотлар манбасидаги ёзувларнинг барчасини ёки маълум интервалдагиларини асосий ҳужжатга бириктиришни танлаш мумкин. Мазкур мулоқот ойнасидаги ОК тугмасини босиш билан танланган интервалдаги ёзувлар акланган янги ҳужжат ҳосил бўлади. Ушбу ҳужжатда маълумотлар манбасидаги ёзувлар сиз тайёрлаган ва маълумотлар манбаси майдонларини жойлаштирган жойда, шрифт ва абзацлари қандай форматланган бўлса шу кўринишда ҳосил бўлади.

Ушбу ҳужжатни чоп этиш учун Слияние мулоқот ойнасининг Слияние майдонида “Печать” тугмасини танлаш ва “Составные новые документы”

мулоқот ойнасида керакли интервалдаги ёзувларни танлаб ОК тугмаси босилади ҳамда ҳужжатни чоп этиш умумий процедураси бажарилади.

Юқорида келтирилганлар асосида шуни таъкидлаш лозимки, бириктириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг процессуал ҳужжатларини бириктиришда офис дастурларининг имкониятларидан фойдаланиш мутахассиснинг иш вақтини самарали тежайди ҳамда ҳужжатлар тайёрлаш сифатини ва тезкорлиги таъминлайди.


## **БОЛАЖОНЛАР УЧУН ИНГИЛИЗ ТИЛИНИНГ АЛИФБОСИНИ УРГАТУВЧИ ЎЙИН ДАСТУРИНИ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.**

*Р.И. Отенязов (т.ф.д., Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ НФ),  
Д.Х. Қонарбаев (талаба, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ НФ)*


Бугунги кунда юртимизда мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Илмий кузатиш ва тадқиқотларда инсон ўз ҳаёти давомида оладиган барча маълумотнинг етмиш фоизини беш ёшгача бўлган даврда олиб улгуриши келтирилган. Дарҳақиқат, бу даврда инсон боласи дунёни англайди, ўз она тилини ўзлаштиради, ота-она, оила, маҳалла, Ватанга меҳри уйғонади, умр давомида оладиган билимларга замин ҳозирлайди. Бунда энг аввало оила асосий рол ўйнаса, мактабгача таълим муассасасининг ҳиссаси ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимизда айнан мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг ажралмас бўлагига, таъбир жоиз бўлса, унинг дебчасига айланган.

Таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурларини яратиш технологияси сифатида Constructor 2 дастурлаш муҳитини келтириш мумкин. Унда яратилган дастурлар асосан расмларни ҳаракатга келтириш ва бунинг натийжасида ҳар қил дастурларни асонлаштирилган ҳолда ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Дастурни ишлаб чиқиш технологиясида асосан расм файлларни дастурга «Sprite» объект сифатида киритилади.



а)



б)



1-расм. а) Янги объектни қўшиш итерфейси, б) Объектга функция қўшиш итерфейси.

Бу объектга «Add behavior->Platform» функцияларни қўшиш орқали «Sprite» объектни ҳаракатга келтириш мумкин. Бунда ўйин қаҳромонини ҳар хил вазиятларда ҳаракатлантириш орқали болаларга ўйиннинг асосий таъсирини кўрсатади.

Мактабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурларини Constructor 2 дастурлаш муҳити ёрдамида яратилган «Қалпоқча» ўйин дастурий маҳсулоти бўлиб, мактаб ёшигача болаларга мўлжалланган. Дастур 26 бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим бир ҳарфга йўналтирилган. Бу дастур интерфейси 4 тилда (ўзбек, қароқалпоқ, инглиз, рус) ишлайди. Ушбу дастурнинг асосий мақсади «болажонларимизга инглиз тилининг алифбосини ўргатишдан иборат бўлиб, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини тадбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, миллий руҳда тарбиялашда ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини яхшилашга ёрдам беради.



2-расм. «Қалпоқча» ўйин дастури интерфейси.

Шу ўринда мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни интеллектуал ўйин дастурлари, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, умуминсоний қадриятлар билан таништириш, болаларни мактабга сифатли тайёрлаш мақсадида турли тўғараклар, маънавият ва экология хоналари, кичик музей, кутубхоналар ташкил этиш борасидаги анъаналарни изчил давом эттириш мақсадга мувофиқ.



3-расм. «Қалпоқча» ўйин дастури ички интерфейси

Чунки китобга, санъатга, илмга, умуман, келажакда муайян касбни эгаллашга бўлган қизиқиш болаларда айна шу даврда шаклланади. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шаклланишини таъминлаб, ўқишга бўлган иштиёқини уйғотади, тизимли ўқитишга тайёрлаб боради. Шундай экан, бу тизим фаолиятини янада кучайтириш, мактабгача таълим муассасаларида ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга мактабгача ёшдаги болаларни кенг жалб этиш фарзандларимизнинг баркамол ва етук шахс бўлиб шаклланишида инглиз тили муҳим ўрин тутди.

Мухтасар айтганда, мактабгача таълим муассасаси чинакам тарбия маскани, фарзандларимиз келажакда учун ҳар томонлама мақбул ва ишончли даргоҳга айлантириш. Бундай замонавий технологиялар ва инновацияларни тизимли болаларни тўлиқ қамраб олиш, уларни интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказиш имконин берадиган дастурларни яратишимиз керак.

## **ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА ЯРАТИШ ДАСТУРЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ**

*А. Ҳайдаров (доцент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ФФ)  
Д.Н. Ҳакимова (ассистент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ФФ)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2909-сонли Қарори 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурдан келиб чиқади. Замонавий компьютер техникаси эришган ютуқларни таълим жараёнига татбиқ этиш, анъанавий таълим эришган барча ютуқларни ўзида акс эттирган, уни янги техника, технология ютуқлари билан тўлдирган восита билан таъминлаш бугунги кунда жуда ҳам долзарб масаладир. Бугунги кунда таълимнинг индивидуаллигини таъминлаш, таълим олувчига вақт ва фазо жиҳатидан қулайлик яратувчи воситалардан бири бу электрон ўқув-услубий мажмуалардир. Таълим беришнинг мазкур воситаси мустақил таълим олишга, таълим олувчиларнинг билим фаолиятини шакллантирувчи асосий элемент ҳисобланади.

Таълимда информацион технологиялар яънада муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Замонавий ўқув жараёнини компьютер кўлланимлари, тренажерлар, лаборатория ишлари бўйича услубий кўрсатмалар, амалий машғулотлар учун услубий кўрсатмалар, энциклопедия, тестдан ўтказувчи ва назорат қилувчи тизимлар ва бошқа электрон ўқув-услубий материалларсиз тассавур этиб бўлмайди. Ушбу ишда инновацион электрон ўқув-услубий мажмуа яратиш бўйича замонавий дастурий воситалар фойдаланиб электрон ўқув-услубий мажмуа яратиш кўзда тутилган .

Электрон таълим ўқув таълим муассасаларида, ҳамда таълим билан боғлиқ бўлмаган ташкилотларда ҳам кенг ишлатилмоқда. Ўқув жараёнида информацияларни етказишда интерактив электрон ахборот воситалари, шу жумладан ихчам дисклар, корпоратив тармоқлар ва Интернет ва интранетдан

фойдаланиш - e-learning атамаси билан белгиланади. E-learning воситаларидан таълим жараёнида фойдаланишни энг кенг тарқалган шакли аралашган таълим ҳисобланади. Шу билан бирга, машғулотларни ўтказишда анъанавий ёндашувлар асосидаги машғулотлар ўтказиш ёндошуви замонавий инфор­мацион технологиялар воситалари контенти билан бирлаштирилади. Аралаш таълим бериш оддий аудитория машғулотларини самарадорлигини ошириш ва ахборот олишга, тушуниш, қайта ишлашга кенг имконият беради.

Электрон ўқув материални яратишга мўлжалланган дастурий маҳсулотларни хилма-хиллигига қарамасдан, дунёдаги энг машҳури бўлиб, SCORM (Sharable Content Object Reference Model, бўлинувчи контент объектлари эталон модели) қўллаб-қувватловчилари ҳисобланади.

Ушбу стандарт таълим бериш материалларига ва таълимни бошқариш тизиминини ташкил этиш аниқлаб беради (Learning Management System(LMS) рус тилидаги атамашуносликда (СДО – система дистанционного обучения аббревиатураси ишлатилади).

Бундай дастурий маҳсулотлар қаторига WebSoft фирмаси томонидан ишлаб чиқилган CourseLab муҳаррири киради. Ушбу дастур ишлаб чиқилган интерфаол ўқув материалларини (электрон курслар) ишлаб чиқиш учун тўлиқ восита бўлиб ҳисобланади, ҳамда яратилган электрон курсларини Интернет тармоғида, масофадан ўқитиш тизимларида, ихчам дискларда ёки бошқа хоҳлаган маълумот ташувчисида фойдаланиш учун мўлжалланган.

Электрон ўқув курси деганда ўқув жараёнида фойдаланиши мумкин бўлган тематик тугалланган ва шакллантирилган ўқув материаллари тушунилади.

CourseLab таҳрирловчисида турли фанлардан ўқув қўлланмалар, ўқув методик кўрсатмалар, дарсликлар яратиш мумкин. Электрон курс мустақил таълим олиш учун керак бўлган ва олинган билимларни назорат қилиш учун асосий фанга қўшимчаларни ўз ичига олиши мумкин. Курсни яратишга киришишдан олдин, таълим беришни мақсади ва стратегиясини, шунингдек, ахборотни етказиб бериш усулини аниқлаб олиш керак.

Ўқув курсни яратиш учун, CourseLab муҳаррири ишга тушириш ва очилган мулоқот ойнаси мастеридан «Create a New Course» (Создать новый курс) мурожатини босиш керак. Кейинги ойнада учта майдонни тўлдиришингиз керак:

- курс номи (таҳрирловчида очиладиган асосий файлга мос келади, кейинчалик курсни яратиш бўйича кейинги ишларда очилади);
- сақланадиган папканинг номи, унда барча курс файллари сақланади;
- курс папкасини яратадиган жой.

Модуль ўқув курсининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Агар курс ишлаб чиқилса, масалан, фан бўйича дарслик кўринишида, у ҳолда ҳар бир модуль алоҳида мавзуга ёки битта маърузага мос келиши мумкин. Янги модулни киритиш учун, «File» менюсида «New», бўлими танлаш керак, кейин эса «Module» танланади. Мулоқот ойнасида унинг номи ва дизайн шаблонини танланади.

Курсни яратиш мобайнида мастер слайднинг етгита тайёрланган андозалардан бирини ва уни ранг схемасини танлаш керак бўлади. Шаблонлар бир-биридан мастер слайдда жойлашган навигация ва бошқа ёрдамчи объектлар мажмуи билан фарқланади. Курс муаллифи ўзининг шахсий слайди дизайнини ишлаб чиқишни режалаштираётган бўлса, бўш бир шаблонни «Empty» ни танлаши мумкин.

Ушбу дастур ёрдамида ишлаб чиқилган интерфаол ўқув материаллари электрон курслар ишлаб чиқиш учун тўлиқ восита бўлиб ҳисобланади, ҳамда яратилган электрон курсларини Интернет тармоғида, масофадан ўқитиш тизимларида, ихчам дискларда ёки бошқа хоҳлаган маълумот ташувчисида фойдаланиш учун мўлжалланган.

## **USING INTERACTIVE MULTIMEDIA TECHNOLOGIES IN TEACHING A FOREIGN LANGUAGE**

*M.J. Bayrieva (assistant, Nukus branch TUIT named after Muhammad Al-Khwarizmi)*

The incorporation of technology in the language classroom (ICT) has radically changed the teaching-learning dynamic in general, the reading practice in particular. Now the teacher stays no longer in front of the students with the textbook in her/his arms waiting for them to read aloud by turns. Now the practitioner can select a varied media to attract students' attention. The modern communicatively approach teaching prepares pupils to use foreign languages in real-life conditions. Use of interactive multimedia technologies in communicative teaching foreign language considerably raises quality of giving material of a lesson and efficiency of mastering of this material by pupils. As practice shows, use and introduction of modern technologies, the multimedia equipment enriches the maintenance of educational process, raises motivation of pupils to learn English language and at the same time close cooperation between teacher and pupils is achieved. Multimedia technologies mean use of such audio-visual and interactive tutorials as:

1) *Software (multimedia disks, presentations, audio and video clips. resources of the Internet);*

2) *Hardware (personal computer (PC), audio - video - equipment, multimedia projector, interactive board or smart board). [1]*

Teacher can use lesson plans created independently, for example, on PowerPoint presentation. This program is convenient and in performing creative design works by pupils with the subsequent demonstration to a class. Advantages of design work are already known for a long time and are used as a technique of teaching various school subjects, including foreign languages. Children are involved in creative research process, as all projects are the individual-focused kind of work and as they write about themselves, their family, their house, and hobbies. By preparation of projects they study themes interesting to write, rummage in directories, talk to other people, search for photos and drawings even

do audio and video recordings independently. At the same time they inform and show others about themselves and associate the world in English, they discover the value of English language as language of the international communication for themselves. Performance and presentation of projects gives possibility to children with different level of language to act and express their ideas, opinions on a certain theme that promotes development of informative activity, imagination, self-discipline, skills of joint activity. [3]

For today the most universal mean of training are electronic interactive boards, for example SMART Board. Electronic interactive board is an effective way of introduction of the electronic maintenance of a teaching material and multimedia materials in teaching process. The lesson material accurately appears on a screen of an interactive board and aims each child to show fruitful activity. Thematic texts in English prepared in advance, training and verifying exercises, colourful pictures of various character, a material of English-speaking multimedia disks, audio - video data serve for introduction or activization of a material of a lesson, repetition or fastening of lexical units and grammatical structure of language, the control and self-checking of knowledge.

Interactive board allows to work without use of keyboard, "mouse" and computer monitor. All necessary actions can be made directly on the screen by means of a special marker or even a finger.

Together with interactive SMART Board there software called SMART Notebook is delivered. It allows creating records which can include various types of information (texts, videos, schemes, tables, signs and drawings). The Software possesses such possibilities:

1) In explaining a grammatical material (for example: drawing up various types of sentences) helps to allocate use of multi-coloured pencils to highlight main things, to direct attention to the use of the necessary form of a notional verb and a site auxiliary in the offer.

2) It is possible to embody ways of thought on the screen, to fix an operating procedure, and, if necessary, there is a possibility to return to the beginning of a statement or more difficult aspect of a material of a lesson (for example: a theme «the Difference in use and formation of tenses “Simple” and “Progressive”).

3) Function “drag and drop” allows to move pictures and words, performance of tasks of type: “pick up a pair”, “make a combination”, “correlate” (unlike presentations of PowerPoint where all objects take places on places during creation, further arbitrarily cannot be changed).

4) All material of the spent lesson with an interactive board can be kept in record and the teacher does not have necessity to write and create all anew. [2].

In the program, there is a big collection of ready thematic pictures that also can be used at lessons of introduction, fastenings, activization and the control of all kinds of speech activity of the trained.

A variety of styles and dialogue and training at a lesson use of multimedia interactive technologies – all it enriches the lesson maintenance, accelerates its carrying out, raises interest to learn English language.

## MULTIMEDIA IN TEACHING LANGUAGES

*M.A. Jumamuratova (assistant, Nukus branch TUIT named after Muhammad Al-Khwarizmi)*

In recent years *with the development of media and computer technology, educators have begun to make use of multi-media and technology to improve their teaching including language learning.* This is particularly true in such English-speaking countries as Australia, USA, Canada, and the United Kingdom. The vast majority of the published research on the effectiveness of media and technology in language instruction is encouraging. Among other benefits, new technologies present opportunities to accomplish multiple instructional goals (e.g., integrated language skills, critical thinking, and cooperative skills). They may also be responsive to different learning styles (e.g., auditory, visual, tactile). The practice of incorporating multi-media and computer technology into language instruction opens up a new horizon for EFL instructors to improve the overall quality of language instruction.

*Multimedia is the integration of more than one medium into some form of communication or experience delivered via a computer.* Most often, multimedia refers to a computer-assisted technology that integrates media such as text, sound, graphics, animation, video, imaging, and spatial modelling into a computer system.

According to Jonassen & Reeves, there are two major approaches to using media and technology in schools: students learn "from" media and technology, and they learn "with" media and technology. Learning "from" media and technology is often referred to computer-assisted instruction (CAI). The instructional process usually involves exposing students to messages encoded in the media and delivered by technology with the assumption that they can perceive and encode these messages better than that with only print form. This provides quick feedback to responses as well. The findings concerning the impact of CAI in education can be summed up as: 1) Computers have positive effects on learning and are more motivating for students. 2) CAI can fulfil a given set of educational objectives in less time than needed in traditional approaches [2].

Overall, the benefits of using multimedia technology for teaching and learning purposes are multifaceted. Multimedia provides instructional variation and will stimulate more than one sense at a time (eyes, ears, the brain), and in doing so, CAI will be more attention getting and attention holding. Meanwhile, it reduces the time needed to accomplish a given set of objectives. In one word, it is a powerful tool for language teachers.

As for learning "with" technology, it is referred to in terms such as cognitive tools and constructivist learning environments. In the broadest sense, cognitive tools refer to technologies, tangible or intangible, that enhance the cognitive powers of human beings during thinking, problem solving, and learning. For example, today, computer software programs serve as exceptionally powerful cognitive tools. In the cognitive tools approach, media and technology are given directly to learners to use for representing and expressing what they know. In other

words, learners learn language by designing instruction on their own with the help of software and computer technology. In doing so, learners are fully involved in the learning process.

As a result, they tend to learn more about the content and develop their critical thinking and higher level learning ability. The cognitive rationale behind this approach is the Constructivist Learning theory. According to constructivism, a teacher cannot map his/her own interpretations of the world onto the learners because they do not share a set of common experiences and interpretations with learners. Cognitive tools help learners organize, restructure, and represent what they know. As Perkins maintains, [1] knowledge is a process of design and not something to be transmitted from teacher to student. Thus, students should be engaged in designing their own multimedia. The process requires learners to transform information into dimensional representations, determine what is important and what is not, link the information segments by semantic relationships, and decide how to represent ideas.

This is a highly motivating process. One of examples is a study on The Highly Interactive Computing Environments Group at the University of Michigan, who has developed a multimedia composition tool called Media Text. In addition, the results of this research are encouraging. Such learning environment helps rid language learners' nervousness, which they usually have in a traditional class, bringing their initiative into full play.

In conclusion, we can mention that fifty years of educational research indicates that media and technology are effective in language learning. Both learning "with" and learning "from" increase their performance.

## **МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ГЕОГРАФИЯ ФАНИДАН ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК ЯРАТИШ**

*М.Ж. Пирназарова (ассистент, Муҳаммад аль-Хоразмий номидаги ТАТУ НФ)  
А.Мамутова (талаба, Муҳаммад аль-Хоразмий номидаги ТАТУ НФ)*


Ҳозирги вақтда инсон фаолиятининг барча ўринларида замонавий ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланиш, асосан веб технологиянинг самарадолигини ошириш, ўқув–методик қўлланмалар ва уларнинг мультимедиали қўлланмаларидан фойдаланиш ҳажми қандай бўлишига, ҳамда бу технологиялар ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошишида қандай роль ўйнашига боғлиқ. Илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқитишнинг аниқ шакллари ва медиатеchnологияларидан фойдаланиш имконияларини таклиф қилишга хизмат қилади.

Электрон дарсликларга ҳозирги вақтда матн, овоз, мусиқа, видео ва бошқа интернет тармоғи имкониятлари кўшилиб борилмоқда.

Мақсад ўрта мактабнинг 7 – синфида ўтиладиган география фанидан қорақалпоқ тилида электрон дарслик ишлаб чиқиш.

География фанидан мультимедиали электрон дарслик яратиш учун HTML, CSS, Javascript, Macromedia Dreamweaver8 ва Adobe Captivate технологияларидан фойдаланамиз.


Macromedia Dreamweaver8 дастурининг Document панелида ҳужжат қандай кўринишда ойнага чиқариш режимини танлаб оламиз. Бунда 3 режим бўлади: Design view - браузерда веб ҳужжат кўриниши, Code view – ҳужжатнинг HTML кодини кўрсатиш, Design and Code view - экран иккига бўлиниб, ярмида ҳужжатнинг дизайни, қолган ярмида коди кўрсатилади. Design view режимда ҳужжат WYSIWYG (ёки нима кўрган бўлсанг шуни оласан) тамойилида Windows дастурларида ҳужжат таёрлагандек ишлаймиз. Биз “Design view” бўлимини танлаб, илованинг бош саҳифасига илова номини ва илова мазмунини киритамиз. Кейин илова мазмунига гиперҳавола киритамиз ва шу ҳужжат мавзусига кирувчи URL адрес кўрсатамиз.



Шу веб–муҳаррир дастури ёрдамида ишланаётган иловага фойдаланувчи учун қўлай дизайн берамиз.

География фанидан ишланаётган электрон дарсликнинг асосий файллари \*.html форматда яратилган эди. Қўшимча тарзда, ёрдамчи файллар ихтиёрий форматда бажарилиши мумкин—аудио, видео файллар ва бошқалар, расм \*.jpg ёки \*.gif форматларда бажарилади. Барча маълумотлар таълим бериш ўринлари серверига жойлаштирилган ва электрон маълумот ташувчиларга ёзилади. Электрон дарслик Internet Explorer ва Google Chrome сингари браузерларнинг асосий турлари билан мос равишда ишланиши керак.

Албатта, Macromedia Dreamweaver8 дастурида таёрланган веб ҳужжат сақлангандан кейин уни браузерда очиб текшираамиз (агар браузер очилган бўлса “обновить” – янгилаш тугмасини босиш мақсадга мувофиқ бўлади).



1 – расм. Электрон дарсликнинг бош саҳифаси.




2–расм. Электрон дарсликнинг мавзулар ойнаси



Шунингдек, ушбу электрон дарсликга қўшимча равишда Adobe Captivate дастурий воситасининг ёрдамида “Geography-media teaching aids” атамасидаги мультимедиали қўлланма ҳам ишлаб чиқилди.



Бунда фойдаланувчига қулай интерфейс яратилган бўлиб, Next тугмаси орқали кейинги мавзуга ўтилади. Ҳар бир мавзуга маърузалар анимацияли кўринишлар билан бир қаторда фойдаланувчи учун маъруза матнлари овозли ахборот шаклида акслантирилган. Бу ўз навбатида фойдаланувчи учун маъруза матнларини ўқимасдан, қулоғи билан эшитиб маълумот олиш имкониятини яратади, яъни бу ҳолат имконияти чекланган ўқувчилар учун қўлайлик яратади.



Бу электрон дарсликни яратишда қўйидагилар ҳисобга олинди:

- қаралаётган дарснинг мақсади, бу қайси соҳага оид ва унинг таркиби нимадан иборат эканлиги;
- дарснинг аҳамияти, бу борада таълим олишни тамомлагандан сўнг, фойдаланувчи эга бўладиган билим доираси;
- дарснинг бошқа фанлар ёки дасрлар билан боғлиқлиги;
- маълумотларни эгаллаш, фойдаланувчи электрон дарсликнинг фан доирасида маълумотларини тўлиқ ўзлаштириши;
- яратилаётган дарслик учун асосий маълумотлар манбасини аниқлаб олиш;
- электрон дарсликда маълумотлар кетма – кетлиги сақланиб, улар орасидаги ўзвий боғлиқлик бир – бирини тўлқитириб боради;
- керак вақтда керакли саҳифага ўтиш имконияти;
- дасрликга олдин тажрибадан ўтган, яъни йиллар давомида муаллифлар томонидан олиб борилган маърузалар натижасида ёзилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда яратилиши;
- таълим олиш жараёнида пайдо бўлган билимни мустаҳкамлаш учун мавзуга доир саволлар берилади.

Ушбу электрон дарсликни яратишда қўйидаги вазифалар амалга оширилади:

1. Электрон дарслик ишлаб чиқишни ўрганиш;
2. Дастурий таъминотнинг тузилмасини ишлаб чиқиш;
3. Дастурий таъминотни яратиш;
4. Дастурий таъминот ҳақидаги кўрсатмани яратиш;
5. Дастурий таъминотни жорий этиш.

Таклиф қилинган маълумотлар янги шаклда, электрон дарсликда дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда акслантирилди. Электрон дарсликнинг биринчи шакли мультимедиали кўринишда ишлаб чиқилди. Ушбу электрон дарслик мактаб ўқувчилари учун қулай, тушунарли ва самарали илова сифатида қулланилади деб ўйлаймиз.

## **АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МУҲИТИДА ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*Н.Т. Вахабова (Тошкент солиқ коллежи кафедра бош ўқитувчиси)  
О.У. Асқаралиев (ассистант, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

Кейинги йилларда мамлакатимиз тарафидан таълим жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенгроқ жорий қилиш ва ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сонли “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бунга яққол мисол бўла олади.

Профессионал педагогик фаолиятни модернизация қилиш ахборотлашган жамиятни такомиллаштириш борасидаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Мавжуд интернет-технологиялар педагоглар учун зарур ахборотларни турли хилдаги сайтлардан тезда қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатиш имкониятидан ташқари, бир-бирлари билан фаол равишда компьютер тармоқлари ёрдамида ўзаро ижодий ҳамкорлик қилиш шароитларини ҳам яратиб бермоқда. Бу ҳамкорликни электрон почта, Web-анжуманлар, форумлар, чатлар ҳамда юқори технологиялар воситасида амалга оширишни такомиллаштириш педагогик жараёнларда ўзининг ижобий самарасини беради. Шунинг учун Республикамиз таълим тизимида «Педагогик уюшма» тармоқларини яратиш, тизимда янги ахборот технологияларини қўллаш жараёнларини тезлаштириб унинг самарали бўлишига ёрдам беради.

Фикримизча, буни амалга ошириш Республикамиздаги етакчи педагогларнинг интернет ҳамкорлигидан иборат бўлиши керак ва уни «Педагоглар тармоғи» портали деб аташ мақсадга мувофиқ бўларди.

Бунинг учун қуйидаги муаммолар ўз ечимини топиши керак:

Биринчидан, ўқув жараёни шаклини тубдан ўзгартириш ва унда педагог ролига алоҳида аҳамият бериш керак. Бунда таълим жараёнининг шакли ва усуллари тўлиқ равишда ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида амалга оширилиши шарт. Шу жараёнларга мос педагогларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зарур. Чунки ҳозирги авлод юксак технологиялар муҳитида тарбия топиб, ўқиш, ёзишни билмасдан туриб, замонавий турдаги смартфонлардан, планшетлардан, турли хилдаги гаджетлардан фойдаланиб, интернетда ишлашни билладилар.

Шунинг учун ўқувчининг саволига педагогнинг биргина жавоби бўлмасдан, уни қониқтириш учун бу жавоблар сонининг варианты бир неча хил бўлиши керак. Ўз навбатида бу масалани фақат биргина педагогнинг ўзи ҳал қилиши мураккаб бўлиб, бунинг учун етук педагоглар жамоасини шакллантириш зарурияти туғилади. Бу эса фақат «Интернет тармоғи» ёрдамида амалга оширишни талаб қилади. Педагогларнинг портал тармоғидаги ўзаро ҳамкорлиги дарс бериш жараёнини ижобий услубий жиҳатларини оммалаштириб,

Ўқитувчилар мастер класслари қайта тайёрлаш жараёнлари фаоллашади. Бу билан давлатнинг юқоридаги ишларга сарфланадиган харажатлари бир мунча қисқаради. Маълумки педагогик жараёнларда аёллар ҳамда нафақадаги педагоглар ҳам фаол иштирок этиб келишмоқда. «Маҳоратли педагоглар» портали эса уларга ишга келмасдан туриб, ўз таътиллари (аёллар бола парвариши вақтида, нафақадагилар уй шароити) давомида уйдан туриб ўзининг амалий ва услубий жиҳатдан профессионал малакаларини оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, боғча, мактаб, лицей, коллеж, Олий таълим муассалари ва бошқа ташкилотларда ахборот-коммуникация технологияларининг сифатини ошириш омили ҳам муҳим ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки ахборот-коммуникация технологияларига эътибор кучли бўлган ташкилотларда, ходимларнинг компьютер саводхонлигига бўлган қизиқиши кучли бўлмоқда. Энг муҳими педагогнинг билим даражаси қанча кучли бўлса, у шунчалик даражада ахборот-коммуникация технологиялари ва юқори технологиялардан фойдаланиш соҳасидаги ўз билим сегментини кенгайтиришга ҳаракат қилади.

Учинчидан, «Маҳоратли педагоглар» порталини шакллантириш, авваламбор ташкилотнинг локал(коорпоратив) тармоғидан бошланса мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда:

-ижодий педагоглар ташкилот аҳамиятига эга бўлган зарурий муаммоларни ечадилар;

-илмий услубий масалаларни ечишда ўз тажрибалари орқали ҳамкорлик қилдилар;

-ўқувчи ва талабалар ўртасида мастер класслар, турли конкурслар, олимпиадалар ва фестиваллар ўтказишни ташкил қилдилар.

Хулоса қилиб айтганда, «Маҳоратли педагоглар» порталини шакллантириш ва уни такомиллаштириш, ундаги фаол иштирокчи

педагоглар сони ва сифатига, муҳокама қилинадиган мавзуларнинг турли туманлиги ва уларни янгиланиш ҳолатига боғлиқдир. Ушбу портални мунтазам такомиллаштириб бориш ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида педагогик фаолиятга янгича ёндашиш муаммоларини ҳал этади ва жамиятни янги цивилизацияси бўлмиш ахборотлашган асрга етаклайди.

## **ЭЛЕКТРОННАЯ РАБОЧАЯ ТЕТРАДЬ КАК СРЕДСТВО РЕАЛИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТНОГО ПОДХОДА ПРИ ИЗУЧЕНИИ ИНФОРМАТИКИ В БАЗОВОМ КУРСЕ**

*Ш.Н Носирова (к.т.н., доцент, НГПИ)  
М.А Махмудова (ст. преподаватель, НГПИ)*

*Электронная тетрадь* — это компьютерная программа, содержащая интересные задания различных типов и уровней сложности с самопроверкой.

Скорее всего, вы уже пользовались печатными тетрадями для учащихся, где они могли записывать ответы, соединять, закрашивать и выполнять другие действия, работая над заданиями. В электронной тетради у ученика намного больше возможностей и всё более ярко, красиво и точно.

Учёт работы поможет учителю автоматически проверять все ответы и оценить результативность ученика. Посмотрите видео, в котором коротко показываются основные принципы работы с ЭТ.

*Объект исследования:* деятельностный подход в условиях современного образования.

*Предмет исследования:* электронная рабочая тетрадь как дидактическое средство, направленное на реализацию деятельностного подхода.

*Гипотеза исследования:* предполагаем, что использование деятельностного подхода на основе применения электронной рабочей тетради при обучении информатике способствует повышению мотивации обучения и самооценки обучающихся.

*Задачи исследования:*

- ✓ Изучить и проанализировать педагогическую и методическую литературу по теме исследования;
- ✓ Выявить особенности деятельностного подхода при обучении информатике;
- ✓ Определить и описать способы и приёмы использования электронной рабочей тетради.

*Педагогическая технология* - совокупность, специальный набор форм, методов, способов, приемов обучения и воспитательных средств, системно используемых в образовательном процессе, на основе декларируемых психолого-педагогических установок

*Деятельностный подход* – процесс деятельности человека, направленный на становление его создания и его личности в целом.

*Информационно-развивающий метод основан на следующих принципах:*

- Диалектического единства эмпирического и теоретического уровней познания;
- Высокий научно-теоретический уровень изложения учебного материала;
- Обучение на основе умственных действий адекватных содержанию обучения;
- Перенос центров тяжести с обучения отдельных факторов на усвоение общих знаний;
- Осуществление, где возможно, опережающего обучения;
- Обучение большими блоками;
- Исследовательский характер учебной деятельности;
- Высокий темп обучения;
- Общение учителя и учащихся на основе общего целеполагания.

*Деятельностный метод основан на следующих принципах:*

- Принцип деятельности;
- Принцип непрерывности;
- Принцип целостного представления о мире;
- Принцип психологической комфортности;
- Принцип вариативности;
- Принцип творчества.

*Рабочая тетрадь* — разновидность учебного пособия с заданиями для самостоятельной работы в ней учащегося, помогающей ему усваивать учебный предмет.

*Рабочие тетради должны отвечать следующим требованиям:*

- Полнота — наличие задач на освоение всех изучаемых понятий, фактов, формирование приемов творческой деятельности;
- Связность всех блоков информации на листах рабочей тетради;
- Целевая достаточность — достаточно задач закрепления методов решения, если они обладают свойством переноса на другие задачи;
- Психологическая комфортность обучаемых при работе с рабочей тетрадью. Учащиеся имеют возможность заниматься самообразованием в индивидуальном темпе, проводить самоконтроль.

*Функции электронной рабочей тетради в учебном процессе:*

- Обучающая предполагается формирование у учащихся необходимых знаний и умений;
- Развивающая. Рабочая тетрадь способствует развитию устойчивому вниманию на уроке.
- Воспитывающая. Воспитание аккуратности в ведении конспекта;
- Формирующая. Рабочая тетрадь формирует у обучаемых навыки самоконтроля
- Рациональная организация учебного времени и учебной работы обучаемых.
- Контролирующая. Рабочая тетрадь может быть использована для контроля знаний и умений учащихся

Электронная рабочая тетрадь призвана быть дополнением к основному учебному материалу. Поэтому она не заменит школьный учебник. Это дидактический материал к нему. Рабочая тетрадь разрабатывается в полном соответствии с современными школьными программами.

*Использование электронных учебных пособий в образовательном процессе позволяет:*

- Более углубленно изучить материал;
- Ознакомиться более подробно с интересующими или трудными темами;
- Наглядно продемонстрировать теоретическую информацию.

## **INTERFAOL METODLARNI QO‘LLASHNING AHAMIYATI**

*SH.N. Nosirova (dotsent, Navoiy davlat pedagogika institut)*

*M.X. Xoliqov (Navoiy shahridagi № 8 maktab)*

Mamlakatimizda ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy, madaniy sohalarda bo‘layotgan tezkor o‘zgarishlar ta‘lim tizimini ham tubdan isloh qilishni taqozo etmoqda, chunki mukammal ta‘lim tizimi orqali Respublikamizning kelajak intellektual imkoniyatlarini va uni gullab yashnashi hamda rivojlanishini belgilab beruvchi yoshlarni har tomonlama ijodkor, mustaqil faoliyat yuritadigan qilib tarbiyalashda asosiy omil bo‘lib xizmat qiladi. Shuning uchun ta‘limda eng muhim strategik yo‘nalish ta‘lim muassasalarining innovatsion faoliyati hisoblanadi. Bu esa barcha ta‘lim muassasalarida, ayniqsa ijodkor, yuqori bilimga ega bo‘lgan, salohiyatli mutaxassis kadrlarni tayyorlovchi oliy ta‘lim maskanlarida innovatsion texnologiya ko‘rinishida faoliyat olib borish dolzarb masalalardan biri bo‘lib kelgan.

Ta‘limning samaradorligini oshirish o‘z o‘rnida yoshlarning ta‘lim markazida bo‘lishini va ularning mustaqil bilim olishlarini ta‘minlashga xizmat qiladi. Bu yo‘lda ta‘lim muassasalariga yaxshi tayyorgarlik ko‘rgan va o‘z sohasidagi bilimlarni mustahkam egallagan kadrlar talab etilishi bilan bir qatorda ularning zamonaviy pedagogik texnologiyalarni va interfaol usullarni biladigan, ulardan o‘quv va tarbiyaviy mashg‘ulotlarni tashkil etishda foydalana oladigan mutaxassislar zarur. Buning uchun barcha fan o‘qituvchilarini yangi pedagogik texnologiyalar va interfaol usullar bilan qurollantirish va olgan bilimlarini o‘quv-tarbiyaviy mashg‘ulotlarda qo‘llash malakalarini uzluksiz oshirib borish keng yo‘lga qo‘yilmoqda.

Interfaol metod – ta‘lim jarayonida o‘quvchilar xamda o‘qituvchi o‘rtasidagi faollikni oshirish orqali o‘quvchilar bilimlarini o‘zlashtirishini faollashtirish, shaxsiy sifatlarini rivojlantirishga xizmat qiladi.

"Интерактив" (interfaol)- inglizcha so‘z bo‘lib, "interact" -"inter" -bu o‘zaro, "act" -bu "harakat qilmoq" ma‘nosini anglatadi. Umumlashtirganda esa "Интерактив" (interfaol) –"o‘zaro harakat qilmoq" ma‘nosini anglatadi. Interfaol ta‘lim bu:

- ✓ doimiy muloqotga asoslangan metodlar tizimi;
- ✓ strategiya va metodologiya;

✓ birgalikdagi o'qish va faol ishtirok etishdir.

Interfaol ta'limning asosiy mezonlari: norasmiy bahs-munozaralar o'tkazish, o'quv materialini erkin bayon etish va ifodalash imkoniyati, ma'ruzalar soni kamligi, lekin seminarlar soni ko'pligi, o'quvchilar tashabbus ko'rsatishlariga imkoniyatlar yaratilishi, kichik guruh, katta guruh, sinf jamoasi bo'lib ishlash uchun topshiriqlar berish, yozma ishlar bajarish va boshqa metodlardan iborat bo'lib, ular ta'lim-tarbiyaviy ishlar samaradorligini oshirishda o'ziga xos ahamiyatga ega. Interfaol ta'lim usuli–har bir o'qituvchi tomonidan mavjud vositalar va o'z imkoniyatlari darajasida amalga oshiriladi.

Interfaol mashg'ulotlarni amalda qo'llash bo'yicha ayrim tajribalarni o'rganish asosida bu mashg'ulotlarning sifat va samaradorligini oshirishga ta'sir etuvchi omillarni ko'rsatishimiz mumkin. Ularni shartli ravishda tashkiliy - pedagogik, ilmiy metodik hamda o'qituvchiga, o'quvchilarga, ta'lim vositalariga bog'liq omillar deb atash mumkin. Ular o'z mohiyatiga ko'ra ijobiy yoki salbiy ta'sir ko'rsatishini nazarda tutishimiz lozim.

Tashkiliy-pedagogik omillarga quyidagilar kiradi:

- o'qituvchilarga interfaol usullarni o'rgatishni tashkil etish;
- ma'ruzachi hamda ishtirokchilarning ish joyi qulay bo'lishini ta'minlash;
- o'qituvchilarga interfaol usullarni qo'llaslari uchun zamonaviy texnika vositalarining mavjudligi;
- o'qituvchilardan interfaol mashg'ulotlar olib boruvchi trenerlar guruhini tayyorlash;
- o'quv xonasida interfaol mashg'ulot uchun zarur sharoitlarni yaratish;
- sanitariya-gigiena me'yorlari buzilishining oldini olish;
- xavfsizlik qoidalariga rioya qilishni ta'minlash;
- davomat va intizomni saqlash.

Interfaol mashg'ulotlar o'ziga xos tashkiliy tuzilishga ega bo'lib, uni tashkil qilish va olib borish bo'yicha faoliyat turlari alohida ajratilgan va har biri bo'yicha alohida vazifalar belgilangan. Bunda bir mashg'ulot jarayonida mashg'ulotni olib boruvchi bir vaqtda ushbu vazifalarni bajarishi ko'zda tutiladi. Shu bilan birga bir mashg'ulotni ikki yoki uch pedagog yoki yordamchilar birgalikda olib borishi ham qo'llaniladi. Ular bajaradigan vazifalariga ko'ra moderator, trener, t'yutor, konsultant, lektor, ekspert, innovator va metodist deb nomlanadilar.

O'qituvchi darsning loyihasini ishlab chiqib, topshiriqlarni ketma-ket bir butunlikda amalga oshirishi kerak. Zamonaviy ta'limni tashkil etishga qo'yiladigan muhim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir. Qisqa vaqt orasida muayyan nazariy bilimlarni o'quvchilarga etkazib berish, ularda ma'lum faoliyat yuzasidan ko'nikma va malakalarni hosil qilish, shuningdek, o'quvchilar faoliyatini nazorat qilish, ular tomonidan egallangan bilim, ko'nikma hamda malakalar darajasini baholash o'qituvchidan yuksak pedagogik mahorat hamda ta'lim jarayoniga nisbatan yangicha yondashuvni talab etadi.

Pedagogik texnologiya o'z mohiyatiga ko'ra sub'ektiv xususiyatga ega, ya'ni har bir pedagog ta'lim va tarbiya jarayonini o'z imkoniyati, kasbiy mahoratidan kelib chiqqan holda ijodiy tashkil etishi lozim.

Xulosa qilib aytish mumkinki, interfaol ta'lim bir vaqtda bir nechta masalani hal etish imkonini beradi, hamda ta'limning samaradorligini oshirishga, yoshlarning mustaqil bilim olishlarini ta'minlashga xizmat qiladi. Bulardan asosiysi-o'quvchilarning muloqot olib borish bo'yicha ko'nikma va malakalarini rivojlantiradi, o'quvchilar orasida emotsional aloqalar o'rnatilishiga yordam beradi, ularni jamoa tarkibida ishlashga, o'z o'rtoqlarining fikrini tinglashga o'rgatish orqali tarbiyaviy vazifalarning bajarilishini ta'minlaydi.

## **ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА В УЗБЕКСКИХ ГРУППАХ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ И ПРАКТИЧЕСКИЕ РЕЗУЛЬТАТЫ**

*Т. Ташкенбаев (преп., ТИПСЭАД)*

Современное опережающее образование немислимо без широко-масштабного изучения и глобального использования в обучении компьютерной техники и компьютерных информационных сетей. Информационная насыщенность современного общества, его функциональность на достойном уровне сегодня предполагают такие скорости движения информации, которые могут обеспечить только компьютерные сети, интегрированные в глобальное информационное пространство.

Повсеместная компьютеризация всех сфер человеческой деятельности ставит перед высшим образованием вопрос об организации эффективного массового обучения квалифицированных пользователей не зависимо от конечной профессиональной ориентации будущих специалистов<sup>17</sup>. Сегодня умение использовать в своей предметной области средства вычислительной техники и телекоммуникаций следует рассматривать как критерий общей грамотности, сопоставимый на сегодняшний день с традиционной трактовкой данного понятия - как умения читать, писать и считать.

Использование информационно-компьютерных технологий открывает для преподавателя новые возможности в преподавании предмета, т.к. используя ИТК на занятиях русского языка в узбекских группах мы сталкиваемся с новыми формами и методами преподавания, а также ищем новые подходы и стили к процессу обучения.

Изучение русского языка в узбекских группах с использованием ИКТ дает студентам возможность принимать участие в тестировании, в викторинах, конкурсах, олимпиадах, проводимых по сети Интернет, переписываться со сверстниками из других стран, участвовать в чатах,

---

<sup>17</sup> Эйхельбаум де Бабини А.М. Сходства и различия в развитии современных моделей образования // Перспективы: вопросы образования. Париж: ЮНЕСКО, 2002. N4. С.51, 53.



видеоконференциях и т.д. Студенты могут получать любую информацию по проблеме, над которой они работают, а именно: лингво-технический материал, новости из истории новых автомобилей, статьи из газет и журналов об автомобилях, необходимую литературу и т.д. Классические и интегрированные занятия в сопровождении мультимедийных презентаций, on-line тестов и программных продуктов позволяют студентам углубить знания, полученные ранее.

Бурное развитие телекоммуникационных технологий, в частности сети Интернет, и мультимедиа в последние годы не только способствовало появлению повышенного интереса к использованию компьютеров в учебном процессе, но и обусловило появление системы образования нового поколения - компьютерного образования с использованием Интернет ресурсов, возможности, которой огромны. Глобальная сеть Интернет создаёт условия для получения любой необходимой информации, находящейся в любой точке земного шара: новости, технический материал, зарубежную литературу т.д. На занятиях русского языка Интернет помогает решить целый ряд дидактических задач: сформировать навыки и умения чтения, используя материалы глобальной сети; совершенствовать умения письменной речи студентов; пополнять словарный запас студентов; формировать у студентов устойчивую мотивацию к изучению русского языка. Кроме того, работа направлена на изучение возможностей Интернет-технологий для расширения кругозора, налаживать и поддерживать деловые связи и контакты со своими сверстниками в русскоговорящих странах.

Применение современных технологий в образовании создает благоприятные условия для формирования личности студентов и отвечает запросам современного общества.

Используя информационные ресурсы сети Интернет, можно, интегрируя их в учебный процесс, более эффективно решать целый ряд дидактических задач на уроке русского языка:

а) формировать навыки и умения чтения, непосредственно используя материалы сети разной степени сложности;

б) совершенствовать умения аудирования на основе аутентичных звуковых текстов сети Интернет, также соответственно подготовленных преподавателем;

в) совершенствовать умения монологического и диалогического высказывания на основе проблемного обсуждения, представленных преподавателем или кем-то из студентов, материалов сети;

г) совершенствовать умения письменной речи, индивидуально или письменно составляя ответы партнерам, участвуя в подготовке рефератов, сочинений, других эпистолярных продуктов совместной деятельности партнеров.

Тем самым, однозначно, что в современном мире невозможно обходиться без компьютера. Интернет заменяет телевидение, общение по телефону, личное общение с друзьями и родственниками, походы в

кинотеатр, библиотеку, походы за покупками в магазин, письма и многое другое. Но в данном факте есть и положительная сторона: способность общаться людям с ограниченными возможностями, поиск информации, дистанционное обучение и др<sup>18</sup>. Так как мы живем здесь и сейчас, то мы должны уметь использовать положительные возможности компьютерной эры. Одним из способов является применение информационно-коммуникационных технологий на занятиях русского языка.

Особенностью образовательного процесса с использованием информационных технологий обучения является алгоритмизация самостоятельной деятельности студентов, способствующая активизации учебного процесса, большая степень интерактивности - наличие оперативной обратной связи. На основе этого возможна индивидуализация и дифференциация учебного процесса<sup>19</sup>. Это целесообразно использовать при изучении грамматических правил. Студенты продвинутого уровня выходят на самостоятельную творческую деятельность (создание памяток, проектов, подготовка сообщений с использованием Интернет-ресурсов), в то время как остальные с помощью тренажеров могут закрепить необходимый минимум.

Подводя итог к вышесказанному, стоит еще раз отметить, что использование информационно-коммуникационных средств на занятии грамматики возможно при изучении практически любой темы и на любом этапе занятия. При правильном расположении, удачном цветовом оформлении, использовании схем и таблиц, голосовом сопровождении материал будет восприниматься легче и быстрее студентами узбекских групп. На основе тестовых программ и оказания справочно-информационной поддержки можно интереснее провести контроль уровня сформированности грамматических навыков. Также глобальное образование можно определить как одно из направлений развития современной педагогической теории и практики, основывающееся на необходимости подготовки человека к жизни в условиях быстро меняющегося, все более интегрируемого мира, нарастающих глобальных проблем и кризисов.

Научный подход к решению проблем глобализации и информатизации образования ставит ближайшей целью задачу овладения обучающимися комплексом знаний, навыков, умений, выработки таких качеств личности, которые смогли бы обеспечить успешное выполнение задач профессиональной деятельности и комфортное существование в условиях информационного общества.

---

<sup>18</sup> Теория и практика психологического образования педагога». Е.И.Исаев // Психологический журнал, № XI–XII, 2000, с. 22-34.

<sup>19</sup> Купцов О.В. Непрерывное образование его структура. // Высшее образование в Европе. Том XVI. N1, 2001. С.29-30.

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*З.Т. Рахимов (п.ф.б.фан.доктори, ҚММИ)*

Глобал ахборотлашув шароитида шахсни ҳар томонлама камол топтиришда таълимнинг аҳамияти ҳар қачонгидан ортиб бормоқда. Бинобарин, ахборотларнинг улкан ва шиддатли оқими ҳали улар билан самарали, оқилона ишлаш малакаларига эга бўлган ёшлар дунёқарашида шахс маданияти, маънавияти ва етуклигини ифодаловчи, асрлар давомида инсониятнинг интеллектуал бойлиги сифатида қадрланиб келинган ғояларга зид тушунчаларни қарашларни қарор топтирадиган таъсир кучига эга.

Замонавий таълимнинг анънавий ўқитишдан энг муҳим фарқли жиҳати унинг такомиллашганлиги, илғор техник воситалар ва технологиялар билан қуролланганлигидир. Кишилиқ жамияти тарихий тараққиётининг турли босқичларида ижтимоий ривожланиш билан ўзаро уйғун равишда такомиллашиб бораётган таълим тизими глобал ахборотлашув жараёнининг айрим салбий таъсирларини бартараф эта олиш имкониятини ўзида намоён эта олади.

Маълумки, таълим тизими тараққиётнинг барча даврларида ҳам ижтимоий буюртмани бажаришга хизмат қилади. Бугун жамият томонидан таълим тизими олдида қўйилаётган ижтимоий талаб ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказишдир. Шахснинг ҳар томонлама, баркамол бўлиб камолга етиши унинг нафақат жисмоний, балки ақлий, ахлоқий, руҳий ва ҳиссий ривожланиши билан белгиланади. Замонавий таълим шахсни жисмоний, ақлий, ахлоқий, руҳий ва ҳиссий ривожланишини таъминлаш борасида бой тажрибага эга.

Қолаверса, таълим тизимининг узлуксиз амалга оширилаётган изланишлар, изчил олиб борилаётган педагогик, психологик ва социологик тадқиқотларнинг натижаларига кўра шаклланган илғор ғоя, қараш, назария ва таълимотлардан иборат улкан захираси глобал ахборотлашув ҳамда шахс онгини “забт” этишга уринаётган мафкуравий курашлар жараёнида ҳам олий умумбашарий, миллий ғоялар руҳида тарбиялаш, кескин рақобатга асосланган меҳнат бозори учун малакали мутахассис этиб тайёрлаш имкониятига эга. Ана шундай имкониятлардан бири замонавий таълимнинг интерфаол методларга эгаллигидир. Интерфаол методлар ўз моҳияти ва дидактик имкониятларига кўра таълим олувчиларни ақлий, ахлоқий, руҳий ва ҳиссий ривожланишида юқори натижаларни қўлга киритишга ёрдам беради.

“Интерфаол” тушунчаси инглиз тилида “interact”(рус тилида “интерактив”) ифодаланиб, луғавий нуқтаи назардан “inter” – ўзаро, икки тарафлама, “act” – ҳаракат қилмоқ, иш кўрмоқ каби маъноларни англатса, *интерфаоллик* таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро

хамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликлари [2, 4]ни ифодалайди. Демак, *интерфаол методлар* – таълим жараёни иштирокчилари (ўқитувчи, таълим олувчилар, таълим олувчи) томонидан билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро хамкорликка асосланган ҳаракатнинг ташкил этилишини таъминловчи методлар саналади.

Интерфаол методлар таълим олувчиларни биргаликда, ўзаро хамкорлик асосида билим, кўникма, малака ва муайян сифатларни ўзлаштиришларини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга уларда ўқув-билиш фаоллигини кучайтириш имкониятига эгаллиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаоллиги улар томонидан ўқув ахборотларининг етарли даражада қабул қилиниши, ўқув материаллари мазмунини пухта ўзлаштирилиши (назарий машғулотлар чоғида), анланган маълумотларни қайта ишлаш, тизимлаштириш, амалда қўллаш олиш (амалий машғулотлар жараёнида) ҳамда ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни амалда намойиш этиш (синов ва назорат ишлари вақтида) борасидаги амалий ҳаракатларнинг алоҳида иштиёқ, шижоат, қизиқиш, жўшқинлик, фаоллик ва тезкорлик асосида ташкил этилишида намоён бўлади. Машғулотлар жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш ўқитувчининг рағбатлантириш, йўналтириш, назорат қилиш ва баҳолашга йўналтирилган ҳаракатлари таъсирида таълим олувчилар томонидан жуфтлик, кичик ёки катта гуруҳларда ўзаро хамкорлик, ҳамжиҳатлик асосида ўқув материалларини иштиёқ, шижоат, қизиқиш, жўшқинлик, фаоллик ва тезкорлик асосида ўзлаштирилишини англатади.

Қуйидаги мисоллар асосида интерфаол методларнинг таълим олувчиларда ўқув-билиш фаоллигини кучайтириш имкониятлари тўғрисида сўз юритилади.

1. *“Тўққизинчиси ортиқча” стратегияси.* Ушбу стратегия таълим олувчиларнинг мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларига эга бўлишларида алоҳида аҳамиятга эга. Уни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

1) ўрганилаётган мавзу моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган тушунчалар тизимини шакллантириш;

2) ҳосил бўлган тизимдан мавзуга тааллуқли бўлган саккизта ва тааллуқли бўлмаган битта тушунчанинг ўрин олишига эришиш;

3) таълим олувчиларга мавзуга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқлаш ва уни тизимдан чиқариш вазифасини топшириш;

4) таълим олувчиларни ўз ҳаракатлари моҳиятини шарҳлашга ундаш (мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчилардан тизимда сақланиб қолган тушунчаларга ҳам изоҳ бериб ўтиш, улар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни асослаш талаб қилинади).

2. “Венн диаграммаси” график органайзери. Ушбу график органайзери (1-расм) таълим олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади. График органайзери таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир [2, 19].

График органайзери моҳияти қуйидаги схемада акс этади:



1-расм. “Венн диаграммаси” график органайзери

Мисол: ўрта мактабларнинг 8-синфида “Одам ва унинг саломатлиги” фанини ўқитиш жараёнида ўқувчилар томонидан “Таянч-ҳаракатланиш ва нерв (асаб) тизимлари” мавзусида қуйидаги Венн диаграммаси шакллантирилиши мумкин:



3. “Кластер” график органайзери. “Кластер” (ғунча, тўплам, боғлам) график органайзери пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни ўқувчи (талаба)лар билан якка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

График органайзерида фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади: нима ўйланса, уни қоғозга ёзиб бориш; фикрнинг сифати ҳақида ўйламаслик, балки шунчаки ёзиб бориш; ёзувнинг орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор бермаслик; белгиланган вақт ниҳоясига етмагунча, ёзишдан тўхтамаслик; агар маълум муддатда ҳеч бир фикр келмаса, у ҳолда қоғозга бирор нарсани чизиш; бу ҳаракатни янги ғоя туғилгунча давом эттириш; асосий тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суриш, сўнгра билдирилган ғоялар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғлиқликни кўрсатиш.

Мисол: умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфида “Одам ва унинг саломатлиги” фанини ўқитиш жараёнида ўқувчилар томонидан “Нафас олиш” мавзусида қуйидаги (2-расм) кластер шакллантирилиши мумкин:



2-расм. “Кластер” график органайзери

Шундай қилиб, таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолликларини ривожлантиришда интерфаол методлар ўзига хос ўрин тутди. Интерфаол методлар ёрдамида талабалар ўқув материалларини фаол, қизиқарли, пухта ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Шу сабабли таълим жараёнида ҳар бир ўқув фанлари бўйича ташкил этиладиган машғулотларда интерфаол методлардан самарали, ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Интерактивные методы обучение взрослой аудитории / Для преподавателей курсов по ЧС и ГО. – Душанбе: Швейцарское управление по развитию и сотрудничеству SDC, 2007. – С. 4.
2. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Методик қўлл. Тузувчилар: Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Ҳолиқова. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. – 4-б.

## **ELEKTRON O'QUV QO'LLANMALAR YARATISHNING AMALIY ASOSLARI**

*A.B. Djoldasbayeva (assistant, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU NF)*  
*A.Sh. Azirbaeva (talaba, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU NF)*

Axborot va kommunikatsiya texnologiyalarining jahon miqyosida rivojlanishi, inson turmushining turli sohalarida, jumladan iqtisodiy, siyosiy, madaniy hamda ta'limda bir-birlariga bog'liqliklari yorqin namoyon bo'lishiga olib keldi. Hozirgi zamon axborot va kompyuter texnologiyalarining imkoniyatlari global internet tarmog'ining paydo bo'lishi hamda uning insonni ko'p qirrali faoliyatiga kirib borishi munosabati bilan yanada ortmoqda.

Bugungi kunda elektron o'quv qo'llanmalar yaratish hamda tatbiq etishda ularning bir necha turlari amaliyotda qo'llanmoqda. Ularning eng ko'p tarqalgan turi bu veb sahifa hisoblanadi.

Elektron o'quv qo'llanma – darslikni qisman yoki to'la o'rnini bosuvchi, yoki to'ldiruvchi va qo'llanma sifatida ta'lim muassasalari tomonidan tasdiqlangan elektron mahsulot hisoblanadi. Elektron o'quv qo'llanmaning boshqa qo'llanmalardan afzalliklaridan biri mustaqil ta'lim olishni, ijodiy fikrlashni, malaka va ko'nikmalarni shakllantirish orqali o'quv materiallari va ilmiy ma'lumotlarni har tomonlama chuqur o'zlashtirilishiga mo'ljallanganligi bo'lib hisoblanadi. Shuningdek, ushbu turdagi qo'llanmalar ilmiy-uslubiy ma'lumotlarning jamlanganligi, ko'rgazmalarga boyligi, ya'ni turli xil animatsiyalardan foydalanganligi, ta'lim oluvchilarning yoshi hamda fiziologik xususiyatlarini hisobga olganligi jihati bilan an'anaviy o'qitish qo'llanmalardan farqlanadi.

O'quv fanlari bo'yicha elektron o'quv qo'llanmalarning yaratilishi va amaliyotga joriy etilishi o'qitish sifatini yangi bosqichga olib chiqishda muhim ahamiyatga ega. Bu vositalar axborot texnologiyalari asrida yashayotgan pedagog va o'quvchilar uchun chuqur izlanish, muvaffaqiyat va yangi marralarni zabt etish yo'llarini ochadi.

So'nggi yillarda elektron o'quv qo'llanmalarni tayyorlashda xalqaro tajribalardan kelib chiqib, yangi texnik vositalar, yangicha dasturlardan unumli foydalanib, elektron axborot resurslarni bir xil talab, yagona platforma asosida yaratishga ahamiyat berilmoqda.

Ko'pchilik holatlarda elektron o'quv qo'llanma ma'lumotlari dastlab HTML sahifalari ko'rinishiga tayyorlanadi. HTML tili imkoniyatlaridan foydalanib ham elektron qo'llanma tayyorlash mumkin. Bu sohaning hozirda imkoniyatlari kengaygan. HTML sahifalari tayyorlovchi hamda ularga bezak berish imkonini beruvchi maxsus dasturlar ishlab chiqilgan. Bunday dasturlarga misol sifatida Microsoft FrontPage, Dreamweaver dasturlarini keltirish mumkin. Bu dasturiy vositalar yordamida osonlik bilan elektron qo'llanmalar tayyorlash va tahrirlash imkoniyatlari mavjud. Lekin bularda ma'lumotlar .html yoki .htm kengaytmali ko'rinishda saqlanadi hamda elektron o'quv qo'llanma tarkibidagi ma'lumotlar ko'p bo'ladigan bo'lsa uni ma'lumot tashuvchi kompyuter qurilma (fleshka) larga

ko'chirish yoki ko'chirib olish ko'p vaqt talab etadi. Anashu holatlardan qutilish uchun maxsus dasturiy vositalar ishlab chiqilgan bo'lib, ular yordamida mavjud HTML tilida tayyorlangan elektron darsliklarni osonlik bilan **.exe** yoki **.chm** kengaytmali fayllar holatiga keltirish mumkin.

SbookBuilder dasturi elektron o'quv qo'llanmalar yaratishga imkon beradi. Bunda qo'llanma materiallari HTML formatda tayyorlanib bitta **.exe** fayl ko'rinishiga keltiriladi. Qulay va tushunarli interfeysga ega bo'lib kompyuterda matnli hujjatlarni yaratish ko'nikmasiga ega va foydalanuvchilar oson o'rganadi. Freymlarni qo'llab quvatlaydi, darslik materiallarini ko'chirib olish, bosmadan chiqarish amallarini muhofazalash imkoniyatiga ega, darslikni, o'quv qo'llanmalarni ochish uchun paroldan foydalanadi. Shuningdek CSSni qo'llab quvatlaydi.

SbookBuilder dasturi yordamida elektron darsliklar, o'quv qo'llanmalar yaratishning eng qulay tamonlarinig biri uning interfeysining soddaligi hisoblanadi.

Dasturning birinchi betida yaratiladigan darslikni yoki o'quv qo'llanmalarni nimadan boshlash kerak, ya'ni yaratish algoritmi keltirilgan.

Shunday qilib dasturning imkoniyotlari elektron darslikni, o'quv qo'llanmalarni yaratish uchun qadamba-qadam bajarib tez va oson yaratish imkoniyatini beradi.

Demak, bu amallarni kompyuterdan foydalanish ko'nikmasiga ega harbir o'qituvchi o'zi uchun elektron darslik va o'quv qo'llanmalar yarata oladi. Sbookbuilder dasturining qulayligi shunda uning interfeysining soddaligida. Yani o'qituvchilarimiz qiynalmasdan keltirilgan ko'rsatmalar asosida elektron darslik va o'quv qo'llanmalar yaratish imkoniga ega bo'ladi.

## ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШИ ҲАҚИДА

*Н. Гулбаев (т.ф.н., доцент, Тошкент вилояти ЧДПИ)*

Ҳозирги пайтда жамиятни демократизациялаштириш ва гуманизациялаштириш, инсоният ҳуқуқларини ва эркинлигини кенгайтириш шароитида, мустақил фаолият кўрсатаоладиган ёш авлодни тарбиялаш жуда муҳимдир.

Олий таълим талабаларининг мустақил ишини ташкил қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб, Л.Г.Вяткина, М.Г.Горунова, Б.П.Есипова, И.И.Ильясова, П.И.Пидкасистий, В.Л.Шатуновский ва бошқалар, Республикамиз педагог олимларидан А.А.Абдуқодиров, Саидахмедов, М.Ариповларнинг номлари ҳаммамизга таниш ва уларнинг ишлари таҳсинга сазовардир. Ҳозирги замонавий ўқитиш тенденциясида жуда катта эътибор талабанинг ўқитувчи назоратига мустақил ишларини самарадорлигини, маҳсулдорлигини, илмий амалий салоҳиятини ва бошқа шу каби омилларини оширишга қаратилгандир.



Маълумки, ахборот ва билимлар доираси тез суръатлар билан кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотларни фақат дарс машғулотлари пайтида талабаларга етказиш қийин [1].

Тажрибалар шуни кўрсатадики, талаба мустақил равишда шуғулланса ва ўз устида тинимсиз ишласагина билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин.

Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади.

Шунинг учун талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотларида талабаларни ўқитиш билан бир қаторда уларни кўпроқ ўқишга ўргатиш, билим олиш йўлларини кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш олий таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

*Талаба мустақил иши (ТМИ)* - муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Ўқишнинг бошланғич босқичларида ТМИни ташкил этиш бир қатор вазифалар билан боғлиқ. Айниқса, биринчи курс талабаларининг таълимнинг навбатдаги тури - олий таълим талабларга кўникиши қийин кечади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини ташкил қилишни деярли билишмайди. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш ва зарурларини ажратиб олиб тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси, улар мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди [2].

Йилдан йилга мутахассислик ўқув режасидаги фанларни ўқитишнинг таркибий қисмида ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил таълимга ажратилаётган соатлар миқдори айрим фанлар учун ажратилган соатлар миқдорининг 50-80 % ни ташкил қилмоқда.

Талабанинг мустақил ишининг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Мустақил иш, талаба томонидан, ўзининг ривожланиши учун зарур бўлган асосий омиллардан бири деб тушунмоғи керак.

Талабаларга мустақил иш сифатида ихтисослик фанларидан берилаётган вазифаларни шартли равишда 4 тоифага ажратишимиз мумкин:

- Рефератлар, лаборатория ва амалий иш ҳисоботларини тайёрлаб келиш;
- Мониторинг-кузатиш ишлари;
- Синов – тажриба ишлари;

- Амалий топшириқлар.

Талабаларнинг ихтисослик фанларини ўрганишда ҳар бир мавзунини тўла ўзлаштириш мақсадида дарслик ва ўқув қўлланмадан ташқари диссертация ишлари, монография, рисола ва бошқа илмий мақолалардан фойдаланиши, уларни ижодий ва илмий изланишга, тадқиқотчиликка ўргатади.

Мустақил таълимни ташкил этишда қуйидаги масалаларга эътибор бериш лозим.

- олий таълимнинг комплекс фаолиятдан келиб чиққан ҳолда унинг барча йўналишлардаги ташкилий жараёнини мунтазам такомиллаштириб бориш;

- фан асослари бўйича ажратилган ўқув соатларини тўғри тақсимлаш, ажратилган соатлар ҳажми доирасида талабаларда ўқув фанининг мазмунини шакллантиришга йўналтириш;

- ўқув жараёнида таълим олувчининг шахсий интеллектдан фойдаланган ҳолда таълим олишни такомиллаштириш бўйича комплекс ечимини таъминлаш;

- мустақил таълимнинг мазмунини шакллантиришда ўқитувчи ўқув фанининг тегишли мавзуси ёки бўлим, бобини назарий, амалий машғулотлар мазмуни билан уйғунлаштириш ва бошқалар.



Ахборотлар ҳажмининг узлуксиз тарзда кенгайиб бориши техник ва технологик жараёнларнинг тараққиёти ҳамда ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли улардан фойдаланишнинг малака ва кўникмаларга эга бўлиш мустақил таълим олишнинг самарадорлигини таъминлаш омилига айланади. Бундай шароитда масаланинг ташкилий ва қулай жиҳатларини назарда тутиш лозим. Жумладан, таълим йўналишларининг ўқув режасига мувофиқ тегишли кафедралар томонидан ўқув фанларининг мазмунини ўзлаштиришга ажратилган мустақил таълим бўйича бир қатор вазифаларни бажариш зарур. Хусусан,

- Мустақил таълим бўйича мавзуларни аниқлаш;
- Ажратилган мавзуларни ўрганиш юзасидан саволлар ва топшириқларни ишлаб чиқиш;
- Мустақил тайёргарлик учун фойдаланиладиган зарур манбалар рўйхатини ишлаб чиқиш;
- Мустақил таълим вазифаларини бажариш муддатларини ва ишлаб чиқилган баҳолаш мезонларини аниқ кўрсатиш ва бошқалар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш давр талаби бўлиб, мустақил ишлашнинг барча усуллари машғулот самарадорлигини оширишга хизмат қилади, талабаларни фаол нутқий сўзлашувга жалб қилади, уларнинг мустақиллигини ривожлантириб, ўз ихтисослигига қизиқишини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Олий ва ўрта махсус, касб – ҳунар таълим тизимида мустақил таълим: муаммо ва ечимлар”. II Республика илмий – амалий анжумани материаллари. – Гулистон, 2012 й.

2. Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Йўриқнома. – Вазирликнинг 2009 йил 14 август 286 – сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ВИРУСЛАРДАН САҚЛАНАЙЛИК...**

*Н. Гулбаев (т.ф.н., доцент, Тошкент вилояти ЧДПИ)*

Ҳозирги пайтда олий ўқув юртларининг таълим жараёнига компьютерлар шиддат билан кириб келмоқда, бу эса уларнинг сони кўпайгани сари вирусларнинг ҳам тури кўпайиб кетмоқда. Бу муммони ҳал этишга нафақат олий таълим муссасаларининг ахборот технологиялари бўлими, катта антивирус компаниялари ҳам кўпгина ҳолда ёрдам беролмай қолимоқда. Бузиш осон тиклаш қийин деганларидек, ҳозирги кунда Нортон антивирус, Касперски антивируслари кўпгина ҳолларда қўлланииб келинмоқда. Айрим ҳолларда талабаларга мазкур антивируслар ҳам ёрдам бераолмай қолаяпти.

Бу муаммо эски муаммолар-ку дейишингиз аниқ, лекин кўп талабалар вирусларга қарши амалга ошириш лозим бўлган амалларни бажармаслиги сабабли, тўғрироғи антивирус дастурларидан самарали фойдаланиш йўллари билмасликлари сабабли қимматли ахборотларидан айрилмоқда. Зеро бу ҳақда уларга ҳар хил усулда бот-бот эслатганларимиз фойда берар деган умидда яна бир марта қайтармоқчимиз холос.

Ҳўш, бу муаммонинг сабабчиси - вирус нима? *Вирус* – бу дастурчи томонидан тузилган, компьютер иш фаолиятини текис ишлашига ҳалақит берадиган, оқибатда компьютернинг ёқилишини ҳам тақиқлаб қўядиган дастурдир. Бу дастурлар асосан интернет тармоғи орқали фойдаланувчи компьютерига тушади. Албатта, бу дастур, интернет фойдаланувчиси билмаган ҳолда ўз компьютерида пайдо бўлади. Уларга қарши курашадиган дастур *антивирус* дейилади.

Ҳозирги кунда ҳамма компьютер фойдаланувчилари вирус деган тушунчани яхши билишади. Бу кичик дастур билан бир неча бор учрашишган. Кўп ҳолларда мағлуб ҳам бўлишган.

Вируслар компьютерларда ўзини ҳар хил тутаяди. Баъзи бирлари компьютерингизни керакмас файллар билан тўлдирса, яна баъзилари оператив хотирани кўп қисмини ишлатиб, компьютерингизни қотириб қўяди,

вирусларнинг бир қисми эса, керакли файлларингизни ёки тизим файлларини ўчириб сизга зарар етказди. Шулардан сақланиш учун вирусларнинг турини билиб олиш лозим, яъни қайси вирус нима иш қилади ва бундан сақланиш ўз ўзидан келиб чиқади. Қуйида уларнинг турлари келтирилган( турлари ref.uz дан олинди):

Троянлар (*Trojan Horses*) – Қадимги юнонларнинг Трояга юришлари даврида қўллаган ҳийласи, яъни трояликларнинг отга ишқибоз эканлигидан фойдаланиб, уларга катта ёғоч от совға қилишлари ва бу отнинг трояликлар мағлубиятига олиб келиши воқеасидан олинган ном. Ҳозирда троя оти ибораси «ҳосиятсиз совға» деган маънони билдиради. Компьютер ва интернет дунёсида троянлар «ҳосиятсиз программа» деб номланиши мақсадга мувофиқ. Троянлар одатда интернет орқали тарқалади. Троянлар компьютерингизга ўрнашиб олиб, дастлаб фойдали программа сифатида ўзларини таништирадilar, лекин уларнинг асл вазифаси фойдаланувчига номаълумлигича қолади. Яширин равишда улар ўзларининг яратувчиси (cracker – ёвуз ҳакер) томонидан белгиланган ҳаракатларни амалга оширадilar. Троянлар ўз-ўзидан кўпаймайди, лекин компьютерингиз хавфсизлигини ишдан чиқаради: троянлар керакли маълумотларингизни ўчириб юбориши, компьютердаги маълумотларни керакли манзилга жўнатиши, компьютерингизга интернетдан рухсатсиз уланишларни амалга ошириши мумкин.

Чувалчанг вируслар (**Worms**) – Чувалчанг вируслар ўз номига мос равишда жуда тез ўз-ўзидан кўпаядиган вируслардир. Одатда бу вируслар интернет йўли интранет тармоқлари орасида тарқалади. Тарқалиш усули сифатида электрон хатлар ёки бошқа тез тарқалувчи механизмлардан фойдаланади. Улар ҳақиқатдан ҳам компьютерингиздаги маълумотлар ва компьютер хавфсизлигига катта зиён етказди. Чувалчанг вируслар операцион тизимнинг нозик жойларидан фойдаланиш ёки зарарланган электрон хатларни очиш йўли билан компьютерингизга ўрнашиб олиши мумкин.

**Boot** сектор вируслари (**Bootsector viruses**) – Бу вируслар компьютернинг ишлай бошлаши (загрузка) учун фойдаланиладиган қаттиқ дискнинг махсус қисмини ишдан чиқаради. Бу вирус компьютерингизни зарарлаганидан кейин, компьютер ишламай қолиши мумкин. Одатда floppy дисклар орқали тарқалади.

Макро вируслар (**Macro viruses**) – **Macro** вируслар бу – ўзларининг тарқалиши учун бошқа бир программанинг макро дастурлаш тилидан фойдаланадиган вируслардир. Улар одатда **Microsoft Word** ёки **Excel** ҳужжатларини зарарлайди.

Оператив хотирада яшовчи вируслар ( **Memory Resident Viruses** ) — Бу вируслар компьютерингизнинг оператив хотирасида (РАМ) яшайди ва зарарли ҳаракатини амалга оширади. Одатда уларни ишга тушириш учун бошқа вирусдан фойдаланилади. Улар ўзларининг ишга тушишга ёрдам

берган вирус ёпилган бўлса ҳам компьютер хотирасида қолади, шунинг учун ҳам уларга юқоридаги ном берилган.

**Rootkit** вируслари (**Rootkit viruses**) – **Rootkit**лар вируслар орасида ўзларининг энг хавфлилиги ва яширинишга усталиги билан алоҳида ажралиб туради. **Rootkit**лар компьютерингизни ёвуз ҳакерлар томонидан қўлга олиниши учун фойдаланилади. Баъзи **Rootkit**ларни антивирус программалари ҳам аниқлай олмайди, чунки улар ўзларини оператив тизим файллари сифатида кўрсатишади. **Rootkit**лар одатда троянлар томонидан компьютерингизга ўрнатилади.

Ўзгарувчан вируслар (**Polymorphic viruses**) – Бу вируслар нафақат ўзидан кўпаяди, балки кўпайган пайтда ўзларининг кодларини ҳам ўзгартириб туришади. Ўзгарувчан вирусларни аниқлаш ҳам баъзи антивируслар учун қийин кечиши мумкин.

Вақт бомбаси вируслари (**Time or Logic Bombs**) – Бу вируслар муайян сана ёхуд пайт келганида ёки фойдаланувчи томонидан муайян ҳаракат амалга оширилганида ишга тушадиган вируслардир. Мисол учун Кулги кунида (1 апрель) ёки Янги йилда компьютерингиздаги маълумотларни ўчириб ташлаб сизга “совға” тақдим этиши мумкин.

Машҳур «доктор»лардан бири Д.Н.Лозинский вирусни котибага ўхшатади. Тартибли котибани фараз қилсак, у ишга келади ва столидаги бир кунда қилиши керак бўлган ишларни - қоғозлар қатламини кўради. У бир варағни кўпайтириб бир нусхасини ўзига иккинчисини кейинги кўшни столга кўяди. Кейинги столдаги котиба ҳам камида икки нусхада кўпайтириб, яна бир котибага ўтказди. Натижада конторадаги биринчи нусха бир неча нусхаларга айланади. Баъзи нусхалар яна кўпайиб бошқа столларга ҳам ўтиши мумкин.

Компьютер вируслари тахминан шундай ишлайди, фақат қоғозлар ўрнида энди дастурлар, котиба бу - компьютер.

Вируслар тарихи билан бироз бўлса ҳам танишиб олдик, энди уларнинг хусусиятларини умумлаштиришга ҳаракат қиламиз.

- Функционал дастурларнинг ишини тўхтатиш ёки нотўғри ишлаши;
- Компьютернинг секин ишлаши;
- ОС ни юкланмаслиги;
- Файл ва каталогларнинг йўқолиши ёки улардаги маълумотларнинг бузилиши;
- Файллар модификациясининг сана ва вақтининг ўзгариши;
- Файл ҳажмининг ўзгариши;
- Дискдаги файллар миқдорининг кескин кўпайиши;
- Бўш оператив хотира ҳажмининг кескин камайиши;
- Кутилмаган маълумотлар ва тасвирларнинг экранга чиқиши;
- Кутилмаган товушларнинг пайдо бўлиши;
- Компьютернинг тез-тез осилиб қолиши.

Ҳозирги даврда 5000 дан ортиқ вирус дастурлар маълум. Буларни қуйидагича классификацига ажратиш мумкин:

- Фаолият муҳитига қараб;
- Зарарлантириш усулига қараб;
- Ҳаракатланишига қараб;
- Алгоритмнинг аҳамиятига қараб.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз шуки, аллоҳ ҳам сақлангани сақлайман деганидек, биз ҳам ўз компьютеримизни вируслардан доимо сақлашга ҳаракатимизни қилишимиз лозим.

## **TA'LIMDA ELEKTRON TA'LIMIY RESURLARIDAN FOYDALANISH QULAYLILIGI**

*M.I Zaynutdinova (assistant, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU)*

*M. Xolleeva (talaba, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU)*

Hozirgi kunda elektron ta'lim resurslarining o'quv jarayonida tutgan o'rni katta. Chunki elektron ta'lim resurslar biz yoshlar uchun yetarlicha puxta bilim egallashimizga qulay qilib yaratilgan. Elektron ta'limiy resurslarga bizni qiziqtirayotgan soha bo'yicha istalgan turdagi ma'lumotlarni topishimiz mumkun. Bu ma'lumotlarni biz video, audio, text, rasm ko'rinishida topsak bo'ladi. Bu bizni qiziqtirayotgan mavzuidagi barcha ma'lumotlarni to'liq va mukammal bo'lishiga yordam beradi.

Ta'limda AKT vositalaridan keng foydalanish davrimizning dolzarb vazifalari qatoriga kiritilgan. Shu vazifalarni amalga oshirishda AKT ga oid bilim va malakalar doirasini kengaytirish bilan birga, axborot-resurslarini ham son jihatidan ko'paytirish, ham sifatini ko'tarish, ya'ni mazmunan boyitish muhim o'rin tutadi.

Ta'lim jarayoni uchun mo'ljallangan va multimedia-texnologiyalaridan foydalanishda asos bo'lgan elektron axborot-resurslarining keng tarqalgan turlariga quyidagilar kiradi:

- axborot-izlash va ma'lumotlar jamlangan multimedia-tizimlari;
- amaliy multimedia-ensiklopediyalari;
- o'quvchilar bilim, ko'nikma va malakalarini nazorat qilish va baholash multimedia-vositalari;
- elektron trenajyorlar;
- matematik va imitatsion modellashtirish uchun multimedia-vositalari;
- olisdagi va virtual laboratoriyalar multimedia-vositalari;
- avtomatlashtirilgan ta'limiy tizimlar;
- elektron multimedia-darsliklari;
- ekspert ta'lim tizimlari;
- intellektual ta'lim tizimlari.

Yuqorida sanab o'tilganlar multimedia-resurslari asosiy guruhlarining barcha imkoniyatlari ta'rifini belgilaydi. Shu bilan birga, multimedia-resurslarining har bir standart turi quyidagi ta'riflarga ham muvofiq keladi. Axborotli-izlash va ma'lumotnomali multimedia-tizimlari pedagog-o'qituvchilar, o'quvchilar hamda ota-onalar uchun taqdim etiladigan axborotlarni kiritish, saqlash, izlash hamda

foydalanishga mo'ljallangan. Shunday tizimlar qatoriga u yoki bu belgisiga ko'ra materialni tashkil etish multimediali-axborotni tezkor izlashni ta'minlovchi turli gipermedia dasturlarini kiritish mumkin.

Axborot-izlash tizimlari tushunchasi mazmun-mohiyati bilan yanada zamonaviy hamda keng tarqalgan telekommunikatsiya tizimlari va portallarni kengaytirishga bilan bevosita bog'liq bo'lib, amaliy multimedia-ensiklopediya tushunchasi boshqaruv tizimiga muvofiq o'quv axborotli modullarning jamlanmasidan iboratdir. Amaliy multimedia-ensiklopediyasi ta'limiy multimedia-resurslarining ishlab chiqilishida keng tarqalgan shakllaridan biri sifatida vujudga keladi. Amaliy multimedia-ensiklopediyasi bir fan sohasiga ham, shuningdek, boshqa fanlar guruhiga ham muvofiq kelishi mumkin. Bu holda fanda ko'rib chiqiladigan o'quv moduli belgilangan mavzuga yoki tushunchaga bag'ishlangan bo'lishi mumkin. Masalan, modul an'anaviy darslik mazmunining faqat bir paragrafiga mos materialdan yoki bir vaqtda qator fanlarni o'qitishda foydalaniladigan tushuncha ta'rifidan iborat bo'lishi mumkin.

Ta'limda multimedia-resurslariga talablar tizimi o'qituvchilarning individual nazorat ishlarini tekshirishdagi mashaqqatli ishlarini yengillatadi. Bu davlat ta'lim standartlari talablariga ko'ra ommaviy tayyorlash sharoitlarida juda dolzarb hisoblanadi. Bilimlarning ko'p marotaba qayta nazorati, jumladan, o'z-o'zini nazorat, o'quv materialini mustahkam o'zlashtirishda rag'batlantiruvchi omil hisoblanadi. Elektron trenajyorlar amaliy bilim va malakalarni qayta ishlashga mo'ljallangan. Bunday multimedia-resurslari o'quv jarayonida turli noqulay sharoitlarda murakkab amallarni bajarishda foydalanilishi mumkin. Bundan tashqari, elektron trenajyorlardan turli vazifalarni bajarishda ko'nikma va malakalarni qayta ishlashda foydalaniladi. Bu holda nazariya, turli mustaqil mashqlar, nazorat hamda o'z-o'zini nazorat qilish bo'yicha axborot olishni ta'minlaydi.

Elektron-darsliklar yuqori darajada ilmiy va metodik asosda yaratilishi kerak hamda fan sohasida ta'lim standartlariga muvofiq bo'lishi shart. Bundan tashqari, multimedia-darsliklari interaktiv qayta aloqa sharoitlarida o'qish jarayoni didaktik siklining uzluksizligi, to'liqligini ta'minlashi shart. Ta'lim jarayonida an'anaviy «qog'oz»li darslik o'rniga elektron nusxasidan foydalanish amaliyoti ta'lim samaradorligini oshirishi bilan, ba'zan oddiy qog'ozli darslik afzalliklarini ham yoqqol ko'rsatmoqda. Shu sababli multimedia-darsliklariga asosiy talablardan biri sifatida o'quv jarayonidagi talab va ehtiyojga ko'ra ta'lim jarayoni talabiga asosan ilgari suriluvchi, darslikning «qog'oz» variantining (mazmunining) bunday darslik tahriri multimedia-darsliklari didaktik xususiyatlariga putur yetishi mumkin.

Oliy ta'lim muassasalari o'quv jarayoniga multimedia-resurslarining kirib borishi bilan multimedia-resurslarining ishiga taalluqli sifatli hujjatlashtirishga talab o'sib bormoqda. Multimedia-resurslarining to'g'riligini, metodik ko'rsatmalarning batavsilligi va to'liqligini hamda foydalanishga yo'riqnoma asoslovchi hujjatlarni rasmiylashtirishga talablar yuzaga keladi. Multimedia-resurslarini yaratish va ulardan foydalanish ishlab chiquvchilar, buyurtmachilar, pedagog va o'quvchilar o'rtasida interfeysni, shuningdek, multimedia-resurslari

funksiyasini o'zlashtirish hamda takomillashtirish imkoniyatini ta'minlash maqsadida multimedia-resurslarining ma'lumotlari qulay bo'lib, ulardan va qismlaridan qayta-qayta foydalanish imkonini beradi.

Ta'lim tizimini yangi zamonaviy darajadagi bosqichiga o'tishni faratgina kompyuter paketlar (ya'ni, elektron darsliklar, qo'llanmalar, trenajerlar, virtual stendlar va o'quv test muxarrir)ini yaratgan holdagina amalga oshirish mumkin. Ular o'quv yurti maxsus auditoriyasi uchun kompyuter sifatidagi amaliy mashg'ulotlarda yoki talabalar mustaqil ishlashi uchun jixozlashgan yotogxonalarda, shuningdek, uylardagi shaxsiy kompyuterda yagona kompyuterlashgan muhitni yaratadi. Keltirilgan elektron maxsulotlar, dasrliklar va qo'llanmalarning rasmiy ta'rifiga asosan, elektron darsliklar tushunchasini kengaytirish va aniqlashtirish zarur.

Xulosa qilib aytganda, ta'limda multimediali axborot-resurslaridan foydalanishda ularning eng samarali vosita va ta'lim mazmunini boyituvchi omil ekanligi yaqqol namoyon bo'lib bormoqda.

## **TA'LIMDA WIKI TEXNOLOGIYALARNING QO'LLANILISH IMKONIYATLARI**

*Sh.A. Abduraxmanova (Nizomiy nomidagi TDPU, katta o'qituvchisi)*

*A.A. Hasanov ("Axborot texnologiyalari" kafedrasida magistri)*

Hozirgi paytda ta'lim jarayonini avtomatlashtirishga katta e'tibor qaratilmoqda. Ta'lim jarayonini avtomatlashtirishning qulay vositalaridan biri kompyuter texnologiyalaridan foydalanishdir.

Zamonaviy ta'lim yuqori darajada axborotga boyligi bilan ajralib turadi. Oliy ta'lim muassasalaridagi ta'lim jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalanishning dolzarbligi aynan shu jihatga asoslangan. Ta'limda yangi o'qitish usullaridan foydalanish zarurati ajoyib imkoniyatlarni taqdim etuvchi elektron nashrlar yaratilishiga sabab bo'ldi.

Wiki texnologiyalar asosidagi samarali, ta'limiy va axborotlashgan muhitni yaratish quyidagi imkoniyatlarni beradi:

- samarali axborotlashgan o'zaro ta'sirni amalga oshirish;
- ta'lim jarayonidagi barcha ishtirokchilariga axborot resurslaridan foydalanishni ta'minlash;
- samarali boshqarishni va pedagogik kuzatishni tashkillashtirish;
- ta'lim oluvchilarning tarmov jamoalarini shakllantirish. Bu jamoalarga bilimlarni tezkor almashinuvi, yangi bilimlarni egallashda yuqori motivatsiyasi, o'zaro hamkorlik, tajriba almashinuvi, o'zini-o'zi tashkillashtirish xislatlari xos bo'ladi.

Web 2.0 tarmoq kommunikatsiyalarning o'ziga xos tomoni shundaki, muxokama ob'ektini yagonaligidadir. Web 2.0 internetdagi tarmoq servislarning ikkinchi avlodi. Birinchi avlodiga nisbatan Web 2.0 foydalanuvchilarga servislar bilan hamkorlikda ishlashni, ma'lumotlar bilan almashishni hamda jamoaviy nashrlar bilan shug'ullanish imkonini beradi.



Ta'lim oluvchilarning aloqasi bevosita o'quv materialni loyixalash bilan bog'liqdir. Bundan tashqari har bir muloxaza loyixaga qo'shish mumkin bo'lgan ob'ekt bo'lib qoladi. Matn, rasm, chizma, video, havola saqlanadi va doimiy manzilga ega bo'lishadi. Ixtiyoriy vaqtda orqaga qaytib oldingi o'zgarishlarni ko'rib chiqish mumkin. Shunday qilib, o'quv jamoada individual va jamoaviy o'zgartirishlarni ko'rish imkoni mavjud. Bu juda muximdir, chunki har bir foydalanuvchi bir-birining faoliyatini kuzatishi mumkin. Wiki da o'qituvchilar barcha sahifalarni ko'rishi va tahrirlashi mumkin.

Wiki texnologiyalar bazasida yaratilgan samarali ta'limiy axborotlashgan muhit quyidagi imkoniyatlarni taqdim etadi:

- samarali muloqotni amalga oshirish;
- o'quv jarayonining barcha ishtirokchilari uchun axborot resurslaridan foydalanishni ta'minlash;
- samarali boshqarishni va pedagogik kuzatishni tashkillashtirish;
- talabalarning tarmoq jamoalarini shakllantirish. Bu jamoa ishtirokchilariga quyidagi xislatlari xos bo'lishi kerak: bilimlarni intensiv almashish, anglashning yuqori motivatsiyasi, o'zaro qo'llab-quvvatlash, tajriba almashish, o'zini-o'zi tashkil etish. Har bir Wiki sayt "navigatsiya", "izlash", "instrumentlar" tizimiga egadir. Har bir Wiki sayti yagoga ta'limiy muhitini tashkil etadi. Bunda har bir kishi o'z ishlari haqida ma'lumot berishlari, tarmoq loyihalari bo'yicha materiallarni joylashtirishlari, seminarlar, treninglar, master-klasslar o'tkazishlari, Wiki saytlarda o'tkazilgan musobaqalarda ishtirok etishlari mumkin. O'qituvchilarga va talabalarga foydali bo'lgan materiallarni taqdim etadigan elective kurslar, imtihonga tayyorgarlik ko'rish, foydali resurslarga havolalar va boshqa ma'lumotlarni ko'rish mumkin.

Wiki texnologiyalarning imkoniyatlari pedagogik amaliyotda turli xil usullarda qo'llanilishi mumkin [3].

- O'quv materiallarini taqdim etish, kengaytirish va izohlash. Wiki dagi har bir maqola muxokama qilish sahifasi bilan bog'liq bo'ladi. Bu sahifada barcha qiziqqan ishtirokchilar o'zining mulohazalarini qoldirishlari va muxokama olib borishlari mumkin. O'quv materiallarni elektron nusxasi talabalarga matnlar orasidagi aloqalarni aniqlashga yordam beradi. Orqaga ulanish tizimi siz ushbu materialga qanday materiallardan olinganligini havolalarini tekshirishga imkon beradi.

- talabalar tomonidan virtual mahalliy tarixiy va ekologik ekskursiyalar yaratish;

- ijodiy ishlarni jamoaviy yaratish;

- pedagog va talabalarning ensiklopediyasini jamoaviy yaratish.

Wiki texnologiyalari foydali bo'ladigan o'quv jarayoni vazifalari quyidagilardan iborat bo'ladi:

- ma'lumotlarni izlab topishda, ma'lumotlarni raqamli ko'rinishga o'tkazishda va bu ma'lumotlarni keyinchalik ishlatilishini ta'minlash maqsadida axborotlarni aktuallashtirish. Wiki muxitida jamoaviy tahrirlash va raqamli resurslarni birgalik ishlatilishi g'oyasi singdirilgan.

- nazariy materiallarini boyitish maqsadida rasmlar, audiofayllar va videolavhalar bilan to'ldirish orqali ma'lumotlarni kengaytirish;

- agar bilim va hodisalarni voqealar sodir bo'lgan joy bilan, o'rganishning tarixiy konteksti bilan bog'lash kerak bo'lsa o'rganishning mintaqaviy konteksti qo'llaniladi;

- ixtiyoriy bilimga nisbatan jamoaviy ijodni, tanqidiy fikrlashni, tolerantlikni va tushunishni o'quv jarayoniga kiritishda bilim va ta'limning birgalikdagi xarakterini inobatga olish kerak.

Wiki texnologiyalarni akademik ta'limiy jarayonida, ilmiy tadqiqotlarda qo'llanilishi maqsadga muvofiq bo'ladi. Bu texnologiyalar professor-o'qituvchilar va talabalarga mustaqillikni beradi. Talabalarga bilimlarni mustaqil o'zlashtirish, professor-o'qituvchilarga esa ta'limda ijodiy yondashuvini amalga oshirish imkonini beradi. Ta'limda Wiki texnologiyalarning imkoniyatlari cheklanmagan-dir. Ammo bu texnologiyalarni talabalarning jamoaviy ijodiy loyixalarini yaratishda qo'llanilishi samaraliroq bo'ladi. Jamoaviy o'quv loyixalarini yaratishda talabalar nafaqat bilimlar bilan bo'lishishadi, balki loyixa ustida birgalikda ishlab, oldiga qo'ygan maqsadga erishishadi.

O'tkazilgan tadqiqotlarga ko'ra Wiki texnologiyalar quyidagi imkoniyatlarni beradi: -samarali ta'limiy axborotlashgan muhitni yaratish;

- ta'limiy jarayonini barcha foydalanuvchilariga axborot resurslariga kirishni ta'minlash;

- samarali axborotlashgan o'zaro aloqani amalga oshirish;

- samarali boshqaruv va pedagogik kuzatishni amalga oshirish;

- tarmoqli jamoalarni shakllantirish. Bu jamoalarga quyidagi xislatlar xos bo'ladi: intensiv bilim almashish, yangi bilimlarni egallash, o'zaro qo'llab-quvvatlash, tajriba almashish, o'zini-o'zi tashkil etishni anglashning yuqori motivatsiyasi.

Shunday qilib, ta'lim jarayonida Wiki texnologiyalar pedagogik faoliyatni tashkil etishda hamda masofaviy kursning bir elementi sifatida, ijodiy ishlarni jamoaviy yaratish bo'yicha samarali vosita sifatida qo'llaniladi. O'qituvchilar va talabalar ensiklopediyasini jamoaviy yaratish, pedagoglar va talabalarning ishlariga onlayn sharhlarni birgalikda yaratish, talabalarni loyixaviy faoliyatini tashkillashtirish uchun zarur bo'lgan materiallarni nashr qilish, axborot tarqatish, o'qituvchilar va talabalar o'rtasida axborot almashinuvini tashkil qilish.

## **WIKI TEXNOLOGIYALARNING RIVOJLANISH YO'NALISHLARI VA MASALALARI**

*Sh.A. Abduraxmanova (Nizomiy nomidagi TDPU, katta o'qituvchi)*

*A.A. Hasanov ("Axborot texnologiyalari" kafedrasi magistri)*

Hozirgi kunda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari jadallik bilan rivojlanayotgan sohalaridan biriga aylanib bormoqda. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasida davr talabiga mos keluvchi yangi yo'nalishdagi

texnologiyalar yaratilmoqda. Ya'ni, faol ish yurituvchini internet global tarmog'isiz, intellektual ishchini esa ish joyida kompyutersiz tasavvur qilish qiyin.

Wiki-o'zaro aloqaga ega yozuvlarning majmuidir. Birinchi Wiki 1994 yilda ishlab chiqilgan bo'lib, 1995 yilda birinchi bo Internetda paydo bo'ldi. Birinchi Wiki sayt Uorl Kanningem tomonidan ishlab chiqilgan bo'lib, "Namunalarning Portlend ombori" deb nom olib, unda dastur kodlarining qismlari yig'ilgan.

1999 yilda Everything2 loyixasi paydo bo'lib, unda har bir foydalanuvchi har xil ma'lumotlarning to'plamini yaratishda ishtirok etish imkoniyati paydo bo'ldi.

Wiki texnologiyasi 2001 yilda tekin va ochiq bo'lgan yirik ensiklopediya Wiki kpediyaning rus versiyasi paydo bo'lganidan keyin mashxur bo'lib ketgan.

Boshlanishida bu texnologiyalar tezkor giper murojaatli aloqalar uchun mo'ljallangan bo'lgan. Keyinchalik Wiki -Wiki termini paydo bo'lgan, uning ma'nosi gavay tilidan "Tez-tez" ma'nosini bildiradi. Bu texnologiyalarni ishlatganda foydalanuvchi giper murojaatli razmetka tilini ishlatmasa ham bo'ladi. Ixtiyoriy saxifalarning matnlari dastur orqali giper matn sifatida taqdim etiladi.

Wiki texnologiyasi ochiq kodli dasturiy ta'minot sifatida ishlab chiqilgan bo'lib, xoxlovchi foydalanuvchilar o'zining jamoasini tez va oson tashkil qilishi mumkin.

Hozirgi kunda Wiki texnologiyalar jamoaviy loyixalarni tuzishda qo'llaniladi.

Wiki -web saytni tuzish texnologiyasidir. Bu orqali foydalanuvchi web-interfeys orqali kontentni tahrirlash, yangi materialni qo'shishi jarayoniga faol kirisha oladi [1]. Wiki texnologiyalar maxsus dasturlarni ishlatishni, registratsiyani va HTMLni bilishni talab qilmaydi. Wiki da taqdim etilayotgan axborotlar chiziqli bo'lmagan tuzilishga ega bo'ladi. Har bir sahifa odatda ko'p miqdorda boshqa sahifalarga murojaatlardan iborat bo'ladi.

Bugungi kunda Wiki texnologiyalar ma'lumotnomalarni, bilimlar omborini va hokazolarni tuzishda qo'llaniladi. Zamonaviy Wiki texnologiyalar nafaqat matnlar, balki elektron jadvallar, kalendarlar, tasvirlar galereyasi, fayllar bilan ishlashni taqozo etadi. Wiki texnologiyalar yordamida kartografik servislarni qurish mumkin.

Wiki quyidagi vazifalarni echishga mo'ljallangan [2]:

- Kontentni ishlab chiqishda har bir foydalanuvchiga imkoniyat berish;
- Nafaqat kommentator vazifasida, balki to'laqonli muallif va tahririchi sifatida ham ishtirok etilish mumkin.

Wiki texnologiyasining asosiy tomoni shundan iboratki, foydalanuvchi saytga ieb brauzer orqali ixtiyoriy narsani qo'shishi mumkin. Har bir Wiki sahifa "Tahrirlash" bo'limiga ega bo'ladi. Foydalanuvchi axborotlarni tahrirlagandan keyin "Saqlash" tugmasini bosgandan keyin, matnni HTMLga konvertatsiya qilinib, yangilangan Wiki sahifa paydo bo'ladi. Shunday qilib, ixtiyoriy foydalanuvchi umumiy axborot resursiga o'zgartirish kiritish mumkin. Bunda matnni oldingi versiyalari saqlagan xolatda yangi versiyalar hosil bo'ladi [3].

Wiki texnologiyalarning o'ziga xos tomonlari quyidagilardan iborat:

- ko‘p sonli mualliflarning mavjudligi;
- dasturlash tillarini qo‘llamagan xolda matnni juda ko‘p tahrirlash imkoniyatiga ega bo‘lganligi;
- o‘zgartirish kiritgandan keyin ularni darxol paydo bo‘lishi;
- axborotlarni sahifalarga bo‘linishi;
- foto sura’larni joylashtirish va fayllarni zagruzka qilish imkoniyati;
- manni o‘zgartirishlar sonini aniqlash va oldingi versiyalarga o‘tish imkoniyatini mavjudligi [4].

Agar ma’lum bir foydalanuvchi boshqalarga zararli ta’sir ko‘satsa, uni tahrirlash imkoniyatini man qilib qo‘yish mumkin.

Yangi sahifalarni yaratishda Wiki web-saytlarga qaraganda boshqacha qoidalarga rioya qiladi. Birinchi navbatda saxifa yaratilishi keyin esa havolalar qo‘yilishi kerak. Wiki da esa birinchi navbatda sahifani yaratish mumkin emas. Yangi sahifa tuzib keyin uni matnga biriktirish mumkin emas. Har fandan yangi tushuncha birinchi kiritiladi, keyin esa tushuntiriladi. Masalan, biz tekstga yangi termin kiritishimiz mumkin. Bu matnni saqlagandan keyin biz sahifaga ega bo‘lamiz. Unda Wiki ga tanish bo‘lmagan so‘z qizil rang bilan ajratiladi. Qizil rang notanish so‘zni tushuntiradigan sahifa xali mavjud emasligini bildiradi.

Shunday qilib, Wiki texnologiyalar hozirgi kunda jamoaviy ishlash uchun qo‘llaniladigan texnologiyalaridan biri bo‘lib, bu texnologiya samarali natijaga olib keladi.

## **О НЕКОТОРЫХ ВОПРОСАХ ПРЕПОДАВАНИЯ МАТЕМАТИКИ В ТЕХНИЧЕСКОМ ВУЗЕ**

*Р.Р.Рахматов (доцент каф. ВМ, ТУИТ имени Мухаммада аль-Хоразмий)  
Н.Б.Усманова (доцент каф. СиСПД, ТУИТ имени Мухаммада аль-Хоразмий)*

Согласно определению, математика - фундаментальная наука об «отношениях между объектами, о которых ничего не известно, кроме описывающих их некоторых свойств, именно тех, которые в качестве аксиом положены в основание той или иной математической теории». Учитывая, что на сегодняшний день стремительное развитие информационных и коммуникационных технологий (ИКТ) является одним из движущих факторов развития мирового сообщества XXI века и повсеместно формируется информационное общество, решающую роль в общественно-политической жизни играют *информация и научные знания*. За последние годы произошло коренное изменение роли и места компьютеров и информационных технологий в жизни общества: ИКТ все больше применяются в образовательном процессе. В этой связи преподавание математики как науки, предоставляющей общие языковые средства другим наукам и тем самым выявляющей их структурную взаимосвязь с нахождением общих законов природы, является важной составляющей подготовки квалифицированного специалиста, профессиональные

компетенции которого так или иначе «обогащены» знаниями и умениями применять математические формулировки в своей деятельности.

На сегодняшний день преподавание математики является широко распространенной и высокоорганизованной социальной деятельностью, и несмотря на имеющийся опыт преподавания математики, в математическом образовании имеется ряд вопросов обучения и преподавания (цели и направления преподавания, роль обучающего и обучаемого, содержание учебной программы и др.). Обращаясь к опыту ведущих технических ВУЗов, можно выделить следующие группы целей преподавания математики: *цели производственного характера* (это, в основном, базовые счетные навыки с точки зрения социального обучения), *технологические цели* (математика соответствующего уровня и сертификация знаний и навыков, ориентированная на конкретную индустриальную деятельность), *цели прогрессивного педагога* (творчество, самореализация посредством математики, ориентация на обучаемого), *цели общественного образования* (осознание общественных процессов и демократических/гражданских норм). Эти цели лучше всего понимаются как часть общей структуры, которая включает в себя взгляды на знания, ценности, общественные процессы, человеческую природу, а также само образование. С другой стороны, преподавание математики является областью, в которой можно выделить такие проблемные области, как *математическая педагогика*, *технологии в обучении математике*, *математика и символическое представление* (математика как формальная символическая система), *математика и культура* (насколько глубоко должна традиционная математика с ее формальными задачами быть представлена в учебных планах). Не вдаваясь в детали, можно отметить, что эти проблемные вопросы непосредственно связаны со структурой и содержанием учебного плана в концепции STEM – образования (STEM - S – science (естественные науки), - technology (технологии), E-engineering (инженерия), M-mathematics (математика)).

STEM концепция предусматривает изучение и внедрение инновационных технологий, наряду с широким применением знаний в области естествознания (все более востребованными сегодня становятся профессионалы, получившие образование в области высоких технологий, которых называют STEM-специалистами – к примеру, био- и нанотехнологи, инженеры, программисты), а также сугубо технических и творческих специальностях (медиа-технологий, промышленного дизайна, архитектуры, индустриальной эстетики). Преимущество такого подхода – в способствовании развитию высокого уровня креативности и технологий, которому высокоразвитые страны уделяют большое внимание. К примеру, в США, Великобритании, Китае, Израиле на уровне государственных программ внедряют STEM-обучение. Экономика этих стран достигла того уровня, на котором уже просто невозможно дальнейшее развитие без внедрения технологий будущего. По данным исследований, всего 1% привлеченных специалистов в этой сфере увеличивает ВВП страны на \$50

млрд. При этом спрос на STEM-специалистов уже сейчас превышает предложение в два раза.

В 21 веке специалисты различных областей деятельности должны знать, как эффективно работать с данными (статистические или аналитические данные), выявлять тенденции и закономерности в огромных объемах информации («большие данные»), использовать компьютеры для решения проблем (вычислительное мышление) и давать прогнозы о взаимоотношениях между различными компонентами системы (математическое моделирование). В этой связи следует упомянуть проект ITEM - Innovative Teaching Education in Mathematics, Инновационное педагогическое образование по математике (в рамках программы Erasmus+). Проект предусматривает использование навыков и опыта европейских партнеров в современных методах обучения, в целях содействия странам-партнерам, в том числе Узбекистану, улучшить способы преподавания математики в ВУЗах консорциума, улучшить и оптимизировать стратегии и инструментарий обучения математике. В рамках проекта ITEM планируется разработать и опробовать инновационные инструменты обучения и преподавания, новые методологии и подходы (результаты обучения и практики, основанные на ИКТ), направленные на развитие и совершенствование математических навыков обучаемых, и, в целом, личностное и профессиональное развитие подготавливаемых на основе новых методов и подходов кадров.

## **ДАРСЛАРДА ИННАВАЦИОН ПЕДОГОГИК ТЕХНАЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланиш Орқали ўқувчиларда мустақил фикрлашни шакллантириш**

*М.Мирзаева- Андижон вилояти Избоскан тумани 7-умумтаълим мактаби  
математика фани ўқитувчиси*

*Ф.Болтабоева- Андижон вилояти Избоскан тумани 7-умумтаълим мактаби  
география фани ўқитувчиси*

Ахборот технологиялари атамаси бугунги кун жамиятининг ажралмас қисмига айланган. Жамиятда ҳеч бир соҳа ёки ишлаб чиқариш корхонаси йўқки, бугун ахборот технологияларидан фойдаланмаса. Бугунги кунда ахборот технологияларини яхши ўзлаштирган, улардан эркин фойдалана оладиган одамгина ўзини жамиятнинг ҳар қандай соҳасида эркин ҳис этиши мумкин. Шу нуқтаи назардан бугунги кун педагоги олдиға ҳам янги талаблар қўйилган.

Ёшлар тарбиясида даврнинг хусусиятларидан келиб чиқиш зарур. Чунки, ҳар бир киши замон ва маконда яшайди, давр ва ижтимоий муҳит шахс шаклланишида асосий роль ўйнайди. Ҳозирги даврнинг асосий хусусияти бу – глобаллашув ва ўта ахборотлашган жамиятда яшаётганлигимиздир. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев сўзлари билан айтганда, “Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт

*олдимизга қўяётган бир-биридан мураккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечими айнан таълим-тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз”<sup>20</sup>.*

Замонавий таълим жараёни таълим олувчиларнинг ижобий қобилиятини ривожлантиришга қаратилган. Бундай талаб ўқувчиларнинг турли ахборот манбалари билан ишлашини тақозо этади. Ўқувчиларда ушбу кўникмаларни шакллантиришда эса тадқиқотлар технологияси кўл келади. Ахборот технологиялари лойиҳаларни бажаришнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, улар айнан турли хил ахборотларни йиғиш, тақдимотлар тайёрлаш, веб-саҳифалар яратиш ва бошқа имкониятларни ўзида мужассамлаштиради. Шундай қилиб, ахборот технологиялари ўқувчининг ижобий потенциалини ривожлантириш ва юзага чиқаришда муҳим ўрин тутади.

2016 йил 30 декабрда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бир гуруҳ олимлар, илм-фан вакиллари билан бўлган учрашувида таъкидлаб айтдики: “Ёш авлодни салоҳиятли кадрлар этиб тарбиялашдаги биринчи босқич – мактаб таълимини тубдан такомиллаштириш, илмий кадрлар ва юксак малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш зарур. Бу йўлда ҳеч нарсани аямаймиз.”

Мазкур учрашувда Президентимиз иқтисодиётимизнинг барча соҳалари тараққиётида илм-фаннинг ўрни, аҳамияти ғоят катта экани, бу борада давлатимиз тараққиётида фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги бугун ниҳоятда долзарб эканини алоҳида таъкидлади.<sup>21</sup>

Ўқув материали мазмуни аввал ўқитувчи томонидан ижодий қайта ишланади ва ўқувчини қизиқтирадиган, унинг шахсий тажрибасига мос келадиган, уни фикрлашга ундайдиган жиҳатлар белгиланади. «Бир қарашда зерикарли туюлувчи тарихий ёки геграфик маълумотлар агар ўқувчи шахсига бевосита тааллуқли бўлса, унинг ҳаётий ва шахсий тажрибаларига мувофиқ келса, у ҳолда аҳамиятли хусусият касб этади. Ушбу ҳолатда ўқув вазиятлари шахс учун аҳамиятли вазиятга, ўқув ахборотлари ўқувчи учун муҳим ҳодисага айланади. Ўқувчи ўзини ушбу ҳодисанинг ижодкори деб ҳисоблай бошлайди».

Маълумки, тарих дарсларининг асосий мазмуни саналарда ифодаланади, яъни саналар ҳар қандай воқеани, хронологик кетма-кетликни аниқлашда, таққослаш ва солиштириш билан ўрганишда асосий ўрин тутади. Ҳозирги кунда тарих дарсларида ўқувчиларнинг кўпчилиги саналарни эслаб қолиш билан боғлиқ муаммони ўртага ташлайди. Бу ҳолат ўқувчининг тўлалигича мустақил фикрлашига тўсқинлик қилмоқда. Тарихий саналарни махсус жадвалли ўйинлар асосида ташкил этиш ўқувчиларда эслаб қолиш ва

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табриги. “Маърифат”, 2017 йил 78-сон.

<sup>21</sup> Интернет маълумоти: <https://gov.uz/uz/news/category?id=2&page=8>

мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиради. Шундай экан ҳозирги замон таълими, биздан саналар устида ҳам алоҳида ўйинлар асосида иш юритишни талаб қилмоқда.

Тарих дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда замон руҳига мос ўйин усулларини татбиқ этиш яхши самара беради. Ўйин технологияси намуна асосида амалга оширилади. Дарс жараёнида ўқувчиларга «Ким тез ва аниқ бажарди?» каби савол билан биргаликда уларни рағбатлантирилиб турилади.

Тарих дарсларининг шу йўсинда ташкил этилиши, ўқувчиларда кўникма ва малака ҳосил қилиш, тарихимизни холис ва ҳаққоний ўргатиш, тарихимизга бўлган ҳурмат ҳиссини кучайтириш, танқидий ва маълумотларни таққослаш ва умумийлаштира олиш имкониятини беради.

Таъкидлаш керакки, таълим-тарбия жараёнида, ижтимоий-гуманитар фанларни, хусусан тарих фанини ўқитишда педагогик инновацияларни кенг кўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Бинобарин педагогик инновациялар кўламининг ортиши, мамлакатда модернизация жараёнининг тез суръатларда ривожланишига, айти давр муаммоларини янги тарих соҳасига тизимли равишда киритишга асос бўлади.

Ахборот-коммуникацион технологиялар: тарихни ўрганишга қизиқишни пайдо қилиш ва ривожлантириш, тадқиқотлар олиб бориш, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва ўқувчиларининг мустақил ишларини ривожлантириш имкониятларини беради. Ўқитувчи дарснинг ҳар бир жараёнида ахборот технологияларини қўллаши мумкин.

Компьютер дастури орқали оддий дидактик материаллар тайёрлашда ва уларни компьютер синфларида ўтиладиган дарсларда ўқувчиларга мустақил ишлаш учун тақдим этиш мумкин. Бундай дидактик материал изоҳли матн сифатида, расмлар билан безалган ҳолда, назорат саволлари билан ўқувчиларга берилади ва ўқувчилар томонидан бажарилиши назорат қилинади.

Компьютер технологиялари турли хил интерактив характердаги топшириқлардан фойдаланиш имкониятини беради. Масалан, ўқувчилар воқеаларни хронологик кетма-кетликда жойлаштириш, географик, топонимик атамалар ва тушунчаларни тўғри изоҳлаш, ёки ўнг ва чап қатордаги атамалар ва уларнинг маъносини мос равишда стрелка билан кўрсатиш, ёки берилаётган тарихий фактдаги пробелларни тўлдириш, тест топшириқларини бажаришни, крассвордларни ечиш каби топшириқларни қандай бажарганликларин катта экранда мультимедия ёрдамида туширилган жавоблар билан таққослаб билиб боришлари мумкин бўлади.

Таълим-тарбияга инновацион ёндашиш билан боғлиқ яна бир муҳим янгилик, 2017 йил 20 февралда, мамлакатимиз иқтисодиётининг инновацион ривожланишида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни бошқариш ва тартибга солишнинг ягона тизимини шакллантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг



ўрнини ошириш мақсадида “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди.<sup>22</sup> Ушбу қарорда кўрсатиб ўтилдики, илм-фаннинг таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси механизмларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – устувор вазифа қилиб белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, 2017 йил 8 февралда эълон қилинган, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида ҳам илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этишга таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилган.

Юқорида баён қилинган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, хулоса қилганда, таълим тизимининг барча босқичларида ижтимоий фанларининг назарий, педагогик ва психологик жиҳатларини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитишни ташкил қилиш орқали уларга инновацион ёндашишни таъминлаш мумкин.

## **PEDAGOGIKADA ONA TILI VA ADABIYOT FANINI O`QITISHDA INNOVATION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH MASALASIGA OID**

*S.Risliqova – Andijon viloyati Izboskan tuman 10-umumiy o`rta ta`lim maktab  
O`TIBDO`*

Bugungi kunda jadal rivojlanib borayotgan yurtimizda ta`limga bo`lgan e`tiborning yuqori darajada ekanligi, albatta, bizni quvontiradi. Xususan, umumiy o`rta va o`rta maxsus kasb-hunar ta`limining isloh qilinishi yurtimizda kelajak avlodning sifatli va samarali ilm olishi, ularning ma`naviy barkamol, intellektual rivojlangan shaxs qilib tarbiyalanishida muhim ahamiyat kasb etadi. Yurtimizda ta`lim tizimida yaratilayotgan shart-sharoitlar, keng imkoniyatlar bugungi kun o`qituvchisi rivojlangan xorijiy mamlakatlarning ilg`or tajribalari hamda ilm-fan va zamonaviy kommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan holda darslarni tashkil etishida ulkan samara bermoqda.

Har bir darsni maqsadli, reja bilan, ko`rgazmalilik asosida, zamonaviy yondashuvlarga tayanib AKTdan samarali foydalanib mavzuni o`quvchilar ongiga chuqur singdirishlik har bir fan o`qituvchisi oldiga qo`yilgan bugungi kun talabidir. Shu ma`noda o`quvchilarni ona tili va adabiyot darslariga qiziqtirishda turli

---


<sup>22</sup> Интернет маълумоти: <https://gov.uz/uz/news/view/9428545>

interfaol usullar va ilg`or texnologiyalardan foydalanganimizda katta yuksak natijalarga erishishimizni anglab yetamiz.

Vazirlar Mahkamasini 2017-yil 6-apreldagi 187-son “Umumiy o`rta ta`lim va o`rta maxsus, kasb-hunar ta`limining davlat ta`lim standartlarini tasdiqlash to`g`risida”gi qarori bilan tasdiqlangan, hamda Xalq ta`limi vazirining 2017-yil 3 iyundagi “Umumiy o`rta ta`limning davlat ta`lim standartlari talablari asosida takomillashtirilgan o`quv dasturlarini tasdiqlash va amaliyotga joriy etish to`g`risida”gi 190-sonli buyrug`i bilan tasdiqlanganligi ta`lim tizimida o`qitishga nisbatan tubdan yangicha yondashish zarurligini belgilab berdi.

Davlat ta`lim standartlarida o`quvchilarning o`zlashtirgan bilim, ko`nikma va malakalarini amaliyotga qo`llay olish, tayanch va fanga oid kompetensiyalarga ega bo`lish jihatlari shakllantirish va rivojlantirish alohida inobatga olinganligi e`tiborlidir. O`quvchilarning bilim va iqtidor egasi bo`lish bilan birga hayotda har bir faoliyatini amalga oshira oluvchi bo`lishi muhim sanaladi.

O`quvchilarni mustaqil fikrlashga o`rgatish, o`g`zaki nutqini o`stirish va fikrni yozma tarzda bayon etish uchun “Insho yozish nazariyasi” mavzusida “Klaster” usuli orqali mavzuni tushuntirish yaxshi samara beradi:



Adabiyot fanini o`qitishda “FSMU”, ”Bumerang”, ”Zanjir”, ”Zinama-zina”, ”Venn-diagrammasi”, ”Yelpig`ich” texnologiyalardan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Misol uchun xalq og`zaki ijodini o`rgatishda FSMU texnologiyasidan foydalanish yaxshi natija beradi. FSMU kengaytirilganda, F-fikrni bayon etish; S-sabab keltirish; M-misollar keltirish; U-umumlashtirish ma`nolarini anglatadi.

“Fikr”da o`quvchilar xalq og`zaki ijodi nima degan savolga to`laqonli javob berish uchun bir-birlarining fikrini to`ldiradilar. ”Sabab”da o`quvchilar o`z fikrlarini isbotlab beradilar. ”Misol”da xalq og`zaki ijodining barcha janrlaridan misollar keltiradilar. Masalan:

Oq ko`ylagim yengini so`kdim onam, yor- yor,  
Oq sutingga rozi bo`l ketdim onam, yor-yor,  
Oq miltiq, qora miltiq otgan otam, yor-yor,  
O`z qizini begonaga sotgan otam, yor-yor.  
O`z qizining o`rniga bodom eksin, yor-yor,  
Bodom shoxi qayrilsa, bolam desin, yor-yor.

#### **Vatan haqida maqollar:**

O`zga yurtda shoh bo`lguncha, o`z yurtida gado bo`l.  
Vataning tinch – sen tinch.

“Umumlashtirish”da xalq og`zaki ijodining nodir durdonalari hayotimizda nima uchun kerak yoki u bizga nima beradi, degan savollarga javob berish bilan

xalq og`zaki ijodining eng muhim qirralari ochib beriladi. Har bir texnologiyani qo`llashda o`qituvchi faoliyat jarayoniga turli metodlarni kiritishi va ushbu metodlarni qo`llashda o`quvchilarga yakkadan, umumiy tartibda topshiriqlar berishi, ijrosini erinmay nazorat qilishi muhim rol o`ynaydi. Rivojlantiruvchi ta`limning asosiy yo`nalishlaridan biri bo`lgan «IMEN» (ixtirochilik masalalarini yechish nazariyasi)ning asosiy tamoyillaridan biri bilimlarni umumlashtirish, moslashuvchanlik, uyg`unlik, yaratuvchanlik, tabiiylikka asoslanish, genetic va ijtimoiy jihatlariga muvofiq o`quvchilarning o`ziga xos shaxsiy xususiyatlarini hisobga olishdan iboratdir.

“Ikki qismli kundalik” texnologiyasi - pedagogik texnologiya bo`lib, yozma nutqni rivojlantiradi, o`rganilayotgan mavzu bo`yicha olingan tushunchalarni shaxsiy tajriba bilan bog`lashga imkon beradi.

Namuna:

5-sinf o`quv dasturida berilgan Oybekning “O`zbekiston” she`rini o`tishda mazkur texnologiya orqali she`rning mazmun va mohiyati oddiy yo`llar bilan o`quvchi ongiga singdiriladi:

Bir o`lkaki, tuprog`ida oltin gullaydi,

Bir o`lkaki, qishlarida shivirlar bahor.

Bir o`lkaki, sal ko`rmasa quyosh sog`inar,

Bir o`lkaki, g`ayratidan asabi chaqnar.

O`quvchilar ikkinchi bosqichga ko`ra, daftarlarini vertical chiziq bilan ikkiga bo`ladilar. Uchinchi bosqichga ko`ra chap tomoniga muallif g`oyalari – “oltin gullaydi”, “qishlarida shivirlar bahor” kabi, to`rtinchi bosqichga ko`ra o`ng tomonga o`quvchilar mazkur so`zlarning izohi bilan fikr yozadilar. O`quvchilar faoliyatini o`qituvchi diqqat bilan nazoratga olishi zarur. Ular bir o`quvchining fikrlash olami tushunchasi tahlili, bildirgan munosabati rag`batlantirilishi lozim. O`quvchining asosiy ish quroli kitobdir.

Adabiyot fani 6-sinf dasturida berilgan Tog`ay Murodning “Yulduzlar mangu yonadi” asari g`oyasini tushuntirishda “Nuqtai nazaring bo`lsin” usulidan foydalanish maqsadga muvofiq bo`ladi. Asar o`qib yakunlangach, o`qituvchi tomonidan berilgan savollarga o`z qarashlarini bildirib javob beradilar.

“Blits-so`rov” usulini barcha sinflarda har bir mavzuga mos ravishda savol-javob tarqatmalari ko`rinishida foydalanish mumkin. Ma`lum bir bo`lim, o`quv yilining bir choragida o`tilgan yoki konferensiya darslarida ushbu usul qo`llaniladi.

Savol-javob	A.Navoiy	U.Yugnakiy	Muxoriy	Bobur	I.Koshg`ariy	H.Hojib
“Qutadg`u bilig”						
“Al- adab al- mufrad”						
“Hibatul – haqoyiq”						
“Devonu lug`ot-it turk”						

“Xamsa”						
“Boburnoma”						

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Prezidentimiz ta’biri bilan aytganda “o`qituvchining asosiy vazifalaridan biri muayyan o`qish tizimini vujudga keltirishdan iborat. Bu tizimda birinchi navbatda, har bir o`quvchining o`quv ehtiyojlarini qondirilishi, bunda ularning mayllari, qiziqishlari va imkoniyatlarining hisobga olinishiga e`tibor qaratilishi lozim”. Buning uchun o`quvchilarning o`zlari mustaqil o`qishlari, o`qituvchi esa ularning o`quv mayllarini boshqarishlari kerak. Ushbu vazifani yechish uchun muayyan pedagogik texnologiyani qo`llash talab etiladi. Mazkur texnologiya o`quvchilarda mustaqillikning rivojlanishi, o`quv - biluv faoliyatini mustaqil boshqarish ko`nikmalarini shakllantirishga xizmat qilishi zarur.

### **ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР**

*Х.Сулаймонов-Андижон вилояти Избоскан тумани  
7-умумтаълим мактаби информатика фани ўқитувчиси  
Г.А. Набиева – АДУ, талаба*

Бугунги кун педагогларидан дарс жараёнини замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳамда ушбу технологиялардан самарали фойдаланишда ўзида кўникма шакллантириш талаб этилади. Шу боис бугунги кун ўқитувчисидан ўзининг АТ саводхонлиги ошириш, ўзи ўтаётган фанларига АТни тадбиқ этиш, электрон дарсликлардан самарали фойдаланиш борасида дарсларни ташкил этиш кўникмасини шакллантириш талаб этилади.

Ёшлар тарбиясида даврнинг хусусиятларидан келиб чиқиш зарур. Чунки, ҳар бир киши замон ва маконда яшайди, давр ва ижтимоий муҳит шахс шаклланишида асосий роль ўйнайди. Ҳозирги даврнинг асосий хусусияти бу – глобаллашув ва ўта ахборотлашган жамиятда яшаётганлигимиздир. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев сўзлари билан айтганда, “*Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимизга қўяётган бир-бирдан мураккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечими айнан таълим-тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз*”<sup>23</sup>.

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳатлар таълим тизими олдига ҳам катта вазифаларни қўймоқда. Бу ўқитувчи – педагоглар зиммасига катта масъулият юклаши билан бир

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табриги. “Маърифат”, 2017 йил 78-сон.

қаторда соҳага юксак малакали кадрлар етказиб беришни тақоза этмокда. Бундан англаш мумкинки, таълим тарбияга мутасадди бўлган педагог ходимларнинг ўзи ҳам билим ва салоҳият соҳибни бўлмоғи зарур.

Инсонпарварлик, тафаккурнинг ўрнатилиши ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги янгича ўзаро муносабатларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Бундай муносабатларнинг ўзига хос томонлари:

-таълим бериш ва тарбияда шахсга йўналтирилган йўлни амалга ошириш;

-аста-секин гуруҳли ўзаро алоқадан индивидуал алоқага ўтиш;

-ўқувчиларга қўйиладиган тўғридан-тўғри педагогик талаблардан маслаҳат, илтимос ва таклифларга ўтиш;

-коммуникатив иш фаолиятининг доимо назоратда бўлиши;

-ўқувчига унинг ривожланишидаги ёрдамни инсоний ва маданий муносабатларини тарбиялаш орқали вужудга келтириш.

Ҳар бир даврнинг таълим-тарбияни амалга ошириш йўлидаги ўз ютуғи бўлгани каби бугун даврнинг ютуғини ахборот коммуникация технологиялари тадбиқи мисолида кўришимиз мумкин. Мамлакатимизда ахборотлаштириш ва таълим соҳасида интернет ресурсларидан фойдаланиш юзасидан кўплаб Қонунлар ва қарорлар қабул қилиниб, амалда ижроси таъминланмокда.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган АТ бўйича қабул қилинган қарорлар ижроси юзасидан ҳозирда умумтаълим мактабларда қандай ишлар амалга оширилмокда ва галдаги қандай вазифаларни олдига мақсад қилиб қўймоғи лозим.

Бугунги кунда ахборот технологиялари саҳаси ўқитувчи учун керакли бўлган соҳалардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу соҳанинг янгилекларидан ўқитувчининг боҳабар бўлиб боришда уни ўзи тизимни ўзлаштиришдан манфаатдор. Шундай экан, умумтаълим мактабларида ўқувчиларига АКТ лардан унимли фойдаланиб дарс ўтиш ўқув мавзу режалар замон талабида ҳар тамонлама тўлиқ ва мазмун жиҳатидан аниқ йўналишларга қаратилган бўлиши зарур. Ҳозирги кунда мамлакатимизда таълимда ахборотлаштириш соҳасида жуда кўплаб ютуқларга эришди.

Шулар жумласидан:

Биринчи: Кўплаб умумий ўрта таълим матаблари янги замонавий технологиялар ва компьютер қурилмалари билан жиҳозланди.

Иккинчи: интернет тизимига уланган. Бу эса бутун жаҳон мамлакатлардаги янгилеклардан хабардор бўлиш имконини беради. Шунини такидлаб ўтишимиз мумкинки таълим муассаларида мавжуд бўлган ахборот технологияларини иш ва ўқув жараёнида максимал фойдаланиш давр талаби ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, ахборот тизимлари ва технологиялари йилдан-йилга инсон фаолиятининг турли соҳаларида янада кенг қўлланилиб борилмокда. Уларни яратиш, ишга тушириш ва кенг қўллашдан мақсад – жамият ва инсоннинг бутун ҳаёт фаолиятини ахборотлаштириш борасидаги

муаммоларини ҳал этишдир. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши уларни турли иқтисодий объектлар - корхоналар, ташкилотлар, миллий иқтисодиёт соҳаларидаги ахборот тизимларида фойдаланиши билан боғлиқ.

Мактаб тизимида уларни яратиш, ишга тушириш ва қўллашдан мақсад – ўқувчиларнинг бутун ҳаёт фаолиятини ахборотлаштириш борасидаги муаммоларини ўрганишдир. Ахборот ресурсларини оқилона ташкил этиш ва фойдаланишда улар меҳнат, моддий ва энергетик ресурслар эквиваленти сифатида намоён бўлади. Айни пайтда ахборот - бошқа барча ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уларни асраб-авайлашга кўмаклашувчи ягона ресурс туридир.

Азалдан ахборот деганда атроф – муҳит объектлари ва ҳодисалари, уларнинг ўлчамлари, хусусиятлари ва ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар тушунилади. Кенг маънода ахборот – инсонлар ўртасида маълумот айрибошлаш, одамлар ва сунъий қурилмалар ўртасида сигнал айрибошлашни ифода этадиган умуммиллий тушунчадир.

Малумки, умумтаълим мактабларида жамият ривожлангани сари иқтисодиёт, фан, техника, технология, маданият, санъат, тиббиёт кабиларнинг турли масалалари ҳақидаги мавжуд маълумотлар, ахборот захираларидан фойдаланишни ташкил этиш интеллектуал ва иқтисодий ҳаётга тобора кўпроқ таъсир кўрсатиши масалаларини тушинтириш орқали ахборий жараёни бутунги куннинг энг муҳим таълаби эканлиги кўрсатиб ўтилиши керак ва ахборотлашган жамият, масофавий таълим (МТ) тўғрисида маълумот бериш керак.

Ахборотлашган жамият – бу жамиятда барча фуқаролар, ташкилотлар ва давлатнинг ахборотга эҳтиёжини қондириш учун барча шароитлар яратилган бўлади, шунингдек, жамиятнинг кўпчилик аъзолари ахборот, айнама, унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва амалга ошириш билан банд бўлган жамиятдир.

Масофавий таълим (МТ)- бу ахборот ва коммуникация технологиялари – интернет, электрон почта, видео конференция, аудио, видео маълумотлар ва мультимедиа ўқув қўлланмаларига асосланган узоқдан туриб ўқитиш, ўргатиш усулидир. МТ да талабадан доимий фаолият - интерактив ўқитиш талаб этилади. Бу эса мутахассиснинг билими ва қобилиятини – сифат хусусиятларини оширади.

Бугун макталарда электрон дарсликлар воситасида ўқитишда ахборот ва ўргатувчи технологияларни қўллаш учун имконият яратилади. Шунингдек, электрон захиралар воситасида ўқитиш жараёнининг самарали ташкил этилиши ўқув мақсадларига эришишни таъминлайди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, агар ўқитиш жараёни яхши ташкил этилмаса, илғор педагогик ва ахборот технологиялари ҳам етарлича самара бермайди.

Бугунги кунда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кескин кучайганлиги учун ҳам ўқитувчига жуда катта ва турли-туман ахборот технологиялари билан ишлашга тўғри келади. Бу ўқитувчилардан

яна бир маҳоратни – ахборотлар орасидаги зарурини юқори билим ва ақл-идрок билан ажратиб олиш маҳоратини талаб этади. Педагоглар аниқ фанларни ўқитишда компьютердан фойдаланиш малакаларини ошириши ва билиши зарур. Шунинг учун ўқитувчилар меҳнати ва билимини ташкил қилиш бўлажак педагогнинг биргина ахборот технологиялари муҳитида ишлашга тайёргарлигини ташкил этиш. Бу муаммони ахборот технологияларини билиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш маъносига қараш; педагогнинг фикрини жамлаш, вақтини тежаш ҳамда ўқитиш методикасини ташкил этишга имкон берувчи ягона ахборот тизимига яқинлаштириш; ахборот технологияларидан фойдаланиб таълим беришга тайёрланиш ва ўтиш, бундай ўтиш ўқув курсларини ахборотли–компьютерли ҳолга ўтказиш; бирлашган ахборот ҳажмидаги ўқув жараёнини дастурий-методик таъминланишини тайёрлашни назарда тутати.

Демак, замонимиз шиддат билан ўзгариб борар экан, таълим соҳасида замон талабларига мувофиқ ва ўқитувчидан ўз фаолиятларини такомиллаштириб боришни талаб қилади. Бугунги кунда ўқитувчининг фақат билим беришигина эмас балки, ўқув фаолиятини бошқариш шунингдек янгилаш ва инновациялардан таълим жараёнида мохирлик билан фойдалана олиши асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, турли хил АКТ воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг усуллари ўқувчиларда фанлар бўйича берилаётган ахборотларни эгаллаш билан бирга уларни истаган пайтда қайта тиклаш ва ўзлаштириши асосий мақсад ҳисобланади. Бунинг учун ўқитувчилар замонавий информатиканинг имкониятлари билан танишган бўлишлари замонавий компьютер техникаси билан ишлаш учун зарур бўлган малакага эга бўлиши ва ушбу йўналишда педагогик маҳорат асосларини эгаллаган бўлишлари лозим.

## **ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАШҒУЛОТЛАРИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДАН Фойдаланиш**

*С.Д.Гаибназаров (доцент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ)*

*Д. Садикова (талаба, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ )*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонуни», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Давлат таълим стандартлари» да бозор муносабатлари шароитида ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларни билимли ва маънавий баркамол қилиб тайёрлаш муҳим вазифаси қўйилган.

Шу вазифаларни бажаришда ўқув дастурига киритилган барча фанлар қатори информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитиш ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Информатика ва ахборот технологиялари фанининг ўқув дастурлари ҳам худди шуни ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиб, уни юқори даражада муваффақиятли амалга ошириш учун ҳар бир машғулотга ижодий

ёндошишни талаб этади. Агар информатика ва ахборот технологияларида ўтилатган ҳар бир машғулотда ўрганилатган мавзу фақат дарсликдаги маълумотлар асосида тушунтириб қолинмасдан оммавий ахборот воситалари («Хабар» газетаси, илмий оммабоп журнал, радио, телевидение, фан ва технология янгиликларига оид интернет оммавий сайтлари)да шу мавзуга доир бериб борилаётган янгиликлардан ҳам фойдаланиб борилса, бу талабаларнинг ўтилатган мавзунини чуқур ва пухта ўзлаштиришларига, уларнинг шу фанга қизиқишларининг орттиришига, кундалик воқеа ва ҳодисаларга нисбатан кузатувчанлигининг ошишига; касбий билим олишда ёрдам беради. Таълим жараёнида жорий этилатган инновациялар натижасида талаба дунёқарашини ўзгартиради ва ақлий мушоҳада юритади.

«Мобил телефон - ўқитиш воситаси сифатида» мавзусини ўтишда хорижий мамлакатларни тажрибаси ҳақидаги маълумотлар ўқиб, айтиб берилиши, шунингдек ақли жихозлар ҳақида ўтилатганда кундалик «Ўзбекистон-24», «Ахборот», «Давр» ва бошқа телевидение дастурлари маълумотлари асосида ёритилиб борилиши мумкин. Машғулотларда «Информатика ва ахборот технологиялари» фанидан ўтилатган ҳар бир мавзуда оммавий ахборот воситалари маълумотларидан фойдаланиб бориш мумкин. Масалан, «Маълумотлар омборини бошқариш тизимлари» мавзусини ўтишда университетда тахсил олаётган талабалар ҳақидаги маълумотлар омбори, унга сўровлар бериш орқали янги маълумотлар олишни, электрон жадвалда кириш маълумотлари ўзгарганда ҳисоб-китоб ўзгаришини экранда яққол кўриши мумкин. Бу маълумотлардан турдош, яъни мутахассисликка яқин фанларга тегишли мавзуларни ўтишда ҳам фойдаланса бўлади. Бу мисоллар информатикани бошқа фанлар билан ўзаро узвий боғлиқлиги кўрсатилади. Информатика ва ахборот технологиялари курси ўрганилатганда «Ўқитишнинг мобил воситалари» мавзусини ўқитишда дарсликдаги маълумотлардан фойдаланиб қолмасдан, сўнгги йилларда мамлакатимизнинг таълим соҳасида эришган ютуқлари айтилади. Хитой, Хиндистон, Жанубий Корея, Россия дастурчилари эришган ютуқлари ҳамда таълимий ахборотларни айрибошлашнинг олиб бораётганлиги, унинг тўғрисида оммавий ахборот воситаларида берилаётган энг сўнгги илмий маълумотлардан фойдаланиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир машғулотда ўқитувчининг ишини енгиллаштириш, вақтдан унумли фойдаланишни таъминлаш, талабаларни машғулотга қизиқишини орттириш мақсадида аудиторияларда информатика ва ахборот технологияларидан ўтилатган мавзуларга доир оммавий ахборот воситаларида бериб борилаётган маълумотларни тўплаб борадиган «Ахборот гуруҳлари»ни ташкил қилиш, янги маълумотлар асосида фандан кўرғазмали намоёниш материаллари тайёрлаш жуда фойдалидир.

“Замонавий дунёда информатика ва ахборот коммуникацион технологиялари янгиликлари” усулидан фойдаланиб машғулот олиб бориш талаб қилинганда ўқитувчи мавзунини баён қилгандан кейин *ахборот гуруҳи* томонидан шу мавзуга бағишлаб тўпланган маълумотларни кўриш ва



эшитишни аудиториядаги талабаларга тавсия қилади ва буни ўзи кузатиб бориб, айрим жойларини тўлдириб боради. Информатика ва ахборот технологиялари машғулотларида таълимнинг бу усулидан фойдаланиш кўйидаги натижаларга олиб келади:

а) талабаларнинг мавзуга қизиқишларининг ошишига, фан бўйича билимларини ривожланишига таъсир кўрсатади;

б) информатика ва ахборот технологиялари фан ўқитувчиси машғулот жараёнида бу усул (blended learning – аралаш таълим)дан фойдаланиши мумкин ва ўрганилаётган мавзуга оид матнли, овозли, расмли, мультимедиали ва аудиовизуал ўқув материални чуқур ва мустақкам эгаллашга эришилади;

г) ҳар бир ўқитувчи аудиторияда мавжуд бўлган ўқитишнинг техник ва дастурий воситаларидан фойдаланиши мумкин;

д) талабани дунёқарашини кенгайтиради ва у АКТнинг янги самарали дастурий ва техник воситалари янгиликларидан бохабар топиб, ундан фойдаланиш йўллариини излайди ва шу мавзуда беихтиёр баҳс мунозара олиб борадилар. Бу эса мавзунини хотирада ёрқин мустақкамлашга хизмат қилади.

## РАЗРАБОТКА СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ ВОУ В ПРОЕКТИРОВАНИИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ СИСТЕМ

*Х.А.Халдаров (к.т.н., доцент, ТГПУ)  
Н.Алимарданова (магистрантка, ТГПУ)*

Решение проблемы в виде системы управления качеством образования является основной задачей во всех уровнях образования и она должно осуществляться на общегосударственном, отраслевом и образовательном уровне с учетом ресурсов всех входящих в структуру ВОУ.

Данная проблема требует от ее участников, работы во всех уровнях и разделах систем и подсистем образования не только ученых и исследователей, но и преподавателей для проведения контроля знаний ими выполняемой миссии в высших образовательных учреждениях.

Разработка и создание системы управления качеством образования является очень объемной работой, которая требует: проведение исследований в данной области, поиск путей ее решения, изучение путей оптимального управления и принятия решения, расчет и нахождение с использованием разных математических методов, разработки пакета программ направленные для определения качества образования.

Функцию управления качеством обучения с учетом следующих подсистем [4,5]:

$$K = (K_{\text{уч.пр.}}, K_{\text{экспертиза}}, K_{\text{уч.метод.об.}}, K_{\text{инф.обесп.}}, K_{\text{проф.преп.сост.}}, K_{\text{обесп.орг.культ.}}, K_{\text{знан.иностр.яз.}}, K_{\text{им.пр.обр.}}, \text{ИМ}, W_n),$$

где:

$K_{\text{уч.пр}}$  – подсистема, определяющая качество учебного процесса;

$K_{\text{экспертиза}}$ , - подсистема определяющая экспертизу учебного процесса;

$K_{\text{уч.метод.об}}$  – подсистема, определяющая качество учебно-методического обеспечения;

$K_{\text{инф.обесп}}$  – подсистема, определяющая качество информационного обеспечения;

$K_{\text{проф.преп.сост}}$  – подсистема, определяющая качество преподавательского состава;

$K_{\text{обесп.орг.культ}}$  – подсистема, определяющая качество педагогической эргономики;

$K_{\text{знан.иностран.яз}}$  – подсистема, определяющая качество знания иностранного языка обучаемых и учителей с учетом спецификации выпускаемых специалистов;

$K_{\text{им.пр.обр}}$  – подсистема, определяющая качество разработанной имитационной модели процесса обучения;

**ИМ** – подсистема, определяющая качество инновационного менеджмента, которая совершенствуется за счет новых методов, подходов, педагогической технологии и технической оснащенности и обеспеченности учебного процесса;

$W_n$  – элементы матрицы, которые участвуют в подсистемах TQM.UZ, логически и информационно взаимосвязанные в системе образования.

Предлагаемая нами разработка системы TQM.UZ [1], которая должна быть обязательным одним из разделов Электронного Правительства [2], которое определяет и рассчитывает качество образования с помощью выше приведённого «кортежа» [3,4], где оно связано с исследованием и определением качества образовательной системы.

Предлагаемая система тотального управления качеством Total Quality Management (TQM.UZ) (рис.1.) должна отвечать требованиям общества и синхронно функционировать в системе электронного документа оборота, учитывая совместимость с программой Электронное Правительство Республики [3],




